

Ўзбекистон тарихига оид манба ва тадқиқотлар

(XIX – XX аср бошлари)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН
ТАРИХИГА ОИД
МАНБА ВА
ТАДҚИҚОТЛАР**

(XIX–XX АСР БОШЛАРИ)

Тошкент
«Nurafshon business»
2022

303.02(575.1)“18/19”
60(5Ў)

3 67 **Ўзбекистон тарихига оид манба ва тадқиқотлар** (XIX–XX аср бошлари) [Матн]: монография / Масъул муҳаррир: Д.Х. Зияева. – Тошкент: Nurafshon business, 2022. – 456 б.

ISBN 978-9943-6044-2-1

УЎК: 303.02(575.1)“18/19”
КБК: 60(5Ў)

ЎзР ФА Тарих институтида 2016–2020 йилларда ЎзР Фан ва технологиялар Агентлигининг ОТ-Ф-1-135 рақамли “XIX–XX аср бошларида Ўзбек халқининг интеллектуал-маданий мероси: анъаналар ва трансформация жараёнлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида тайёрланган ушбу монографияда XIX–XX аср бошларида шарқ ва ғарб тилларида яратилган, ўзбек халқи тарихи ва маданияти масалалари ўз аксини топган маҳаллий ва хорижий асарлар, тарихий қўлёзмалар, махсус тадқиқотлар, экспедиция материаллари, даврий нашрлар, сафарномалар ҳақида маълумот берилади.

Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир:

т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева

Тақризчилар:

т.ф.д., проф. Г.А. Агзамова

т.ф.д., проф. С.С. Агзамхожаев

т.ф.д. Н.А. Мустафоева

ISBN 978-9943-6044-2-1

© Д.Х. Зияева, 2022.

© ЎзР ФА Тарих институти, 2022.

© Nurafshon business, 2022.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
-------------	---

I БЎЛИМ. МАҲАЛЛИЙ МАНБАЛАР

I БОБ. Хонликлар тарихига оид манбалар	12
1-§. Хива хонлигида тарихнавислик.....	12
2-§. Бухоро амирлиги тарихий манбалари	32
3-§. Қўқон хонлиги тарихий манбалари.....	55
4-§. Тарихнависликда янгича қарашлар ва ёндашувлар.....	79
II БОБ. Тарихий-адабий манбалар ва сафарномалар.....	108
1-§. Тазкиранавислик.....	108
2-§. Ҳажнома ва сафарномалар	116

II БЎЛИМ. РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ

I БОБ. Махсус тадқиқотлар	134
1-§. Дипломатик миссиялар материаллари	134
2-§. Ҳарбий экспедиция материаллари	155
3-§. Тафтиш материаллари	172
4-§. Йўл кўрсаткичлар.....	181
5-§. Статистика материаллари	189
II БОБ. Илмий тадқиқотлар ва тарихий асарлар	203
1-§. География жамиятининг тадқиқотлари	206
2-§. Қадимшунослик (археология) тадқиқотлари.....	218
3-§. Шарқшунослар фаолияти.....	233
4-§. Элшунослик (этнография) тадқиқотлари.....	245
5-§. Хонликлар тарихига оид асарлар	283

III БОБ. Даврий нашрлар ва тўпламлар материаллари	305
1-§. “Туркестанские ведомости” саҳифаларида Туркистон халқлари тарихи масалалари.....	305
2-§. “Туркистон вилояти газети” саҳифаларида минтақа тарихи масалалари.....	314
3-§. Матбуотда ислмушунослик ва ислму тарихи масалалари.....	320
IV БОБ. “Туркистон тўплами” материаллари	334

III БЎЛИМ. ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

I БОБ. Ғарб тадқиқотчиларининг асарлари	346
1-§. Француз тилидаги асарлар.....	346
2-§. Немис тилидаги тадқиқотлар	364
3-§. Инглиз тилидаги асарлар.....	381
II БОБ. Туркий ва шарқ тилларидаги асарлар	403
1-§. Турк-татар тилидаги тадқиқотлар ва саёҳатномалар.....	403
2-§. Турк-бошқирд тилидаги тадқиқотлар	420
3-§. Уйғур тилидаги асарлар.....	427
4-§. Эрон сафарномалари ва мемуарлари.....	437
5-§. Хитой манбалари.....	448

КИРИШ

Ўзбек халқининг интеллектуал меросини ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш, сақлаш ва келажак авлодга етказиш умумдавлат аҳамиятига молик бўлган масалалардан биридир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2017 йил 24 майда имзоланган “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда қайд этилганидек, Ўзбекистон худудида қадимдан шаклланган ва ривожланган илм-фан тараққиётини чуқур ўрганиш соҳанинг истиқболдаги тараққиёти учун хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк алломалар, қомусий олимлар ва мутафаккирлар етишиб чиққан диёрдир. Айниқса IX–XII асрлардаги Ренессанс, яъни Уйғониш даври ҳамда Амир Темур ва Темурийлар давридаги маданий юксалиш даврлари нафақат бутун минтақада, балки жаҳон илм-фани, маданияти тарихида чуқур из қолдирган давр бўлди. Бу даврда яратилган бебаҳо дурдоналар, бой интеллектуал мерос намуналари асрлар мобайнида жаҳон миқёсида илм-фан ривожига хизмат қилди ва интеллектуал мерос дурдоналари сифатида тан олинди, юксак баҳоланди.

Кейинги асрлардаги нисбатан турғунлик, сиёсий тарқоқлик ва биқиклик шароитида илм-фан соҳасида ҳам турғунлик, умумжаҳон ютуқларидан ортда қолиш яққол кўзга ташланди. Юзлаб мадрасалар барпо этилса-да, катта янгилик ва тараққиёт кузатилмади. Аммо бой маданий меросни сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида кўплаб хаттотлар меҳнат қилди, тарихий асарлар

битилди, мумтоз адабиёт ва санъат дурдоналари сайқал топди, меъморчилик ривожланди.

Бу даврда маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган манбалар таҳлилининг кўрсатишича, интеллектуал маданий ҳаётда табиий фанларга эътибор сусайиб, ижтимоий йўналиш анча кенгайди, тарих, бадиий адабиёт, тазкиранавислик, ҳажнома ва сафарнома каби йўналишларда кўплаб асарлар яратилди, таржимачилик, хаттотлик ривожланди, тиббиёт, астрономия, тарих, мумтоз адабиёт, халқ оғзаки ижоди, исломшунослик ва ислом таълимоти йўналишларида ўрта асрларда яратилган юзлаб асарлар қайта кўчирилди¹.

XIX асрнинг 60–70-йилларида минтақада мустамлакачилик тузумининг ўрнатилиши ҳамда сиёсий ва иқтисодий қарамлик шароитида, империя мақсадлари йўлида интеллектуал-маданий меросга талончилик, беписандлик сиёсати ҳам кузатилди ҳамда ушбу ҳолат унинг кейинги тақдирини катта хавф остига қўйди.

XX аср бошига келиб мусулмон ва туркий халқлар ижтимоий-маданий ҳаётида маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик ғояларининг ривожланиши, ўзаро мулоқотнинг кучайиши таъсирида минтақада зиёлиларнинг янги авлоди – жадидчилик ҳаракати намоёндалари етишиб чиқди.

Улар энг аввало тараққиёт негизи бўлган бошланғич таълим ислоҳотларига киришдилар, матбуот ва театр-га, драматургия, романчилик, публицистика, журналистикага асос солдилар. Тарихга, айниқса, яқин ўтмишга ҳамда замонавий ижтимоий-сиёсий воқеликка танқидий, таҳлилий ва ислоҳотчилик нуқтаи назаридан ёндаша бошладилар. Шу тариқа, ижтимоий тафаккурда, тарих

¹ Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX–XX аср бошлари). [Масъул муҳаррир т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева]. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2018. – Б.261.

ва адабиётда янги йўналишлар ҳамда янгича қарашлар шакллана бошлади. Уларнинг туб негизини ўзликни англаш, уни сақлаб қолиш, тараққиётга эришиш, ислохотчилик мақсадлари ташкил этар эди. Бу мақсадлар ўз даврининг барча илғор фикрли кишиларини қамраб олган бўлиб, интеллектуал-маданий меросни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг энг муҳим ғоявий асоси сифатида намоён бўла бошлади.

XIX–XX аср бошларида яратилган манбалар таҳлилининг кўрсатишича, бу даврда яратилган 100 дан ортиқ тарихий манбаларда, ўнлаб сафарнома ва тазкираларда, матбуот саҳифаларида чоп этилган юзлаб мақолаларда Ўзбекистоннинг яқин ўтмиш тарихи, ўша даврда кечган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, маданий ҳаётга оид жуда кўп масалалар ўз аксини топди. Гарчи бу манбалар у ёки бу даражада илмий муомалага киритилиб келинаётган бўлса-да, улар ҳозиргача яхлит бир тадқиқот доирасида ўрганилмади. Шу жиҳатдан, мазкур коллектив монографиянинг I бобида Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳамда Қўқон хонлигида анъавий тарихнавислик илдизларининг айрим жиҳатларини ёритиш билан бир қаторда, асосий эътиборни XIX–XX аср бошларида яратилган манбалар таҳлиliga қаратдик.

XIX аср ўрталаридан бошлаб минтақанинг Россия ва Британия империялари ташқи сиёсатида муҳим геостратегик аҳамият касб эта бошлаши муносабати билан Европада Марказий Осиёга қизиқиш кучайиб, Франция, Германия, Буюк Британия ва бошқа давлатлардаги илмий жамиятлар, ҳаваскор тадқиқотчилар, сайёҳларнинг ташрифи ва қизиқишлари фаоллашди. Бу ташрифлар натижаси ўлароқ, Европада Марказий Осиё ҳақида инглиз, немис ва француз тилларида ўнлаб монографиялар, сафарномалар, даврий нашрлар ва матбуотда юзлаб мақолалар ҳамда хабарлар чоп этилди. Бироқ уларнинг

асосий қисми ҳанузгача илмий муомалага киритилмай келмоқда.

Бу даврда Туркистон тарихига шарқда – мусулмон ва туркий оламда ҳам қизиқиш катта эди. Бу даврда ўлкага ташриф буюрган элчилар, сайёҳлар, тарихчилар, шарқшунос олимлар, маърифатпарвар зиёлилар томонидан туркий, форсий, хитой ва уйғур тилларида ўнлаб асарлар яратилди.

Хорижий тадқиқотчилар ва сайёҳлар ўз асарларида минтақа халқларининг табиати, захиралари, тарихи, этнографияси, археологияси, савдо ва алоқа йўллари, маданияти, иқтисоди, бу ердаги халқларнинг урф-одатлари, ташқи алоқалар, таълим ва бошқарув тизими каби масалаларга катта эътибор қаратдилар¹.

Айни пайтда минтақада рус илмий жамиятлари ва тадқиқотчиларининг фаолияти кенг қулоч ёзди. Стратегик мақсадларда бошланган ва олиб борилган юзлаб тадқиқотлар юзага келди. Уларда минтақа халқларининг табиати, тарихи, дини, маданияти ва урф-одатлари, этнографияси каби масалалар ўз аксини топди. Давр кўзгуси бўлган матбуот, журналлар, тўплам нашрларида мунтазам равишда мақолалар, илмий-оммабоп хабарлар чоп этиб борилди.

Эътиборингизга тақдим этилган мазкур монографияда XIX–XX аср бошларида минтақамиз тарихи, маданиятига бағишлаб маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар яратган илмий ва илмий-оммабоп асарлар, тарихий манбалар, сафарномалар, мемуарлар, матбуот материаллари илк бор тили ҳамда йўналишлари бўйича тизимлаштирилиб, тадқиқ этилди.

Тадқиқотда XIX–XX аср бошларида минтақада ва хо-

¹ Ўзбекистон худудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX–XX аср бошларида). [Масъул муҳаррир т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева]. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Академнашр, 2019. – Б.385.

рижда Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихига оид ўзбек, араб, форс, инглиз, немис, француз, рус, уйғур, татар, хитой тилларида яратилган жами мингдан ортиқ манбалар – тарихий қўлёзмалар ва адабиётлар, экспедициялар ва элчилик миссиялари материаллари, илмий жамиятлар ҳисоботлари ва нашрлари, тафтиш материаллари, мемуарлар, сафарномалар, статистика тўпламлари, даврий нашрлар мақолалари аниқланиб, тизимлаштирилди ва илмий муомалага киритилди. Шарқшунослик, этнография, археология йўналишларида олиб борилган илмий изланишлар, уларнинг илмий натижалари, янгиликлари ва тарихий маълумотлари ҳам имкон қадар тизимлаштирилиб, таҳлил этилди.

Асар тарихчилар ва кенг ўқувчилар оммасига тавсия этилади.

* * *

Муаллифлар жамоаси: “Маҳаллий манбалар” деб номланган I бўлимнинг “Хонликларда тарихнавислик” номли I бобидаги “Хива хонлигида тарихнавислик” – т.ф.д., проф. Д.Ҳ. Зияева ва PhD Қ.К. Якубов, “Бухоро амирлиги тарихий манбалари” – т.ф.н. О. Масалиева, PhD Н. Мирзаев, т.ф.д. проф. Д.Ҳ. Зияева, “Қўқон хонлиги тарихий манбалари” – т.ф.н. Ш. Маҳмудов, “Тарихнависликда янгича қарашлар ва ёндашувлар” т.ф.д., проф. Д.Ҳ. Зияева томонидан, “Тарихий-адабий манбалар ва сафарномалар” номли II бобидаги “Тазкиранавислик” – т.ф.н. Л.С. Холназарова, “Ҳажномалар ва сафарномалар” – т.ф.д. М. Исакова, PhD. Г. Таниева томонидан тайёрланди.

“Рус тадқиқотчиларининг асарлари” деб номланган II бўлимнинг “Махсус тадқиқотлар” номли I бобида “Дипломатик миссиялар материаллари” – т.ф.д., проф. Д.Ҳ. Зияева, “Ҳарбий экспедиция материаллари” – Л. Қодирова, “Тафтиш материаллари” – Ж.А. Перемкулов, “Йўл кўрсат-

кичлар” – т.ф.н. А.З. Тоғаева, “Статистика материаллари” – т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева томонидан тайёрланди.

Шу бўлимнинг “Илмий тадқиқотлар ва тарихий асарлар” номли II бобида “География жамиятининг тадқиқотлари” – Н. Қориева, “Қадимшунослик (археология) тадқиқотлари” – т.ф.н. Ф. Шомукарамова, “Шарқшунослар фаолияти” – т.ф.н. Д. Раджабова, “Элшунослик (этнография) тадқиқотлари” – т.ф.д., проф. У.С. Абдуллаев, т.ф.д., проф. А.А. Аширов, т.ф.д. С. Давлатова, т.ф.н. А. Маликов, PhD Б. Одилов, “Хонликлар тарихига оид асарлар” – т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева, PhD Қ. Якубов ва Н. Исмадова томонидан тайёрланди.

“Даврий нашрлар ва тўпламлар материаллари” деб номланган III бобнинг “Туркестанские ведомости” саҳифаларида Туркистон халқлари тарихи масалалари” – т.ф.д., проф. С.Б. Шодманова, “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида минтақа тарихи масалалари” – Н. Исмадова, “Матбуотда исломшунослик ва ислом тарихи масалалари” – PhD Н. Раҳимжонова томонидан, “Туркистон тўплами” материаллари” – т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева томонидан тайёрланди.

“Хорижий тадқиқотлар” номли III бўлимнинг “Ғарб тадқиқотчиларининг асарлари” номли бобида “Француз тилидаги асарлар” – PhD Д.Б. Расулова, “Немис тилидаги тадқиқотлар” – М. Якубова, “Инглиз тилидаги асарлар” В.Ю. Холов томонидан, мазкур бўлимнинг “Туркий ва шарқ тилларидаги асарлар” деб номланган II бобида эса, “Турк-татар тилидаги тадқиқотлар ва саёхатномалар” – т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева, “Турк-бошқирд шарқшунослари тадқиқотлари” – т.ф.н. М. Хўжаев, “Уйғур тилидаги асарлар” – т.ф.н. Ш. Қўлдошев, “Эрон сафарномалари ва мемуарлари” – т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева, “Хитой-манжур тилидаги асарлар” – т.ф.н. Ш. Қўлдошев томонидан тайёрланди.

І БҰЛИМ

**МАҲАЛЛИЙ
МАНБАЛАР**

I БОБ

ХОНЛИКЛАР ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАР

1-§. Хива хонлигида тарихнавислик

Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда қадимий цивилизация маркази, ўзбек давлатчилигининг энг қадимги намуналаридан бири бўлган Хоразмда тарихнавислик чуқур тарихий илдизларга эга. Буюк қомусий олим ва мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг X–XI асрларда яратилган “Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-холия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”)¹, “Ҳиндистон”², “Хоразм тарихи”³ ва “Машоҳири Хоразм” (“Хоразмнинг машҳур кишилари”)⁴ каби асарлари нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ мамлакатларида ҳам тарихий билимлар ривожида муҳим ўрин тутганлиги яхши маълум.

Хоразм тарихига оид манбалар ватан тарихшунослигида олимлар Қ. Муниров⁵, Б. Аҳмедов⁶ томонидан, сўнги йилларда эса Н. Тошев⁷, Н. Алла-

¹ Абу Райҳон Беруний. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1966.

² Абу Райҳон Беруний. “Ҳиндистон”. – Т.: Фан, 1965.

³ Абул-Фазл Байхаки. История Масъуда. Перевод с персидского А.К. Арендса. Издание второе. 1969. – С.807–817.

⁴ Носиров А. Асрлар яшаган ноёб китоблар // “Шарқ юлдузи” журнали, 3-сон, 1983 йил. 181–183-бетлар.

⁵ Муниров Қ. Огаҳийнинг илмий ва адабий фаолияти. – Т., 1959; Шу муаллиф: Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Т., 1960; Шу муаллиф. Хоразмда тарихнавислик (XVI–XIX ва XX аср бошлари). – Т., 2002.

⁶ Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари (Қадимги замон ва ўрта асрлар). – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б.213.

⁷ Тошев Н. Ҳасанмурод Лафасий. “Гулшани саодат” / Ўзбекистон тарихи хрестоматияси. 4-жилд. – Т., 2014. – Б.37–42; Тошев Н.Т., Бўриев О.Б. Жаллолиддин Мангуберди. – Т., 1999; Ан-Насавий. Султон Жаллолиддин Мангуберди. – Т., 1999; Ish Murad B. Adina Muhammad Al-'alavi: Jamshidi Tavayifi

ева¹, У. Абдурасулов² Ҳ. Назирова³, хорижий тадқиқотчилардан П. Сартори⁴, Ш. Акифуми⁵ каби мутахассислар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Айниқса, мазкур тадқиқотлар орасида сўнгги йилларда нашр этилган ишларни алоҳида қайд этиш ўринлидир. Қўлёзма асарлардан турли назария ва ёндашувларни асослаш ҳамда ёритишда ҳам кенг қўлланилди. Масалан, легитимация назарияси тарихшунослиқда ўзига хос йўналиш сифатида шаклланди⁶ ҳамда Хива хонлиги оид

Fathi (the Subjugation of the Jamshidis). Nuryoghdi Toshov (ed.), Austrian Academy of Sciences Press, 2018. – P.11–13.

¹ Allaeva N. The Shajara-ye Turk as an Important Source on the History of Relations between Khiva and Its Neighbors Nigora Allaeva // Journal of Persianate Studies, № 7 (2014). – P.55–87; Шу муаллиф. Абулғозихон ҳақида яна бир сўз // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006. №3. – Б.229–231; Шу муаллиф. “Взаимосвязи Хивинского ханства с Ираном в XVI–XVIII вв.”. Автореферат дисс. на соискание ученой степени канд. ист. наук. – Т., 2007.

² Абдурасулов У. От Арабшахидов к Кунградам: динамика и политический ландшафт Хорезма в период правления двух династий // O‘zbekiston tarixi, №2 (2013): – Б.17–32; Шу муаллиф. В Хиву в поисках справедливости: церемония “арзод” в Хивинском ханстве // O‘zbekiston tarixi, №2 (2015). – Б.27–39.

³ Назирова Х. XIX аср Хива хонлиги солномаларида ҳижрий ҳисобнинг қўлланилиши // O‘zbekiston tarixi, 2017. №4. – Б.15–24.

⁴ Sartori P., Abdurasulov U. “Take Me to Khiva: Sharīa as Governance in the Oasis of Khorezm (19th–Early 20th Centuries)”. Islamic Law and Society 24. 1–2 (2017); Sartori P. On Khvārazmian Connectivity: Two or Three Things that I Know about it // Journal of Persianate Studies, №9 (2016). – P.133–157.

⁵ Akifumi Sh. Povорот and the khanate of Khiva: a new canal and the birth of ethnic conflict in the Khorazm oasis, 1870–1890 s // Central Asian Survey, №2 (2014). – P.232–245.

⁶ Мазкур назария дастлаб Бухоро амирлигининг манғитлар сулоласи дастлабки тўрт ҳукмдори тарихини ёритишда олима Анке фон Кюгелген томонидан қўлланилди. Хусусан, у томонидан 6 турдаги легитимация тусунчалари тавсифи ҳамда уларнинг мазкур сулола илк вакиллари сиёсий ва маданий фаолиятидаги турлича намоённи таҳлил этди. Кейинчалик мазкур назария орқали Қўқон хонлиги тарихи ёритилди. Қаранг: Кюгельген А. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX вв.). – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. 514 стр; Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Ташкент-Токио: Yangi nashr, 2010. – 744 с. Levi S. C. The Rise and Fall of Khoqand: Central Asia

сарой муаррихлари асарларининг ёзилиш сабаблари илм-фан ва маданий соҳани қўллаб-қувватлаш орқали легитимацияга эришиш услуги сифатида талқин этилди¹. Шунингдек, Бухоро тарихшунослигида содиқлик, минтақалар тарихи ёки тарихий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги² каби назариялар қўлланилган³ бўлса-да, бироқ уларнинг маҳаллий қўлёзма асарларни жалб этган ҳолда Хива хонлиги тарихидаги талқини борасида тадқиқотлар яратилгани йўқ.

Абу Райҳон Беруний ва бошқа қомусий олимлар томонидан яратилган асарлар, бой маданий мерос XIII аср бошида мўғуллар истилоси натижасида катта зарбага учради. Истило жараёнида минглаб одамлар ҳалок бўлиб, шаҳарлар, мадрасалар вайронага айланди, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт издан чиқди.

Бу жараёнлар тарихи шу даврнинг ўзидаёқ (1220–1221 йиллар) Хоразмда Нисо вилоятининг ҳокими, мўғуллар истилосига қарши курашлар иштирокчиси (1220–1224 йиллар), Жалолiddин Мангубердиннинг шахсий котиби (1224–1231 йиллар) сифатида фаолият юритган Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг араб

in the Global Age, 1709-1876. Pittsburgh: University of Pittsburgh Press, 2017. P.1-127.

¹ Szuppe M. Dispositions pédagogiques et cursus scolaire à Khiva: Un *waqf-nāma* de fondation de *madrassa*, 1214/1799–1800 / Écrit et culture en Asie centrale et dans le monde turco-iranien, X^e-XIX^e siècles. – Paris: Peeters, 2009. – P.251–284; Muḥammad Riẓā Mirāb Aḡāhī. *Jāmi' al-Vāqī'āt-i Sulṭānī*. Edited in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryagdi Tashev. – Samarkand–Tashkent, 2012. – 332 pp.

² Инглиз тилидаги “connectivity” сўзи ва унинг қисқача мазмуни ўзбек тилида шартли равишда берилляпти.

³ Welsford T. Four Types of Loyalty in Early Modern Central Asia The Tūqāy-Timūrid Takeover of Greater Mā Warā al-Nahr, 1598–1605 (Brill's Inner Asian Library). Volume 27. 2012. – 388 pp; Levi S. C. The Bukharan Crisis: A Connected History of 18th Century Central Asia (Central Eurasia in Context). University of Pittsburgh Press, 2020. – 192 pp.

тилида битилган “Сийрат ал-Султон Жалол ал-Дин Менгбурни” (“Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти”) номли асарида ўз аксини топди¹.

Асарда муаллиф Чингизхоннинг ҳокимиятга келиш тарихи ва ҳарбий юришлари, мўғулларнинг Ўрта Осиёга бостириб кириши, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қочиб кетиши, Туркон Хотун ва унинг Хоразмшоҳлар давлати сиёсий ҳаётида тутган ўрни, Султон Жалолиддиннинг ҳокимиятни ўз қўлига олиб, мўғулларга қарши олиб борган мардонавор курашлари, Мовароуннаҳрда Чингизхон босқинининг даҳшатли оқибатларини ёритишда бевосита ўзи гувоҳ бўлган ва иштирок этган тафсилотлар, бошқа иштирокчилар гувоҳликлари ҳамда Хоразмшоҳлар девонида масъул вазифаларда ишлаган кишилардан олинган маълумотлар асосида ёритиб берган². Ушбу асар нафақат Марказий Осиё, балки Яқин ва Ўрта Шарқ, Кавказ мамлакатларининг мўғуллар истилоси давридаги ижтимоий-сиёсий аҳволига оид жуда кўп тарихий маълумотларга эга бўлган қимматли манба эди³. Ушбу асар XIII аср охирларида форс тилига таржима қилинган, XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада бир неча марта француз тилида⁴, XX асрда

¹ Шихаб-Дин Муҳаммад ибн Аҳм’ад ан-Насави. Сират ас-султан Джалал ад-Дин Манкбурни (Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурни). Критич. текст, пер. с араб., предисл., коммент., примеч. и указ. З.М. Бунятова. – М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 1996. – 804 с. (Памятники письменности Востока. СУП).

² Бўриев О., Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди (Даври. Саркардалик фаолияти. Манбалар.). – Т., 1999. – Б.30–32, 55–57; Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. Камол Матёқубов таржимаси. – Т., 2006. – Б.384.

³ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б.112–113.

⁴ Histoire du Sultan Djelal ed-Din Mankobirti, Prince du Kharezm by Muḥammad ibn Aḥmad Nasawī; Octave Victor Houdas. French. 1891. Paris: E.Leroux.

Эронда¹, Туркияда, Озарбайжонда турк ва рус тилларида чоп этилди.

XVI асрга келиб шайбоний ҳукмдорларидан бўлмиш Эш султон буйруғи билан Хоразмда Илбарсхон саройида мунший лавозимида фаолият олиб борган Ўтамиш Ҳожи “Чингизнома” (“Тарих-и Дўст Султон”) асарини туркий тилда яратди². Мазкур асар муаллифи Хоразм, Каспий денгизи соҳилидаги юртлар ва Волганинг қуйи оқимида жойлашган вилоятлар бўйларидаги ҳудудларни кезиб, жуда кўп жуғрофий ва тарихий маълумотлар, кекса ва билимдон кишиларнинг хотиралари, ривоятларни тўплади. Уларни танқидий таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида Олтин Ўрда хонлари, Чингизхон ва унинг ўғилларининг тақдири, бу даврда минтақадаги аҳволни ёритувчи қимматли асар яратишга муваффақ бўлди.

XVII асрнинг иккинчи ярмига келиб Хива хонлигида ҳукмронлик қилган Абулғози Баҳодирхон (1603–1663) Хоразмнинг ўзига қадар бўлган давр тарихи ва XVI–XVII асрлар воқеалари ўз аксини топган “Шажарайи тарокима” (1661), “Шажарайи турк ва мўғул” (1664) номли нодир асарларини яратди. “Шажарайи турк” асарида³ Хоразмнинг энг қадимдан бошлаб то XVII асрнинг 60-йилларигача бўлган тарихи, “Шажарайи тарокима” (“Туркманлар шажараси”) асарида туркий қабилалар, шу жумладан, туркман халқи ва уруғларининг келиб

¹ ناصح، علی گشته ادیب بارع ذولیبائین نور الد بن محمد زیدری نسوی؛ ترجمه علی ناصح؛ Muḥammad ibn Aḥmad Nasawī; ‘Alī Nāṣiḥ. علی ناصح - کتابفروشی محمد علی علمی - Tihraṅ: Kitābfurūshī-i Muḥammad ‘Alī ‘Ilmī, 1364 [1944].

² Shīr Muḥammad Mīrāb Mūnis and Muḥammad Rīzā Mīrāb Āgahī, Firdaws al-iqbāl. History of Khwarazm by Shīr Muḥammad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Agahi. Translated from Chaghatay and Annotated by Yuri Bregel. – Leiden-Boston-Köln, 1999. Introduction, XIII.

³ Ахмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б.169–171.

чиқиш тарихи¹ жуда кенг турдаги манбалар – ривоят ва ҳикоялар, афсоналар, ўғуз-туркманлар тўғрисидаги, Дада Қўрқут ҳақидаги эртак ва афсоналар асосида ёритилади. Ушбу асарлар нафақат тарихий, балки бадиий ва мемуар асар сифатида XVII–XIX асрлардаёқ жаҳон илмий жамоатчилигининг эътиборини тортиб, кўп тилларга таржима қилинган. “Шажарайи турк” асари XVIII асрдан бошлаб бир неча марта немис, француз, инглиз, рус, турк тилларида, шунингдек, лотин, татар тилларида таржима қилиниб, нашр этилди.

Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки йиллардаёқ “Шажарайи турк” асари Қ. Муниров ва Қ. Маҳмудов томонидан², “Шажарайи тарокима” асари эса, Қ. Маҳмудов томонидан³ ўзбек алифбосидаги табдили нашр этилди.

Абулғозихон Баҳодирхоннинг Хоразм тарихи бўйича асарлар ёзиш тажрибаси атоқли тарихнавис олимлар Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баёний каби муаррихлар томонидан давом эттирилди.

Мунис Хоразмий (1778–1829) тахаллуси билан танилган Амир Авазбий ўғли Шермуҳаммад нафақат тарихнавис олим, балки моҳир таржимон, шоир, хаттот ва маърифатпарвар шахс эди. У араб, форс, туркий халқлар адабиёти ҳамда мумтоз мусиқани, моҳир хаттот сифатида куфий, райҳоний, хатти шикаста каби хатларни ҳам яхши ўзлаштирган бўлиб, ўттиз йилдан ортиқ ижод қилган. Айни пайтда у ўз ота-боболаридан мерос бўлиб

¹ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Т., 2003. – Б.24–26.

² Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. Нашрга тайёрловчи: т.ф.н. Қ. Муниров., ф.ф.н. Қ. Маҳмудов. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б.5–6.

³ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. Нашрга тайёрловчи: ф.ф.н., Қ. Маҳмудов. – Т., Чўлпон, 1995.

келган сулолавий касб – мироблик билан ҳам шуғулланган. Бу ҳақда у “Арналар” номли рисола ҳам яратган. Рисолада Амударё воҳасида мироблик касби, деҳқончилик тарихи, сув учун бўлган урушлар тарихи билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий воқеаларга оид муҳим маълумотлар ўрин олган.

Хива хони Элтузархон (1804–1806) топшириғи билан Мунис Хоразмий ўзининг “Фирдавс ал-иқбол” номли муҳим тарихий асарини яратади¹. Асарда муаррих Хоразмнинг қадимий тарихи, Хива хонлигидаги сулолалар, сиёсий жараёнлар тарихи, хонликнинг туркман ва қорақалпоқ халқлари билан бўлган муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт, Бухоро, Қўқон хонликлари, Россия билан олиб борилган дипломатик ва савдо-сотик муносабатлари, хонликдаги суғориш, солиқ, қурилиш ишлари, ўша даврда яшаган олимлар, шоирлар ҳаёти ва ижоди каби масалаларга оид қимматли маълумотларни келтиради.

Дастлаб асар 1813 йил воқеалари баёни билан тугайди, боиси 1819 йилда хон Мунисга Мирхонднинг машхур “Равзат ал-сафо” номли тарихий асарини ўзбек тилига таржима қилишни буюрган. Шу муносабат билан Мунис “Фирдавс ал-иқбол” номли асарини ёзишдан тўхтаб, “Равзат ал-сафо” асарининг биринчи жилдини ўзбек тилига таржима қилган, иккинчисини давом эттираётиб, 1829 йилда вафот этган².

1831–1832 йилларда Хива шаҳрида Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хивақий томонидан амир Раҳмонқули иноқ

¹ Shīr Muḥammad Mīrāb Mūnis and Muḥammad Riẓā Mīrāb Āgahī, *Firdaws al-iqbāl. History of Khwarazm* by Shīr Muhammad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Agahi. Translated from Chaghatay and Annotated by Yuri Bregel. – Leiden-Boston-Köln, 1999. Introduction, xxv.

² Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик: (XVI–XIX ва XX аср бошлари). – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б.33–35.

топшириғи билан “Дили ғаройиб”¹ асари яратилади. Худойберди ибн Қўшмухаммад араб, форс, турк тилларини мукаммал билган, кўплаб тарихий, географик асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Унинг “Дили ғаройиб” асари туркий (чиғатой) тилида ёзилган бўлиб, муаллиф ўз давригача ёзилган 20 дан ортиқ манбаларга, хусусан, “Мажмаат ал-ажойиб”, “Равзат ал-аҳбоб”, “Равзат ал-сафо”, “Таворихи муътабар”га мурожаат этган ва Ҳофизи Абрўнинг “Тарих” асаридан унумли фойдаланади².

Асарда Хоразм вилояти, Хуросон, Термиз шаҳарлари, уларнинг жойлашган ўрни, одамлари, ҳайвонот олами, аҳолисининг ажойиботлари, урф-одат ва анъаналари, кийим-кечаги, озиқ-овқати, уйлари, тарихи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиати ва табиий шарт-шароити, геодезия, доришунослик масалаларига оид маълумотлар келтирилган. Тарихий маълумотлар билан бир қаторда турли ривоятлар, афсонавий мавжудотлар ҳақидаги тасаввурлар, шунингдек, коинот жисмлари, ер юзидаги ҳар хил мўъжизалар, аниқ тарихий шахслар, ҳудудлар, шаҳарлар, дарёлар, тоғлар, чўллар таърифи ҳам келтирилган. Ушбу асар асосида XIX асрда хоразмликларнинг олам тузилиши тўғрисидаги диний-дунёвий қарашлари қандай бўлганлигини аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Хива хонлиги ҳукмдори Оллоҳқулихон (1825–1842) тахтга ўтиргач, 1839–1840 йиллар оралиғида Муниснинг шогирди Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийга

¹ Дили ғаройиб. ЎзР ШИ №1335 (266 ыарақ); №853/1 (172 ыарақ). Бу ҳақда қаранг: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Т., 2003. – Б.64–66.

² Полвонов Н. XIX асрда Хоразмдаги оламнинг тузилиши тўғрисидаги диний-дунёвий қарашлар ёхуд “Дили ғаройиб” асарининг қўлёзмаси ҳақида // Марказий Осиёда интеллектуал мерос: анъаналар ва инновациялар (XIX–XX аср бошлари). Илмий тўплам (Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Д.Ҳ. Зияева). 2018. – Б.26–31.

(1809–1874) Мунис Хоразмий бошлаб қўйган ва 1813 йили воқеалари баёни билан тўхтаган “Фирдавс ал-иқбол” асарини давом эттиришни буюрган¹.

Огаҳий Хоразм адабий муҳитининг йирик сиймоларидан бири бўлиб, отаси вафот этгач, тоғаси Мунис тарбиясида вояга етган. 1829 йил Мунис вафот қилгандан кейин Олоҳқулихон унинг ўрнига Огаҳийни бош мироблик вазифасига тайинлаган эди.

Огаҳий нафақат “Фирдавс ал-иқбол” асарини², балки Мирхонднинг “Равзат ал-сафо” асарининг туркий тилидаги таржимасини (Мунис Хоразмий бошлаб қўйган) ҳам яқунлашга муваффақ бўлади.

“Фирдавс ал-иқбол” асари нафақат Хоразм тарихи, балки минтақада яшаган ўзбек, тожик, қozoқ, туркман, қорақалпоқ, эрон, афғон халқларининг келиб чиқиш тарихининг айрим жиҳатлари ҳамда улар маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзига оид муҳим тарихий маълумотларга эга.

Огаҳий Хоразм тарихнавислик анъаналарини давом эттириб, Хива хонлигининг кейинги даврлари тарихига бағишланган бир қатор асарлар яратди. Унинг асарлари Хива хукмдорлари тарихини 1874 йилгача давом эттирган эди. Хусусан, “Риёз ал-давла” (1844) асари – Олоҳқулихон даврига, “Зубдат ал-таворих” (1846) асари – Раҳимқулихон даврига, “Жомеъ ал-воқеоти Султоний” (1856) – Муҳаммад Аминхон даврига, “Гулшани давлат” (1865) – Сайид Муҳаммадхон, Абдуллахон ва Қутлуғ Муродхон даврларига бағишланган. Унинг “Шоҳид ал-иқбол” (“Иқбол шоҳиди”) асари Муҳаммад Раҳимхон Феруз хукмронлигининг дастлабки даври ҳақида бўлиб,

¹ Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик: (XVI–XIX ва XX аср бошлари). – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б.36.

² Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. – Т., 2010. – Б.467.

Хива хонлиги тарихининг XIX асрини узвий изчилликда ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этади¹. Зеро, Огаҳий Хива тахтига кетма-кет келиб кетган саккиз хон ҳукмронлиги даврида яшаб, ҳарбий юришлар, тарихий воқеалар гувоҳи бўлди ва уларни ўз асарларида акс эттиришга ҳаракат қилган.

Масалан, “Зубдат ал-таворих” асарининг биринчи қисмида Раҳимқулихоннинг туғилиши, илм ўрганиш ва ҳарбий маҳорат эгаллаш йулидаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек, бўлғуси хоннинг Ҳазорасп ҳокими сифатида олиб борган фаолияти бадий шаклда муфассал баён қилинади². Асарнинг иккинчи қисмида Раҳимқулихоннинг салтанат тахтига ўтирган кунидан то вафотига қадар содир бўлган воқеалар ўз аксини топган³. Унда Хива ҳукмдори Раҳимқулихон эзгу фазилатлар соҳиби сифатида улуғланади, унинг кўплаб илмларни эгаллагани, фуқароларга шафқатли эканлиги ва умуман, Хива хонларининг маърифатли бўлганлиги, адабиёт ва санъат, илму хунар ривожига алоҳида эътибор бергани таъкидланади.

Огаҳийнинг асарларида маҳаллий халқларнинг ижтимоий тарихи ва ҳаёти, кундалик машғулоти, масжид, мадрасаларнинг қурилиши, сиёсий воқеалар – халқ кўзғолонлари, урушлар тарихи ҳамда тарихий шахслар – олимлар, шоир-ёзувчилар ҳақида ниҳоятда қизиқарли маълумотлар келтирилган. Асарлар матни назм ва наср уйғунлигида ёзилганлиги билан характерлидир. Ҳар бир тарихий воқеа бадий тарзда баён қилинган бўлиб,

¹ Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари. – Т.: Фан, 1960.

² Zubdat al-Tavārikh. Edited in the original Central Asian Türkî with an Introduction and Notes by Khilola Nazirova. – Tashkent-Samarkand: IICAS, 2016.

³ Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдат ут-таворих / Нашрға тайёрловчи ва сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Н. Жабборов. – Т., 2009. – Б.183.

ҳар бир воқеа тасвири ва руҳига мос равишда шеърий парчалар, маснавий, қитъа, байт, рубоийлар улардан ўрин олган.

Огаҳийнинг тарихий асарлари хонликнинг иқтисодий аҳволи, қишлоқ хўжалиги, суғориш тизими, шаҳарлари, илм-фан ва маданият, давлат бошқаруви ва ҳукмдорлари ҳақидаги фактларга ҳамда география, этнографияга оид маълумотларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Ушбу асарлар нафақат Хоразмда, балки бутун Ўрта Осиёдаги тарихнавислик фани тараққиётига катта ҳисса қўшди. Зеро, ушбу асарларда нафақат минтақа, балки қўшни давлатлар билан алоқадор воқеалар тарихи ҳам кенг ўрин олган эди.

Огаҳийнинг тарихий асарлари академик В.В. Бартольд, шарқшунос-тарихчи олимлар П.П. Иванов, А.Ю. Якубовский, С.П. Толстов, Я.Ғ. Ғуломов ва Қ. Мунировлар томонидан юксак баҳоланди. Хусусан, В.В. Бартольднинг қайд этишича, “Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар... воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган далилий манбаларнинг кўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича мавжуд ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қолдирар эди¹.

Муҳаммадризо Огаҳий жуда сермаҳсул ва серқирра олим эди. У йирик шеърий девон ва олти тарихий асар яратиш билан бирга таржимачилик соҳасида ҳам сермаҳсул ижод қилган. Огаҳий жами 19 та бадий, тарихий ва бошқа жанрлардаги асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган². Яна бир усмонли турк

¹ Бартольд В. Сочинения. II том. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – С.285–286.

² Muḥammad Riẓā Mīrāb Āgāhī. Jāmi' al-Vāqī'āt-i Sulṭānī. Edited in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryagdi Tashev. – Samarkand–Tashkent, 2012. Introduction, xv.

тилидаги асарни ўзбек тилига ўгирган. Жами 27 та асардан 23 таси кўплаб нусхаларда бизгача етиб келган.

XIX аср ўрталарида Саййид Муҳаммадхон (1853–1864) буюртмаси билан Хива хонлиги Кўнғиротлар сулоласи тарихини ёритишга Эшмурод ибн Одина Муҳаммад ал-Алавий исмли муаррих ҳам киришади. Эшмурод ибн Одина Муҳаммад ал-Алавий томонидан яратилган “Жамшиди тавойифи фатҳи” номли асарда Оллоҳқулихон ҳукмронлиги даврида тахт вориси Раҳимқулихон бошчилигида 1841–1842 йилларда Хуросонга амалга оширилган ҳарбий ҳаракат натижасида жамшидий жамоаларининг Хоразмга кўчирилиш тарихи ёритилади¹.

Эшмурод ибн Одина Муҳаммад бундан ташқари “Тарихи Саййид Муҳаммадхони”, “Тарихчайи Муҳаммад Яъқубхўжа” каби асарларни ҳам яратган. Саййид Муҳаммадхон топшириғига кўра, 1278/1861–1862 йилларда ёзилган “Тарихи Саййид Муҳаммадхони” номли асарда Хива ҳукмдорларидан Элтузархоннинг (1804–1806) ҳукмронлигидан бошлаб то Саййид Муҳаммадхоннинг (1855–1864) тахтга келишигача бўлган давр тарихи ёритилади². Унинг “Тарихчайи Муҳаммад Яъқубхўжа” номли асари эса Хива хони Саййид Муҳаммадхоннинг ҳукмронлик қилган давр тарихига бағишланади (асарнинг номи шартли равишда К.Г. Зелеман томонидан шундай берилган)³.

¹ Ish Murad B. Adina Muhammad Al-'alavi: Jamshidi Tavayifi Fathi (the Subjugation of the Jamshidis). Nuryoghdi Toshov (ed.), Austrian Academy of Sciences Press, 2018. – P.11.

² Дмитриева Л.В. Каталог тюркских рукописей института Востоковедения Российской академии наук. – М., 2002. – С.44.

³ Батафсил қаранг: Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей института народов Азии. Т. 1. – М.: История, 1965. – С.113; Ish Murad B. Adina Muhammad Al-'alavi: Jamshidi Tavayifi Fathi (the Subjugation of the Jamshidis). Nuryoghdi Toshov (ed.), Austrian Academy of Sciences Press, 2018. – P.19–21.

Худди шу даврда Хивада Оллоҳмурод Аннабой ўғли исмли муаррих томонидан “Аланқува ва Шайбонийхон тарихи” номли асар яратилган¹. Асарда туркий халқларнинг афсонавий қаҳрамони Ўғузхон давридан то Шайбонийхоннинг ҳукмдорлиги тугагунга қадар даврда Хоразм, Дашти қипчоқ ва Туркистон тарихи ўз аксини топган². Унда қўнғиротлар, Чингизхон, Шайбонийхон ва Абулхайрхон даври тарихи ёритилган.

Хоразм тарихига оид асарлар ёзишга киришган тарихчилардан бири Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг укаси Саййид Ҳомид тўра – Комёб (1861–1922) эди.

Саййид Ҳомид тўра ибн Саййид Муҳаммадхон тўра (Комёб унинг адабий тахаллуси) 1865 йили отаси Саййид Муҳаммадхоннинг вафотидан сўнг акаси Муҳаммад Раҳимхон тарбиясида вояга етган. Арабмуҳаммадхон мадрасасида ўз даврининг етук олимларидан турли фанлар бўйича таҳсил олган. Унинг билим доираси ва дунёқарашининг кенгайиши, шоир ва тарихчи бўлиб етишишида сарой муҳити, шоир ва мусиқа билимдонлари иштирокида бўлиб ўтадиган адабий кечалар, шеърхонлик анжуманлари ҳамда мусиқа базмларига мунтазам қатнаши алоҳида аҳамият касб этган.

Комёбнинг тарихий асарлари ва эсдаликларида дипломатия, фан, таълим, маданият, адабиёт каби соҳалар тарихига доир қимматли маълумотлар ўрин олган. Комёб Хоразм тарихига оид “Таворих ал-хавонин”, “Мунтахаб ал-воқеот” каби бадиий-тарихий асарлар, шунингдек, XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразмда юз бер-

¹ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Т., 2003. – Б.57–58.

² “Аланқува ва Шайбонийхон тарихи”. ЎзР ФА ШИ №537/4347, 99 варақ. Бу ҳақда қаранг: Б. Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Б.58. Шунингдек, Собрание восточных рукописей Академии Наук Республики Узбекистан. История. – Т.: ФАН, 1998. – С.193–194.

ган табиат ўзгаришлари тўғрисида маълумот берувчи эсдаликларини ёзиб қолдирди.

Комёб ўзининг “Таворих ал-хавонин” номли¹ Хива хонлари тарихига бағишланган асарини Абулғозийхон асарлари услубида ёзишга ҳаракат қилган.

Асар 1886–1894 йиллар давомида ёзилган бўлиб, маҳаллий тарихнавислик анъаналарига кўра дунёнинг яратилиши ҳақидаги диний қарашлар асосида бошланиб, туркий халқлар, туркий ҳоқонлар, қўнғирот уруғи, улардан чиққан ҳукмдорлар, Хоразмда ҳокимиятга қўнғирот иноқларининг келиши ва бошқаруви каби масалаларни даврий изчилликда қамраб олган². Асар муқаддима, беш боб ва муаллифнинг ўз ҳаёти ҳамда ижтимоий муҳит тўғрисида маълумот берувчи мақола ва хотиладан таркиб топган.

“Таворих ал-хавонин” асарида қўнғирот иноқларининг қай тарзда ҳокимият тепасига келиши ва уларнинг марказлашган ҳукумат тузиш йўлидаги курашлари, ёвмутлар, Оролбўйи, Қўнғирот аҳолисига қарши ҳамда чегара ерлари учун Бухоро билан олиб борган тинимсиз курашлари, Россия империясининг хонликка қарши ҳарбий юришлари босқичма-босқич ёритилади³.

Асарда шунингдек, Хива–Бухоро, Хива–Афғонистон, Хива–Эрон, Хива–Россия давлатларининг дипломатик, ҳарбий ва савдо соҳасидаги муносабатлари, уларнинг баъзан ривожланиб, баъзан сусайиб кетиш сабабларини очиқ беришда муҳим роль ўйновчи эътиборли далиллар келтирилган. Асарнинг хотимасида хон оиласи аъзоларининг ҳаёти, хонликнинг рус қўшинлари томонидан

¹ ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами №3730/II, 281а-варақ. Ҳошия.

² Сайид Ҳомид Тўра Комёб. Таворих ул-хавонин. – Т.: Академия, 2002. – Б.8–9.

³ Сайид Ҳомид Тўра Комёб. Таворих ул-хавонин. – Т.: Академия, 2002. – Б.9.

босиб олиниси, шунингдек, ўша давр шайхларининг давлат бошқарувига таъсири, кароматлари, мавжуд тасаввуфий тариқатлар, сулук одоби қоидалари каби масалаларга доир қимматли маълумотлар берилган¹.

Комёбнинг “Мунтахаб ал-воқеот”² иккинчи бадиий-тарихий асарида туркларнинг пайдо бўлиши, туркий уруғлар, хусусан, қиёт, қипчоқ, қанғли, қўнғирот уруғининг келиб чиқиши, тармоқлари каби масалалар ўз аксини топган. Асарда Элтузархоннинг Хоразмда ҳокимиятни эгаллаши ва ҳукмронлик даври, турли даврларда яшаган таниқли кишилар ҳаёти, ота-боболарининг шажараси ҳақида маълумотлар келтирилади.

Комёбнинг “Эсдаликлар”ида эса XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Хива хонлигида рўй берган табиат ўзгаришлари, ер силкинишлари, турли хил ғаройиб ҳодисалар, самовий ҳаракатларга оид маълумотлар ўрин олган. Унда Комёбнинг табиат ҳодисаларига муносабати, олам ва одам ҳақидаги билимлари, ўша давр кишиларининг эътиқоди ва дунёқараши ўз аксини топган.

Хива хонлигида Муҳаммадризо Огаҳийдан кейин сарой тарихнависи аъъаналарини давом эттириш расман Муҳаммад Юсуф Баёнийга (1858–1923) топширилади. Муҳаммад Юсуф Баёний Хива хони Асфандиёрхоннинг буйруғи билан 1911 йилдан ўзининг “Шажарайи Хоразмшоҳий” номли асарини ёзишга киришади³. Хусусан, у «Шажарайи Хоразмшоҳий»нинг муқаддимасида бу

¹ Сайид Ҳомид Тўра Комёб. Таворих ул-хавонин. – Т.: Академия, 2002. – Б.10–11.

² ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами №3730/II.

³ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Қўлёзма манбалар асосида нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳлар муаллифлари Нусратулло Жумаҳўжа ва Иқболой Адизова. – Т.: Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б.4.

Асарнинг икки – 1913 йилда кўчирилган (517 varaқ) ва 1914 йилда (508 varaқ) ёзилган нусхалари мавжуд.

ҳақда шундай дейди: «...Огаҳий ҳам раҳим олам-и бақо бўлди ал-ҳол-ким сана-и минг уч юз йигирма тўққузда-дур, тақрибан қирқ икки йилнинг воқеъаси таҳрир қайдига кирмай қолди эмди фақирнинг зиммасига ҳаволадур»¹.

Баёний Мунис ва Огаҳий асарларининг тил хусусияти ҳақида тўхталиб, ўз асарининг ёзилиш сабабларига ҳам алоҳида эътибор қаратади: "...тамоми обои изом ва аждоди киромларимизнинг воқеот ва ҳолотларин ило явмино ҳазо такаллуфоти муншиёнадин орий бўлгон ибороти мутадоваланинг зимнидо мажоз ва истиъорадин кэнора тутуб, ийжоз ва ихтисор била торих саҳифасига сабт этилгой токим, оммаи атрок эшитгон ҳамоно бетараддуди хотир фаҳм этгойлор"². У нафақат тарихчи, балки ўз замонасининг машҳур шоири, табиби ва моҳир таржимони ҳам эди.

Муҳаммад Юсуф Баёний 1804–1806 йилларда Хивада хонлик қилган Элтузархон авлодидан бўлиб, (отаси Бобожонбек Элтузархоннинг набираси) ундан иккита тарихий асар – “Шажарайи Хоразмшоҳий” ва “Хоразм тарихи” асарлари етиб келган³.

“Шажарайи Хоразмшоҳий” асари Хива хонлигининг Асфандиёрхонгача бўлган сўнгги тўртта хонлари – Муҳаммадаминхон (1846–1854), Саййид Абдуллоҳхон (1854) Қутлуғмуродхон (1855) ва Саййид Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз)нинг дастлабки ҳукмронлик даврлари тарихини ўрганишда айниқса, алоҳида қимматга эга. Зеро, Огаҳийнинг “Жомеъ ал-воқеоти султоний” ва

¹ ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами №9596, 46-варақ.

² ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами №9596, 3а–3б-варақлар.

³ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Қўлёзма манбалар асосида нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳлар муаллифлари Нусратулло Жумахўжа ва Иқболой Адизова. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б.104.

“Гулшани давлат” асарлари 1873 йилда Россия империяси қўшинларининг тажовузи даврида сарой кутубхонасидаги бошқа нодир китоблар қаторида Санкт-Петербургда олиб кетилганлиги боис, Муҳаммад Юсуф Баёний улардан фойдалана олмай, хонликдаги 1846–1872 йиллар воқеаларини ўша даврда саройда турли юқори лавозимларни эгаллаган ёши катта кишилар маълумотлари асосида қайта тиклаган. Шу жиҳатдан, айтиш мумкин бу давр тарихи ёритилган Огаҳий ва Баёний асарларининг қиёсий таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Муҳаммад Раҳимхоннинг хон сифатида эълон қилиш жараёнидаги айрим тафсилотлар, Муҳаммад Аминхоннинг Марвга юришлари, туркман уруғлари билан муносабатлар, уларнинг сони, хонликдаги ҳарбий қўшин ҳамда Марв қалъасининг эгалланиши Баёний асарида анча муфассал берилган ва янги маълумотлар билан бойитилган. Шунингдек, асарда сиёсий жараёнлар, хусусан, Хива хонлигига Россия империяси қўшинларининг тажовузи, шаҳарлар мудофааси, истилочилар шафқатсизлиги, амалга оширилган талончилик ва қирғинлар, мамлакатнинг вайрон этилиши кабилар тасвирлаб берилган.

“Шажарайи Хоразмшоҳий” асарида мамлакатдаги иқтисодий масалалар, хусусан, ер эгаллиги, солиқ масалаларига оид маълумотлар, шунингдек, хонликда олиб борилган қурилиш – меъморчилик ишлари, мадрасалар, масжидлар, миноралар, боғлар, кўприклар барпо этилиши¹, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон томонидан ҳамда унинг ташаббуси ва талаби билан йирик давлат арбоблари – Вазири акбар Исломуҳжа ва бошқа йирик сарой аъёнлари – қозикалон, девонбеги ва ясовулбоши-

¹ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Қўлёзма манбалар асосида нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳлар муаллифлари Нусратулло Жумахўжа ва Иқболлой Адизова... – Б.89.

лар ва йирик мансабдорлар томонидан масжид ва мадрасалар бунёд этилиши, сарой амалдорлари, дин пешволари, йирик савдогарлар томонидан уларга вақф даромадларининг ажратилиши ҳақида муҳим маълумотлар қайд этилади.

Баёний ўз асарида мамлакатдаги маданий ҳаётга ҳам алоҳида тўхталади ва Муҳаммад Раҳимхон II – Ферузнинг санъат, адабиёт ва шеърятга муҳаббати ва ҳомийлиги, саройда шаклланган адабий муҳит, мамлакатда унинг ҳомийлигида етишиб чиққан шоирлар ва олимлар ҳақида маълумотлар беради.

Баёнийнинг иккинчи тарихий асари “Тарихи Хоразм” деб номланиб, 16 бобдан иборат асарнинг 8 боби сақланиб қолган холос. Асар “Шажарайи Хоразмшоҳий”даги воқеаларни тўлдиради. Гарчи асарнинг аввалги боблари мазмунан “Шажарайи Хоразмшоҳий”га ўхшаб кетса-да, ёзилиш услуби билан ундан фарқ қилади¹.

Баёнийнинг ҳар икки тарихий асарида ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид жуда кўп қимматли маълумотлар бор. Жумладан, Хива хонлигининг Бухоро ва Қўқон хонлиги ва хонликка қўшни бўлган бошқа мамлакатлар билан савдо ва дипломатик муносабатлари, халқдан олинадиган ҳар хил солиқлар, Хоразмда яшаган олим ва шоирлар, шаҳарлар ҳаёти, деҳқончилик ишлари шулар жумласидандир.

Баёний тарихий асарлар ёзиш баробарида бошқа тилларда битилган ушбу жанрдаги асарларни ўзбек тилига таржима қилиш билан ҳам шуғулланган. У Мавлоно Дарвеш Аҳмад томонидан араб тилида ёзилган умумий тарихга оид “Саҳойиф ал-ахбор” номли катта асарни ўзбек тилига ўгирган. У шунингдек, Биноийнинг “Шайбонийнома”, Жарир ал-Табарийнинг “Тарихи Таба-

¹ ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами №7421, 56-варақ.

рий” номли асарларини таржима қилган. Баёний бошқа таржимонлар томонидан таржима қилинган асарларни таҳрир ҳам қилган. Масалан, Атоулла ибн Фазлулла Хусайний томонидан ёзилган “Равзат ал-аҳбоб” номли асар II қисмининг ўзбекчага ўгирилган таржимасини Баёний таҳрир қилган.

XX аср бошларида Хивада фаолият юритган яна бир тарихчи Ҳасанмурод Лаффасий (1880–1949) эди. Унинг қаламига мансуб “Гулшани саодат” асари Хива хонлигининг Асфандиёрхон (1910–1918) ҳукмронлиги даврига оид энг муфассал ва қимматли манбалардан бири саналади. Асар Асфандиёрхоннинг тахтга ўтиришидан бошлаб то вафоти ва унинг ўрнига Саййид Абдуллахоннинг (1918–1920) хон этиб кўтарилишигача бўлган давр воқеаларини ўз ичига олади¹.

Хоразмда тарихий асарлар таржимасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу давр ўзбек таржимачилик тарихида энг сермаҳсул ва баракали давр бўлган. Ушбу даврда араб, форс, озарбойжон, турк (усмонийлар давлатида яратилган) тилларидан 150 дан ортиқ турли йўналишдаги асарлар таржима қилиниб, ўзбек халқининг маънавий мулкига айланган. Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳукмронлиги даврида Хивада 80 дан кўпроқ киши таржимонлик билан мунтазам шуғулланган. 120 та асар таржима қилинган. Айримлари ўзбекчага 2–5 мартагача таржима қилинган. Аксарияти форс–тожик тилидан ўгирилган. Таржимонлар орасида Огаҳий, Комил, Баёний, Табибий каби маълум ва машҳур номлар билан бир қаторда Муҳаммадрасул Мирзо, Санойи, Рожий, Толибхўжа, Рафеть, Ҳабибий, Мағфурхўжа кабилар бор эди.

¹ Ҳасанмурод Лаффасий қўлёзмалари ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 7771 ва 7797 ашё рақамлари остида сақланмоқда. Муаллиф асарини “Гулшани тарих”, “Тарихи гулшан”, “Гулшани иқбол” деган номлар билан ҳам зикр этади.

Огаҳий йигирмадан ортиқ асарни форс тилидан ўзбекчага ўгирди. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида эса бу анъанани Табибий ва Баёний давом эттирдилар. Баёний “Тарихи Табарий” каби насрий асарлар қаторида Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” номли маснавийда ёзилган тарихий-бадий асарини, Мавлоно Дарвеш Аҳмаднинг араб тилидаги “Саҳойиф ал-ахбор” (“Хабарлардан саҳифалар”, 1–2-жилдлари) номли тарихий асарларини маҳорат билан таржима қилди.

Хонликда араб–форс тилидаги тарихий-бадий асарларнинг кўплаб таржима қилиниши ижод аҳли тафаккурини бойитди, тошбосманинг кириб келиши эса манбалар ва асарларнинг ададини кўпайтириб, ўқувчилар сонининг кескин ортишига, тарихий, бадий ва диний адабиётни кўпроқ оммалаштиришга имкон берди. Бу ҳолатлар Хива хонлигида адабий муҳит ва тарихнавислик ривожига муҳим воқеа бўлди.

Бу даврда айрим тарихий манбаларда ўтмишга кенгроқ жуғрофий доирада ёритишга интилиш ҳолатлари минтақадаги ва мамлакатдаги сиёсий жараёнларга ички ва ташқи омиллар таъсирини англаш имконини беради. Гарчи уларда баёнчилик кучли бўлса-да, тарихий воқеликнинг даврий изчилликда умумлаштириб берилиши, ўрни келганда, тарихий ҳужжатлар, ёзишмалардан ҳам фойдаланилиши ўз даври учун катта ютуқ бўлди.

Хива ҳукмдорлари Хоразм тарихини ёзишни ўз даврининг энг билимдон, серқирра билимли зиёлиларига топширганлиги, уларнинг фаолиятига тегишли шартшароит яратиб беришлари, ўзларидан аввалги хонлар даврида бошланган анъаналарни давом эттирганликлари, нафақат ҳукмдор сулолалар тарихига, халқнинг ўзлигини сақлаш ва англашга нисбатан жуда катта эътибор берганлигини намоён этар эди.

Хоразмда тарихнавислик асарларида маҳаллий шева-нинг кучли бўлганлиги бугунги кун ўқувчисига бир оз қийинчилик туғдирса-да, унинг туркий ўзбек тилида ёзилганлиги боис форсчада ёзилган асарларга нисбатан тарихий муҳит ва воқеликни анча содда таърифланганлиги билан ажралиб турган.

XIX аср охири – XX аср бошига келиб тарихий манбаларда бунгача кузатилган ҳолатлар, яъни оламнинг яратилиши ҳақидаги диний тасаввурлар, турли ривоятлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, дostonлар, ҳукмдорларнинг насл-насаби, тахтга келиш тафсилотлари камайиб, замонавий жараёнлар талқини, хусусан, Россия истило-си билан боғлиқ воқеликлар баёни устувор ўрин эгаллаганлиги, тарихий фактларнинг қўпайиб борганлиги кузатилади.

Нафақат тарихий манбаларда, балки ўша давр адабий манбаларида тарихий воқеалар ижод аҳли учун диққат эътибордаги мавзу бўлди. Адабиёт ва тарихнавислик, наср ва назм уйғунлиги бу даврда ҳам муваффақият билан давом этди.

2-§. Бухоро амирлиги тарихий манбалари

Ўзбек халқининг тарихий меросида Бухоро амирлигининг манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврига оид асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. Тадқиқотчилар томонидан амирликдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли жиҳатларини ёритишда ушбу манбаларнинг ўрни катта. Бухоро тарихига оид қўлёзма асарлар совет даврида Л.М. Епифанова¹,

¹ Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения ее к России. (Бухара). – Т., 1965.

А.В. Вильданова¹, А.Р. Муҳаммаджонов², О.А. Сухарева³ томонидан, мустақиллик йилларида эса, Ш.Х. Воҳидов⁴, Д.Ш. Атаджанова⁵, Р.Э. Холиқова⁶, Л.П. Муҳаммаджонова⁷, С.А. Заҳидова⁸, Г. Астанова⁹, Ю.А. Шуқуриллаев¹⁰, Ю.У. Авазов¹¹, Ж.М. Шодиев¹², О. Масалиева¹³ каби тадқиқотчилар томонидан, хорижда эса Ю. Брегель¹⁴, Г. Скрайн¹⁵,

¹ Мирза Бадий Диван. Маджмаъ ал-аркам ("Предписная фиска"): приемы документации в Бухаре XVIII в. (Факсимиле рукописи. Введение, перевод, примечание и прил. А.В. Вилдановой). – М., 1981.

² Муҳаммаджонов А.Р. Населенные пункты Бухарского эмирата. – Т.: Университет, 2001. – С.415.

³ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Историко-этнографические очерки. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1958. – С.145; Бухара в XIX – начале XX вв. (позднефеодальный город и его население). – М.: Наука, 1966. – С.328.

⁴ Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Т., 1996; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеи / Тожик тилидан таржима. Сўзбоши, изоҳлар муаллифлари Воҳидов Ш. ва Чориев З. – Т.: Академия, 2001. – Б.94.

⁵ Атаджанова Д.Ш. Историография ремесленного производства Бухарского ханства в XIX в. – Т., 2008.

⁶ Холиқова Р.Э. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия–Бухоро муносабатлари тарихи. – Т., 2006; Холиқова Р.Э. Россия–Бухоро тарих чорраҳасида (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: Ўқитувчи, 2005.

⁷ Муҳаммаджонова Л.П. XX асрнинг бошида Бухорода ижтимоий-сиёсий вазият ва демократик ҳаракатнинг ривожланиши (1908–1920). – Бухоро, 1999.

⁸ Заҳидова С.А. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухорода шахар маданияти тараққиёти. – Т., 2008.

⁹ Астанова Г. 1920–1924 йиллар Бухоро сиёсий жараёнлари тарихшунослиги. – Т., 2008.

¹⁰ Шуқуриллаев Ю.А. Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш. – Т., 2006.

¹¹ Авазов Ю.У. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг жанубий шарқий бекликлардаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти. – Т., 2005.

¹² Шодиев Ж.М. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми. – Т., 2008.

¹³ Масалиева О. XX аср инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи. – Т., 1999. – Б.165.

¹⁴ Bregel Yu. The administration of Bukhara under the mangits and some Tashkent manuscripts. Blomington, Indiana 2000. – P.37.

¹⁵ Skrine F.H. The heart of Asia. A history of Russian Turkestan and the Central Asian Khanates from the earliest times. Routledge Gurzon Taylor & Francis Group London & New York. – P.444.

С. Беккер¹, А. Кюгелен² С. Леви³ каби олимлар томонидан тегишли мавзу доирасида тадқиқ этилиб, илмий муомалага киритилган. Айни пайтда манбашунослик йўналишида олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор манбалар таржима ва табдил қилиниб, нашр этилган⁴.

Бироқ XIX асрда Бухоро амирлигида яратилган тарихий манбаларнинг кўпчилиги ҳали илмий муомалага киритилмаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бухоро амирлиги ҳукмдорлари ҳам хонлик тарихини, айниқса, ўзларининг ҳукмронлик даври тарихини ёзиб қолдиришга бефарқ эмас эдилар. Гарчи бу масала Хива хонлигидек, ҳукмдорнинг қаттиқ назорати остида, даврий изчилликда амалга оширилмаса-да, деярли ҳар бир ҳукмдор даврида унинг топшириғи билан ёки унга хушомад тариқасида ёхуд мутлақо ихтиёрий, шахсий ташаббус асосида кўплаб тарихий асарлар яратилган. Уларнинг муаллифлари орасида садоқатли амалдорлар, воқеанавислар, амир хонадонига мансуб вакиллар, уларнинг фарзандлари ҳам бор эди.

Қуйида келтирилган Бухоро амирлиги тарихига

¹ Becker S. Russia's protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva 1865–1924. Routledge Curzon London and New York, 2004. – P.340.

² Кюгелен А. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX). – Алма-ата, 2004.

³ Levi S. The Bukharan crisis: A connected history of 18th century Central Asia / University of Pittsburg Press. 2020. 192 pp.

⁴ Мирза Абдал Азим Сами. Таърих-и салатин-и мангитийа (История мангитского государства) / Издание текста, предисловие, перевод и примечание Л.М. Епифановой. – М., 1962; Абу Тохирхожа Самария. Наршахий. Бухоро тарихи. Баёний. Шажараи Хоразмий. Ибрат Фарғона тарихи. – Т., 1991; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеи. (Тоҷик тилидан таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифлари Воҳидов Ш. ва Чориев З.). – Т.: Академия, 2001; Садри Зиё. Наводири Зиёия. Тоҷик тилидан таржима, кириш, изоҳлар т.ф.н. Аминов Б. – Т., 2017; Мирза Салимбек. Тарих-и Салими / Перевод с таджикского, вводная статья и примечания к.и.н. Н. Норкулов. – Т.: Академия, 2009.

оид XIX–XX аср бошларига мансуб манбаларнинг қисқа шарҳи бу даврда яратилган асарлар, уларнинг муаллифларининг шахси, ижтимоий мансублиги, манбаларда ўз аксини топган тарихий маълумотлар, уларнинг асосий мазмуни ҳақида даврий изчилликда умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

XIX аср бошига мансуб тарихий асарлардан бири “Тож ал-таворих” бўлиб, унинг муаллифи Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақий Бухоро мадрасаларида таълим олгач, мударрислик билан шуғулланган, айна пайтда шеър ҳам ёзиб турган.

Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақийга Амир Ҳайдар томонидан манғитлар сулоласи ва тарихи, жумладан, ҳукмдорнинг шажараси ҳамда ҳукмронлик қилган давр тарихига оид асар яратиш вазифаси топширилади. Шу топшириқ асосида ёзилган “Тож ут-таворих” номли асарида муаллиф жуда катта тарихий даврга – минтақада Ўғузхон давридан бошлаб то 1800 йилгача бўлган даврдаги муҳим тарихий воқеаларга эътибор қаратади. Ушбу асар бугунги кунда Ўзбекистон тарихига оид муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Асарда қадимги даврлардан то 1300 йилгача бўлиб ўтган умумий тарихий жараёнларни баён қилар экан, асосий эътиборни энг аввало Мовароуннаҳр худудида ҳукмронлик қилган сулолалар тарихига қаратади. Асарда айниқса XVII–XVIII асрлар даврига оид муҳим тарихий воқеалар, хусусан, шу даврда хонликларда бўлиб ўтган халқ қўзғолонлари ҳақида батафсил ёритганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Манғитлар тарихига оид бўлимларни Муҳаммад Нақий ўзининг шахсий кузатувлари ва замондошларининг ҳикоялари асосида ёзганлиги, унинг шахсан ўзи асарда тасвирланган воқеаларнинг гувоҳи ва ишти-

рокчиси бўлганлиги бу маълумотларнинг аҳамиятини оширади.

Шунингдек, муаллиф асарда Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарих-и Муқимхоний”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома”, Абдурраҳмон Толийнинг “Тарих-и Абулфайзхон” каби асарларидан ҳам кенг фойдаланган.

Асарнинг кириш қисмида Марказий ва Ўрта Осиёда яшаган туркий ва мўғул қабилалари тарихи ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Чингизхон ва унинг авлодлари, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар даврлари тарихи ҳикоя қилинади.

Чингизийлар тарихига бағишланган бобида муаллиф Бухорода ҳукмронлик қилган Муҳаммад Раҳимхоннинг ҳокимиятга келиши, манғитлар шажарасидаги ҳукмдорлар хонадонига мансуб аёл ва эркакларнинг наслнасаблари тўғрисида тўхталиб ўтади. Асарда тарихий фактлар билан қаторда унинг алоҳида қисмларида турли афсоналар [гуфтар], қиссалар [достон], ҳикоялар [зикр], тавсифлар [баён]лар, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам ўрин олган.

Мир Абдулкарим Бухорийнинг “Ўрта Осиё тарихи” деган шартли ном билан маълум бўлган асари муаллифнинг элчилик таркибида амалга оширилган сафарлари асосида битилган. Мир Абдулкарим ибн Мир Исмоил Бухорий 1807 йилда Бухородан Россия орқали Константинополга сафар қилган элчига ҳамроҳлик қилган. 1818 йилда у Константинополдаги Бухоро элчисининг шахсий котиби лавозимига тайинланган. Туркия Маориф вазирлигининг маънавият бўлими бошлиғи Орифбей Афандининг маслаҳати билан Мир Абдулкарим Бухорий ўз асарида элчи билан сафар қилган мамлакатлар ва шаҳарлар, жумладан, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон

минтақаларини тавсифлаб берган. Абдулкарим Бухорий кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлган. Асарда 1740 йилдан 1818 йилгача бўлиб ўтган тарихий воқеалар, хусусан, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Афғонистон тарихи ёритилган бўлиб, Бухоро хонлигидаги воқеалар нисбатан аниқ ва батафсил тасвирланган, воқеалар сабаблари, уларнинг асосий иштирокчиларининг фаолияти ва табиатига оид қизиқарли маълумотлар қайд этилган.

Асарнинг “Ўзбек хонлари насл-насабига оид”, “Амир Шохмуродбийнинг ўғли Саййид амир Ҳайдар тўғрисида ҳикоя” ва “Урганч ва Хива ҳукмдорларининг насабномаси”, “Муҳаммад Аминбий Кўнғирот Иноқ қиссаси” каби бобларида турли қабилалар, шунингдек, минтақада, шу жумладан, Хоразм воҳасида яшаган этник гуруҳлар тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Асарнинг Дашти қипчоқ, унинг аҳолиси ва иқлимни тавсифловчи қисми алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу асар 1876 йилда Парижда Шефер томонидан французчага таржима қилинган ва “Ўрта Осиё тарихи” деган шартли номи билан нашр этилган¹.

“Тарихи амир Ҳайдар” (“Амир Ҳайдар тарихи”) асари XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган бухоролик Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шариф қаламига мансуб бўлиб, муҳим тарихий манбалар асосида ёзилган². Асар Бухоро хонлиги тарихининг Аштархонийлар ҳамда манғитлар сулоласи вакили амир Ҳайдархон (1800–1826 йиллар) ҳукмронлиги давридаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни қамраб

¹ Mir Abdul Karim Bukhari. Histoire de l'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoquand) Depuis les Dernières Années du Règne de Nadir Châh (1153), Jusqu'en 1233 de l'hégire (1740–1818) // Paris, Ernest Leroux. 1876. Тарж. Чарлз Шефе.

² Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шариф. Тарих-и амир Ҳайдар. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №836.

олади. Асарнинг 1–2-бобларида Бухоро шаҳри тарихи, 3–6-бобларида Аштархонийлар тарихи, 7–8-бобларида эса амир Ҳайдарнинг туғилишидан то унинг вафоти (1826)гача бўлган фаолияти ёритилган.

“Фатҳномаи султоний” (“Султон фатҳномаси”) номи билан ҳам маълум. Муаллифи Мир Олим Бухорий Амир Насруллохон даври (1826/27–1869/79)да Ғузур хокими Муҳаммад Олимбекнинг хизматида бўлган ва асар унинг топшириғи билан ёзилган. “Фатҳномаи султоний” амир Шоҳмурод (1785/86–1800) давридан то амир Насруллохон ҳукмронлигининг дастлабки йилларигача Бухоро амирлигида бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади¹.

“Фатҳномаи султоний” сўз боши, 29 та боб ва баёндан иборат бўлиб, XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги воқеаларни тасвирлаш билан бошланади. Асарда Амир Шоҳмурод ва Амир Ҳайдарнинг ҳукмронлиги, унинг вафотидан кейин тахтга келган Амир Насруллохоннинг юришлари, Қўқон хони амир Умархон курашлари, Шаҳрисабзга юришлари, ҳокимият учун олиб борилган курашлар натижасида рўй берган воқеалар ҳақида батафсил тўхтаб ўтилган. Амир Насруллохон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ёзиб тугатилган ушбу асар муаллифнинг шахсий кузатувлари асосида яратилган.

“Маҳазин ат-тақво” (“Тақво хазинаси”) асари амир Шоҳмуроднинг ўғли, 1785 йилдан – 1800 йилгача Бухорода ҳукмронлик қилган манғитлар сулоласининг вакили Муҳаммад Хусайн томонидан ёзилган. 1800 йилда отаси Амир Шоҳмурод вафотидан сўнг, ўғай укаси амир Ҳайдар (1800–1826) таъқибига учраган муаллиф Шаҳрисабзга қочишга мажбур бўлган. 1830 йилда шеърини ус-

¹ Мир Олим Бухорий. Фатҳномаи султоний. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №1838.

лубда ёзилган ушбу автобиографик асарда Манғитлар сулоласининг вакили бўлган муаллиф Муҳаммад Хусайн воқеаларни нисбатан эркин талқин қилган. Муаллиф замондошлари ҳақида кескин мулоҳазалар билдирад экан, кўп жиҳатдан ўзи кўрган воқеаларни тасвирлаган. “Маҳазин ал-тақво” XVIII асрнинг охириги чораги – XIX асрнинг биринчи чорагида манғитлар сулоласининг илк ҳукмдорлари даврида Бухоро хонлиги ва унга қўшни ҳудудлар тарихини ўрганишда алоҳида қизиқиш уйғотади¹.

Асарда Нақшбандия тариқати намоёндалари бўлган хўжаларнинг Бухоро хонлиги тарихидаги роли, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар Бухоро хонлиги тарихидаги воқеалар билан боғлиқ ҳолда қайд этилган. Зеро, хўжаларнинг амир ва давлат бошқаруви-га таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

“Таворихи аваил ва аваҳир” (“Бошланиш ва тугаланиш тарихи [ҳукмронликларни]”) номли асар муаллифи Мўйниддин амир Ҳайдарнинг замондоши бўлган ва унинг ҳукмронлиги давридаги воқеаларни уларнинг гувоҳи бўлган шахс сифатида баён қилган. Асар жуда содда тилда ёзилган бўлиб, анъанага кўра, Одам Атодан бошлаб, пайғамбарлар, халифалар, имомлар ва тўртта мазҳабнинг асосчиларига таъриф берилгач, Чингизийлар, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ҳақида умумий маълумот бериб, Манғитлар даври тарихини баён қилган.

Асарда XVIII аср охири – XIX аср биринчи чорагида амир Шоҳмурод (1785–1800) ва амир Ҳайдар (1800–1826) томонидан давлат чегараларини кенгайтириш мақсадида қўшни хонликлар билан олиб борган уруш-

¹ Муҳаммад Хусайн. Маҳазин ал-тақво. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар рақамлари: №51; 2773.

лар, хусусан, Хива ва Бухоро ўртасидаги жанглар, Амир Ҳайдар вафотидан сўнг унинг ўғиллари ўртасида тахт учун курашлар ўз аксини топган. Муаллиф асарда ўзбек хонлари фаолиятига оид жуда кўп тарихий саналарни қайд этган. Асар 1826 йилда Бухоро тахтига амир Насруллохоннинг келиши билан яқунланган ва унга ўзбекларнинг юз қабиласи ҳамда манғитларнинг баъзи авлодлари тўғрисидаги алоҳида боб илова қилинган¹.

“Гулшан ал-мулук” (“Ҳукмдорларнинг гулзори”) асари² Манғитлар сулоласининг вакили Муҳаммад Ёқуб ибн Амир Дониёлбий Оталиқ қаламига мансуб бўлиб, у тахминан XVIII асрнинг 70-йилларидан то XIX асрнинг 30-йилларигача фаолият юритган. Муҳаммад Ёқуб (Яъқуб) – манғитлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори Дониёлбий Оталиқ (1759–1785)нинг 12 нафар ўғилларидан бири бўлган. Ўзининг келиб чиқиши ва ижтимоий мавқега кўра, муаллиф воқеаларни эркин ва тўлиқ баён эта олган, буни сарой тарихчиларидан кутиш қийин эди, албатта. Негаки, сарой тарихчилари одатда ўз ҳукмдорларининг хатти-ҳаракатларини оқлаш, улуғлаш ва мақташга урғу берганлар.

“Гулшан ал-мулук” асари ўзининг содда баёни, аниқ сана ва фактларга бойлиги билан ажралиб турган. Айниқса, манғитлар ва улар билан қариндош бўлган бекларга оид шажаравий маълумотлар бошқа манбаларда бундай тўлиқ шаклда учрамаслиги билан эътиборга лойиқ. Асарда анъанага кўра, Муҳаммад пайғамбар давридан бошлаб, биринчи манғитлар ҳукмронлиги давригача бўлган умумий тарих ҳақида қисқача маълумотлар берилган. Унинг сўнгги қисмида Шайбонийлар

¹ Мўйниддин. Таворихи аваил ва аваҳир. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №4468/IV.

² Муҳаммад Ёқуб ибн Амир Дониёлбий Оталиқ. Гулшан ал-мулук. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар рақамлари: №12, 1507/3, 7420.

давридан то 1830 йилгача бўлган давр тарихи, Амир Насруллохоннинг Бухоро тахти учун олиб борган курашлари ўз аксини топган.

Муҳаммад Ёқубнинг яна бир бошқа – “Тарих-и амирон-и манғития” (“Манғит амирларининг тарихи”) номли асари¹ ҳам мавжуд бўлиб, унда Бухоро хонлигида манғитлар сулоласининг ҳокимият тепасига келган вақтдан то 1830 йилгача содир бўлган тарихий воқеалар баён этилган. Бу асар ўз мазмунига кўра “Гулшани мулук”нинг охириги қисми билан узвий боғланган бўлса-да, уларнинг ҳар бирида иккинчисида учрамайдиган тарихий маълумотлар бир-бирини тўлдиреди.

Ўз илмий мероси билан Бухоро амирлиги тарихнавислик мактабини бойитишга салмоқли ҳисса қўшган маҳаллий тарихчилардан бири Жумақули ибн Сўфий Тағойидир. Самарқанд вилоятининг Ургут қишлоғида туғилган бўлиб, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида Хумулий Самарқандий тахаллуси билан ижод қилган. Айни пайтда, Бухоро амири Амир Насруллоҳ (1827–1860) ҳукмронлиги даврида Ургут қозиси вазифасини ҳам бажарган. Бундан ташқари, муаллиф саҳҳофлик касби билан ҳам шуғулланган. Хумулий ўз даврида ўзбек ва тожик тилларида наср ва назмда ижод қилган таниқли шоир ва ёзувчи бўлиб, замондош олим ва шоирларнинг таржимаи ҳоли жамланган тазкиралар ҳамда бир нечта тарихий асарлар муаллифи эди.

Унинг “Мажмуаи асарҳои Мулло Жумақулий Хумулий” (“Мулло Жумақулий Хумулийнинг асарлари тўплами”) асари икки тилда – форс-тожик ва туркий тилларда ёзилган бўлиб², жами 5 та рисоладан – “Тарихи Ху-

¹ Муҳаммад Ёқуб ибн Амир Дониёлбий Оталиқ. Тарих-и амирон-и манғития. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №4330/VI.

² Жумақули ибн Сўфий Тағойи (Хумулий). Мажмуаи асарҳои Мулло Жумақулий Хумулий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №37.

мулий”, “Манзумоти тарихий”, “Маснавийи шоҳу гадо”, “Девони Хумулий”, “Шайх Мусохон ад-Даҳбедийнинг таржимаи ҳоли” асарларидан иборат. Самарқанд қоғозиди, қора сиёҳда, насх хатида, тарихий саналар, шахсларнинг исмлари ва жой номлари муаллиф томонидан алоҳида қизил рангда белгилаб ёзилган ушбу асар 1861 йилда ёзиб тугатилган.

“Тарихи Хумулий” асарида айрим дарвеш шайхларининг таржимаи ҳоли ва манғитлар сулоласи тарихидан маълумотлар келтирилган¹. “Манзумоти тарихий”, “Маснавийи шоҳу гадо” номли рисолалари тарихий воқеаларни назмий баёнига бағишланган. Хусусан, “Маснавийи шоҳу гадо” рисоласи 1840 йилда назмда ёзилган бўлиб, унда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги муносабатлари, амир Насруллоҳнинг Қўқон хонлигига ҳарбий юришлари, Муҳаммадалихонни енгилиши, Фарғона пойтахти Қўқон шаҳри ҳамда Тошкент, Хўжанд ва Андижон шаҳарларининг забт этилиши, Бухоро амирлигининг ташқи сиёсати ёритилади.

Асарда Амир Маъсум Шоҳмурод фаолияти ва унинг давридаги оталиқ мансабининг вазифаларига таъриф берилади. Мамлакатда бу мансабда фаолият юритган Амир Дониёл оталиқ, Ҳаким оталиқ, Муҳаммадёр оталиқ, Худоёр оталиқ, Худойқулибий ва Човушбойлар фаолияти ёритилади.

“Шайх Мусохон Даҳбедийнинг таржимаи ҳоли” номли рисоласи эса XVIII асрда яшаган, Ўрта Осиёда Нақшбандия тариқатининг ёйилишига катта ҳисса қўшган ёрқин намоёндаларидан бири Мусохон ибн Исоҳон Даҳбедий (ваф. 1776) ва унинг шогирди, Нақшбандия-Мужаддия сулукини Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Дашти

¹ 2014 йилда Фулом Каримов (Фулом Каримий) ва Ирода Қаюмовалар томонидан ҳаммуаллифликда асарнинг танқидий матни тайёрланиб, нашр этилган.

Қипчоқда тарқатган халифа Сиддиқнинг таржимаи ҳоли ва фаолиятларига бағишланади. Муаллифнинг қайд этишича, Даҳбедий ва халифа Сиддиқ даврида “тариқат ғоят тараққий топиб, хосу авом томонидан сулукни қабул қилиш кенг қулоч ёйган. Кишилар Мовароуннаҳр, Фарғона, Қошғар ва Дашти Қипчоқдан тўда-тўда бўлиб бу буюк зот даргоҳига келар, у киши ҳаммани ўз тарбияларига олар эдилар”.

Жумақули Хумулийнинг мазкур рисоалари Бухоро амирлигининг сиёсий ва ташқи алоқалари тарихи, йирик давлат арбобларининг фаолияти, ислом дини ва йирик уламоларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётда тутган ўрнини тадқиқ этишда муҳим манбалардан саналади.

Самарқандлик муфтий Абу Тоҳирхожа Самарқандий томонидан 1844–1848 йилларда ёзилган “Самария”¹ асари Самарқанд шаҳри тарихига бағишланган бўлиб, унда Самарқанд номининг келиб чиқиши ҳақидаги турлича қарашлар, шаҳарнинг барпо этилиш тарихи, тузилиши, табиий ресурслари, географик жойлашуви, осори атиқалари, шунингдек, масжид ва мадрасалари, қабристон ва зиёратгоҳлари, машҳур тарихий шахслари, диний уламолари ва уларнинг ҳаётига оид маълумотлар ўз аксини топган². Асар рус, ўзбек тилларига таржима қилиниб, чоп этилган³.

Мирза Шамс Бухорийнинг “Бухоро, Қўқон ва Қашқарда содир бўлган айрим воқеалар тўғрисида” номли асари 1860 йилда рус шарқшунос тарихчи олими В.В. Григорьевнинг илтимосига биноан Оренбургда ёзилган. Асарда XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Қўқон

¹ Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №600.

² Абу Тоҳирхожа. Самария. – Т., 1991.

³ “Самария”, описание древностей и мусульманских святынь Самарканды. Перевод В.Л. Вяткина // Справочная книга Самаркандской области. 1898.

ва Қашқарда содир бўлган тарихий воқеалар тасвирланган. Асар муаллифнинг шахсий хотиралари ва кузатишлари асосида ёзилган ва унинг рус тилига таржима-си 1861 йилда В.В. Григорев томонидан изоҳлар билан нашр этилган¹.

Бухоро маданий ҳаётида ўз сермахсул ижоди билан из қолдирган яна бошқа бир серқирра олим Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ (1817–1894 йиллар) Бухорода яшаб ижод қилган тарихчи, шоир, олим ва маърифатпарварлардан эди. Возеҳ 1844 йилда мадрасани тамомлаб, мустақил равишда тарих, тиббиёт, ҳисоб, астрономия ва мантиқни ўрганган, Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб, жуда яхши қироат билан ўқиганлиги боис тез орада шухрат қозонган. 1853 йилда амир Насруллоҳ ҳукмронлиги даврида Возеҳ яхши сухандонлиги ва нотиклик маҳорати туфайли саройга таклиф қилинган².

Унинг 1871 йилда ёзилган “Туҳфат ал-аҳбоб фи тазкират ал-асҳоб”³ асарида Бухорода XVIII–XIX асрларда яшаб ижод қилган шоирлар, уламою фозиллар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. 1880 йилда ёзилган “Кони лаззат ва хони неъмат”⁴ номли асарида Бухоро амирлиги ҳудудида кенг тарқалган 227 та таом турлари, хусусан, Ўрта Осиё, Эрон, ҳинд ва араб таомлари таърифи, улар баъзиларининг тайёрланиш усуллари, таомларнинг фойдали хусусиятлари ўз аксини топган. Улар орасида миллий таомлардан палов (ош), холва, мураббо ва нон турларига алоҳида урғу берилган. Таомлар алифбо тартибида тизимлаштирилган.

¹ О некоторых событиях в Бухаре, Коканде и Кашгаре. Записки Мирзы Шемса Бухари // Ученые записки, издаваемые императорским Казанским университетом, Кн. I-II. – Казань, 1861.

² Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ, ЎзР ФА ШИ. Қўлёмалар рақамлари: №110, 50/II, 60, 2745/I, 5021, 2343/III, 2336/II, 2304/I, 1470, 854/I, 852/I.

³ Т. Неъматзода. Возеҳ, – Душанбе: Ирфон нашриёти, 1976. – Б.66–83.

⁴ Ўша жойда. – Б.83–111.

Возеҳ форс-тожик, турк ва араб тилларида ижод қилган, таржимонлик билан ҳам шуғулланган. У Ҳотамий Шайх Баҳойининг “Дар аҳволи устурлоб” асарини турк тилидан форс-тожик тилига ва Муҳаммад ибн Закариё Розийнинг “Баръус-соъа” деган тиббиётга оид рисоласини арабчадан форс-тожик тилига таржима ҳам қилган.

Возеҳнинг форс тилида ёзилган “Ақоид ал-нисо” асарида жамиятда аёлларнинг ўрни ва уларнинг эътиқодлари хусусида маълумотлар келтирилган¹. Асар муқаддима ва 16 та бобдан иборат бўлиб, унда диний ибодат амаллари, оила қуриш ва никоҳланиш тартиб қоидалари, чимилдиқ билан боғлиқ урф-одатлар, аёлларни она бўлиши ва бола парвариши, аёллар гигиенаси, маданий ҳордик чиқариши ва мусиқа асбоблари, эр-хотин муносабатлари, пазандачилик маҳорати, меҳмон кутиб олиш маросими каби масалалар ўз аксини топган.

Аёлларнинг диний, ахлоқий, тиббий ва маънавий тарбияси билан боғлиқ бу масалалар ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга эди. Асарда Бухорода аёллар амал қиладиган расм-русумларга таъриф берилганда турли хил урф-одатлар, улар билан боғлиқ диний ва бошқа расм-русумлар моҳияти очиб берилган ҳамда бидъат ва хурофотлар жиддий танқид остига олинган.

Бухоро тарихнавислик мактабида бу даврда солномалар ёзиш анъанасини “Айн ал-таворих”² асари мисолида кўриш мумкин. Асар шу даврда яратилган асарлардан тубдан фарқ қилади. Унинг муаллифи бухоролик Хожи Абдуазим Шарий (Сомий) 1871–1872 йилларда турк тарихчиси Котиб Хожи Халифа Челабий (1609–1658 йиллар) томонидан ёзилган “Тақвим ал-таворих” (“Умумий

¹ Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ. Ақоид ал-нисо. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №3759/IV.

² Хожи Абдуазим Шарий (Сомий). Айн ал-таворих. ЎзР ФА ШИ. I жилд. Қўлёзма рақами: №4216; II жилд. Қўлёзма рақами: №4217.

лари, Саййид Надр Муҳаммадхоннинг тахтга келиши каби воқеалар ҳам баён қилинади. Хукмдорларга ҳамду сано руҳида ёзилган бу асарда бирламчи манба сифатида “Равзат ал-сафо”, “Тарихи Муқимхоний”, “Тарихи Ва-жиз”, “Тухфаи хоний”, “Тарихи Муин”, “Мажмуаи қози” каби тарихий манбалардан унумли фойдаланилган.

Саййид Муҳаммад Носирхоннинг яна бир асари Бухоро арки тарихига бағишланган бўлиб, “Таҳқиқоти арки Бухоро” (Бухоро арки ҳақида тадқиқот) деб номланади¹. Унда Бухоро арки ҳудудидаги иншоотларнинг қачон ва ким томонидан қурилганлиги ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Ҳашмат – Амир Музаффархоннинг ўғли бўлиб, 1864 йилда туғилган, тарихий манбаларда Мирсиддиқ тўра, Мир Муҳаммад Сиддиқхон Бухорий тарзида зикр қилинган. Тахаллуси Ҳашмат, баъзи адабиётларда эса Хишмат деб ёзилган. У отаси хукмронлик қилган йилларда Чоржўй вилоятини бошқарган. Амир Абдулаҳадхон даврида илм ва ижод билан машғул бўлган². Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Сайид Балжувонийнинг ёзишича, у ўз ҳовлисида мусиқий мактаб очган ва Фитрат афандини мудир этиб тайинлаган³.

¹ Саййид Муҳаммад Носир Ибн Музаффар. Таҳқиқоти арки Бухоро. (Бухоро арки ҳақида тадқиқот. Форс тилидан таржима, сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар Ғ. Каримовники). – Т.: Тафаккур, 2009.

² Мирза Абдал Азим Сами. Таърих-и салатин-и мангитйиа (История мангитского государства) / Издание текста, предисловие, перевод и примечание Л.М. Епифановой. – М., 1962; Абу Тохирхожа Самария. Наршахий. Бухоро тарихи. Баёний. Шажараи Хоразмий. Ибрат Фарғона тарихи. – Т., 1991; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеи. (Тоҷик тилидан таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифлари Воҳидов Ш. ва Чориев З.). – Т.: Академия, 2001; Садри Зиё. Наводири Зиёия. Тоҷик тилидан таржима, кириш, изоҳлар т.ф.н. Аминов Б. – Т., 2017; Мирза Салимбек. Тарих-и Салими / Перевод с таджикского, вводная статья и примечания к.и.н. Н. Норкулов. – Т.: Академия, 2009. – С.45–46.

³ Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий. (Фойдали тарих). Ш. Воҳидов ва Чориев. – Т.: Академия, 2001. – Б.76.

Мир Сиддиқхон Ҳашмат нафақат тарихий асарлар, балки шеърлар ҳам ёзган, ижод аҳлига, санъатга ҳомийлик қилган, жуда бой шахсий кутубхонага эга бўлган¹.

Ҳашмат асарлари орасида “Баёни аҳволи салотини узбакийя” (Зайли тарихи Муқимхоний) номли тарихий асар², ғазал, мухаммас, қасидалардан тузилган девон, тазкиралар (“Тазкират ал-шуаро”), “Мажмуаи зоижа аҳкоми нужум” (Юлдузлар ҳолати асосида толеномалар мажмуи), “Мажмуаи ал-баёз” (Адабий-тарихий тўплам) каби асарлар муаллифи эди³. Шунингдек, Ҳашмат хат-тотлик билан ҳам шуғулланган ва бир қанча асарларни кўчирган.

XX аср бошида ўз тарихий асарлари билан танилган яна бир муаллиф – Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим Бухорода амир Абдулаҳадхон ва амир Олимхон ҳукмронликлари даврида масъул лавозимларда – Нурота, Шаҳрисабз, Зиёвуддин, Бойсун, Шеробод, Нарпай вилоятларида ҳоким, саройда эса девонбеги, тўқсабо, мирохўр, бош закотчи сифатида хизмат қилган. Унинг қаламига мансуб “Кашкули Салимий”⁴, “Жоъме ал-гулзор”⁵, “Каъб ал-Ахбор

¹ Вохидов Ш. Из истории частных библиотек в Бухарском эмирате конца XIX – начале XX вв. (Опыт реконструкции частных библиотек в Бухаре и Шахрисабзе) // Иран-наме. №2. 2012. – С.272.

² “Баёни аҳволи салотини ўзбакийя” – Описание истории узбекских правителей (Зайли таърихи Муқимхоний – Продолжение “Муқимханской истории”; Ҳашмат. Баёни аҳволи салотини узбакийя. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №2663/Ш.

³ Вохидов Ш.Х. Жизнь, посвященная вечности. О царевиче Муҳаммад Сиддик Хашмате, сыне эмира Музаффар (1864–1932): жизнь и научное наследие // Молодой учёный, 2015. №15. – С.494–501; Масалиева О. Амир Музаффарнинг тарихнавис ўғиллари // Мозийдан садо, 2004. 2-сон. – Б.30–32; Masaliyeva O. Unknown historian – sons of emir Muzaffar // European Applied Sciences. – Germany, 2014. №11 (November). – P.14–16.

⁴ “Kashkuli Salimiy” (“Salimiyning darveshlar xaltasi”). – Т., 1913.

⁵ Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим. Жоъме ал-гулзор. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №5729.

ҳикоялари”, “Ҳикояти Абдулла ибн ал-Муборак”, “Тарихи Салимий”¹ номли асарлар сақланиб қолган.

“Кашкули Салимий” номли тарихий асари 1913 йилда литографияда босилган ва Ўрта Осиёнинг XII асрдан то XIX асргача бўлган тарихини ўз ичига олган. Асарда шу даврларда ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар, шунингдек, Россия ва Туркия тарихи билан боғлиқ воқеаларнинг қисқача тарихи баён қилинган.

“Тарихи Салимий” асари “Кашкули Салимий” асарининг давоми бўлиб, унинг анча тўлдирилган нусхаси сифатида баҳолаш мумкин. Асар Чингизхон ҳукмронлиги ўрнатилган даврдан бошланиб, амир Музаффархон ҳукмронлигигача бўлган воқеалар қисқача ёритилади. Асосий қисмда эса 1860–1920 йиллар воқеалари, яъни амир Музаффархоннинг тахтга чиқишидан то 1920 йилда Бухоро амирлигининг тугатилишигача бўлган воқеалар баён қилинади. Муаллиф айнан шу даврда яшганлиги, ўз замонасида содир бўлган воқеалар гувоҳи бўлганлиги боис, асарнинг бу қисми биринчи қисмидан ажралиб туради.

Асарда маҳаллий тарихнавислик анъаналарига кўра, ҳукмдорларни улуғлаш яққол намоён бўлади. Муаллиф Амир Саййид Музаффархон, амир Абдулаҳадхон ва амир Муҳаммад Олимхон ҳукмронлик даврларида Бухоро амирлигининг умумий аҳволи, маъмурий тузилиши, Бухоро–Қўқон ва Бухоро–Россия муносабатлари, Ҳисор, Кўлоб, Балжувон, Қоратегин ва Дарвозда бўлиб ўтган исёнлар, амир Музаффархон томонидан Қўқонга қарши ҳарбий юришлар, Ўратепа, Хўжанд, Кўқон музофотларининг забт этилиши билан боғлиқ воқеаларга тўхталиб ўтади.

Шунингдек, асарда ўша даврда амал қилган лавозим-

¹ Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим. Тарихи Салимий. ЎзР ФА ШИ. Кўлёзма рақами: №2016.

лар, йирик мансабдор ва амалдорлар, хусусан, вилоятлар ҳокимлари, қўшбегилар фаолияти, Бухоро хонлиги солиқ тизими ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади¹.

Абдурахмон Тамкини Бухорийнинг “Матали ал-фахира ва маталаб ал-зоҳира” (Фахр берувчи (Бухоро)нинг толеъи ва зоҳирий муаммолар) номли назмда ёзилган тарихий – жўғрофий асари қадимги дунё тарихидан то муаллифнинг ўзи яшаган (1915–1916) давргача бўлган бой тарихий воқеаларни ўз ичига олган². 453 варақдан иборат ушбу асар Абдурахмон Тамкинининг бетоблиги ва бевақт вафоти туфайли тугалланмай қолган. Асарда тарихий жараёнларнинг даврий жиҳатдан афсонавий Идрис пайғамбар давридан бошлаб то муаллифнинг ўзи яшаган давргача баён этилиши унинг анъанавий ёндашувлар доирасида ва ўзидан аввал ёзилган асарлар асосида яратилганлигини намоён этади.

Шунингдек, асарда Ўрта Осиё, Эрон, Яман, Францияда содир бўлган табиат ҳодисалари, Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари тарихи тўғрисида қизиқарли маълумотлар, ўзи яшаган даврдаги Бухоро шаҳри ва унинг ўнта тумани, даҳалари, Бухоро дарвозалари, карвонсаройлари, ҳар бир туманнинг ўзига хос географик тузилиши ва жойлашуви, чегаралари, масофаси, ер майдони, аҳоли сони ва таркиби, турмуш тарзи, касби-кори, хўжалиги, хунармандчилик ва савдо ишлари, деҳқончилик ва чорвачилиги, тарихий зиёратгоҳлари, масжид ва мадрасалари ҳақида батафсил маълумот берилганлиги унинг манбавий қимматини янада оширади.

Хон ва беклар ҳузурида котиб, мунший лавозимларида фаолият юритган тарихчилардан бири Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний эди. У бир қатор тарихий асарлар

¹ Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. – Т.: Академия, 2009. – С.137.

² Абдурахмон Тамкини Бухорий. Матали ал-фахира ва маталаб ал-зоҳира. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №8248.

муаллифи бўлиб, улар орасида “Мирот ал-хаёл” (Хаёл кўзгуси)¹, “Тухфаи шоҳий” (Шоҳнинг туҳфаси), “Тарихи салотини манғитийа” (Манғитлар ҳукмдорлари тарихи), “Даҳмаи шоҳон” (Шоҳлар даҳмаси) каби асарлари эътиборга лойиқ.

Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний томонидан амир Абдулаҳадхон (1885–1910) даврида унинг топшириғи асосида форс–тожик тилида ёзилган “Тухфаи шоҳий” номли асар ҳақида алоҳида тўхталиш лозим². Зеро, мазкур асарнинг икки ҳукмдор даврида ёзилган икки хил нусхаси бўлиб, биринчиси, яъни “Тухфаи шоҳий” номли асари XIX аср охири – XX аср бошларида ҳукмдор буюртмаси асосида ёзилган. Унинг биринчи қисми 1711 йилдан то амир Музаффархоннинг тахтга чиқишигача, иккинчи қисми амир Музаффархон ҳукмронлиги даври, учинчи ва тўртинчи қисмлари амир Абдулаҳадхон даврига бағишланган. Асарда Бухоро амирлигининг ички аҳволи, Россия империясининг истилочилик юришлари ва маҳаллий аҳолининг унга қарши курашлари ўз аксини топган. Асар сарой аҳлига маъқул келмаган ва Мирза Абдулазим Сомий 1906–1908 йилларда амирдан яшириб, “Тарихи салотини манғитийа” номи билан машҳур иккинчи асарини ёзган.

Мирза Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини манғитийа” (Манғитлар ҳукмдорлари тарихи) номли асари³ ҳам амир Музаффархон даврига бағишланган бўлиб,

¹ Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний. Мирот ал-хаёл. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №2188.

² Мирза Абдулазим Сомий. Тухфаи шоҳий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар рақамлари: №1458; 4330; 7419.

³ Тожикистон Республикаси ФА ШИда сақланаётган 927/III-рақамли қўлёзма билан Ўзбекистон ФА ШИда сақланаётган 1458-рақамли қўлёзма қиёсий солиштирилиб, Л.М. Епифанова томонидан рус тилига таржима қилинган ҳамда сўзбоши ва зарур изоҳлари билан 1962 йили Москвада чоп этилган.

унда Россия истилоси арафасидаги иқтисодий ва сиёсий аҳвол, Бухоро–Россия муносабатлари, шунингдек Самарқанд истилоси ва ундан кейин Бухоро амирлигида юз берган воқеалар анча кенг ва нисбатан холис ёритилганлиги билан ажралиб туради.

Норасмий, яъни амирдан яширин тарзда ёзилган мазкур асарда аввалгисига нисбатан муаллиф ўз фикрларини анча дадил баён қилганлиги билан эътиборга лойиқдир. Бу даврда мамлакатдаги аҳвол ҳақидаги танқидий фикрлар анча дадил ва ошкора сурила бошлаганлиги таъсирида муаллиф айрим тарихий воқеаларга, хусусан, Абдумалик тўра фаолиятига анча хайрихоҳлик билан ёндошганлигини қайд этиш лозим.

Юқорида келтирилган манбаларнинг қисқача шарҳи асосида хулоса қилиб айтганда, бу даврда Бухоро амирлигида тарихий манбалар ўрта аср тарихнавислик анъаналари доирасида давом этди. Ўрта асрларда яратилган асарлар уларга манбавий асос бўлиб хизмат қилди. Муаллифларнинг аксарияти ўзи яшаган давр тарихи ва воқелиги баёнида ўз шахсий кузатувларига асосланганлиги уларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамиятини белгилашда муҳим омил бўлди.

Мазкур даврга мансуб манбаларда йирик ҳукмдорлар ва амалдорлар фаолияти, ташқи алоқалар, ўзаро урушлар, қўшни мамлакатлар билан элчилик ва савдо алоқалари, сулолалар тарихи устувор аҳамият касб этган бўлиб, сиёсий жараёнлар тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда маънавий ҳаёт билан боғлиқ бўлган масалалар, хусусан, йирик диний уламолар ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқотлар, мамлакатдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари ёки жамиятда аёлларнинг тутган ўрни ва уларнинг эътиқодлари, тазкира ва маноқиблар

ўша давр ижтимоий-маъанавий, маданий ҳаёти хусусида кўплаб тарихий маълумотлар билан танишиш имконини беради.

Тарихий манбаларнинг мазмуни ва тарихийлик нуқтаи назаридан қиммати кўп жиҳатдан муаллифларнинг салоҳияти ва тафаккури билан ҳам боғлиқ бўлиб, бу улар яратган асарлар мазмунида ҳам акс этганлигини таъкидлаш жоиз. Шу ўринда амир хонадонига мансуб шахзодалар қаламига мансуб асарлар, йирик амалдорлар ёки таъқибга учраган мансабдорлар ёки саройга умуман алоқаси бўлмаган зиёли шахс томонидан ёзилган асарлар мазмунида, воқеалар баёнида ўзига хос хусусиятлар борлигини кузатиш мумкин.

Сарой муҳитининг тарихий ҳақиқатни баён этишда муаррихга таъсири Мирзо Абдулазиз Сомийнинг деярли бир даврда ёзилган ва айни бир тарихий воқеаларга бағишланган икки – “Тухфайи шоҳий” (расмий) ва “Тарихи салотини Манғития” (норасмий) асарларидаги фарқда яққол намоён бўлади.

Баъзи тарихий асарлар нафақат минтақадаги, балки кўшни мамлакатлардаги шаҳарлар ҳақида ҳам географик маълумотлар, табиат ҳодисалари, шаҳарлар ҳаётига оид бой маълумотлари билан эътиборга лойиқ. Бу борада Ўрта Осиё, Эрон, Яман, Францияда табиат ҳодисалари, Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари тарихи тўғрисида маълумотлар ўрин олган Абдурахмон Тамкини Бухорийнинг “Матали ал-фахира ва маталаб ал-зоҳира” (Фахр берувчи (Бухоро)нинг толеъи ва зоҳирий муаммолар) номли тарихий асарни мисол келтириш мумкин.

Юқорида қайд этилган тарихий манбаларнинг қисқа шарҳи бу йўналишда ҳали чуқур илмий тадқиқотлар зарурлигидан далолат беради.

3-§. Қўқон хонлиги тарихий манбалари

Фарғона водийсида тарихнавислик анъаналарининг шаклланиши XVIII аснинг иккинчи ярмида, аниқроғи Норбўтабий (1763–1798), Олимхон (1798–1810) ҳукмронлиги давридан бошланса-да, Амир Умархон ҳукмронлиги давридан бошлаб анча кенг тус ола бошлади.

Қўқон хонлиги тарихнавислиги бўйича Ўзбекистон ва қўшни республикаларда анча самарали изла-нишлар олиб борилган. Чунончи, Б. Аҳмедов¹, А. Ўринбоев², Т. Бейсембиев³, М. Қодирова⁴, А. Матғозиев⁵, Ҳ. Бобобеков⁶, Э. Хуршут⁷, Ш. Воҳидов⁸, Д. Сангиро-

¹ Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии. XVI–XVIII вв. – Т., 1985. – С.262; Ўзбекистон тарихининг манбалари. – Т., 1991. – Б.268.

² Урунбаев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства // Изд. АН РУз ССР. Серия общественных наук. 1957. №3. – С.33–38.

³ Бейсембиев Т. “Тарихи Шахрухи” – как исторический источник. Дис... канд. ист. наук. – Т., 1983; Он же: “Тарихи Шахрухи” – как исторический источник. – Алма-Ата, 1987; Ibid The Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia, Edited and translated by Timur Beisembiev. – London, 2003; Кокандская историография. Исследование по источниковедению Средней Азии XVIII–XIX веков. – Алматы, 2009.

⁴ Дилшод. Тарихи муҳожирон / Нашрга тайёрловчи М. Қодирова. – Т., 1994. – Б.77–91.

⁵ Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин / Нашрга тайёрловчилар А. Матғозиев, М. Усмонова. – Т., 1995.

⁶ Исҳоқхон Ибрал. Фарғона тарихи / Нашрга тайёрловчилар Ҳ. Бобобеков, М. Ҳасаний. – Т., 1991. – Б.266–327.

⁷ Хуршут Э. “Мунтахаб ат-таварих” и его списки // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Т., 1986. №5. – С.41–45.

⁸ Вахидов Ш.Х. Аваз Муҳаммад Аттор Хуканди и его сочинение “Тарихи Джаханнамаи”. Автореф. дис... канд. ист. наук. – Т., 1990; Аваз Муҳаммад Аттор Хукандий. Тарихи жаҳоннамои / форсчадан Ш. Воҳидов таржимаси // Шарқ Юлдузи, 1991. №8. – Б.119–137; Сочинение Фазли Фаргани “Умарнома” // Адабий мерос, 1995. №3. – Б.28–33; Қўқон тарихчилари: Фазлий ва Мушриф. – Т., 1996. – Б.24; Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар / Нашрга тайёрловчи Ш. Воҳидов // Шарқ Юлдузи. – Т., 1996. №1. – Б.215–223; Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар / Нашрга тайёрловчи Ш. Воҳидов // Шарқ Юлдузи. – Т., 1996. №2. – Б.208–223; Шу муаллиф. XIX–XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ри-

ва¹, Ў. Султонов², О. Жалилов³, У. Булдук⁴, Я. Кавахара⁵, Н. Терлетский⁶ каби олимлар томонидан Қўқон хонлигида яратилган қатор асарлар манбашунослик йўналишида тадқиқ этилиб, таржима ва табдил қилиниб нашр этилди. А. Қаюмов⁷, А. Мухторов⁸, Р. Набиев⁹, Ҳ. Бобобеков¹⁰, Ҳ. Зиёев¹¹, З. Илҳомов¹², Б. Турсунов¹³, Ш. Маҳмудов¹⁴,

вожланиши. Тарих фанлари док... дис. – Т., 1998; Қўқон хонлигида тарихнавислик. – Т., 2010. – Б.315.

¹ Сангирова Д. “Тарихи Азизий” – чор мустамлакачилиги даврига оид муҳим тарихий манба. Тарих фан. ном... дис. – Т., 2000.

² Султонов Ў. Муҳаммад Солиҳхўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Т., 2009.

³ Муҳаммад Умар қори Умидий Марғилоний. Мактубчаи хон. Нашрга тайёрловчи О. Жалилов. – Т., 2007.

⁴ Bulduk U. Hokand hanligi ve lbret'in Fergana tarihi. – Ankara, 2006.

⁵ Muhammad Hakim khan. Muntakhab al-tawarikh. Selected history. Vol.II, Edited by Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. – Tokyo: ILCAA, 2006. – P.716.

⁶ Terletsky N. Some Data about the Erly Works of the Khuqand Historiography // Manuscripta Orientalia. International journal for Oriental Manuscript Reserch. St. Peterburg. Vol.11 No.1. March 2005. – P.3–19.

⁷ Қаюмов А.П. Қўқон адабий муҳити. – Т., 1961.

⁸ Мухтаров А. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. – Душанбе, 1964.

⁹ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худояр – хана). – Т., 1973; Он же: Уникальный источник по истории Кокандского ханства // Общественные науки в Узбекистане, 1974. №4. – С.33–39.

¹⁰ Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. – Т., 1996.

¹¹ Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т., 1998.

¹² Илҳомов З.А. Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий тарихида тутган ўрни. Тарих фан. ном... дис. – Т., 2004; Ўша муаллиф: Амирлашкар тарихи. – Т., 2008. – Б.132.

¹³ Турсунов Б.Я. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70-йилларигача): Тарих фан. ном... дис. – Т., 2006. 146-варақ.

¹⁴ Маҳмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709–1876 йй.). – Т., 2007; Mahmudov Sh. Selcukluler tarihi “Muntahab ut-tevarih”de: yorum ve tahlil // II-Uluslararası Selcuklu kultur ve Medeniyeti Sempozyumu. 19–22 October 2011. – Konya-Türkiye. – S.115; Mahmudov Sh. Muhammed Hakim Han Töre'nin “Müntehâbü't-tevârih” eserine seyahat-name olarak bir bakış // Orta Çağ İslam Dünyasında Seyyahlar ve Seyahatnameleri Uluslararası Sempozyumu. 13–15 Ekim 2016 / Konya. – S.58–59; Mahmudov Sh. “Mektupçe-i

Ш. Қўлдошев¹, З. Мадраҳимов², Б. Бобожонов³, С. Леви⁴, З. Камалова⁵, Ж. Абдукаримов⁶ каби олимлар эса Қўқон хонлиги тарихига оид илмий тадқиқотларда бу даврда яратилган манбаларни илмий муомалага киритдилар.

Қўқон хонлигида яратилган тарихий манбаларнинг аксарияти мусулмон тарихнависидаги анъаналарига кўра, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га наът билан бошланиб, баъзилари муаллиф яшаган замондан, баъзилари эса Қўқон хонлигининг пайдо бўлиш тарихига оид ривоятлар (Олтин Бешик афсонаси) ҳамда аниқ тарихий шахслар фаолияти билан боғланган ҳолда бошланганлигини кузатиш мумкин.

Даврий жиҳатдан уларни Қўқон хонлиги даврида ёзилган ва хонлик тугатилганидан кейин битилган асарларга бўлиш мумкин. Хонлик даврида 20 дан ортиқ, Қўқон хонлиги тугатилгандан сўнг эса унинг тарихига бағишланган 10 дан ортиқ асарлар ёзилди.

Қўқон хонлигига оид манбалар орасида ҳукмдор-

han” eserinde Sultan II. Abdülhamid: yorum ve tahlil // The International Congress on Sultan Abdul Hamid II and His Era on the Occasion of the Centenary of His Death. – Istanbul, 2018. – S.46–47; Mahmudov Sh. “Müntehâbü’t-Tevârih” Eserinde Yıldırım Bayezid: Yorum Ve Tahlil // Uluslararası Yıldırım Bayezid Sempozyumu bildiriler kitabı. Yayına hazırlayanlar Hasan Basri Ocalan, Yusuf Ziya Karaaslan. – Ankara, 2019. – S.45–49.

¹ Қўлдошев Ш. Қўқон хонлиги ва Хитой (Чинг империяси) ўртасидаги дипломатик муносабатлар. – Т., 2019.

² Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. – Т., 2014.

³ Бабаджанов Б. Кокандское ханства: власть, политика, религия. – Ташкент–Токио: Янги нашр, 2010.

⁴ Levi S. The Ferghana Valley at the Crossroads of World History: The Rise of Khoqand, 1709–1822 // Journal of Global History. 2007. Vol.2. №2; Levi S. The Rise and Fall of Khoqand 1709–1876. Central Asia in the global age. University of Pittsburgh Press. 2017.

⁵ Kamalova Z. Hokand Hanliġinin Son Hükümdarı. Hüdayar Han ve dönemi (1845–1875) Fergana vadisinde Rus İşgali. – Istanbul, 2020.

⁶ Абдукаримов Ж. Политическое положение Ура-тубинского владения и Худжанда в начале XVIII – до 40-х гг. XIX в. (по материалам “Мунтахабат-таварих” Муҳаммада Хакимхана). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Душанбе, 2020.

ларга бағишлаб ёзилган асарлар алоҳида ўрин тутади. Ҳукмдорнинг тахтга келиши ва фаолияти билан бирга хонликдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳам акс эттирган бу асарлардан Умархонга бағишланган “Умарнома”, “Шоҳномаи Умархоний” (Шоҳномаи Нусратпоём), Муҳаммад Алихонга бағишланган “Воқеоти Муҳаммад Алихон” ҳамда Худоёрхонга бағишланган “Зафарномаи Худоёрхон” асарларини қайд этиш мумкин. Бундан ташқари, Қўқон хонлиги сиёсий тарихида муҳим ўрин тутган давлат арбоблари – Мулла Алиқули амирлашкар ҳамда Ёқуббек Бадавлатларга бағишланган тарихий асарлар ҳам битилган бўлиб, улар хонликдаги сиёсий жараёнларга алоҳида урғу қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Фарғона водийсида яратилган илк тарихий асар Қўқонда яшаган уламо ва Акмал таҳаллуси билан ижод қилган шоир Шер Муҳаммад Хўқандийнинг “Амирнома” асари эди. Ушбу асарнинг ягона нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади¹. Асарда қайд этилган “Олтин Бешик” афсонаси орқали Қўқон ҳукмдорларининг келиб чиқишини Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси билан боғланиши кейинчалик бошқа тарихий асарларда ҳам қайтарилганлиги кузатилади².

“Амирнома” асарининг дастлабки боблари “Сиёсатнома”, “Панднома” жанрида ёзилган бўлиб, унда бошқарув сиёсати, амирлар, ҳукмдорлар, олим ва шоирларга насиҳат ҳамда маслаҳатларга алоҳида ўрин берилган, шу би-

¹ Шер Муҳаммад Хўқандий. Амирнома. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №2322.

² Жўрабоев О. Тарихий воқеликнинг адабий манбаларда акс этиши // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар мавзусидаги анжуман материаллари тўплами. – Т.: Фан, 2010. – Б.67.

лан бирга Олимхоннинг ҳарбий юришлари ҳам ўз аксини топган.

XIX аср бошларида ҳукмронлик қилган Қўқон хони амир Умархон (1810–1822) даврида яратилган, “Умарнома” деб номланган тарихий асар саройда “Малик уш-шуаро” – шоирларнинг раҳбари, етакчиси деган унвонга эга бўлган иқтидорли шоир Абдулкарим Фазлий Намангоний қаламига мансуб эди. Назмий усулда яратилган ушбу йирик тарихий асар “Зафарномаи Умархон” деб ҳам номланган. Ушбу асарнинг ягона нусхаси Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади¹.

“Умарнома” асари жуда чиройли ҳуснихат билан кўчирилганлиги ва аввалги саҳифалар нақшлар ва олтин сувлари билан безатилганлиги унинг буюртма асосида Қўқон ҳукмдори Умархон учун махсус совға сифатида тайёрланганлигини англатади. Асарда Қўқон хонлари тарихи Шоҳруххон (1709–1721)дан бошлаб баён қилинади². Фазлий Қўқон хонларини насабини соҳибқирон Амир Темурга боғлаб, тегишли қисмига “Дар баёни насл ва авлоди Темурхон соҳибқирон” деб сарлавҳа қўйган. Бу билан муаллиф Қўқон хонларини Амир Темурнинг авлоди эканлигига урғу бериб, буни алоҳида таъкидлайди. Фазлий ўз асарида “Олтин Бешик” ривоятини келтирмаса-да, у ҳам Қўқоннинг биринчи ҳукмдори Шоҳруххоннинг шажарасини Заҳириддин Муҳаммад Бобурга боғлайди.

Фазлийнинг “Умарнома” асари Қўқон тарихнавислик мактабининг кейинги даврда ривожланишига асосий туртки берган асар эди. Асар Қўқон хонлигида назмда яратилган тарихий асарлар ичида энг кучли бадиятда

¹ Абдулкарим Фазлий Намангоний. Умарнома. Россия ФА ШҚИ. Қўлёзма рақами: №С2467.

² Ўша жойда. 20а-варақ.

ёзилган бўлиб, кейинги даврда ёзилган назмий асарлардан юксак сўз маҳорати билан ажралиб туради.

Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” номли иккинчи асарида эса Қўқон адабий муҳитида ижод қилган шоирлар ҳақида маълумотлар, уларнинг ижодидан намуналар келтирилган бўлиб, шу даврда хонликдаги маданий ҳаётни ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади¹.

Амир Умархон даврида унинг буюртмаси асосида яратилган кейинги асар Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагийнинг “Шоҳномаи Нусратпоём” асари бўлди. Ушбу асарнинг бир нусхаси Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтида², яна бир нусхаси эса Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида³ сақланади. Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагий Қўқон хонлиги давлат бошқарувида фаолият юритган амалдорлардан бири бўлиб, асли Исфарадан бўлган. Фазлий уни ўз даврида “шоирларнинг сараси” деб таърифлаган⁴. Мирзо Қаландар Мушриф нафақат истеъдодли шоир, фикрда кучли билим соҳиби бўлган. Шу боис Умархон ҳукмронлигида у Қўқон хонлиги марказий давлат бошқарувидаги қози аскарлик лавозимига тайинланган.

Умархон насрий асар назмда ёзилганидан кўра барчага тушунарлироқ бўлишини ҳисобга олиб, Мирзо Қаландар Мушрифга Абдулкарим Фазлийнинг “Умарнома” асарини насрга ўгиришни топширган, зеро, Мирзо Қаландар Мушриф сўз санъатининг устаси эди.

¹ Абдулкарим Фазлий Намангоний. Мажмуаи шоирон. (Масъул муҳаррир Б. Абдуҳалимов). – Т.: Фан, 2018.

² Мирзо Қаландар Мушриф. Шоҳномаи нусратпаём. Россия ФА ШҚИ. Қўлёзма рақами: №С471.

³ Мирзо Қаландар Мушриф. Шоҳномаи нусратпаём. Тожикистон ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №10088.

⁴ Абдулкарим Фазлий Намангоний. Мажмуаи шоирон. Масъул муҳаррир Б. Абдуҳалимов. – Т.: Фан, 2018. – Б.31.

“Шоҳномаи нусратпоём” асарида ўша даврдаги сиёсий аҳвол, минтақада Бухоро амирлигининг олиб борган сиёсати, унга қарши Қўқон хони амир Умархон ва Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (1806–1825) ўртасида тузилган ҳарбий иттифоқ тўғрисида муҳим тарихий маълумотлар келтирилади.

Қўқон тарихнависида Дилшоди Барнонинг “Тарихи Муҳожирон” асари ўзига хос ўрин тутади. Мазкур асарнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган икки нусхаси мавжуд. Асарнинг ўзбек тилидаги нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади¹. Ўз даврида камёб воқеа бўлган аёл муаррих томонидан битилган ушбу асар муаллифи Дилшоди Барно нафақат қобилиятли тарихчи, балки истеъдодли шоира ва ўз навбатида бир неча иқтидорли шоираларни тарбиялаган муаллима бўлган. У ўзбек ва тожик тилларида 40 дан ортиқ ғазаллар ҳам яратган².

“Тарихи муҳожирон” асарида Дилшоди Барно Умархоннинг 1816 йилда Ўратепага юриши, у ернинг аҳолисини Умархоннинг номига барпо қилинган Шаҳрихон шаҳрига кўчириб келиниш тарихини шу воқеаларни ўз бошидан кечирган жонли гувоҳ сифатида баён қилган. Шунингдек, асарда ўша даврдаги истеъдодли шоира аёллар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Дилшоди Барно ушбу асарида икки давр тарихини, яъни хонлик даври ва хонлик тугатилгандан кейинги даврни қиёсий таҳлил қилганлиги унинг қимматини янада оширади.

Амир Умархондан кейинги даврда ҳукмронлик қилган Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822–1842)га бағишланган асар ҳам аёл муаррих қаламига мансуб бўлиб,

¹ Дилшоди Барно. Тарихи муҳожирон. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №1207.

² Дилшод, Анбар Отин. Тузувчи ва сўз боши муаллифи Маҳбуба Қодирова. – Т.: Фан, 1994. – Б.7.

унинг муаллифи шоира Увайсий эди. Увайсий Қўқон адабий муҳотида кўзга кўринган шоиралардан бири бўлиб, амир Умархоннинг турмуш ўртоғи, Нодири тахаллуси билан ижод қилган шоира Моҳларойимнинг устози бўлган. Увайсий Нодиранинг таклифи билан Қўқонга келиб саройда ижод қилган ва ўзининг “Воқеоти Муҳаммад Алихон”¹ номли тарихий дoston жанридаги асарини яратган.

Асарда Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822–1842)-нинг таваллуд топиши, тахтга ўтириши, Қошғар юришига тайёргарлик учун фармон бергани келтирилган. Қошғар юриши ҳақидаги воқеалар назмда баён этилган, аммо асар тугалланмай қолган. Чунки унда 1842 йил воқеалари, яъни Бухоро амири Насруллохоннинг мамлакатни ишғол қилиши ўз аксини топмаган, ваҳоланки, бу вақтда Увайсий шу шаҳарда яшар эди.

1842 йил воқеалари бошқа асарларда, хусусан, Мутрибнинг “Шоҳномаи Девона Мутриб”² номли ва Андалибнинг “Шоҳномаи Девона Андалиб”³ асарларида ҳам ўз аксини топган. Ушбу икки асарда ҳам Қўқон хонлигига Амир Насруллохоннинг ҳужуми, Муҳаммад Алихон ва Султон Маҳмудхоннинг қатл қилиниши, Иброҳим халелни Қўқонга ноиб этиб белгиланиши, Шералихоннинг тахтни қўлга киритиши ва Бухоро қўшинига қарши ҳаракатларда зафар кучиши каби тарихий жараёнлар баён қилинади.

Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг “Мунтахаб ал-таворих” номли асари Қўқон тарихнавислигидаги йирик асарлардан биридир. Ушбу асарнинг ўзбек ва форс-тожик

¹ Увайсий. Воқеоти Муҳаммад Алихон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №1837.

² Мутриб. Шоҳномаи Девона Мутриб. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №596.

³ Андалиб. Шоҳномаи Девона Андалиб. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақамлари: №696/1 ва 596/II.

тилларидаги нусхалари бугунги кунда Ўзбекистонда¹, Тожикистонда², Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти³ фондларида сақланмоқда.

Муҳаммад Ҳақимхон тўра Қўқон хонлари ва амалдорлари авлодига мансуб бўлиб, ёшлигидан саройда амир Умархоннинг ўғли Муҳаммад Алихон билан бирга вояга етган. Умархон вафот этгандан сўнг Қўқон хонлиги тахтига ўтирган Муҳаммад Алихон (1822–1842) даврида Ҳақимхон тўра маъмурий маркази Тўрақўрғон бўлган Наманган вилояти ҳокими вазифасида фаолият юритган, отаси эса шайхулислом мансабида бўлган.

Амир Умархон вафоти муносабати билан Ҳақимхон тўра оиласи тахтга даъвогарлик қилиб, сиёсий ҳаракатлар тепасида турганлиги боис муҳолиф сифатида кўрилиб, мамлакатдан чиқариб юборилган. Қарийб етти йил мобайнида Россия, Онадўли, Шом, Миср, Арабистон, Эрон каби мамлакатларда бўлган Муҳаммад Ҳақимхон тўра рус ва араб тилларини ўрганади. Шу юртларда кўрган кечирганларини ўз асарида батафсил таърифлайди. Шу боис мазкур асарда нафақат Қўқон хонлиги, балки бутун минтақа ҳамда қўшни мамлакатлар, Россия шаҳарлари (Шамай, Омск, Астрахань, Кубан), Усманийлар давлати, Арабистон, Миср ва Эрон мамлакатлари ҳақида қимматли тарихий маълумотлар ҳамда ўзининг шахсий кечмишлари ўз аксини топади. Сафар асносида ҳаж зиёратини бажариб, Эрон орқали Бухорога қайтгач, Шаҳрисабз вилоятида яшаб қолади⁴.

¹ Муҳаммад Ҳақимхон ибн Маъсумхон тўра. Мунтахаб ал-таворих. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақамлари: №592, 594, 596.

² Муҳаммад Ҳақимхон ибн Маъсумхон тўра. Мунтахаб ал-таворих. Тожикистон ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №63.

³ Муҳаммад Ҳақимхон ибн Маъсумхон тўра. Мунтахаб ал-таворих. РФА ШҚИ Қўлёзма рақамлари: №С470; Д90; Д225.

⁴ Хуршут Э. “Мунтахаб ал-таворих” XVIII–XIX асрлардаги Ўрта Осиё ва унга қўшни юртлар тарихи бўйича манба сифатида // Ўзбекистонда ижти-

“Мунтахаб ал-таворих” асарида XIX асрнинг биринчи ярмига қадар кечган сиёсий жараёнлар, хонликнинг маъмурий бошқарувига оид маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Ҳакимхон тўра келиб чиқиши ота томондан Маҳдуми Аъзамга боғланган, онаси эса Норбўтахоннинг қизи бўлган. Сиёсий вазият ва сарой ҳаётини жуда яхши билганлиги боис муаллиф давлат бошқарувидаги жуда кўп масалалардан анча яхши хабардор бўлган.

Асарда Қўқон хонлиги ташкил топиш давридан бошлаб, Фарғона водийсидаги сиёсий жараёнлар, Шоҳрухбийнинг ўғли Абдурахимбий давридан бошлаб то Олимхон ва Умархон ҳукмронликлари давридаги ҳукмдорларнинг фаолиятига доир муҳим маълумотлар келтирилган.

Мазкур асарда нафақат Қўқон хонлиги, балки Бухоро ва Хива хонликлари билан ўзаро муносабатлар, сиёсий жараёнлар ва воқеалар, қўшни давлатлар ҳамда Россия империяси, Усмонли давлати ҳақида жуда қимматли тарихий, этнографик, географик, топографик, топонимик маълумотлар, Хива, Хўжанд, Қўқон, Бухоро шаҳарлари таърифи қайд этилган. Ўратепа, Шаҳрисабз, Ҳисор, Қоратегин, Кўлоб бекликлари ҳақида, шунингдек, муаллиф ўзи яхши билган давлат арбоблари ва нуфузли кишилар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирган.

Минтақа тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиб келаётган ушбу асарда айрим чалкашликлар ҳам учрайди, хусусан, айрим ҳукмдорлар, жуғрофий номлар ва 1842 йилда Бухоро амири Насруллоҳнинг Қўқон хонлигига қарши юришларига доир маълумотлар танқидий ўрганишни тақозо этади¹.

мой фанлар. №7. 1984; Ўша муаллиф. “Мунтахаб ал-таворих” ва унинг манбалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №12. 1986.

¹ Асар сафарнома сифатида ҳам катта аҳамиятга эгаллиги боис, кейинги қисмларда батафсил тўхталиб ўтилади.

Абдулғаффорбойнинг “Зафарномаи Худоёрхон”¹ асарида Худоёрхоннинг биринчи ҳукмронлиги йилларида Қўқон хонлиги давлат бошқарувида қипчоқ уруғининг таъсири ва сиёсий мавқеининг ортиб бориши, бу жараёнларда Мусулмонқули мингбошининг роли, Худоёрхоннинг қипчоқларга нисбатан олиб борган сиёсати ва ўз ҳукумати мустақамлашга бўлган интилиши натижалари, Оқмасжид қалъасининг қўлдан кетиши каби тарихий жараёнлар ўз ифодасини топган.

Ш. Воҳидов томонидан “Зафарномаи Худоёрхон” асари махсус топшириқ асосида ёки ҳукмдорнинг марҳаматига сазовор бўлиш ниятида ёзилганлиги тахмин қилинади². Асар муаллифи саройда мунший сифатида хизмат қилган ва Худоёрхонни улуғлашга ҳаракат қилган бўлса-да, унда келтирилган маълумотлар тарихий жараёнларнинг моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Асарда Худоёрхоннинг ёш бўлишига қарамасдан мамлакатда юзага келган этник зиддиятни бартараф этиш учун олиб борилган саъй-ҳаракатлари ўз аксини топган.

Шавқийнинг “Жангномаи Худоёрхон”³ номли асарида Худоёрхоннинг қипчоқларга нисбатан олиб борган сиёсий ҳаракатлари келтирилган. Мулла Шавқий ўз асарида сиёсий вазиятни таҳлил қилиш асосида Мусулмонқулининг ҳокимиятни тўлиқ назорат қилиши оқибатида Худоёрхоннинг ҳукмдор сифатидаги ролини тортиб олганлиги, қипчоқларнинг ҳукуматга қарши олиб борган хиёнати, уларнинг уруғ-аймоқчилиги туфайли этник зиддиятларни юзага келганлиги, уларга қарши қатъий

¹ Абдулғаффорбой. Зафарномаи Худоёрхон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №598; 599/II.

² Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихшунослик. – Т.: Академнашр, 2010. – Б.190.

³ Мулло Шавқий. Жангномаи Худоёрхон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №599.

ҳаракатлар натижасида Худоёрхон ўз ҳокимиятини тиклашга эришганлиги кўрсатиб берилган.

Кўқон хонлигининг XIX аср тарихини ўрганишда Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад Тошкандийнинг 1874–75 йилларда ёзилган “Хулосат ал-аҳвол” асари муҳим ўрин тутади¹. Бу асарнинг ягона нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланади². Тошкентда туғилган, 12 ёшида Куьронни ёд олган, ўз даврининг билимдони бўлган Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад (Эшонхўжа)нинг ушбу асари болалик йилларидаги кечинмалари билан боғлиқ воқеалардан бошланади. Асар Тошкентда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилган даврда ёзилганлиги боис Кўқон хонлигининг сўнгги босқичидаги муаммолар, хусусан, 1850–1860 йилларда аҳолидан қўшимча солиқлар йиғилиши, тахт учун фитналар тўғрисида анча дадил фикр билдирилганлиги билан ажралиб туради. Унда хонликнинг тугатилишидан аввалги 30 йиллик сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, айниқса, Россия империясининг Тошкентни босиб олиши тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилади.

Кўқон хонлиги тарихига доир муҳим маълумотларга эга бўлган тарихий асарлардан яна бири Тожир тахаллуси билан ижод қилган муаррихнинг “Ғаройиби сипоҳ” асаридир. Ушбу асарнинг ягона нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади³. Асар муаллифининг шахси, касби ҳақида маълумотлар ҳозирча аниқланмаган. Унда хонликнинг ҳарбий қўшини, ташқи сиёсати ва дипломатик алоқала-

¹ Собрание восточных рукописей ИВ АНРУз: История / Составители: Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. – Т., 1998. №568.

² Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад Эшонхўжа Тошкандий. Хулосат ул-аҳвол. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №2084.

³ Тожир. Ғаройиби сипоҳ. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №5409.

рига доир муҳим маълумотлар қайд этилади. Айниқса, Умархон даврида Қўқон–Бухоро муносабатларининг ижобий тус олгани, Умархон вафотидан сўнг Қўқон тахтига давогарлар ўртасидаги кураш, Муҳаммад Алихон ҳукмронлигида Чин империясига юборилган Аълам пошша бошчилигидаги элчилик, Истанбулга юборилган дипломатик миссия, 1842 йилги Қўқон–Бухоро муносабатлари тўғрисидаги муҳим маълумотлар ўрин олган.

Қўқон тарихнавислигида алоҳида ўрин тутган Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий “Тарихи жаҳоннамои”¹ ва “Тухфат ал-таворихи хоний” номли асарлар яратган истеъдодли тарихчи бўлган. У ўз касби – атторлик билан шуғулланиб юрган вақтларида форсийда ёзилган китобларни кўчириш билан ҳам машғул бўлганлиги тўғрисида хабар беради. “Мунтахаб ал-таворих” асаридан нусха кўчириш жараёнида кўплаб тарихий воқеликка доир хатолар учраши унинг “Тарихи жаҳоннамои” асарининг яратилишига сабаб бўлганлигини қайд этади.

“Тарихи жаҳоннамои” асари икки жилддан иборат бўлиб, биринчи жилди Одам алайҳиссалом, пайғамбарлар, Муҳаммад алайҳиссалом, халифалар, Уммавийлар ва Аббосийлар халифалиги таърифи билан бошланиб, ўзбек давлатчилиги тарихидаги сулолалар ҳамда Бобур ва Бобурийлар даври тарихи билан якунланади. Ушбу қисмда муаллиф кўплаб тарихчиларнинг асарларидан иқтибослар келтиради. Мазкур асар Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти фондида сақланади². Асарнинг иккинчи жилди эса Қўқон хонлиги тарихига бағишланган бўлиб, бу китоб Ўзбекистон Фанлар

¹ Вохидов Ш.Х. Аваз Муҳаммад Аттар Хуканди и его сочинение “Тарихи Джаханнамаи”: Автореф. дис... канд. истор. наук. – Т., 1990. – С.20.

² Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамои. Россия ФА ШҚИ. Қўлёзма рақами: №С439.

академияси Шарқшунослик институти фондида сақланади¹. Аваз Муҳаммад Аттор кўплаб тарихий манбалардан унумли фойдаланган.

“Тарихи жаҳоннамои” бирор бир махсус буюртма асосида ёки ҳукмдорларнинг топшириғига кўра ёзилмаганлиги асарнинг қимматини оширади. Аваз Муҳаммад Аттор ўз давридаги муаммоларга муносабат билдира олган тарихчи сифатида гавдаланади. Бу ҳолат айниқса, муаллифнинг Россия империяси босқини арафасида Бухоро амири Музаффархоннинг Кўқонга нисбатан тутган сиёсатини қаттиқ қоралашида яққол намоён бўлади.

Кўқон хонлиги тарихига доир асарлардан яна бири хонликнинг ҳарбий қўшинида хизмат қилган Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шоҳруҳий” асаридир. Мазкур асарнинг форс тилидаги бир нусхаси Россия Фанлар академияси Шарқ кўлёзмалари институтида², Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида форс–тожик³ ва ўзбек тилларидаги⁴ нусхалари сақланган, 1885 йилда Н. Пантусов томонидан Қозонда тошбосма усулда нашр қилинган⁵ ва замонавий тадқиқотчилар томонидан анча чуқур ўрганилган⁶. Ушбу асарни мукамал ўрганган Т. Бейсембиев унинг 8 та нусхасининг рўйхатини кўрсатади⁷.

¹ Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамои. ЎзР ФА ШИ Кўлёзма рақами: №9455.

² Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Тарихи Шоҳруҳий. РФА Шарқ кўлёзмалари институти. Кўлёзма рақами: №С467.

³ Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Тарихи Шоҳруҳий. ЎзР ФА ШИ. Кўлёзма рақами: №1787.

⁴ Ўша ерда. Кўлёзма рақами: №4463/1.

⁵ Таарих Шахрои. История владетелей Ферганы. Сочинение молы Ниязи Мухаммед бен Ашур Мухаммед хокандца, изданная П.Н. Пантусовым. – Казань, 1885.

⁶ Бейсембиев Т.К. Тарих-и Шахрои – как исторический источник. – Алма-Ата, 1987. – С.200.

⁷ Бейсембиев Т.К. Тарих-и Шахрои – как исторический источник. – С.166.

“Тарихи Шоҳруҳий”да Қўқон хонлигининг вужудга келишидан 1870 йилларгача бўлиб ўтган тарихий жараёнлар, хусусан, 1860–1865 йилларда Қўқон хонлигига қарши Россия империясининг ҳарбий босқини, мамлакат аҳолисининг бунга қарши ватан мудофааси учун олиб борган жанглари ўз аксини топган.

Қўқон хонлиги тугатилгандан сўнг яратилган тарихий асарларда ҳам ушбу асардан манба сифатида унумли фойдаланилган ва ундаги айрим чалкашликлар кейинги даврда ёзилган асарларга ҳам ўтиб борган. Хусусан, “Тарихи Шоҳруҳий”да Муҳаммад Алихон ҳукмдорлигининг 9-йилида Жаҳонгирхон тўранинг ўғли Бузрукхон тўра ўз тарафдорлари билан Қошғарга кетганлиги ҳақидаги нотўғри маълумот шулар жумласидандир¹. Аслида бу воқеа Бузрукхон тўра билан эмас, айнан Жаҳонгирхон тўранинг ўзи билан боғлиқ бўлиб, Муҳаммад Алихон ҳукмронлигининг 9-йилида эмас, 1826 йилда рўй берган эди.

Қўқон тарихнавислигида хонликнинг умумий тарихи ёки ҳукмдорларга бағишланган асарлардан ташқари, давлат амалдорлари, ҳарбий саркардаларга бағишлаб ёзилган асарлар ҳам мавжуд. XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон хонлиги сиёсий тарихида муҳим ўрин тутган Мулла Алиқули амирлашқарга бағишланган ва назмда битилган Бекназарнинг “Амирлашқар жангномаси”² ҳамда Мулло Холбекнинг “Ғарибнома ва Алиқули жангномаси”³ асарлари ва насрда битилган Муҳаммад Юнусжон шиғовулнинг “Тарихи Алиқули амирлаш-

¹ Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Тарихи Шоҳруҳий. Россия ФА ШҚИ. Қўлёзма рақами: №С467, 147а-варақ.

² Бекназар. Амирлашқар жангномаси. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №1925/IV.

³ Мулло Холбек. Ғарибнома ва Алиқули жангномаси. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №596/II.

кар”¹ номли асарлари шулар жумласидандир. Ушбу асарларда Алиқули амирлашкарнинг мард ва жасурлиги, истилочилар билан муҳорабаси, Авлиё Ота, Туркистон, Чимкент ва Тошкент мудофааси учун бўлиб ўтган жанглار тафсилоти қайд этилади.

1874 йилда ёзилган Абдуллоҳ Амир Лашкарнинг “Тарихи сиғарий” асари ҳам Қўқон хонлиги тарихини тадқиқ этишда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу асарнинг ҳозирда маълум бўлган ягона нусхаси Британия кутубхонасида ОР-8156 рақами остида сақланади. Асар муаллифнинг Қўқон хонлари шажарасига доир Қулунбий ва Чамашбийларнинг Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийдан тарбия олиб камол топгани ҳақидаги ривоят билан бошланади². “Тарихи сиғарий” асарида муаллиф Норбўтахон, Олимхон, Умархон, Муҳаммадалихон, Шералихон ва Худоёрхон ҳукмронлиги давридаги тарихий воқеаларга алоҳида эътибор қаратади. Шунингдек, ушбу асарда Маллахоннинг ўғли Султон Сайидхон (1863–1865)нинг тахтга чиқарилиши ва Мулла Алиқулига амир ал-умаро лавозими берилиши³, Худоёрхон (1865–1875) ҳукмронлигида Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан муносабатлари, Қўқондан Бузрукхон тўра билан Ёқуббек Бадавлатнинг Қошғарга бориши, Ёқуббек Бадавлатнинг Шарқий Туркистондаги фаолияти, Нормуҳаммад парвоначи, Мир Бобо худайчи, Дарвиш худойчиларнинг Қўқондан Шарқий Туркистонга Ёқуббек Бадавлат ҳузурига элчи сифатида юборилгани тўғрисидаги бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар қайд этилади. Муаллиф Ёқуб-

¹ Муҳаммад Юнусжон шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №12136.

² Абдуллоҳ понсодбоши. Тарихи сиғарий. Британия кутубхонаси, ОР-8156 рақамли қўлёзма, 2а-варақ.

³ Абдуллоҳ понсодбоши. Тарихи сиғарий. 44а-варақ.

бек Бадавлат томонидан 1872 йилда йирик тасаввуф шайхи Саййид Ёқубхон тўранинг Истанбулга, Султон Абдулазизхон (1861–1876) ҳузурига элчи қилиб юборилганини ҳам қайд этади¹.

“Фарғона хонлари тарихи” асари Маҳзуний тахаллуסי билан ижод қилган чустлик шоир Зиёвуддин Хўқандий қаламига мансуб бўлиб, Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Худоёрхонга бағишлаб ёзилган ва унга “Шоҳнома” деб ном берилган². Муаллифнинг қайд этишича, ушбу асар Худоёрхоннинг топшириғига асосан йигирма икки йил давомида ёзилган³. Асар жуда манзур бўлганлиги боис хон уни ҳар куни мутолаа қилган⁴. Бироқ бу китоб Қўқон хонлари кутубхонаси ёки хоннинг хонадолида эмас, балки муаллифнинг қўлида қолган. Чунки муаллифнинг сўзларидан маълум бўлишича, бу китоб учун Худоёрхон ҳам, унинг ўғиллари ҳам муносиб ҳақ бермаганлар⁵.

1882 йилда Истанбулдан Қўқонга ташриф буюрган Абдурахим афанди Худоёрхоннинг фарзандлари ва хонга яқин бўлган шахслар билан учрашувда Худоёрхоннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб бир асар ёзиш таклифини беради. Зиёвуддин Маҳзуний Абдурахим афандига Худоёрхоннинг ҳукми билан ёзилган мазкур асари ҳақида гапириб беради⁶. Фикримизча “Фарғона хонлари тарихи” асарида Абдурахим афандининг Қўқонга ташрифи билан боғлиқ бобларнинг киритилиши бу китобнинг тўлдирилган нусхасидир. Бу асар ягона нусхада

¹ Абдуллоҳ понсодбоши. Тарихи сиғарий. 92а–93а-варақлар.

² Зиёвуддин Маҳзуний. Фарғона хонлари тарихи. Истанбул университети, “Нодир асарлар кутубхонаси” фонди, 2408-рақамли қўлёзма, 833 б-варақ.

³ Ўша ерда, 831 а-варақ.

⁴ Ўша ерда.

⁵ Ўша ерда, 832 а-варақ.

⁶ Ўша ерда, 832 б-варақ.

бўлиб, Истанбул университетининг “Нодир асарлар” кутубхонасида 2408 рақами остида сақланади.

Асар пайғамбарлар тарихи билан бошланиб, Қўқон хонларидан Олимхон ва Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги даврига, катта қисми эса Худоёрхонга бағишланган. Худоёрхоннинг ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлигида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, хонликнинг қўшни мамлакатлар билан олиб борган дипломатик алоқалари, Россия империяси махсус кучларининг Фарғона водийсида олиб борган яширин ҳаракатлари, юқори мансабдорлар, хусусан, Абдурахмон офтобачи ва Исо авлиёларнинг Худоёрхонга нисбатан муҳолиф ҳаракатлари ўз аксини топган.

Умидий тахаллуси билан ижод қилган Муҳаммад Умар “Мактубчаи Хон” (1882)¹, “Жангнома” (1888)², “Бадавлатнома” (1890)³ номли асарлар муаллифи бўлиб, асли Марғилон шаҳрида таваллуд топган, Қўқон, Шарқий Туркистонда ва бир оз муддат Бухорода яшаб, Умидий, Ҳавоий тахаллуси билан ҳам ижод қилган. У шеърининг турли жанрларида қалам тебратиб, Қўқон адабий муҳитида ўз ўрнига эга бўлган шоир бўлиш билан бир қаторда⁴ XIX асрда Қўқон хонлигида юз берган ижтимоий-сиёсий ҳаёт, воқеа ва ҳодисалар тарихини назмда баён эта олган истеъдодли муаррих ҳам эди⁵.

¹ Муҳаммад Умар Умидий Марғилоний. Мактубчаи хон. Нашрга тайёрловчи т.ф.н. О.Х. Жалилов. – Т., 2007. – Б.43.

² Муҳаммад Умар Умидий. Мактубчаи хон. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №1902/V.

³ Муҳаммад Умар Умидий. Бадавлатнома. РФА ШҚИ, С587 рақамли қўлёзма.

⁴ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Т., 1961. – Б.68, 311–312; Ғулом Каримов. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1975. – Б.52–53; Тожимурод Ҳожибоев. Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. №3. – Б.44–47; Раъно Қобулова. Шоир Умидийнинг бир тарихий асари қўлёзмаси ҳақида. Адабий мерос. 1(25) 1983. – Б.51–54.

⁵ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Т., 1961. – Б.311–312.

Умидийнинг бадий-тарихий дostonлари асосан унинг ўзи кўрган, эшитган, ҳатто, бевосита иштирок этган воқеа, ҳодисалар баёнига асосланганлиги билан қимматлидир. “Мактубчаи хон” асари 1885 йилда туркий (ўзбек тили)да битилган бўлиб, дебоча қисми насрда, асосий қисми эса назмда ёзилган¹. Унда Қўқон хонлигининг 1850–1880 йиллардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи, маъмурий тизими, табиати, аҳолиси, маданий ҳаётига оид тарихий ва этнографик маълумотлар, Қўқон хонлари фаолияти билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар баёни ўрин олган.

“Мактубчаи хон” асарининг кириш қисмида қайд этилишича, унинг ёзилишига Истанбулдан ташриф буюрган савдогар Абдурахим афандининг илтимоси сабаб бўлган². Маккада тижорат билан шуғулланган Абдурахим афанди Қўқон хони Худоёрхон билан у 1876 йилда тахтдан кетиб, Оренбург ва Ҳиндистон орқали Маккага ҳаж зиёратини амалга оширишга ташриф буюрган чоғида танишган³. Тахтдан ажралгач, император ҳукматининг тазйиқиға учраган Худоёрхоннинг илтимоси билан Абдурахим афанди Россия империясининг Истанбулдаги консуллиги номига Усмонли давлати номидан мурожаат тайёрлаб, хоннинг Туркистонга келиб яшашига рухсат олиб беради⁴. Маккадаги ўзаро суҳбатлар жараёнида Худоёрхон Абдурахим афандига ўз бошидан кечирган воқеаларни баён қилиб, ундан ўз фарзандла-

¹ Россия фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти қўлёзмалар фондида С575-рақамли қўлёзма.

² Муҳаммад Умар Умидий Марғилоний. Мактубчаи хон. Нашрга тайёрловчи т.ф.н. О.Ҳ. Жалилов. – Т., 2007. – Б.43; Mahmudov Sh. “Mektupçe-i han” eserinde Sultan II. Abdülhamid: yorum ve tahlil // Abstracts “The International Congress on Sultan Abdul Hamid II and His Era on the Occasion of the Centenary of His Death” 21–25 October 2018. – İstanbul-Turkey. – P.46.

³ Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони. – Т., 2003.

⁴ Юсупов Ш. Хуфия қатламлар. – Т., 1999.

ридан хабар олишни, уларга хондан қарз олган қарздорлардан қарзларини ундириб, олиб беришни сўрайди¹. Шу мақсадда 1884 йилда Қўқонга келган Абдурахим афанди Худоёрхонинг ўғиллари ва дўстлари билан учрашиб, хоннинг Макка сафаридаги ҳаёти ва бирга суҳбатларидаги ахборотларни Мулла Охунжонга баён қилади ва шу асосда китоб тайёрлаб, Истанбулга юборишини таклиф қилади². Ушбу таклиф асосида Умидий томонидан “Мактубчаи Хон” асари яратилади.

“Мактубчаи Хон” асарида нафақат Худоёрхон, балки Усманийлар султони Абдулҳамидхон ҳам васф этилган. Асардан ўрин олган 54 мисрадан иборат шеъринг дostonда Абдулҳамидхон II нинг ҳукмдорлиги, унинг шахсий фазилатлари, бу даврдаги Усмонли салтанатига тобе ҳудудлар ва халқлар баён қилинади.

Умуман олганда, Қўқон хонлиги тарихига оид тарихий асарларда Усмонли султонларига юксак ҳурмат-эҳтиром билан қаралган, зеро, нафақат Қўқон хонлигида, балки бутун Туркистон заминида Султон Абдулҳамидхон сингари Усмонли султонлари халифа мақомида саналган. Қўқон тарихнавислик мактабида яратилган асарларда Усмонли давлати билан дипломатик алоқалар янгилик бўлмаса-да, турк султонлари ҳақида маълумотлар жуда кам учраган. Шу ўринда “Мактубчаи Хон” асарини кейинчалик Истанбулда нашр қилиб, султонга совға қилиш режаси кўзда тутилганлиги боис унда султонлар ва мамлакат тарихига анча кенг эътибор қаратилганлигини қайд этиш ўринлидир³.

¹ Юсупов Ш. Тарих уммони сирлари. – Т., 2007.

² Муҳаммад Умар Умидий Марғилоний. Мактубчаи хон. Нашрга тайёрловчи т.ф.н. О.Ҳ. Жалилов. – Т., 2007. – Б.38.

³ Mahmudov Sh. “Mektupçe-i han” eserinde Sultan II. Abdülhamid: yorum ve tahlil // Abstracts “The International Congress on Sultan Abdul Hamid II and His Era on the Occasion of the Centenary of His Death” 21–25 October 2018. İstanbul-Turkey. – P.46.

Бироқ бу асар Истанбулга етиб борган-бормаганлиги номаълум.

Мирзо Олим Мирзороҳим Тошкандийнинг “Ансоб ал-салотин ва таворих ал-ҳавоқин” асари ҳам Қўқон хонлиги тарихига оид муҳим манбалардан бири саналади. Мирзо Олим Мирзороҳим Қўқон хонлари саройи кутубхонасининг мудирининг лавозимида фаолият юритган бўлиб, ўз асарининг яратишда ўзидан олдин хонлик тарихига оид ёзилган асарлардан кенг фойдаланган. “Ансоб ал-салотин ва таворих ал-ҳавоқин” асари ўзбек тилида ёзилган бўлиб, унинг ягона нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади¹.

Асарда хонликда юз берган сиёсий воқеалар, давлатнинг маъмурий бошқарув тизими ва унинг турли бўғинларидаги мансабдорлар, хусусан, хонлик вилоятларида тайинланган ҳокимлар, мирзо, мирзабоши, амин ва оқсоқоллар фаолияти тўғрисида айрим қимматли маълумотлар қайд этилган.

Ушбу асарда хонликдаги сиёсий воқеа-ҳодисалар баёнида Фарғона водийси аҳолисининг этник таркибига ҳам эътибор қаратилиб, қипчоқ, қорақалпоқ, жунбоғиш, юз, турк уруғлари, қирғизлар, уларнинг жойлашган ҳудуди, сиёсий жараёнлардаги ўрни, ҳокимият учун курашлари ҳақида маълумотлар келтирилади, тожиклар, араблар, афғонлар ҳақида ҳам эътирофлар қайд этилади².

Муҳаммад Азиз Муҳаммад Ризо ўғлининг “Тарихи Азизий” асарининг катта қисми Қўқон хонлиги тарихига бағишланган. “Тарихи Азизий” асарининг ҳам ягона нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик

¹ Мирзо Олим Мирзороҳим Тошкандий. Ансоб ал-салотин ва таворих ал-ҳавоқин. ЎзР ФА ШИ 1314-рақамли қўлёзма.

² ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №1314, 29а-варақ.

институти қўлёзмалар фондида сақланади¹. Асарнинг тўртинчи ва бешинчи боблари Қўқон хонлиги даврида ва хонликнинг тугатилгандан кейинги йиллардаги Фарғона тарихига доир муҳим маълумотлар ўрин олган. Асарнинг сўнгги икки боби муаллифнинг ўзи яшаган даврга бағишланган бўлиб, унда баён қилинган воқеаларга муаллиф шахсан ўзи гувоҳ бўлганлиги, бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар, ишончли одамлардан эшитган ахборотлар жамлаганлиги билан ажралиб туради.

“Тарихи Азизий” асарида муаллиф ҳар икки тузум давридаги солиқ тизимини фарқли хусусиятларига ҳам баҳо беради. Шунингдек, Марғилон ва Қўқондаги йирик савдогарлар, уларнинг мамлакат ижтимоий-маънавий ҳаётига қўшган ҳиссалари, яъни тадбиркорликлари туфайли шахсий жамғармаларидан мактаб ва мадрасалар, қорихона ва масжидлар барпо қилганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар учрайди.

Худоёрхонзоданинг “Анжум ал-таворих” асари минглар сулоласи вакили, аниқроғи Худоёрхоннинг ўғли томонидан ёзилган бўлиб, унинг 2 та қўлёзмаси маълум. Асарнинг дастхат нусхаси айни пайтда тарихчи олим Ҳ. Бобобековнинг шахсий кутубхонасида сақланади².

Асарнинг дастхатдан кўчирилган иккинчи нусхаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади³. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Худоёрхонзода ўз асарини икки қисмдан иборат ҳолда ёзишни мақсад қилган. Биринчи қисмда Қўқон хонлигининг Худоёрхоннинг

¹ Муҳаммад Азиз Муҳаммад Ризо ўғли. Тарихи Азизий. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №11108.

² Худоёрхонзода. Анжум ал-таворих (Тарих юлдузлари). – Т., 2014. – Б.5.

³ Худоёрхонзода. Анжум ал-таворих. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №11366.

ҳоқимиятга келгунга қадар даврдаги тарихи, иккинчи қисмда эса Худоёрхон ҳукмронлиги ва хонликнинг Россия империяси томонидан босиб олинishi билан боғлиқ воқеалар тарихини ёритиш кўзда тутилган. Бироқ асарнинг фақатгина биринчи қисми мавжуд бўлиб, Қўқон хонлиги тарихига доир бошқа манбаларда мавжуд бўлмаган маълумотларга эгаллиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, хонликдаги давлат бошқаруви, Эрдонахон ҳукмронлигида Бухоро билан дўстона муносабатлар, Чин империяси билан алоқалар, халқаро савдо муносабатларининг баъзи жиҳатларини тадқиқ этишда муҳим маълумотларни беради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, муаллиф асарда қайд этилган айрим тарихий маълумотларни бир неча манбаларни ўрганиш асосида аниқланган.

XX асрнинг бошларида ҳам Қўқон хонлиги тарихига доир асарлар яратилди. Жумладан, Муҳаммад Фозилбекнинг “Мукаммали Тарихи Фарғона”¹, Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг “Хуллас ал-таворих”², Мирзо Олим Тошкандийнинг “Тарихи Туркистон”³, Исҳоқхон Ибратнинг “Фарғона тарихи”⁴ асарлари шулар жумласидандир.

Мазкур асарларда Қўқон хонлиги тарихининг асосий воқеалари, айниқса, сиёсий жараёнлар, хусусан, Қўқон хонлигини бошқарган ҳукмдорлар, уларнинг тахтга ўтириши ва давлатни бошқарган йиллари, хонликнинг ички ва ташқи сиёсатидаги муҳим воқеалар, тарихий шахслар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган бўлиб,

¹ Муҳаммад Фозилбек. Мукаммали тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №5971, 161-варақ.

² Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. ЎзР ФА ШИ литографик нашр. №304. – Б.79.

³ Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифлари: Тўлқин Алимардонов, Нурбой Абдул Ҳаким. – Қарши: Насаф, 1992.

⁴ Бу ҳақда кейинги қисмларда тўхтаб ўтилади.

ўтган аср манбаларидан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилади. Хусусан, тарихий воқеликни ҳукмдорларни ортиқча мақтовисиз, муҳим тафсилотлар билан баён қилишга интилиш кузатилади. Бу давр манбаларида ўтган аср бошида кузатилган назмий баён, яъни шеърӣ ифодалар анча камайиб, тарихий жараёнларни анча содда тилда баён этиш кузатилади.

Ушбу асарларда асосий урғу яқин тарихга, чунончи Россия империясининг истилочилик юришлари ҳамда бунга қарши халқ курашлари тарихига қаратилганлигини қайд этиш лозим. Бу масалада қайд этилган маълумотлар ушбу воқеаларга гувоҳ бўлган замондошлар хотиралари сифатида ҳам эътиборга лойиқ.

XX аср бошига мансуб Мирзо Олим Тошкандийнинг “Тарихи Туркистон” асарида нафақат Қўқон, балки Бухоро ва Хоразм тарихига ҳам эътибор қаратилган яхлит асар сифатида эътиборга лойиқ. Унда ўзидан аввал яратилган асарларда баён этилган воқеаларнинг бир асар доирасида жамланиб, умумлаштирилганлиги, бу даврга келиб хонликлар тарихи ҳам яхлит Туркистон тарихи таркибида ёритилганлиги, бу ёндашув асарнинг номида ҳам ўз аксини топганлиги эътиборга лойиқдир. Муаллиф бу даврга келиб аллақачон тугаб кетган Қўқон хонлигидаги 30 дан ортиқ мансаблар ҳақида маълумотлар бериш орқали уларни буткул унутулиб кетмаслиги учун ҳаракат қилганлигини таъкидлаши ҳам бежиз эмас эди. Зеро, ўша давр рус адабиётларида бу ҳақда берилган маълумотларда анча чалкашликлар бор эди.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон тарихнавислик мактаби хонлик ташкил топган даврдан бошлаб, адабий муҳит билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келди. Тарихий манбаларда назмга эътибор, адабий манбаларда эса тарихий мавзуларга урғу берилганлигини таъкидлаш

билан бирга, хукмдорларга алоҳида муносабат билдириш, хонлик тарихини Амир Темур ва Темурийларга боғлаш (“Олтин Бешик афсонаси”), ташқи алоқалар, хусусан, Шарқий Туркистон билан муносабатлар, Бухоро ва Хива хонликлари, қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатлар, ички ва ташқи урушлар, тахт учун курашлар, сулолалар тарихи, сўнгги босқичда эса Россия истилосига қарши курашлар ва мағлубият масалалари, хуллас, сиёсий жараёнлар диққат-эътибордаги мавзу бўлиб келганлигини қайд этиш лозим. Айни пайтда ҳар учала хонликда ҳам тарихий асарлар қаторида ҳажнома-лар, сафарномалар ёзиш анъанаси ривожланиб борди. Уларда асосий урғу хорижий сафарларга қаратилса-да, хонликлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, шаҳарлар тарихига доир масалалар ҳам ўз аксини топди.

4-§. Тарихнависликда янғича қарашлар ва ёндашувлар

XIX аср охири – XX аср бошларида жамиятнинг ижтимоий тафаккурига кириб келган ислоҳотчилик ва маърифатпарварлик ғоялари таъсирида бу даврда замонавий воқеликка ҳамда унинг тарихий илдизларига – яқин ўтмишга янғича муносабатлар шаклланиб борди.

XIX асрнинг 60–70-йилларида минтақада Россия империяси истилоси натижасида Қўқон хонлиги тугатилиб, мустамлакачилик тузуми ўрнатилган, Бухоро ва Хива хонликлари эса сиёсий жиҳатдан қарамликка маҳкум этилган, ижтимоий-иқтисодий муаммолар кескинлашиб борган бу даврда халқни эрк ва озодликка олиб чиқувчи ягона куч – бу илғор фикрли маҳаллий зиёлилар бўлди. “Нажот – илмдадир!” деган ғояни илгари сурган маърифатпарвар зиёлилар жамиятни ҳам диний, ҳам дунёвий илмлардан хабардор қилиш орқали

маърифат, тараққиёт ва озодликка етказиш лозимлигини англаб етдилар.

Маърифатпарварлик ва ислоҳотчилик ҳаракатининг намоёндаларидан бири Бухоро амирлигида ўз ақл-идроқи, дадил фикрлари, илғор қарашлари билан машҳур бўлган, диний ва дунёвий илмлар соҳиби Аҳмад Дониш эди. У фалсафа, тарих, астрономия, астрология, риёзиёт, адабиёт, ислом дини асосларини эгаллаган, тиббиёт, мусиқа, тасвирий санъат (миниатюра санъати), наққошлиқдан ва хаттотликдан яхши хабардор эди. У ўз ҳаёти давомида амир саройида масъулиятли лавозимларда фаолият юритиб, ўз даврининг муаммолари, замона янгиликларидан яхши хабардор бўлган.

Аҳмад Дониш бир неча марта элчилик сафарлари таркибида расмий ташриф билан Россияда бўлган. Дастлаб, 1857–1858 йилларда Россия билан Бухоро амирлиги ўртасида савдо алоқаларини ривожлантириш масаласида жўнатилган Петербургга расмий делегация таркибида ташриф буюради¹. Бухоро амири унга ташриф чоғида Россиядаги бошқарув тартиблари ва бошқа масалалар билан чуқур танишиб келишни топширади. Аҳмад Дониш деярли бир йил давом этган ушбу сафарда Россиядаги илм-фан, маданият ва техника соҳасидаги ўзгаришларни кўриб, Бухорога қайтгач, сафар ҳақида мамлакат ҳукмдорига батафсил маълумотнома тайёрлайди. Амирликда кўпгина ўзгаришлар зарурлиги ҳақида ўз хулосасини маълум қилади. Бироқ 1860 йилда амирнинг вафот этиши муносабати билан тахтга янги ҳукмдор – Амир Музаффархон ўтиради.

1868 йилда Россия империяси томонидан уюштирилган ҳарбий ҳужумлар туфайли ўз ерлари ва сиёсий мус-

¹ Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. – Сталинабад, 1960.

тақиллигидан ажралган Бухоро амири Музаффархон мамлакат мудофаасини таъминлай олмаганлиги ҳамда босқинчилар билан келишув йўлини тутганлиги боис, унга нисбатан нафақат Аҳмад Дониш, балки авом халқ ҳам норозилик кайфиятида эди. 1869 йилда Россияда тахтга янги император ўтириши муносабати билан юборилган Бухоро элчилик миссияси таркибида Аҳмад Дониш ҳам бор эди.

1874 йилда учинчи марта расмий делегация таркибида элчи муовини сифатида Петербургга ташриф буюрган Аҳмад Дониш император қабулида у билан суҳбатда алоҳида эътибор ва илтифотга сазовор бўлади, рус шарқшунос олимлари билан учрашади. Ўз билимлари билан назарга тушган Аҳмад Донишга глобус, дурбин, компас совға қилинади.

Саройга қайтгач, Аҳмад Дониш мамлакат идорасини янгилаш, ислоҳотлар ўтказиш бўйича ўз таклиф, тавсияларини ишлаб чиқади ва бошқарув тизимини мутлақо янгидан ташкил қилишни, саройдаги эски амалдорларни ишдан бўшатиб, масъулиятли мансабларга илми зиёлиларни жалб этишни таклиф қилади.

Аmmo амир унинг ўта танқидий фикрлари ҳамда амалдорларни алмаштириш ҳақидаги таклифларини қабул қилмай, уни саройдан четлаштиради, Ғузор беклигига қози лавозимига тайинлайди.

Лекин Аҳмад Дониш ўзининг бу қарашларидан воз кечмади, аксинча, уларни янада ривожлантириб борди ҳамда маъмурий бошқарув, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, иқтисодий аҳволдаги муаммоларга ошкора танқид руҳи тобора кучайиб, ушбу соҳаларда янгиликлар қилиш заруриятини янада чуқурроқ ҳис этиб борди.

Бу лавозим унга илм билан шуғулланиш ва ўз қарашларини янада ривожлантириш учун қулай фурсат бўл-

ди. Аҳмад Дониш саройдаги аҳвол, мамлакат бошқарув тизими билан боғлиқ муаммоларни танқидий таҳлил қилиб, уни такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш ҳақидаги қарашларини ривожлантирди. У ислом дини ва ажодлар меросида ҳукмдор ва амалдорларнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий фазилатлари, фаолиятларига нисбатан белгиланган меъёрлар ва талабларни назарда тутган ҳолда ҳамда замон талаблари асосида адолатли бошқарув, одил ҳукмдор, қози ва амалдор қандай бўлиши кераклиги ҳақида кенг мушоҳада юритди. Шундай ёндашувлар асосида у ўзининг ўша давр учун жуда долзарб бўлган “Наводир ал-вақоеъ” (“Нодир воқеалар”) номли шоҳ асарини яратди.

Йигирма уч бобдан иборат бўлган мазкур асарда Аҳмад Донишнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини акс эттирган турли рисоалар жамланган бўлиб, улар алоҳида масалалар бўйича тизимлаштирилган ва тўплам ҳолига келтирилган эди¹.

Асардан ўрин олган “Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш” ҳақидаги рисоласи ўз вақтида амирга таклиф қилинган таклифлари асосида ёзилган бўлиб, унда мамлакат ҳукмдорининг фазилатлари, халқ билан муомала одоби, ҳарбийлар, давлат арбоблари, хизматчиларига нисбатан муносабат ва уларнинг ўзларини хизмат вазифаларини бажаришдаги бурч ҳамда хулқларининг меъёри, мамлакатни ва халқни идора қилиш усуллари, халқпарварлик, мурувват, инсоф, адолат, ҳақгўй бўлиш каби энг зарур хислатлар зарурлиги таъкидланади.

Шунингдек, Бухоро амирлиги бошқарув тизимида Чингизхон замонидан қолган эски тартиблар асосида

¹ Аҳмад Дониш. “Наводир ал-вақоеъ”. И. Муминов умумий таҳрири остида. – Т., 1964. – Б.34–35.

иш олиб борилаётганлиги танқид остига олиниб, мамлакатда бутун давлат бошқарувини замона талабларига мувофиқ қайта қўриш кераклиги уқтирилган.

Аҳмад Дониш ўз асарида Бухоро амирлигини Европа мамлакатлари, хусусан, Россия билан таққослаб, ўз ватанини иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолганлигини кўрсатиб беради ва бу қолоқликдан чиқиш учун ижтимоий-сиёсий тузумни ислоҳ қилиш зарурлигини уқтиради.

Аҳмад Донишнинг фикрича, “давлат бир гуруҳ кишининг эҳтиёжларини қондириш учун эмас, халқ манфаатлари учун, мамлакатни обод қилиш учун хизмат қилмоғи зарур”. У ўз фикрини давом эттириб, “биз дунёни гуллаб-яшнатиш учун, денгизлар кезиб ўрганиш учун, ер ости бойликларини топиш учун, унинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун туғулганмиз... Бунинг учун ҳукмдор билимдон, маърифатли, одил ва ўз фуқаролари манфаатлари учун хизмат қилиши, давлат муаммоларини ўз атрофидаги маслаҳатчилар билан биргаликда ҳал қилиши, маслаҳатчилар донишманд ва адолатли кишилар бўлишлари лозим” дея таъкидлайди.

Аҳмад Дониш давлат идораларига билимли, ваколатли шахсларни тайинлаш, яъни кадрлар масаласига ҳам эътибор қаратган. У давлат бошқаруви ва ишлаб чиқариш тизимида билимли, тажрибали кишилар бўлиши зарурлигини таъкидлаб, Бухородаги баъзи амалдорларни ўз вазифаларига лаёқатсизлигини, халқ манфаатлари ҳақида қайғурмаслигини, фақат қорин дардида яшашини, амирликда давлат бошқарувининг аниқ бир интизомга кирмаганлигини танқид остига олади. У ҳукмдорга катта бир машваратхона очиб, турли табақалар орасидан энг ақлли ва энг илмлиларни аъзоликка сайлаб, маош тайинлашни тавсия қилади ва машварат-

чилар халқнинг ҳамда давлатнинг манфаатини кўзлаб иш юритишлари лозимлигини таъкидлайди.

Аҳмад Донишнинг фикрича, давлатнинг энг биринчи вазифаси – халқ ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Ҳукмдор эса адолатли, виждонли, кучли, инсофли, мурувватли, халқ аҳволидан бохабар бўлиши, илм аҳли, оқил инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, уларга яхши шароит яратиб бериши, ўз халқини фаровон ва юртини обод қилиш сиёсатини олиб бориши лозим.

Шу тариқа, Аҳмад Дониш ушбу асарида давлатнинг вазифаларини белгилаб бериш билан бирга, давлат бошқарув тизимини ўзгартириш масаласини илгари суради, мамлакат равнақи, жамият фаровонлиги учун бажарилиш керак бўлган чора-тадбирларни белгилаб беради, адолатли, маърифатпарвар ҳукмдорнинг мажбуриятлари ва вазифаларини кўрсатиб ўтади.

Аҳмад Донишнинг ушбу асари ўрта асрларда яратилган Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” (ёки “Сияр ал-мулк”), Амир Темурнинг “Темур тузуклари” каби асарларида илгари сурилган ғоялар, яъни “адолатли давлат бошқаруви ва фаровон жамият барпо этиш йўллари” ҳақидаги қарашларнинг ўзига хос давоми бўлиб, унда ўз даври учун долзарб масалалар кўтарилган ва зарур тавсиялар ишлаб чиқилган эди.

Асар инсонпарварлик ва маърифатпарвар руҳи билан суғорилган бўлиб, унда оламнинг абадийлиги, Ер ва Коинотнинг тузилиши, руҳ ва унинг танага муносабати ахлоқ, ижтимоий ҳаёт масалалари, касб-ҳунар ҳамда уларнинг фойдалари, ишқ-муҳаббат, оила ҳамда бола тарбияси каби масалалар бўйича ҳам фикр юритилади.

1875–1885 йилларда Аҳмад Дониш илм-фаннинг турли йўналишларида 20 га яқин асарлар яратди. Улар ора-

сида Бухоро амирлигининг манғитлар даври ҳукмронлигига бағишланган “Бухоро манғитлари қисқача тарихи” номли асарда¹ Аҳмад Дониш асосий эътиборни ўзи яшаган даврдаги ҳукмдорлар – амир Насруллоҳон, амир Музаффархон ҳамда амир Абдулаҳадхон шахсига ва фаолиятига қаратди.

Аммо сарой тарихнависларидан фарқли равишда Аҳмад Дониш ўз асарларида ҳукмдорларни улуғламади. Улар фаолиятини амирнинг шахсий фазилатлари, ҳукмдорлик лаёқати ҳамда мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётдаги муаммолар билан боғлиқ равишда таҳлил қилишга уринди.

Амир саройида масъул лавозимларда фаолият юритган Аҳмад Донишнинг танқидий қарашлари ўз даври учун жуда катта жасорат эди. Унинг деярли барча асарлари ўта танқидий руҳда ёзилган бўлиб, воқеликни борира акс эттириши билан бир қаторда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф, тавсия ва йўлланмалар бериб борилганлиги билан ажралиб турар эди.

Аҳмад Дониш манғитлар сулоласи вакиллари бирма-бир таърифлар экан, уларнинг атрофидаги юқори мансаб вакиллари ҳам эътибордан четда қолдирмади. Хусусан, амир Дониёлбий давридаги кўшбеги ва қози калонни, мамлакатда олиб борилган солиқ сиёсатини танқид остига олиб, уларни шафқатсизлик ва порахўрликда айблади.

Амир Шоҳмуродни таърифлаганда эса, унинг халққа анча енгиллик бериб, солиқларни камайтирганлиги, баъзи тўловлардан озод қилиб, халқ орасида золимлиги билан танилган амалдорлар (вазир Давлат кўшбеги,

¹ Аҳмад Дониш. История мангитской династии. Перевод, предисловие и примечения И.А. Наджафева. – Душанбе, 1967.

бош қози Низомиддин ва бошқалар)ни жазолаганлигини, вақф ерларини тиклаб, давлат ва жамият бошқаруви тартибларига янгиликлар киритганлигини қайд этади.

Аҳмад Дониш амир Шоҳмуроддан кейин тахтга ўтирган унинг ўғли амир Ҳайдар (1800–1826) фаолиятини таърифлар экан, бу даврда Бухорода илм-фан, шариат қонунлари янада мустаҳкамланганлиги, бошқа мусулмон ўлкалардан келган одамлар илм ўрганганлиги, амирнинг диний илмда билимдонлиги ва Куръонни ёддан билганлигини, ҳарбий юриш ва давлат ишларидан бўш пайтида мадрасада таълим олиб, уламолар даврасида суҳбат қурганлигини қайд этади.

Аҳмад Дониш амир Ҳайдардан кейин ҳукмронлик қилган унинг биринчи ўғли амир Ҳусайн зеҳни ўткир, шеърият, тиббиёт, алкимё каби билимларни эгаллаганлигини кўрсатиш билан бирга, унинг укаси амир Умарнинг (амир Ҳайдарнинг иккинчи ўғли) “майхўр”, айш-ишратга берилганлигини, учинчи ўғли амир Насруллохон (1826–1860) эса мамлакат ҳудудини кенгайтириш мақсадида Қўқон ҳудудигача бўлган бутун ерлар ва Кешни қандай эгаллаганини кўрсатиб ўтади¹.

Аҳмад Дониш яшаган давр амир Насрулло, амир Музаффар, қисман амир Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даврига тўғри келганлиги боис, уларни замондош сифатида анча кенг таърифлайди. Айниқса, амир Музаффархон даврида мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатларини рўйи рост, ошқора кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Унда амир Музаффархоннинг тахтга келишидан бошлаб, сиёсий арбоб сифатидаги фаолияти, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий тизим, Россия империяси

¹ Аҳмад Дониш. Рисола. – Сталинобод, 1960.

истилоси, урушда Бухоро қўшинларининг енгилиш сабабларини кўрсатиб ўтади¹.

Аҳмад Дониш амирнинг Қўқонга юриш қилиши оқибатида Тошкент қўлдан кетганлигини, унинг узоқни кўра билмасдан, калта ўйлашини очиқ нафрат билан таъкидлайди, урушдаги мағлубият сабабларини таҳлил қилар экан, ҳарбий илмда мамлакат қўшинлари ва қурол-яроғи анча орқада қолганлигини куюниб эътироф этади.

Аҳмад Дониш муаммоларнинг бош сабабчиси сифатида ҳукмдорни айблайди. Унинг “Амир Темур ўз номи, жасурлиги ва шон-шуҳратини дунё аҳолисининг чорак қисмига ёйган бир пайтда булар [Бухоро амирлари] ёмон хулқи, ҳамиятсизлигию ғайратсизлиги билан ўз шаънларини пастга урдилар. Адлу инсоф, дину диёнат, илму иймони билан бошқа шаҳарлар орасида ифтихорли ва мумтоз бўлган Самарқанд ҳамда Бухорони улар шу қадар бадном қилдиларки, бу қиёматгача унутилмайди ва тарих саҳифаларидан ўчмайди”.

Аҳмад Дониш амир Музаффархон даврида фаолият юритган бошқа давлат арбоблари ва мансабдорларни ҳам танқид остига олади. Хусусан, бош вазир Муҳаммадшоҳ қўшбегининг “аҳмоқ ва илмсиз” эканлигини таъкидлаб, мамлакатда содир бўлаётган барча ёмон иллатлар, ғалаёнларда уни айблайди. Унинг даврида жамият ва давлат ишлари тартибсизлиги, бебошлик ҳолига келиб қолганлигини, халқ ва қўшин тинчини йўқотганлигини кўрсатиб ўтади. У яна бир қатор амалдорлар томонидан халққа нисбатан қилинаётган ноҳақликлар, тартибсизликлар, маъмурий бошқарувдаги адолатсизликларни ҳам очиқ беради. Хусусан, қозилар фаолия-

¹ Аҳмад Дониш. История мангитской династий. Перевод, предисловие и примечание И.А. Наджафовой. – Душанбе, 1967. – С.42-50.

тига тўхталиб, суд ишлари шариат қонунларини яхши билмайдиган, махсус билим ва кўникмаларга эга бўлмаган шахсларга топширилганини афсус билан ёзади. Бу эса амирликда тартибузарликларга, шариат қонунларига тўлиқ амал қилмасликка, бюрократизмга ва ниҳоят, оддий халқнинг қийналишига олиб келганлигини, қози ва раис ўз амалини сақлаб туриш учун сарой бошлиқларига пора берганлигини, кейин эса унинг ўрнини тўлдириш учун ҳар хил ҳужжатларни расмийлаштиришда халқ ҳисобидан қоплаганлигини қайд этади.

Асарда шунингдек, ташқи алоқалар масаласига ҳам эътибор қаратилиб, рус ва бошқа чет эллик савдогарлар, сайёҳларнинг Бухорога ташрифи чоғида уларни яхши кутиб олиш ўрнига ишончсизлик билан қараб, ҳибсга олиниши, мол-мулки мусодара қилиниб тортиб олингани, бунга жавобан бухоролик савдогарлар ҳам Оренбургда ҳибсга олинганлиги, натижада ўзаро муносабатларга путур етганлигини танқид остига олади.

Шу тариқа Аҳмад Дониш мамлакат бошқарувида ҳар бир соҳада порахўрлик, тартибсизликлар, қонунбузарликлар авж олганлигини аниқ мисолларда таърифлаб беради. Хусусан, солиқ тизимида халқдан мажбурий тарзда турли хил солиқлар ва йиғимлар йиғиб олинганлиги, уларнинг қиймати йил сайин ортиб борганлигини, натижада деҳқонлар хонавайрон бўлганлигини алоҳида таъкидлайди.

Айниқса, суғориш тармоқлари аянчли аҳволдалигини, сув танқислигини қайд этиб, бу муаммони ҳал этиш бўйича ўз таклифларини илгари суради. Самарқанд шаҳри руслар томонидан босиб олингандан сўнг, Бухоро учун сув муаммоси кўндаланг бўлиб қолганлиги муносабати билан у амирга Амударёдан канал қазиб сув олиб келишни, бунинг учун Бухоронинг етита тумани-

да фавқулудда ҳар бир танобдан икки тангадан солиқ йиғиб, бу йиғилган йиғимнинг икки юз мингини Амударё сувини Керки, Келиф туманларига, Қаршига, Бухоро ва Миёнқалага буриб юбориш учун сарф қилишни, қолган пулларни эса умумий ободончилик ишларига сарф қилишни таклиф қилади¹. Аммо амир бу таклифни ҳам қабул қилмайди.

Аҳмад Дониш ўзининг 1877 йилда ёзилган “Мажмуаи хикояти Аҳмади Калло” деб номланувчи асариди Ўрта Осиё тарихидаги, хусусан, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги давридаги энг муҳим ҳодисаларни тасвирлаб, машҳур шоир ва файласуфлар, олимлар тўғрисида маълумотлар келтиради².

Аҳмад Дониш ўз асарларида ўша давр тарихий асарларидан фарқли равишда воқеликни давлат ва жамият манфаатлари ҳамда равнақи нуқтаи назаридан холисона баҳолаган ҳолда таҳлил этиш, бўрттирмасдан, ҳаққоний ёритиш, муаммоларни ошкора қайд этиш ва дадил танқид қилиш, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар беришга асосланганлиги тарихга ҳамда замонавий воқеликка мутлақо янгича ёндашувлар ҳамда қарашлар юзага келганлигини яққол намоён этар эди.

1885 йилда Амир Музаффархон вафотидан сўнг Бухорога қайтган Аҳмад Дониш асарлари мамлакатдаги зиёлилар, илм-фан ва маданият, санъат намоёндалари орасида қўлма-қўл бўлиб ўқилди, унинг шахсан ўзи ва хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчириб берилди. Унинг хонадони зиёлилар, илм ва маданият аҳли вакиллари билан ҳамиша тўла бўлар, жуда кўп суҳбатлар қурилар, ғоялари Бухорода кенг қулоч ёзиб, ўзининг нуфузи ортиб борарди. Шу тариқа унинг асарлари ва қарашлари

¹ Аҳмад Дониш. История мангитской династии. Перевод, передисловие и примечание И.А. Наджафовой. – Душанбе, 1967. – С.96–97.

² ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №314.

таъсирида мамлакатда илғор фикрли зиёлилар, олимлар, уламолар, тарихчилар, шоирларнинг ижтимоий тафаккурида ҳаётга янгича қараш, ҳаққоний баҳолашга интилиш, танқидий ёндошиш шаклланиб борди, ислохотчилик ва маърифатпарварлик ҳаракатининг пойдевори юзага келди.

XX аср бошига келиб минтақада фаол тус ола бошлаган маърифатпарварлик ҳаракати таъсирида ижтимоий тафаккурдаги ўзгаришлар яққоллашиб, ислохотчилик ғоялари долзарб аҳамият касб эта бошлади ва бу нафақат таълим ва тарбияга, балки тарихга ҳам янгича қарашларнинг шаклланишида муҳим омил бўлди. Бу жараёнлар Бухорода Абдурауф Фитрат, Фарғонада Исоқхон Иброт, Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий каби маърифатпарварларнинг асарларида яққол намоён бўлиб борди.

Хусусан, XX аср бошларида Истанбулда таҳсил олаётган Абдурауф Фитратнинг Бухоро амирлиги вазири Насруллоҳбекка ёзган мактубида илгари сурилган қарашлар ва фикрлар Аҳмад Дониш қарашларидан кам эмас эди.

Фитрат ушбу мактубида вазирга мурожаат қилар экан, мамлакатдаги аҳволнинг оғирлигини, амалдорлар пасткаш ва порахўр, золим эканлигини, қолоқлик ва билимсизлик ҳукм сураётганлигини таъкидлайди ва уларни бартараф этиш учун тегишли чоралар кўришга ундайди¹.

1909–1913 йилларда Истанбулда яшаб, таҳсил олган ва ижод қилган, ёш турклар ҳаракати таъсирида

¹ Абдурауф Фитрат. Бухоро Вазири Насруллоҳбей парвоначи афанди ҳазратларина очиқ мактуб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996 йил 9 май. (Ҳ. Болтабоев) Фитратнинг бу мактуби 1910 йилда Истанбулда “Таъруфи муслимин” (“Мусулмонлар таърифлари”) номи ҳафталик даврий нашр саҳифаларида (1910 йил, 25-адад, 2-жилд; 8 декабр) эълон қилинган // www.ziyouz.com kutubxonasi.

ислохотчилик ва маърифатпарварлик ғояларига ошно бўлган, Туркияда бухороликлар ташкил қилган “Бухоро таълими маориф жамияти” ёрдамида Бухоро ва Туркистон ёшларини ўқитиш орқали ўз халқининг маърифати ва маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўшиш ниятида юрган даврларида битилган бу мактуб ҳам ўз даври учун катта жасорат эди.

Истанбулда шу йилларда Фитратнинг “Мунозара” (“Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси”)¹, “Баёноти сайёҳи ҳинди”², “Нажот йўли”³ каби бадиий-публицистик асарлари чоп этилади. Хусусан, 1913 йили форс-тожик тилида яратган “Мунозара” номли асарида Фитрат Бухоро амирлигида авж олган диний жаҳолат ва хурофот таъсирида қолюқликда қолган мамлакатнинг инқирози сабабларини кўрсатиб беради ҳамда халқни илм-маърифатга чақиради.

“Баёноти сайёҳи ҳинди” (1912) номли асарида эса Фитрат Бухорода ўша замонда кечган сиёсий жараёнлар, турмуш манзараларини четдан келган ҳинд сайёҳи билан мулоқот орқали таърифлайди. Унинг тили билан мавжуд аҳвол юзасидан берилган саволларга жавоб бериш орқали муаллиф китобхонни “беихтиёр” давлат бошқарув усулларининг ноқислиги, таълим-тарбия усуллари ва масканларининг эскирганлиги каби муаммоларга қаратади, уларни ҳал этиш йўллари, янги идора усуллари зарурлигини ҳам таъкидлайди.

Ушбу асар 1909 йилда Истанбулда, 1911 йилда эса Туркистонда Ҳожи Муин таржимаси билан (форс тили-

¹ Абдурауф Фитрат. “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси” // Танланган асарлар. 1-жилд. – Б.46–168.

² Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёҳи баёноти // Танланган асарлар. 1-жилд. – Б.98–169.

³ Абдурауф Фитрат. Нажот йўли. – Т.: Шарқ, 2002.

дан ўзбекчага) “Туркистон вилоятининг газети” да, 1913 йилда эса алоҳида китоб ҳолида чоп этилади.

Фитрат ўзининг “Нажот йўли” номли асарида “жамиятни ёруғликка ва тараққиётга олиб чиқувчи бирдан бир тўғри йўл илмдир”, деган ғояни илгари суради. Илм борасида фикр юритиб, энг аввало тарих илмига эътибор қаратади ва “тарих илми ўтган қавмларнинг умумий аҳволини бизларга ибрат ва дастуруламал қилиб, нақл ва муҳокама этади” деган фикрлари билан бу фанининг илмий-амалий аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Фитрат тарих илмини иккига – муқаддас тарих (пайғамбарлар ва азиз-авлиёлар тарихи) ва маданият тарихига бўлади¹.

Фитрат “жамият тарихи”га тўхталиб, уни уч йўналишга – илм ва адабиёт тарихи (шоирлар, олимлар, уларнинг илмий ишлари, тадқиқот усуллари), табиий тарих (табиат, жамики мавжудот ва маҳлуқларнинг қобилияти ва жонзотларнинг хосиятлари) ва сиёсий тарихга ажратади.

Сиёсий тарихни ҳам ўз навбатида икки йўналишга – умумий ва хусусий (маҳаллий) тарихга ажратади. Умумий тарих деганда Фитрат оламнинг яратилишидан бошлаб дунёда пайдо бўлган ва йўқолиб кетган давлатлар, халқлар, миллатлар, уларнинг ҳаёти, йўқолиб кетиш сабаблари ҳақида фикр юритади. “Хусусий тарих” деганда эса у “бир давлат ёки халқ тарихининг пайдо бўлиб, ривожланиши ёки инқирозга учрашини, бунинг сабабларини ўрганишни” назарда тутаяди.

Бундай қарашлар тарих фанининг илмий-назарий асослари, таснифий белгилари шакллана бошлаганидан далолат берар эди.

¹ “Маданият” сўзи араб тилида мадина – шаҳар сўзидан келиб чиққан бўлиб, “шаҳар тарихи” ёки “шаҳарда яшовчи аҳоли” деган маънода қўлланилган.

Фитрат тарихий билимларни ривожлантиришда география фанининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. “Ақлий илмлар”га тўхталиб, бу илмлар умумий ва хусусийга ажратилмаслигини, бу илмлардан бирини “насроний илми”, бирини “муслмонлар илми” деб аташ мумкин эмаслигини, улардан “барча инсонлар жинси ва мазҳабидан қатъи назар, баҳраманд бўлишини” таъкидлайди.

Фитрат ўзининг бу қарашлари орқали илм – умум-башарий аҳамиятга моликлигини, инсониятнинг дини, жинсидан қатъи назар, барча учун тенг бўлган дунёвий аҳамиятга эгаллигини таъкидлайди.

Фитрат ўз ижодининг кейинги босқичларида ҳам тарихий мавзуларга катта эътибор қаратиб, “Абулфайзхон”¹, “Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври” каби тарихий асарлар, бадиий ижодида эса “Арслон” драмаси, “Восеъ кўзғолони”, “Темур сағанаси”² каби тарихий мавзулардаги бадиий асарлар яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Фитратнинг ижодий фаолияти давомида яратилган бадиий, тарихий, адабий-танқидий асарларида Бухоро тарихи ва маданиятининг ўта долзарб масалалари кўтарилган эди. У ўз асарларида ўтган асрда яшаб ижод қилган Аҳмад Донишнинг қарашларини давом эттирди ва ривожлантирди. У ҳам Аҳмад Дониш каби ўзи яшаган даврдаги ижтимоий муаммолар таҳлилига, бошқарув тартиблари ва ҳукмдорлар фаолиятига ўта танқидий ёндашди. У ҳам ўзини Аҳмад Дониш каби серқирра қобилият соҳиби, моҳир публицист, тилшунос, драматург, тарихчи, санъатшунос, сиёсатшунос, адабиётчи, муסיқашунос, санъаткор, салоҳият соҳиби, етук аллома ва мутафаккир сифатида намоён

¹ Abdurauf Fitrat. Abulfayzxon. – Т., 2019. – В.64.

² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар.

қилди. Фитрат ҳам Аҳмад Дониш каби ислохотчилик ғояларини илгари сурган серқирра илм соҳиби, маърифат-парвар инсон сифатида шу даврда ижтимоий ва тарихий тафаккурнинг ривожланишида чуқур из қолдирди.

Бу даврда Фарғонада ижтимоий-маданий ҳаёт ва тарихга янгича ёндашувлар маърифатпарварлик ҳаракатининг йирик намоёндаси Исҳоқхон Ибрат фаолияти ва ижодида яққол намоён бўлди.

1862 йилда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон қишлоғида туғилган Исҳоқхон Ибрат мадраса таълимини тугатгач, онасини ҳаж зиёратига олиб бориши муносабати билан Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилади. 1892–1896 йилларда у Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарларидан бўлган Бомбей ва Калькуттада яшаб, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганadi. Бағдод, Истанбул, Афина шаҳарларида бўлиб, Греция орқали Италияга ўтади. Миср, Бирма, Хитой мамлакатларида бўлади. 1895 йилда Қашқар орқали Тўрақўрғонга қайтади.

Чет элларда у Шарқ ва Ғарб халқлари ҳаёти, маданияти, санъатини қиёслаш имконига эга бўлади. У Арабистонда француз тилини, Ҳиндистонда инглиз тилини, шу билан бирга, энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганadi. Европа усулидаги шаҳарлар, улардаги маданий ҳаёт ва техника янгиликлари билан танишди, замонавий фан ютуқларини эгаллаш учун Ғарб тилларини билиш зарур эканлигини яхши англаган.

Ибрат ўз даврининг етук мутаффакири бўлиб, диний ва дунёвий илмлар, Шарқ ва Европа тиллари, жаҳон адабиёти ва шарқшуносликка оид билимларни жуда яхши эгаллаган эди.

Халққа маърифат тарқатиш ниятида у ўз қишлоғи Тўрақўрғонда ўзининг ҳисобидан янги усул мактаби,

замонавий типография ва кутубхона очишга муваффақ бўлади. Янги дарсликлар чоп этиш билан бирга ўнлаб лингвистик, адабий, бадий ва тарихий асарлар битадди. Унинг тилшуносликка оид “Луғати ситтати алсина”, “Жомеъ ал-хутут”, тарихшуносликка оид “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият” каби тадқиқотлари ва айниқса, “Мезон ал-замон” каби давлат ва жамият қурилиши ҳамда тараққиёти истиқболига бағишланган асарлари ўз даврига нисбатан анча илғор ғоялар билан суғорилган, мутлақо янгича қарашларга асосланган эди.

Ибратнинг тарих фанига муносабати унинг “Тарихи Фарғона” асарига кириш қисмида шундай баён этилган эди: “... Тарихни ёзмоқдин ... бани башарни(нг) тириклик қилиш, саноат ва зироатлари, маданият ва бадавиятларини халқларга кўрсатмақдир, биздан кейин келадурганлар ўтганларни(нг) турмуш ва қилмуш ва билмуш ишларидан ибрат олсун. Ўз замони билан ўтган замонни торозу қилиб, вазнини билсун учун ва ҳам илми тарих бир илми таърифдур”¹.

Ибрат тарихни ёзиш ва ўрганишдан мақсад – келажак авлод учун ўз ўтмишини, иқтисоди ва маданиятини билиш, ундан сабоқ чиқариш ҳамда ибрат олишдир, деган фикрни илгари суради.

“Тарихи Фарғона” асарида Ибрат Кўқон хонлигида ҳукмронлик қилган хонлар фаолиятини даврий изчилликда ёритиб берар экан, ҳар бир ҳукмдорга атрофлича ва холисона баҳо беришга ҳаракат қилади. Минтақа ҳудудида хонликларнинг ички курашларини афсус ва надоматлар билан ёритади ҳамда бунга айбдор бўлган ҳукмдорларни қоралайди. Хусусан, XIX асрнинг биринчи ярмида ҳукмронлик қилган Бухоро амири Насрул-

¹ Исҳоқхон Ибрат. “Тарихи Фарғона”. – Т.: Камалак, 1991. (Асл манба: Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ. Қ-инв. №11616, Қ-инв. №10117.)

лоҳнинг Қўқонга хужуми натижасида шаҳарнинг талон-тарож қилиниши, халқни хонавайрон бўлиши, буюк шоира, мутафаккир, давлат арбоби Нодирабегимнинг фожеали қисмати, унинг норасида набиралари билан ўлдирилишини замондошлар хотиралари асосида баён қилар экан, унга нисбатан нафратини яшира олмайди. Исҳоқхон мазкур воқеалар баёнида ўша давр шоирларининг бу мудҳиш воқеага бағишланган тарихларидан, марсияларидан намуналар келтириш орқали бу ҳодисаларга нисбатан замондошлар муносабатини ҳам очиб беради.

Ибрат Амир Умархоннинг шоирлик иқтидорига юқори баҳо бериб, унинг даврида илм-фан, маданият ва адабиёт, санъат ривожланганлигини таъкидлайди, саройда ижод қилган Гулханий, Махмур, Фазлий Намангоний, Султонхон тўра Адо, Хижлат, Афсус, Беҳжат, Ҳозик, Ғозий, Нодир каби шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Шу тариқа Ибрат ҳар бир хоннинг ижобий ва салбий хислатлари, ҳамда фаолиятини холисона ёритишга ҳаракат қилади. Уларни ҳаққоний танқид қилиш билан бирга ижобий ишларини ҳам қайд этади. Хусусан, Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Худоёрхоннинг ҳукмдорлигини 4 босқичга бўлиб ёритади ва ҳар бир даврга оид воқеаларга батафсил тўхталади. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi ва унинг фожиали оқибатларини баён қилади. Худоёрхоннинг бу жараёнлардаги фаолияти ва қисматини ёритишда воқеалар гувоҳлари, замондошлар маълумотларидан унумли фойдаланади.

Асарда водийдаги Қўқон, Наманган, Марғилон, Андижон шаҳарлари тарихига алоҳида тўхталиб, уларнинг номланишининг маъноси, жойлашуви, топография ва топонимикаси, келиб чиқиш тарихи, маҳаллалари, та-

биати, зиёратгоҳлари, рўй берган табиий офатларга оид қизиқарли маълумотлар келтиради.

Ибрат ўша даврдаёқ, яъни ҳали археологик топилмалар аниқланмаган, ашёвий далиллар фанга маълум бўлмаган бир даврда Фарғонанинг энг қадимги тарихи Қубо (Қува)га бориб тақалишини, Ахсикент унинг қадимги пойтахти бўлганлигини кўрсатиб ўтади. Ибратнинг қайд этишича, “Мусулмонлар асрида Марғишоннинг пойтахти Ёрмозор бўлиб, Намангоннинг пойтахти Тўрақўрғон, Андижоннинг пойтахти Асака” бўлган. Унинг Фарғона водийси шаҳарлари хусусидаги кўп фикрлари бугунги кунда археологик тадқиқотлар давомида ўз тасдиғини топмоқда.

Ибрат ўз асарида водийда яшовчи аҳоли, хусусан, маҳаллий ва келгинди аҳоли, уларнинг машғулотлари, водийдаги савдо муносабатлари ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Унинг таърифлашича, Фарғона савдо муносабатлари доираси анча кенг бўлиб, “Фарғона бир мамлакати қадим ва аҳолийи надим ўлиб, ... ҳар санада неча минг сўмлик мансуҳот ифак, атлас ва адрас ва беқасаб ва шоҳи атроф-акнофга торқолмоқда эди. Бухородан то Ҳиндустон ва Арабистонгача бу Фарғона ашёлари жорий эди. Бу Фарғона аҳлида бир хил калимлари бўлурки, исмини хидир шоҳи дерлар. Қийматда, рангда, маҳкамликда ва тозалиқда Кошғару Қипчоқий, Қирғизий ва Қорақалпоқий калимлардан икки чанд баҳода сотилур”.

Асар гарчи тарихий йўналишда бўлса-да, унда географик маълумотларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, Фарғона водийси, ундаги шаҳар ва қишлоқлар табиати, уларни ўраб турган қўшни давлатлар, тоғлар, дарёлар, минтақа иқлими, ҳавоси, ерлари, ҳайвонот дунёси, ер ости қазилма бойликларига атрофлича

тўхталиб ўтади. Масалан, Чуст шаҳри ҳақида тўхталар экан, унинг географик жойлашуви, хўжалиги, табиати, суғориш тизими, экинлари, боғдорчилик, ҳунармандчилиги, савдо-сотиғи, саноати, дўпдилари, пичоқларигача таърифлайди. Бошқа шаҳар ва қишлоқларни таърифлаганда ҳам нафақат географик, балки этнографик маълумотларга алоҳида эътибор қаратади. Бу жиҳатдан мазкур асар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари анъаналарида ёзилганлиги намоён бўлади. “Тарихи Фарғона” асарининг тили содда ва равон бўлиб, ўз давридаги адабий тил меъёрига тўла риоя қилган ҳолда яратилганлиги унинг катта ютуқларидан бири эди.

Ибрат ўз тадқиқотларида маҳаллий манбалар қаторида воқеалар замондошлари, шоир ва тарихчилар асарлари, шеърлари, кекса авлод вакиллари хотираларидан унумли фойдаланиши унинг изланишларида замонавий социологик тадқиқот усулларида ўша даврда ёқ унумли фойдаланганлигини тасдиқлайди.

Унинг шахсий кутубхонасида рус, татар, турк ва ўзбек тилларидаги маҳаллий газета, журналлар, китоблар, адабий журналлар, луғатлар, В.В. Бартольд, В.В. Радлов, Г. Вамбери каби атоқли рус шарқшунос олимларнинг ўнлаб асарлари бўлганлиги унинг билим доираси анча кенглигидан далолат берар эди.

Исҳоқхон илмий-тарихий асарларини яратишда катта масъулият ҳис қилиб, тарихий воқеаларни, фактларни холисона баҳолашга алоҳида эътибор беради. Унинг асарларида анъанавий тарихнависликка хос хусусиятлар, яъни назм ва наср уйғунлиги Ибратнинг бадий ижодда ҳам етук қалам соҳиби бўлганлигидан далолат беради. У ҳатто, бадий асарларида ҳам тарихий ва замонавий воқеликка алоқадор масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Унинг публицистик фаолиятида маърифатпарварлик масалалари билан бир қаторда тарихий маълумотларга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, маҳаллий матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолаларида қўхна Ахси-кент тарихи шулар жумласидан эди. Айни пайтда у ўз замонасининг долзарб масалаларига, хусусан, эски мактаблар фаолиятига, Қўқон-Наманган темир йўлининг қурилиши ва ишга тушиши, маҳаллий лавозимларга сайловлар каби масалаларни ўрганди¹.

Ибратнинг тарихий билимлари унинг “Жомеъ ал-хутут”² (“Ёзувлар мажмуаси”) номли асарида янада кенг намоён бўлган эди. Ёзув тарихига бағишланган ушбу асарда энг қадимги миҳхат пайдо бўлгандан бошлаб, XX аср бошларигача мавжуд бўлган 40 дан ортиқ хат ва ёзув турлари ҳақида изчил маълумотлар берилган эди.

Асарда дунёнинг турли мамлакатларида юзага келган ёзувлар, уларнинг хусусиятлари, тарихи ҳақида берилган маълумотлар Ибратнинг нафақат ўз ватани, балки жаҳон тарихи ҳамда маданиятидан ҳам яхши хабардор бўлганлигидан далолат берар, бунда унинг ўнга яқин хорижий тиллардан яхши хабардорлиги катта роль ўйнаганлигини намоён этар эди. Ибрат бу ёзувларнинг нафақат тарихи, балки уларни ёзиш санъатидан ҳам хабардор бўлиб, хаттот сифатида ҳам катта тажрибага эга эди.

Чет эл саёҳати вақтида ривожланган шаҳарларда бўлган Ибрат Туркистон шаҳарларининг ҳам маданий шаҳарлар қаторидан ўрин олишини орзу қилади. У бунга эришишнинг бирдан-бир йўлини илм-фанда,

¹ Исҳоқхон Тўра Ибрат. “Туркистон вилоятининг газети”: “Эски мактаблар хусусида” (1907 й.), “Наманганда маҳаллий лавозимларга ўтказилган сайловлар хусусида” (1910 йил, 21 март), “Фарғона вилоятидаги қўхна шаҳар – Ахси-кент тарихи” (1913 йил, 23 июнь); “Тўрақўрғондан мактуб” (1914 йил, 2 март), “Тошкент сафаридаги маълумотларим” (1914 йил, апрель) ва б.

² Исҳоқхон Ибрат. Жомеъ ул-хутут. – Наманган, 1912.

ўқиш-ўрганишда, деб билади ва Россиядаги Петроград, Москва, Одесса, Францияда Париж, Европадаги Берлин, Вена, Мадрид, Лондон, Рум, Америкадаги Вашингтон, Шарқдаги Токио, Истанбул каби шаҳарларни мисол келтириб, уларнинг маданияти илм билан қарор топганлигини таъкидлайди.

Исҳоқхон Ибратнинг қишлоқ билан шаҳарни бир-биридан ажратмай, уларни ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантириш кераклиги, бунинг учун шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқларда ҳам илм-маърифат, маданият ўчоқларини вужудга келтириш лозимлиги ҳақидаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Исҳоқхон Ибрат ривожланган шаҳарларни шундай тасаввур қилади:

“Маданий шаҳарлар шундай бўлурки, анда дорулмуаллимин мадрасалар ва анвойи фунун мактаблар (олий ўқув юртлари), ҳар хил илму ҳунарлар, катта дўхтирлар, табиблар ва мазлумни золимдан ҳимоя қиладурган ҳокимлар ўз шаҳарларида бўлур. Қўл ҳунарларидан ҳар хил ва ҳамма хиллари, тўқиладурган нимарсалар, анвойи асбоб ўз шаҳарларида бўлуб, бўлак кишиларга эҳтиёж бўлмаса ҳамда ул шаҳарда заводлар, оташ кемалар ва фойизлар ва кўнкалар электр илан барпо бўлса. Ҳам ул шаҳарда ҳар куни юруб турадиган фойизлар, чироғ, шамол сандал (вентилятор ёки холодильник) бўлса, катта мактаблар бўлса, заводлар овози ҳар куни неча мартадан эшитулуб турса, бир нимарсага эҳтиёжманд бўлуб чиқса киши дарҳол топилса, тилфонограмлар бўлса, шаҳарлар озода, чангдан, бўйи баддан тоза бўлса, қайси илмни хоҳласа, ани таълим берадурган муаллимлар бўлса, арз қилганда, арзи ҳолни билиб жавобини қайтарса, ярамас одамлар учун жазохоналар, омонат

қўймоқ учун хиёнат қилмайдурган омонатхоналар бўлса, аҳли илмларнинг қадри яхши бўлса, нодонларни ўз холига қўймаса, фикр ва илму ҳунар ўргатса...”¹

Исҳоқхон Ибрат Аҳмад Дониш ва бошқа мутафаккирлар каби ахлоқий масалалар, замона талабларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Ўзининг “Мезон уз-замон” (Замон тарозуси) асарида ҳар бир даврнинг “ўз тарозуси борлигини” қайд этган².

Асарда шартли равишда тўққиз мезон ҳақида фикр юритиб, ҳар бир мезонда муайян масала таҳлил этилган. Биринчи мезонда янги пайдо бўлган нарсаларга муносабат масаласи, иккинчи мезонда миллатни турли фирқаларга айирмачиликдан сақлаш, бирлаштириш зарурлиги таъкидланади. Учинчи мезонда судхўрлик, тижоратда хиёнат қораланиб, бу иллатлар миллат таназзулининг бош омиллари сифатида баҳоланади. Тўртинчи мезонда илм ва тафаккур ҳақида, авлод тарбияси ва усули савтия мактабларининг миллат ҳаётидаги аҳамияти, бешинчи мезонда халқнинг ўтмиши ҳамда янги замондаги ишлари хусусида фикр билдирилади. “Асримиз, деб қайд этади Ибрат, – илму ҳунар, ҳаракат асридур, турмоқ асри эмас. Гофил турса, ғафлат уйқусидин тургунча, бозори олам ўтуб кетадур. Ўрганмоқ даркор” дея илму ҳунарга даъват этилади.

Олтинчи мезонда Ибрат бидъат ва ортиқча сарфхаражатларга ружу қўйишдан огоҳ этса, еттинчи ва саккизинчи мезонларда либос борасидаги мунозаралар, либосга ихлос қўйишнинг, дунёпарастликнинг ёмон оқибатлари ҳақида, тўққизинчи мезонда ўтмиш ва замон воқеалари тўғрисида фикр билдиради.

¹ Исҳоқхон Тўра Ибрат. Тарихи маданият. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №10117. – Б.8–112.

² Исҳоқхон Тўра Ибрат. Мезон уз-замон. – Т.: Маънавият, 2005. Нашрга талқинловчилар, изоҳ муаллифлари: Улуғбек Долимов, Нурбой Жабборов.

Шу тариқа Ибрат жамиятни замона тарозусига қараб иш тутишга даъват қилиб, ўша пайтдаги миллатни емираётган турли иллатлар, салбий ҳолатларга барҳам бериш, йўл қўймаслик, уларни бартараф этиш хусусида тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилади.

XX аср бошида тарихий билимлар масаласида янгича ёндашувлар Туркистонда жади́дчилик ҳаракатининг етакчиларидан бўлган самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875–1919) ижодида ҳам яққол намоён бўлди¹.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам дунё кўрган, диний ва дунёвий илмлардан хабардор мутафаккир эди. У 1899–1900 йилларда Кавказ йўли орқали ҳаж сафарига чиқиб, Истанбул, Қоҳирада, 1903–1904 йилларда Москва, Петербургда, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади, татар маърифатпарвари И. Гаспиринский билан танишиб, унинг таълим ислохотларини тўла қўллаб-қувватлайди. Нижний Новгородда 1906 йил 23 августда Русия мусулмонларининг турмуш маданияти муаммоларига бағишланган курултойда туркистонликлар гуруҳи номидан нутқ сўзлайди. 1914 йилда Боку, Кисловодск–Пятигорск, Железноводск–Ростов–Одесса шаҳарларида, Истанбул, Қуддус, Байрут, Ёфа, Халил ар-Раҳмон, Порт Саид, Шом шаҳарларида бўлади. Ўз сафарномаларини “Ойна” журналида чоп этиб боради.

Ўз ҳаёти давомида 20 дан ортиқ шаҳарларни кезган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг дунёвий тараққиёт, илмфан ва маданият, техниканинг жамият ривожигаги ўрнини чуқур англаб етади. Бу ишларни жамиятни маърифатли қилиш орқалигина юзага чиқариш мумкинлигини англаган Беҳбудий 1903 йилда Самарқанд яқинида-

¹ Алимова Д.А, Рашидова Д.А. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури. – Т.: Академия, 1999.

ги Ҳалвойи, Ражабамин қишлоқларида янги мактаблар ташкил қилиб, улар учун “Рисолаи асбоби савод” (1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (1905), “Рисолаи жуғрофияи Русий” (1905), “Китобат ал-атфол” (1908), “Амалиёти ислом” (1908), “Тарихи ислом” (1909) каби китоб ва дарсликлар яратади. Илк миллий халқ кутубхонаси “Қироатхонаи исломия” (1908)ни ташкил қилиб, унга 1000 дан ортиқ китоб совға қилади. “Падаркуш” номли пьеса яратиб, ўзбек драматургияси ва театрига, “Самарқанд” газетаси ва илк миллий журнал “Ойна” (1913) журнаliga асос солди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўша даврда чоп этилган 20 га яқин газета ва журналлар саҳифаларида ўнлаб мақолалар чоп этади. Ушбу мақолаларда ўз даврининг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқади, жамиятни илм-маърифатга чорлайди¹, бу борада ташаббус кўрсатиб, кутубхона, мактаб ташкил қилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий татар маърифатпарвари И. Гаспринский, бошқирд маърифатпарвар олими Заки Валидий Тўғон билан яқин алоқада бўлиб, улар билан мулоқотлар чоғида Туркистоннинг янги тарихини яратиш масаласини муҳокама қилади. И. Гаспринскийнинг “Туркистоннинг янги тарихи” (“Тарихи жадидаи Туркистон”) рукни остида “Таржимон” газетасида бериб борган туркум мақолалари, Заки Валидийнинг 1912 йилда чоп этилган “Турк ва татар тарихи” номли асаридан² яхши хабардор бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистоннинг янги тарихини ёзиш масаласини кўтариб чиқади.

У тарихни янгича ёндашувлар асосида ёзиш зарурлигига эътибор қаратиб, маҳаллий тарихий асарларни

¹ М. Беҳбудий меросининг миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти. – Т., 2014.

² Validiy Zaki. Turk va tatar tarixi. – Qozon, 1912.

танқид остига олади ва қуйидагиларни таъкидлайди: “... ҳануз Туркистон тарихи ҳақинда янги тадқиқот ила ёзилгон, тартибли ва истифодали мукамал бир асар вужудға келган йўқ. Тўғриси, мундай тарих ёзувчи киши турк ўғлонларидан ҳануз майдонға чиқгон йўқки, бу эса турк болаларининг нохалаф бўлуб, чин ўғул эмасликларига далилдур. Бу сўзлардан тарихсизлигимиз англашилмасун. Бизнинг тарихимиз бор. Бурунғи асрларда Туркистон ва турклар воқеоти ва аҳволи ҳақинда туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгандурки, у китоблардан рус ва бошқа ёврупойилар истифода этган ва этмақдадурлар. Лекин у мухталиф тилларда ёзилган. Тарихий асарлардан биз туркистонийлар истифода этуб, янги муҳокама ва тадқиқот ила ўз шева-мизда мунтазам бир асар вужудға келтурганимиз йўқ. Балки бизлар андоғ тарихий китоблардан аксарият ила хабарсиз бўлуб, баъзисидан хабардор бўлсак ҳам, аларнинг таъ ва нашрига аҳамият бермаймиз”.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз замонасида тарихий асарлар ёзишга ва уларни ўрганишга эътибор камлиги, ундан кўра “хурофотлик қисса, ҳикоя ва ошиқона ғазал китобларига” қизиқиш катталигини, пул орқасидан қувган ноширлар “афсона ва аслсиз” китобларни кўп чоп этаётганликларини танқид остига олади, уларни “ҳақиқий эътиқодни захарловчи хурофот ва афсоналар ўрнига мўътабар, тарихий, ахлоқий ва адабий асарларни кўпроқ нашр этишга” даъват этади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий “Садойи Туркистон” газетасида “Миллий тарихимизни ким ёзар?” мазмунида мурожат қилган мақоласида ўша даврда Туркистонда бундай тарихни ёзишни маҳаллий қўлёзмалар билимдони, ёш шарқшунос олим Аҳмад Заки Валидийдан умид қилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг тарихга янгича ёндашиб, унга энг аввало умуминсоният тарихининг бир қисми сифатида қарайди ва тарихни инсоният тарихидаги энг катта ўзгаришлар билан даврлаштиради, уларнинг тараққиётга таъсирини кўрсатиб беришга ҳаракат қиладди. Бу ўша давр маҳаллий тарихнавислигида жуда катта янгилик эди.

У “Ойна” журнали саҳифаларида “Ихтиролар тарихи” деган рукн остида чоп этилган мақолаларида жамият ҳаётидаги энг муҳим ва йирик ихтиролар ҳақида маълумотлар бериб боради ва уларнинг жамият тараққиётига таъсирини кўрсатиб беришга ҳаракат қиладди. Шу асосда М. Беҳбудий ўз ўқувчиларига инсониятнинг кўп минг йиллик тарихини муҳим ихтиролар тарихи билан боғлиқ ҳолда кўрсатиб беради. Бу борада шундай фикр билдиради: ““Ойна”нинг муҳтарам хонандаларига (ўқувчиларига – Д.З.) дунёни аввалидан бу кунгача бани одам тарафидан ихтиро қилинган машхур нимарсаларни арз қилмоқ учун тарих китобларидан олиб ёзмоқчи бўлдук ва мундан сўнгра “Ойна”нинг ҳар рақаминда пайдарпай “Тарихи ихторои башар” унвони ила ёзилур. Мунда ёзилатургон нимарсалар “Тарихи умумий”, “Тарихи маданият”, “Маданияти исломия”, “Коинот”, “Тарих ва жуғрофия луғати”, “Тарихи тамаддун” китоблари ва бошқа китоб ва рисоалардан нақл қилинур”¹.

Шу тариқа Маҳмудхўжа Беҳбудий турли тарихий даврларда инсоният томонидан кашф қилинган йирик ихтиролар – дехқончилик асбоблари, камон (ўқ-ёй), чарх, кемачилик, тошга ёзув битиш, қишлоқ хўжалиги техникаси (ўзи юривчи илк машиналар), пароход, оташ кемалар ва бошқа кашфиётлар ҳақида маълумот бериб боради.

¹ М. Беҳбудий. “Тарихи ихторои башар” // “Ойна” журнали, 1914 йил, 28-сон. – Б.531-534.

Маҳмудхўжа Беҳбудий жамиятни маърифатли қилишда тарих фанининг аҳамиятига алоҳида урғу беради. Бу ҳақда у ўзининг “Туркистон тарихи керак” номли мақоласида алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлуб кетганин ўқуб мундан ҳам истифода этмак мумкиндр”¹.

Ўтган асрларда битилган тарихий қўлёзмаларни ўрганиш учун уларни замонавий алифбода, содда тилда нашр этиш зарурлигини таъкидлайди, жамият уларни ўрганиш орқали тегишли сабоқ чиқариши лозимлигига алоҳида эътибор қаратиб, қуйидаги мулоҳазаларни илгари суради: “...Бизнинг ўз шевамизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг маиший, сиёсий аҳволига доир “Туркистон тарихи” бор бўлғонда, они кўз олдимизда қўюб, бурунги қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият даврига кируб ва нима сабабдан охири мунқариз бўлуб кетганларини ўқуб, билуб, хейли ибрат олар эдук. Ўшандоқ ҳозирги ҳолимизни боболаримиз давридаги ҳолларга бир даража муқояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир инфиоли даруний ҳис эдуб, юзларимиз қизарар эди. Ҳоло, биз туркистонийлар марҳум боболаримиз аҳволи ҳам Туркистон воқеоти тарихиясидан бутун ғофил ва беҳабардурмиз”.

Шу тариқа, XIX аср охири – XX аср бошларида анъанавий тарихнависликда янгича ёндашувлар ва қарашлар шаклланиб борди. Бу қарашлар ва ёндашувлар замирида ўтмишнинг энг яхши маданий меросини ўзлаштир-

¹ М. Беҳбудий. “Тарихи ихтирои башар” // “Ойна” журнали, 1914 йил, 28-сон. – Б.898-900.

ган ҳолда адолатсиз бошқарув, ўзаро ихтилофлар ва урушларнинг аянчли оқибатларидан сабоқ чиқариш, замон талаблари, жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини тўғри англаб етиш, илм-маърифатни эгаллаш орқали мустамлака зулмдан халос бўлиш ва мустақил тараққиётга чиқиш, шу йўлда бирлашиш ғоялари ётар эди.

II БОБ

ТАРИХИЙ-АДАБИЙ МАНБАЛАР ВА САФАРНОМАЛАР

1-§. Тазкиранавислик

Тазкиралар¹ туркий ва мусулмон оламида, хусусан, Туркия, Турон ва Эрон заминида турли тарихий даврларда яшаб ўтган шоирлар ва уларнинг ижод намуналари жамланган мажмуа сифатида доимо кадрланган ҳамда махсус йўналиш сифатида ривожланиб келган.

Хусусан, Ўрта Осиёда тазкиралар кўп асрлик тарихга эга бўлиб, уларнинг катта қисми шоирлар ва уларнинг ижодига бағишланган бўлса-да, улар орасида олимлар, ҳукмдорлар, диний уламолар, шариат пешволари фаолиятига бағишланганлари ҳам бор.

Тазкиралар асосан адабиёт, хусусан, шеърят тарихи йўналишида кўп ўрганилган, тарих фанида эса улардан маданий ҳаёт намоёндаларини ўрганишда фойдаланилса-да, ҳалигача махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Ваҳоланки, уларда нафақат шоирлар, балки ҳукмдорлар фаолияти, уларнинг адабиётга, маданиятга муносабати, шеърларда эса давр руҳи, халқнинг армонлари, қалб нидоси, ҳамда ижтимоий фикр ҳамда тафаккурни англаб олиш мумкин бўлган жиҳатлари, географик, топографик маълумотлар жуда кўп. Шу маънода тазкираларни маданият тарихи ва интеллектуал меросни ўрганишдаги ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират ал-шуаро” (1487) асари энг қадимги тазкиралардан бири бўлиб,

¹ Тазкира – арабча “зикр этиш”, “тилга олиш”, “эслаш” маъносини билдиради.

унда IX–XV асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эронда яшаб ўтган машҳур шоирлар ҳақида маълумот билан бирга улар ижодидан намуналар ҳам берилган. Асар форс тилида битилган.

Алишер Навоийнинг “Мажолис лн-нафоис” (“Нафислар мажлислари”) номли тазкираси эса туркий тилдаги тазкирачиликнинг илк намунаси эди. XV аср охирида ёзилиб, қайта ишланган ва тўлдирилган мазкур тазкирада ўша даврда Марказий Осиёда, жумладан, Эрон, Хуросон ва Турон ерларида яшаб, ижод қилган 450 дан ортиқ шоирлар, олимлар ижодий меросига оид маълумотлар жамланган эди.

Бу қадар бой маълумотларни Алишер Навоий тазкирага киритилган шахсларнинг яшаган йиллари, туғилган ва фаолият олиб борган ҳудуди, сулолалар ҳукмронлиги даврига қараб тизимлаштирган. Бу маълумотларда уларнинг ижодий мероси ҳам чуқур таҳлил қилинганлиги бу асар шунчаки библиографик рўйхат эмас, балки чуқур тадқиқот иши бўлганлигини намоён этар эди.

Алишер Навоийнинг мазкур тазкираси нафақат Марказий Осиёда, балки туркий ва мусулмон оламида тазкиранависликни ривожланишида катта намуна бўлди.

XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган Абдурахмон Жомийнинг Алишер Навоий илтимоси билан форс тилида ёзилган “Нафаҳот ал-унс мин ҳазарот ал-қудс” тазкираси, мазкур асарнинг Алишер Навоий томонидан туркийга таржима қилиниб, тўлдирилган “Насойим ал-муҳаббат мин шамойим ал-футувват” (шайхлар, уламолар, қозилар ҳақида) номли тазкира кейинги асрларда тазкиранависликка пойдевор бўлиб, унинг услубий асосларини шакллантириб берди.

Алишер Навоий томонидан яратилган туркий тазкирачилик мактаби XX аср бошларига қадар нафақат Тур-

кистон ёки Марказий Осиёда, балки Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Озарбайжон ҳамда Туркияда муваффақият билан давом этган.

Темурийлар даврида битилган тазкиралардан яна бири Фахрий Ҳиравий қаламига мансуб бўлиб, форс тилида ёзилган ва “Равзат ал-салотин” (“Султонлар боғи”) деб номланган. Ушбу тазкирада юзга яқин султон ва амирлар, шоирлар тилга олинган эди. Тазкиранинг алоҳида боби Соҳибқирон Амир Темури ва темурий султонларга бағишлаган.

Кейинги даврларда тазкиранавислик ривожланиб борди. Мутрибий Самарқандийнинг “Тазкират ал-шураро” (1605) ва “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” (1628) каби тазкиралари, Малиҳо Самарқандийнинг “Музаққир ал-асҳоб” (1693), Нисорийнинг “Музаққир аҳбоб” каби тазкираларда ўрта аср адабий-маданий муҳитини ёритувчи муҳим маълумотлар жамланган эди.

Хусусан, “Музаққир аҳбоб” номли тазкира Алишер Навоийнинг “Мажолис ал-нафоис” тазкирасининг давоми сифатида ёзилган бўлиб, унда XVI асрнинг биринчи ярмида Бухорода яшаб ўтган 261 туркийзабон шоирлар, Шайбонийлар сулоласи вакиллари бўлган ҳукмдорлар ҳақида маълумотлар келтирилган. “Музаққир ал-асҳоб” жуда кўп тарихий манбалар – “Равзат ал-сафо”, “Дастур ал-мулук”, “Рашаҳот ал-айн ал-ҳаёт”, “Қандия” асосида ёзилганлиги боис унда тарихий ва географик маълумотлар ҳам кўп эди.

Ушбу тазкирада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ҳунармандчилик турлари, хожа Убайдулла Аҳрор авлодининг мол-мулки, Аштархонийлар давлати тузилиши, мансаб ва лавозимлари, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг топографияси, Самарқанд гузарлари, Амир Темури ва Шайбоний Абдуллахоннинг Қарши ва

Шахрисабздаги ободончилик ишлари, масжид, мадраса, карвонсарой, ҳаммомлар қурилиши, мақбаралари ҳақидаги бой маълумотлар ўрин олган бўлиб, улар Мовароуннаҳрнинг XV асрнинг II ярмидаги тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бундай маълумотлар тазкиралар нафақат шоирлар ва уларнинг ижодий меросини, балки олимлар, уламолар, амалдорлар фаолиятини, мамлакат тарихи, маданият тарихи, ҳудудлар топографиясини ўрганишда муҳим манба эканлигидан далолат беради.

Яна бир муҳим жиҳати – тазкиралар аксарият ҳолатларда бир-бирини тўлдириш асосида ёзилганлиги боис давомийлик ва узлуксизликни таъминлаб, айрим тарихий шахслари, ижод аҳли ҳақида тарихий манбаларда қайд этилмаган маълумотларни аниқлаш имконини ҳам беради.

Тазкиралар тарих фанида узвий давомийликда, махсус ва изчил ўрганилмаган бўлса-да, улардан турли даврлар шахслар ва ижод аҳли ҳаётини, тарихини ўрганишда тегишли ўринларда унумли фойдаланиб келинмоқда.

Тазкиралар орасида ҳукмдорлар топшириғи ва ҳомийлигида яратилганлари билан бир қаторда шахсий ташаббус асосида аввалги тазкираларни давом эттириш ёки тўлдириш мақсадида ёзилганлари ҳам мавжуд. Уларнинг муаллифлари асосан шоирлар, хаттотлар, тарихчилар бўлган. Тазкиранавислик XX аср ўрталаригача давом этган.

Алишер Навоий давридан бошланган тазкиранавислик XIX–XX аср бошларида ҳам ҳар бир хонликда давом эттирилган. Қўқон хонлигида Умархон буйруғи билан Фазлий Намангоний томонидан яратилган “Мажмуаи шоирон” тазкираси¹ ўзбек адабиётшунослиги тарихида

¹ Абдулкарим Фазлий Намангоний. “Мажмуаи шоирон”. Тошбосма нусхаси. – Т., 1900.

илк марта шеърӣ йўл билан яратилган тазкира бўлиб, унда Қўқон адабий муҳитининг 100 дан ортиқ вакиллари ҳақидаги қимматли маълумотлар билан бир қаторда уларнинг асарларидан намуналар ҳам келтирилган.

Бухорода Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ (1818–1894) томонидан тузилган “Тухфат ал-аҳбоб, фи-тазкират ал-асҳоб” (“Сухбатдошлар зикрида дўстлар тухфаси”) тазкираси¹ XVIII асрнинг охири – XIX асрда яшаб, ижод қилган шоирларни қамраб олган эди. Ушбу тазкирада Бухоро ва Қўқонда яшаган 150 нафар шоирларнинг таржимаи ҳол ва ғазаллари тўплами баён этилган. Возеҳ зуллисонайн бўлиб, ҳам тожик, ҳам ўзбек тилларида кўплаб қасида, рубоӣй, ғазаллар ёзган. Бундан ташқари, тарих, табиатшунослик, этика, тиббиётга доир асарларни таржима қилган.

Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг тавсияси билан Бухорода XX аср бошида Афзал маҳдум Пирмастий томонидан тузилган “Афзали ал-тазкор фи зикри ал-шуаро ва ал-ашъор”² (“Шоирлар ва шеърлар ҳақидаги Афзал тазкираси”) деб номланган тазкирада XIX асрнинг охири – XX аср бошида яшаб, ижод қилган 135 шоир ҳақида маълумотлар жамланган.

Бу даврда яна қатор тазкиралар тузилиб, анъанавий тазкиранавислик янги асарлар билан бойитилган.

Хусусан, Саид Мир Сиддиқ Ҳашмат томонидан тузилган “Тазкират ал-шуаро”³ номли тазкирада Бухорода яшаб, ижод қилган 60 дан ортиқ шоирлар, уларнинг таҳаллуси, таржимаи ҳоли, машҳур шеърлари ҳақида, Ҳожи Абдулазим Шаръий томонидан тузилган “Тазкираи шуарои Абдулазим Шаръий”⁴ номли тазкирада

¹ Возеҳ, Тухфат ал-аҳбоб, фи тазкират ал-асҳоб. – Т., 1914.

² Афзал Маҳдум Пирмастий. Афзалиут-тазкор фи зикри-ш-шуаро вал-ашъор. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №63.

³ ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №2728, р.2252/1.

⁴ ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №3396/III.

XIX аср охирида Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда яшаб ижод қилган шоирлар, олимлар ҳақида, Неъматулла Муҳтарам томонидан форс тилида, насрий матнда ёзилган “Тазкираи Ҳожи Неъматуллоҳ Муҳтарам”¹ номли тазкирада XIX–XX бошида Бухорода яшаб, ижод қилган ҳар бир шоирнинг таҳаллуси, исми, насаби, ёзган асари ҳақида маълумотлар ва улардан намуналар, Абдий Мирабдуллаҳўжанинг “Тазкираи Абдий” (ёки “Тазкират уш-шуарои мутааххирини Бухоро”), “Тазкират ал-шуаро” (1904) номли тазкираларида Амир Абдулаҳад даврида яшаб ижод этган 118 та шоирлар ҳақида биографик маълумотлар ва уларнинг асарларидан намуналар жамланган.

Абдумуталлиб Фаҳмийнинг “Тазкираи Фаҳмий” номли тазкирасида зикр этилишича, мамлакатда XIX асрда 300 нафар шоирлар яшаб ижод қилган. Асарда Бедил, Ҳофиз, Низомий, Исмаи Бухорий, Савдо, Возеҳ каби аввалги тазкиранависларнинг тазкираларидан қисқача маълумотлар, айрим тазкиралардан эса, масалан, Возеҳдан тўлиқроқ маълумотлар берилган.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида ҳам тазкиранависликка алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, бу даврда мамлакатда унинг ҳомийлигида шеърят, адабиёт, санъат ва таржимонлик кенг ривожланди.

Хива хонлиги адабий муҳитининг фаол аъзоси Аҳмад Табибий (1868–1910) томонидан тузилган “Мажмуат ал-шуарои пайрави Ферузшоҳий” (1908) ва “Мухаммасоти мажмуат ал-шуарои Ферузшоҳий” (1909) номли тазкиралари яратилди². Уларда саройдаги адабий муҳит, шоирлар, қалам тебратган шахзодалар, амалдорлар, мударрис, мирзабошилар ҳақида қимматли маълумотлар,

¹ ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №2252/II.

² Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис. – Т.: Муҳаррир, 2011.

уларнинг ижодидан намуналари Ферузнинг ғазаллари-га пайровлар ўрин олган эди¹.

Тазкиранавислик хонликлар тугатилгандан кейин ҳам давом этади. Хива хони саройида фаолият юритган Ҳасанмурод Лаффасий², кейинчалик эса Бобожон Тарроҳ³ томонидан ёзилган асарлар шулар жумласидан бўлиб, уларда XIX–XX аср бошларида яратилган тазкиралар тўлдирилиб, тизимлаштирилган ва хонликларнинг сўнгги даврларига қадар етказилган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида яшаб, турли туман ва вилоятларда қозилик лавозимида фаолият кўрсатган мутафаккир олим, адиб ва шоир сифатида бой илмий ва адабий мерос қолдирган Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё ўзи яшаган даврдаги Бухоро адабий ҳаёти ва тарихига доир кенг маълумот берадиган “Тазкират ал-шуарои мутаққадимин”⁴, “Шуарои мутааххирин”⁵ ҳамда “Фузалои мутааҳхирин” каби тазкиралар яратди.

“Тазкират уш-шуарои мутаққадимин” тазкирасида Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират ал-шуаро”си, Лутф Алибек Озарнинг “Оташкада” тазкиралари асосида X–XV асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳр, Эрон ва Ҳиндистонда яшаб ижод қилган Рудакийдан тортиб то Жомий ва Навоийларгача бўлган 162 нафар шоир ва олимлар, уларнинг ижод намуналари, шунингдек, X–XVII

¹ Табибий Аҳмаджон. Мажмуат ал-шуарои пайрави Ферузшоҳий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №1152.

² Лаффасий. Тазкираи шуаро / Нашрга тайёрловчи П. Бобожонов. – Урганч, 1992.

³ Бобожон Тарроҳ – Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. – Т.: Tafakkur qanoti, 2011.

⁴ Садри Зиё. “Тазкират ал-шуарои мутаққадимин ва салотини муосирийн ва бузургони мутаваррийн”. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №2193. Мажмуа.

⁵ Тазкиранинг тўлиқ номи “Шуарои мутааххирин ва фузалои муосирини роқими адим-ул қадр Зиёи Садри”. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №2193.

асрларда яшаган 120 нафар шахзодалар, буюк олим Ибн Сино, Хўжа Низомулмулк ва бошқа бир қатор шоир ҳамда мутафаккирлар ҳақида янги маълумотлар жамланган¹.

Садри Зиёнинг “Шуарои мутааххирин” (яъни ҳозирги давр шоирлари) номли тазкираси Возеҳнинг “Тухфат ал- аҳбоб”² тазкираси асосида яратилади. Ушбу тазкирада Возеҳ қайд этган, XIX асрда Бухорода яшаб, ижод қилган 88 шоирлар, олимлар, шайхлар ҳақидаги маълумотлар тўлдирилиб, тазкирага иловаларда Аҳмад Дониш ва XIX асрнинг иккинчи ярмида, Возеҳдан кейин яшаган шоирлар ҳақида маълумотлар берилади.

Садри Зиёнинг “Фузалои мутааххирин” номли тазкирасида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари, яъни Амир Музаффар (1860–1885), Абдулаҳад (1885–1910), Олимхон (1910–1920) ҳукмронлиги даврида ҳамда қисман совет даврида яшаб ижод қилган 79 нафар шоир ва донишмандлар, шунингдек, уларнинг вафот этган саналари, баъзи шоирларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, XX аср бошида вужудга келган жадидчилик ҳақида маълумотлар ўрин олган эди.

1940-йилларда Ҳасанмурод Лаффасий (1880–1945) томонидан тузилган “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари”³ номли тазкира ҳам XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Хоразм адабий муҳитини ўрганишга оид муҳим манба бўлиб, хоразмлик шоирлар, уларнинг асарларидан намуналар, ўзаро муносабатлари, саройдаги адабий муҳит ҳақида маълумот беради.

Хулоса қилиб айтганда, тазкиралар ўз давридаги

¹ Садри Зиё. Тазкират ал-шуарои мутақаддамин, 272а-варақда Ибн Сино, 272б-варақда Хўжа – Низомулмулк ҳақида маълумот берилган.

² Возеҳ тазкираси ҳақида қаранг: Хади-заде Р. Источники по истории изучения таджикской литературы конца XIX – начала XX вв. – Душанбе. – С.29–43.

³ Лаффасий. Тазкираи шуаро / Нашрга тайёрловчи П. Бобожонов. – Урганч, 1992.

ижтимоий тафаккур, маданий ҳаёт, адабиёт, ижод аҳлининг ғоялари ва қарашларини акс эттирувчи муҳим адабий-тарихий манба сифатида эътирофга лойиқдир. Зеро, уларда нафақат шоирлар ва уларнинг асарлари, балки дин пешволари, уламолар, олимлар, ҳукмдорлар, амалдорлар (қози, муфтий ва б.), маданий ҳаёт ва сарой муҳити, хон ва амирларнинг адабиётга, илм-фан ва маданиятга муносабати ҳақида қимматли маълумотлар ўрин олган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тазкираларда нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа, шу жумладан, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Усманий турклар тарихи ва маданиятига оид муҳим маълумотлар жамланган.

2-§. Ҳажнома ва сафарномалар

Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари ҳудудида яратилган тарихий-адабий асарлар қаторида сафарнома ва ҳажномалар алоҳида ўрин эгаллайди. Ислом динининг бешта асосий фарз амалларидан бири бўлган ҳаж зиёрати, яъни Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиш муносабати билан амалга оширилган сафарлар таассуротлари асосида ёзилган ҳажномалар, тижорат ва саёҳат таассуротлари асосида ёзилган саёҳатномалар ўша даврда жуда катта қизиқиш билан ўқилган. Зеро, ташқи дунё мамлакатлари, четдаги аҳолининг турмуш тарзи, ҳаёти ва маданияти ҳақидаги маълумотлар ўлкада яшаётган турли қатлам кишиларида катта қизиқиш уйғотган.

Бундай сафарлар ва саёҳатлар давомида олинган тасаввурлар сафарга чиққан кишиларнинг географик билимлари, тасаввурларини кенгайтириш билан бирга, уларнинг тафаккури ва дунёқарашига ҳам жиддий таъсир қилган.

Бу даврда Ўрта Осиёдан Маккага бориладиган йўллар шимолда – Россия империяси худуди орқали, жанубда – афғон уруғлари ва Ҳиндистон орқали ва марказий йўналишда эса Эрон шаҳарлари орқали ўтган. Демак, Ўрта Осиё ҳаж зиёратчилари ўз саёҳатлари давомида Ҳиндистон, Эрон, Россия, Усмонли (Туркия), Миср каби давлатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари ва уларнинг ҳаётидаги турли янгиликлар билан танишиш имконига эга бўлганлар.

Ўрта Осиё мусулмонларининг сафарлари нафақат ҳаж зиёрати, балки савдо-сотик, элчилик вазифасини бажариш, дунёнинг йирик маданият марказларида ўз илмини ошириш ёки сиёсий тазйиқдан қочиш каби сабаблар билан ҳам боғлиқ эди. Лекин бундай сафарлар ҳаж зиёратлари даражасида кенг тус олмаган эди.

Марказий Осиё тарихида ҳаж сафарномасининг дастлабки намуналаридан бири XI асрда шоир Абумуъиниддин Носир Ҳисрав ал-Қубодиёний томонидан ёзилган “Сафарнома”¹ бўлиб, унинг муаллифи 1045–1052 йилларда Макка ва Мадинага бориш учун Эрон, Арманистон, Озарбайжон, Сурия, Қуддус, Яман, Басра, Исфaxon каби кўплаб шаҳар ҳамда вилоятларда бўлган ва ўз сафар таассуротларини ёзиб қолдирган.

Яна шундай асарлардан бири XVI аср ўртасида, тахминан 1565–1566 йилда Шарифиддин Ҳусайн Хоразмий томонидан отаси шайх Камолиддин Ҳусайн Хоразмийга бағишлаб ёзилган маноқиб – “Жовдат ал-ошиқин” деб номланган асар ҳисобланади². Асар маноқиб жанрида бўлса-да, ундаги маълумотларнинг аксарият қисми шайхнинг 1549–1551 йилларда 300 нафар муридлари

¹ Ҳисрав Носир. Сафарнома. Форсчадан Ғ. Каримий таржимаси. – Т., 2010.

² Маноқиб – ёзма асар жанри бўлиб, унда шайх ва авлиёларнинг ҳаёти (асосан фазилатлари мақтаб ёзилган) ҳақида ёзилган.

билан Маккага амалга оширган ҳаж сафари баёнига бағишланган. Шайх Хусайн Хоразмий икки йил давом этган ҳаж сафари давомида 20 дан ортиқ давлат ва шаҳарларда бўлган, кўплаб зиёратгоҳлар, авлиёлар мазорларига ташриф буюрган, узоқ давом этган йиғинларда диний, маънавий соҳаларда қизғин суҳбатлар қурган.

Демак, Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари турли халқлар зиёлилари ўртасида маданий алоқаларнинг ривожига, диний, илмий ва дунёвий масалаларда фикр алмашувида, алломаларнинг кутубхоналар ва нодир асарлар билан танишишлари учун катта аҳамият касб этган.

XVII асрга доир яна бир асар, 1680–1681 йилларда Маккага сафар қилган Аштархонийлар сулоласи вакили Абдулазизхоннинг (1645–1681) ҳаж сафарига бағишлаб форс тилида ёзилган “Подшоҳ Абдулазизхоннинг “Байт ул-Аллоҳ ва Каъба зиёратини мақсад этгани баёни”¹ номли асарда унинг Исфахон йўналиши бўйлаб амалга оширган ҳаж сафари, Эрон шоҳи Сулаймон қабулида бўлиши, Хуросон ва Эрон ҳудудида турли вилоят ҳукмдорлари томонидан эҳтиром билан кутиб олиниб, унинг шарафига зиёфат берилгани хусусидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.

XVI–XVIII асрларга доир ҳаж сафарларига бағишлаб ёзиб қолдирилган асарларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, уларда зиёратчи шайхларнинг юксак фазилатлари, йўл давомида кўрсатган кароматлари, сафар давомида бошқа нуфузли алломалар, шайхлар ёки ҳукмдорлар билан учрашув ҳамда суҳбатлари баёнига

¹ Зикри азми шудани ҳазрати Абдулазизхон бажони би байтуллоҳ ва бакабаи мақсуд расиданд ғараз аз (Подшоҳ Абдулазизхоннинг Байт ал-Аллоҳ ва Каъба зиёратини мақсад этгани баёни). ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №4468/III 127а, б, 131а, 132а-варақлар.

асосий урғу берилган. Агар улар собиқ ҳукмдорлардан бирининг ҳаж сафарига бағишлаб ёзилган асар бўлса, уларда ўша ҳукмдорнинг шон-шухрати, йўл давомида бошқа таниқли шахслар, ҳукмдорлар томонидан уларга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром баёнига кўпроқ эътибор қаратилганини кузатиш мумкин.

Лекин кейинги асрларда, хусусан, XIX асрда Ўрта Осиё шаҳарларидан ҳажга йўл олган муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилган саёҳатномаларда аввалги асрларда яратилган асарлардан ажралиб турадиган айрим фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Жумладан, уларда асосий эътибор ҳукмдор ва шайхлар шаънига мақтовлар ўрнига ҳаётий воқеалар, ўзга юрт, ўзга халқлар ҳаёти, урф-одатлари, саноат, ишлаб чиқариш ва кундалик турмуш тарзидаги ҳайратомуз ўзгаришлар, техника, маданият янгиликлари баёнига қаратилганлигини кўриш мумкин. Ана шу жиҳатдан қараганда, бу даврда яратилган ҳажномалар ўзга давлат ва халқлар, улар ҳаётига кириб келаётган янгиликларни ўрганишга, уларни ўз ватандошларига таништиришга хизмат қилганлигини эътироф этиш лозим.

Шу ўринда XIX аср бошларида Кўқон хонлари ва амалдорлари авлодига мансуб¹ Муҳаммад Ҳакимхон ибн Маъсумхон Тўра каламига мансуб сафарнома эътиборга лойиқ. Муҳаммад Ҳакимхон сиёсий жараёнлар сабабли мамлакатни тарк этиб, Россиянинг бир неча шаҳарларида бўлиб Кавказ орқали Туркияга боради ва шу сафари асносида ҳаж зиёратини адо этиб, Эрон орқали Бухорога қайтади ва Шаҳрисабз вилоятида яшаб қолади

¹ Каваҳара Я. Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ал-таворих” асари тарихий манба сифатида // Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 2001. – Б.19-22.

ҳамда ўзининг “Мунтахаб ал-таворих” номли асарини яратади¹.

Асарда минтақа тарихига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Унинг биринчи қисмида Бухоро хонлигида XVIII асрдан бошлаб ягона марказлашган давлат куриш учун олиб борилган курашлар, хонликнинг Хива ва Қўқон хонлари ҳамда мустақил Ўратепа ва Шаҳрисабз ўлкалари билан бўлган алоқалари, иккинчи қисмида Қўқон хонлигининг ташкил топиш тарихи, унинг қўшни давлатлар билан алоқалари, шу жумладан, Хитой билан муносабатлари, учинчи қисмида эса ҳаж сафари таассуротлари ўз аксини топган².

Россия, Туркия, Сурия, Фаластин, Миср, Арабистон, Эрон, Афғонистон мамлакатларида бўлган Ҳакимхон Тўранинг қадами етган юртлар, шаҳарлар рўйхатида Шамай (Семипалатинск), Омск, Ирбит, Царицин, Астрахан, Мозандарон, Кавказорти, Синоп, Қайсария, Латакия, Дамашқ, Ғазо, Қоҳира, Сувайш, Янбо, Жидда, Макка, Мадина, Қусайр, Арабистон чўли, яна Қоҳира, Ғазо, Қуддус, Ҳаврон, Наблус, Дамашқ, Бағдод, Ҳамадон, Рашт, Нишопур, Машҳад, Маймана, Андхўй каби 30 дан ортиқ хорижий шаҳарлар қайд этилади.

Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ал-таворих” асарида Осиё давлатларида энди вужудга келаётган янгича усулларда ўқитиш урф бўлган мактаблар хусусидаги таассуротлари баён қилинган. Ҳажга кетиш ва қайтишда Қоҳирада бўлган сайёҳ бу ерда муаллиф таъбири билан “Қасри айн” дея аталган ёш ўсмирларга таълим-тарбия беришга мўлжаллаб ташкил этилган

¹ Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ал-таворих. Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Т.: Янги аср, 2010.

² ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №592.

масканни кўришга муваффақ бўлган. Унинг ёзишича, бу янгича мактаб биноти уч “ошиёнали” (қаватли,) бўлиб, унда 500 та “хужра” (синф хонаси)ли бинода жойлашган. Катта, ойнали деразаларга эга, ёруғ ва кенг хоналарнинг ҳар бирида 10 нафардан ўсмир таълим олган. Бу ерда таҳсил олаётган ўқувчиларга махсус бежирим кийимлар кийдирилган. Ҳар йили бу ерга таълим олиш учун Усманийлар давлатининг барча жойидан ўсмирлар келган. Уларга тиб, ҳандаса, ҳисоб-китоб, хуснихат каби дунёвий илмлардан дарс берилган ҳамда одоб, тарбия қоидалари ўргатилган. Турли дарслар турли тилларда олиб борилган, хусусан, айрим дарслар турк тилида бўлса, бошқалари форс ёки араб тилларида олиб борилган.

“Қасри айн”да ўсмирларнинг таълим олиши маълум муддат давом этгач, битирувчилар имтиҳон қилинган, уларнинг қобилияти ва билимига қараб касалхоналарда ишлаш учун, султон саройидаги турли лавозимларда фаолият юритиш учун жўнатилган. Яхши таълим олмаган ўсмирлар эса хизмат қилиш учун ҳарбий қўшин таркибига жўнатилган. Таҳсил олиш учун келган ўсмирлар алоҳида тиббий кўрикдан ўтказилган, уларнинг ёши 10–20 ёш оралиғида, кўриш қобилияти аъло даражада бўлиши талаб қилинган.

Муҳаммад Ҳакимхон Тўра бу ўсмирларни ўқиш, ёзиш ва бошқа ҳунарларга ўргатиш масканини кўриб, жуда ҳайратланади ва ўзи ҳам бу масканда бир муддат сулхатини ўрганади¹. Муаллифнинг ҳайрат ила қайд этишича, бу масканда таҳсил олаётган энг иқтидорли ёш йигитлар сараланиб, Европага ҳандаса (геометрия) каби аниқ фанлардан илм ўрганиш учун етти йил муддатга ўқишга жўнатилган.

¹ Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ал-таворих. – Б.562.

Бундан ташқари, муаллиф Россия шаҳарларида ота-онасиз болаларга таълим-тарбия бериш учун ташкил этилган таълим муассасалари фаолиятига ҳам тўхталиб¹, у ерда сағир болаларнинг барча таъминоти мамлакат хазинаси ҳисобидан амалга оширилиши, уларни давлат ишлари учун керакли ходимлар қилиб тарбияловчи малакали ўқитувчилар дарс ўтиши қайд этилади².

Муҳаммад Ҳакимхон Тўра ўз сафари давомида Россия ва Усманийлар империяси, Эрон давлатида бўлиб, у ерлардаги халқлар билан мулоқотга киришиб, рус, араб, форс, турк тилларини яхши ўрганиб олган, шу тилларда ҳукмдорлар, вазирлар ва бошқа тоифадаги шахслар билан суҳбат қилган³.

Бухоро маданий ҳаётида ўзининг сермаҳсул ижоди билан из қолдирган серқирра олим, тарихчи, шоир, нотик, табобат дарсгўйи, географ ва ўз даврининг машҳур маърифатпарвари Қори Раҳматуллоҳ бин Ашур Муҳаммад Бухорий (Возех) 1886–1887 йилларда Шимолий Эрон, Кавказ, Қора денгиз, Ўрта Ер денгизи ва Қизил денгизга саёҳат қилган. Сафар таассуротлари натижасида, 1887 йилда “Савониҳ ал-масолик ва фаросих ал-мамалик” ёки “Ғароиб ал-хабар фи ажоиб ал-сафар”⁴ номли асарини ёзган.

Мазкур саёҳатнома тарихий-географик асар сифатида XIX аср иккинчи яримидаги жаҳон тарихини тадқиқ этишда муҳим манба саналади. Муаллиф саёҳати давомида кўрган Қоракўл, Чоржўй, Марв, Ашхабод, Боку, Тифлис, Батумий, Бағдод, Кирмоншоҳ, Техрон, Машҳад

¹ Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ал-таворих. – Б.515.

² Ўша жойда. – Б.514, 562, 605.

³ Ўша жойда. – Б.584.

⁴ Қори Раҳматуллоҳ Возех. Ғароиб ал-хабар фи ажоиб ал-сафар. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма рақами: №110.

ва бошқа шаҳарларнинг харитаси, табиати, аҳолиси ва урф-одатлари тўғрисида қизиқарли маълумотларни баён қилади. Жумладан, мазкур шаҳарларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ҳамда шаҳарсозликдаги янги бунёд этилган бино ва саройларни Бухоро шаҳри архитектураси билан қиёслаб, шарҳлаб беради.

Масалан, Маккаи мукаррама шаҳридаги Масжидул ҳарамга бориб, у ердаги қурилиш ва бино архитектурасини Бухородаги масжиди калон билан қиёслайди ҳамда икки масжиднинг киришидаги меъзана, яъни азон айтиш учун мўлжалланган жойнинг ўзаро ўхшашлигини таъкидлайди¹.

Шунингдек, Возеҳ ўз асарига қайд этишича, қайси шаҳарга кирмасин, у ердаги халқ билан мулоқотга киришиб, атроф-муҳит, бозор ва дўконлари ҳақида қизиқарли маълумотларни тўплашга интиланган².

Яна шундай сафарномалардан бири 1877 йил 23 октябрда Бухоро шаҳрида туғилган Мирзо Сирожиддин қаламига мансубдир. Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил олиб, қўшимча равишда араб, форс, рус, француз ва немис тилларини ўрганган, Бухоронинг маърифатпарвар кишиларидан сабоқ олган, пахта савдоси билан шуғулланган.

Мирзо Сирожиддин ҳаёти давомида уч маротаба саёҳатга борган. 28 ёшида яъни 1902 йил 5 июнда илк бор Европани кўриш мақсадида Каспий денгизи орқали Кавказга бориб, у ердан Усманийлар империясига ташриф буюради. Сўнг Қора денгиз орқали Булғор князлигининг София шаҳрига бориб, кейин Сербия қироллиги пойтахти Белград шаҳрига, у ердан Будапешт ва

¹ Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ. Ғароиб ал-хабар фи ажоиб ал-сафар. ЎзР ФА III. Қўлёзма рақами: №110. – Б.74–75.

² Ўша жойда. – Б.88–89.

Австрия–Венгрия ҳудудларига ўтиб, дастлаб Вена, сўнг Германиянинг Берлин шаҳарларини зиёрат қилади. Саёҳатини Франциянинг Париж ва Британиянинг Лондон шаҳрида давом эттиради. Сафардан қайтиш йўлида Польша қироллигининг пойтахти Варшава ва Россия империясининг пойтахти Москва шаҳарларини бориб кўради. 1903 йил январ ойида Бухорога қайтиб келади. Мазкур саёҳати унинг дунёқарашини ўзгаришига ва келажакдаги касбига ҳам таъсир қилади.

Москвадан Бухорога қайтгандан сўнг¹, 1903 йил февралда Мирзо Сироҷиддин иккинчи узоқ муддатли сафарга йўл олади. Бу сафар у жануб томонга йўл олиб, Марв орқали Хуросон, Машҳад, Нишопур, Тус шаҳарларига боради. 1903 йилда Эрондаги машҳур Техрон тиббиёт коллежи (ҳозирда Техрон тиббиёт университети)га ўқишга киради. Уни тамомлаб, коллежда ўқитувчилик ва Мозандарон шаҳар касалхоналарининг бирида шифокорлик фаолиятини олиб боради. Тез орада, Эронда “доктор Мирхон” номи билан машҳур бўлади.

Афғонистон ҳудудида асоссиз сабаблар билан 3 ой маҳбусликда бўлиб, озод этилгач, тақдир тақозоси билан маълум муддат табиблик билан шуғулланади. Афғонистон амири Ҳабибуллахоннинг таклифи билан доктор Собир номи билан фаолият юритиб, шухрат қозонади.

1905 йил июнида Амударё орқали Термиз, Қарши шаҳарларидан она юрти Бухорога қайтиб келади. Тез орада Европага сафар қилади ва тиббий билимларини бойитиш мақсадида Швейцариянинг Бёрн университети Тиббиёт факультетига ўқишга кириб, тиббиёт сирларини ўзлаштиради. Университетни тамомлаб, 1909 йил-

¹ Мирзо Сироҷиддин Бухорий. Тухафи аҳли Бухоро. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №2142. – Б.61–61 орқа варағи.

да Бухорога қайтиб келади ва у ерда европача шифоҳона очиб, халқ хизматига киришади¹.

Мирзо Сирожиддин узоқ йиллик сафарлари давомида кўрганлари ва хотираларини “Тухафи аҳли Бухоро” (“Бухоро аҳлининг тухфалари”)² номли асариде ёзиб қолдирган. 1910 йилда муаллиф асарни қўлёзма нусхасини ёзиб тугатган ва 1912 йилда эса Когон босмаҳонасида тошбосма нусхада нашр этилган³.

Асардаги дастлабки маълумотлар XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги, Фарғона, Туркистон, Тошкент, Самарқанд, Авлиёота ва бошқа шаҳарларга оид бўлиб, муаллиф савдогар сифатида у ердаги ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётни ёритишга алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, Фарғона шаҳри таърифида тўхталганда у ердаги аксарият банк, фабрика ва компаниялар рус ва яҳудий тадбиркорлар тасарруфида эканлигини қайд қилади.

Шунингдек, Самарқанддаги машҳур тарихий қадамжолар ва Амир Темур давридаги меъморий обидалар ва бинолар таърифини ёзиб қолдирган, Тошкент шаҳрининг янги шаҳар қисмида қурилган бинолар ва меҳмонхоналар, Авлиёотадаги кутубхона ва касалхоналар тўғрисида ҳам маълумотлар берган.

Муаллиф асарининг энг қизиқарли жиҳати – унда сафар давомида кўзи билан кўрган Европа, Россия, Туркия ва Афғонистон каби давлатларнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти таърифларида мужассамлашган. Унда Афғонистондаги ҳукумат бошқаруви, мансабларнинг

¹ <https://ru.wikipedia.org>

² Мирзо Сирожиддин Бухорий. Тухафи аҳли Бухоро. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №2142.

³ Мирзо Сирожиддин Бухорий. Тухафи аҳли Бухоро. 1911, ЎзР ФА ШИ. тошбосма / Инв. №9070.

турлари, уларнинг номлари, хусусиятлари ҳақида, ҳарбий тузилмалар, уларнинг шакли ва кўринишлари ҳақида маълумотлар берилган.

Муаллиф Европанинг шаҳарларидаги ўзи бориб кўрган театр ва музейлар, Франция, Германия ва Англиядаги таълим, ижтимоий ҳаётнинг тараққиёти, бинокорлик, кутубхоналар, одамларининг кийиниш маданияти ва кундалик ҳаёти ҳақида батафсил тўхталган. Венада Австрия шаҳзодасиникида меҳмон бўлиб, шаҳарда 21 кун бўлгач, Олмония (Германия)га борган ва Берлиндаги меҳмонхона, кутубхоналар, шаҳар озодалиги, боғлари, темир йўл қурилишидаги ютуқлари, ҳарбий салоҳияти, бой турмуш тарзини кўриб, Россия ва Туркия билан қиёслаганда сезиларли даражада юқори эканлигини таъкидлаган.

Европа аҳолисининг ижтимоий ҳаётини ёритишда шаҳар тозалиги, тиббиёт соҳасидаги ютуқларга алоҳида эътибор қаратган. Германия касалхона (маризхона)лари хушҳаво маскан, ихтисослашган биноларда жойлашгани ва санитар ҳолатига ижобий баҳо бериб, у ерларда даволанаётган беморлар доктор ва уларнинг муолажаларисиз ҳам 10 кун ичида тузалиб кетади, деб ёзади¹.

Германиядан кейин Франциянинг Париж шаҳрига бориб, бир hafta давомидида у ердаги минора ва музейлар, кутубхоналар, уларда сақланаётган нодир китоб ва бебаҳо осори атиқалар билан танишган. Ўз сафарнома-сида давлат кутубхоналаридаги минглаб турли мавзу ва тиллардаги асарларга ҳам алоҳида тўхтаб ўтган. Франциядаги Хотел Дебу номли касалхонага таъриф бериб,

¹ ЎзР ФА ШИ. Мирзо Сирожиддин Бухорий. Туҳафи аҳли Бухоро. 1911, тошбосма / Инв. №9070. – Б.37–42.

у ердаги моҳир ва машҳур врачларнинг фаолиятини зикр этиб, умумий ҳисобда Францияда ўша даврда 40 мингдан зиёд кучли малакали мутахассислар турли касалхоналарда фаолият юритганлиги тўғрисида маълумотлар келтиради¹.

Европа давлатлари бўйлаб сафар якунида Англиянинг Лондон шаҳрига бориб, барча соҳалардаги ютуқлар, жумладан, савдо, ишлаб чиқариш, шаҳар иқтисодиётига алоҳида эътибор қаратар экан, бу ердаги турли ижтимоий-маърифий масканлар, касалхоналар ва ердаги кўп-лаб шифокорларни фаолиятини ёритиб берган².

Афғонистонга саёҳати баёнида Мирзо Сирожиддин Бухоро билан ўзаро алоқалари, қорақўл қўйларининг Афғонистон ва Россияга экспорт қилиниши ҳақида батафсил маълумотлар беради. Шунингдек, Афғонистондаги ҳукумат бошқаруви, мансабларнинг турлари, уларнинг номлари, вазифалари ҳақида, ҳарбий тузилмалар, уларнинг шакли ва кўринишлари ҳақида маълумотлар келтирган³.

Эроннинг машҳур шаҳарларидан ўтиб, Ҳиндистонга саёҳат қилиб, у ерда Бандар Бушаҳр, Бамбей, Ҳайдаробод, Деҳли, Шохжаҳон ва Янги Деҳли шаҳарларига бориб, у ердан яна Эронга қайтгандан сўнг⁴, Симнон, Домгон, Сорий, Мозандарон, Астробод шаҳарларида бўлган. Хусусан, муаллиф Мозандаронда икки йил табобат билан шуғулланиб, у ерда машҳур бўлиб кетгани, Астрободда бир йил табобат билан шуғуллангани ҳақидаги маълумотлар катта қизиқиш уйғотади⁵. Мирзо Сиро-

¹ ЎзР ФА ШИ. Мирзо Сирожиддин Бухорий. Туҳафи аҳли Бухоро. 1911, тошбосма / Инв. №9070. – Б.42–47.

² Ўша жойда. – Б.49–52.

³ Ўша жойда. – Б.93–94.

⁴ Ўша жойда. – Б.147–157.

⁵ Ўша жойда. – Б.184–186.

жиддиннинг саёҳатномаси нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ ва Ғарб мамлакатлари тарихига оид маълумотларга бойлиги билан, ўша давр жаҳон тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Тадқиқ этилаётган даврда Фарғона водийсида саёҳатнома жанрида ижод қилган адиб Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимийнинг “Саёҳатнома” асари унинг 1887 йилда бошланган ички саёҳати таассуротларига бағишланади. У ўз сафарини Тошкентдан бошлаб, бу ердаги маданий ва адабий ҳаёт билан танишгач, турли шаҳар ва қишлоқларга қилган саёҳатлари таассуротлари ёзилган “Саёҳатнома” асарида Кўқондан Исфарага, Шохимардон ва Фарғонага амалга оширган сафарлари асосида халқ турмуши, қишлоқларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини тасвирлаб беради.

Муқимийнинг “Саёҳатнома”си таъсирида кўқонлик шоир Завқий ҳам (Убайдуллоҳ Солиҳ ўғли Завқий) ўзбек қишлоқларининг аҳволи, деҳқонлар ҳаётини ўрганиш мақсадида Хўжанд, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Ўш, Андижон ва Марғилон шаҳарларида бўлиб, кўрган таассуротлари асосида “Янги Кўрғон қишлоғи”, “Сув жанжали”, “Шохимардон саёҳати” каби асарларни ёзиб қолдиради¹.

Саёҳатнома жанрида асар ёзган яна бир маърифатпарвар шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1889 йилда Тошкентда, 1891 йилда эса Самарқандда бўлади, у ердан Бухорога ўтади. Ўша йилнинг июл ойи охирларида чет эл саёҳатига чиқиб, Марв, Ашхобод, Боку, Ботуми орқали ноябр ойида Истанбулга, у ердан эса Болгария ва Юнонистонга қисқа муддатли саёҳат уюштиради. Шунингдек, Болқон ярим оролининг қатор шаҳарлари-

¹ Абдуғафуров А. Завқий / Маънавият юлдузлари. Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар. Масъул муҳаррир М. Хайруллаев. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – Б.348–351.

да бўлади. Шу тариқа адибнинг дунё шаҳарлари бўйлаб саёҳатлари бошланади. Афсуски, унинг хорижий мамлакатларга саёҳати давомида ёзилган “Саёҳатнома” асари ҳанузгача топилмаган¹.

Бу даврда ҳажнома йўналишида яратилган асарлардан бири Мирзо Олим Маҳдум ибн Домулло Мирзо Раҳим Тошкандийнинг “Дар баёни роҳи ҳаж”² (“Ҳаж йўли баёни”) асари бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошлари Ўрта Осиё зиёратчиларининг ҳаж йўллари урганишда ўзининг қимматли маълумотлари билан алоҳида аҳамият касб этади.

Мирзо Олим Маҳдум ҳожи Тошкандий узоқ йиллар давомида “Туркистон вилоятининг газети”да муҳаррирлик қилган³, XIX–XX аср бошлари Ўрта Осиё хонликлари ҳақида қимматли маълумотларни берувчи “Тарихи Туркистон”, “Ҳидоят ал-мўъминин” каби асарларни ҳам яратган.

1888 йилда Қўқон шаҳридан ҳаж сафарига бўлиб қайтгач, яратилган ушбу асари икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм ҳаж йўлларига бағишланган, кейинги қисм эса ҳаж ибодатига оид масалалар, тартиб-қоидалар ҳамда Каъба ва унинг атрофидаги муҳим масканларни зиёрат қилиш одоблари, ўқиладиган дуоларни ўз ичига олган. Асарда ҳаж йўлларидаги шаҳарлар, мавзе ва зиёратгоҳлар кетма-кетликда санаб ўтилган⁴.

¹ Абдуғафуров А. Фурқат / Маънавият юлдузлари. Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар. Масъул муҳаррир М. Хайруллаев. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – Б.343–347.

² Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Дар баёни роҳи ҳаж. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №9373/III.

³ Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б.38.

⁴ Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Дар баёни роҳи ҳаж. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №9373/III. – Б.155а.

Мирза Олим Махдум Туркистондан Макка шаҳригача бўлган йўлни аввал 1880–1885 йилларда қуриб битказилган Ашхобод темир йўли орқали босиб ўтиб, Марв, Ашхобод, Боку, Тибилиси, Батуми, Истанбул каби шаҳарларни кўради. Ўз асарида бу шаҳарларнинг чиройи, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, тарихи ҳақида қисқа бўлса-да, маълумотлар келтириб ўтади. Жумладан, муаллиф Истанбул шаҳрини соҳилларига бир кунда юз кема кириб, чиқадиган гавжум шаҳар сифатида таърифлайди. Истанбулдаги маҳобатли кўприк ҳақида ёзар экан, уни қуйидагича таърифлайди: “Истанбулда бир кўприк бор экан узуну бир минг қадам, энидан уч араба юрур экан. Ушбу кўприкдан ҳар куни олти юз тилло даромад бўлур экан. Арабадан бир танга, отликдан ярим танга, пиёдадан олти пул олур экан”¹.

Шунингдек, асарда шаҳарларни халқ оғзаки ижодида учрайдиган қаҳрамонлар, машҳур саркардаларга нисбат берилиб тавсифлаб ўтилган. Хусусан, Ашхобод шаҳрини Рустам дostonнинг шаҳри, Боку шаҳрини Малика Билқиснинг шаҳри, Тибилиси шаҳрини Гўрўгли султоннинг шаҳри, Батуми шаҳрини Абу Муслимнинг шаҳри, Трабзон шаҳрини эса Искандарнинг шаҳри сифатида таърифлайди².

Шунингдек, Мирзо Олим Махдум ҳожи сафари давомида йўл-йўлакай бир қанча муҳим зиёратгоҳларни ҳам зиёрат қилиб ўтган³. Хусусан, Самарқандда Шоҳи Зинда, Гўри Амир мақбарасини, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Миркулолнинг мақбараларини, Миср-

¹ Мирзо Олим Махдум ҳожи. Дар баёни роҳи ҳаж. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №9373/III. – Б.157 а-б.

² Ўша манба. – Б.156–157.

³ Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг Хўжанд шаҳридаги рамзий қабри.

да Ҳазрат Алининг қизлари Зайнаб, Имом Ҳусайн, Имом Шофеъийларнинг мақбараларини, Жидда шаҳрида эса Момо Ҳавонинг қабрини зиёрат қилган¹.

Мирзо Раҳим Тошкандийнинг 1888 йилда Маккага қилган зиёрат сафари баёнига бағишланган “Ҳаж саёҳати кундалиги”²да жамиятда содир бўлаётган фан-техника янгиликларига кучли қизиқиш, тараққиётга интилиш кайфияти яққол сезилиб турар эди.

Фарғона водийси тараққийпарвари Исҳоқхон Ибрат ҳам Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилиб, сафари давомида Истанбул, София, Афина, Рим каби Европанинг марказий шаҳарларида, Қобул, Арабистоннинг Жидда шаҳрида яшайди. У 1892–1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарларидан Бомбей ва Калькуттада яшаб, араб, форс, ҳинд–урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганади. Бағдод, Истанбул, Афина шаҳарларида бўлиб, Юнонистон орқали Италияга ўтади. Миср, Бирма, Хитойда бўлиб, 1895 йилда Қашқар орқали Тўрақўрғонга қайтади. Чет элларда у Шарқ ва Ғарб халқлари ҳаёти, маданияти ва санъатини қиёслаш имконига эга бўлади жуда кўп тиллар ва ёзувларни ўрганади. Европа усулидаги шаҳарлар, улардаги маданий ҳаёт ва техника янгиликлари билан танишади, замонавий фан ютуқларини эгаллаш учун Ғарб тилларини билиш зарур эканлигини яхши англайди. Сафар таассуротлари унинг тарихий, бадий ва публицистик асарларида ўз аксини топди.

XIX асрда Ўрта Осиё шаҳарларидан ҳажга йўл олган муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилган асарларда ўзга юрт, ўзга халқлар ҳаёти, урф-одатлари, саноат,

¹ Мирзо Олим Махдум ҳожи. Дар баёни роҳи ҳаж. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №9373/III. – Б.155–158.

² ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №9379/IV.

ишлаб чиқариш ва кундалик турмуш тарзидаги ўзгаришлар, техника, маданият янгиликлари баёни асосий эътибор марказида бўлганлиги боис, сафарнома, ҳажнома ва саёхатномалар нафақат уларнинг муаллифлари бўлмиш маҳаллий зиёлилар, балки ушбу асарлардан баҳраманд бўлган кишилар учун ҳам катта янгилик бўлиб, мамлакатда ислохотчилик ва маърифатпарварлик ғояларининг ривожланишига туртки бўлди.

II БЎЛИМ

**РУС
ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ
АСАРЛАРИ**

I БОБ

МАХСУС ТАДҚИҚОТЛАР

1-§. Дипломатик миссиялар материаллари

Россия тарихшунослигида хонликлар ҳақидаги илк маълумотлар XVIII асрнинг сўнгги чораги – XIX асрнинг биринчи ярмида минтақага юборилган элчилар ва дипломатик миссиялар фаолияти жараёнида тўплана бошланди. Зеро, минтақага нисбатан Россия императори Петр I даврида бошланган ва амалга ошмай қолган стратегик мақсадлар империянинг ташқи сиёсатида ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаган эди.

XVI асрдан бошлаб Бухоро, Хива ва кейинчалик Қўқон хонликларининг Россия империяси билан фаоллашиб борган савдо алоқалари ҳар икки томон учун манфаатли бўлиб, турли йўналишлардаги карвон йўллари орқали йўлга қўйилган эди. Савдо карвонлари асосан хонликларга тегишли бўлиб, рус ҳукумати томонидан катта имтиёзлар билан қўллаб-қувватлаб турилган. Зеро, империя марказидан анча узоқда бўлган, транспорт тизими йўлга қўйилмаган Сибирь, Урал ҳамда Волга бўйларидаги бепоён ҳудудлар аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кийим-кечаклар билан таъминлашда хонликлардан борган савдо карвонлари жуда катта ўрин тутар эди¹. Шу боис, рус императорлари томонидан ўзбек савдогарлари учун қатор имтиёзлар ва савдо

¹ Зиёев Х. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга ва Урал бўйлари орқали Россия билан иқтисодий алоқалари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). 2-жилд. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – Б.500.

ҳуқуқлари берилиб, савдо алоқалари учун имкон қадар қулайликлар яратилган эди¹.

Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари Россия билан икки томонлама тенг савдо-дипломатик муносабатларини давом эттириш ва имкон қадар кенгайтириш мақсадида элчилик муносабатларини йўлга қўйишга ҳаракат қилиб келганлар². Хусусан, 1815 ва 1819 йилларда Бухоро амири Ҳайдархон Россия империяси пойтахти Петербургда ўз элчиси девонбеги Азимжон Мўминжоновни жўнатиб, ўзаро савдо алоқалари бўйича шартнома тузишни таклиф қилганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

XVIII асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб хонликларга юборилган рус вакиллари ўзаро муносабатлар ва савдо алоқаларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш билан бирга, имкон қадар маълумотлар тўплашга йўналтирила бошланди.

1800 йилда Тошкент ҳокими Юнусхўжанинг атроф тоғ бағридаги маъданлари ўрганиш ва қазиб олиш ишларини йўлга қўйиш мақсадида Россиядан мутахассис юбориш ҳақидаги мурожаатига асосан ташриф буюрган тоғ-кон мутахассислари М. Поспелов ва Т. Бурнашевлар ташриф чоғида шаҳар ва унга олиб борувчи йўллар ҳақида илк бор анча батафсил маълумотлар тўплаб, чоп этдилар³. Унда шаҳар атрофидаги минерология захиралари, шаҳар тузилиши, деворлари, дарвозалари, унинг атрофидаги қишлоқлар, Чимкент, Туркистон шаҳарлари, Тошкент шаҳри, ундаги бошқарув тартиблари, боғлар, кўчалар, уйлар, бозорлар, масжидлар, со-

¹ Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Сибир орқали Россия билан алоқаларига доир архив ҳужжатларининг тўплами (XVI–XX аср бошлари). 5-жилд. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – Б.508.

² Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Сибир орқали Россия билан элчилик ва савдо алоқалари. 3-жилд. – Т.: Янги аср авлоди, 2012. – Б.500.

³ Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент в 1800 году // Вестник Русского географического общества, Ч.1. Отд.VI, 1851. – С.1–43.

лиқ тизими, ҳарбий қўшинлари, аҳоли машғулоти, чорвачилик, деҳқончилиги ҳақида анча батафсил маълумотлар ўрин олган эди.

Шу тариқа, Россия империяси томонидан жўнатилган вакиллар хонликлар ҳақида имкон қадар маълумотлар тўплаб борганлар.

Қўқон хонлигидан Сибирга юборилган элчиларнинг Петропавловскда вафот этиши муносабати билан бу кўнгилсиз воқеани тушунтириш мақсадида Ғарбий Сибирь генерал-губернатори Г.И. Глазенап топшириғи билан 1813 йилда Қўқонга жўнатилган Филипп Назаров туркий тиллардан яхши хабардор бўлиб, ўз вақтида таржимонлик ҳам қилган. Филипп Назаров 100 туялик карвон ва казак отряди билан вафот этган элчиларнинг ҳамроҳлари ҳамда уларнинг карвонлар билан Омскдан йўлга чиқиб, Петропавловск, Туркистон ва Чимкент орқали Тошкентга келади.

Тошкент маъмурияти Ф. Назаровни Қўқонга – хон ҳузурига жўнатди. Бу ерда Ф. Назаров Қўқон хони томонидан элчилик қоидалари бўйича қабул қилинади. Ф. Назаров Қўқон хонига рус императорининг ёрлиғи ва совғаларини топширгач, унга Қўқонда эркин, лекин назорат остида юриш учун рухсат берилади. У Фарғона водийсида бир йилга яқин муддатда яшаб, бир қанча шаҳарларни кезган ва Қўқон хонлиги ҳақида анча маълумотлар тўплашга муваффақ бўлган. 1814 йилда Тошкент орқали Сибирга қайтган Ф. Назаров ўз кўрган-кечирганлари ва таассуротлари асосида кичик асар нашр қилди¹.

Асарда Ф. Назаров Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон, Хитой, Хива ва Бухоро хонликлари, Эрон билан савдо алоқалари, бошқарув тизими, маҳаллий аҳоли-

¹ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней части Азии Ф. Назарова. – СПб., 1821.

нинг ҳаёти ва урф-одатлари, хусусан, совчилик, дафн маросимлари, халқ ўйинлари, мусиқага эътибори каби масалаларга оид маълумотлар келтиради.

1828–1829 йилларда Қўқон хонлигидан Россияга ташриф буюрган элчиларни ўз ватанига кузатиб бориш учун Н.И. Потанин бошчилигида ҳарбий отряд уларга ҳамроҳ қилиб белгиланади. Н.И. Потанинга Қўқон элчиларини кузатиб бориш билан бирга босиб ўтилган ва кўрган жойларининг харитасини чизиш вазифаси топширилади. Н.И. Потанин Қўқон элчилари билан аввал Чимкентда, кейин эса Тошкентда кутиб олиниб, Қўқонга жўнатилади. Қўқонда уни чет мамлакат элчилари билан шуғулланувчи махсус мансабдор – шиғовул кутиб олиб, Қўқон хони томонидан қабул маросимини уюштиради. Н.И. Потанин Қўқон хони Мадалихонга рус императорининг ёрлиғи ва совғаларини топширади ҳамда хон томонидан катта совғалар билан сийланади. 1830 йилда унинг отряди Қўқондан Тошкентга ва бу ердан ўз ватанига қайтадилар.

Н.И. Потаниннинг ўз кузатувлари асосида чоп этилган асари Қўқон хонлиги ҳақидаги маълумотларни янада бойитди. Унда Тошкент ва Қўқон шаҳарларида боғдорчилик, полизчилик, деҳқончилик ривожланганлиги, Қўқонда ипакчилик ва тўқимачилик яхши йўлга қўйилганлиги, Россия, Хитой, Қошғар, Қозоқ ерлари, Бухоро ва Хива хонлиги билан савдо-сотиқ муносабатлари, ички ва ташқи савдо, бозорлар ҳолати ёритилади. Хусусан, Қўқонда мавжуд бозорнинг олти саройидан иккитасида маҳаллий, қолган тўрттасида эса чет мамлакатлардан келган савдогарлар савдо қилиши, Тошкентдаги бешта саройли бозорда ҳам чет эл савдогарлари кўплиги қайд этилади. Шунингдек, асарда Қўқон хонлигидаги бошқарув, шаҳарлар ва уларнинг аҳоли-

си, солиқ сиёсати, суд тизими ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади¹.

XX аср бошида минтақа ҳудудига Англиянинг эътибори кучайиши ва Ост-Индия компанияси томонидан Бухорога Мир Иззатулоҳ, У. Муркрофт, Ж. Требек каби вакилларнинг юборилиши рус ҳукуматини анча хавотирга солиб қўйди. Минтақада савдо муносабатларини ва ўз таъсирини кенгайтириш, рус савдогарлари учун имкон қадар кўпроқ имтиёзлар ва имкониятларга эга бўлиш мақсадида Россия империяси ҳам хонликларга ва уларга қўшни ҳудудларга ўз элчиларини юборишга жиддий эътибор қарата бошлади.

Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда 1820 йилда Бухоро амирлигига А.Ф. Негри (1784–1854) бошчилигидаги дипломатик миссия жўнатилган. Бу ташрифга анча жиддий тайёргарлик қўрилган бўлиб, унинг таркибига Бош штаб офицери, рус, немис, француз тиллари билимдони, полковник Е.К. Мейендорф, таниқли палеонтолог ва эмбриолог Х.Г. Пандер (1794–1866), тиббиёт доктори, кейинчалик ботаника ва зоология бўйича профессор, табиатшунос Э.А. Эверсман (1794–1860), топографлар (Вальховский ва Тимофеев), таржимон (П. Яковлев), руҳоний Будрин киритилган эди.

Элчилик миссиясининг асосий мақсади Бухоро билан ўзаро савдо алоқаларини кенгайтириш, минтақада келажакда империя мавқеини кучайтириш мақсадида хонликларнинг ўзаро муносабатларини ҳамда Эрон, Афғонистон, Усманийлар давлати, шимолий Ҳиндистон билан алоқаларини, Амударё ва Сирдарё бўйлаб юк ташиш имкониятларини ўрганиш ҳамда маҳаллий табиий ресурслар ҳақида кенг маълумотлар тўплаш вазифаларидан иборат эди.

¹ Потанин Н.И. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1830 годы) // Вестник РГО. 1856. Ч.18. – С.254–289.

Хусусан, Г. Мейендорфга сув ва куруқликдаги йўл маршрутларини ўрганиш ҳамда хариталаштириш, рус истеҳкомлари учун қулай жойларни белгилаш, бутун тафсилотларни ўзида мужассам этган хариталар тузиш вазифаси топширилган эди.

Бухоро амирининг қабулида элчилар ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш ҳамда карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳар икки томонлама келишувга эришдилар. Миссия фаолияти натижа-сида унинг иштирокчилари томонидан Бухоро ҳақида анча маълумотлар тўпланди. Бу маълумотлар асосида ҳамда элчилик фаолияти ҳақида рус даврий нашрлари (“Сибирский вестник”, “Отечественные записки”, “Исторический, статистический и географический журнал”, “Вестник Европы”)да чоп этилган қатор мақолалар¹ катта қизиқиш билан кутиб олинди.

¹ Известия о возвращении Императорской российской миссии в 1820 году из Бухарии // Сибирский вестник, 1821. Ч.15. – С.52–54; Вести от русских из Бухары (Выписка из партикулярного письма) // Вестник Европы, Т.СХVII, №7–8, 1821. – С.257–270; Новое путешествие россиян в Бухарию по делам торговли касающимся // Исторический статистический и географический журнал, 1821. Ч.2. №5. – С.138–140; Мейендорф Г. Краткое начертание путешествия Российского посольства из Оренбурга в Бухару в 1820 году. // Северный архив. 1822. №2. – С.184–193; О путешествии Г. Мейендорфа в Бухарию // Северный архив, ч.22. 1825. – С.395–401; ч.23, 1826. – С.161–162; ч.24. – С.72–85; ч.25. – С.178–194; Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1826 г. Изд. бароном Мейендорфом // Русский инвалид, 1827. №45, 47, 48; Мейендорф Г. Статистический взгляд на Бухарию. (Из книги “Путешествие в Бухарию полковника барона Мейендорфа”). Перевод с франц. А. Каменский // Северный архив, 1826. Ч.23. – С.161–162; Мейендорф Г. Нравственное состояние Бухарин (Из книги “Путешествие в Бухарию”) Пер. А. Каменский // Северный архив, 1826. ч.24. – С.72–85; ч.25. – С.178–194; Мейендорф Г. Некоторые сведения о Бухарии. (Получены из достоверных источников) // Отечественные записки, 1821. ч.6. Кн.XII. – С.40–49; Кн.XVI. – С.295–318; кн.XVII. – С.202–212; Яковлев П. Замечания на статью под названием. “Некоторые сведения о Бухарии” напечатанную в Отечественных записках в 1821 г. // Сибирский вестник, 1824. ч.2. – С.49–56; Яковлев П. Въезд в город Бухару Российской императорской миссии в 1820 году (20 декабря 1820 г.) // Сибирский вестник, 1822. Ч.19. – С.47–52;

1823 йилда Берлинда немис тилида Э. Эверсманнинг Оренбургдан Бухорога саёҳат номли асари (“Путешествие из Оренбурга в Бухару”) чоп этилди¹. Асардан Бухоро амирлигининг табиий-географик шароити, иқтисоди, ўсимлик дунёси, бу ерда яшовчи аҳолининг урф-одатлари, савдо ва диний муассасалари, шаҳар архитектураси ва тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар ўрин олган эди. Шунингдек, асарда Бухоро шаҳри ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилган бўлиб, шаҳарнинг сатҳи, деворлари, кўчалари, уйлари, амир саройи – арк, бошқа саройлари, регистон, мадрасалар, карвон саройлари, бозорлар, қуллар бозори ва қимматбаҳо буюмлар бозорлари, шаҳар аҳолисининг таркиби, тили, ҳайвонот дунёси, иқлими, у ердаги касалликлар, табиблари ҳақида баён қилинган эди.

Э. Эверсман ўз асарида шунингдек, Бухоронинг Қўқон, Хива хонликлари ва Эрон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Тибет билан олиб борган савдо муносабатларига ҳам эътибор қаратган эди. Европа илмий жамоатчилиги ушбу асарни катта қизиқиш билан кутиб олган ва “Бухорони илмий асосда ўрганишдаги илк уриниш сифатида” баҳолаган. Рус матбуотида ҳам бу ҳақда маълумотлар бериб борилган².

Яковлев П. Русский капрал Топчи-баши у бухарского хана // Отечественные записки, 1822. ч.11. кн.ХІХ. – С.366–369; Мейендорф Г. О бухарской торговле (Из путешествия в Бухарию барона Г. Мейендорфа в 1820 г.) // “Журнал мануфактуры и торговли”, 1832. №6. – С.83–106 ва бошқалар. Бу ҳақда қаранг: Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Материалы к истории изучения Средней Азии. Ч.1. 1715–1856 гг. Составитель кандидат историч. наук О.В. Маслова. – Т., 1955. – С.35–36.

¹ Eversmann E. Reise von Orenburg nach Buchara. Nebst einem Wortverzeichniss aus der afghanischen Sprache, begleitet von einem naturhistorischen Anhang und einer Vorrede von Lichtenstein N. – Berlin, 1823. – S.150+40.

² Эверсман Э. Письмо доктора Эверсмана, находившегося при Российской миссии в Бухарию, полученное 1 марта 1821 года в С.-Петербурге //

Элчилик миссияси иштирокчилари томонидан “Тарихи Муқимхоний” номли шарқ қўлёзмасининг олиб кетилиши ва унинг О.И. Сенковский томонидан француз тилида нашр этилиши европаликлар учун Бухоро ҳақида муҳим тарихий маълумотларни етказишда катта аҳамиятга эга бўлди¹.

Мазкур миссияда руҳоний сифатида иштирок қилган Будрин томонидан сафар чоғида ўз кундалигида қайд этиб борган маълумотлари асосида кейинчалик чоп этган қайдномаларида Оренбургдан Бухорогача ва Бухородан Оренбурггача бўлган масофа қисқача тасвирлангач, элчилик миссиясининг бухороликлар томонидан кутиб олиниши, биринчи аудиенция учун рус элчиси билан Бухоро амирининг вакили ўртасида олиб борилган музокаралар ва Бухорода миссиянинг қабул қилиниши ҳамда ундаги маросимлар, рус элчиси А.Ф. Негрининг Бухоро амири билан олиб борган музокаралари баён қилинади.

Асардаги рус миссиясининг бухороликлар томонидан зўр илтифот билан кутиб олинганлиги, 40 киши элчини қарши олиб, хон томонидан майиз, анор, қовун ва отлар учун ем-хашак ва буғдой ҳадя қилинганлиги, рус элчилигининг қабул қилиниши ва қабул қилиш маросимидаги тантаналар, алоҳида жойлар ажратилиб, уларга хизмат қилиб туриш учун махсус кишилар тайин қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар эътиборга лойиқ². Шунингдек, асарда Бухоро шахрининг маъмурий бўли-

Северный архив, 1822. – С.512–517; Отрывки из “Путешествия доктора Эверсмана, в Бухарию в 1820 и 1821 году”. Пер. с нем. В. Тилло // Новости литературы, 1824. ч.8. №15. – С.33–45; №16. – С.49–57; №17. – С.65–76; Бухарские лекаря (Из путешествия в Бухарию доктора Эверсмана) // Сибирский вестник, 1823. Ч.4. кн.20 и 21. – С.170–183.

¹ Этног В.В. История изучения Востока в Европе и в России. – СПб., 1911. – С.282; 2-е изд. 1925. – С.318.

² Будрин. Русские в Бухаре в 1820 году. (Записки очевидца). – Оренбург, 1871. – С.14–22.

ниши, аҳолиси ва унинг машғулоти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилди.

XIX асрнинг биринчи чорагида Бухорога амалга оширилган элчилик материаллари рус тарихшунослигида Бухоро амирлиги ҳақидаги тасаввурлар ва маълумотлар базасини анча кенгайтириб, янада тўлдирди. Шу ва яна бошқа маълумотларни умумлаштирган ҳолда Г. Спасскийнинг “Новейшее описание Великой Бухарии” номли тадқиқоти ҳам чоп этилади¹. Унда Бухоро амирлигининг географик тузилиши, бошқарув тизими ва мансаблари, аҳолиси, саноати, савдо алоқалари, оғирлик ўлчовининг турлари ва ишлаб чиқариш усуллари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар ўрин олган эди.

Юқорида қайд этилган асарларда Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларига алоҳида урғу берилган бўлиб, ўзаро савдо ва дипломатик муносабатлар, савдо йўлларининг ҳолати, Бухоро хонлигининг Эрон, Афғонистон, Шарқий Туркистон ва ҳатто, Хитойни рус моллари билан таъминлашдаги роли, Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги иқтисодий муносабатларининг ривожланиши асосида бу икки давлатнинг ўзаро дипломатик муносабатларининг ривожланиши тўғрисида жуда кўп қимматли маълумотлар берилган.

1822 йилда Е.К. Мейендорф томонидан “Северный архив” журналида мазкур элчилик ҳақида қисқача хабар чоп этилади². Шу хабар асосида 1826 йилда Парижда Мейендорф томонидан монография тайёрланиб, Франциядаги Шарқ тиллари мактаби директори, форс ва

¹ Г.С. (Спасский Г.И.). Новейшее описание Великой Бухары, составленное на основании сведений, большей частью на месте собранных // Азиатский вестник, 1825. кн.1. – С.3–15; кн.2. – С.75–80; кн.4. – С.231–240; кн.5. – С.304–311; кн.6. – С.374–380.

² Мейендорф Е.К. Краткое начертание путешествия Российского посольства из Оренбурга в Бухару в 1820 году // “Северный архив”, 1826, июль и август. №14 и 15. – С.224–225.

турк тиллари билимдони, қирол таржимони, шарқшунос Амед Жобер ёрдамида француз тилида чоп этилди¹.

Е.К. Мейендорф ушбу асарнинг иккинчи бўлимида Ўрта Осиёнинг табиати, иқлими, рельефи, сув ресурслари, шаҳарлари, қўшни давлатлар ва уларга олиб борувчи йўллар, хонлик пойтахти Бухорои шариф шаҳрининг тузилиши, аҳолиси ва унинг миллий таркиби, бу ердаги касб-хунарлар, қишлоқ хўжалиги машғулотлари ҳақида маълумотлар келтиради².

Шунингдек, Бухоро хонлигининг маъмурий тузилиши, мансаблар ва уларнинг функциялари, Қошғар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон билан савдо алоқаларига оид маълумотлар ҳам келтирилган. Асарда муаллифнинг шахсий кузатувлари билан бир қаторда суриштирувлар орқали аниқлаган маълумотлари, маҳаллий тарихчиларнинг асарлари ҳамда Ўрта Осиёга ўзидан аввал келган европалик саёхатчиларнинг сафарномаларидан кенг фойдаланганлигини кўриш мумкин. 1826 йилда Германияда асарнинг немис тилига таржимаси нашр этилди³. Асар Россияда ҳам, Европада ҳам жуда катта қизиқиш билан қабул қилиниб, унга такрирлар ҳам эълон қилинди⁴.

1819 йилда Кавказ армиясининг бош қўмондони

¹ Мейендорф Е.Г. Путешествие из Оренбурга в Бухару через степи, простирающиеся на восток от моря Аральского и древнего Яксарга, описанное Егором Мейендорфом, полковником Генерального штаба и просмотрено Амедем Жобером. – Париж, 1826. XII. – С.508; Моск. телеграф 1826. ч.Х. №15. – С.231–239. ч.ХI. №16. – С.48–62.

² Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Предисл. Н.А. Халфина. – М.: Главная редакция восточной литературы издательства "Наука", 1975.

³ Meyendorff E. Reise von Orenburg nach Bouchara im Jahre 1820 Baron E. de Meyendorff. Nach dem franz. original bearbeitet von C. HernjV. Scheider, Jena, 1826.

⁴ "Foreign Quartely Review", Vol.14, 1834. Julv. – P.58–92; Бу ҳақда қаранг: <http://www.vostlit.info/Texts/rus4/Meiendorf/primpred.htm#5>

А.П. Ермолов томонидан Хива хонлиги ва Каспий денгизининг шарқий қирғоғида яшовчи туркман қабилалари сардорлари билан музокаралар олиб бориш, мазкур ҳудудларда рус савдогарлари учун қулайликларга эришиш, ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш мақсадида майор Пономарев ва капитан Муравьев жўнатилади.

Каспий денгизининг шарқий қирғоқларида қалъа бандаргоҳ яратиш ва Хива хони билан савдо алоқаларини шу орқали йўлга қўйишга эришиш мақсадида ташриф буюрган ушбу миссия қисман ўз мақсадларига эришди, яъни туркман қабилалари билан келишиб олди. Хива хони эса савдо йўллари хавфсизлиги ва шарт-шароитини яхшилашга бажонидил рози бўлса-да, савдо йўлини буриш масаласида розилик бермади. Чунки бу ҳолат хонликни мазкур савдо йўлидан ундирадиган солиқ ва божлардан маҳрум қилар эди.

Хива хонлигига ташриф чоғида аниқланган маълумотлар асосида капитан Н. Муравьев томонидан махсус асар яратилиб, чоп этилди¹. Унинг ташриф чоғидаги шахсий кузатувлари ва туркман ҳамда хонликдаги рус асирларидан сўраб билиб олган маълумотлари асосида ёзилган ушбу асарнинг биринчи қисмида йўл тафсилотлари ҳамда туркман қабилаларининг бошлиқлари ва Хива хони билан олиб борилган музокаралар, туркман қабилаларининг ҳаёти ва уларнинг урф-одатлари ўз аксини топган.

Асарнинг иккинчи қисмида эса Хива хонлигининг чегаралари, табиати, тоғлари, фойдали қазилмалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, хонликда яшайдиган халқларнинг урф-одатлари, шаҳар ҳамда қишлоқлар, хон-

¹ Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 годах, гвардейского генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. Часть 1-2. – М., 1822.

ликнинг сиёсий тарихи, бошқарув тартиблари, ҳарбий кучлари, ташқи алоқалари, ички ва ташқи савдо муносабатлари, ҳунармандчиликка оид маълумотлар, учинчи қисмида эса чизмалар, расм ва хариталар ўрин олган эди.

1820 йилнинг биринчи ярмида ҳарбий отряд мудрофааси остида Бухорога юборилган савдо карвонининг бошлиғи Е. Кайдаловнинг хотираномаси¹ чоп этилди. Унда XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия ўртасида олиб борилган савдо ва дипломатик алоқаларнинг умумий ҳолати; ўзаро савдо маҳсулотларининг тури, ҳажми, нархлари дипломатик миссия ва элчиликларнинг юборилиш сабаблари, уларнинг олди-га қўйилган асосий вазифалар ва хулосалар ўз аксини топган эди.

1834 йилда Бухорога Оренбург ҳарбий губернатори томонидан жўнатилган П.Ч. Демизон расман элчи ҳисобланмаса-да, унга Бухоро бош вазири – қўшбегига расмий мактуб етказиш ва 25 банддан иборат махфий кўрсатма асосида иш юритиш топширилган эди. Оренбургдан Бухорога отланган карвонга қўшилиб олган ва ўзини мусулмон, татар мулласи сифатида кўрсатиб, Мирза Жаъфар деб таништирган П.Ч. Демезон шарқ тилларини жуда яхши билар, Қозонда шарқ тиллари бўйича таълим олиб, Оренбургда таржимон вазифасида ҳам ишлар эди.

Унга топширилган вазифалар аввалги расмий делегацияларга берилган топшириқларнинг узвий давоми бўлиб, имкон қадар маълумот тўплаш, рус савдогарларига қулайлик яратиш имкониятлари ҳамда Россия–Бухоро

¹ Кайдалов Е. Караван-записки, во время похода в Бухарию российского каравана, под воинским прикрытием, в 1824 и 1825 годах; веденные начальником одного каравана над купечеством, Евграфом Кайдаловым в 3 ч. – М.: Унив. тип., 1827–1828.

савдо алоқаларини ривожлантириш масалаларини ўрганишдан иборат эди. Бир ярим ойлик сафари давомида у ҳар бир қудуқ, буталар, дарахтзорлар, ариқ ва дарёлар, маҳаллий аҳоли ҳақида маълумот тўплаб боради. Бухорода 4 ой яшаш давомида қўшбеги (вазир) ва шайхулисом билан учрашиб, суҳбат қуради, мамлакатдаги савдо, ҳарбий кучлар, шаҳар ва унинг аҳолиси, нарх-наво, турар жойлар, мактаб, мадраса, масжидлар, бозорлар, ҳаммомлар, шаҳар инфратузилмалари ҳақида қизиқарли маълумотлар тўплайди ва 2 та ҳисобот тайёрлайди. Шу асосда унинг Бухоро хонлиги ҳақидаги асари юзага келади¹.

1835 йилда қозоқ даштларидан карвон орқали маҳфий кўрсатмалар билан Бухорога жўнатилган прапорщик В. Виткевич Бухорода жуда кўп маълумотлар тўплашга муваффақ бўлади². Хусусан, шаҳардаги карвонсаройлар, масжидлар, мадрасалар, шаҳар дарвозалари, ҳаммомлар, йўллар ҳақида маълумотлар беради. Айниқса, унинг инглиз айғоқчилари билан суҳбатлари, Британиянинг минтақага интилишлари ҳақидаги маълумотлари ўша даврда Россия ташқи сиёсати учун жуда муҳим аҳамиятга эга эди.

1841 йилда Бухорога К.Ф. Бутенев (1805–1869) бошчилигидаги элчилик миссияси жўнатилади. Мазкур миссия Бухоро амирининг илтимосига кўра, мамлакатда қимматли металларни аниқлаш ва имкон бўлса, уларни қазиб олиш масалаларида ёрдам бериши режалаштирилганлиги боис, унга Уралда олтин қазиб олиш

¹ Записки о Бухарском ханстве: отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича // [ответственный редактор, Н.А. Халфин]. – М., 1983.

² “Записка, составленная по рассказам Оренбургского линейного батальона №10 прапорщика Виткевича относительно пути его в Бухару и обратно” // Записки о Бухарском ханстве: отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича // [ответственный редактор, Н.А. Халфин]. – М., 1983.

бўйича етакчи мутахассис, тоғ инженерлари корпуси подполковниги К. Бутенев (1805–1869) раҳбар этиб тайинланди. Шунингдек, миссия таркибига шарқшунос Н. Ханыков, Н. Залесов, табиатшунос А. Леман, топограф Яковлев, ҳарбий шарқшунос Г. Богословский жалб этилган эди.

Ушбу миссияга ҳам рус савдогарлари учун қулай имкониятлар яратиш, бож тўловларини камайтириш, тутқунликдаги рус фуқароларини озод қилиш ҳамда дўстлик шартномасини имзолаш топширилган бўлиб, айти пайтда бир қанча банддан иборат махсус кўрсатмалар ҳам берилган эди¹. Бухоро амири Насруллоҳон 500 дан ортиқ ҳарбийлар ва тўплар билан ҳимояланган мазкур миссияга етарлича эҳтиром кўрсатса-да, шартнома имзоланмади.

Гарчи элчилик миссияси ўз олдига қўйилган бу топшириқларни бажариш бўйича бирор натижага эришолмаса-да, илмий жиҳатдан жуда самарали бўлди. 1843 йилда Н. Ханыков сафар натижалари ҳақида ташқи ишлар вазирлигига тайёрлаб, топширган ҳисоботи эса шу йилиёқ тегишли идоралар учун қўлланма сифатида китоб ҳолида нашр этилди². Бу китоб Ўрта Осиёга юриш қиладиган қўшиннинг зобит ва аскарларига тарқатиш учун Оренбург генерал-губернаторлигига жўнатилди.

Мазкур асар Бухоро хонлиги ҳақида атрофлича маълумот берувчи илк йирик тадқиқот эди. Унда мамлакатнинг чегаралари ва худуди, гидрографияси (сув тизими ва манбалари), иқлими, аҳолиси, топографияси, деҳқончилик ва савдо алоқалари, таълим ва бошқарув тизими батафсил ёритилган. Хонликдаги асосий шаҳарлар санаб ўтилган ва Бухоро, Самарқанд ва Қарши батафсил

¹ Залесов Н.Г. Очерк дипломатических сношений с Бухарой // "Военный сборник", 1862. №9.

² Описание Бухарского ханства, составленное Н. Ханыковым. – М., 1843.

таърифланган. Шаҳарлардаги ҳар бир йирик карвонсарой, қабристон, масжид мадраса, тимлар, бозорлар, ҳаммомлар тузилиши, жойлашуви таърифланган. Бухородан Самарқандга, Самарқанддан Қаршига олиб борувчи йўллар ўлчови, топографияси, йўлдаги қишлоқлар таърифланган. Бу асар ўзига яраша илмий тадқиқот сифатида баҳоланади, зеро, у имкон қадар аниқ фактлар асосида, изчил ёзилганлиги билан ажралиб турар ва тегишли мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилган эди¹.

Дарҳақиқат, Н. Ханьковнинг 1843 йилда Петербургда нашр этилган мазкур асарида Россия ва Бухоро савдо-савдо қатнайдиغان карвонларнинг Бухородан чиқиш ва Россиядан қайтиш вақтлари, савдо қилиш манзиллари (Орск, Троицк ва Нижний, Петропавловск), савдо маҳсулотларининг турлари, ҳажми, нархи, мамлакатнинг географик таснифи, чегараси, тоғлари, дарёлари, иқлими, аҳолиси ва уларнинг машғулоти, мамлакатнинг маъмурий-худудий тузилиши, ер эгаллиги турлари, ишлаб чиқариш турлари ҳақида атрофлича маълумот берилган эди.

Дипломатик миссиянинг иштирокчиларидан бири табиатшунос Александр Леманнинг асари академик Г.П. Гельмерсен таҳрири остида 1852 йили Петербургда немис тилида чоп этилади. Асарда Бухоро хонлигининг харитаси, рус тоғ муҳандисларининг геологик разведка олиб борган худудлари, экспедиция натижалари, йўл маршрутлари, табиати, Бухоро, Самарқанд, Кармана, Панжакент шаҳарларининг тасвири, Бухоро хонлигидаги ер эгаллиги ва уларнинг турлари, миссиянинг Бухорода амир Насрулло томонидан кутиб олиниши ҳамда қабул маросимлари ўз аксини топган. Асар немис тили-

¹ Мушкетов И. Туркестан. Т.I. – СПб., 1886. – Б.98–99.

да Санкт-Петербургда нашр этилади¹. Бундан ташқари. А. Леман томонидан Зарафшон воҳасида 1000 дан ортиқ ҳашоратлар тўплами, зоология, ботаника, геология, этнографияга оид маълумотлар тўпланиб, тегишли идораларга топширилади.

Ўз навбатида инженер К. Бутенев томонидан ҳам Бухоронинг минерал ресурслари, пул – танга зарби, чўян эритиш корхоналари, метеорологик кузатувларга оид бир қатор мақолалар чоп этилади².

Россия империяси ҳукумати Хива хонлиги билан муносабатларида 1839 йилда генерал Перовский бошчилигида юборилган ҳарбий экспедициянинг муваффақиятсиз тугаши рус императори Петр I даврида Бекович Черкасский бошчилигидаги Хива хонлигига уюштирилган ҳарбий экспедициядан сўнг иккинчи катта мағлубият бўлди. Аммо империя ҳукумати бу билан хонликка нисбатан ўз эътиборини сусайтирмай, яна дипломатик миссиялар уюштиришда давом этди. Чунки бу даврга келиб Буюк Британиянинг минтақадаги фаолияти анча фаоллашиб, Хивага ўз вакиллариини жўната бошлаганлиги Россияни хавотирга солиб қўйган эди.

Бунга имкон қадар йўл қўймаслик, ўзаро муноса-

¹ Alexander Lehmann's Reise nach Buchara und Samarkand In den Jahren 1841 und 1842. Nach den hinterlassenen Schriften desselben bearbeitet und mit Anmerkungen versehen von. G.v. Helmersen. Nebsteinen zoologischen Anhang von J.F. Brandt, Mit 5 lithograph, Tafeln Und einer Karte. St. Petersb., 1852. 342S, 5 tab., 1 Kart (Beltrage zur Kenntnissd. Russ. Reiches... Bd. XVII).

² Бутенев К. Минеральные богатства Бухарии // Горный журнал, 1842. ч.IV, кн.I. – С.137–148; Бутенев К. Заводское дело в Бухарии // Горный журнал, 1842. ч.V, кн.11. – С.148–154; Монетное дело Бухарии. – Ўша жойда – С.154–163; Способы выделки монет. Замечания о ковке булата в Бухарии. – Ўша жойда. – С.163–168; Обработка в различных формах булата, привезенного, главным образом, из Персии. Об увеличении сбыта изделий русских горных заводов в Бухаре. – Ўша жойда. – С.168–175; Результаты метеорологических наблюдений на пути из Оренбурга в Бухару во время пребывания в ней 1841–1842 гг. – Ўша жойда. – С.175–183.

батларни тиклаш ва ривожлантириш мақсадида 1841 йилда Хива хонлигига капитан П.А. Никифоров бошчилигида элчилик миссияси жўнатилади. Расман ушбу миссияга рус асирларининг озод қилиниши муносабати билан Хива хонига Россия императорининг миннатдорчилигини билдириш, хонлик билан билан узил-кесил шартнома тузиб, савдо алоқаларини тиклаш, Хивада рус савдо агентлигининг доимий бўлишига эришиш топширилган. А.Г. Серебренников фондида сақланган хужжатларнинг кўрсатишича, П.А. Никофоровга Россия ташқи ишлар вазири граф Несельрод топшириғига кўра, мазкур миссия музокаралар жараёнида П.А. Никофоров Хива хонини Россия томонидан Сирдарёнинг қуйи қисмининг ишғол қилинишига қаршилик кўрсатмасликка, Сирдарёнинг шимолидаги ерларни ва Каспий денгизининг шарқий қирғоғини Россияга қарашли деб билишга, рус савдогарларидан олинадиган божни камайтиришга, Хивада рус савдо агентини қолдиришга ҳамда яна бир қатор шартларга кўндириши лозим эди. Шунингдек, миссия аъзолари хонликда топографик ва стратегик маълумотлар тўплаши зарур эди.

Элчилик миссиясини Хива хони икки марта қабул қилиб, иззат-икром кўрсатса-да, қўйилган талаблар бўйича амалий натижага эришилмаган. Сафардан қайтишда тўсатдан вафот этган П.А. Никифоров батафсил ва аниқ ҳисоботларини қолдириб улгурмаган. Мазкур миссия натижалари ҳақида архив хужжатлари ҳамда унда иштирок этган топографлар берган маълумотлар асосида рус ҳарбий ёзувчиси Н. Залесов томонидан катта мақола тайёрланиб, чоп этилган¹.

Шу асардан маълум бўлишича, гарчи расмий кели-

¹ Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. "Военный сборник", 1861. №11. – С.41-92.

щувларга эриша олмаган бўлса-да, П.А. Никифоров миссиясининг Оренбургдан бошланиб Хива, Тошхөвүз, Гурлан, Хазорасп, Янги Урганч, Илели сари йўналтирилган йўл маршрутлари аниқланиб, Хива хонлиги ва Орол денгизи соҳиллари ҳамда қирғоқлари тасвирга олинган.

1842 йилда рус ҳукумати томонидан Хива хонлиги билан узил-кесил сулҳ аҳдномасини тузиш учун полковник Г.И. Данилевский бошчилигида элчилик миссияси жўнатилади. Унинг таркибига табиатшунос Ф.И. Базинер ҳам киритилган эди. Миссия фаолияти давомида аниқланган маълумотлар, олиб борилган музокаралар ва уларнинг натижалари ҳақида ҳар икки иштирокчи томонидан бир қатор тадқиқотлар чоп этилади.

Мазкур миссия фаолияти давомида Хива хонлигининг бош харитаси, Амударё ғарбий воҳасидаги аҳоли манзилгоҳларининг махсус харитаси ва табиий рельефи, тоғ ва сув тизимлари ўз аксини топган орогидрографик харита ҳам яратилади.

Г.И. Данилевскийнинг мазкур миссия материаллари асосида яратган асарида¹ Амударё ва унинг қўлтиқлари, қўллар, каналлар, хонликдаги аҳоли сони ва таркиби, уларнинг этнографик таърифи, уруғлари, диний эътиқоди, хонликдаги 25 та шаҳар, 60 та қишлоқ, шаҳарларнинг тузилиши, улардаги масжид, мадраса, бозор, дўкон ва карвонсаройлар, сув ва қуруқликдаги алоқа воситалари, қишлоқ хўжалиги ва экинлари, ички ва ташқи савдо алоқалари, солиқ, бож ва тўловлар, молиявий аҳвол ҳамда хон хазинаси харажатлари, ҳарбий қўшин маоши, пул муомаласи, олтин, кумуш ва мис тангалар курси каби масалалар атрофлича ўз аксини топган эди.

¹ Данилевский Г. Описание Хивинского ханства – Записки Русского географического общества, кн.V, 1851. – С.62–139.

Шунингдек, Г.И. Данилевский Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо алоқаларига ҳам эътибор қаратади, аммо Хива хонлигининг роли масаласига эътибор бермайди. Ваҳоланки, Хива хони ўзининг географик мавқеи жиҳатидан Россиянинг Ўрта Осиё билан бўлган савдосида биринчи ўринда турар эди.

Мазкур миссия иштирокчиси, фалсафа фанлари доктори, табиатшунос Ф.И. Базинернинг асарларида¹ Оренбургдан Хива хонлигигача ва хонлик ҳудудида олиб борган географик ва метеорологик кузатишлари асосида дарёлар, қўллар, ўсимликлар дунёси таърифланади. Шунингдек, Хива, Кўҳна Урганч, Янги Урганч, Қўнғирот, Гурлан, Илёли, Ҳазорасп, Хонқа, Хўжаэли ва бошқа шаҳарларнинг тузилиши, деворларининг ўлчамлари, дарвозалари, миноралари, масжид, мадраса, бозор, дўкон ва карвон саройлар, савдо ёймаларининг сони, аҳолисининг сони ҳамда таркиби ҳақида анча қимматли маълумот беради. Шунингдек, хонликдаги бошқарув тизими, қўнғиротлар сулоласи, мамлакат иқлими, ҳайвонот олами, ҳунармандчилик ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Асар сўнггида ўсимлик ва метеорологик кузатишларнинг жадвали ва харитаси илова қилинади.

Оренбургдан Хива хонлигигача йўл давомида масофада олиб борган географик тадқиқотлари, метеорологик кузатишлари асосида дарёлар, қўллар, ўсимликлар дунёси, нумизматика, мамлакат тарихига оид жуда кўп маълумотлар аниқланади.

Г.И. Данилевский ва Ф.И. Базинернинг қайд этилган асарлари нафақат Хива хонлиги, балки қозоқ даштлари, чўлларининг иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, у ерларда яшайдиган аҳолининг турмуши, Ўрта Осиё дав-

¹ Basiner Th. Naturwissenschaftliche Reise durch die Kirgisensteppes nach Chiwa St. Ptb. 1846.

латларининг тарихи ва географиясига оид маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради.

Россия императорининг қарорига асосан 1858 йилда Бухоро ва Хивага жиддий тайёргарлик билан сафарга отланган Н.П. Игнатъев бошчилигида дипломатик миссияга Ташқи ишлар вазирлиги кўрсатмасига биноан унга минтақадаги вазиятни чуқур ўрганиш, Россиянинг мавқеини мустаҳкамлаб, Британиянинг аралашувиغا чек қўйиш вазифаси топширилган эди. Бу даврга келиб Қора денгизда кема қатнови ҳуқуқидан маҳрум бўлган Россия империяси учун Амударёда эркин сузиб юриш энг муҳим вазифа эканлиги уқтирилган ва эвазига хонликларга бошқа давлатлар, хусусан, Англиянинг аралашувидан муҳофазага олишни ваъда қилиш топширилган. Шунингдек, хонликларда инглиз товарларига муносабат ва топографик, статистик ва ҳарбий маълумотлар тўплаш вазифаси юклатилган эди. Шу мақсадда унинг таркибига Орол флотилияси кўмондони А.И. Бутаков, ҳуқуқшунос М.Н. Галкин, астроном олим К.В. Струве, шарқшунос П.И. Лерх, топограф Зеленин, Н.Г. Залесов ва бошқа ҳарбий унвондаги шахслар киритилган эди. Н.П. Игнатъевнинг Хива хонлиги билан музокаралари муваффақиятсиз тугади, хон Амударё бўйлаб рус кемачилигини йўлга қўйилишига розилик бермади. Аммо Қўқон хони билан тўқнашиб турган Бухоро амири Насруллоҳ барча таклифларга рози бўлиб, келишув имзолади.

Н. Игнатъев мазкур муваффақиятдан жуда хурсанд бўлиб, ортга қайтар экан, йўлда тегишли маълумотларини тўплашга ҳам муваффақ бўлди. Экспедиция аъзолари томонидан қуйи Амударё ҳавзалари, Орол денгизидан Хивагача бўлган ҳудудлар синчиклаб ўрганилади, жуда кўп тарихий, этнографик ва бошқа турдаги маъ-

лумотлар тўпланади. Экспедиция натижалари асосида нафақат дипломатик миссия фаолияти ва музокара-лар жараёни, балки хонликлар ҳудуди, иқлими, геогра-фияси, Амударё ва Орол денгизи ҳавзалари, маҳаллий халқлар этнографияси, шаҳарлари ва умуман, тарихи ва табиатига оид қатор мақолалар, китоб ва хабарлар чоп этилади¹.

Шу тариқа Россия дипломатик миссиялари, элчи-лик алоқалари, экспедициялари давомида уларнинг таркибига киритилган олимлар, турли йўналишдаги мутахассислар, топографлар томонидан хонликлар та-рихига оид жуда кўп ва қимматли маълумотлар тўп-ланди. Рус тарихшунослигида хонликлар тарихига оид қимматли асарлар, манбалар, илмий тадқиқотларга муҳим пойдевор бўлган бу асарлар айни пайтда кейин-ги босқинчилик режаларини амалга оширишда жуда қўл келди.

Элчилик миссияларининг фаолияти, мақсадлари ва натижаларига оид архив ҳужжатлари, ҳисоботлар ва

¹ Залесов Н.Г. Письма из Хивы // Военный сборник, 1858. Т.IV. – С.491–497; 1859. Т.V. – С.273–295; Залесов Н.Г. Письма из Бухары // Военный сбор-ник, 1860. Т.XII. – С.235–348; Галкин М.Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. – СПб., 1868. – С.164–189; Игнатъев Н.П. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году флигель-адъютанта полковника Н. Игнатъева. – СПб., 1897. – С.278; Галкин М.Н. О военных силах Бухарского эмира. Показания русских пленных, возвращенных из Бухары в 1858–1859 гг. В кн. Галкин М.Н. Этнографические и исторические матери-алы по Средней Азии и Оренбургскому краю. – СПб., 1868. – С.210–243; Бута-ков А.И. О дельте и устье Аму-Дарьи // Туркестанские ведомости (кейинги ўринларда ушбу газета ТВ шаклида берилди), 1872. №32; Бутаков А.И. Эпизод из современной истории Средней Азии // Отечественные записки, 1865. – С.91–112; Назаров П. Воспоминания о степном походе миссии фли-гель-адъютанта Игнатъева в ханства Хиву и Бухару // Военный сборник, 1864. №4. – С.375–390; Шепурин В. Плавание Аральской экспедици и в 1858 и 1859 годах // Морской сборник, 1861. №5. – С.119–154; Килевейн Е.Я. От-рывок из путешествия в Хиву и некоторые подробности о ханстве во время правления Сеид-Мухаммед-хана, 1856–1860 гг. // Записки Русского геогра-фического общества, 1861. кн.1. – С.95–188.

бошқа турдаги маълумотлар кейинчалик А. Серебренников томонидан тузилган тўпламларга киритилади¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган элчилик миссиялари материаллари рус тарихшунослигида XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида хонликлар тарихига бағишлаб ёзилган кўплаб йирик асарларга муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Булар билан бир қаторда савдо карвонлари билан хонликларда бўлган рус савдогарлари ёки тутқунликда бўлган рус фуқаролари берган кўрсатма, мемуарлар, дипломатик миссия фаолиятига оид расмий архив ҳужжатлари хонликларнинг шу даврдаги ички аҳволи, Россия билан муносабатлари, ўзаро ва қўшни давлатлар билан алоқалари ҳақидаги маълумотларни янада кенгайтди.

2-§. Ҳарбий экспедиция материаллари

Россия тарихшунослигида Ўрта Осиё ҳақидаги асарлар орасида империя томонидан 1860–1870 йилларда минтақа ҳудудида амалга оширилган ҳарбий юришларга оид асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. Мазкур жараёнларда бевосита иштирок этган ҳарбийлар кейинчалик жанг тафсилотлари ҳақида қўмондонликка ёзилган рапортлар, маълумот ва ҳисоботлар ҳамда шахсий таассуротлари, мемуарлар асосида истило жараёнларини ёритувчи қатор тадқиқотлар яратдилар.

Истило арафасида ёки жараёнида марказий қўмондонликка ҳарбий аҳамиятга молик барча маълумотлар, хусусан, истило этилган манзилларнинг географик координатлари, маҳаллий истеҳкомлар, турли ўлчам ва чизмалар, тархлар, географик хариталар, жанг тафсилотлари, рақибнинг ҳарбий ҳолати, йўқотишлар, мағлубият ва

¹ Серебренников А.Г. Туркестанский край. "Сборник материалов для истории его завоевания", Т. II, III, IV. – Т., 1912.

ютуқлар, босқинчиликка қарши маҳаллий аҳолининг курашлари ҳақидаги маълумотлар жўнатиб турилган.

Рус матбуотида, хусусан, “Военный сборник”, “Русский вестник”, “Исторический вестник”, “Русская мысль”, “Русский архив”, “Вестник Европы”, “Военно-исторический вестник”, “Русский инвалид”, “Инженерный журнал”, “Туркестанские ведомости”, “Вестник Ташкентской офицерской школы восточных языков при штабе Туркестанского военного округа”, “Оренбургские губернские ведомости” каби даврий нашрларда¹ Ўрта Осиё ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатлар ҳақида мунтазам равишда қисқа ва оператив хабарлар бериб борилар эди.

Айни пайтда воқеаларнинг иштирокчилари ва замондошларининг урушдан кейин ўз шахсий таассуротлари асосида у ёки бу ҳудуддаги кичик ва катта жанглار

¹ Алексеев В.Н. Вопросы истории Средней Азии и Казахстана в освещении русских дореволюционных журналов (II половина XIX – начало XX в.) Автореф. дис. канд. ист. наук. – М., 1989; Военные действия против Кокандского ханства // Военный сборник, 1875. №12; 1876. №1, 2, 3, 8, 9; Военные действия против Кокандского ханства в 1875 году (По официальным донесениям). С картою Кокандского ханства и сопредельных частей Туркестанского края // Военный сборник, 1876. №12; Михаил Дмитриевич Скобелев в его письмах и и рапоржениях в Ахал-Текинской экспедиции 1880–1881 г. Сообщ. А.Ф. Арцишевский и И.А. Чанский // Русская старина, 1883. №5; Голосов Д. Поход в Хиву в 1839 г. отряда русских войск под начальством генерала адъютанта Перовского // Военный сборник, 1863. №1; Черняев М.Г. Геройский подвиг уральских казаков // Русский инвалид, 1865, 26 января; Львов И. Завоевание Туркестана // Русский вестник, 1868. №7; Зиновьев М.А. Осада Ура-Тюбе и Джизака. Воспоминания об осенней экспедиции 1866 г. в Туркестанской области // Русский вестник, 1868. Т.74. №3–4, №5–6; Черкасов А. Защита Самарканда в 1868 г. // Военный сборник, 1870. №9; Воронец Е. Воспоминания о защите Самарканда 1868 г. // Военный сборник, 1872. №9; Каразин Н.Н. Зара-Булакские высоты // Дело, 1872. №6; Фишер В. Заметки о взятии г. Ходжента нашими войсками 24 мая 1866 г. // Инженерный журнал, 1873. №1; Колокольцов Д.Г. Экспедиция в Хиву в 1873 году. От Джизака до Хивы. Походный дневник полковника Колокольцова // Военный сборник, 1873. №8, 9; Колокольцов Д.Г. Пребывание Туркестанского отряда в Хиве в 1873 г. и переезд из Хивы в Казалинск // Военный сборник, 1874. Т.95. №1.

ҳақида ёзилган мақола, очерклар туркуми ҳам юзага келган¹. Бундай хотира ва ҳикоялар воқеаларнинг бевосита иштирокчилари томонидан ёзилганлиги, жанг тафсилотлари ва оқибатлари ҳақида расмий ҳисоботларга кирмаган қўплаб фактларга эгалиги боис улар истило тарихининг тафсилотларини ёритишда катта аҳамиятга эга эди².

Ўрта Осиёнинг босиб олинishi жараёнида ҳарбий экспедицияларга³ ва истило жараёнларига бошчилик қилган ҳарбийлар ҳам (уларнинг айримлари кейинчалик ўлка ҳудуди босиб олингач, ташкил этилган мустам-

¹ Данилевский Г.И. Описание Хивинского похода // Записки Русского географического общества, 1851. Кн.5. – С.62–153; Саранчев Е.С. Хивинская экспедиция 1873 г. (Записки очевидца-сапера) // Инженерный журнал, 1874. №1, 2, 3, 4, 5; Иванов Д.Л. Под Самаркандом. Рассказ новичка. Из старых записок 1868 года // Военный сборник, 1876. №4, 5, 6; Арский А.В. Хивинский поход 1873 года // Русский вестник, 1879. Т.142. №7; Боголюбов А. Очерки войны в Средней Азии 1876 г. // Военный сборник, 1880. №1; Демуров Г.З. Бой с текинцами при Денгиль-Тепе 28 августа 1879 г. (Рассказ очевидца) // Исторический вестник, 1881. Т.4. №3; Скобелев М.Д. Записки о взятии Хивы // Исторический вестник, 1882; Амичи С. В поход и из похода. Воспоминания 1866 г. // Наблюдатель, 1883. №3; Пашино П.И. Из воспоминаний драгомана // Колосья, 1884. №7–8; Михайлов М. Поход в Коканд в 1875 году (Из записок артиллериста) // ТВ, 1884. №3, 10, 11, 12, 13; Ганаропуло С.А. В туркменской степи (Из записок черноморского офицера) // Исторический вестник, 1890. Т.82. №11; Капитан П. Ахалтекинская экспедиция // Русский вестник, 1890. Т.208. №5; Сялковский Г. Воспоминания офицера о Туркестанских походах 1864–1865 гг. // Военный сборник, 1891. Т.197. №2; Т.198. №3; Алексеев Л. Дело под Иканом (Рассказ очевидца) // Исторический вестник, 1893. Т.51. №3; Касьянов Н.Н. Русская учебная флотилия на Амударье в мае месяце 1873 г. и другие воспоминания о Хивинской экспедиции // Среднеазиатский вестник, 1896. №3, 6, 8; Захарьин И.Н. Начало завоевания Коканда // Исторический вестник, 1901. №6; Камберг А.И. Действия Туркестанского отряда в Ахалтекинской экспедиции. С 12 ноября 1880 по 14 марта 1881. (Воспоминания участника похода) // Военный сборник, 1906. №1, 2 ва бошқалар.

² Бу ҳақида қаранг: Левтеева Л.Г. Присоединение Средней Азии к России в мемуарных источниках. – Т.: Фан, 1986. – С.144.

³ Иванин М.И. Описание зимнего похода в Хиву 1839–1840 гг. Выступление Оренбургского отряда в ноябре 1839 г. – СПб.

лака маъмуриятида нуфузли лавозимларни эгаллаган ва тақдирланган) махсус топшириқ билан расмий манбалар ва ўз хотиралари асосида истило тарихига оид асарлар туркумларини яратдилар¹.

Истилога оид тадқиқотлар орасида Хива хонлигига қарши олиб борилган истилочилик юришларида кузатувчи бўлиб қатнашган америкалик ҳарбий журналист Мак Гахан асари алоҳида ажралиб туради².

Минтақа босиб олингандан 20–25 йил ўтгач, мустамлака маъмурияти истилони тарихий сана сифатида нишонлаши муносабати билан ҳам қатор нашрлар юзага келди.

Шу тариқа Россия тарихшунослигида Ўрта Осиёга қарши истилочилик юришларини акс эттирувчи ҳарбий тарих йўналиши шаклланиб борди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бу нашрларнинг муаллифлари империя ҳукуматининг расмий вакиллари сифатида ўз асарларида воқеалар баёнида ҳар қандай йўл билан ўз ҳукуматининг сиёсатини оқлашга, рус ҳарбий қудрати-

¹ Романовский Д.И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. С приложениями и картою Туркестанского Генерал-Губернаторства. – СПб., 1868; 1874; Хивинская экспедиция 1873 г. Записки очевидца, сапера Е. Саранчова. – СПб., 1874; Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876; Приказы генерала М.Д. Скобелева (1876–1882). – СПб., 1882; Гродеков Н.И. Хивинский поход 1873 года. Действия кавказских отрядов. Т.1–4. – СПб., 1883, 1884; Майер А.А. наброски и очерки Ахалтекинской экспедиции 1880–1881 (Из воспоминаний раненого). – Кронштадт, 1886; Макшеев А.И. Исторический обзор Туркестана и наступательное движение в него русских. – СПб., 1890; Верещагин В.В. На войне в Азии и Европе: Воспоминания. – М., 1894; Игнатъев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году флигель-адъютанта полковника Н. Игнатъева. – СПб., 1897; Захарьин И.Н. (Якунин). Граф В.А. Перовский и его зимний поход в Хиву. Ч.1–2. – СПб., 1901; Абаза К.К. Завоевание Туркестана: рассказы из военной истории, очерки природы, быта и нравов туземцев в общедоступном изложении. – СПб., 1902 ва бошқалар.

² Военные действия на Оксусе и падение Хивы. Сочинение Мак-Гахана. – М., 1875.

ни кўкларга кўтаришга ҳаракат қилдилар. Муаллифларнинг кўпчилиги Россия экспансиясини оқлаб, уни гўёки “Россиянинг Шарққа “цивилизация” олиб келишига қаратилган миссия” сифатида кўрсатишга зўр бериб ҳаракат қилганлар.

Истилочилик ҳаракатлари тарихига бағишланган нашрлар орасида энг йирик асарлардан бири М.А. Терентьевнинг уч жилдли “Ўрта Осиёнинг босиб олинishi тарихи”¹ номли асари эди. Мазкур асар ушбу масалани илк бор Туркистон генерал-губернаторлиги муассасаларининг архив материаллари асосида, тарихий изчилликда ва яхлит ёритган жиддий тадқиқот бўлди. Унда муаллифнинг ҳарбий юришлардаги айрим юқори мансабдорлар ва ҳарбийлар қўмондонлар фаолиятига танқидий ёндашуви боис асар анча кеч – XX аср бошларида нашр этилган эди.

Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан забт этилиши тарихини ўрганишда бевосита ҳарбийлар томонидан жамланган, турли мазмундаги улкан материалларни қамраб олган архив ҳужжатларидан фойдаланиш мақсадида уларни алоҳида тўплам сифатида жамлаш ҳаракати 1870 йиллардан бошланса-да², уларни тўплаш, тизимлаштириш ва чоп этиш масаласи 1890 йилларда ҳарбий вазирлик ва Туркистон генерал-губернаторлиги

¹ Терентьев М. История завоевания Средней Азии. В 3 т. Т.1. – СПб.: Типолиитография В.В. Комарова, 1903. – С.510; Т.2. – СПб.: Типолиитография В.В. Комарова, 1906. – С.547; Т.3. – СПб.: Типолиитография В.В. Комарова, 1906. – С.526.

² Романовский Д.И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. – СПб.: Издание редакции журнала “Всемирный путешественник”, 1868; Материалы для описания Хивинского похода 1873 г. / Под ред. генерала Троцкого. Кн. 1–9. – Т., 1881–1882; Лобысевич Ф.И. Поступательное движение в Среднюю Азию в торговом и военно-дипломатическом отношении. Дополнительные материалы для истории Хивинского похода 1863 г. (из официальных источников). – СПб.: Типография Товарищества “Общественная польза”, 1900. – С.205.

томонидан ҳарбий муҳандис, генерал-майор А.Г. Серебренниковга (1863–1919) юклатилган.

А.Г. Серебренников Помир билан боғлиқ қатор тадқиқотлар муаллифи сифатида ҳарбий-топография ва ҳарбий-тарих йўналишида кўпгина изланишларни амалга оширган¹. “Очерк Памира” номли асариди Помир атамасининг келиб чиқиши, ушбу тоғли ҳудуднинг хитой, ҳинд, европалик сайёҳлар, инглиз жосуслари томонидан ўрганилиш тарихи, тоғли ўлканинг географик тузилиши, иқлими, табиати, фойдали қазилмалари, аҳолиси ва уларнинг турмуш-тарзи, солиқлар, маъмурий тузилиш каби батафсил маълумотлар келтирган.

Помир масаласи Англиянинг Ҳиндистондаги мулклари ва Россия империяси ўртасидаги бетараф ҳудуд сифатида ўша вақтда инглиз-рус рақобатчилигининг энг қайноқ нуқталаридан бири эди. 1894 йилда чоп этилган “Памир и памирские ханства” очерки учун Бош муҳандислик бошқармаси Инженерлик қўмитаси ва Николаевск инженерлик академияси конференцияси томонидан мукофотланган² А.Г. Серебренников ҳам ўз

¹ Серебренников А.Г. Очерк строительных материалов Ферганской области и Памира // Инженерный журнал. – СПб., 1894. №9; Ломки соли на Памире // ТВ. – Т., 1894. №38; Памир и памирские ханства (Военно-географический и топографический очерк) // Инженерный журнал. – СПб, 1894. №11–12; Очерк Шугнана // Военный сборник. – СПб, 1895, №11–12 (Ўша очерк // Сборник географических, топографических и исторических материалов по Азии. Вып.70. – СПб., 1896. – С.30–51); Рекогносцировка Шугнана в 1894 г. // ТВ. – Т., 1896. №50, 55–56, 58, 61; К истории Кокандского похода // Военный Сборник. – СПб., 1897. №9. – С.5–55; 1901. №4. – С.7–11; 1904. №1. – С.39–70; №2. – С.36–59; Туркестанские саперы на разработке Памирской дороги // Разведчик, 1898. №406–408; Очерк Памира // Военный Сборник. – СПб., 1899. №6–11 (Ўша очерк. – СПб., 1900); Памир. Краткий очерк // Ежегодный Ферганской области. Вып.1. 1902. – С.90–158; Заведывание передвижением войск // Разведчик, 1908. №918.

² Басханов М.К. Русские военные востоковеды до 1917 г.: Библиографический словарь. – М.: Восточная литература, 2005. – С.210; <http://pskovgrad.ru/war/pervaya-mirovaya-vojna/29369-serebrennikov-adrian-georgievich.html>

доирасидаги кўплаб муаллифлар сингари “буюк давлатчилик шовинизми” ва евроцентризм концепциясидан холи бўлмаган. Жумладан, унинг асарларида Кўқоннинг босиб олиниши “табiiй чегаралар” назарияси¹ билан оқланади ҳамда ўз озодлиги учун курашаётган маҳаллий аҳоли “қароқчилар”, “қочоқлар тўдаси” сифатида таърифланади².

А.Г. Серебренниковнинг маълумот беришича, Туркистон ўлкасининг забт этилиши тарихига оид материалларни йиғиш ва нашр этиш таклифи 1901 йилда Тошкентда Россия империясининг ўша даврдаги ҳарбий вазири генерал-адъютант А.Н. Куропаткин³ томонидан илгари сурилган эди. У ўз ҳарбий фаолиятини Ўрта Осиёда бошлаб, уни забт этишда бевосита иштирок этган бўлиб, туркманлар истилоси билан боғлиқ қатор асарлар муаллифи⁴ эди.

А.Г. Серебренниковга 1902 йил 20 июлдаги буйруқ билан Туркистон ўлкасидаги барча маъмурий – полиция бошқаруви маҳкамаларининг архивларига киришга рухсат берилди⁵.

Ҳукумат вакиллари ушбу тўпламни яратиш орқали XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империясининг ташқи сиёсатдаги кетма-кет мағлубиятлари туфайли дунёдаги геосиёсий мавқеи заифлашган шароитда

¹ Бу ҳақида қаранг: Горшенина С. Теория “естественных границ” и завоевание Кульджи (1870–1871 гг.): автопортрет российских военно-дипломатических элит Санкт-Петербурга и Туркестана // *Ab imperio*, №2. 2014. – С.101–165.

² Серебренников А.Г. К истории Кокандского похода // *Военный Сборник*, 1897. – СПб., №9. – С.5, 8.

³ Нашр этилган барча жилдларнинг кириш қисми айнан бир хил.

⁴ Куропаткин А.Н. Туркмения и туркмены. – СПб, 1879; Завоевание Туркмении. Поход в Ахал-Теке в 1880–1881 гг. С очерком военных действий в Средней Азии с 1839 по 1876. С картами, планами рисунками. – СПб, из. В. Березовский, 1899. – С.1–76.

⁵ ЎзМА. 1-жамғарма, 35-рўйхат, 38-йиғма жилд, 176-варақ.

мамлакатнинг обрўйи, рус дипломатиясининг халқаро мавқеини ошириш, “рус қуролининг “шухратини”, ҳукуматнинг Ўрта Осиёдаги ҳарбий юришлари тарихини қайта ёдга солиб қўйиш” ниятини кўзлаган эдилар.

Шу мақсадда турли архивларда тарқоқ ҳолда сақланган архив материалларини жамлаш, тарихий тадқиқотлар билан шуғулланувчи ҳар бир киши учун улардан фойдаланиш имконини яратишга киришилган. Бу даврда Россиянинг ҳарбий архивларидан фойдаланиш жуда қийин бўлиб, у ёки бу материал устида иш олиб бориш учун ҳарбий вазирнинг, баъзан эса шахсан императорнинг рұхсати талаб қилинган.

Ҳужжатларни тўплаб, нашр қилишдан кўзланган яна бир мақсад архив ҳужжатларининг турли сабаблар билан йўқолиб кетишининг олдини олиш эди. Дарҳақиқат, орадан 10 йил ўтиб, 1914 йилда Россия губерния архив комиссиялари вакилларининг съездида Оренбург комиссияси вакили томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олинишига оид юз минглаб муҳим ҳужжатлар, хусусан, собиқ бошқирд қўшинлари Бошқармаси архиви ва Қирғиз (Қозоқ) даштларининг султонлик бошқармаси архивлари йўқ бўлиб кетганлиги қайд этилган эди¹.

Туркистон ўлкасини забт этиш уч тарафлама – Оренбург, Сибир ва Кавказ томонидан олиб борилганлиги боис истило тарихига оид материаллар нафақат Тошкентдаги, балки Бош штабнинг ҳарбий архивлари, ҳамда Оренбург, Омск, Тифлис архивларида ҳам тўпланган. Шу боис 1901 йилдан иш бошлаган А.Г. Серебреников режа асосида Тошкентдаги Туркистон округи архиви ва Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси, Верний уезди ҳарбий бошлиғи бошқармаси, Верний уезди бошқар-

¹ Никитин С.А. Источниковедение истории СССР XIX в. (до начала 90-х годов). Курс источниковедения истории СССР / Ред. Ю.В. Готье; Т.2. – М.: Соцэкгиз, 1940. – С.28.

маси, Еттисув вилояти қўшин штаби, Оренбург ҳарбий округи штаби ва Оренбург алоҳида корпусининг, Омскдаги Сибир ҳарбий округи штаби ва алоҳида корпусининг, Кавказ округ архиви фондларини ўрганиб чиқади.

Кейинроқ Туркистон ўлкасининг забт этилиш тарихи учун зарур бўлган материалларни тўплашда Россия империяси Ҳарбий вазирлиги, Бош инженерлик бошқармаси Денгиз вазирлиги, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Санкт-Петербург бош архивининг ва Бош штаб умумий архивининг Москва бўлими фондларида, Москва ва айниқса, Санкт-Петербург шаҳарларида жуда катта иш олиб борилган¹.

Материалларни кўриб чиқиш ва танлаш билан А.Т. Серебренниковнинг ўзи шуғулланган. Ҳарбий-ҳисоб архивининг ҳужжатларида А.Г. Серебренников танлаб олинган ҳужжатларни қизил ёки кўк қалам билан белгилаб, нусха олувчилар учун сарлавҳага чиқариш лозим бўлган сўзларнинг тагига чизиб қўйган².

А.Г. Серебренников 15 мингга яқин ҳужжатни танлаб олган ва даврий изчилликда тизимлаштирган. Ҳужжатларни солиштириш ва кўчиришда унга поручик Алексеев ва Соболев, штабс-капитан Лебедевлар ёрдамлашганлар.

Ҳужжатларни нашрга тайёрлаш махсус маълумотга эга бўлмаган офицерлар томонидан амалга оширилган-

¹ ЎзМА. 715-жамғарма, 1-рўйхат, 73-йиғмажилд. "Перечень документальных материалов, отобранных полковником А.Г. Серебренниковым в архивах г. Москвы и Петербурга; в общем архиве Главного штаба за 1839–1881 гг.; в военно-учетном архиве за 1839–1881 гг.; в архиве Главного инженерного управления за 1839–1876 гг.; в Московском отделении архива Главного штаба за 1848–1805 гг.; в архиве Морского министерства за 1839–1870 гг.; в архиве канцелярии военного министерства за 1841–1859 гг. для сборника по истории завоевания "Туркестанского края".

² Кушева Е.Н. Об одной дореволюционной публикации документов по истории Средней Азии // Проблемы источниковедения. – М., 1940. Сб.3. – С.412.

лиги боис тўпладан ўрин олган ҳужжатларнинг архео-
график ишлови қониқарсиз эканлиги кўзга ташланади¹.

Кўп ҳолларда А.Г. Серебренников жилд учун маълум
архивдаги бирор-бир йирик жилдни танлаб олиб, уни
деярли тўлалигича кўчирган ва сўнгра уни бошқа ар-
хивдаги ҳамда жилддаги ҳужжатлар билан тўлдирган.
Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, фонд ҳужжатларини
йиғишда Россия Ташқи ишлар вазирлигининг архиви-
дан фойдаланилган. Ташқи ишлар вазирлигининг катта
ҳажмдаги ҳужжатлари француз тилида ёзилган бўлиб,²
уларнинг бирортасининг таржимаси келтирилмаган³.

А.Г. Серебренников ҳужжатлар мазмунини ўзгартир-
маганлиги ва қисқартирмаганлиги уларнинг тарихий
қимматини янада оширади. Жумладан, у султон Кенеса-
ри Қосимов бошчилигидаги қозоқларга қарши курашни
акс эттирувчи ҳужжатларни тўлиқ тарзда келтиради,
вахоланки, улар беихтиёр рус ҳукумати босқинчилик
сиёсатининг туб моҳиятини очиб беради.

Ушбу ҳужжатларда рус ҳарбий қўмондонларининг
даштлардаги ўзбошимчалиги ва кўпинча “исёнчи”лар
деб таърифланган қозоқлар билан алоқаси бўлмаган

¹ ЎзМА. 715-жамғарма, 54-йиғма жилд, 163–169-варақлар.

² Кушева Е.Н. Об одной дореволюционной публикации документов по истории Средней Азии // Проблемы источниковедения. – М., 1940. Сб.3. – С.414–415.

³ Россия императорининг Лондондаги элчиси томонидан 1870 йил 18/30 мартда Ўрта Осиё ишлари бўйича юборилган шошилич хабар (“депеша”) // ЎзМА. 715-жамғарма, 41-йиғма жилд, 146-варақ; Техрондаги ишончли вакил хабарлари (“депеша”) // 53-йиғмажилд, 201–203, 203–205-варақлар; Техрондаги ишончли вакилга кўрсатмалар (инструкция) // 53-йиғма жилд, 207–211-варақлар; Техрондаги консул ҳақиқий статс маслаҳатчиси Бегернинг 1870 йил 18 мартда юборган шошилич хабари (“депеша”) // 41-йиғмажилд, 303–307-варақ; Ҳарбий вазир хабарномаси (телеграмма) // 57-йиғмажилд, 146-варақ; Генерал-адъютант Кауфман хабарномаи (телеграмма) // 57-йиғмажилд, 170-варақ; Ген.-адъют. Игнатъевнинг Хивага муносабат ҳақидаги маълумоти // 58-йиғма жилд, 429–441-варақлар ва ҳ.к.

овуларга тўсатдан ёпирилган шафқатсиз жазо экспедициялари натижалари, овуларнинг казак отрядлари томонидан талон-тарож қилиниши ўз аксини топган. А.Г. Серебренников қозоқ султонларининг, рус ҳарбий отрядларининг айнан шундай хатти-ҳаракатлари устидан қилган шикоятларини¹ ҳам тўлиқ киритганлиги ўша давр воқеаларининг асл моҳиятини яққолроқ намоён бўлишига хизмат қилади. Шу сабаблар туфайли тўпламнинг дастлабки нашр этилган жилдлари “махфий” белгиси остида чиқарилган.

Дастлаб йиғилган барча материаллар 30 жилдда нашр этилиши режалаштирилган. Тўпланган материалларнинг дастлабки тўрт жилди 1908–1913 йилларда Тошкентдаги Туркистон ҳарбий округи типографиясида “Туркистон ўлкасини забт этиш тарихи учун материаллар” номи остида чоп этилган ва 1839–1843 йилларга доир ҳужжатларни жамлаган ушбу жилдларда “эълон қилиш тақиқланади” деган белги қўйилган².

Тўпламнинг нашр этилган биринчи ва иккинчи жилдидаги асосий ҳужжатларда В.А. Перовскийнинг 1839 йилда Хива хонлигига қарши уюштирилган ва муваффақиятсиз тугаган ҳарбий юришларининг тафсилотлари ва қозоқ даштларида Кенесари Қосимов бошчилигида кўтарилган исённи бостириш учун юборилган ҳарбий отрядларнинг ҳаракатлари ўз аксини топган.

Учинчи жилд эса 1841 йил воқеаларига оид ҳужжатлардан иборат бўлиб, уларда капитан П.А. Никифоровнинг Хива хонлигига элчилиги ҳамда К. Қосимов ва бошқа исёнчиларни бостириш учун Сибирь ва Оренбург

¹ Ўрданинг шарқий қисми бошқарувчиси султон Читай Бахтигеревнинг Оренбург чегара комиссияси раисига хабаридан кўчирма. 11 август 1840 йил // ЎзМА. 715-жамғарма, 2-йиғма жилд, 349-варақ.

² Серебренников А.Г. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанского края. – Т.: Тип. штаба Туркестанского военного округа, Т.1, 2, 3, 4. 1908–1913 гг.

чизиқларидан юборилган ҳарбий отрядларнинг ҳарака-ти хусусида сўз боради.

Тўртинчи жилддаги 1842–1843 йилларга оид ҳужжатлар Россиянинг Хива, Қўқон хонликлари, Бухоро амирлиги ҳамда қозоқ даштлари аҳолиси билан алоқалари, Хивага юборилган П.А. Никифоров ва Г.И. Данилевскийнинг элчилик ташрифлари, Орол денгизига уюштирилган экспедиция ҳамда Кенесари Қосимовнинг қаршилик ҳаракатларига бағишланган.

1914 йилда 1844–1852 йилларга оид ҳужжатлар жамланган V–VIII жилдлар “Туркистон ўлкаси. Уни забт этиш тарихи учун материаллар тўплами” номи билан нашр этилган бўлиб, ушбу жилдлардан “эълон қилиш тақиқланади” деган белги олиб ташланган.

Бешинчи жилд 1844, 1845 ва 1846 йилларга оид ҳужжатлардан иборат бўлиб, уларнинг асосий қисмида қозоқ султони Кенесари Қосимовнинг қаршилик ҳаракатлари, унга қарши экспедициялар ташкил этилиши, қозоқ даштларида истеҳкомлар барпо этилиши, Хива хонлигидаги вазият ва Россияга юборилган Хива элчилиги каби масалалар ёритилган.

Олтинчи жилд 1847 йилга, еттинчи жилд 1848–1850 йилларга оид ҳужжатларни ўз ичига олган. Ушбу жилдлардаги ҳужжатлар Россия ва Оренбург ҳамда Сибирдаги рус маъмуриятининг Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва қозоқ қабилалари билан муносабатлари, қозоқ султонларининг исёнлари, уларга қарши юборилган ҳарбий экспедициялар иштирокчиларини мукофотлаш, янги истеҳкомлар, жумладан, Раим истеҳкомининг барпо этилиши, А.И. Бутаков бошчилигидаги Орол экспедицияси ва бошқа воқеалар хусусида маълумот беради.

1851–1852 йилларга оид ҳужжатларни ўз ичига олган саккизинчи жилдда Россиянинг қозоқ қабилалари,

Хитой, Қўқон ва Хива хонликлари билан алоқаларидан ташқари, хонликларнинг ўзаро ва ички зиддиятлари, Оқмасжидга уюштирилган ҳарбий юришлар ҳақида сўз боради.

Тайёрланган тўплам жилдлари танлаб нашр этилган: 1853–1863 йилларни ўз ичига олган IX–XVI жилдлар нашр этилмаган, 1864–1866 йилларга оид ҳужжатларни жамлаган XVII–XXII жилдлар 1914–1915 йилларда нашр этилган¹. Айнан 1864 йилдан бошлаб Россия империяси Ўрта Осиёга амалга оширган ҳарбий ҳаракатларга урғу берилиши бежиз эмас эди, чунки улар асосан муваффақиятли якун топган эди.

Ўн еттинчи ва ўн саккизинчи жилдларда 1864 йилга оид ҳужжатлар жамланган бўлиб, уларда Авлиёота, Туркистон шаҳарларининг босиб олиниши, Чимкентга қарши мўлжалланган экспедиция, Ғарбий Хитой билан чегарада содир бўлган воқеалар билан боғлиқ ҳужжатлар жамланган.

Ўн тўққизинчи ва йигирманчи жилдларда 1865 йилга оид ҳужжатларда Россия ҳукумати вакилларининг империянинг Ўрта Осиёдаги сиёсатига, жумладан, Россия–Бухоро муносабатларига оид турлича фикрлари, Туркистон вилояти ҳарбий губернатори М.Г. Черняев ва Оренбург ўлкаси губернатори Н.А. Крижановский ўртасидаги зиддиятлар, Тошкентнинг босиб олиниши ва унинг келгуси тақдирига оид таклифлар, Россия – Хитой муносабатларига оид ҳужжатлар ўрин олган.

Йигирма биринчи ва йигирма иккинчи жилдлардан 1866 йилга оид ҳужжатлар ўрин олган бўлиб, уларда Тошкентда бошқарувни ташкил этиш хусусидаги фикрлар, Бухоро амирлигига қарши уюштирилган ҳарбий

¹ Серебренников А.Г. Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания. – Т.: Типография штаба Туркестанского военного округа. Т.5, 6, 7, 8, 17, 18, 19, 20, 21, 22. 1914–15 гг.

ҳаракатлар, Ўрта Осиёда инглизларнинг фаолиятига оид маълумотлар, Хитойда содир бўлаётган воқеалар ўз аксини топган.

Ҳаммаси бўлиб 14 та жилд нашр этилган. А.Г. Серебренниковнинг таъкидлашича, маблағнинг йўқлиги туфайли нашр этиш ишлари 1915 йилда тўхтатилган. Нашрнинг адади (тиражи) жуда кам бўлган, хусусан, биринчи жилд бор-йўғи 100 нусхада чоп этилган¹. Ноёб библиографик нашрга айланган ушбу жилдлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида сақланмоқда².

А.Г. Серебренников томонидан тўпланган, нашр этилган ва нашр этилмаган барча ҳужжатлар йиллар, ойлар, саналар бўйича алоҳида жилдларга жамланган. Уларда баён этилган воқеалар даврий изчилликда қуйидаги жараёнларни акс эттиради: Россия империясининг Ўрта Осиёга 1832–1862 йиллардаги истилочилик юришларининг тайёрланиши ва 1839 йилдаги Хива хонлигига қарши юришлар, Россия–Хива муносабатлари (1840–1863), Россия–Бухоро муносабатлари (1840–1863), Россия–Қўқон муносабатлари (1840–1862), Қозоғистон ҳудудларида бошқарувнинг ташкил этилиши (1840–1863),

¹ Кушева Е.Н. Об одной дореволюционной публикации документов по истории Средней Азии // Проблемы источниковедения. – М., 1940. Сб.3. – С.416.

² А.Г. Серебренников фондида жамланган ушбу тўпланиннг нашр этилган ва нашр этилмаган барча жилдлари бугунги кунда Ўзбекистон Миллий архивининг 715-жамғармасида (1-рақамли рўйхат) сақланмоқда. Ушбу жамғарма 82 та сақлов бирлиги, 74 та йиғмажилддан иборат, шу жумладан, 44 ва 58-рақам остида 2 та йиғмажилд, 26-а, 26-б, 26-в, 39-а, 39-б, 39-в литерлари билан белгиланган йиғмажилдлар мавжуд. 70–74-йиғмажилдлар А.Г. Серебренниковнинг иш режаси, қораламалар, тўплам учун турли архивлардан танлаб олинган ҳужжатлар рўйхатидан иборат. 12 та йиғмажилд, яъни 11, 18, 28, 29, 31, 33, 35, 38, 39-в, 40, 51 ва 52-йиғмажилдлар 1986 йилнинг 6 мартдаги №1с актига кўра махфий сақланишга ўтказилган.

қалғалар ва истехком чизикларининг барпо этилиши, рекогносцировкакаларнинг ўтказилиши (1840–1863), Россия империяси кўшинларининг қозоқ қабилалари ва уруғлари қаршилигини бостириш бўйича ҳаракатлари (1838–1863) тарихи.

Кўқон, Бухоро ва Хива хонликларининг забт этилиши (1863–1876) тарихини ёритишда эса Кўқон хонлиги таркибидаги қозоқ қабилалари ерлари (1863–1876), Тошкентнинг эгалланиши, Кўқон хонлиги мустақиллигининг тугатилиши, Туркистон вилоятининг ташкил этилиши (1865–1868), Бухоро хонлиги мустақиллигининг тугатилиши, Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши (1865–1868), Россия–Бухоро муносабатлари (1863–1868), Россия–Хива муносабатлари (1867–1872), 1873 йилдаги Хива хонлигига қарши юришлар, Амударё бўлимининг ташкил топиши ва Россия–Хива муносабатлари (1873–1876), Кўқон хонлигининг тугатилиши ва Фарғона вилоятининг ташкил этилиши каби масалалар билан боғлиқ ҳужжатлар жамланган.

Тўпلامда шунингдек, Россиянинг туркманлар билан муносабатлари (1840–1876), минтақада инглиз жосуслари фаолияти, Россия–Хитой муносабатлари (1840–1864) ва Россия–Афғонистон муносабатларини акс эттирувчи тарихий ҳужжатлар ҳам жамланган.

Тўпلامда жуда кўп турдаги ҳужжатлар, хусусан, турли идоралар ва уларнинг бўғинлари орасидаги расмий ёзишмалар, маълум масалалар юзасидан ташкил этилган кўмита йиғилишларининг журналлари, Россия ва Ўрта Осиё давлатлари ўртасида тузилган шартномалар ва уларнинг лойиҳалари, дипломатик ёзишмалар, ахборотлар, маълумотномалар, ҳарбий ҳаракатлар журналлари, буйруқлар, кўрсатма, разведка маълумотлари, ёрликлар, телеграммалар, ҳисоботлар, маърузалар,

расмий мактублар, шахсий мактублардан кўчирмалар жамланган.

Ушбу фонддан жой олган ҳужжатларни умумий мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) ҳарбий; 2) дипломатик; 3) иқтисодий; 4) маъмурий бошқарув; 5) сиёсий характердаги ҳужжатлар; 6) статистик материаллар; 7) илмий экспедициялар ва рекогносцировкалар материаллари; 8) турли-туман мазмундаги бошқа ҳужжатлар.

А.Г. Серебренников томонидан жамланган тўплам Ўрта Осиёни босиб олишда бевосита иштирок этган ҳарбийлар ташаббуси билан ва иштирокида яратилганлиги унинг мазмунига ҳам катта таъсир кўрсатган. Жамланган материаллар империя ҳукуматининг босқинчилик сиёсатини “мадҳ этган”. Бироқ тўпламда нафақат рус қўшинларининг ҳарбий юришлари, балки минтақада ва унга қўшни мамлакатлар билан сиёсий муносабатлар, ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол ҳақида ҳам жуда кенг кўламли маълумотлар ўрин олган.

А.Г. Серебренников фондидаги ҳужжатлар билан ишлаш жиддий танқидий ва қиёсий таҳлилни талаб қилади. Чунки бу ҳужжатлар ушбу ҳаракатларни амалга оширишга буйруқ берган ҳукумат тузилмалари вакиллари ва уларни бевосита амалга оширган ҳарбийлар томонидан битилганлиги боис уларда воқеалар бир томонлама ёритилган. Ҳарбийлар томонидан битилган бу ҳужжатларда уруш ва мустамлакачилик истилолари адолатли, империя манфаати йўлидаги “зарурият” сифатида кўрсатилган. Ҳужжатлар мазмунида, хусусан, қуйи бўғиндаги ҳарбийларнинг раҳбариятга юборган ўз хабарларида уларнинг Россия империяси қуролининг кучини ҳамда шу кучнинг бир қисми сифатида ўзининг фаолиятининг ижобий жиҳатларини кўрсатиш орқали мукофот олиш-

га уриниш кайфияти, ўз хатти-ҳаракатларини оқлаб, қарши томонни ҳар қандай йўл билан қоралаш ва айб-лашга уринишлар кўзга яққол ташланади.

Айни пайтда, ҳарбий хабарларда ёки бевосита ҳарбий ҳаракатларга оид ҳужжатларда босқинчилик юришларини хаспўшлаш, уларнинг салбий оқибатларини камай-тириб кўрсатишга интилиш кузатилади. Шу билан бирга ҳужжатларда маҳаллий аҳолига нисбатан амалга оширилган шафқатсизлик гўёки “ҳарбий даврнинг “сўз-сиз зарурияти” сифатида акс эттирилади. Айнан шу ҳолат уларга ўз вақтида тўплам ҳужжатларига “махфий” ва “ўта махфий” деган тамғалар қўйилишига сабаб бўлган.

Юқоридаги ҳолатлар Россия қўшинларининг Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатларига оид ушбу ҳужжатларни бошқа манбалар, биринчи навбатда маҳаллий манбалар билан солиштиришни талаб этади.

Бундай ёндашувни Ҳ. Зиёевнинг мустақиллик йилларида яратилган “Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII–XX аср бошлари)” номли фундаментал тадқиқоти мисолида намоён бўлди. Масалага бундай ёндашув ушбу тарихий жараёнларни холисона ва изчил ёритишга имкон берди¹.

Россия империясининг Туркистоннинг босиб олинишига оид ушбу ҳужжатлар тўпламини яратишдан кўзлаган асосий мақсадлардан яна бири архив ҳужжатлари асосида ўзининг ушбу ҳудудларга “эгалигини” халқаро миқёсда “легитимлаштириш”дан иборат эди. Тўпламдаги жуда кўп ҳужжатларда Россиянинг гўёки “ёввойи”, “варвар” халқларга цивилизация, қонунчилик асосида таркиб топган осойишталик олиб келиш миссияси” ҳақида таъкидланиши ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилиши лозим бўлган.

¹ Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII–XX аср бошлари). – Т.: Шарқ, 1998. – Б.480.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi тарихига оид ҳужжатлар тўплами нафақат истилочилик юришлари, балки минтақа географияси, савдо ва иқтисодиёти, ташқи ва ички вазияти ҳақида ҳам жуда кўп маълумотлар жамламаси сифатида ўлка тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

3-§. Тафтиш материаллари

Россия империяси Ўрта Осиёда босиб олинган ҳудудларда ташкил қилинган Туркистон генерал-губернаторлигида ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқарув тизимини ҳар томонлама тадқиқ ва таҳлил этиш, зарур ҳолатларда маъмурий-сиёсий ёки бошқа соҳадаги ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида турли йилларда тафтишлар уюштириб турган. Ушбу тафтишлар жараёнида ўрганилган соҳалар бўйича жуда катта ҳажмда статистик маълумотлар аниқланган ва таҳлил этилган.

Тафтиш материаллари ўша даврдаги тадқиқотлар орасида ўзининг ҳолислиги, чуқур таҳлилий ҳулосалари ва ҳаққонийлик даражаси билан бошқа манбалардан ажралиб турган. Тафтиш ишларидан мақсад турли соҳалардаги ҳақиқий аҳволни ва кўрсаткичларни аниқлаш, таҳлил қилиш, муаммо ва камчиликлар, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва ҳукуматга етказишдан иборат эди. Шу боис давлат манфаатлари нуқтаи назаридан бу ишлар энг ҳолис, кучли таҳлилий қобилиятга эга бўлган сенаторларга топширилган. Ушбу тафтишлар натижалари ўз даврида чоп этилган ва улар ҳозиргача Туркистон тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Туркистонда биринчи тафтиш ҳукумат топшириғи асосида 1882 йилда махфий маслаҳатчиси, сенатор Ф.К. Гирс бошчилигида ташкил этилган бўлиб, комиссия таркиби ҳарбийлар (генерал-майор К.К. Гутковский,

полковник К.К. Гейнс, подполковник А.П. Проценко)дан иборат эди¹. Ф.К. Гирс бошчилигидаги тафтиш давомида асосий эътибор ўлкани бошқарув тартиблари таҳлилга қаратилади ва 1866–1882 йиллар давомида ўлкадаги маъмурий-худудий бошқарув ҳолати, унинг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилган 1865 йил Туркистон вилояти бошқарув Низоми, 1867 йилдаги Туркистон ўлкаси бошқарув Низоми таҳлил қилинади, турли вилоятларда турли йилларда қабул қилинган Низомлардан фойдаланилганлиги аниқланади, бу соҳадаги барча муаммолар рўйи-рост очиб берилади².

Тафтиш материалларида ҳар бир вилоятнинг таркибий тузилиши, майдони, аҳолиси ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган бўлиб, вилоят бошқарув тизими масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унда вилоят бошқаруви, маъмурий бўлинмалари, вилоятлар таркибидаги уезд бошқармалари ҳамда йирик шаҳарлардаги бошқарув тизимлари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Тафтиш материалларида Сирдарё вилоятидаги Тошкент, Зарафшон округидаги Самарқанд, Фарғона вилоятидаги Янги Марғилон (кейинчалик Скобелев) шаҳарлари бошқарув тизимига оид маълумотлар батафсил ёритилган.

Бундан ташқари, мазкур тафтиш материалларида маҳаллий аҳолининг турмуш маданияти, мустамлака бошқарув тизими, шаҳарлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар қайд этилган.

Тафтиш материалларида қурилишга оид масалалар ҳам ёритилган. Сенатор тиббиёт муассасалари бошқа-

¹ Федоров Г.П. Генерал-губернатор города Ташкент // URL адресс: <http://oldtashkent.com/zavoevanie-tashkenta/general-gubernator-goroda-tashkent.html>

² Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В 2-х частях. Часть 1. Администрация. Управление краем; Часть 2. Суд. Финансы. – СПб., 1888.

руви ҳақида тўхталиб, тиббий муассасаларни ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш масалаларини ёритган, шунингдек, вилоятлардаги тиббиёт ходимлари сонини келтириб ўтган.

Ф.К. Гирс томонидан почта ва телеграф алоқа хизматларини юритиш, ўлкадаги қамоқхоналарни бошқариш, суд тизими билан боғлиқ масалалар, тергов олиб бориш тартиблари, суд қарорлари ижросини таъминлашга доир масалалар, халқ судлари фаолияти вилоят, уезд, шаҳарлар мисолида очиб берилган.

Сенатор Ф.К. Гирс шунингдек, молия-хўжалик масалаларига ҳам тўхталган бўлиб, унда ўлканинг иқтисодий аҳволи, вақф мулкчилиги бошқаруви, кўчманчиларнинг ерга муносабати, ўтроқ аҳолининг ер билан боғлиқ ҳужжатларини юритиш, ирригация тармоқларини бошқариш масалалари, ҳарбий таъминот, солиқ ҳамда йиғимларни ундириш каби масалаларни ҳам кўриб чиққан.

Ф.К. Гирс тафтишидан кўп вақт ўтмасдан 1886 йилда Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги янги Низом жорий этилди ва 1917 йилгача амалда қўлланиб келинди. XX аср бошларига келиб, Туркистондаги маъмурий ва сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар сабабли 1886 йилдаги ўлка бошқарув Низомининг айрим бандларига қўшимча ўзгартиришлар киритилган.

Биринчи рус инқилобидан кейин, 1906 йилда ўлка бошқарувини Ҳарбий вазирликдан Ички ишлар вазирлигига ўтказиш бўйича Вазирлар кенгаши қарори ишлаб чиқилади, аммо ушбу қарор Адлия ва Ички ишлар вазирлигининг қаршилигига учрайди. Улар ўлкада ҳарбий бошқарувни тугатишга шошилмаслик, энг аввало ўлканинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини чуқур ўрганиш зарур, деган қарорга келадилар.

Шу муносабат билан 1909–1910 йиллар давомида ўл-

када ҳукумат топшириғи билан Туркистонга иккинчи марта сенатор тафтиши юборилади. 1908 йилнинг 18 июнида Николай Пнинг махсус фармони билан Туркистон ўлкасини тафтиш этиш комиссиясига сенатор К.К. Пален (1861–1923) раҳбар этиб тайинланади. Бу сафар тафтиш комиссияси раҳбари К.К. Паленга ҳукумат томонидан катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилади. У ноқонуний ёки ўринсиз деб ҳисоблаган буйруқларни бекор қилиш, мансабдор шахсларга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш, уларни лавозимидан четлаштириш ва ишни судга ошириш ҳуқуқига эга эди.

Сенатор зиммасига Туркистон генерал-губернаторлигидаги аҳволни ўрганиш, маъмурий бошқарув тизимини таҳлил этиш, ўлкани Ҳарбий вазирлик бўйсунувидан Ички ишлар вазирлиги тасарруфига ўтказиш имкониятларини аниқлаш, ўлкани бошқаришнинг янги Низомини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган етарлича маълумот тайёрлаш, шу билан бирга, маҳаллий маъмурият томонидан ҳокимиятни суиистеъмол қилиниши ҳолатларини кўриб чиқиш вазифалари юклатилган эди.

Тафтиш 1908 йилнинг 18 июлида бошланиб, деярли 1 йил давом этган ва 1909 йилнинг 18 июнида якунланган. К.К. Пален тафтиш ишига Санкт-Петербург прокуратураси ва суд магистратурасидан 27 нафар мутахассис жалб этилган. Шу билан бирга, тафтиш ишида Туркистондаги айрим маҳаллий маъмурият вакиллари, мутахассис кадрлар ҳам иштирок этганлар¹.

Тафтиш аъзолари гуруҳларга бўлинган ҳолда бир вақтнинг ўзида ўлканинг бешта вилоятида текширув ишла-

¹ Махмудова Н. XX аср бошида Туркистонда маъмурий бошқарув тизими ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол (сенатор К.К. Паленнинг тафтиш материаллари асосида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2018.

рини олиб борганлар. Ушбу жараёнда ўлканинг 29 та волостдаги деҳқон хўжаликларидан олинган ер қурилиши ва ердан фойдаланиш билан боғлиқ маълумотлар катта аҳамиятга эга эди, чунки ўлкада мустамлакачилик йилларида бундай текширув биринчи марта ўтказилиши эди.

Тафтиш жараёнида К.К. Паленнинг ўзи бевосита 5 та вилоятни ва Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигини бирма-бир айланиб чиққан. Шуни қайд этиб ўтиш жозизки, тафтиш натижасида деярли барча маҳаллий бошқармаларда амалдорлар томонидан ўз мансабини суистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланган.

Туркистон ўлкасидаги сенатор тафтиши мобайнида жуда катта иш амалга оширилган бўлиб, улар 1910–1911 йилларда нашр этилган 20 жилддан иборат ҳисоботларда ўз аксини топган¹.

Мазкур тафтиш комиссияси Туркистон ўлкасида бошқарув тизимининг барча бўғинлари, хусусан, ўлка, вилоят, шаҳар миқёсидаги бошқарув тартиблари билан боғлиқ масалалар, ўлкага рус аҳолисини кўчириш сиёсати ва уларнинг аҳволи, халқ судлари (қозилик судлари) фаолияти, тоғ-кон ишларини атрофлича тадқиқ этиб, жуда кўп маълумотлар аниқлашга муваффақ бўлган. Мазкур асарлар ўлканинг ижтимоий, иқтисодий ҳаёти ва бошқарув тизимига оид муҳим маълумотларга эгаллиги билан катта эътиборга лойиқ ва айни пайтда муҳим манбавий аҳамиятга эгадир.

К.К. Пален тафтиш материалларининг “Ўлка бошқаруви”га бағишланган жилдида² 1865 йилда Туркистон

¹ Махмудова Н. XX аср бошида Туркистонда маъмурий бошқарув тизими ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол (сенатор К.К. Паленнинг тафтиш материаллари асосида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2018.

² Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по Высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером Граф К.К. Паленом. Краевое управление. – СПб.: Сенатская типография, 1910.

Ўлкасида мустамлака бошқарув тизимининг ташкил этилиши, унинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Сенатор К.К. Пален 1886 йилда тасдиқланган ўлка бошқаруви низоми таҳлиliga алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, у мазкур низомнинг аввалгиларидан фарқли томони – унда генерал-губернаторнинг ташқи ишлар билан боғлиқ масалаларга таъсир доираси қисқарганини қайд этган. Жумладан, мазкур Низом асосида Бухорода Россия империяси сиёсий агентлиги ташкил қилиниб, мазкур агентлик тўғридан-тўғри Ташқи ишлар вазирлиги қошида шакллантирилган. Шу тариқа, мазкур сиёсий воқелик Туркистон генерал-губернаторлигининг ўлкадаги ҳокимиятини камайтиришда дастлабки қадам бўлган.

Мазкур жилдда Туркистон генерал-губернатори қошида жорий қилинган кенгаш ва девонхона (канцелярия) фаолияти, турли даражадаги мансаблар, уларнинг функция ва ваколатлари, ҳарбий вазирлик назоратида иш юритган давлат назорат органлари, почта-телеграф ва кадрлар тайёрлаш бўлимлари, Туркистон генерал-губернаторининг ўлкадаги асосий ваколатлари, ёрдамчиларининг вазифалари ҳамда генерал-губернаторнинг вазифалари, ички ишлар ва қонунчилик билан боғлиқ фаолияти, маҳаллий ҳукмдорларга муносабати, лавозимга тайинлаш ва шахсий таркибга таъсири каби масалалар ўз аксини топган эди.

Шунингдек, мазкур жилдда ўлкадаги йўл қурилиши, бинокорлик, тоғ-кон, ўрмон хўжаликлари, ирригация ва қишлоқ хўжалиги бўйича махсус лавозимлар ва уларнинг фаолияти таҳлил қилинган. Айниқса, маҳкама (канцелярия) фаолиятига оид маълумотлар эътиборга лойиқ бўлиб, 1867–1903 йилларда бажарилган ишлар

даврий кетма-кетликда, ҳар бир йил кесимида батафсил ёритилган¹.

Ушбу жилдда ўлкада ташкил этилган “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети” ҳамда Туркистон оммавий кутубхонаси фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам ўз аксини топган².

Тафтиш материалларининг “Вилоят бошқаруви”га оид жилдида³ Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги вилоятлар бошқарув тартиби ва низомлари, уларнинг таркибидаги канцелярия (девонхона) фаолияти, вилоятларни бошқарувчи ҳарбий губернатор вазифалари, ҳар бир вилоят кесимида унинг маъмурий ҳудудий тузилиши, аҳолиси, вилоят бошқарувидаги бўлинмалар (Сирдарё вилояти бошқарувида 8 та, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 9 та) ва уларнинг вазифалари, хусусан, хўжалик, ҳисоб-китоб, чегара, озиқ-овқат ва таълим масалалари ва аҳолиси ҳақидаги маълумотлар атрофлича таҳлил қилинганлиги ўлкадаги бошқарув масалаларини чуқур ўрганиш имконини беради.

Тадқиқотда нафақат бошқарув, балки у билан боғлиқ муаммолар, маъмурий буйруқбозлик тизими, мансабни суиистеъмол қилиш, давлат мулкани талон-тарож қилиш, аҳолига ўзбошимчалик билан солиқ солиш ҳолатлари, озиқ-овқат ва қурилиш масалаларида назоратнинг йўқлиги, кредитларнинг нотўғри тақсимланиши каби масалалар ҳам ўз аксини топганлиги мустамлакачилик даври бошқаруви борасида ҳаққоний маълумотларни олиш имконини беради.

¹ Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по Высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером Граф К.К. Паленом. Краевое управление. – СПб.: Сенатская типография, 1910. – Б.131–146.

² Ўша асар. – Б.215–221.

³ Ўша асар.

Тафтиш материалларида шаҳар бошқарувига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ушбу масалага оид жилдда¹ истило арафасидаги шаҳарлар ҳолати, тузилиши, инфратузилмалари, кўчалари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Шу билан бир қаторда, шаҳарнинг руслар томонидан бунёд этилган янги қисми ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, асардан Россия империяси бошқаруви даврида Тошкент шаҳри бошқарув тизимига оид муҳим масалалар ҳам ўрин олган бўлиб, унинг майдони ва аҳолиси, бош режаси, шаҳар доирасида кўчмас мулкдан фойдаланишга оид ҳужжатлар, шаҳар депутатларининг сайланиши билан боғлиқ ишлар, вилоятнинг шаҳар ишларига аралашувининг ҳуқуқий асослари, ҳисоб-китоб ишлари, солиқ ва турли йиғимлар масалалари, ирригация масалалари, ижтимоий аҳамиятга эга объектларни қуриш масалалари, тиббиёт ва санитария ҳолати масалалари тизимли таҳлил қилинган.

Тафтиш натижаларида Тошкент шаҳрида халқ таълими тизими ва уни бошқариш билан боғлиқ масалаларни ёритар экан, К.К. Пален вилоятларда рус-тузем мактаблари ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиб, уларга маҳаллий аҳоли хайрихоҳ бўлмаганлигини, мактабларга ажратилган маблағлар ўзини оқламаганлигини очиқ қайд этган ва буни тегишли далиллар билан асослаб берган².

К.К. Пален шаҳарлардаги бошқа рус таълим муассасаларига ҳам алоҳида эътибор беради, мактаб ёшидаги болалар статистикасини таҳлил қилади ва 8–11 ёшдаги болаларнинг 30 фоизи саводсиз эканлигини аниқлайди.

¹ Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по Высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером Граф К.К. Паленом. Городское управление. – СПб.: Сенатская типография, 1910. – С.4.

² Уша асар. – Б.87–88.

Шу билан бирга, шаҳарларнинг кенгайиб бориши, янги манзилгоҳларнинг вужудга келиши, шаҳар хўжалигига масъул ташкилот ва шахслар вазифалари, уезд ва туман полицияси бошлиқларининг шаҳар хўжалигини юритиш бўйича вазифалари, шаҳар бюджетини ташкил қилишга доир масалалар, солиқ ва йиғимлар каби масалаларда салмоқли маълумотлар ўрин олган.

Тафтиш материалларининг махсус жилди Туркистон ўлкаси халқ судлари фаолиятига бағишланган¹. Суд тизими асосан икки қисмга бўлиб тадқиқ этилган. Биринчи қисмда ўтроқ аҳоли учун фаолият олиб борган халқ судлари қамраб олинган бўлса, иккинчи қисмда кўчманчи аҳоли учун хизмат қилган халқ судлари фаолияти очиб берилган. Шунингдек, асарда ҳар бир халқ суд тизимларининг пайдо бўлиш тарихи, унинг мустамлакачилик давридаги ҳолати, таркибий тузилмаси ҳақидаги маълумотлардан ташқари, уларни қайта ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам ёритилган.

К.К. Пален тафтишлари материаллари орасида Туркистон ўлкасига рус аҳолисини кўчириш сиёсатига оид жилд алоҳида ўрин эгаллайди². Унда кўчириш сиёсатининг тарихий илдизлари, кўчириш сиёсати билан боғлиқ қонун ҳужжатлари, кўчириб келтирилган аҳолига яратилган шарт-шароитлар, дастлабки кўчириш сиёсатининг салбий оқибатлари, кўчириб келтирилган аҳоли фойдасига маҳаллий аҳоли уй-жойларини тортиб олиш ҳолатлари, ҳар бир вилоят кесимида кўчириш сиёсатининг оқибатлари каби масалалар қамраб олинган.

Сенатор К.К. Пален тафтиш материалларининг тоғ-

¹ Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по Высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером Граф К.К. Паленом. Народные суды Туркестанского края. – СПб.: Сенатская типография, 1909. – С.311.

² Ўша жойда. – Б.436.

кон ишларига бағишланган махсус жилдида¹ ўлканинг географик ҳолати, геологлар томонидан Туркистонда аниқланган қимматбаҳо маъданлар, уларнинг жойлашган ўрни борасида қимматли маълумотлар келтирилган. Хусусан, Туркистон ўлкасида тошқўмир, нефть, тоғ муми (озокерит), тоғ жинсларидан олтингугурт, мис, кўрғошин, темир, марганец, қимматбаҳо тошлардан феруза, графит, олтин каби табиий бойликлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, ўлкада тафтиш мақсадида амалга оширилган тадқиқотлар ҳолислиги ва таҳлилий характери, фактларга бойлиги билан ажралиб туради. Тафтиш натижалари акс этган асарлар бу даврга оид илмий тадқиқотлар учун муҳим ва ишончли манбавий асос бўлиб хизмат қилади.

4-§. Йўл кўрсаткичлар

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Ўрта Осиёни ҳар томонлама тадқиқ этишга киришган рус тадқиқотчиларининг асарлари орасида йўл кўрсаткичлар салмоқли ўрин эгаллайди.

Йўл кўрсаткичлар асосан Ўрта Осиё (1880–1899) ҳамда Тошкент–Оренбург (1901–1906) темир йўлларининг қурилиши муносабати билан тегишли ҳудудлар ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида яратилган. Ушбу йўл кўрсаткичларда темир йўлларнинг йўналишлари, улар ўтган шаҳар ва қишлоқлар билан бир қаторда аҳоли манзилгоҳларининг маъмурий тузилиши, иқлими ва табиий бойликлари, бу манзилларда яшовчи аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақида қўплаб маълумотлар ўрин олган.

¹ Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по Высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером Граф К.К. Паленом. Горное дело. – СПб.: Сенагская типография, 1909. – С.366.

Масалан, 1886 йилда Ўрта Осиё минтақасига саёҳат қилган Е.А. Безе томонидан тайёрланган йўл кўрсаткичда минтақа ҳақида кўплаб тарихий, географик ва этнографик маълумотлар келтирилади. Унинг қайд этишича, ўша даврда Амударё вилоятида – 1200000, Каспийортида – 100000, Зарафшонда – 500000, Сирдарё вилоятида – 1500000, Фарғонада – 1000000 аҳоли яшаган¹.

Муаллиф ўлкадаги катта шаҳарлар, жумладан, Бухоро шаҳрига тўхталиб, баланд девор билан ўралган бу шаҳар аҳолисининг сони тахминан 100 мингтани ташкил этишини, бозорлари ва расталари йирик майдонда жойлашганлигини, тош ётқизилган, ҳаво айланадиган ойнаванд баланд том билан қопланганлиги ҳамда кўплаб фавворалар мавжудлигини таъкидлаган.

Йўл кўрсаткичда Тошкент², Самарқанд³, Кўқон ва Марғилон шаҳарлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Асар сўнгида темир йўл қатновлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилиб, минтақанинг харитаси ҳам илова қилинган.

Ўрта Осиёга бағишланган йўл кўрсаткичлардан яна бири Д.И. Эварницкий⁴ томонидан Ўрта Осиёга саёҳат қилишни истовчиларга минтақа ҳақида археологик, тарихий ва қисман этнографик маълумот бериш мақсадида яратилган. Жами етти бобдан иборат асарнинг учинчи бобида Амударё ва унинг ўтмиши, қадимий Сўғдиёна, Бухоро тарихи⁵, тўртинчи бобида Самарқанднинг қисқача тарихи, Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари, қадим

¹ Путеводитель по Центральной Азии... – Б.1.

² Ўша жойда. – Б.31–35.

³ Ўша жойда. – Б.37.

⁴ Эварницкий Д. И. Путеводитель по Средней Азии от Баку до Ташкента в археологическом и историческом отношениях. – Т.: Типо-литография наследников С.И. Лахтина, 1893. – С.112.

⁵ Эварницкий Д. И. Путеводитель по Средней Азии... – Б.51–62.

мий Афросиёб ва Шоҳизинда масжиди ҳақида тўхталиб ўтган. Муаллиф Шоҳизинда масжидини кўриб ҳайратда қолган ва унинг ҳашамати ҳамда маҳобатини “Шарқ заковатининг буюк меъморий асари” сифатида баҳолаб, “уни тасвирлаш учун тил калимага келмайди, тасвирлашга эса ранг топилмайди...”¹ дея юксак баҳо берган.

Д. Эварницкий бошқа муаллифнинг² мазкур ёдгорлик ҳақидаги фикрларини ҳам келтиради: “Шоҳи зинда масжиди биноти узоқданоқ ақлу хушингизни ўғирлайди. Фақат буюк, қудратли ҳукмдоргина шундай биноти қуришни буюра олиши ва уни фақат худди шундай буюк рассом-меъморгина худди шундай ёрдамчилар – қурувчи, сураткаш, кимёгарлар, қолипчилар билан қура олиши мумкинлигини тушуниб етасиз...”³.

Асарнинг бешинчи бобида Самарқанддан Тошкентгача бўлган йўллар ҳамда ҳаракатланиш воситалари (аравалар, юк ва йўловчи ташувчи ҳайвонлар), ҳудуд аҳолиси ва урф-одатлари ҳақида маълумот берилади ва мусулмон аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги аҳволи борасида муаллифнинг мулоҳазалари келтирилади.

Д. Эварницкий ўз кузатишлари асосида Запорожье казакларининг белига қалин белбоғ боғлаб, унга тамаки, пул, рўмолча, чой, шакар ва бошқа шу сингари зарур буюмларни тугиб юриш одати Ўрта Осиёда ҳам учрашини қайд этади. Шунингдек, муаллиф олмос (алмаз), зумрад (изумруд), дутор (гитара), узум (изюм), хазина (казна), иштон (штаны) ва шу каби кўплаб сўзлар рус тилига шарқдан кириб келган, деган хулосага келган ва бунга кўплаб мисоллар келтирган⁴.

¹ Эварницкий Д. И. Путеводитель по Средней Азии... – Б.92.

² Бу ўринда муаллиф графиня Уварованинг қуйидаги манбада чоп этилган маълумотларини келтирган: Русская мысль, 1891. XII, 4.

³ Эварницкий Д. И. Путеводитель по Средней Азии... – С.93-94.

⁴ Ўша жойда. – С.132-133.

Д. Эварницкийнинг фикрича, Шарқнинг Россияга таъсири жуда кучли бўлиб, муаллиф кўхна Русь тарихини ўрганишга киришган ёш олимлар аввало Ўрта Осиёга, ундан сўнггина Ғарбий Европага боришлари зарурлигини, қадимги Руснинг ўтмиш ҳаётига шарқнинг кўрсатган таъсирини тан олмайдиган ёки бунга аҳамият бермайдиган олимларни ҳам Ўрта Осиёга жўнатишни тавсия қилади¹.

Асарнинг олтинчи бобида Илон ўтди дараси, Темур дарвозаси, 1425 ва 1471 йилларда битилган Темур дарвозаси олдидаги тошлардаги ёзувлар ҳақида маълумотлар, Жиззахнинг қисқача тарихи, Сирдарё, унинг ўтмиши билан боғлиқ тарихий лавҳалар келтирилган.

Тошкент ва унинг қисқача тарихига тўхталиб, муаллиф шаҳар ўтмишини араблар, хоразмликлар, мўғуллар, ўзбек ва қирғиз-қайсақлар, қўқонликлар, бухороликлар ҳукмронлиги даврларига ажратиб ёритган. Шунингдек, Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги диққатга сазовор жойлар ҳақида маълумотлар келтирган. Китобга Туркистон ўлкасининг картаси, шунингдек, Ўрта Осиё темир йўли харитаси ҳам илова қилинган.

И.И. Гейер томонидан тузилган йўл кўрсаткич², асар муаллифининг таъкидлашича, Туркистон ўлкаси ҳаётининг барча соҳаларига оид замонавий маълумотларни жамлаш йўлида дастлабки тажриба эди. Уни тайёрлашда муаллиф ўлкадаги статистика қўмитаси материаллари, Туркистон ўлкаси вилоятларининг йиллик расмий ҳисоботлари, ўлкага тааллуқли барча асарлардан унумли фойдаланган ва турли ҳудудларга шахсан ўзи бориб, материал тўплаган.

¹ Эварницкий Д. И. Путеводитель по Средней Азии... – Б.133–134.

² Гейер И.И. Путеводитель по Туркестану с двумя картами и одним портретом. Издание I. – Т.: Типо-литография В.М. Ильина, 1901. – С.255.

И. Гейер яхши асосланган йўл кўрсаткични тузиш учун муайян соҳа бўйича ишлаган муаллифларнинг биргаликда меҳнат қилишлари лозимлигини яхши англаган ҳолда, асарнинг географияга оид қисмини тайёрлашда В.Ф. Ошанин, этнография бўлимини ёзишда Н.П. Островский, иқлим ҳақидаги маълумотларни қайд этишда В.В. Стратонов кўрсатмалар берганлигини қайд этиб ўтган.

Асардан ўлканинг умумий шарҳи, Каспийорти, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятлари, Бухоро амирлиги, минтақанинг табиий-иқлим шароити, ишлаб чиқариши, географик тузилиши, деҳқончилиги, қазилма бойликлари, аҳолиси, урф-одатлари, катта-кичик шаҳар-қишлоқларига оид кўплаб маълумотлар ўрин олган.

Масалан, И. Гейер Бухоро ҳақида тўхталиб, шаҳарда 360 дан ортиқ кўча ва жин кўчалар, 50 га яқин карвонсаройлар, 350 дан ортиқ масжидлар (8 та асосийларидан ташқари) ва 103 та мадраса борлигини, уларда 10 минг талабалар ўқишини айтиб ўтган¹. Муаллифнинг қайд этишича, шаҳар аҳолиси Москва, Нижний Новгород, Лодзь, Ҳиндистон, Афғонистон ва Эрон билан қизгин савдо алоқаларини олиб борганлар. 20 дан ортиқ Европа фирмаларининг вакиллари Бухорода иш олиб бориб, йилига бир неча ўн миллионлаб рублдан иборат бўлган битимлар тузганлар.

Фарғона вилояти шаҳарлари ҳақида сўз борганда, йўл кўрсаткичда у ердаги тиббий муассасалар ҳамда табиий даволаниш масканлари, жумладан, Янги Марғилондан 25 версть узоқликдаги Водил қишлоғи, Шоҳимардон, Оби-шифо минерал манбаининг шифобахш хусусиятлари ҳақида, шунингдек, Намангандан 80 верст узоқликдаги Подшо ота ҳудуди, Андижон уезди ҳудудидаги

¹ Гейер И.И. Путеводитель по Туркестану... - Б.122.

машхур Ҳазрати Аюб минерал суви ҳақида маълумотлар келтирилган¹.

Юқорида таҳлил қилинган йўл кўрсаткичлар асосан шахсий кузатувлар ва суриштирувларига асосланганлиги боис, айрим маълумотларда муаллифларнинг субъектив ёндашувлари ҳам кўзга ташланади.

Худди шундай йўл кўрсаткичлардан бири В. Антипин ва Н. Левашевлар томонидан тузилган бўлиб, А. Дмитриев-Мамонов таҳрири остида чоп этилган².

Йўл кўрсаткич Россия империяси Алоқа йўллари вазири М.И. Хильковнинг топшириғи билан янги лойиҳалаштирилаётган Тошкент–Оренбург темир йўли учун тайёрланган. Муаллифларнинг қайд этишларича, улар йўл кўрсаткичда бепоён ва қизиқарли ўлканинг “физикавий-географик, иқтисодий ва тарихий шароитларини имкон қадар аниқ далиллар асосида” ёритишни мақсад қилганлар.

Муаллифлар ўзларининг шахсий кузатув ва тадқиқотларидан ташқари, жуда кўплаб манбалар ва асарлардан, хусусан, рус тадқиқотчиларининг Туркистонда олиб борган илмий изланишлари, ўлка тарихи ва археологиясига оид асарлари, Зироатчилик ва давлат мулки вазирлигининг қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришга оид маълумотларини ўз ичига олувчи адабиётлар, турли соҳа мутахассисларининг тадқиқотлари, расмий статистика материалларидан кенг фойдаланганлар.

В.Н. Антипин ва Н.Н. Левашев тайёрлаган йўл кўрсаткичда темир йўли лойиҳалари, уларнинг муҳокама жа-

¹ Гейер И.И. Путеводитель по Туркестану... – Б.241.

² Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороге: С историческим очерком сооружения и эксплуатации Закаспийской военной железной дороги и очерком сооружения Оренбург–Ташкентской железной дороги / Под. ред. А.И. Дмитриева-Мамонова. Сост. Антипин В.Н., Левашев Н.Н. – СПб.: В. Березовский, 1903. – С.536.

раёни, темир йўл ўтган ҳудудларнинг табиий-географик ҳолати, бу омилларнинг темир йўл фаолиятида нечоғлик аҳамият касб этиши борасидаги мулоҳазалар билдирилган.

Хусусан, минтақанинг турли ҳудудларидаги ўзига хос моддий маданият, жумладан, уй-жойлар қурилиши, кийиниш маданияти, маданий ҳаёт масалалари талқин этилганлиги аҳолининг ижтимоий ҳаёти билан яқиндан танишиш имконини беради.

Асарда маҳаллий аҳолининг ҳордиқ чиқариш масканлари – чойхоналар тавсифланиб, бу ердаги “узунқулоқ гаплар”, “ҳофиз”, “маддоҳ”, “аския” каби тушунчаларга изоҳ берилган, аҳолининг бозорлари, кийим-кечаклари батафсил ёритилган¹.

А. Дмитриев-Мамонов томонидан тайёрланган йўл кўрсаткичда ҳам Ўрта Осиё ҳудуди аҳолисининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига оид кўплаб маълумотлар ҳамда қимматли фотосуратлар келтирилган. Асарда Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлигининг маъмурий-ҳудудий ва географик жойлашуви, тарихи, табиати ва иқлими, табиий қазилма бойликлари, иқтисодиёти билан бирга, ўлка халқларининг маданий ҳаёти ва этнографиясига оид маълумотлар ёритилган.

Муаллиф Туркистон ўлкасидаги боғдорчилик ҳақида сўз юритар экан, бу ерда узумнинг 30 дан ортиқ навлари етиштирилишини, уларнинг нафақат истеъмол, балки майиз қилиш ва виночилик учун мос эканлигини, бошқа ҳудудлар (Бессарабия, Кахетия, Қрим) билан қиёслаганда ҳосилдорлиги 3–4 марта кўплигини қайд этган².

¹ Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороге... – С.51– 54.

² Дмитриев-Мамонов А. Путеводитель по Туркестану и железным дорогам... – С.99–101.

Йўл кўрсаткичда Тошкент аҳолиси ва уйлар сони, аҳоли таркиби, шаҳар инфратузилмаси ҳақида маълумотлар келтирилади. Муаллиф Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 4500 та дўкон, 349 та масжид, 199 та мактаб, 22 мадраса, 6 та қорихона, 32 та маҳаллий тилдаги босма китоблар сотиладиган махсус китоб дўконлари, 3 та амбулатор касалхоналар (шундан биттаси эркаклар, 2 таси аёлларники) борлигини қайд этади¹.

А. Дмитриев-Мамоновнинг қайд этишича, аксарият шаҳарликларнинг шаҳар ташқарисида чорбоғлари бўлиб, ўзига тўқ шаҳарликлар ёзни ўша ерда ўтказганлар. Чорбоғларда гулзор, боғ, полизлар бўлиб, тошкентликлар меҳмонларни кўпинча дала ҳовлиларига чақириб, меҳмон қилганлар. Шаҳарликларнинг қудуқ суви билан таъминланиши ёмон аҳволда бўлиб, янги шаҳарда – 432, эски шаҳарда – бор-йўғи 32 та қудуқ мавжуд эди².

Муаллиф бутун Ўрта Осиё минтақаси савдо алоқаларида етакчи мавқелардан бирини эгаллаган Бухорони таърифлар экан, шаҳар бозорларининг расталари сотиладиган товарлар ва ҳамда савдогарларнинг миллий мансублигига қараб бўлинганлигини айтиб ўтган. Масалан, шойи, чит, мис ёки кумуш, эгар, гилам ва палос ва ҳоказолар алоҳида расталарда сотилган. Ҳинд, Эрон, Қўқон, Хива ва бошқа ҳудудларнинг маҳсулотлари алоҳида қаторлардан ўрин олган.

Йўл кўрсаткичлар муаллифларининг касб-кори ва ташрифи мақсадлари турлича бўлиб, уларнинг аксарияти ўлкага империя манфаатлари нуқтаи назаридан баҳо берганлар. Баъзи ўринларда ноаниқ маълумотлар ҳам учраб туради. Шунга қарамай, йўл кўрсаткичлар

¹ Дмитриев-Мамонов А. Путеводитель по Туркестану и железным дорогам... – Б.278.

² Ўша жойда. – Б.279.

темир йўллар билан боғлиқ маълумотларнигина эмас, ўлка аҳолисининг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ масалаларни ёритишда ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилади.

5-§. Статистика материаллари

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон тарихи, маданияти ва табиатига оид тарихий адабиётлар ва тадқиқотлар орасида статистика тўпламлари алоҳида аҳамият касб этади. Россия империяси бош штабининг маслаҳат кенгаши тавсияси билан ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш учун барча зарур маълумотларни тўplash, тизимлаштириш мақсадларида 1866 йилда тузилган Туркистон статистика қўмитаси 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиши билан ўлкадаги ҳаётнинг барча жабҳаларида мустамлакачилик сиёсатини “самарали ташкил қилиш” мақсадида статистик тадқиқотлар бошлаб юборилди. Қисқа фурсатларда, аниқроғи 1872–1879 йилларда Н.А. Маев масъул муҳаррирлигида жами 6 та тўплам тайёрланиб, чоп этилди.

Тўпламлардан ўрин олган материаллар мазмуни ва тадқиқот йўналиши жиҳатидан турлича бўлиб, ўлка истилосидан кейинги дастлабки 10 йил мобайнида аниқланган маълумотлар асосида яратилган.

Мазкур маълумотларнинг аксарияти ҳисобот шаклида бўлиб, амалий мақсадларда тўпланганлиги боис ҳақиқий аҳволни акс эттириши билан бирга ўлканинг истило арафасидаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига анча яқинлиги билан катта қизиқиш уйғотади.

Н.А. Маевнинг масъул муҳаррирлиги остида тайёрланган Туркистон тарихига бағишланган тўпламнинг биринчи нашрида ўлканинг топографияси, орография

ва гидрографияси, ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолиси, Тошкент ва Ўратепа шаҳарлари, Хўжанд, Жиззах, Чимкент, Ўратепа, Авлиёота, Қурама уездлари аҳолиси ва унинг таркиби, шаҳар ва қишлоқлари, уй-жойлари ҳақида жуда муҳим маълумотлар, мақолалар ўрин олган бўлиб, истило арафасида ва ундан кейинги дастлабки 5 йилликдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади¹.

Иккинчи статистик тўпланда эса Бухоро хонлигидаги айрим бекликлар, Шаҳрисабз беклигининг Бухоро билан ўзаро муносабатлари, қадимги савдо йўлларига оид қимматли маълумотлар ўрин олган².

Учинчи тўплам мазмунан турли масалаларни қамраб олган. Ундан Ўрта Осиё халқлари этнографияси, манғитлар сулоласининг шажараси, Амир Темур кутубхонаси ҳақидаги ҳикоялар, Ўрта Осиё ҳақидаги рус тадқиқотла-

¹ Материалы для статистики Туркестанского края (Ежегодник / Под ред. Н.А. Маева). – СПб., 1872. Вып.1: Топографический очерк Туркестанского края: орография и гидрография края. – Буняковский А.В. О пространстве и населении Туркестанского края. – Статистические сведения по Сырдарьинской области – Маев Н.А. О числе домов и жителей в русском Ташкенте. – Число дворов и отдельных зданий в азиатском Ташкенте. – О числе населения в Азиатском Ташкенте. – Терентьев М.А. Города, кишлаки и аулы Кураминского уезда. – Кушакевич А. Аулы и зимовые стойбища кочевников Ходжентского уезда. – Кишлаки Ходжентского уезда. – Статистические сведения о городах: Ходженте и Ура-Тюбе. – О количестве обрабатываемой земли Ходжентского уезда. – О кочевом населении Ходжентского уезда. – Кишлаки и аксакальства полуоседлого населения Ходжентского уезда. – Котуренко М. О населенных местах Джизакского уезда. – Население Джизакского уезда по сословиям. – Население Джизакского уезда по вероисповеданиям.

² Материалы для статистики Туркестанского края (Ежегодник / Под ред. Н.А. Маева). – СПб., 1873. Вып.2: Краткие исторические заметки о бывших бекствах: Нагианском, Фарабском, Кштутском; Хорошин А. Сургут. Топографический очерк; Аминов Г.А. Краткие исторические сведения о прежних отношениях Бухары и Шахрисябзу. Бутаков А. Несколько страниц из истории Хивы. – Маев Н. Очерк истории киргизского народа с 1732 по 1868 г. – Древний торговый путь в Среднюю Азию.

ри библиографияси ҳамда маҳаллий аҳоли этнографиясига оид маълумотлар ўрин олган¹.

Тўртинчи тўпламда эса қуйи Амударё воҳаси маданияти, Тошкентнинг эски шаҳар қисмига оид материаллар, Самарқанд масжидлари ва мадрасалари ҳамда уларнинг вақфлари, халқ судлари ҳақида қизиқарли маълумотлар тақдим этилган². Бешинчи тўпламда шарқий Бухоро бекликлари ҳақида маълумотлар ўрин олган³.

Юқорида қайд этилган статистик маълумотлардан империя ҳарбийлари ва Туркистон маъмурияти янги экспедицияларга тайёргарлик кўриш, ҳарбий-статистик таърифларни тузиш ва бошқа шу каби ишларни бажаришда самарали фойдаланганлар. Ушбу маълумотлар ҳатто, ҳарбий доираларда ҳам оммалаштирилмаган.

1879 йилда Туркистон ҳарбий округида Туркистон ўлкасини тадқиқ қилиниши билан шуғулланган илмий экспедициялар ҳақида чоп этилган рисола уларни оммалаштириш борасида биринчи қадам бўлиб, унда полковник П.П. Матвеев, штабс-капитан А.Н. Быков, подполковник Н.А. Маев, полковник Н.Н. Гродеков сафарлари ҳамда генерал Н.Г. Столетов элчилиги натижалари ҳақида қисқача маълумотлар ўрин олган эди⁴.

¹ Материалы для статистики Туркестанского края (Ежегодник / Под ред. Н.А. Маева). – СПб., 1873. Вып.3: Хорошин А. Народы Средней Азии. Минг; Гребенкин А. Родословная Мангитской династии; Бардашев Г. Материалы для этнографии Средней Азии; Кун А.Л. Коран Осман. Предание о библиотеке Тамерлана; Дмитриевский Н.В. Библиографический указатель сочинений о Средней Азии, напечатанных в России на русском языке с 1692 г.

² Кун А.Л. Культура оазисов низовьев Аму-Дарьи; Маев П. Азиатский Ташкент. – Вирский М. Медресе и мечети Самарканда и их вакуфы. – Юридические обычаи киргиз и о народном суде у кочевого населения Туркестанского края.

³ Маев Н.А. Очерк горных бекств Бухарского ханства; Очерки Гиссраского края.

⁴ Ученые экспедиции, занимавшиеся исследованием Туркестанского края в 1878 г. – Т., 1879.

Туркистонда нашр этилган статистик тўпламлар, маълумотнома, манзилли тақвимлар, айниқса, солномалар мунтазам характерга эга бўлмаса-да, уларда маълум бир ҳудуд ёки соҳадаги ҳолатни акс эттирувчи маълумотлар жамланган. Улар асосан кенг омма учун эмас, балки хизмат доирасида маъмурият вакиллари, ҳарбийлар фойдаланиши учун марказда таҳлилий ишлар учун топшириқ асосида тайёрланиб, чоп этиб борилган. Масалан, маҳаллий аҳоли, уларнинг уй-жойларининг рўйхати солиқлар миқдорини аниқлаш ва белгилаш учун ўрганилган ва чоп этилган. Айни пайтда бундай нашрларда тарихий, этнографик, географик тадқиқотлар йўналишида ҳам кўплаб материаллар эълон қилиб борилган.

1880 йилга оид тақвим маълумотномасида Туркистон тарихи, савдоси ҳақидаги маълумотлар, бир қатор илмий изланишлар натижалари, йўл хариталари, Туркистон ҳарбий Округи таъминоти, карталар ўрин олган¹. 1898 йилга оид манзилли тақвим эса тижорат йўналишида бўлиб, савдо ва саноат корхоналари фаолиятига оид маълумотлар берилган².

1878 йилда эса таълим тизимига бағишланган тўплам тайёрланиб чоп этилган³. 1904 йилда эса савдо

¹ Пьянков В.Г. Туркестанский календарь на 1880 год. Справочная книжка, заключающая в себе разные сведения о Туркестанском крае в отношениях историческом, научном, правительственном, торговом и т.п., а также адрес-календарь, а также, дорожные карты. Туркестанский военный округ и таблицы. раскладок на довольствие войск округа. – Т., 1879. 412 страниц; 3 листа таблиц и карт.

² Туркестанский коммерческий адрес-календарь. 1898. Сведения о торгово-промышленных фирмах в Самарканде, Фергане и Сыр-Дарьинской области и в Бухаре. Самарканде. Областной статистический комитет, 70 страниц.

³ Памятная книжка Управления учебными заведениями Туркестанского края на 1878–1879 учебный год. – Санкт-Петербург, 1878. 179 страниц.

гильдиялари ҳақида маълумотнома чоп этилган¹. Темир йўллар қурилиши, ҳолати ва фаолиятига оид махсус йўл кўрсаткичлар² шаҳарлар, темир йўл станцияларининг жойлашуви ва ҳолатини акс эттирувчи маълумотларга, Туркистон Ҳарбий Округига бағишланган тўпламлар ҳарбий кучлар таркиби, тузилмалари ва таъминоти, шахсий таркиби, лавозим ва мансаб эгалари ҳақидаги маълумотларга бойлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Статистик қўмиталар Россияда ҳам мунтазам равишда иш олиб борган ва унинг натижалари йилма-йил чоп этиб борилган. 1883 йилдан бошлаб Санкт-Петербургда Осие бўйича географик, топографик ва статистик материаллар тўплами ("Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии"³) номи билан тўплам чиқа бошлади. 1914 йилгача унинг 87 сони чиқди. Унда чоп этилган материаллар Бош штаб ҳарбий-ўқув қўмитаси, кейинчалик эса Бош штаб Бош бошқармаси генерал-квартирмейстер бўлими томонидан назорат остига олинган эди. Аммо бу тўплам кенг омма учун эмас, балки олий ҳокимиятнинг хизмат доирасида фойдаланиши учун ҳамда Осиеда хизмат вазифасини бажараётган ёки махсус шу масала билан шуғулланаётганлар учун мўлжалланган эди. Муаллифларнинг деярли барчаси ҳарбий лавозимдаги кишилар эди.

¹ Перечень купцов 1-й и 2-й гильдии и промышленников по свидетельствам. Указаны род торговли или промысла, место торговли и другое. Туркестанский календарь на 1904 год. – Т., 1904. 517 страниц; 2 листа с картой и планами.

² Путеводитель по Туркестану и железным дорогам Средне-Азиатской и Ташкентской. Изд. 10-е. – С.-Петербург. 1916. 4, 452 страниц с иллюстрациями и таблицами.

³ Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1883–1914.

Осиё бўйича географик, топографик ва статистик материаллар тўплами ҳудудий тамойил асосида яратилган, яъни ҳар бири битта Осиё мамлакатига бағишланган.

“Тўплам” доирасида дипломатик идоралар вакилларининг нашрлари ҳам чоп этилган. Улар қўп йиллар давомида Шарқда хизмат вазибаларини ўтаб, мунтазам равишда Ташқи ишлар вазирлигига хорижий мамлакатларда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий жараёнлар, маданий-маънавий воқеликлар ҳақида етказиб турган хабарлари ҳам чоп этиб борилган.

Масалан, Бош штаб полковниги Матвеевнинг 1877 йил февраль ойида Бухоро ва Афғон мулки эгаликларига ташрифи, 1878 йилда Бош Штаб полковниги Гродековнинг Самарқанддан Ҳирот орқали Афғонистонга ташрифи¹ шулар жумласидан эди.

Осиё бўйича географик, топографик ва статистик материаллар тўпламида чоп этилган Ўрта Осиё ҳудудининг турли қисмларида олиб борилган рекогносцировка ишларининг натижалари, йўл маршрутлари ҳам ўрин олган. Хусусан, Амударё воҳаси очерклари², Москвадан Тошкент ва Самарқандгача, Россиядан Ўрта Осиёга олиб борадиган савдо йўллари, Каспийортидан Бухоро ва Хива хонликларига олиб борадиган йўллар³, Бухоро хонлиги текисликларининг 1883 йилдаги ҳарбий рекогносцировкаси, Бухоро амирлиги воҳалари, Амударёдаги ке-

¹ Сп. П. Матвеев. Поездка по бухарским и афганским владениям // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. 1883. Вып.V; Матвеев. Краткий очерк Бухары 1887 г. Ген. Штаба Полковника Матвеева // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. 1888. Вып.XXXVI. – С.1–8.

² Очерки Амударьинской долины // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1884. Вып.9. – С.34–73.

³ Сведения о пути в Среднюю Азию, через Мертвый Култук, по Усть-Урту и Аму-Дарье // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1884. Вып.9.

чувлар, Бухоро шахри ҳақидаги маълумотлар¹, Бухоро амирлигининг Панж дарёсининг шарқий қирғоғидаги ҳудудлари ва Амударёнинг шарқий соҳилида яшовчи эрсари уруғ-қабилалари ҳақидаги маълумотлар² шулар жумласидан эди.

Туркистонда 1880 йиллардан бошлаб 1913 йилгача ҳар бир вилоят қошида иш олиб борган статистика қўмиталари томонидан тайёрланган вилоят шарҳлари (обзорлар) нашр этиш йўлга қўйилади. Вилоят статистика қўмиталари орасида Сирдарё вилояти статистика қўмитаси алоҳида ўринга эга бўлган. Бу қўмита қошида шарқ манбаларини таржима қилиш бўйича махсус фонд фаолият юритган. Унга 1881–1907 йилларда И.И. Гейер котиблик қилган. Унинг масъул муҳаррирлиги остида ушбу қўмита томонидан Сирдарё вилоятига оид 13 та тўплам чоп этилган.

1885–1912 йилларда Сирдарё вилояти шарҳларининг 28 та сони³, 1891–1907 йилларда Сирдарё вилояти статистикаси учун материаллар тўпламининг 17 та нашри⁴ тайёрланиб, чоп этилган. Тўпламларнинг биринчи қисмида статистик ва иккинчи қисмида этнографик маълумотлар ўрин олган.

Хусусан, Сирдарё вилояти шарҳларининг 1891 йилга мансуб биринчи сонидан Н. Остроумов томонидан тўпланган туркман халқи мақоллари, Чимкент ва Авлиё-

¹ Военная рекогносцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. Г-Ш Капитана Архивовым // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1884. Вып.10. – С.171–237.

² Капитан Покотило. Краткие статистические сведения о племенах Эрсары обитающих левый берег Амударьи от селю Боссаги до Чарджуя // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., Вып.25, 1887. – С.278–292.

³ Обзоры Сыр-Дарьинской области. – Т., 1885–1912.

⁴ Сборники материалов для статистики Сыр-Дарьинской области / Под ред. И.И. Гейера. – Т., 1891–1907. Вып.1–13.

ота уездларида А. Диваев тўплаган эртақлар¹, кейинги сонларида А. Диваев тўплаган этнографик материаллар, маҳаллий аҳолининг эртақ ва мақоллари, ривоятлар, дostonлар, Ялмоғиз кампир, Алпомиш дostonи, Сирдарё вилояти қирғизларининг эртақлари қирғиз тилида ҳамда русча таржимаси билан берилган². Эътиборлиси шундаки, уларнинг кўпи араб алифбосида ва оригинал тилда (қирғиз, туркман, ўзбек тилларида) ҳам берилган, айрим ҳолатларда рус тилига таржима ҳам қилинган.

Сирдарё вилоятининг шарҳларида Н.С. Лыкошин томонидан амалга оширилган тадқиқотлар, хусусан, дарвешлар, эшонлар ҳақидаги мақолалари³, мусулмонлар ахлоқ кодекси “Одоб ас-солиҳин”⁴ ҳамда “Рисолаи тариқат” асарларининг рус тилига таржималари ўрин олган.

Сирдарё вилояти статистик тўпламларида ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли масалаларига оид мақолалар ўрин олган. Хусусан, унинг X тўпламида Тошкент шаҳар турмасидаги аҳволга оид материаллар ўрин олган бўлса⁵, XI тўпламида А. Шишовнинг “Сартлар” деб аталган жуда катта мақоласи ўрин олган бўлиб,

¹ Остроумов Н.П. Пословицы и поговорки туземного населения Туркменского края. – Сказки, собранные в Чимкентском и Аулие-Атинском уездах А.А. Диваевым // Он же: Демонологические рассказы; Он же: Приметы, сартовские пословицы, сказки // Обзоры Сыр-Дарьинской области / Под ред. И.И. Гейера. – Т., 1891. Вып.1.

² Этнографические материалы, собранные А.А. Диваевым. Сказки, басни // Обзоры Сыр-Дарьинской области / Под ред. И.И. Гейера. – Т., 1893. Вып.2.

³ Лыкошин Н.С. Роль дервишей в мусульманской общине ташкентских туземцев. – Лыкошин Н.С. Ишаны ташкентские. “Риссалья-и-тарикат”. Пер. Лыкошина // Обзоры Сыр-Дарьинской области / Под ред. И.И. Гейера. – Т., 1893. Вып.7.

⁴ Лыкошин Н.С. Кодекс приличия востока (Адабу-с-салихин). – Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. 1902. Вып.4.

⁵ Ташкентской городской тюрьмы за 1900 год (с 27 ведомостями) // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. Том X. – Ташкент, 1901.

унда руслар томонидан асоссиз шундай ном олган маҳаллий аҳолининг антропологик ва этнографик қиёфаси, яшаш жойидан тортиб, машғулотларигача, уй-жойидан тортиб оиласи, дини, хўжалиги, урф-одатлари, фарзанд тарбияси, хунармандчилиги, антропологик хусусиятларигача ўз аксини топган¹.

Сирдарё вилоят статистика қўмитаси томонидан 15 дан ортиқ алоҳида нашрлар ҳам чоп этилган². Уларда турли йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар, хусусан, исломшуносликка оид асарлар³, Тошкент шаҳрида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича таҳлилий ва статистик маълумотлар катта қизиқиш уйғотади⁴. Сирдарё статистика қўмитасининг 1887–1888 йилларга мансуб тўпламларида ҳам бир қатор тарихий, этнографик тадқиқотлар натижалари ва материаллари ўрин олган бўлиб, улар орасида Н. Лыкошиннинг Амир Темур шажараси таржимаси, В. Наливкиннинг Нанай қишлоғидан тайёрланган лавҳалари⁵

¹ Сарты. Этнографическое и антропологическое исследование А. Шишова // Сборник материалов для статистики Сырь-Дарьинской области. Том XI. 1904. – С. 1-496.

² А.Х. Добросмысловъ. Города Сыр-Дарьинской области. Казалинскъ, Перовскъ, Туркестанъ, Аулие-ата и Чимкентъ. – Т., 1912; Остроумов Н. Пословицы туземного населения Туркестанского края. – Т., 1889. – С.48. 1897. Поземельно-податные сведения по Ташкентскому уезду. – Т., 1894. – С.85; Пославская А., Смирнов Е.Т. Сыр-Дарьинская область. – Т., 1895. – С.352; Султаны Кенисара и Садык. Биографические очерки Султана Ахмета Кенисарина / Обработка Е.Т. Смирнова. – Т., 1889; Сыр-Дарьинская область. 1906 год. – Т., 1907. – С.2, 4, 288.

³ Остроумов Н.П. Исламоведение. I. Аравия, колыбель ислама. – Т., 1910. – С.278; Остроумов Н.П. Исламоведение. III. Коран. – Т., 1914; Иоганн Гаури. Ислам и его влияние на жизнь его последователей / Пер. с нем. – Т., 1893.

⁴ Мандельштам Е. Обзор десятилетней деятельности амбулаторной лечебницы для туземных женщин и детей г. Ташкента. – Т., 1894. – С.127.

⁵ Автобиография Тамерлана / Пер. с тюркского Н. Лыкошина. – Т., 1894. – С.115; Наливкин В. Опыт статистического очерка Кышлака Нанай; Остроумов Н.П. Пословицы туземного населения Туркестанского края; Ост-

каби этнографик тадқиқот материаллари эътиборга лойиқ.

Самарқанд вилояти статистика қўмитаси томонидан манзилли тақвимлар, маълумотнома китоблар, вилоят статистика шарҳлари йилма-йил тайёрлаб, чоп этиб борилган. Улардан Зарафшон воҳасига оид статистик маълумотлар, тадқиқотлар, таҳлилий материаллар, турли мавзулардаги мақолалар ўрин олган. Улар орасида маълумотнома китоблари кўпчиликни ташкил қилади¹.

Масалан, 1893 йилга мансуб манзилли тақвим ва маълумотнома китобининг биринчи сони икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида Самарқанд вилоятининг манзилли тақвими – ҳарбий-маъмурий бошқарув ва полиция бошқармаси, молия, ички ишлар, халқ таълими тизими, хизматчиларининг шахсий таркиби, уй эгалари ҳақида батафсил маълумот берилди². Иккинчи қисмдан эса статистик маълумотлар ўрин олган бўлиб, вилоят ва уезддаги ўтроқ аҳолининг ер-солиқ тартиби, рус аҳолисининг бир кунлик рўйхати, вилоятдаги шаҳарлар, ирригация тизими, ташқи савдо, бож йиғимлари, почта ва телеграф хизмати, йўллар, транспорт воситалари, Тошкент–Самарқанд темир йўл фаолиятига оид статистик материаллар ўрин олган.

Самарқанд шаҳар маълумотномасида рус шарқшуносларининг тарихий мавзулардаги жуда кўп мақолалари чоп этилган. Хусусан, 1896 йил сонида С.А. Лапиннинг

роумов Н. Пословицы туземного населения Туркестанского края // Труды Сыр-Дарьинского областного статистического комитета в 1887–1888 гг. – Т., 1889. – С.264.

¹ Справочная книжка и адрес-календарь Самаркандской области / Под ред. М.М. Вирского. – Самарканд, 1893–1914.

² Справочная книжка Самаркандской области. Вып. I. – Самарканд, 1893.

Самарқанд тарихий обидалари ёзувлари, В. Вяткиннинг Самарқанднинг араблар томонидан босиб олиниши, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари-дан Самарқанд ҳақидаги маълумотларнинг рус тилига таржималари, Шоҳизинда ёдгорлиги¹, 1897 йил сонидан М.М. Вирскийнинг Самарқанд вилоятидаги қадимий кўрғонлар², 1899 йил сонидан В.Л. Вяткиннинг Абу Тохир Хожанинг “Самария” асари асосида тайёрланган қадимий обидалар ва мусулмон зиёратгоҳлари ҳақидаги мақоласи³, 1907 йил сонидан Самарқандийнинг “Кичик Қандия” асарининг Н. Лыкошин томонидан тайёрланган таржимаси ва бошқа мақолалар чоп этилган⁴.

Фарғона вилояти статистика қўмитаси томонидан вилоят бўйича статистика маълумотлари тўпламининг

¹ Справочная книжка и адрес-календарь Самаркандской области / Под ред. М.М. Вирского. – Самарканд, 1896. – Лапин С.А. Перевод надписей на исторических памятниках г. Самарканда; Андреев М. Исторические заметки о г. Ходженте. – Вяткин В. Как арабы овладели Самаркандом. – Вяткин В. Самарканд и его окрестности в прошлом по описанию Султана Бабура Мирзы / Пер. из книги “Бабур-намы”. – Вяткин В. Как персидский царь Самар овладел Самаркандом. – Лапин С.А. Шахи-Зинда и его намогильный памятник. – Щербина-Краморенко Н. По мусульманским святыням Средней Азии.

² Справочная книжка и адрес-календарь Самаркандской области / Под ред. М.М. Вирского. – Самарканд, 1897. – Вяткин В.Л. Самаркандские легенды (Еврейский мудрец Чупан-ата. Дархан, Шейх-Мотырид, Шахи-Зинда). – Вяткин В.Л. Самаркандский вилайат. – Вирский М.М. Древние курганы Самаркандской области. – Чертков В.И. Древние курганы в Катта-курганском уезде. – Летопись Самаркандской области.

³ Справочная книжка и адрес-календарь Самаркандской области / Под ред. М.М. Вирского. – Самарканд, 1899. – Самарийя. Описание древностей и мусульманских святынь Самарканда, Абу Тахир Ходжи / Пер. В.Л. Вяткина.

⁴ Справочная книжка и адрес-календарь Самаркандской области / Под ред. М.М. Вирского. – Самарканд, 1906. – Лыкошин Н.С. Чапкуляукская волость Ходжентского у. – Кандия Малая, перевод арабского труда Абу Хафса Наджметдина Умаоа б. Муҳаммад ан-Насафи ас-Самарканди / Пер. В.Л. Вяткина. – Вяткин В.Л. Гури-эмир. Библиографическая заметка. – Самаркандская область по переписи 1897 года. – С.354.

1885–1917 йилларда 20 дан ортиқ нашрлари¹ ҳамда 1902–1904 йиллар учун вилоят йилномасининг 3 та тўплами², Фарғона вилоятининг манзилли маълумотномаси³ ва аҳоли манзилгоҳлари рўйхати⁴, Фарғона вилоятининг 5 жилдли ер-солиқ ишларига бағишланган статистик баёни (1897–1912 йиллар) тайёрланиб, чоп этилган⁵.

Мазкур тўпламларда, хусусан, Фарғона вилоятининг 1902 йилга оид йилномасида вилоят аҳолиси, шаҳарлари, табиати, иқтисоди, шаҳар ҳаёти ва бошқалар ҳақида, шу билан бирга бир қатор тарихий, иқтисодий ва бошқа йўналишлардаги мақолалар ўрин олган. Хусусан, Помир худудининг тарихий географик таърифи, сўнгги Қўқон хони Худоёрхоннинг турмуш тарзи, Наманган уездида 1880–1901 йилларда пахтачилик таҳлили, Андижондаги табиий офатлар ва якуний қисмида Фарғона водийсидаги хизматчиларнинг шахсий таркибига оид маълумотлар, иккинчи тўпламида эса В.П. Наливкиннинг Туркистонда вақф ишлари ҳолатига оид мақоласи ўрин олган⁶.

Фарғона вилоятининг 1888 йилга бағишланган статистика шарҳларида вилоятнинг табиий ва ишлаб

¹ Статистический обзор Ферганской области. – Новый Маргелан-Скобелев, 1884–1913.

² Ежегодник Ферганской области. Т.1–3. Вып. 1902, 1903, 1904. г. – Новый Маргелан. 1902, 1903, 1904.

³ Адресная справочная книга Ферганской области на 1912 г. – Скобелев, 1912. Обл. стат. Ком., III, XVII. – С.45.

⁴ Список населенных мест Ферганской области с показанием числа дворов земельных и безземельных, числа душ мужского и женского пола, расстояния до уездного города и до ближайшей почтовой или ж.-д. станции. – Скобелев, Обл. стат. ком., 1909. – С.161.

⁵ Материалы для статистического описания Ферганской области: Результат поземельных податных работ. – Скобелев, 1897–1912. Вып.1–5.

⁶ Ежегодник Ферганской области. 1903 г. Вып.2, – Новый Маргелан, 1903.

чиқариш кучлари (деҳқончилик, ипакчилик, чорвачилик, ўрмон хўжалиги), озиқ-овқат таъминоти, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси машғулотлари, саноат ишлаб чиқариши ва савдо, почта телеграф тизими, солиқ ва тўловлар масаласига оид статистик ва таҳлилий маълумотлар ўрин олган бўлиб, водийнинг ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга¹.

Юқорида қайд этилган статистика тўпламларида қайд этилган маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг мусамлака даврдаги ижтимоий-иқтисодий тарихи, халқ оғзаки ижоди, маҳаллий аҳоли этнографияси, этник тарихи, тарихий обидалар, шаҳарлар, йўллар ва яна кўплаб масалаларга оид манбалар ҳамда фактларни аниқлаш мумкин. Уларда чоп этилган илмий мақолалар эса, ушбу тўпламларни нафақат тарихий манба, балки тарихшунослик тадқиқот объекти сифатида ҳам ўрганиш муҳимлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, статистика тўпламларида қайд этилган маълумотларни маҳаллий манбалар, даврий адабиёт, матбуот, расмий ҳисоботлар, илмий жамиятлар тадқиқотлари, тафтиш материаллари каби яна бошқа кўп турдаги манбалар ва адабиётлар билан қиёсий таҳлил этиш лозим бўлади. Чунки айрим ҳолларда, масалан, аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ маълумотларда қатор чалкашликлар кўзга ташланади. Хусусан, рус тадқиқотчилари маҳаллий аҳоли сонини аниқлашда дастлаб ҳовли жойлар ёки солиқ тўловчилар рўйхатига асосланганлиги, ҳар бир хонадонда ўртача 5 киши ҳисобга олинганлиги ҳақиқий аҳволдан анча йироқда бўлиб, кўрсаткичларни беихтиёр сохталаштиришга олиб келган. Бунинг натижасида истилодан

¹ Статистический обзор Ферганской области за 1888 год. – Новый Маргилан. – С.50.

то 1897 йилдаги аҳоли рўйхатига қадар уларнинг сони камайиб кетган, XX аср бошига келиб эса маҳаллий аҳоли сони ҳар бир хонадонга ўртача 7 кишидан саналган ва натижада ўлка аҳолисининг сони нисбатан юқори кўрсаткичларда намоён бўлган. Бундай чалкашликлар маҳаллий хусусиятлардан беҳабарлик, статистика тадқиқотларининг мунтазам олиб борилмаганлиги билан ҳам изоҳланади. Айрим ҳолларда маҳаллий аҳоли солиқ юқини камайтириш мақсадида кўрсаткичларни атайин пасайтириб бериш ҳолатлари ҳам учраб турган.

Статистика тадқиқотларининг тарихий маълумотларга бойлиги уларнинг манбавий аҳамиятини оширади, айти пайтда юқоридаги ҳолатлар туфайли бошқа манбалар билан қиёсий таҳлилни тақозо этади.

Уларда минтақа аҳолисининг ижтимоий ҳаёти, иқтисодий аҳволи, демографик ҳолати билан бир қаторда этнография, маданий ёдгорликлар ҳақида ҳам кўплаб маълумотларни топиш мумкин.

II БОБ

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ТАРИХИЙ АСАРЛАР

Туркистонда мустамлака тузуми ўрнатилган дастлабки йилларданоқ унинг тарихи ва маданиятини ўрганишга катта қизиқиш билдирилиб, ўлкага кўплаб рус олимлари, турли соҳа мутахассислари сафарбар этилди. XIX аср сўнги чорагидаёқ Туркистон ўлкасида Россияда турли университетларни тугатган кўплаб мутахассислар иш бошладилар¹. Н.А. Северцев, А.П. Федченко, В.Ф. Ошаниндан ташқари бу ерда яна Н.А. Маев, И.И. Краузе, М.И. Бродовский, А.Л. Кун, Н.В. Струве, Н.Б. Тейх, А.М. Фетисеев, Ю.Д. Южаков, П.И. Хомутов, Л.Н. Соболев, Н.П. Остроумов, И.И. Гейер, К.М. Оберечев кейинчалик эса улар сафига келиб қўшилган Н.С. Лыкошин, А.А. Семёнов, Л.Д. Ягелло, В.П. Наливкин, Н.Г. Маллицкий, А.А. Диваев каби олимлар илмий турли йўналишларда изланишлар олиб бордилар.

Ўлкада иш олиб борган олимлар томонидан илк илмий жамиятлар ташкил қилиниб, уларга уюшган ҳолда иш олиб бордилар. Хусусан, 1869–1872 йилларда Туркистон ўлкасида иш олиб борган биринчи илмий жамият – “Ўрта Осиё олимлари жамияти” Туркистон тарихи, этнографияси, статистикаси, иқтисоди ва географиясига оид маълумотларни тўплаш юзасидан қизғин изланишлар олиб борди. Унинг фаол аъзолари Г.А. Аминов, Н.А. Аристов, И.Н. Бекчурин, М.И. Бродовский, Н.В. Дмитровский, П.С. Загряжский, А.В. Каугбари, Л.Ф. Костенко, А.Л. Кун, А.А. Кушакевич,

¹ Туркестанские ведомости. 1891. №5.

Н.А. Маев, Д.К. Мишенков, Н.Б. Тейх, А.П. Федченко, А.И. Фетисеев, Ю.Д. Южаков каби мутахассислар тарих, этнография, археология, жўғрофия, иқтисодиёт, геология йўналишларида тадқиқотлар олиб бориб, бу масалалар бўйича изланишлари натижаларини жамият йиғилишларида қизгин муҳокама қилдилар, ўлкада музей ташкил этиш, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар, ўзбек ва тожик тилларини ўрганиш учун дарсликларни тайёрлаш бўйича фаолият олиб бордилар.

1870–1894 йилларда табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлари Москва жамиятининг Туркистон бўлими иш олиб борди. Унинг фаол аъзолари – Х.А. Батиршин, М.И. Бродовский, Н.А. Маев, А.П. Федченко, А.И. Фетисеев, Ю.Д. Южаков ва бошқалар илмий экспедициялар уюштириб, Москва политехника кўргазмаси учун коллекциялар йиғдилар, геология, жўғрофия, зоология, ботаника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, тарих, этнографияга оид маълумотлар тўплаш бўйича кенг кўламли изланишлар олиб бориб, унинг натижалари юзасидан жамият йиғилишлари, мажлисларида ахборот ва маърузалар қилдилар¹.

1897 йилда ўлкада рус География жамиятининг Туркистон бўлими ташкил этилади. Давлат томонидан қисман молиялаштирилган² бу жамиятнинг 85 та ҳақиқий аъзоси бўлиб, улар Хўжанд, Жиззах ва Тошкент уездларига, Иссиқкўлга, Фарғона вилоятига, Жанубий Бухоро, Хива ва Амударё бўлимларига экспедициялар уюш-

¹ И.И. Краузенинг “Кўқон хонлигида Наманган яқинида нефть захиралари ҳақида”, А.Н. Федченконинг “Балиқлар тадқиқотлари натижалари тўғрисида”, В.Ф. Ошаниннинг “Туркистон қаттиқ қанотли ҳайвонот олами ҳақида”, Г.Д. Романовскийнинг “Етгисув вилоятида 1878 йил ёзида ўтказилган геологик тадқиқотлар ҳақида”, Н.А. Маевнинг “Ҳисор манзаралари”, И.М. Бродовскийнинг “Шимолий Америка Қўшма Штатларида пахта маданияти тўғрисида”ги маърузалари.

² Россия марказий ҳарбий тарихий архиви. 400 Ф. 1-руй. 1927-иш. 9-б.

тирадилар¹, ўлкадаги ҳайвонот дунёси, кўллар, дарёлар ва музликлар ҳақида, шунингдек, библиографик ва илмий-даврий ҳужжатлар, этнография, тарих, археология ва тил бўйича маълумотлар тўплаб, геология, сейсмология бўйича изланишлар олиб борганлар ва уларнинг натижалари юзасидан жамият йиғилишларида мунтазам равишда ахборотлар бериб борилган².

1895–1917 йилларда иш олиб борган Туркистон Археология ҳаваскорлари тўгараги Ўрта Осиё тарихини, жумладан қадимий ёдгорликлар, қўлёзмалар, танга-шунослик, этнографиясини ўрганиш билан шуғулланган. Ушбу тўгаракка ўлкада фаолият юритган таниқли рус олимлари билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг нуфузли вакиллари ҳам аъзо эдилар.

Кўпгина рус олимлари Туркистон ўлкасини ўрганиш жараёнида жаҳонга танилдилар. Масалан, ўлкашунос В.Л. Вяткин 1908–1909 йилларда маҳаллий зиёли, адабиётшунос Абу Саид Маҳсум берган бир вақфнома орқали Улуғбек расадхонасини очишга муваффақ бўлди.

Илмий жамиятлар фаолиятида Ҳожи Юнусов, Мирза Ҳаким Додҳо³, Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагида ва шарқшунослар жамиятида Мирза Абдулла Исамуҳаммедов, Саидкарим Саидазимбоев, Саидғани Саидазимбоев, Мираъзам Мирюсупов, Маҳсумхўжа Отахўжаев каби маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам иштирок этганлар⁴.

Туркистон ўлкасида 1901–1913 йилларда фаолият юритган Шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими ўз олдига илмий изланишлар олиб боришдан ташқари

¹ ЎзМА. 69-жамғарма, 1-рўйхат, 61-йиғмажилд. 1-варақ.

² Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Вып. II. – Т., 1900. – Б.71.

³ ЎзМА. 591-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд. 115-варақ.

⁴ Лунин Б.В. Қўрсатилган асар. – Б.130.

шарқ тилларини ўрганишни йўлга қўйиш, кўрғазмалар уюштириш вазифасини қўйган эди.

Туркистон ўлкасида илмий жамиятлар ва муассасалар пайдо бўлиши ўлкада маълум даражада бўлса-да, турли соҳада илмий кучларнинг шаклланиши, уюшиши, ижтимоий фанларнинг археология, этнография каби йўналишлари бўйича изланишларнинг шаклланишига олиб келди.

1-§. География жамиятининг тадқиқотлари

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида географик тадқиқотлар олиб боришда Россия императорлиги география жамиятининг экспедициялари салмоқли ўрин эгаллаган. Марказий Осиё ҳудудида фаолият олиб борган илмий жамиятлар тарихини биринчилардан бўлиб тадқиқ этган Б.В. Лунин бу илмий жамиятлар фаолияти минтақани Россия империяси томонидан босиб олинишида муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини алоҳида таъкидлаган эди¹.

Россия императорлиги география жамияти 1845 йилда Россия императори Николай I буйруғи билан ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади – “Россиянинг энг илғор ва ёш кучларини ватан ерларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этишга сафарбар қилишдан иборат эди”².

Жамият томонидан экспедициялар дастурлари ишлаб чиқилган ва керакли ускуналар, моддий маблағ билан таъминланган, уларнинг аъзолари ҳар томонлама

¹ Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Т.: Фан, 1965. – С.408.

² Семёнов П.П. История полувековой деятельности императорского русского географического общества. – СПб.: Типография Безобразова, 1896. – С.22.

қўллаб-қувватланган, йиғилган материаллар, илмий экспедициялар натижалари фаол нашр этиб борилган ва илмий муомалага киритилган. 1850-йиллардан бошлаб эса ушбу экспедицияларнинг ҳисоботлари акс этган хабар ва мақолалар “Известия Российского императорского географического общества” (“Россия империяси географик жамиятининг хабарлари” деб номланган тўпламлар) саҳифаларида чоп этиб борилган.

Россия императорлиги география жамияти (РИГЖ) қошида математик география (геодезия, картография ва астрономик кузатувлар олиб борган), физикавий география (геология, гидрология, иқлимшунослик, ботаник ва зоологик география масалалари билан), статистика (иқтисодий ва социологик тадқиқотлар), этнография (антропология, тилшунослик масалалари, халқларнинг урф-одати, хўжалик ҳаётини тадқиқ этиш) бўлимлари фаолият олиб борган. Ҳар бир бўлим мустақил равишда иш олиб бориш билан бирга тадқиқотларни ички муҳокамаси учун махсус комиссия тузиш, мутахассисларни таклиф этиш каби ҳуқуқларга эга эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия жамияти фаолиятида этнографик, антропологик, статистик ва социологик тадқиқотлар кенг ўрин ола бошлаган. Жамиятда этнография бўлимининг дастлабки раҳбари машҳур рус табиатшуноси К.М. Бэр бўлган. К.М. Бэр этнографияни география фанининг муҳим йўналишларидан бири сифатида баҳолаб, ўз изланишларида тадқиқ этилаётган халқларнинг кўриниши, антропологик жиҳатлари, урф-одатларида улар истиқомат қилаётган минтақанинг табиий шароитларининг аҳамиятини илмий асослаб берган илк тадқиқотчилардан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг этнографияга оид дастлабки тадқиқот-

лари Россия ҳудудида олиб борилган эди. Тадқиқотларнинг асосий мақсади одамларнинг ташқи кўриниши, антропологик жиҳатлари, тили ва асосий лаҳжалари, хўжалик ҳаёти, урф-одатлари, жамоавий ва умумий қадриятлар, интеллектуал салоҳияти, халқ оғзаки ижоди ва тарихий ёдгорликларни ўрганишдан иборат эди.¹

Жамият тарихида энг ёрқин из қолдирган илмий арбоблардан бири географ П.П. Семёнов-Тяньшанский этнография, статистика ва сиёсий география йўналишлари география фанининг муҳим тармоқлари бўлганлигини алоҳида таъкидлаган. Бу борада у: “Шубҳасизки, сайёрамизнинг тожи – инсон ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир мамлакатнинг табиати билан чамбарчас боғлиқ бўлган одамлар ирқлари, жисмоний ва антропологик жиҳатларини ўрганиш, яъни этнография, антропология соҳалари география (Ершунослик) фанининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади”² – дея қайд этган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ҳудудида Россия императорлиги география жамияти томонидан ташкил этилган дастлабки экспедициялар жараёнида минтақадаги сиёсий тузум, ҳудудларда яшовчи маҳаллий халқларнинг ижтимоий ҳаёти – турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари бўйича кузатувлар олиб борилган. 1856–1858 йилларда Ўрта Осиё ҳудуди, хусусан, Тяньшан, Олой тоғлари, Иссиққўл ҳудудида илк экспедицияларни амалга оширган П.П. Тяньшанский бу ерларда дастлабки этнографик кузатувларни ҳам олиб борган. 1857 йилда унинг экспедициясида иштирок этган расом П.М. Кошаров маҳаллий қирғизларнинг турмуш

¹ Семёнов П.П. История полувековой деятельности императорского русского географического общества. – СПб.: Типография Безобразова, 1896. Т.1. – С.2–8.

² Ўша жойда. – Б.270.

тарзига оид этнографик альбом яратади¹. Унинг тўпламларидан қирғизлар, “тошкентликлар”, қашғарлилар ва қалмиқларнинг кийимлари, меҳнат қуроллари ва хўжалик анжомлари суратлари жой олган. 1865 йилда П.М. Кошаров Россия императорлиги жамияти Қўмитасига Москвада этнографик кўргазма ўтказиш ташаббуси билан мурожаат қилади. 1880 йилда эса унинг альбоми Россия Фанлар академиясининг антропология ва этнография музейига тақдим этилган.

1857 йилда Россия императорлиги география жамияти томонидан ташкил этилган экспедиция жараёнида Орол денгизи, Қизилқум, Сирдарё, Янгиқўрғон худудларини ўрганган машҳур табиатшунос Н.А. Северцов минтақадаги сиёсий тузум, хусусан, Қўқон хонлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, маъмурий-бошқарув тизимга доир бир қанча маълумотлар тўпланган².

Минтақага дастлаб олим сифатида, кейинчалик эса Россия география жамияти ёрдамида ташриф буюрган ва жуда кўп асарлар ёзиб, қатор мукофотларга эга бўлган Н.А. Северцов ўзи асирликда бўлган Қўқон хонлигининг Янгиқўрғон ва Туркистон шаҳарларининг қирғиз аҳолиси, унинг антропологик хусусиятлари, ислом динини қабул қилган асирликдаги рус ҳарбийлари ҳақида³, Н.А. Северцов Қўқон хонлиги тарихи, табиати, Бухоро амирлиги билан муносабатлари, Россия империяси билан алоқалари, хусусан, хонликка 1829 йилда ташриф

¹ Маслова О. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию (1856–1869). – Т.: Изд-во САГУ, 1956. – С.2.

² Северцов Н.А. Путешествия по Туркестанскому краю и исследование горной страны Тянь-Шаня (совершённые по поручению Императорского Русского географического общества). – СПб., 1873. – С.4; Северцов Н.А. Месяц плена у кокандцев. С картой низовья Сырдарьи. – СПб., 1860. – С.98.

³ Северцов Н.А. Путешествия по Туркестанскому краю (Серия “Великие русские путешественники”). – М.: ЭКСМО, 2017. – Б.313.

буюрган Россия элчилари ҳақида қизиқарли маълумотлар тўплаган.

Н.А. Северцов Қўқон хонлиги аҳолисини узоқ кузатиб, уларни ғоят олийжаноб, жасур ва мағрур, тўғрисиўз дея таърифлаган.

1857 йилда Россия география жамиятининг яна бир аъзоси, қозоқ миллатига мансуб бўлган ёш шарқшунос, офицер, поручик Чўқон Валихонов биринчилардан бўлиб Шарқий Туркистоннинг бу давргача ўрганилмаган ҳудудларини, Қашғар вилояти, Қўқон хонлигининг айрим қисмларини тадқиқ этган, ушбу ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаёти, аҳолиси (асосан қирғиз ва қозоқ халқларининг) турмуши, халқ оғзаки ижоди (“Манас” достони) бўйича бой маълумотларни берган. Бундан ташқари, у Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон, Хитой билан боғлиқ ташқи сиёсатига доир айрим масалалар, хусусан, 1830 йилда Қўқон хонлиги билан Хитой ўртасида Ғулжада бўлиб ўтган уруш тафсилотларини баён этган¹.

Ч. Валихоновнинг хотираларида Қўқон хонлиги, Тошкент ҳудудида яшовчи турли миллат вакиллари – қозоқ, қўнғирот, қирғиз, тожик, қипчоқ ва ўзбекларнинг ижтимоий ҳаёти ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. У ўз сафарномаларида Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизимида хизмат қилувчи қўшбеги, ҳокимлар, парвоначи, додҳолар ва мингбошиларнинг вазифалари, ҳарбий тизим, солиқ тизимини тавсифлаган. Хонликнинг Марғилон, Андижон, Ўш, Ангрен, Қурама, Ўратепа шаҳарлари ва энг катта шаҳри бўлган Тошкентда ўша даврда бўлиб ўтган тарихий жараёнлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган².

Ч. Валихонов сафарномаларида XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигида бўлиб ўтган сиёсий жараёнлар

¹ Валиханов Ч. Сочинения. – Алма-Ата: Главная редакция Советской энциклопедии, Т-1, 1984. – С.349.

² Валиханов Ч. Сочинения. – Алма-Ата: Главная редакция Советской энциклопедии, Т-2, 1984. – С.314.

– Муслмонқулнинг юришлари, Худоёрхоннинг давлат тепасига келиши, унинг ака-укалари Тошкент, Андижон, Марғилон шаҳрига ҳоким этиб сайланиши, хонликнинг бошқа шаҳарлари эса унинг яқинлари томонидан эгалланиши каби масалалар ўз аксини топган.

Араб, уйғур, қирғиз, туркий тилларни яхши эгаллаган шарқшунос сифатида Чўқон Валихонов ўрта асрларда яратилган “Тарихи Рашидий” асари, З.М. Бобур, Котиб Челабий яратган хариталарни рус тилига таржима қилиб, уларга шарҳлар ҳам берган¹.

1867 йилда Туркистон ўлкасида география жамияти аъзоси А.И. Макшеев ўз кузатувлари натижасида Туркистон ўлкаси ҳудудида яшовчи турли ўтроқ ва кўчманчи халқлар, шаҳарлар, қишлоқ, маҳалла ва хонадонларнинг сонини рўйхатга олади² ва унинг натижалари асосида катта мақола чоп этади.

1867 йилдан бошлаб, яъни ўлка забт этилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгач, Рус география жамиятининг Кенгаши Ўрта Осиё бўйича тарихий-ижтимоий ва этнографик тадқиқотларни ташкил этишга эътибор қарата бошлади. Натижада 1868 йилда Россия императорлиги география жамияти Кенгашининг ташаббуси билан Туркистон ўлкасига тилшунос, этнограф, туркшунос тадқиқотчи В.В. Радлов бошчилигида илмий экспедиция юборилади. Унинг асосий мақсади Зарафшон водийсида тарихий ва этнографик, топографик маълумотларни йиғиш ва ҳудуд харитасини яратишдан иборат эди.

Туркистон ўлкаси генерал-губернатори К.П. фон Кауфман унга Туркистон ўлкасининг ўрганилмаган ҳудуд-

¹ Валиханов Ч. Сочинения. – С.14, 31.

² Семёнов-Тяньшанский П.П. История полувековой деятельности Русского императорского географического общества. – СПб.: Типография Бездарова, 1896. Т.1. – С.292.

ларда кузатувлар олиб бориш учун барча шароитларни яратиб берган. У Бухоро хонлигининг шарқий қисми, Зарафшон водийси, Самарқанд, Нурота ҳудудларига саёҳат қилган. 1868 йилда география жамиятининг хабарномаларида В.В. Радловнинг ушбу саёҳати бўйича мақоласи чоп этилади¹.

1869 йилда эса экспедиция якунига оид география жамиятига тақдим этган ҳисоботида В.В. Радлов Зарафшон водийсининг гидрографик ва топографик хусусиятлари, Самарқанд аҳолиси, хусусан яҳудий миллатига оид аҳоли, ипакчилик, Сирдарё ҳудудида яшовчи туркий тилларда гапирувчи халқлар, тожиклар хусусидаги маълумотларни тақдим этган².

Кейинроқ эса у Зарафшон водийсининг ижтимоий ҳолати бўйича илмий очерк ёзади. Унда муаллиф маҳаллий аҳоли вакилларининг маълумотларига асосланган ҳолда Зарафшон водийсидаги суғориш ишлари, шаҳар, қишлоқ ва бозорларининг сони, водий ҳудудидаги шаҳарлар, мадраса, масжид, бозор ва устахоналарнинг тузилиши, қурилиши ва жиҳозларини тавсифлаган, Панжикент, Каттакўрғон ва Самарқанд шаҳарлари (Регистон, Гўри-Амир, Шоҳизинда тарихий обидалари)нинг хусусиятларини баён этган. Бундан ташқари, тадқиқотчи мазкур ҳудудда яшовчи ўзбек, тожик, қорақалпоқ, туркман ва қозоқ халқлари ҳақида маълумот берган, маҳаллий туркий тилни тўрт гуруҳга – ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман тилларига ажратган³.

¹ Радлов В.В. Письма в географическое общество во время поездки в Туркестанский край // Известия географического общества. Т.5, 1868. – С.324–327.

² Семёнов П.П. История полувековой деятельности Русского императорского географического общества. Т.1. – С.295.

³ Радлов В.В. Средняя Зарафшанская долина // Записки Русского географического общества по общей этнографии. Т.6, 1880. – С.1–92.

1870-йиллардан бошлаб Ўрта Осиё худудига амалга оширилган илмий экспедициялар мажмуавий хусусиятга эга бўла бошлайди. Энг йирик мажмуавий илмий экспедициялардан бири – 1874 йилда Н.Г. Столетов бошчилигидаги геодезия-топография, метеорология, гидрография, табиий-тарихий ва этнография-статистикадан иборат Амударё экспедицияси томонидан худуддаги уруғлар таркиби, уларнинг тили, ташқи кўриниши, хонадонлари, хўжалик турмуши, асосий машғулотлари ўрганилади¹.

Экспедиция фаолияти давомида А.Н. Соболев томонидан Амударёнинг ўнг қирғоғида тарқалган аҳоли таркиби ва сони, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги муносабатлар, савдо алоқалари ва бозорларга оид маълумотлар жамланиб, қадимги шаҳарлар харобаларидаги тарихий ёдгорликлар ўрганилган.

Маҳаллий тилларни билган Ризо Қулимирзо рус тадқиқотчиларига кузатувлар олиб боришда ёрдам берган. А. Александров ўз навбатида мазкур худуддаги аҳоли яшовчи ҳар бир манзилгоҳдаги оилалар, мактаб, масжид сони, унинг этнографик таркибини аниқлаган. Рассом Н.Н. Каразин Амударё атрофида яшовчи аҳолининг турмушига оид қатор суратларни тақдим этган².

И.В. Мушкетовнинг ўлканинг геологик тавсифига бағишланган асарида ҳам Самарқанд яқинидаги қадимги Афросиёб тарихи, Шоҳизинда, Гўри Амир тарихий ёдгорликларига оид бир қанча маълумотлар берилган. У Амир Темур қабр тошининг хусусиятларини батафсил ўрганишга ҳаракат қилган, ҳатто, қабр тошининг кичик

¹ Семёнов П.П. История полувековой деятельности Русского императорского географического общества. – СПб: Типография Безобразова, Т-2, 1896. – С.295.

² Маслова О. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию (1869–1880). – Т.: Изд-во САГУ, 1962. – С.75.

бир парчасини ва ундаги ёзувлар нусхасини ҳам олиб кетган. Қадимги ёзувларнинг нусхасини Россияга келгач, И.В. Мушкетов Россия Фанлар академиясига тақдим этган¹.

1896 йил 20 майда Туркистон ўлкасида Россия императорлиги география жамиятининг Туркистон бўлими ташкил қилинади. Унинг илк раиси генерал-губернатор А.Б. Вревский эди. Туркистонда бундай илмий жамият очишдан асосий мақсад Туркистон, Бухоро, Хива ҳудудлари, Хитой ва Афғонистон билан чегарадош бошқа “кўшни” ҳудудларда табиатшунослик, этнографик, статистик тадқиқотларни олиб бориш, ўлкани илмий ўрганиш учун ташриф буюрган барча сайёҳлар ва маҳаллий тадқиқотчиларга ёрдам кўрсатиш, ўлка ҳудудидаги ўқув қўлланма, китоб, қўлёзма ва хариталарни йиғиш, уларни сақлаш, тарихий-географик ва этнографик музейлар ташкил этиш ва уларни таъминлашдан иборат эди².

Россия императорлиги география жамияти Туркистон бўлими аъзолари томонидан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ҳам тадқиқотлар олиб борилган³. Бухоро ҳудудида изланишлар олиб борган жамият аъзоси подполковник, топограф Н.Ф. Ситняковский⁴ шаҳар аҳолисининг таркиби, сони, маҳаллалари⁵, ҳунармандчилиги, бозорлари, тарихий обидалари, масжид ва мадра-

¹ Мушкетов И.В. Ўша асар. – Б.272.

² ЎзМА. И-69-жамғарма. 1-руйхат. 93-варақ.

³ Дубовицкий В.В. Деятельность Туркестанского отдела Русского географического общества на территории Таджикистана. – Душанбе, 2006. – С.35.

⁴ Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Т.1, Вып.1. – Т.: Типо-Литография Бр. Норцевых, 1898. – С.125.

⁵ Ситняковский Н.Ф. Попытки к исчислению народонаселения в городе Бухара / Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Т.1, Вып.1. – Т.: Типо-Литография Бр. Норцевых, 1898. – С.85–86.

салари ҳақида маълумотлар беради¹. Бундан ташқари, Н.Ф. Ситняковский Фарғона водийсида яшовчи қирғиз уруғлари², ўзбекларнинг кўнғирот уруғига мансуб аҳолининг шажаравий тафсилотларига³ бағишланган бир қанча мақолалар ҳам ёзган.

Илмий жамиятнинг яна бир аъзоси И.И. Гейер⁴ Сирдарё вилояти губернатори, махсус топшириқлар амалдори бўлиб, 1897 йилда шарқий Бухорога саёҳат қилган, Кармана ва Қарши шаҳарларида бўлган. Саёҳат якунлангач, у Россия императорлиги география жамиятининг Туркистон бўлими Кенгашига ушбу ҳудудларда олиб борган изланишлари юзасидан топширган ҳисоботида мазкур ҳудудда яшовчи аҳоли маданияти, кўчманчиликдан ўтроқликка ўтиш жараёнлари ҳақида маълумот берган.

Россия императорлиги география жамиятининг Туркистон бўлими хабарномаларида ҳам кўплаб тарихий география ва этнографияга доир мақолаларни кўриш мумкин. Бундай мақолалар муаллифлари қаторига М.В. Грулёв, В.В. Бартольд⁵, Н.Г. Маллицкий⁶, А.А. Ди-

¹ Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зарафшана. Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Т.1, Вып.2. – Т.: Типо-Литография Бр. Норцевых, 1900. – С.162–171.

² Ситняковский Н.Ф. Перечисление некоторых родов киргиз, обитающих в Восточной части Ферганской долины. Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Т.2, Вып.1. – Т.: Типография Штаба Туркестанского Военного Округа, 1900. – С.92–110.

³ Ситняковский Н.Ф. К генеологической таблице узбекского рода Кунграт. Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Т.7. – Т.: Электро-паровая типо-литография, 1907. – Б.22–110.

⁴ Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Состав Туркестанского Отдела ИРГО, утверждённый 17 декабря 1897 года. Т.1, Вып.1. – Т.: Типо-Литография Бр. Норцевых, 1898.

⁵ Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи. Известия ТОИРГО. – Т., 1902. Т.4.

⁶ Маллицкий Н.Г. Находка финикийской надписи в Бразилии. Известия ТОИРГО. – Т., 1900. Вып.1. – С.88.

ваев¹, И.Е. Кузнецов, Н.Н. Пантусов², М.С. Андреев ва А.А. Семёновларни киритиш мумкин. Масалан, илмий жамият аъзоси Туркистон ҳарбий округи офицери, махсус топшириқлар амалдори, подполковник М.В. Грулёв³ Амударё атрофида яшовчи маҳаллий аҳолининг таркиби ва сони бўйича дастлабки статистика маълумотларини берган⁴.

Россия императорлиги география жамиятининг Туркистон бўлими ўз фаолиятини бошлаган даврда (1897–1902 йиллар) минтақа ҳудудида этнографик изланишлар илмий жамият аъзоларидан, асосан, Н.Ф. Ситняковский ва И.И. Гейер, 1914–1915 йилларда эса мазкур йўналишда И.Е. Кузнецов иш олиб борган. Унинг Наманган ҳудудида яшовчи ўтроқ халқлар, хусусан тожиклар, тожик ва ўзбек тилига бағишланган бир қанча мақоалари илмий жамият тўплами саҳифаларидан жой олган. И.Е. Кузнецов илк бор Наманган уездидаги қишлоқлар тарихи, миллий таркиби, улардаги маҳаллалар сони бўйича қимматли маълумотлар аниқлаган⁵. Тадқиқотчининг Косон, Чодак қишлоқларидаги мадрасалар, диний ҳаёт, урф-одатларига оид тафсилотлари ўзига хос

¹ Диваев А.В. Киргизская колыбельная песня. Известия ТОИРГО. – Т., 1900. Вып.1. – С.120.

² Пантусов Н. Танрчинские бакши. Известия ТОИРГО. – Т., 1907. Т.VI. – С.38.

³ Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Состав Туркестанского Отдела ИРГО, утверждённый 17 декабря 1897 года, Т.1, Вып.1. – Т.: Типо-Литография Бр. Норцевых, 1898.

⁴ Грулёв М.В. Некоторые географико-статистические данные, относящиеся к участку Амударьи, между Чарджуем и Патта-Гисаром. Население. Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Т.2, Вып.1. – Т.: Типография Штаба Туркестанского Военного Округа, 1900. – С.75.

⁵ Кузнецов И.Е. О таджиках Наманганского уезда. Число поселений, наименование их и количество населения. Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Т.11, Вып.1. – Т.: Типо-литография В.М. Ильина, 1915. – С.1–5.

аҳамиятга эга. У Наманган уездигаги масжидларнинг қурилиши, мазорлар, маҳаллий аҳолининг зиёрат маросимларини таърифлаган, ўз кузатувлари натижасида Наманганда тожик миллатига мансуб ҳудудида яшовчи аҳолининг “туркийлашуви” жараёнини таҳлил қилган.

Бундан ташқари, И.Е. Кузнецов 1914–1915 йилларда рус тадқиқотчиларидан биринчи бўлиб ўзбек ва тожик тилларининг асосий фарқлари бўйича қиёсий таҳлилга асосланган тадқиқот олиб борган, унинг натижалари эса илмий жамият хабарномаларида эълон қилинган¹.

Россия императорлиги география жамияти Туркистон бўлимининг ташкил этилиши ўлка ҳудудида олиб борилаётган барча илмий-тадқиқот изланишларининг бирлашувига сабаб бўлди. Ушбу илмий жамият ўз фаолиятини бошлаган даврларда асосан ўз аъзоларининг илмий изланишлари, ташкил этган экспедицияларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган бўлса, кейинчалик у Туркистонда олиб борилган барча илмий изланишлар, саёҳатчилар, хусусан, чет эллик тадқиқотчиларнинг экспедицияларини ҳам назорат қилиб, уларга ёрдам кўрсатадиган йирик илмий марказга айланган.

Хулоса қилиб айтганда, География илмий жамияти ўз фаолиятининг турли даврларида нафақат табиатшунослик, балки ижтимоий фанлар, хусусан, иқтисодиёт, тарих, этнография, археология, тилшунослик йўналишларида ҳам кенг изланишларни амалга оширган.

¹ Кузнецов И.Е. О таджиках Наманганского уезда. Число поселений, наименование их и количество населения. Известия Туркестанского отдела Русского географического общества. Т.11, Вып.1. – Т.: Типо-литография В.М. Ильина, 1915. – С.26.

2-§. Қадимшунослик (археология) тадқиқотлари

Бой тарихий маданий ёдгорликлари билан машхур бўлган Туркистон ўлкасида илк археологик тадқиқотлар 1867 йилда, яъни Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган даврдан бошланган. Бунга қадар, аниқроғи 1848, 1851 ва 1853-йилларда ушбу ҳудудни топографик жиҳатдан тадқиқ этган А. Макшеев томонидан Сирдарёнинг қуйи оқимини ўрганиш жараёнида ер ости шаҳри қолдиқларини аниқланиб, уларни янгидан текшириш, батафсил хариталар, режалар ва чизмалар тузиш кераклиги ҳақидаги мақола чоп этган эди¹.

1867 йилда Туркистонга Оренбург генерал-губернатори томонидан шарқшунос П.И. Лерх таклиф қилинади. Беш ой давом этган экспедиция давомида у дастлаб Сирдарёнинг сўл соҳилида Хива хонлигининг эски истехкоми Жониқалъа тепаликлари остида сақланиб қолган Жанкент (Янгикент) деб номланган қадимий шаҳар харобаларини ўрганади. Бунга қадар маҳаллий аҳолидан аниқлаган маълумотларига кўра, бу ерда яшган қирғизлар далаларга ишлов бериш чоғида тепаликларни омочлар ва кетмон ёрдамида текисламоқчи бўлиб, шаҳар харобаларини бузишга ҳаракат қилганлар². Бир ой давом этган экспедиция давомида П.И. Лерх тепаликлардаги моддий қатламларни ўрганиб, бу ерда эски қабрлардан суяк қолдиқлари, бошқа бир тепаликдан эса мис ва қумуш тангалар, кўк сир билан қопланган ойна рамкалар, кулолчилик учун қўлланилган ўчоқ қолдиқлари, нақш билан безатилган, кўк ва оқ ранг де-

¹ Описание низовьев Сыр-Дарьи // "Морской Сборник", 1856. Т. XXIII. №9.

² Лерх П. Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867 году // Туркестанский сборник. – СПб., 1870. Т. XXIV. – С.325.

раза ромлари, қабр тошлар, плита парчаларини топган¹. Ёзма манбалар билан солиштириш асосида П.И. Лерх бу муъуллар истило қилган Янгикет шаҳар харобалари эканлигини аниқлаган².

Москвада чоп этилган газеталардан бирида Жанкент аҳоли пунктида ишлаган комиссия аъзолари плиткали ва шиша буюмларни ишлаб чиқарувчи корхона қолдиқлари топганлиги тўғрисидаги кичик хабар Туркистон ўлкасидаги археологик ёдгорликларни ўрганишга қизиқишларни жуда кучайтирган³. Жанкентнинг қадимийлиги чет эллик олимларни ҳам қизиқтирган. Хусусан, француз тадқиқотчиси Ужфалви 1877 йилда Жанкент харобаларини зиёрат қилган ва у ердан сирланган ғишт қолдиқлари ҳамда бир нечта тангаларни топишга муваффақ бўлган⁴.

П.И. Лерх ўз экспедицияси жараёнида Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий масжиди ва унинг атрофидаги қабрларни ўрганади. Қабр битиклари асосида бу ерда Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон Бегим ва Абулхайр Суюнчихоннинг даҳмалари жойлашганлигини қайд этади⁵. У Чимкент, Хўжанд, Ўратепа, Зомин орқали Жиззахга, “Илон ўтди” дарасини ҳам текширади ҳамда қоятошдаги битиклардан нусхалар олади. Унинг ҳудуддаги фаолияти асосан эпиграфик ёдгорликларни ўрганишга қаратилган эди⁶.

¹ Лерх П. Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867 году... – С.326–328.

² Ўша жойда. – С.329.

³ Еще о старом-новом подземном городе Джанкенте // Туркестанский сборник. Т. II. – С.241.

⁴ Туркестанский сборник. Т.195. – С.11.

⁵ Лерх П. Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867 году... – С.331.

⁶ Никитенко Г., Шагалина Н. У истоков научного познания прошлого Туркестана / Монография. – Т.: Baktria press, 2017. – С.88–89.

Россия императорлиги география жамиятининг хабарномаларида Хўжанд атрофларида ҳам харобалар топилганлиги ҳақида маълумот берилади. Маълум қилинишича, маҳаллий аҳоли вакиллари Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Хўжанддан 4 верст узоқликдаги худудда пишиқ ғиштдан қурилган қадимги харобалардан нотаниш битикларни топганлар¹.

1870-йилларда Тошкентдан 20 верст узоқликдаги Бўка қишлоғи худудида, Сирдарё яқинида ҳам археологик ёдгорлик топилган ва бу Бобур асарларида эслатилган қадимги шаҳар харобалари деб тахмин қилинган².

Кейинги йилларда Туркистон ўлкасининг турли худудларида маҳаллий аҳоли ҳамда империянинг марказий худудларидан кўчиб келганлар томонидан нумизматик ёдгорликлар ҳам топилган. Умуман, манбаларда келтирилишича, худуддаги осори-атиқаларни қидириш, йиғиш ва коллекциялар тўплаш кўпчиликни қизиқтирган ва бу ҳолат даврий нашрларда кенг ёритилган. Топилган археологик ашёлар Тошкент (1871 йилда очилган), Самарқанд (1874 йилда очилган) ва Фарғона (1899 йилда очилган) музейларида сақланган.

Бундай топилмалар ва тарихий маданий объектларнинг қаровсиз ҳолати “ҳаваскор археологлар”нинг кўпайишига олиб келди ва бу ҳолатнинг ўлкадаги қадимги ёдгорликларга жиддий путур етказаётганлиги ҳақидаги ҳақли эътирозлар даврий матбуотда қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Олимлар, хусусан, В.В. Бартольд томонидан танқид остига олинган бу ҳолатга чек қўйиш, рус олимларини ўлкага жиддий тадқиқотлар учун сафарбар қилиш масаласи кўтарилади. 1879 ва 1882 йилларда Туркистон генерал-губернатори

¹ Открытие древних развалин близ Ходженда // Туркестанский сборник. Т. XVI. – С. 218.

² Туркестанские ведомости. 1876. №16.

К.П. фон Кауфман хусусий равишда археологик қазилмалар олиб боришни тақиқловчи фармойиш чиқаради.

1884–1885 йилларда Туркистонга археологик қазилмаларни илмий асосда олиб боришга ёрдамлашиш учун Санкт-Петербург университети профессори, шарқшунос Н.И. Веселовский жўнатилган. Унга Самарқанд ва Фарғонадаги шаҳар харобаларини ўрганиш, бу ҳақда Петербургдаги археология комиссияга ахборот бериш, аниқланган топилмаларни жўнатиш, Тошкент музейининг археология бўлимидаги буюмларни рўйхатга олиш ҳамда Эрмитаж учун қадимги тангалар коллекциясини йиғиш топширилган¹.

Н.И. Веселовский бир йил давом этган изланишлари жараёнида Тўйтепа, Номданак (Тошкент вилояти), Ашту, Чуст, Акси, Косон, Ўзган (Фарғона водийси) ва бошқа ҳудудларда археологик қазилма ишларини олиб борган². Хабарларда қайд этилишича, мазкур объектларда изланишлар асосан маълумот йиғиш мақсадида олиб борилган ва шу боис, улар муайян илмий янгиликларга эга бўлмаган.

Н.И. Веселовскийнинг қадимги Афросиёб шаҳар харобалари ҳудудида олиб борган тўрт ойлик археологик қазилмалари анча самарали натижалар берган. Бунга қадар Афросиёбни ўрганиш учун Зарафшон округи бошлиғи А.К. Абрамов томонидан Г.А. Борзенков, 1883 йилда эса В.В. Крестовский юборилган эди.

Н.И. Веселовский шаҳарнинг батафсил лойиҳасини тузиш, қазилма ишлари олиб бориш асосида: “Македониялик Александр давридаги Мароқанд айнан шу ерда жойлашган. ... Қадимги Афросиёб шаҳрида бир қанча

¹ Емельянов Н. Меры по воспреещению производства археологических раскопок в крае // ТВ. 1885. №34.

² Отчет Императорской Археологической комиссии за 1882–1888 годы. – СПб., 1891 г.; ТВ. 1892, 20 октября.

маданий қатламлар мавжуд, бу эса шаҳар бир неча марта яксон этилиб, яна қайта тикланганлигидан далолат беради. Шаҳар сўнгги марта 650 йил аввал ташлаб кетилган”, – деган илмий хулосага келган¹. Тадқиқотчи Сомонийлар даврига оид тангалар, куфий усулидаги ёзувлар битилган кўплаб сопол идишларни ўрганиш натижасида, VI–VII ва XII–XIII асрларда ҳам “шаҳар мавжуд бўлганлигини, 1220 йилда Чингизхон Самарқандни эгаллагач, қадимий шаҳарни вайрон қилганлиги..., ушбу вайронагарчиликдан сўнг у эски харобаларнинг устида эмас, балки жануброқда тикланганлиги ва ҳанузгача ўша ерда қад кўтариб турганлигини”² таъкидлаган.

Н.И. Веселовский қадимги қўрғонлар ва қалъаларни кўриб чиқиш мақсадида Самарқанд шаҳридан Зарафшон водийсига келган, куз мавсумида Тошкентга қайтиб, унинг шимолий қисмларини ўрганган. Мазкур тадқиқотлар кейинчалик Ўзбекистон ҳудудида археологик изланишларнинг давом этишига замин яратган.

1886 йилда Туркистонга келган Петербург университети шарқ тиллари факультети битирувчиси Е.Ф. Кальфаолияти ҳам унумли бўлган. У Тошкентда ташкил этилган музейдаги археология, нумизматика, эпиграфика ёдгорликларини ўрганган, шунингдек, турли ҳудудларда археологик қазилма ишларини ҳам олиб борган³.

Туркистон минтақаси, унинг ўтмиши ва қадимги маданий ёдгорликларини ўрганишга рус тадқиқотчилари “этнографик объект” сифатида ёндашганлиги боис мазкур даврдаги тадқиқотлар таҳлилий эмас, тавсифий характерга эга эди.

Туркистонда олиб борилган мақсадли археологик тадқиқотлардан ташқари, ушбу даврда тасодифий ар-

¹ Отчет Императорской Археологической комиссии за 1882–1888 годы...

² Ўша жойда.

³ ЎзМА, И-1-жамғарма, 15-рўйхат, 389-йиғмажилд.

хеологик ашёлар ҳам топилиб турган. Масалан, Тошкент воҳаси ва Чимкент уезди ҳудудидаги дастлабки археологик изланишлар тасодифий топилмалар асосида бошланган. В.В. Бартольднинг қайд этишича, Марв, Бухоро ёки Самарқанддан фарқли ўлароқ, ёзма манбалардан бу ҳудуд тарихига оид тўлиқ маълумотлар топа олмаган. Шу боис бу ҳудудларга оид маълумотлар бирламчи археологик тадқиқотлар жараёнида айрим манбаларда берилган қисқача изоҳлар, хотиралар асосида доналаб йиғилган. 1874 йил 23 июнда Сирдарё вилояти Туркистон шаҳри уезд бошлиғининг Сирдарё вилояти Ҳарбий губернаторига юборган билдиришномасида маҳаллий аҳоли вакиллари – қирғиз миллатига мансуб Бектемир Урасаев, Кулау Исетов ва ўзбек миллати вакили Чуқур Зокирбоевлар қурилиш ишларини олиб бориш жараёнида, тупроқ қазийётганда тасодифан Султон Санжар Мирзо даври (Темурийлар даври)га тегишли, ичида 612 дона қумуш танга сақланаётган сопол хум топиб олинганлиги ҳақида маълумот берилган¹.

1886 йилда “Туркестанские ведомости” газетасида Тошкент яқинидаги Ниёзбоши почта станцияси атрофидаги тепаликлардан бирини текислаш жараёнида ер эгаси тасодифан сопол идишларни топгани ҳақидаги хабар чоп этилган. Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчи Н.И. Гродеков ерни текислаш ишларини дарҳол тўхтатиш ва топилган нарсаларни ўз жойида сақлаш чораларини кўриш ҳақида буйруқ берган². Текширувлардан сўнг, ушбу топилмалар ислом давридан анча илгариги даврга мансублиги аниқланган ва генерал-губернаторнинг буйруғига биноан барча археологик ашёлар Тошкентдаги музейга топширилган.

¹ ЎзМА, И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 3146-йиғмажилд, 1-варақ.

² Туркестанские ведомости. 1886, 6 май. №17.

Ўша даврда “Никифоров ерлари” деб номланган жойда¹ қурилиш ишлари олиб борилаётганда тасодифан яна бир топилма аниқланади. Н.П. Остроумов томонидан Туркистон генерал-губернаторининг рухсати билан ушбу ҳудудда олиб борилган қазилма давомида инсон суяклари, сопол идишлар, стаканлар ва лойдан ясалган оссуарийлар мавжуд ғор топилган². 1887 йилдаги археологик қазилмалар натижасида 20 та қабристон очилгандан кейин Н.П. Остроумов “Никифоров ерлари” да катта илмий аҳамиятга эга бўлмаган доимий дафн қилиш жойлари бор, деган хулосага келган³. Ваҳоланки, ушбу топилмаларни чуқур тадқиқ этиш натижасида келажакда бой тарихий-антропологик маълумотларни олиш мумкин эди. Лекин Н.П. Остроумов ўз олдига бундай мақсадни қўймаган эди.

Умуман олганда, Тошкент ва унинг атрофини ўрганган тадқиқотчилар империя археологик комиссиясига ушбу ҳудуд қадимий ёдгорликларга бой жойлар эканлигини, фақат чуқур археологик изланишлар натижасида кўпгина саволларга жавоб олиш мумкинлигини кўп марта таъкидлашган.

1887 йилда “Правительственный вестник” газетасида Чиноз–Жиззах чўллари деб номланган ҳудудларда гидротехник ишлари олиб бориш жараёнида ноёб топилмалар – “юнонча шаклдаги текис, икки қиррали қилич”, Кўҳна Урганч харобалари қолдиқларига ўхшаган ўзига хос безатилган кулолчилик намуналари ва шиша идишлар парчалари ва қадимий аҳоли манзилгоҳлари

¹ Ҳозирги Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси (Ф.Ш.).

² Библиографический листок. Отчет Императорской Археологической Комиссии за 1882–1888 годы. – СПб., 1891; ТВ. 1892, 20 октября. №42; Остроумов Н.П. Из поездки в селение Мамаевку // ТВ. 1893. №50, 52.

³ Остроумов Н.П. Из поездки в селение Мамаевку // ТВ. 1893. №50.

топилганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинган¹. Шу ерлик маҳаллий аҳоли билан суҳбат натижасида, қадимда ушбу чўл ҳудудларда ривожланган ва бой аҳоли яшаш жойлари бўлганлиги ҳақида ривоятлар тўпланган.

Сирдарё вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам археологик ашёлар топилган. Турли йилларда топилган барча тасодифий ашёлар Тошкент музейига жўнатишган. Энг қимматли ёки ўзига хос намуналар император археология комиссиясига юборилиб, дастлабки ўрганишлардан сўнг белгиланган ҳудудларга режалаштирилган мақсадли археологик қазишмалар олиб боришга кўрсатма берилган².

Хусусан, 1897 йилда Туркистон ўлкасига археологик тадқиқотлар ўтказиш учун юборилган Н. Веселовскийга Афросиёбда қазиш ишларига доир илмий изланишлар олиб бориш билан бир қаторда, “Император Эрмитажининг минц-камераси учун қадимий тангалар коллекциясини йиғиш” вазифаси ҳам топширилган эди³.

Бунга қадар ҳам, аниқроғи 1873 йилда Туркистонга сафар қилган Я. Безукладников Самарқанддаги маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан қазиш ишлари давомида топилган бир нечта кумуш ва мис тангаларни сотиб олганлигини қайд этган эди⁴. Я. Безукладников томонидан сотиб олинган тангалар ноёб бўлиб, улар Александр Македонский ва унинг ворислари даврига тегишли эканлиги аниқланган.

Матбуотда ва архив ҳужжатларида кичик ҳаваскорлик қазишмаларида қўлга киритилган тасодифий то-

¹ Правительственный вестник, 1887. №3; Туркестанский сборник. – Т., 1907. Т.432. – С.22.

² ЎзМА, И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 1526-йиғмажилд, 7-варақ.

³ Туркестанский сборник. – Т., 1907. Т.433. – С.76–77.

⁴ Безукладников Як. Древние монеты в Русском Туркестане // Туркестанский сборник. – СПб., 1873. Т.83. – С.56.

пилмалар ҳақидаги маълумотлар кейинчалик минтақада амалга оширилган мақсадли археологик экспедицияларга сабаб бўлган.

XIX асрнинг 80-йиллари охири – 90-йиллари бошига келиб рус тадқиқотчиларининг Ўрта Осиёни археологик жиҳатдан ўрганиш ҳаракатлари фаоллашади ва салмоқли илмий янгиликлар қўлга киритилади. 1893 йил 11 декабрь ойида Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги (ТАҲТ)нинг ташкил этилиши минтақадаги тарихий ёдгорликларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди¹. Ўша йили император ҳузуридаги “Табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти”нинг Туркистон бўлими йиғилишида Археология ҳаваскорлари тўгарагини ташкил этиш таклифи кўриб чиқилади. Туркистон генерал-губернатори барон А.Б. Вревский раислигида бўлиб ўтган мажлисда Н.П. Остроумов ва В.В. Бартольд томонидан Туркистондаги археологик топилмалар тўғрисида эълон қилинган икки маърузадан сўнг, Тошкентда археологик тўгарак очиш таклифи қизғин муҳокама қилинган. 1895 йил 19 октябрда Халқ таълими вазири граф Делянов томонидан тўгаракнинг низоми имзоланган.

Тўгарак низоми 21 та параграфдан иборат бўлиб, унда тўгаракнинг вазифалари, фахрий раиси, аъзолик талаблари, тўгарак ходимларини танлаш тартиби, ҳар ойлик бадал миқдори, тўгарак бошқармасини танлаш тартиблари, тўгаракнинг ишлари қаерда ва қандай тартибда ҳал этилиши, археологик изланишларни олиб бориш ва топилмаларни қаерга юбориш масаласи, тўгарак мажлиси қатнашчилари, қайси шаҳарларда тўгарак бўлинмаларини очиш, тўгаракнинг ғазнасини сақлаш ва ундан фойдаланиш масалалари, ТАҲТнинг махсус белгиси тасвири, тўгарак тугатилган ҳолатда унинг мулкани

¹ ЎзМА, И-71-жамғарма, 1-руйхат, 1-йиғмажилд.

тасарруф этиш ва низомга ўзгартириш киритиш тартиблари каби масалалар ёритиб берилган¹. Мазкур низом расман “Туркестанские ведомости” газетасида чоп этилган² ҳамда алоҳида нашр этилган³.

Тўғарак Туркистон ўлкаси тарихини археологик, этнографик ва шарқшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш мақсадида тузилган эди.

Тўғаракнинг фахрий раиси этиб Туркистон генерал-губернатори барон А.Б. Вревский сайланган. Тўғарак йиғилиши кун тартиби унинг барча аъзоларига бир-икки ҳафта олдин жўнатилган ҳамда “Туркестанские ведомости” газетасида мунтазам чоп этилган. Тўғаракнинг биринчи мажлисида овоз бериш йўли билан Н.П. Остроумов – раис ўринбосари, Н.С. Лыкошин – котиб, С.А. Лидскийлар ғазначи сифатида танлаб олинган⁴. Тўғарак фаолиятининг биринчи йилидаёқ унинг аъзоларининг сони 100 дан ошган. Унинг таркибига нафақат Туркистон ўлкаси шаҳарларида яшовчилар, балки бутун Ўрта Осиё ва ҳатто, Санкт-Петербург ва Москвада яшаган ҳаваскорлар ҳам аъзо бўлиб кирган эди. Улар орасида маъмурият вакиллари, ҳарбийлар, руҳонийлар, ўрта махсус ўқув муассасалари директорлари ва ўқитувчилари, археология орқали мансабга эришишга интилган амалдорлар бор эди. Археологларнинг таъкидлашича, улар орасида археологияни чиндан яхши кўрган ва унинг ривожланишига ҳисса қўшган Н.П. Остроумов, В.А. Каллаур, М.С. Андреев, Е.Т. Смирнов, Н.Г. Маллицкий, А.А. Диваев, Н.Н. Пантусов, А.А. Семеновлар эди⁵.

¹ ЎзМА, И-71-жамғарма, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 2–5-варақлар.

² Туркестанские ведомости. 1895. №87.

³ ЎзМА, И-71-жамғарма, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 2–2 вар. орқ., 3–3 вар. орқ., 4–4 вар. орқ., 5-варақлар.

⁴ Ўша жойда, 7-варақ.

⁵ Массон М.Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении // Труды САГУ. – Т., 1956. Вып. LXXXI. – С.10.

Ушбу тўғарак асосан Туркистон ўлкасининг ўтмиши-ни тарихий, археологик, этнографик ҳамда шарқшунослик йўналишларда тадқиқ этиш учун ташкил этилган. Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги баённомаларида археологияга оид қўплаб тахминларга бой хабарлар нашр этиб борилган. Ушбу хабарлар асосан тўғарак аъзолари томонидан тасодифан топилган ёки Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси келтирган топилмалар асосида ёзилар эди. Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги ташкил этилгандан сўнг, Туркистон ўлкаси тарихи бўйича материаллар тўплаш жараёни тизимли равишда амалга оширила бошланди.

Лекин тўғарак фаолияти фақатгина қидирув амалиёти, дала материалларини йиғиш ҳамда кичик қазиш ишлари билан чекланган эди. Бу ҳолат асосан тўғарак таркибида профессионал археологларнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланар эди¹. Чунки бу даврда археология йўналиши бўйича ҳали ҳеч қандай илмий услубий асослар шаклланмаган эди. Тўғарак аъзоларининг маърузалари, мақолалари, хабар ҳамда ҳисоботлари топография, ўлкашунослик², география³, этнография⁴, лингвистика каби йўналишларни ҳам қамраб олган.

Тўғарак доирасидаги илк археологик тадқиқотлар Тошкент ва унинг атрофлари, шунингдек, ҳозирги Қозо-

¹ Ртвеладзе Э.В. Краткий очерк истории изучения археологических памятников Средней Азии // Историко-археологический обзор Древней Средней Азии (Рукопись хранится у автора).

² Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии (Далее – ПТКЛА). – Т.: Типо-литография, 1896. Вып.1; Кастанье Л. Отчет о поездке в Шахрухию и местность “Канка” // ПТКЛА. Год XVII. Вып. II. 1 апреля 1913 г. – 11 декабря 1913 г. – Т., 1913. – С.112–123.

³ Вяткин В. К исторической географии Ташкентского района // ТВ. 1900. №101.

⁴ Диваев А. Промыслы и занятия туземцев азиатского города Ташкента // ТВ. 1901. №33.

ғистон ҳудудларида олиб борилган. Дастлабки археологик қидирув ва илк қазишма ишлари Пойкент, Ахси-кет, Афросиёб, Қанғ, Шоҳрухия ҳамда бошқа шаҳарлар тарихини ўрганиш билан боғлиқликда амалга оширилган. Айниқса, Тошкент ва унинг атрофидаги жойлардан кўплаб топилмалар қўлга киритилган.

Туркистон ўлкасининг археологик жиҳатдан қимматли ва бой ҳудуд эканлигини кўп бора қайд этган В.В. Бартольднинг ТАҲТни ташкил этилишида ҳамда Ўрта Осиё тарихини ўрганишдаги хизматлари катта бўлган. Гарчанд у бевосита қазув ишларида қатнашмаган бўлса-да, аслида ҳаваскор археологлар тўғарагига катта ишонч билдириб, тўғаракнинг учта асосий – тарих, археология ва этнография илмий йўналишини белгилаб берган. Рус комитетининг раиси сифатида Ўрта Осиёдаги археологик изланишларнинг масъул раҳбари вазифасини бажарган. Унинг илмий асарлари ва фаразлари археологик изланишларда муҳим ўрин эгаллаган. У ТАҲТ аъзолари – Н.П. Остроумов, Н.Г. Маллицкий, Н.С. Лыкошин, А.А. Семенов ҳамда мустақил тадқиқотчи В.Л. Вяткин билан яқин илмий алоқада бўлган ва Ўрта Осиё археологияси-га оид бир қатор асарлар яратган¹.

Туркистонда археологик тадқиқотлар олиб боришда В.Л. Вяткиннинг хизматлари катта бўлди. У кўп йиллар давомида асосан Самарқанд шаҳри ва унинг атрофида, хусусан, Афросиёб шаҳар харобаларида изланишлар олиб борди. Мазкур ҳудудларни топографик жиҳатдан чуқур ўрганишда, шаҳардаги тарихий-архитектура ёд-

¹ Бартольд В.В. Еще о Самаркандских оссуариях. Сочинения. – М.: Наука, 1966. Т.IV. – С.119–123; Шу муаллиф. К вопросу об оссуариях Туркестанского края. Сочинения. – М.: Наука, 1966. Т.IV. – С.154–171; Шу муаллиф. Об охране земельных участков с памятниками историческими и археологическими // Известия Российской академии наук. Серия VI. Т.XI. – СПб., 1917; (Сочинения. – М.: Наука, 1966. Т.IV. – С.236–237) ва бошқалар.

горликларини сақлаш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларида В.Л. Вяткиннинг ҳиссаси катта бўлди¹. Айниқса, тадқиқотчининг Мирзо Улуғбек расадхонаси жойлашган ҳудудни қидириб топиб, унинг қолдиқларини археологик қазишмалар натижасида очиш борасида олиб борган тадқиқотлари жуда катта илмий янгилик бўлди². Ўз изланишларида В.Л. Вяткин маҳаллий аҳоли вакили, археология ихлосманди Абу Сайид Махзум ёрдамига таянган, шунингдек, доим маҳаллий манбалар маълумотларига асосланган.

ТАҲТ баённомаларида чоп этилган илмий хабарларнинг кўрсатишича, унинг аъзолари Тошкент ҳудудини ҳар томонлама ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб³, ёзма манбаларни рус тилига таржима қилиш, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлар қуриш асосида Тошкент шаҳрининг яқин ўтмиши⁴, унинг пайдо бўлиши⁵, Тошкент вилояти тарихий географияси⁶ каби масалалар бўйича ўз йиғилишларида маърузалар қилинган, мақолалар эълон қилинган.

Хусусан, тўғарак аъзоси Е.Т. Смирнов Тошкент вилоятини археологик жиҳатдан ўрганиб, Тошкент ҳудуди ва унинг атрофидан оқиб ўтадиган катта ва кичик дарёлар

¹ Шамукарамова Ф.Ш. Василий Вяткин и Самаркандская старина // История и историки Узбекистана в XX веке. – Т.: NAVRO‘Z, 2014. – С.111–124.

² Вяткин В. Отчет о раскопках обсерватории Мирзы Улугбека в 1908 и 1909 годах // Известия Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии. №11, серия 2. – СПб., 1912. – С.76–93.

³ Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX–XX аср бошлари). – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2018. – Б.121–136.

⁴ Малицкий Н. К истории Ташкента под Кокандским владычеством // Протоколы ТКЛА. Год четвертый. – Т., 1900. – С.126–137; Его же. Страница из истории Ташкента в XVII столетии // Ўша жойда. – С.138–145.

⁵ Диваев А. Предание о возникновении азиатского города Ташкента // Ўша жойда. – С.145–151.

⁶ Вяткин В.Л. Из ст. В. Вяткина. К исторической географии Ташкентского района. (ТВ. 1900. №101) // Протоколы ТКЛА. Год четвертый. – Т., 1900. – С.156–159.

йўлидаги ерларда жойлашган кўплаб тепаликларнинг рўйхати ва археологик тавсифини ишлаб чиққан¹.

1900 йилда Туркистон тўғарагининг тўртинчи йиғилишида Е.Т. Смирнов қадимги Қанғ² шаҳри харобаларидаги бирламчи текширув натижалари, ёзма манбалар маълумотлари асосида шаҳарнинг топографик жойлашуви, сув таъминоти йўллари бўйича маъруза қилиб, йиғилиш иштирокчиларига ўзи тўплаган археологик ашёларни (шиша бўлаклари, сопол идишларни) тақдим этади. У катта миқдордаги шиша бўлаклари Ангрен худудининг барча қадимги кўрғонларида ҳам учрашини тахмин қилган ва “манбаларнинг гувоҳлик беришича, шиша идишлар бу ерга бошқа худудлардан олиб келинмаган, улар маҳаллий аҳоли томонидан тайёрланган..., қадимда хитойликлар уни тайёрлаш сирини Ўрта Осиёдан ўрганганлар”, – деган хулосага келади³.

Сопол идишлари қолдиқларини ўрганиш асосида эса Е.Т. Смирнов ўша даврдаги аҳоли турмушда ва рўзғорда сопол буюмлардан, шаҳар сув таъминотида сопол қувурлардан кенг фойдаланилганлигини аниқлаган.

Шоштепада (Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин қишлоғида) 1896 йилда қазишмалар олиб борган Н.П. Остроумов шаҳар деворларига таянч зовурларни ўрганиш асосида узун йўлак ва чўққили аркани очишга муваффақ бўлган. Сақланиб қолган қурилиш қолдиқлари бу ерда ер ости иншооти ва қўриқлаш нуқтаси бўлган, деган тахминга асос бўлади⁴. Бу ердан сопол буюм ва шиша парчалари, темир бўлаклари, ҳайвон суяклари то-

¹ Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента... – С.9.

² Смирнов Е.Т. Развалины города Канки // ПТКЛА. Приложение к протоколу. – Т., 1900. №4. – С.164–184.

³ Ўша жойда. – Б.174.

⁴ Протокол заседания от 26 августа 1896 г. // ПТКЛА. Вып.1. – Т., 1896. – С.23–26.

пилади, аммо шаҳар қолдиқларининг санаси номаълум-лигича қолади. Туркистонда археологик тадқиқотлар эндигина шаклланаётган бу даврда барча саволларга жавоб топиш қийин эди, албатта. Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги йиғилишларида топилмаларга оид долзарб масалалар бўйича жуда кўп баҳс ва мунозаралар олиб борилар¹, айниқса, оссуарийлар мавзуси кўп йиллар давомида қизиқарли баҳсларга айланган эди².

Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзолари бирламчи археологияга оид ёзма манбалар билан чегараланиб қолсалар-да, ўз натижалари билан Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда кейинги археологик тадқиқотлар учун пойдевор бўлди. Уларнинг ишлари ва аниқлаган топилмаларидан кейинчалик тарихчилар, археологлар, шарқшунослар, этнологлар ва турли илмий йўналишлардаги тадқиқотларда ҳам кенг фойдаланилди.

Археологик ёдгорликларни аниқлашда дастлаб маҳаллий аҳоли тахминларига асосланган ҳолда иш тутган тадқиқотчилар кейинчалик кўп йиллик археологик экспедициялар уюштиришга киришадилар. Бунда Россиядаги императорлик археология комиссияси, Рус археология жамиятининг Шарқ бўлими, 1903 йилда ташкил қилинган Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистик ва этнографик ўрганиш Комитети, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзолари, шунингдек, айрим мустақил тадқиқотчиларнинг изланишлари асосида кўплаб илмий натижалар қўлга киритилди.

¹ Остроумов Н.П. Новые данные о глиняных погребальных урнах // ПТКЛА. Год XI. 1 января 1906 г. – 1 января 1907 г. – Т., 1906. – С.32–44.

² Баргольд В.В. К вопросу об оссуариях Туркестанского края // ИРКИСВА. – СПб., 1908. №8.

3-§. Шарқшунослар фаолияти

Россияда шарқшунослик тадқиқотларининг шаклланиши, хусусан, Марказий Осиё минтақасини ўрганиш империянинг ҳарбий-стратегик мақсадлари билан узвий боғлиқ ҳолда бошланган. Зеро, Россия империясининг 1806–1812 йиллардаги Усманийлар билан, 1804–1813 йиллардаги Эрон билан олиб борган урушларида ҳарбий ҳаракатлар муваффақиятини таъминлашда рақиб мамлакат ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш зарурияти долзарб аҳамият касб этиб, Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганишга эҳтиёж кучайган эди.

Бу борада 1818 йилда Фанлар академияси Осиё музейининг таъсис этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Осиё музейида шарқ манбаларини йиғиш, сақлаш, уларни тизимлаштириш ва ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Унинг коллекцияларида Фанлар академиясининг кутубхонаси ва архиви томонидан тақдим этилган шарқ қўлёзмалари, Европада чоп этилган шарқшунослик тадқиқотлари, археологик ёдгорликлар, этнография намуналари, шарқ тангалари жамланиб борди.

Чегарадош Шарқ мамлакатларини ўрганиш мақсадида 1822 йилда ҳарбий топографлар корпуси ташкил этилди ва бу ерда офицерлар, топографлар томонидан йўл-йўриқномалар, харита, йўл кўрсаткичлар ва бошқа махсус ишланмалар тузиш, тегишли мамлакатларни ҳар томонлама ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. 1825 йилда Оренбургда очилган И.И. Неплюев номли ҳарбий билим юртида бошқа фанлар қаторида араб, татар ва форс тилларини ўқитиш йўлга қўйилди. Зеро, Осиё мамлакатларининг нафақат ҳарбий кучларини, балки уларнинг географияси, иқтисодиёти ва сиёсати, аҳолисининг этник таркиби, унинг урф-одатлари, дини ва бошқаларни ўрганиш учун тил биладиган мутахассислар зарур эди.

Шу мақсадларда XIX аср бошларида Россия ташқи ишлар вазирлиги Осие департаментининг ўқув бўлими ташкил топди, университетлар ўқув дастурига шарқшунослик бўйича ўқув фанлари киритилди, шарқшунослик бўлимлари, Шарқ тиллари кафедралари очилди ва уларда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу тариқа шарқ тилларини биладиган ҳарбий мутахассислар етишиб чиқди. Улар асосан Бош штаб офицерлари сифатида ҳарбий юришлардан аввал минтақага “рекогносцировка” (хужум олдидан ҳудудни ва рақибни ўрганиш ва маълумот тўплаш) ишларини амалга ошириш учун тайёрланган эди.

Шарқни ўрганишда хонликлар тарихини ёзма манбалар асосида ёритишга ҳам эътибор қаратила бошланди. 1824 йилда О.И. Сенковский томонидан Бухоро хонлиги тарихига бағишланган “Тарихи Муқимхоний”¹ асари таржима қилиниб, нашр этилди². “Шайбонийнома”, “Бобурнома”, Рашид ад-диннинг “Йилномалар тўплами”, Абулғозихоннинг “Шажарайи турк” асарлари чоп этилди³.

Шу тариқа Россияда университет ва илмий марказларда фаолият олиб боровчи шарқшунос тадқиқотчилар ва ҳарбий тузилмаларда фаолият юритувчи шарқшунос офицер-мутахассислар (“амалиётчи-шарқшунослар”)дан иборат кадрлар шакллантирилди. Ўрта Осиега қарши юришларда ҳар икки йўналишдаги мутахассислардан унумли фойдаланилди.

Россия империясининг минтақада ўлкани эгаллаб

¹ Қаранг: Мухаммед Юсуф Мунши. Муқимханская история. Пер. с тадж., предисл. примеч. и указатели проф. А.А. Семенова. – Т., 1956.

² Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России. – Соч., Т.9. – М., 1977. – С.439.

³ Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Т., 1965. – С.79–82.

олгандан кейин Туркистонда ўрнатилган мустамлака бошқарув маъмуриятининг ўлкадаги маҳаллий аҳоли ҳамда қўшни давлатлар билан муносабатларини йўлга қўйишда шарқ тилларидан хабардор кадрларга эҳтиёжи катта эди.

Шу боис бўлса керак, 1897 йилда Петербургда шарқшунослар жамияти ташкил этилиши¹ муносабати билан тез орада унинг Тошкент бўлимига асос солинди. Бундан кўзланган асосий мақсад минтақадаги халқлар ҳамда чегарадош мамлакатларни тадқиқ этиш, айти пайтда бу ерда Россия ҳақидаги билим ва маълумотларни оммалаштиришдан иборат эди. Жамиятнинг бошқарув ҳайъатига Н. Остроумов, С. Граменицкий, Н. Маллицкий, И. Краузе, И. Ягелло, кейинчалик эса маҳаллий вакиллардан С. Азимбоев, М. Магометов, М. Аюпов ва М. Хўжаевлар аъзо бўлдилар².

Ўша йили шахсан император буйруғи билан Тошкентда ва Ашхабодда урду тили курслари ташкил этилди. 1902 йилдан улар кенгайтирилиб, урду тилидан ташқари пушту, форс, хитой ва маҳаллий тиллар ўқитилиши йўлга қўйилди. 1907 йилдан ўқув дастурига топография, ислом ҳуқуқи ва ҳарбий разведка курслари киритилади. Шарқ тиллари курслари офицерлар мактабига айлантирилиб, офицер таржимонлар тайёрланиши йўлга қўйилади. Шарқшунослик ҳарбий курсларида Туркистон АССР ва қўшни давлатлар – Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон халқлари турмуши ва тили ўргатилган. Мактаб дастури жуда кенг бўлиб, талабалар учун луғатлар, грамматика бўйича қўлланмалар яратилган.

¹ Куликова А.М. Востоковедение в российских законодательных актах (конец XVII в. – 1917 г.). – СПб.: Петербургское востоковедение, 1993. – С.162.

² Лунин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. – Т., 1962. – С.126.

Бу ерда ҳарбийлардан ташқари шарқшунослик жамияти аъзолари М.С. Андреев, Н.С. Лыкошин, А.А. Семенов, И.Д. Ягелло география, этнография, тарих каби фанлардан маърузалар ўқиб турар эдилар¹. Уларнинг барчаси ўз даврида шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими ёки Туркистоннинг бошқа илмий жамиятлари аъзолари бўлганлар².

Маҳаллий тилларни ўрганиш Туркистон ўқитувчилар семинариясида ҳам йўлга қўйилган. 1894 йилда этнограф М.С. Андреев маҳаллий тиллар амалиётчиси этиб тайинланган ва форс тилидан дарс бериб, ўзбек тили бўйича барча синфларда амалий ва назарий машғулотлар олиб борган. М.С. Андреев ўзбек тили бўйича ўқув қўлланмаси тайёрлаган³.

Айнан шу даврда таниқли рус шарқшуноси С.Ф. Ольденбург жонбозлик кўрсатиб, Тошкентда шарқшунослик олий мактабини ташкил этиш масаласини кўтариб чиқди. Унинг бу ғояларини Н. Маллицкий ва Петербург шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими ҳам қўллаб-қувватлади. Тез орада ушбу масала ўша давр расмий матбуоти – “Туркестанские ведомости” саҳифаларида қизгин мунозара мавзусига айланади. Хусусан, таниқли шарқшунос В.В. Бартольд бу масалага жиддий эътироз билдириб, Тошкентда бундай вазифани бажариш учун илмий салоҳият етишмаслигини, етарли тайёргарлик йўқлиги шароитида эса илмий шарқшунослик талаб даражасида ривожлана олмаслигини таъкидлади.

Матбуотда давом этган қизгин мунозараларда шарқ тиллари бўйича ўрта махсус ўқув юрти очиш масаласи

¹ XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). 2-қисм. – Т.: Фан, 1994. – Б.290–291.

² Дониёров А.Х. Очерки истории этнографической науки Узбекистана (конец XIX в. – 20–30-е годы XX в.). Книга 2. 20–30-е годы XX в. – Т., 1996. – С.7.

³ Андреев М. Руководство для первоначального обучения сартовскому языку в Ташкентском реальном училище. 1896 г.

ҳам кўтарилди. Аммо 1905 йилда бошланган инқилоб ҳамда рус-япон уруши бу масалага вақтинчалик нуқта қўйди. Бундай шароитда шарқшунослар жамияти фаолияти ҳам маъмурият талаби билан тўхтатилди. 1909 йилда уни давом эттиришга рухсат сўралди, аммо розилик олинмагач, жамият 1916 йилгача норасмий иш олиб боради.

Бу даврда Туркистон худудида бир неча шарқшунос олимлар фаолият олиб бордилар. Уларнинг орасида В.В. Бартольд (1869–1930) алоҳида ўрин тутар эди. В.В. Бартольд Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид қатор асарлар яратган йирик шарқшунос олим эди. Унинг Туркистоннинг мўғуллар истилоси давридаги тарихи¹, Орол денгизи ва Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларнинг қадим замонлардан то XVII асргача бўлган аҳволи², Туркистоннинг суғорилиш тарихи³, Улуғбек ва унинг даврига⁴ оид ўнлаб асарлари шулар жумласидандир. В.В. Бартольд қаламига мансуб 685 та асарнинг 320 таси Туркистон тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти масалаларига бағишланган эди.

В.В. Бартольд ушбу асарларини яратишда Ўрта Осиё, Европа кутубхоналаридан излаб топган 25 дан ортиқ тарихий қўлёзма манбалардан унумли, танқидий ва қиёсий фойдаланиб, илмий муомалага киритди.

Мўғуллар истилоси даврида Туркистон тарихига бағишланган асарида⁵ В.В. Бартольд минтақага мўғуллар босқини, унинг оқибатларини тадқиқ этади. Асарда

¹ Бартольд В.В. Сочинения. – М., 1963. Т.1. – С.755.

² Ўша жойда. – М., 1965. Т.3. – С.5–96.

³ Ўша жойда. – С.97–236.

⁴ Ўша жойда. – М., 1964. Т.2. – С.5–198.

⁵ Ўша жойда. – М., 1963. Т.1. – С.755.

муаллиф Амир Темур салтанати ва Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт каби масалаларга ҳам тўхталади. Тадқиқот тарихий манбаларни қиёсий таққослаш ва танқидий таҳлил қилиш асосида яратилган эди.

В.В. Бартольд Амир Темур шахсига баҳо берар экан, манбалар асосида уни туркий ва форсий тиллар билимдони, ислом дини асосларини чуқур билган, уни қўллаб-қувватлаган, шахмат ўйинига уста, ҳарб илмида беқиёс, ажойиб боғлар, муҳташам бинолар яратган, шаҳарлар, қишлоқларни обод қилган, йўлларни тиклаб, суғориш иншоотларни барпо этган бунёдкор шахс бўлганлигини таърифлайди.

В.В. Бартольд Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек ҳақида “Улуғбек ва унинг даври” номли асар яратиб, унда минтақада Амир Темур даври ва у барпо этган салтанат тарихи, Мирзо Улуғбекнинг олиб борган сиёсати, илмий фаолиятига эътибор қаратади. У илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан бир вақтда Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тарихий обидаларни қўриқлаш ва тиклаш ишлари билан ҳам шуғулланади.

В.В. Бартольд 1895 йилнинг октябрь ойида асос солинган “Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги”нинг ташаббускорларидан бири бўлиб, унинг Низомини ишлаб чиқишда фаол иштирок этади. Тўгарак аъзоларининг сони тез орада 100 дан ортиб кетади. Бироқ, тўгарак маблағ билан таъминланмас эди. Шундай бўлса-да, тез орада В.В. Бартольд раҳбарлигидаги ушбу тўгарак тарихчи ва археологларнинг илмий марказига айланди¹.

¹ Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895–1917 гг.). – Т., 1955.

Бу даврда фаолият олиб борган рус шарқшуносларидан бири П.И. Лерх ўзининг илмий қизиқишлари доираси жуда кенглиги билан ажралиб турган. У турли халқларнинг тилшунослик масалалари, энг қадимги давр архелогияси ва Шарқ тангашунослиги билан қизиққан, архелогия, тилшунослик, тангашунослик, этнографияга оид кўплаб маълумотлар тўплаган, антиқа буюмларни сотиб олган¹.

Россия шарқшунослик институти архивида П.И. Лерхнинг Ўрта Осиё халқлари тарихи, фалсафаси, этнографиясига оид қисқа қораламалари, мақолалари, Туркистондаги сафари ҳақидаги кундалик дафтарлари², йўллар, қалъалар чизмалари, хариталар, масжид ва қабртошлардаги ёзувлар (араб ва форс тилидан рус тилига ўгирилган қўлёзма ёзувлар)³, Бухоронинг рангли харитаси⁴ сақланиб қолган.

П.И. Лерх 1858–1859 йилларда Бухоро ва Хивага Игнатъев раҳбарлигида уюштирилган экспедиция таркибида иштирок этади. Сафар давомида Осиё музейи учун 30 дан ортиқ Шарқ қўлёзмаларини қўлга киритади. 1871 йилда П.И. Лерх шарқшунос А.Л. Кун томонидан йиғилган ва Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман томонидан Петербург Халқ (Публичная) кутубхонасига ҳадя этилган 97 та шарқ қўлёзмасини тавсифлаб беради⁵.

1867 йилда П.И. Лерх Сирдарё бўйида энг қадимги шаҳарлардан бири – Янгикент қолдиқларини тадқиқ этади. Туркистон, Ўтрор, Сайрам каби қадимги шаҳар-

¹ Архив ИВР РАН, Ф.36, оп. 1, ед. хр. 2, 22 л.

² Ўша жойда, ед. хр. 8, 94 л.

³ Ўша жойда, ед. хр. 10, 16 л.

⁴ Архив ИВР РАН, Ф.36, оп. 1, ед. хр. 17, 40 карт и табл.

⁵ Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и в России. – СПб., 1911. – С.222–223.

ларни ўрганеди ва уларни тавсифлаб беради. Шу асосда унинг 1867 йилда Туркистон ўлкасига археологик сафарга оид тадқиқоти юзага келади. Асар рус ва француз тилларида чоп этилади¹.

Қадимги ва ноёб осори-атиқаларга қизиққан П.И. Лерх Туркистонда археологик ёдгорликлар, Шарқ қўлёзмалари ва тангаларини тўплаб ўрганган ва уларни Осиё музейи, император Эрмитажи ва Археология жамиятига топширган². Улар орасида 3 метр узунликдаги Бухоро амирининг турли давлат лавозимларига тайинлаш тўғрисидаги ёрлиғи (форсча қўлёзма), 2,5 метр узунликдаги вақф ёрлиқлари (эски ўзбек ёзувидаги туркий қўлёзма); Бухорхудот давридаги номаълум муаллифнинг Бухоро тарихига оид асаридан парчалар (форсча қўлёзма), Жўқи-сан-қалъага асос солиниши тарихига оид ўзбекча қўлёзма, масжид ёки мадрасалар деворларидаги араб ёзувларининг фотосуратлари, 77 см узунликдаги яхши сақланмаган, аммо қайта тикланган Абу Муслим ҳаракати тарихига доир арабча қўлёзма ҳам бўлган³.

Ўз изланишлари асосида П.И. Лерх Рус археология жамияти йиғилишларида Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданияти билан боғлиқ мавзуларда тилшунослик, хронология, этнография, тангашунослик йўналишларида тез-тез маърузалар ўқиб турган.

П.И. Лерх 1876 йилда Санкт-Петербургда ўтказилган шарқшуносларнинг III халқаро съездида кўргазма ташкил этилишига катта ҳисса қўшган, юборилган буюмларни рўйхатга олиб, жойлаштирган, уларнинг

¹ Лерх П.И. Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867 году. – СПб., 1870.

² Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и в России. – СПб., 1911. – С.222–223.

³ Архив ИВР РАН, Ф.36. оп. 1, ед. хр. 16, 8 л.

сақланишига масъулият билан ёндашиб, чет эл меҳмонлари учун кўргазма буюмлари ҳақида тўлиқ маълумот берган, съезддан кейин эса, ушбу ноёб буюмларни ўрганиб тадқиқ қилган. Съездда “Бухорхудотлар тангалари” (“Монеты бухархудатов”) номли йирик асарини илмий жамоатчиликка таништирган¹. У шарқшунос В.В. Григорьев билан бўлган ёзишмаларида Ўрта Осиё тангашунослиги масалаларига алоҳида эътибор қаратган².

1873 йилда Рус география жамияти топшириғи билан П.И. Лерх Хива ҳудудини босиб олиниши жараёнида кўлга киритилиши кўзда тутилган ёдгорликлар рўйхатини тузади. Ушбу йўриқномада ёзма, археологик, нумизматик, эпиграфик ва этнографик ёдгорликларга эътибор қаратиш назарда тутилган эди. Шу асосда П.И. Лерх 1873 йилда Хива ва Хоразмнинг умумийлаштирилган тарихий-географик очерklarини яратган.

Бу даврда Туркистонда фаолият олиб борган шарқшунослардан яна бири Н. Остроумов эди. У Қозондаги диний академиянинг миссионерлик факультети битирувчиси сифатида ислом дини ва тарихи ҳамда шарқ тилларидан яхши хабардор мутахассис сифатида Туркистонга халқ таълими инспектори лавозимига ишга таклиф қилинган эди. Н. Остроумов ўз фаолияти давомида Тошкентдаги рус таълим бошқармаси ва муассасаларида раҳбар лавозимларда фаолият юритган. У Туркистондаги рус ва анъанавий таълим тизимига доир қатор мақолалар чоп этган.

1883–1917 йиллар давомида ўзбек тилида чоп этиладиган расмий газета – “Туркистон вилоятининг газети”нинг муҳаррири сифатида фаолият юритган Н. Остроумов нафақат рус олимлари, балки маҳаллий зиёли-

¹ Лерх П.И. Монеты бухар-худатов // Труды Восточного отделения Русского Археологического общества. Т. XVIII. – СПб., 1876.

² Архив ИВР РАН, Ф.36. оп. 1, ед. хр. 11, 23 л.

лар билан ҳам яқиндан мулоқотда бўлиб, ўлкадаги илмий-маданий ва таълим жараёнларидан яхши хабардор бўлган.

Н. Остроумовнинг шарқшунос сифатидаги фаолияти бир неча йўналишларда намоён бўлган. Шарқ тиллари, хусусан, араб, форс тилларини, маҳаллий аҳоли сўзлашадиган ўзбек, қозоқ тилларини, айниқса, ўзбек адабий тили ва шеваларини ҳам яхши эгаллаганлиги боис халқ оғзаки ижодига жуда кўп мурожаат қилган, халқ мақоллари, эртаклари, ривоятларини жамлаб, чоп этган¹.

Н. Остроумовнинг “сарт” атамаси масаласидаги қарашлари ўз даврида катта эътирозларга сабаб бўлди ва ҳанузгача давом этмоқда. Унинг “ўзбеклар ва тожиклар аралашуви натижасида “сарт” деган алоҳида халқ шаклланган”, “сарт тилини ўзбек тилидан, сартларни ўзбеклардан ажратиш керак”, деган мазмундаги асоссиз фикрлари ҳақли равишда ўз замондошлари, хусусан, маҳаллий зиёлилар томонидан кескин танқидга учради.

Н. Остроумов фаолиятининг яна бир йўналиши таржимонлик ва ноширликда намоён бўлган. У А.С. Пушкин, Л.Н. Толстой каби рус адабиёти намояндалари асарларини ўзбек тилига таржима қилишга муваффақ бўлган. Шунингдек, Н. Остроумов “Темур тузуклари”нинг француз олими Лянгле томонидан таржима қилинган нашрини 1787 йилда биринчи марта рус тилига таржима қилиб, Қозонда нашр эттиради. Маҳаллий шоирлардан Таваллонинг “Равнақ ал-ислом”, Муқимийнинг шеърларидан тузилган “Девон”, Махтумқулининг ғазаллари тўпламларини чоп эттиради. “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида маҳаллий зиёлилар ижодларидан намуналар бериб боради.

¹ Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. – Т.: Типо-литография торгового дома “Ф. и Г. Бр. Каменские”, 1896. – С.274.

Н. Остроумов фаолиятида Археология ҳаваскорлари Туркистон тўғараги алоҳида ўрин тутади. У тўғаракнинг асосчиларидан бири эди. Кўп йиллар давомида бевосита унга раҳбарлик қилиб, тўғарак фаолиятининг изчил олиб борилишига ўз ҳиссасини қўшиб келди. Шу билан бирга, Рус география жамияти Туркистон бўлими, Қозон император университети қошидаги археология, тарих ва этнография жамияти, Рус археология жамияти, император археология комиссияси, Оренбург архив илмий комиссияси ва бир қатор бошқа жамоат ташкилотларининг фаол аъзоси сифатида фаолият юритган.

Н. Остроумов ижодининг яна бир асосий йўналиши ислом тарихи ва исломшунослик тадқиқотларида¹ намоён бўлади. Бу масалада у ўзи тугатган мутахассислик, яъни исломга қарши миссионерлик ғояларидан ҳеч қачон воз кеча олмаганлиги унинг асарларида ҳам, ўлкадаги анъанавий таълим тизими ҳамда расмий диний сиёсатни белгилаш масалаларида билдирган қарашларида ҳам яққол намоён бўлган.

Н. Остроумовнинг миссионер сифатидаги мақсади минтақада “Россия империясига содиқ, христианликни ва рус турмуш тарзини осонроқ қабул қиладиган аҳолини шакллантириш” эди. Н. Остроумов томонидан Британия библия жамияти топшириғи билан христиан динининг тўртта “Хушxabар” китобларини ўзбек тилига ўгириб, чоп эттирилганлиги уни миссионерлик ғоялари ҳеч қачон тарк этмаганлигига яққол далил эди.

¹ “Мухаммеданский пост в месяц Рамазан” (1877); “Историческое и современное значение христианских миссий среди мусульман” (1894); “Мир ислама в прошлом и настоящем” (1912); “Исламоведение. Введение в курс исламоведения” (- Т., 1914); “Исламоведение. (Догматы Корана)” (- М., 1916); “Аравия - колыбель ислама” (1910), переиздана: “Академия фундаментальных исследований: история”, 2007 год, издательство ЛКИ; “Коран; описание внешнего вида и история текста” (1912); “Вероучение Корана” (- М., 1915); “Шариат” (- Т., 1912).

Бу ғоялар унинг исломшуносликка оид тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган эди. Н. Остроумовнинг исломшунослик бўйича асарлари айнан миссионерлик нуқтаи назаридан ёндашилганлиги туфайли ўз вақтида шарқшунос олим В.В. Бартольд томонидан ҳам кескин танқидга учраган эди¹.

Туркистонда унинг тарихи, маданияти, ижтимоий ҳаёти, аҳолиси, урф-одатларини ўрганган шарқшунос тадқиқотчилар сафи анча кенг эди. Улар орасида Н.И. Веселовский, В.П. Наливкин, А.Л. Кун каби яна ўнлаб мутахассислар, Н.С. Лыкошин, Д.Н. Логофет, Н.А. Маев каби ҳарбий ва мансабдор шахслар томонидан яратилган тадқиқотлар Туркистон халқлари тарихи, этнографияси, археологияси ва ижтимоий тарихига оид кўплаб тарихий маълумотлар ва фактларни сақлаб қолишда муҳим роль ўйнади.

Хусусан, Самарқанд ҳарбий губернатори Н.С. Лыкошин ўлкадаги фаолияти давомида ўз устида ишлаган ва шарқ тилини ўзлаштириб, Ўрта Осиё тарихига оид энг муҳим манбалардан бири Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарини В.В. Бартольд таҳрири остида рус тилига ўгиришга муваффақ бўлган².

Шундай тадқиқотчилардан яна бири Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ва “Туркестанские ведомости” газетаси бош муҳаррири Н.Г. Маллицкий бўлиб, у араб, форс ва тожик тилларини яхши ўзлаштирган ҳамда “Тошкент маҳаллалари ва мавзелари”³, “Тошкент (тари-

¹ Қаранг: Записки Восточного отделения Русского археологического общества. – СПб., 1910. – С.81.

² Муҳаммад Наршахи. История Бухары (перевел с персидского Н. Лыкошин) под редакцией В.В. Бартольда. – Т., 1897. – С.6.

³ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля ва мауза. – Т.: Восточный факультет Средне-Азиатского Гос. Университета, 1927.

хий очерк)»¹ номли тарихий асарларини ёзиб қолдирган.

Шарқшуносликнинг яна бир йўналиши луғатлар ва тилларни ўқитиш бўйича қўлланмалар яратиш ҳамда шарқ тилларини ўқитишда намоён бўлди. Хусусан, М.С. Андреев томонидан ўзбек тили бўйича ўқув қўлланмаси², В.П. Наливкин тайёрлаган ўзбек-рус, рус-ўзбек, ўзбек-форс, форс-ўзбек луғатлари, ўзбек тили грамматикаси бўйича қўлланмалар шулар жумласидан эди³.

Ўлка тарихига оид муҳим изланишлар ва уларнинг натижалари Туркистон ҳаваскор археологлари йиғилишларида қизгин муҳокама қилиниб, маҳаллий нашрларда мунтазам эълон қилиб борилар, улар асосида шарқшунослик курслари ва ўқитувчилар семинариясида, ҳарбий билим юрларида маърузалар олиб борилар эди.

Ўлка тарихи, моддий маданияти ва ижтимоий тарихини ўрганишда археолог ва шарқшунослар фаолиятидаги уйғунлик Туркистон шарқшунослик мактабининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири эди.

4-§. Элшунослик (этнография) тадқиқотлари

Марказий Осиё худудида яшаган халқларнинг тарихи, этник таркиби, урф-одатлари ва ҳўжалиги ҳақида маҳаллий ва хорижий (хусусан, хитой тилидаги) тарихий манбаларда кўплаб маълумотлар сақланиб қолган. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида рус тадқиқотчиларининг ҳам минтақада яшаган халқлар

¹ Маллицкий Н.Г. Ташкент (Исторический очерк) // Известия Ташкентской городской думы, 1915. №1. – С.10–21; №2. – С.76–91.

² Андреев М. Руководство для первоначального обучения сартовскому языку в Ташкентском реальном училище. 1896 г.

³ Наливкин В.П. Русско-персидский словарь общеупотребительных слов по наречиям Туркестанского края. – Т.: тип. Им. ун-та, 1889.

турмуш тарзи, этник қиёфаси, тузилиши, анъанавий хўжалик фаолияти, моддий ва маънавий маданиятига оид маълумотларни жамлаган ўнлаб асарлари чоп этилди.

Ўлка худуди Россия империяси томонидан забт этилгандан кейинги дастлабки 10 йилликдаёқ, аниқроғи 1870-йилларда рус тадқиқотчилари томонидан Самарқанд, Бухоро, Хива бўйича уюштирилган илк илмий экспедициялар жараёнида ҳарбий шарқшунослар, географлар, тарихчи ва тилшунослар томонидан олиб борилган изланишларда маҳаллий аҳоли ҳаёти, турмуш маданияти ва анъаналарига оид маълумотлар ўрганилди.

А. Федченко, В. Радлов, А. Гребенкин, А. Хорошхин, кейинчалик А.А. Диваев, М. Гаврилов, Г. Андреев, М. Федоровский каби муаллифларнинг асарларида минтақада яшовчи турли халқлар турмуш тарзи ва маданияти масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигини кузатиш мумкин.

1895 йили Тошкентда Археология ҳаваскорлари Туркистон тўғарагининг ташкил этилиши натижасида ўзбек халқининг этнографиясига бағишланган материаллар йиғиш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Сатторхон Абдулғаффоров, Мирзо Барот, Мулла Қосимов, Муҳаммад Вафо, Г. Арандренко, Л.С. Берг, В.Л. Вяткин, М.Ф. Гаврилов, А.А. Диваев, И.И. Ибраҳимов, А.В. Каулбарс, П.Е. Кузнецов, Д.Н. Логофет, Н.А. Маев, А.Е. Снесарев, М.С. Андреев, А.А. Семенов, Н. Петровский, А.П. Шишов, В.Н. Наливкин, Н.П. Маллицкий каби муаллифларнинг асарларида ўзбек халқининг этник тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, анъанавий турмуш тарзи ва маданияти билан боғлиқ илк маълумотлар ўз аксини топди.

Юқорида номлари қайд қилинган тадқиқотчилар томонидан турли йилларда ва турли мақсадларда йиғилган этнографик материаллар, гарчи уларда айрим чал-

кашликлар ва юзаки талқинлар учраб турса-да, ўша даврда Туркистон халқларининг этник ҳолати, турмуш тарзи ва анъаналари, халқ оғзаки ижоди, тарихи, хўжалик машғулоти, урф-одат ва маросимлари ҳақида муҳим маълумотлар базасини шакллантиришга муносиб ҳисса бўлди.

Бу даврда этнографик маълумотларни тўплашда таниқли шарқшунос А. Диваев фаолияти ҳам алоҳида ўринга эга. Абубакр Диваев 1876 йилдан бошлаб Туркистон генерал-губернаторлигида таржимон ва махсус амалдор вазибаларини бажариш билан бирга маҳаллий халқлар этнографиясига жуда катта қизиқиш билан қараган. У Чимкент, Еттисув, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида илмий сафарлар уюштириб, халқ ижоди намуналарини тўплаш ва ўша даврдаги статистик тўпламлар ва даврий нашрларда чоп этиб боришга муваффақ бўлган. Тошкент вилоятида ўзбек уруғлари шажарасини топиб, унинг батафсил рўйхатини нашр қилган.

XX аср бошларига келиб А. Семёнов, А. Снесарев, Н.Ф. Ситняковский, Д.Н. Логофет, С. Неустроев каби тадқиқотчилар асарларида ҳам минтақада яшовчи маҳаллий аҳолининг XX аср бошларидаги этник таркибига оид кўпгина маълумотлар ўрин олган.

Н.Ф. Ситняковский ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларида яшовчи қўнғиротлар генеологияси ҳақида махсус тадқиқот олиб бориб, қўнғиротларнинг янада майда уруғларга (генеонимларга) бўлинишини бир тизимга солган ҳолда тавсифлаб берган.

Ўлканинг барча ҳудудларида, хусусан, Тошкент атрофлари, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Хивада олиб борилган тадқиқотларда ўзбеклар, қорақалпоқлар, оз сонли халқлар этнографиясига оид маълумотлар тўпланиб борган.

Россия тарихшунослигида Марказий Осиё аҳолиси этник таркибини ўрганишга оид дастлабки маълумотлар минтақага жўнатилган элчилик миссиялари, ҳарбий экспедициялар фаолияти давомида аниқланган ва уларнинг сафарнома ва кундаликларида ўз аксини топган.

Хусусан, 1820 йилда Бухорога Россия миссияси таркибида ташриф буюрган Е. Мейендорф ўзининг шахсий кузатувларига асосланган ҳолда минтақа аҳолиси ҳақида ҳам маълумот бериб, бу даврда Бухоро амирлигида 2 миллион 478 минг аҳоли яшашини, шундан 1,5 миллионини ўзбеклар ташкил қилишини қайд этган.¹

Н. Ханьков эса, ўз асарида Бухоро амирлигидаги ўзбеклар уруғ ва гуруҳларга бўлинишини қайд этиб, “Насабномаи-ўзбакиа” асари асосида ўзбек уруғлари ва уларнинг гуруҳлари, хусусан, манғитлар (тўқ манғит, оқ манғит, қора манғит), минг, юз, қирқ, ўнг, ўнгачит, жалойир, сарой, кўнғирот, уйғур, ағир, ябу қабилар рўйхатини келтирган. Шунинг таъкидлаш жоизки, ушбу рўйхат таҳлили унинг анча илгари, яъни ушбу уруғлар катта қабилани иттифоқига кирган даврда тузилганлигидан далолат беради. Муаллиф Бухоро амирлигидаги энг нуфузли ўзбек уруғлари манғитлар эканлигини, ҳукмрон сулолалар ҳам ушбу тўқ манғитлар орасидан келиб чиққанлигини қайд этади².

1841–1842 йилларда Бухоро ва Самарқандга келган А. Леман маҳаллий аҳолининг ўзбек, эроний, тожик, нўғай, яхудий, ҳинд каби гуруҳлари борлигига гувоҳ бўлди. А. Леманнинг вафотидан сўнг нашр этилган кундаликларида унинг Бухорога уюштирилган саёҳат тафсилотлари, Бухоро ҳақидаги қизиқарли маълумотлар,

¹ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Петербург. – М., 1975. – С.106.

² Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.58–64.

унинг тарихи, аҳолиси, Самарқанд, Зарафшон водийсининг ўзига хос жиҳатлари ўз аксини топган эди.¹

1858 йилда Н. Игнатъев бошчилигида Хива ва Бухорога юборилган йирик дипломатик миссия қатнашчиларидан Н. Залесов, Е. Килевейн, А. Бутаков, П. Лерх қаламига мансуб асарлар ва мақолаларда ҳам этнографик маълумотлар келтирилган. Шу ўринда М. Галкиннинг Ўрта Осиё ва Оренбург ўлкасига оид тарихий ва этнографик материаллари диққатга сазовордир.²

Зарафшон водийси этник тавсифи борасида ҳам талайгина маълумотлар тўпланган бўлиб, уларни икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга минтақани яқиндан биладиган, бу ерга келиб ишлаган амалдор ва олимлар (Л. Соболев, А. Гребенкин, В. Радлов, А. Федченко, Г. Арендаренко ва бошқ.) асарлари, иккинчи гуруҳга эса, иккиламчи манбалардан фойдаланган муаллифлар асарларини киритиш мумкин. Шубҳасиз, биринчи гуруҳга мансуб адабиётлар аҳамиятли ва қимматлироқдир.

Зарафшон водийсининг туркий тилли аҳолиси ҳақида дастлаб Н. Ханьков, ва ундан кейин эса капитан А. Гребенкин (1840–1888) ва тилшунос В. Радлов (1837–1918) анча батафсилроқ маълумотлар берганлар. Жумладан, Ўрта Зарафшонда жойлашган Самарқанд воҳасига келган В. Радлов туркий тилли аҳоли, уларнинг жойлашуви ва маиший ҳаёти борасида эътиборга молик маълумотларни ёзиб қолдирган³. Унинг кузатувларига кўра, минтақадаги туркий халқларнинг асосий кўпчилигини ўзбеклар ташкил этган.

¹ Alexander Lehman's, *Reise nach Buchara und Samarkand in den Jahren 1841 und 1842.* – Sankt-Petersburg, 1852. – P.162.

² *Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю* (– СПб., 1868).

³ Радлов В.В. *Средняя Зерафшанская долина // Записки Императорского Русского географического общества по отделению этнографии.* Т.6. 1880.

1860 йилларнинг охирида Самарқанд вилоятига ташриф буюрган географ А. Федченко аҳолини этнографик жиҳатдан тадқиқ этиб, ўзбек, тожик, тоғли тожик – ғалча, яхудий, араб, ҳинд, лўли, эрони ва бошқа тоифаларга бўлган. Муаллиф маҳаллий аҳолига нисбатан қўлланиладиган “сарт” сўзи ҳеч қандай сиёсий, этнографик ёки антропологик маънони англатмаслигини таъкидлаган¹.

Минтақада 1860-йилларнинг охирида иш олиб борган рассом В. Верещагин қаламига мансуб тасвирларда Зарафшон водийсида яшовчи тожик, ўзбек, қозоқ, яхудий, араб, эрони, лўли, ҳинд, афғонлар ўз аксини топган².

1870-йилларда империянинг Зарафшон округи маъмурияти Самарқанд уезди қишлоқ аҳолиси ҳақидаги статистик маълумотларни йиғиш мақсадида Д. Гребенкин, А.П. Хорошхин, Ш.Ш. Сыртланов, П. Крамп, Н. Дагелев, И.А. Александров, М.Ш. Султанов, П.Е. Шинцберг, Кулчанов, Хошаев ва бошқалар иштирокида тузилган комиссия томонидан аҳолининг ижтимоий табақалари, насл-насаби ва этник мансублиги бўйича тўпланган рўйхатда³ Зарафшон округининг асосий аҳолиси ўзбеклар эканлиги, кейинги ўринда эса тожиклар туриши қайд этилган.

Комиссия аниқлаган материалларда ўзбекларнинг 92 уруғга бўлиниши, Зарафшон водийсида минг, турк, найман, юз, туёқли, хитой, сарой, қипчоқ, жалойир,

¹ Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950. – С.65–66.

² Прищепова В.А. Иллюстративные коллекции по народам Центральной Азии второй половины XIX – начала XX века в собраниях Кунсткамеры. – СПб.: Наука, 2011. – С.36.

³ Маликов А.М. Этническая классификация тюркоязычного населения долины Среднего Зерафшана в официальных дискурсах (вторая половина XIX – начало XX вв.) // Эволюция института власти в древней, средневековой и новой истории Казахстана и сопредельных государств. Материалы международной научно-теоретической конференции. – Алматы: Институт истории и этнологии, 2016. – С.217–227.

дўрмон, манғит, кераид, кўнғирот, керачи, қирқ, чуют, кенагас, қирқ-юз, қиёт, ўтарчи ва бошқа уруғлар яшаши қайд этилган. Уларнинг бир қисми сон жиҳатидан кўп ва “кучли” уруғлар сифатида, бошқалари эса “майда” уруғлар эканлиги қайд этилган. Рўйхатда қорақалпоқлар, туркманлар, қирғизлар (қозоқлар – А. Маликов) алоҳида тилга олинган.

Ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида Туркистон халқларининг урф-одатлари, турмуши ва анъаналари билан муфассал танишиш имкониятига эга бўлган офицер А.Д. Гребенкин Самарқанд вилояти ўзбеклари ҳақида нашр эттирган ўз хотираларида уларнинг ҳўжалиги ва турмуши, моддий маданияти, никоҳ алоқаларини ёритган¹. Унинг маълумотларига кўра, ўзбекларнинг нисбатан кўп сонли гуруҳларига манғит, қипчоқ, қтай, найман, минг, кўнғирот, сарой ва бошқалар кирган. Ҳар бир қабилада “бек зоти” деб аталган имтиёзли гуруҳ мавжуд бўлган. Масалан, туёқдиларда – гурач, мингларда – тўғали, қтайларда – утарчилар бек саналган. Минтақада доимий равишда ярим кўчманчи аҳоли гуруҳларининг бошқа ерларга кўчишлари, яъни бошқа вилоятларга миграцияси рўй бериб турган, аммо улар маълум муддатдан сўнг ўзларининг аввалги жойларига қайтиб келганлар.

А.Д. Гребенкин ўз асарларида Зарафшон воҳасидаги тожикларни ўрганади ва уларнинг ўзбеклар билан алоқларини таҳлил қилади².

¹ Гребенкин А.Д. Узбеки // Сборник “Русский Туркестан”. – М., 1872. Вып. II.

² Гребенкин А.Д. Этнографический очерк Заравшанского округа. ТВ. №41, 1871; Он же: Таджики // Русский Туркестан: Выпуск второй. Статьи по этнографии, технике, сельскому хозяйству и естественной истории – М., 1872. – С.1–50; Он же: Ремесленная деятельность таджиков Заравшанского округа // Материалы для статистики Туркестанского края, 2 (– СПб., 1873). – С.511–516.

А.П. Хорошхин (1841–1875) Ўрта Осиёга истилочилик юришлари иштирокчиси, этнограф ва ёзувчи бўлиб, туркий тилларни мукаммал билган. У Бухорога 1868 йилда уюштирилган ҳарбий экспедицияда қатнашган, кейинчалик илмий мақсадларда Туркистоннинг бошқа ҳудудларини ҳам кезиб чиққан. А.П. Хорошхиннинг Зарафшон водийси ўзбекларига бағишланган тадқиқотларида аҳолининг уруғ-қабилавий таркиби, анъаналари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши масалалари ёритилган.

А.П. Хорошхин ўзининг Туркистон ўлкасининг топографияси, этнографияси ва статистикасига бағишланган асарида¹ ўзбеклар, тожиклар, қорақалпоқлар, эронилар, мазанг (лўли)лар, хўжалар, туркманлар ҳақида маълумотлар келтириб, ўзбеклар ва тожикларни минтақанинг “туб аҳолиси” сифатида қайд этган, ўзбеклар сонининг кўпроқ эканлигини таъкидлаган.

Унинг қайд этишича, тахминан 20 минг киши яшайдиган Самарқандда ўзбек ва тожиклардан ташқари, минтақавий гуруҳлар – Тошкент, Қўқон, Қашғар, Хўжанд, Бухоро, Ургут ва бошқа ҳудудлардан кўчиб келган аҳоли ҳам яшаган. Каттақўрғонда ўзбеклар, тожиклар, ҳиндлар ва яҳудийлар истиқомат қилганлар. Пайшанбада ўзбек, тожик ва руслар яшаганлар. Каттақўрғоннинг жанубий қисмини ярим кўчманчи ўзбеклар эгаллаганлар. Ўзбеклар 92 уруғ бўлиб, улар орасида ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли бор эди.

1870 йилларнинг бошларида Самарқанд уездида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш чоғида Зарафшон округи бошлиғи лавозимида фаолият юритган Л.Н. Соболевнинг асарида ҳудуднинг табиий шароитлари, маъмурий бўлиниши тасвирланиб, сувдан фойдаланиш ва

¹ Хорошхин А.П. Народы Средней Азии // Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. – СПб., 1874. Вып.3. – С.325–324.

сувни тақсимлаш тартиблари, аҳоли сони, қишлоқлар ва улардаги аҳолининг этник таркиби ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Л.Н. Соболев Ўрта Осиёнинг руслар “қирғизлар” деб атайдиган аҳоли аслида қозоқлар эканлигини таъкидлаган¹.

1874–1889 йилларда Самарқанд вилоятида турли маъмурий лавозимларда ишлаган Г. Арендаренконинг асарларида ҳам минтақа аҳолиси ҳақида муҳим этнографик маълумотлар келтирилган².

1879 йилда Москва табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти томонидан ташкил қилинган Антропология кўргазмасида Россия империясининг бошқа ҳудудлари аҳолиси маданияти билан бир қаторда, ўзбекларнинг маданиятига оид материаллар ҳам тақдим этилган. Самарқанд ҳарбий-халқ бошқаруви амалдори М.М. Вирский Самарқанд аҳолисининг мотам маросимларига оид маърузаларида тўй удумлари ва бошқалар ҳақидаги маълумотларни келтиради³.

Ҳарбий шарқшунос ва этнограф М.И. Венюковнинг (1832–1901) XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги этник вазиятга оид маълумотлари эътиборга лойиқ. 1876 йилда Туркистон ўлкасининг шарқшунослар учинчи халқаро конгрессида иштироки бўйича қўмита ўлкада яшайдиган аҳоли типлари ҳақидаги альбомни тузишга қарор қилади. Шу

¹ Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе с приложением списка населенных мест округа // Записки императорского русского географического общества по отделению статистики. Т.4. – СПб., 1874. – С.134–151.

² Арендаренко Г.А. Каратегин (по расспросным сведениям). Военный сборник, 5 (1878); Шу муаллиф. Дарваз и Каратегин (этнографический очерк Г.А. Арендаренко); Ўша ерда. 11–12 (1883); Шу муаллиф. В горах Дарваза и Каратегина. Восточное обозрение, 23, 29 (1883).

³ Вирский М.М. Об устройстве сартовской могилы и похоронных обрядах туземцев Самарканда. Антропологическая выставка 1879 г., Т.III. – С.146–147.

муносабат билан фотограф В.Ф. Козловскийга тожик, ягноб, ўзбек, афғон, лўли, яхудий ва сиёхпўшларнинг портретини ишлаш топширилади¹.

Самарқанд вилояти ҳудудидаги этник гуруҳларни рўйхатга олиш натижалари айрим ноаниқ ва зиддиятли ҳолатларни кўрсатса-да, аммо шуниси аниқки, ўзбеклар сонининг кўплигини барча тан олган.

Бухоро воҳаси ўзбеклари ва тожиклари этнографиясига оид қимматли маълумотлар рус ҳарбий арбоби, Олий бош штабнинг генерал-майори, дипломат, ҳарбий шарқшунос, Ўрта Осиёга юришлар иштирокчиси Л.Ф. Костенко (1841–1891) томонидан тақдим этилган².

Зарафшон водийсининг ўрганилишида рус шарқшунос олими В.В. Бартольднинг (1869–1930) ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг қатор асарларида Самарқанд ва Бухоро тарихига оид маълумотлар қайд этилган.

Шарқшунос Н. Аристов ўз асарларида туркий қабилалар ва халқлар тарихи ҳамда этнографиясига эътибор қаратган³. Хусусан, Зарафшон водийси ўзбек уруғларининг келиб чиқиши, насаблари, жойлашувини ёритган Н. Аристов ўзбеклар Самарқанд вилояти, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида асрлар давомида сиёсий ҳукмронлик қилибгина қолмай, балки сон жиҳатдан ҳам устунликка эга бўлганлар, деган фикрга келган. Шу-

¹ Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.). – Т.: Muharrir nashriyoti, 2018. – С.19.

² Костенко А.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. (СПб., 1871); Костенко А.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – СПб., 1871; Костенко А.Ф. Туркестанский край. Опыт военно-статистического обозрения Туркестанского военного округа. Т.1–3. – СПб., 1880.

³ Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. – СПб., 1897.

нинг учун Самарқанд вилоятининг барча ўтроқ туркий аҳолиси ўзини “ўзбек” деб атаган ва бу ном маҳаллий расмий муомалада ҳам кенг қўлланилган.

Самарқанд вилояти мусулмонларининг урф-одатлари, исломга муносабатлари ва турмуш тарзига оид қизиқарли қарашлар Н.Лыкошин (1860–1922)нинг асарларида ҳам ўз аксини топган¹.

1886 йилда Бухоро амирлигига келган Н. Покотило бу ерда ўзбек, тожик, туркман, араб, лўли, афғонлар яшашини, ўзбек ва тожиклар орасида ўзаро яқин алоқалар йўлга қўйилганлигини қайд этган². У Сурхондарё минтақаси ўзбекларида этник ва уруғ идентификацияси яққол кузатилишини, ўзбек-қўнғирот, ўзбек-манғит деган тушунчалар кенг тарқалганлигини таъкидлаган.

В. Крестовский асарларида эса бухороликлар ҳақидаги этнографик маълумотларга алоҳида эътибор қаратилган³.

Рус генерали, ҳарбий Д. Логофет Бухоро амирлиги аҳолисини таърифлаб, ўзбекларга алоҳида тўхталади ва уларнинг энг яхши ерларга эгалик қилишлари, кўп сонли бошқарув маъмурияти айнан ўзбеклар орасидан етишиб чиққанлигини, ўзбеклар ўз уруғларининг келиб чиқиши, насл-насаби ва ўзаро алоқаларини яхши билишларини таъкидлаган.

Шу тариқа, рус тадқиқотчиларининг тадқиқотларида XIX аср охир – XX аср бошларидаги маҳаллий ижтимоий ва этник бирликлар, локал ўзига хослиги ва урф-одатларига оид кўплаб маълумотлар, мураккаб ижтимоий ва этник манзара ўз аксини топди.

¹ Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – Пг., 1916.

² Покотило Н.Н. Отчет, о поездке в пределы центральной и восточной Бухары в 1886 году. – Т., 1888.

³ Крестовский В.В. В гостях у эмира бухарского. – СПб.: издание А.С. Суворина, 1887.

Аёллар ва оила масалалари. Рус тадқиқотчилари томонидан Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятини ўрганишга бағишлаб ёзилган асарлар ўзининг фактик материалларга бойлиги билан эътиборга лойиқ. Улар орасида Туркистон халқларининг тарихи, тили ва маданиятига бағишлаб бир неча асарлар ёзган В.П. Наливкиннинг ишлари алоҳида ажралиб туради.

В.П. Наливкин 1873–75 йиллардаги Хива ва Қўқон юришларида қатнашган. Маҳаллий аҳолига нисбатан мустамлакачиларнинг адолатсизлигидан норози бўлган В.П. Наливкин кейинчалик ҳарбий хизматдан истеъфога чиқади.

Ўзбек, тожик ва форс тилларини билган В.П. Наливкин маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва урф-одатларини яқиндан ўрганиш учун ҳозирги Наманган вилояти Янгикўрғон туманидаги Нанай қишлоғидан ер сотиб олиб, оиласи билан шу ерга кўчиб келади.

В.П. Наливкин бир неча йил давомида Нанай қишлоғида оиласи билан яшаб, маҳаллий аҳоли аёлларининг турмушига оид қимматли этнографик маълумотлар тўплайди Ушбу маълумотларни тўплашда унга турмуш ўртоғи Мария Владимировна яқиндан ёрдам беради. Зеро, маҳаллий мусулмон аёл учун эркак билан, боз устига ғайридин билан суҳбатлашиш, қолаверса, унга ўз ҳаётига оид бирор бир маълумот бериш мумкин эмас эди. М. Наливкина эса маҳаллий аёлларнинг ҳаёт тарзи ва ўзига хос характери, қолаверса, энг нозик ҳиссиётларига оид қимматли этнографик маълумотлар тўплашга мувофиқ бўлди. 1886 йилда Қозон шаҳрида чоп этилган “Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы” (“Фарғона ўтроқ аҳолиси аёллари турмушига доир очерк”) номли асарнинг ёзилишида унинг хизмати ва ҳиссаси жуда катта эди.

Эр-хотин Наливкинлар Нанай қишлоғида олиб борган этнографик изланишларнинг бош мақсади – ўзбек аёлининг кундалик ҳаёт тарзи, хусусан, оилавий турмуши, унинг характери, ташқи қиёфаси, кийимлари, одатлари, машғулоти ва энг асосийси, аёлнинг жамоавий ва оилавий муносабатларидаги ўрни ҳамда мавқеини ўрганишдан иборат эди.

Мустамлака давр адабиётларида, хусусан, Н.Ф. Петровский, Е.К. Мейендорф, Н.С. Лыкошин, Н. Гаврилов, А.А. Диваев, Г. Андреев ва бошқа рус тадқиқотчиларининг асарларида ҳам Марказий Осиё аҳолиси аёлларининг турмуш тарзи билан боғлиқ бир қатор этнографик характердаги маълумотлар келтирилган. Лекин, эр-хотин Наливкинларнинг асари шуниси билан қимматлики, биринчидан, асар учун материаллар муаллифлар томонидан ўзбек аёллари билан бевосита суҳбатлашиш ва ўзбек хонадонининг “ичкари”сидаги ҳаётни кузатиш асносида тўпланган бўлса, иккинчидан, бу асарда илк бор эркак ва аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеидаги тавофут аниқ кўрсатиб берилган. Шу боис А. Вамбери ўз даврида ушбу асарни “Шарқ аёлларининг ҳаётига бағишланган энг яхши асар”, – деб баҳолаган эди.

Асар бўлимлари номланишининг ўзи унинг кенг мазмунга эга эканлигини кўрсатади. Унда дастлаб Фарғона водийсининг табиий-географик хусусияти, аҳолисининг этник таркиби, ҳўжалиги, дини ва уй-жойлари, уй-рўзғор буюмлари хусусида маълумотлар келтирилган. Гарчи, бу маълумотлар аёллар мавзусига унчалик алоқадор бўлмаса-да, маҳаллий аҳоли турмуш тарзининг умумий жиҳатлари ҳақида таассуротга эга бўлиш имконини беради.

Асарнинг “Аёлларнинг ташқи кўриниши ва кийими” деб номланган бўлимида муаллифлар маҳаллий аҳоли

аёлларининг кўриниши – юзи ва кўзи ҳақида тушунчалар берадилар. Наливкинлар ерлик аёллар орасида жусаси тўла (семиз)ларини кўп учратиш мумкинлигини ёзиб, одатда бундай аёллар 19–20 ёшдан кейин, кўпчилиги эса биринчи фарзанд кўрганларидан сўнг семириб кетганлигини таъкидлайдилар.

Аёлларнинг юзига қараб муаллифлар уларни “мўғулий”, “форсий” ва “ўртача” кўринишга ажратадилар. Юз кўриниши “ўртача” типга мансуб хотин-қизларнинг юзи одатда юмалоқ, кўзлари катта, кўзларининг ранги эса жигарранг бўлиши айтилади. Юздаги хол маҳаллий аёллар учун энг яхши юз безаги эканлиги ҳам асарда алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Асарда маҳаллий хотин-қизларнинг кийимлари ҳақида қимматли этнографик маълумотлар келтирилган. Муаллифлар аёлларнинг мавсумий кийимлари ҳақида тўхталиб, уларнинг ижтимоий келиб чиқишига қараб фарқланишини кўрсатиб ўтадилар.

Бундан ташқари, мусулмон аёллари уйдан ташқарига – кўчага чиққанларида албатта ёпиб оладиган чиммат ва паранжини ҳам тасвирлайдилар.

Асарда хотин-қизларнинг машғулоти ҳақида тўхталган муаллифлар уларнинг меҳнатсеварлиги, хўжалик юмушларига катта эътибор қилишларини ёзадилар. Айни вақтда, айрим ўзига тўқ, бой оилаларда уй-рўзғор ишларини бажариш учун “оқсоч”, яъни хизматкор меҳнатидан фойдаланилганлиги, бундай хизматкорлар аксарият ҳолда дунган халқига мансублиги ва “чўри” деб номланганлигини ҳам кўрсатиб ўтадилар.

Маҳаллий аёлларнинг асосий уй-рўзғор ишлари уй-жойни тозалаш, кир ювиш ва озиқ-овқат пишириш ҳамда уй ҳайвонларига қарашдан иборат бўлиб, улар ёш болаларнинг тарбияси билан шуғулланиш асносида ба-

жарилган. Асарда, бундан ташқари аёллар уй шароитида ҳовлининг “ичкари” қисмида ип йигириш ва пахтани чигитидан тозалаш каби ишларни ҳам бажарганликлари қайд қилинган.

Наливкинлар асарда анъанавий ўзбек таомлари ҳақида батафсил маълумот берар эканлар, уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, қайси маҳсулотдан, қандай усулларда тайёрланишини кўрсатиб ўтадилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг анъанавий турмуш тарзи ва маданиятини, жумладан, миллий таомларини муаллифлар каби атрофлича, тушунарли қилиб, барча ўзига хослиги билан таърифлаб бериш учун бево-сита шу жамоа билан бирга, улар орасида яшаш лозим бўлган. Наливкинлар айнан шундай шароитда, ўз ахборотчилари билан ҳамнафас яшаб, қимматли этнографик материалларни тўплашга муяссар бўладилар.

Мазкур тадқиқот давомида маҳаллий аёлларнинг характери, одатлари ва атрофдагилар билан муносабати-га ҳам эътибор қаратилади ҳамда маҳаллий аёлларнинг ўзгалар билан мулоқотга киришимлилигини эътироф этган ҳолда уларнинг дугоналари билан оилавий ҳаётнинг барча масалалари, ҳатто, энг нозик муносабатлар ҳақида ҳам суҳбат қуришлари муаллифларни таажжублантиради. Шунингдек, маҳаллий аҳоли, жумладан, аёлларнинг динга муносабати, уларнинг “гуноҳ” ва “савоб” ҳақидаги тушунчаларига тўхталиб, ерга тушган нон ёки унинг ушоғини териб олиш, ўзаро жанжаллашиб қолганларни яраштириб қўйиш, ночорларга садақа бериш ва жума куни соч ювиш кабиларни “савоб” деб билиб, унга амал қилишларини таъкидлаб ўтадилар. Айни пайтда, аёлларнинг диний саводхонлиги унчалик юқори эмаслиги, асосан ёши катта аёллар мунтазам намоз ўқишларини, аксарият ҳолатларда мазорларни зиёрат

қилиш одати борлигини, муқаддас зиёратгоҳларда бажариладиган маросим ва урф-одатлар ҳамда расм-русумлар ҳақида ҳам маълумот берадилар.

М. Наливкинанинг бевосита кузатувлари натижасида маҳаллий аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғиш даврида бажариладиган урф-одат, расм-русум ва иримлари ҳақида ҳам қимматли этнографик маълумотлар тўпланган.

Асарда ўзбекларда болага исм қўйиш билан боғлиқ одатларга ҳам тўхталиб ўтилган. Муаллифлар ота-оналарнинг ёш болаларга муносабатини кузатар эканлар, улар фарзандларини ҳаддан ташқари эркалаб, аксарият ҳолларда уларни қўлда кўтариб юришларини қайд қиладилар.

Наливкинларнинг қайд қилишларича, Фарғона водийсида қизлар 8–9 ёшларда ип йигириш ва тикишга ўргатилган. 9–10 ёшли қизлар эса катталар каби сочларини майда ўриб, дўппи ўрнига рўмол ўраб юрганлар. Улар айнан шу ёшдан паранжи ёпиб юришлари лозим бўлган. Бу эса, қизларни шу ёшда балоғатга етганлигини билдирган.

Асарнинг алоҳида бир бўлими совчилик удуми ва никоҳ билан боғлиқ урф-одатлар тавсифига бағишланган.

Умуман, Наливкинлар ушбу асарида Фарғона водийсининг қишлоқ аҳолиси орасида никоҳ билан боғлиқ кўплаб одат ва расм-русумлар, хотин-қизларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳамда мажбуриятлари тўғрисида қимматли маълумотлар берганлар.

“Сарт” атамаси хусусида. XIX–XX асрнинг бошларида рус муаллифлари томонидан яратилган тадқиқотларда маҳаллий аҳоли ҳаёти, урф-одатлари, этник таркиби, хўжалик ҳаётига оид жуда кўп маълумотлар тўпланган бўлса-да, улар орасида турли чалкашликлар, ғализ фикрлар ва ноўрин атамалар ҳам учраб турганлигини

қайд этиш лозим. Бундай ҳолатлар уларнинг маҳаллий халқлар тили, тарихи ва маданиятини яхши билмасликлари, айрим ҳолатларда фақатгина ўз шахсий кузатувларига, субъектив қарашларга, баъзан эса, ташқаридан билдирилган фикрларгагина суяниб, хулоса қилганликлари, масалани ҳар тарафлама чуқур таҳлил қилмаганликларининг натижаси эди.

Шундай масалалардан бири XIX–XX аср бошларига оид рус адабиётларида, статистик маълумотларда маҳаллий аҳолига нисбатан қўлланилган ҳақли эътирозларга сабаб бўлган “сарт” атамаси эди. “Сарт” атамаси ва уни кимларга нисбатан қўлланиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўз даврининг таниқли тадқиқотчилари, хусусан, шарқшунос олимлардан А.Л. Кун, А.П. Самойлович, В.П. Наливкин, М.В. Гаврилов, В.В. Бартольд, Н.П. Остроумов, Н.Г. Маллицкий, И.П. Магидович, И.И. Зарубин ва Е.Д. Поливанов каби русийзабон олимларни асарларида кўп учрайди.

Ҳатто 1897 йилдаги аҳоли рўйхатлари, йилма-йил бериб бориладиган йиллик статистик маълумотларда ҳам “сарт” атамаси маҳаллий аҳолининг алоҳида қатлами сифатида қайд этилар, бу сўзнинг асосан “ўзбек ва тожикларнинг шаҳарларда яшайдиган, савдо билан шуғулланадиган қисмига нисбатан қўлланилиши” изоҳлаб ўтилар, шу тариқа улар халқдан сунъий равишда ажратилган алоҳида бир тоифа сифатида кўрсатилар эди. Аммо уларнинг на тили, на маданияти ва на дини маҳаллий аҳолидан фарқ қилмаслиги ҳам таъкидланар эди.

“Сарт” атамаси ҳақида ўз фикрини билдирган ўша давр олимлари бу сўз даштлардаги қозоқлар томонидан ўтроқ аҳолига нисбатан қўлланилганлигини, Эрон, Усманийлар, Шарқий Хитой (Синзянь ёки Шинжон) ху-

дудларида бундай тушунча мутлақо йўқлигини, маҳаллий аҳоли ўз номи билан ўзбек, тожик деб аталишини таъкидлаганлар. Лекин қозоқ элатига нисбатан қирғиз атамасини бемалол қўллаб келган рус амалдорлари ва муаллифлари “сарт” атамасини қўллашдан воз кечишни ҳам истамас, аксинча, унга ўрта аср манбалари ва луғатларидан жавоб излар эдилар. Ваҳоланки, маҳаллий аҳоли вакиллари ўзларини “сарт” сифатида англаш у ёқда турсин, уни ўзларига нисбатан ҳақорат деб қабул қилар эдилар.

Маҳаллий аҳолига нисбатан “бегона” халқлар деган номни расман қўллаб келган мустамлака маъмурлари, ўнлаб тадқиқотларнинг муаллифлари “сарт” атамасини қўллаши бежиз эмас эди. Бунда рус шарқшунос олими, миссионер Н.П. Остроумовнинг 1890 йилда нашр қилинган сартлар ҳақидаги этнографик асарининг таъсири катта бўлган эди.¹

XIX аср охири – XX аср бошларида матбуотда, жумладан “Туркестанские ведомости”, Туркистон миллий тараққийпарварларининг “Ойна” журналининг қатор сонларида “Сарт” атамаси таҳлилига бағишланган турли мақолалар эълон қилинди ва қизғин баҳс-мунозара мавзусига айланди.

“Сарт” сўзининг этимологик таҳлили ва унинг ижтимоий-этник характери борасидаги қарашларнинг ўзаро тўқнашуви маҳаллий аҳоли вакили Шерали Лапиннинг бу масала юзасидан русийзабон олимлар томонидан аввал билдирилган фикрларга қатъий эътирози билан бошланди. 1890 йилнинг охирларида Шерали Лапин “Оренбургский листок” газетасида “Сарты и их язык” (“Сартлар ва уларнинг тили”) номли мақола эълон қилиб, унда шарқшунос В.В. Бартольд ва

¹ Остроумов Н.П. Сарты: Этнографические материалы. – Т., 1890. Вып. I.

Н.П. Остроумовларнинг бу борадаги қарашларини танқид остига олди. Юқоридаги рус шарқшуносларидан фарқли ўлароқ, Шерали Лапин "... сарт деган халқ йўқ, сарт тили ҳам мавжуд эмас, сарт номи ўзбек ва тожикларга қирғизлар (қозоқлар) томонидан камситувчи лақаб сифатида берилган", дея қатъий таъкидлади¹.

Бунга жавобан В.В. Бартольд 1894 йилда "Окраина" газетасида бир мақола чоп этиб, унда Ш. Лапиннинг фикрини асоссиз ҳисоблаб, "сарт" атамасининг этнографик луғатдан олинишига ҳеч қандай асос йўқ", деган фикрни илгари сурди².

"Сарт" атамаси билан боғлиқ Ш. Лапин ва В.В. Бартольд ўртасидаги ўзаро баҳс шу билан яқун топмади.

Ўз ўрнида Ш. Лапин ҳам В.В. Бартольдга "Туркестанские ведомости" газетасининг 1894 йилдаги бир неча сонларида чоп этилган "Сарт сўзини маъноси ва келиб чиқиши" мақоласи билан жавоб қайтарди. Ш. Лапин ушбу мақоласида ўзбек ва тожик аҳоли томонидан "сарт" сўз ҳеч қачон этноним сифатида эътироф этилмагани, у кўчманчи – қирғиз (қозоқ)лар томонидан камситувчи "лақаб" сифатида берилганлигини такрорлаб ўтди³.

Шундан кейин "Туркестанские ведомости" газетасида "сарт" атамасининг таҳлилига доир В.В. Бартольдининг "Жаноб Лапинга жавоб ўрнида" (1894) ва "Яна сарт сўзи ҳақида" (1895) деб номланган мақолалари чоп этилди. Ушбу мақолаларда В.В. Бартольд "Сарт" атамаси эволюциясини кузатиб, у узоқ тарихий илдизга эга эканлигини асослашга уринди⁴.

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007. – Б.299.

² Бартольд В.В. О преподавании туземных наречий в Самарканде // Бартольд В.В. Соч. – М., 1964. Т.2. Ч.2. – С.305.

³ Лапин Ш. О значении и происхождение слова "сарт" (по поводу заметки В.Бартольда) // ТВ. 1894. №36, 38, 39.

⁴ Бартольд В.В. Вместо ответа г-ну Лапину // Бартольд В.В. Соч. Т.2.

1908 йили Н.П. Остроумовнинг “Сартлар” (“Сарты”) номли китобининг учинчи, тўлдирилган нашри чоп этилди. Асарнинг айнан ушбу нашрида В.В. Бартольд ва Ш. Лапиннинг “сарт” атамаси юзасидан қилган баҳсига батафсил тўхталиб ўтган Н.П. Остроумов томонлардан ҳеч бирининг фикрини очиқ қўллаб-қувватламади¹.

Н.П. Остроумовнинг ушбу “Сартлар” (“Сарты”) номли китобига таниқли шарқшунос А.Н. Самойлович 1910 йили марказий нашрлардан бири (“Живая старина”)да муносабат билдириб, “Сартлар масаласи ҳақида” номли мақоласини чоп этди. У ўз мақоласида Н.П. Остроумовнинг ушбу китобига “... мутахассис этнограф томонидан эмас, балки давлат арбоби томонидан ёзилган китоб” деб баҳо берди².

1912 йилга келиб эса, “Туркестанские ведомости” газетасида М.В. Гавриловнинг ҳам “Сарт сўзининг келиб чиқиши” (“Происхождение слова “сарт””) номли мақоласи эълон қилинди. Ушбу мақоланинг энг эътиборли жиҳати шундаки, унда муаллиф кўқонлик Муҳаммад Амин Муҳаммаджоновнинг “Вақт” газетасида чоп этилган хатидаги “Маълум бўлсинки, “сарт” атамаси ҳеч қандай миллатнинг номи эмасдир. Бу ном бизга руслар томонидан берилган ва ҳеч қандай асосга эга эмасдир”, деган фикрни келтириб ўтади³.

Халқимизга нисбатан “сарт” этнонимини қўллаш тарихий ҳақиқатга зидлиги, ўзбек халқи ҳеч қачон ушбу сўзни ўз халқининг номи сифатида қабул қилмаганлигини Туркистон миллий тараққийпарварларининг

¹ Остроумов Н.П. Сарты: Этнографические материалы (общий очерк). – Т., 1908. – Б.53–91.

² Самойлович А. К вопросу о сартах // Живая старина. – СПб., 1910. Вып.3.

³ Гаврилов М. Происхождение слова “сарт” // ТВ. 1912. №236.

машхур намоёндаси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам ўз даврида қатъий таъкидлаган эди.

Шу ўринда Беҳбудийнинг ушбу масалага оид “Ойна” журналида чоп этилган “Сарт сўзи мажхулдир” номли мақоласига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз¹.

Таниқли тарихшунос Д. Алимова ушбу мақола ҳақида фикр билдириб, “Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Сарт сўзи мажхулдир” мақоласини биз ниҳоятда муҳим манба сифатида баҳолаймиз, аммо афсуски, жуда кам тарихчи ва этнографларгагина у маълум. Мақола ўз замонаси илмий изланишларига таянган ҳолда, аҳоли фикрини билишдан тортиб (дала этнографик тадқиқотлар ўтказиб – У.А.) манбаларни ҳам ўрганиб, мавзуга оид қатор адабиётларни тадқиқ қилиш натижасида яратилган илмий тадқиқот” сифатида баҳолади².

Дарҳақиқат, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ушбу мақоласи XIX–XX аср бошларида ўзбек халқининг этник ўзлигини англашга тўғри ёндашишда муҳим манба ҳисобланади. Маҳмудхўжа Беҳбудий “сарт” сўзи этимологияси ва бунга нисбатан халқнинг муносабатини аниқлаш учун Туркистоннинг турли ҳудудларида яшаётган кекса ёшдаги кишилар билан ўзаро суҳбат қуриб, бу масала бўйича муҳим маълумотларни аниқлаган. Хусусан, “Туркистоннинг қаю бир чўл ва тоғ ё маъмур ериндаги 60–70–100 га киргон кишидан “сарт” сўзи сўралсун, билмайду... Қари кишилар: фалона аслан ўзбек ё тожикдир, дер. Асло сарт демас ва сартни билмас, сарт деган қабиладан беҳабардир”³ каби хулосалар М. Беҳбудийнинг қарашларини асослаш учун етарли.

¹ Маҳмудхўжа Беҳбудий. Сарт сўзи мажхулдир // Ойна, 1914. 22-сон 22 март.

² Алимова Д.А. Рашидова Д.А. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафакқури. – Т., 1999. – Б.17.

³ Маҳмудхўжа Беҳбудий. Сарт сўзи мажхулдир // Ойна, 1914. 22-сон, 22 март.

Мақолада М. Беҳбудий “сарт” масаласи бўйича ўзигача нашр қилинган ишларни чуқур ўрганиб, атрофлича таҳлил қилган. Масалан, юқорида кўрсатиб ўтилган Н.П. Остроумовнинг “Сарты” китоби ҳақида М. Беҳбудий шундай ёзади: “Астрўмуф жаноблари “Сартлар” исминда тахминан 300 саҳифалик русча бир китоб тасниф қилгандирлар. Ушбу китобга мазкур жаноб Шерали Лапин тарафидан бир неча эътироз ва баҳслар бўлгандур. Аммо жаноб Астрўмуф, сартлар ким эканлигини исбот қилиб бир жойга қарор берганлари йўқ ва китоблари ҳар нафъ ихтилоф ва фаразиёт ила тўладур”¹.

Бундан ташқари, М. Беҳбудий ушбу мақоласида А. Вамберининг “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳати”, Д.Н. Логофетнинг “Бухоро хонлиги”, Гейернинг “Туркистон саёҳатномаси” номли асарларидаги “сарт” масаласига оид маълумотларни таҳлил қилар экан, Гейер ўзбек ва тожикларни “сарт” аталишига гумон кўзи билан қараганлигини айтиб, унинг бу борадаги қарашини қўллаб-қувватлайди.

1914 йилда “Садои Фарғона” газетаси мулло Абдуллобек исмли кишини “Сарт сўзи маълумдир” сарлавҳали бир мақоласини чоп этди. Унда муаллиф “сарт” сўзини этимологик жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилиб, бу сўз “масжидлик ва мадрасалик”, “озода ва маданий” деган маънога эга ва бу ном билан фахрланиш керак, деб тушунтиради. Чунончи, муаллиф шундай ёзади: “Муҳтарам азизларга махфий қолмасунки, ҳар ким бизни сарт деса, бунга хурсанд бўлиб фахр қилмоғимиз даркордир. Чораки, сарт дегани, масжидлик ва мадрасалик ва бозорлик ва озода уламони маданий, дегани бўлур”².

¹ Маҳмудхўжа Беҳбудий. Сарт сўзи мажхулдир // Ойна, 1914. 22-сон, 22 март..

² Мулло Абдуллабек. “Сарт сўзи маълумдир” // Садои Фарғона, 1914. №30.

Тез орада “Ойна” журналида ушбу мақолада айтилган фикрларга раддия характердаги “Сарт сўзи маълум бўлмади” номли мақола босилиб чиқди. Айтиб ўтиш керакки, “Сарт сўзи маълум бўлмади” номли ушбу мақолада муаллифнинг исм-шарифи кўрсатилган эмас. Бироқ, тадқиқотчилар “ифода усули ва даражасига кўра” мақола М. Беҳбудий қаламига мансуб эканлигини таъкидлайдилар¹. Унда “Сарт сўзи маълумдир” номли мақолада келтирилган маълумотлар ҳеч қандай илмий асосга эга эмаслиги айтилади. “Агарда, – деб ёзади мақола муаллифи – “сарт” сўзи маълум бўлса эди, яъни Туркистондаги халқларнинг барчаси ёки муайян бир қисмининг “сарт” аталғони далоили тарихий ила исбот қилинган бўлса эди, ул суратда ҳеч ким “сарт” хусусида сўз очмас ва баҳс чиқармас эди”.

Муаллиф мулло Абдуллобек қарашларини танқид қилиб, яна ёзади “...нақл ва ривоят этган маълумотлари қайси тарих китобидан ва ё қайси ишончлик муаррих сўзидан олинганлигини била олмадик, агар бу ривоятлари маҳзи оғзаки ҳикоя ва сўзлар жумласидан иборат бўлса, бу тақдирда, мунинг ила “сарт” сўзи маълум бўлди, ёки “сарт” масаласи ҳал қилинди, деб ҳукм этмоқ мутлақо дуруст эмасдур... Асли номаълум бир ривоят ила улуғ масалаи тарихияни ҳал этмоқликни эса тарих ҳақида жиноят санайдурлар”².

Хуллас, XIX аср охири – XX аср бошларида яшаб фаолият кўрсатган миллий маърифатпарварлар вакиллари оддий халқ учун ёт, бегона ва бемаъни бўлган номни қўллашни қоралаб, ўзбек халқига нисбатан “сарт” атмасини ишлатишга қатъий равишда қарши чиқдилар. Бундай эътирозлар, юқорида кўриб ўтганимиздек, Ше-

¹ Сарт сўзи маълум бўлмади // Ойна, 1914. 39-сон, 19 июль. – Б.27.

² Уша жойда.

рали Лапин ва Маҳмудхўжа Беҳбудий асарларида ўзининг аниқ ифодасини топган.

Этник келиб чиқиши ва тилидан қатъи назар, Ўрта Осиёнинг айрим вилоятлари ўтроқ шаҳар аҳолисига нисбатан рус муаллифлари ва амалдорлари қўллаган “сарт” атамаси империя ҳукмронлиги барҳам топиши билан тезда истеъмолдан чиқиб, “ўзбеклар” атамаси кенг оммаллашиб борди. Ўзбеклар ўзларини шундай номда англаши бир неча йил эмас, асрлар давомида шаклланиб келган бўлиб, бутун бир халқнинг этник номи сифатида тан олинганлиги 1924 йилдаёқ республиканинг номида “Ўзбекистон ССР” сифатида расмий статусга эга бўлди¹.

Хунармандчиқ машғулоти. Ўрта Осиё Россия империяси томонидан истило қилингандан кейин империя маъмурлари ўлканинг нафақат ер ости ва ер усти бойликларига, балки хунармандчилик ишлаб чиқариш соҳалари ва хунармандлар тайёрлаган маҳсулот турлари ҳамда миқдорига ҳам катта қизиқиш билан қараганлар. Туркистон генерал-губернаторлиги вакиллари ўлканинг хунармандчилик соҳаларини ўрганишга киришар эканлар, дастлаб империя манфаатларидан келиб чиқиб, хунармандчиликнинг фойда келтирувчи соҳалари, маҳсулотларни ўз бозорларида тутган ўрнига асосий эътиборни қаратганлар².

Дастлабки маълумотларни 1867 йилда “Рус геогра-

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007. – Б.308.

² Соболев Л.Н. Географические и статические сведения о Зеравшанском округе. – СПб., 1874; Стремоухов Н. Поездка в Бухару // Русский вестник, 1875. №6; Радлов В.В. Средняя Зеравшанская долина // Зап. Рус. Географ. О-ва. По отд. Этнографии. – Т. VI. – СПб., 1889; Вирский М.М. Выставка сельского хозяйства и промышленности в Самарканде в 1884. – Самарканд, 1895; Кирипичников Н.А. Краткий очерк некоторых туземных промыслов Самаркандской области // Справочная книжка Самаркандской области 1897 г. – Самарканд, 1897.

фия жамияти хабарномаси”да эълон қилинган П.И. Пашинонинг ўлканинг ишлаб чиқариш кучлари, саноати ва савдоси ҳақидаги мақоласида учратиш мумкин¹. Муаллиф унда ипак, пахта ва жун матолар тўқиш, тери ошлаш, совун тайёрлаш, металлни қайта ишлаш, куллочилик соҳалари ҳақида маълумот бериб, Туркистон ўлкаси хунармандларининг ўз ишига моҳирлиги, улар тайёрлаган маҳсулотлар рус саноати маҳсулотларидан қолишмаслигини баён этган.

Россия Молия вазирлиги томонидан Туркистон ўлкаси иқтисодиётини ўрганиш учун юборилган Н.Ф. Петровский ўлка шаҳарларида ривожланган ва четга чиқариладиган асосий маҳсулот бўлган пилла етиштириш ва ипак тайёрлаш ҳолатини чуқур тадқиқ қилган². Шунингдек, у ўлканинг кўпгина шаҳарларида ҳам бўлиб, пилла етиштириш, ипак тайёрлаш, ипакни бўяш усуллари ҳамда ўлкада мавжуд бўлган ипакчилик корхоналари, уларнинг жиҳозланиши, пиллакаш хунармандлар сони, тайёрланаётган маҳсулот миқдори ҳақида маълумотлар тўплаган. Н.Ф. Петровский, айниқса, Ўрта Осиёда ипакни хонаки усулда қайта ишлашга қизиқиб қолган ва ипакчилик ҳақида кўп маълумотлар тўплаган.

Туркистон ўлкасидаги хунармандчилик ишлаб чиқариши ҳақидаги қизиқарли маълумотларни М.И. Бродовский тадқиқотида ҳам учратиш мумкин³. Туркистон

¹ Пашино П.И. О фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области // Известия русского географического общества. Т.III. №4. – СПб., 1867. – С.120–139; Ўша муаллиф. Туркестанский край в 1866 году. Путевые записки. – СПб., 1868. – С.139–150.

² Петровский Н.Ф. О шелководстве и шелкомотании в Средней Азии. – Т., 1873. – С.1–10; Ўша муаллиф. Шелководство и шелкомотание в Средней Азии. Отчет министерству финансов агента в Туркестанском генерал-губернаторстве. – СПб., 1874; Ўша муаллиф. Моя поездка в Бухару // Вестник Европы, 1873. №3. – С.209–210.

³ Бродовский М.И. Техническое производство в Туркестанском крае. – СПб., 1875.

генерал-губернатори К.П. фон Кауфман кўрсатмаси билан Туркистон ўлкасига бағишланган альбомга илова тарзида 1875 йилда нашр этилган китобда Туркистонда пахта етиштириш, пахта матоларининг турлари ва уларни тўқиш, пилла етиштириш, ипак тайёрлаш жараёни, ипак матолар тўқиш, чармгарлик, эгар-жабдукчилик, пойабзалдўзлик, металлни қайта ишлаш соҳалари, кулолчилик, бўйра-бардон тўқиш, кигиз босиш, нонвойлик ҳунарлари ҳақида маълумотлар қайд этилган.

1872 йилда ўтказилган Бутунроссия политехника кўргазмасига бағишлаб чиқарилган тўпламда Л. Краузе Туркистон ўлкасида металлни қайта ишлаш соҳаларидан бири бўлган қурол-яроғ тайёрлашга тўхталган¹. Муаллиф унда маҳаллий ҳунармандлар томонидан катта маҳорат билан тайёрланган турли кўринишдаги қиличлар, ханжар, пичоқ, устараларни тайёрлаш усуллари ва уларнинг нархлари, қуролсозлик устахоналари ҳақида ёзиб қолдирган.

Л. Краузе томонидан ушбу тўпламда нашр қилинган иккинчи тадқиқот ҳунармандчиликнинг бўёқ тайёрлаш соҳасига бағишланган бўлиб, унда муаллиф Туркистон ўлкасида ўсадиган турли бўёқбоп ўсимликлар – рўян, анор, тухмак, испарак, бузгунч, гулхайри, минерал тошлар – ложувард, малғаш, четдан келтириладиган индиго илдизи, турли металл парчаларидан қандай рангдаги бўёқлар олиниши, бўёқ тайёрлаш усуллари, уларнинг маҳаллий бозорлардаги нархлари, турли мато ва чарм маҳсулотларини бўйаш усуллари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтади². Тўпламдаги яна бир тадқиқот И.А. Парамоновга мансуб бўлиб, у Туркистон ўлкаси-

¹ Краузе Л. О туземном оружии в Туркестанском крае // Русский Туркестан. Вып.2. – М., 1872.

² Краузе Л. Заметка о красильном искусстве туземцев // Русский Туркестан. Вып.2. – М., 1872. – С.207–213.

да чарм тайёрлаш соҳасини ўрганишга бағишланган. Шунингдек, муаллиф маҳаллий чармгарлар томонидан қора ва қизил рангли қайиш, тагчарм, кемухт, амиркон чармлар тайёрлаш усуллари, чармгар усталарнинг иш қуроллари ҳақида ёзиб қолдирган¹.

1872 йилги Бутунроссия политехника кўрғазмасида Туркистон ўлкасининг ҳам иштирок этиши учун генерал-губернаторлик ҳузурида махсус комиссия ташкил этилади. Кўрғазманинг Туркистон бўлими каталоги комиссия аъзолари М.И. Бродовский, Д.Л. Иванов, Л.И. Краузе ва Н.П. Федченколар томонидан тузиб чиқилган бўлиб, унда кўрғазмада намойиш қилиниши лозим бўлган Туркистон ҳунармандчилик буюмларининг тўлиқ рўйхати, номлари, тайёрлаш усуллари ва нарх-навоси батафсил баён қилиб берилган². Ушбу каталог кенг жамоатчиликни Туркистоннинг иқтисодий, маданий ҳаёти билан таништиришга ҳам мўлжалланган бўлиб, унда маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий санъати ҳақидаги маълумотлар кенг ўрин олган.

XX аср бошида Туркистон ўлкасида ташкил этилган ҳунармандчилик комитетлари маҳаллий ҳунармандчилик соҳаларини махсус ўрганиб, тўпланган материалларни яхлит ҳолга келтириб нашр қилишни йўлга қўйганлар.

Тошкент ҳунармандчилик комитетининг котиби бўлган В.К. Развадовский Самарқанд, Фарғона вилоятлари ҳамда Бухоро ва Тошкент шаҳарларида фаолият кўрсатган ипакчилик, қоғоз тайёрлаш, гиламчилик, наMAT тайёрлаш, дурадгорлик, тери ошлаш, кулолчилик

¹ Парамонов И.А. О кожвенном производстве в Туркестанском крае // Русский Туркестан. Вып.2. – М., 1872.

² Каталог Туркестанского отдела политехнической выставки / Составлен членами комиссии М.И. Бродовским, Д.Л. Ивановым, Л.И. Краузе и Н.Д. Федченко. – М., 1872.

устахоналарининг тузилиши, уларда тайёрланаётган маҳсулот миқдори ва сифати, ишчилар сони ва уларга тўланадиган иш ҳақи ҳақида маълумотлар тўплаган¹ В.К. Развадовский ўз тадқиқотида Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Марғилон шаҳарларидаги 10 га яқин ипакчилик корхоналари фаолиятини, Туркистонда ўз кулолчилик маҳсулотлари билан машҳур бўлган Риштон кулолчилик мактабларини ўрганиб, қизиқарли маълумотлар тўплаган².

XX аср бошида И. Гейер ва И. Назаровнинг Тошкент шаҳрида мавжуд хунармандчилик соҳаларини ўрганишга бағишланган рисоласида тўқимачилик, астарчилик, заргарлик, чармгарлик соҳаларига эътибор қаратилган³. Муаллифларнинг фикрича, маҳаллий хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш усули европача хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлашдан фарқ қилмаган.

Гиламдўзликни ўрганишга бағишланган А. Фалькерзамнинг “Ўрта Осиёнинг қадимги гиламлари” номли тадқиқоти гиламдўзлик тарихининг энг қадимги даврлардан бошлаб баён этилади⁴. Унда гиламчиликда қўлланилган хом ашё, турли гул ва нақшлар, гилам турлари ва номлари ҳамда жаҳонга машҳур туркман гиламлари ҳақида маълумотлар ўз аксини топган.

Шунингдек, анъанавий хунармандчиликнинг ўзига хос характерли жиҳатларини ёритишда хунармандлар-

¹ Развадовский В.К. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае // Туркестанское сельское хозяйство, 1916. №4. – С.339–342; №5. – С.443–448; №6. – С.567–573; №7. – С.632–642; №8. – С.710–716; Ўша муаллиф. Кустарные промыслы в Туркестанском крае. – Т., 1916. – С.9.

² Развадовский В.К. Опыт исследование гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае... №3. – С.250.

³ Гейер И., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. Тетрадь 1. – Т., 1903. – С.32.

⁴ Фалькерзам А. Старинные ковры Средней Азии // Старые годы. Ежемесячник для любителей искусства и старины. 1914 г.

нинг рисолаларига эътибор қаратилади. Жумладан, XX аср бошларида М. Гаврилов Ўрта Осиёда ҳунармандчиликнинг дастлабки цех-уюшмалари ва бир неча турдаги ҳунармандчилик рисолалари, устоз-шогирд муносабатларини ёритган¹.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида маҳаллий ҳунармандчилик турлари борасида изланишлар олиб бориш учун махсус косибчилик қўмитаси тузилади. Тадқиқотчилар томонидан алоҳида ҳунар турларининг тизимли ўрганилиши асосида қатор тадқиқотлар яратилади. В.И. Масальский томонидан жуда катта ҳажмдаги маълумотлар асосида тузилган Туркистон ўлкаси ҳақидаги асарда ўлка аҳолисининг турмуш тарзи ва ҳўжалик машғулоти, косибчилик ишлаб чиқаришининг турли хил кўринишлари, шунингдек, уларнинг аҳоли ҳаётидаги ўрни ва хусусиятлари ёритиб берилди².

В.В. Заорский ва К.А. Александер асарида кўнчилик корхоналари, уларнинг ишлаб чиқариш технологиялари, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, меҳнат тўловлари, кўнчиларнинг турмуш тарзи тўғрисида анча батафсил маълумотлар берилди³.

А.А. Федченко Кўқон шаҳрида қоғоз тайёрлаш жараёнига алоҳида тўхталиб ўтади⁴. Муаллиф қоғоз тайёр-

¹ Гаврилов М.Ф. Рисоля сартовских ремесленников. – Т., 1912. – С.59; Ўша муаллиф. О ремесленных целях Средней Азии и их статутах рисоля // Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников страны, искусства и природы. Вып. III. – Т., 1928. – С.223–241.

² Масальский В.И. Туркестанский край // Россия. Полное географическое описание нашего отчества. Т.19. – СПб., 1913; Ўша муаллиф. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае // Туркестанское сельское хозяйство, 1916. №7.

³ Заорская В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. – Петербург, 1915. – С.599.

⁴ Федченко А.А. Обижуаз-писчебумажная фабрика в Коканде // Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. Вып. II. – М., 1872.

лаш корхонаси, яъни обжувознинг тузилиши, маҳаллий қоғоз тайёрлашда ишлатиладиган хом ашё, турли ўлчам ва рангдаги қоғозлар тайёрлаш усуллари, бунда қўлланиладиган иш қуроллари ҳақида ҳам фикр юритган. Унинг кўрсатишича, Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудларида мавжуд бўлган шу каби корхоналарда ҳам қоғоз тайёрлаш бир хил усулда бажарилган, бироқ бунда турли хил хом ашёдан фойдаланилган.

И. Гейер ва И. Назаровлар Тошкент шаҳридаги хунаромандчилик соҳаларини ўрганишга бағишланган рисолада тўқимачилик, астарчилик, заргарлик, чармгарлик соҳаларини, А. Скворцов Сирдарё вилоятида, В.И. Юферов Фарғона водийсида, Ф. Поспелов эса Каттақўрғон уездида хунаромандчилик ишлаб чиқаришини ёритадилар¹.

Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий газеталари саҳифаларида ҳам хунаромандчиликка оид материаллар бериб борилган. Хусусан, 1894 йилда ушбу газетада ўлкада хунаромандчиликнинг ўрганилиши тўғрисида Россия империяси техник жамиятининг Туркистон бўлими ҳақиқий аъзоси К.М. Оберучевнинг 1894 йилда бўлим йиғилишида сўзлаган нутқи чоп этилган². Унда Туркистон ўлкасида XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб хунаромандчиликнинг ўрганилиши ҳолати таҳлил қилинган бўлиб, бу соҳаларни ўрганишда кўрғазмаларнинг роли алоҳида таъкидланган, маърузада, шунингдек, ўлкадаги хунаромандчилик жиддий ўрганил-

¹ Гейер И., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. Тетрадь 1, - Т., 1903. - С.32; Юферов В.И. Хозяйство сартов Ферганской области. - Т., 1911; Поспелов Ф. Кустарная промышленность в Каттақурганском уезде // Туркестанское сельское хозяйство, 1912. №8; Скворцов А. Кустарные промыслы // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарынской области. Т.4. - Т., 1910.

² Изучение кустарных промыслов Туркестанского края // ТВ. 1894. №72.

маганлиги таъкидланиб, статистик маълумотлар реал аҳволни акс эттирмаслиги қайд этилган. Туркистон халқи ҳаётида хунармандчилик саноатнинг ягона тури эканлиги, қанчадан-қанча ишчиларнинг ҳаёт манбаи эканлиги, хунармандчилик соҳаси халққа керакли эҳтиёж молларини етказиб бераётганлиги, уни яхши ўрганиш зарурлиги таъкидланган.

Хўжалик ҳаётига оид тадқиқотлар. Ўлканинг иқтисодий ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида маҳаллий аҳолининг хўжалик машғулотларини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Бу масалаларга рус муаллифларининг асарларида, айниқса, ҳарбий статистик тадқиқотларда алоҳида эътибор қаратилган эди.

Тадқиқотчилар энг аввало ўлка иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Фарғона водийси, Тошкент, Зарафшон воҳаси каби деҳқончилик, чорвачилик ҳамда хунармандчилик учун катта аҳамиятга эга бўлган минтақаларда пахтачиликни ривожлантириш учун суғорма деҳқончилик истиқболлари, сув манбалари, маҳаллий аҳолининг сувдан фойдаланиш анъаналарини ўрганишга алоҳида эътибор қаратадилар.

Фарғона водийсида XIX асрнинг 80-йилларида бўлган А.Ф. Миддендорф худуднинг табиий-географик шароитини таърифлаш билан бирга, аҳолининг хўжалик фаолияти, хусусан деҳқончилик ва чорвачилик машғулотлари, суғориш тизими, деҳқончилик қуроллари, тупроққа ишлов бериш усуллари, деҳқонларнинг турмуш тарзи ва хўжалик анъаналарига доир қизиқарли маълумотлар тўплаган. Муаллиф ерни шудгорлашда ишлатилган омовнинг тузилишини ҳам расмлар орқали тасвирлаб берган.¹

Фарғона водийсида этнографик тадқиқотлар олиб

¹ Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.606.

борган В.П. Наливкин ўз тадқиқотларида деҳқонларнинг иш қуроллари тўғрисида маълумотлар бериб, уларнинг ягона кўринишда бўлганлигини эътироф этади, ҳосилни янчиб олишнинг бир қанча усуллари ҳақида тўхталиб, наманганлик деҳқонларнинг дарахт шохларидан тайёрланган (тўқилган) “вал” деб номланувчи мослама ёрдамида буғдой ёки шolini янчиб олиш усулларини батафсил ёритади.

Фарғона водийсига бағишланган тадқиқотлардан яна бири агроном В. Юферев қаламига мансуб бўлиб, ушбу асар муаллиф томонидан 1909 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш жараёнида тўпланган статистик маълумотлар асосида тайёрланган¹. Тадқиқот материалларини Андижон уезди Олтинқўл қишлоғининг Оқтепа, Миробод маҳаллалари ва Хакан қишлоғининг Сарикуй ва Заурак маҳаллаларининг ўртаҳол ва камбағал оилаларидан олинган маълумотлар ташкил этиб, унда 793 та хўжалик қамраб олинган ва улардан 19 таси батафсил ёритилган. Асарнинг катта қисми хўжаликка оид маълумотлардан, қолган қисми эса хонадонларга доир фойда ва сарф-харажат жадвалларидан иборат.

Асарда хўжалик таркибини ташкил этувчи қисмлар – оила таркиби, ишчи кучи, чорва сони, оиланинг бошқа мулклари, ер майдони тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олиниб, оилавий бюджет ҳисоблаб чиқилган. Шу билан бирга, асарда ўлка тарихи, табиий шароити, аҳолининг ер ва сувдан фойдаланиш тартиботи, ерга эгалик муносабатлари, ишчи кучини ташкил этиш ва бошқариш, хўжалик даромади, ердан тушган фойда, дала ва пичан майдонлари, томорқа хўжалиги, яйлов, чорвадан олинадиган фойда, овдан тушадиган даромад, хўжалик сарф-харажатлари, емак (таом) учун чиқим,

¹ Юферев В. Хозяйство сартов Ферганской области. – Т., 1911. – С.76.

тўлов ва мажбуриятлар, қарз пули ва уни қайтариш масалалари, кам харажатли деҳқончилик хўжалиги таҳлил этилади¹.

Туркистон ўлкасининг ўзига хос минтақаларидан бири Зарафшон воҳасида ҳам махсус тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Н.И. Вирскийнинг 1883 йилда нашр этилган Самарқанд уездига бағишланган асарида² мазкур ҳудудда узум етиштириш ва узум маҳсулотларини тайёрлаш анъаналари минтақага рус капиталини олиб кириш йўналишларини аниқлаш мақсадида ўрганилган.

Тадқиқотда воҳанинг табиий-иқлим шароити, тупроғи, суғорилиш шароитлари, узумчиликнинг маҳаллий тажрибалари, экиш, парваришлаш, кесиш, совуқдан сақлаш, узум навлари, унинг касалликлари билан курашиш чоралари, йиллик сарф-харажатлар ва узумга қайта ишлов бериш технологиялари, ҳосилни йиғиш, нарх-навоси ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Муаллиф узумнинг оқ тоифа, шакар ангур, ҳусайни лўнда, ҳусайни мўрчамиён, лали яқдона, султони, сариангуш, беҳишти, қизил тоифи, туя тиш, чашма гўсала, сурхак, сувурган, сохиби, маска каби навлари ҳақида маълумотларни фото иллюстрациялар билан ифодалаган. Шунингдек, асарда майиз, мусаллас тайёрлаш технологиялари, узумчилик билан боғлиқ баъзи урф-одатлар ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирилган.

Рус муаллифларининг асарларида Зарафшон воҳасида аҳолининг бошқа хўжалик машғулотларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, А.П. Хорошхин Зарафшон воҳасидаги Оқдарё ва Қорадарё ирмоқлари бўйидаги деҳқончилик учун қулай ва унумдор ерлар,

¹ Юферев В. Хозяйство сартов Ферганской области. – Т., 1911. – С.18–76.

² Вирский Н.М. Виноградство в Самаркандском уезде. – Самарканд, 1893. – С.111.

деҳқончилик қуроллари, ер солиқлари ҳақидаги маълумотларни қайд этса¹, А. Гребенкин ўз асарида воҳадаги ярим ўтроқ аҳолининг баҳорги ва кузги (трамоҳи) лалми деҳқончилиги, буғдой, арпа, шоли, қисман жўхори, тарик ва зиғир етиштирганлиги, аёллар ўзлари ва сотиш учун қиш фаслида пахта, ёзда қўй жунидан алача, гилам, хуржун, кигиз, арқон тайёрлаганлиги, ушбу жараёнда чархдан фойдаланмаганлиги ва қўлда (урчуқ) ип йигирганлиги борасида маълумотлар келтиради².

А. Гребенкин Зарафшон воҳасида яшаган ўзбекларнинг минг уруғи вакиллариинг хўжалик машғулотлари асосан, юқори Дарғом канали бўйларида деҳқончилик, каналнинг қуйи қисмида эса қисман деҳқончилик ва кўпроқ чорвачилиқдан иборат бўлганлигини таъкидлайди³. Минглар анчагина деҳқончилик тажрибасига эга бўлиб, улар Зарафшон, Сиёб, Қорасув, Дарғом, Қозон ариқ, Янгиариқ қирғоқларидаги ерларда шоли етиштирганликларини эътироф этади. Шу билан бирга, баҳорги ва кузги буғдой, арпа, қисман жўхори, тарик, тамаки ва Жумабозор қишлоғи яқинида эса оз миқдорда полиз маҳсулотлари етиштирилганлиги ҳақида маълумотлар беради.

Туркистонда мунтазам чоп этиб бориладиган вилоят маълумотномалари ҳам хўжалик ҳаётига оид маълумотларга жуда бой. Самарқанд вилояти бўйича тўпلامда Зарафшон воҳасининг суғорилиши, воҳа аҳолисининг деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик машғулотлари, урф-одатлари ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинган. 1893 йилдан бошлаб тадқиқотчи

¹ Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркистанского края. – С.159-172.

² Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. Вып.2. – М., 1872. – С.70-71.

³ Уша жойда. – Б.51.

М. Вирский масъул муҳаррирлигида Самарқанд вилояти статистика қўмитаси томонидан нашр этила бошланган ушбу тўпламда Зарафшон воҳаси ҳамда Самарқанд уезди аҳолисининг хўжалик ҳаётига доир муҳим маълумотлар акс этган¹.

А. Гребенкин асарида келтирилган Зарафшон воҳаси аҳолисининг хўжалик ҳаёти ҳақидаги этнографик маълумотлар хўжалик масалаларига бағишланган тадқиқотлар учун муҳим манбавий аҳамиятга эга. Албатта, айрим ўринларда муаллифнинг келтирган маълумотлари унинг хулосаларини тасдиқламайди. Шу сабабли бу асарда келтирилган маълумотлар илмий жиҳатдан таҳлилий ва қиёсий ёндашувни тақозо этади.

Зарафшон воҳасининг империя тасарруфига кирмаган ҳудудлари ҳам рус тадқиқотчилари томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилган. Хусусан, Н.А. Маев 1874 ва 1878-йилларда Ҳисорда ўтказган экспедицияларда Бойсун беклигида бўрдоқи қўйчилик, воҳада эса йирик шохли моллар, қўйчилик, туячилик, йилқичилик кенг ривожланганлигини, қўнғирот уруғи вакиллариининг қўйчиликда катта тажрибага эга эканлигини аниқлайди². Денов беклигига қарашли Дашнобод қишлоғида хонлик ҳудудида машҳур бўлган анорлар етиштирилишини, Шеробод, Денов бекликлари аҳолиси асосан деҳқончилик, Бойсун аҳолиси эса чорвачиликни лалми деҳқончилик билан қўшиб олиб боришини, Бухо-

¹ Справочная книжка Самаркандской области. Вып.2. – Самарканд, 1893. – С.68–87.

² Маев Н.А. Географический очерк Гиссарского края // Материалы для статистики Туркестанского края. (Бундан буён – МСТК). Вып.5. – Спб., 1874. – С.400; Ўша муаллиф. Очерки Гиссарского края // ТВ. 1876. №5; Ўша муаллиф. Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства // Известия ИРГО. Т.ХІІ. Вып.4. Отд.2. Географические известия. – Спб., 1877. – С.349–363; Ўша муаллиф. Очерки горных бекств Бухарского ханства // МСТК. – Спб., 1879. Вып.5. – С.212–249.

ро амирлиги боғдорчилигида анор етиштириш муҳим ўрин тутганлигини қайд этади.

Бухоро амирлигининг марказий ва шарқий бекликларида бўлган Н.Н. Покотилонинг Рус география жамияти хабарномаларида эълон қилинган ҳисоботларида¹ аҳолининг чорвачилик, деҳқончилик машғулотлари ҳақида қимматли маълумотлар тақдим этилган.

XX аср бошларида Бухоро амирлигининг табиий-географик ҳолати, аҳолиси, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, хўжалик-савдо муносабатлари ёритилган Д.Н. Логофетнинг асарларида ҳам ўлка халқларининг турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти борасида кўплаб этнографик маълумотлар учрайди².

А.П. Хорошхиннинг тадқиқотларида Зарафшон табиати, Окдарё ва Қорадарё ирмоқлари бўйидаги деҳқончилик учун қулай ва унумдор ерлар, деҳқончилик қуроллари, ер солиқлари ҳақида ҳам маълумотлар қайд этилади³.

Шунингдек, А.П. Хорошхин ўлканинг бошқа худудларига ҳам эътибор қаратади ва аҳолининг деҳқончилик, чорвачилик, суғориш анъаналари, суғориш тизимлари, анъанавий чорвачилик, ярим ўтроқ ва ўтроқ аҳоли ҳаёти, уларнинг ўзига хослиги, солиқ ва вақф мулкларининг аҳволи каби масалаларнинг минтақавий ва

¹ Покотило Н.Н. Отчёт о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 г. – Т., 1888. – С.168.

² Логофет Д.Н. Страна бесправия (Бухарское ханство и его современное состояние). – СПб., 1909. – С.239; Ўша муаллиф. Бухарское ханство под русским протекторатом России. Т.П. – СПб., 1911. – С.340; Ўша муаллиф. В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии. – М., 1912. – С.180; Ўша муаллиф. В горах и на равнинах Бухары. – СПб., 1913. – С.619; Ўша муаллиф. Хлебная торговля и запасы восточной Бухары // Туркестанский сборник. Т.417. 1907. – С.105–107.

³ Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркистанского края... – С.105–106.

уруғларга хос хусусиятларини тадқиқ этар экан, Казалинск (Қозоли)дан бошлаб Туркистон, Тошкент, Қўқон шаҳарлари йўналишларида олиб борган кузатишлари асосида бу ҳудудларнинг иқлими, табиий шароити, суғориш манбалари, яйловлари, аҳолининг хўжалик машғулотилари ҳақида маълумотлар, бу ҳудудларда истиқомат қилувчи этносларнинг кундалик юмушлари, хўжалик фаолияти, деҳқончилиги ҳақида маълумотлар келтиради¹. Хусусан, тошкентликларнинг Чирчиқ дарёси бўйида шаҳар атрофи бўйлаб жойлашганлиги, экин майдонлари, деҳқончилик қуролларининг турлари, шаҳардаги хунарманд касибларнинг бу ҳудудлардаги деҳқончилик ерлари, экин турлари (буғдой, жўхори, тарик, шоли, мош, ясмиқ, нўхат, зиғир, беда, ғўза, тамаки) ҳақида маълумотлар келтиради.

Ўзбек халқининг анъанавий хўжалигига оид маълумотлар Санкт-Петербургда чоп этиб борилган “Научное обозрение” журнали, 1906 йилдан бошлаб ҳар ойда бир маротаба рус тилида Тошкентда чоп этилган “Туркестанское сельское хозяйство” журнали ҳамда “Средняя Азия” тўпламларида чоп этилган деҳқончилик, боғдорчилик, асаларичилик, ипакчилик, ўрмончилик хўжаликлари ҳақидаги мақолаларда ҳам ўз аксини топган².

¹ Хорошхин А. П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. Унинг ушбу китоби жами 533 бетдан иборат бўлиб, 29 та мақолани ўз ичига олади. Асарда муаллифнинг Казалинскдан Туркистон, Тошкент, Қўқон йўналишларида ўзининг кузатишлари асосида этнографик маълумотлар, иқлими, табиий шароити, суғориш манбалари, яйловлар, хунармандчилик соҳаси, бозорлар ва савдо йўллари, аҳолининг хўжалик машғулотилари ҳақида анчагина маълумотлар келтирилган. Шунингдек, асар орқали муаллифнинг Тошкентдан Каттақўрғонгача бўлган шаҳарлар, қишлоқлар ва уларнинг хўжалик машғулотилари, аҳоли манзилгоҳлари ҳақида қизиқарли этнографик кузатишлари билан танишиш мумкин.

² Идеализация натурального хозяйства // Научное обозрение. – СПб., 1899. №1. – С.157–179; Туркестанское сельское хозяйство. – Т.: В.М. Ильина, 1906. №1–2. – С.112; Мирошниченко Л. Американский пчеловод в Самарканде

Бу даврга келиб Туркистон ўлкасини ягона минтақа сифатида тадқиқ этилган асарлар ҳам яратилди. А.И. Шахназаровнинг 1908 йилда нашр этилган ўлка қишлоқ хўжалигига бағишланган асари шулар жумласидандир¹. Ушбу тадқиқотда минтақа аҳолисининг деҳқончилик, чорвачилик, меҳнат қуроллари ва етиштириладиган ўсимлик турларига оид кўплаб маълумотлар келтирилган. Асарда ёритилган хўжалик турлари тадқиқотчининг кузатувлари асосида баён этилган бўлиб, статистик маълумотлар ва мавзуларга оид расмлар илова қилинади. Шу билан бирга, асарда Ўрта Осиёга хос анъанавий хўжаликнинг умумий таснифи, ерга ишлов бериш ва ўғитлаш тизими, деҳқончилик қуроллари, қўл меҳнати, суғориш ва хўжалик тизими, алмашлаб экиш, пахта, шоли, тамаки етиштириш маданияти, узумчилик ва ундан мусаллас тайёрлаш, қорамол етиштириш, йилқичилик, қўйчилик, туячилик, ипакчилик, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва уларга қарши кураш каби масалалар ёритилган. Бутун Туркистон ўлкаси қишлоқ хўжалигининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси кўрсатиб берилган ҳамда меҳнат қуроллари фотосуратлар асосида қиёсий таҳлил қилинган.

Шунингдек, ушбу асарда Туркистон ўлкасининг турли минтақаларида шаклланган хўжалик турлари ҳақи-

// Туркестанское сельское хозяйство. – Т.: В.М. Ильина, 1906. №1–2. – С.60–62; Шредер Р.Р. Об организации при Туркестанском обществе сельского хозяйства специальных отделений // Туркестанское сельское хозяйство. – Т.: В.М. Ильина, 1906. №1–2. – С.5–16; Дылевский А. Обзор плодовъ, выставленныхъ 6 ноября 1905 года въ помещении Управления земледелия въ Ташкент // Туркестанское сельское хозяйство. – Т.: В.М. Ильина, 1906. №1–2. – С.25–36; Средняя Азия. Ежемесячное литературно-историческое издание. Книга I. – Т., 1910; Брезницкий И.А. Агрономические работы 1909 г. в Туркестане // Средняя Азия. Ежемесячное литературно-историческое издание. Книга III. – Т.: Тип. Туркест. т-ва печ. дела, 1911. – С.126.

¹ Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб., 1908. – С.512.

да маълумотлар берилган бўлиб, муаллиф Ўрта Осиё халқлари анъанавий хўжалигининг шаклланиши, яъни ерга ишлов бериш, ерни ўғитлаш ва мавжуд суғориш тизимига оид бой тажрибаларнинг қадимги даврга бориб тақалишини эътироф этади.

Юқорида қайд этилган асарларнинг аксарияти муаллифларнинг шахсий кузатувлари асосида ёзилган бўлиб, улар ўлканинг ўзлари учун қизиқарли, ҳайратланарли ва империя ишбилармон доиралари учун муҳим бўлган жиҳатларини тадқиқ этдилар. Ўлка халқларининг турмуш тарзи, хўжалик фаолияти масалалари Россия империяси томонидан стратегик мақсадларда ўрганилган бўлиб, уларда аҳолининг хўжалик машғулотларини бир пайтнинг ўзида ҳам тарихий, ҳам иқтисодий, ҳам этнографик нуқтаи назаридан ёндашув уйғунлашиб кетганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

5-§. Хонликлар тарихига оид асарлар

XIX асрнинг иккинчи ярмидан, асосан минтақада Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилиши арафасида ва ўрнатилгандан кейин рус муаллифларининг хонликлар тарихи ва уларнинг ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига ўтган ҳудудларига оид юзлаб асарлари чоп этилди. Уларнинг катта қисми хизмат юзасидан, амалий мақсадларда, илмий экспедициялар материаллари ёки сафарномалар сифатида, қисман, шахсий қизиқишлар доирасида ёзилган эди.

Рус муаллифларининг мустамлакачилик даврида яратган тадқиқотлари кўлами ниҳоятда кенг, кўрилган масалалари серқирра бўлиб, уларни тадқиқот объекти, ҳудуди, даврий мансублигига қараб тизимлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда, бу адабиётлар моҳияти, мақсадлари ва тури жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилишини қайд этиш лозим. Ҳусусан, саёҳатнома, сафарнома, статистик, ҳарбий статистик тадқиқот, тафтиш материаллари, илмий экспедиция, дипломатик миссия маълумотлари, тарихий, публицистик ва бошқа турдаги асарлар шулар жумласидандир.

Энг муҳими, улардан топонимика, география, табиатшунослик, тарихий-этнография, статистикага оид жуда кенг маълумотлар, шахсий кузатув ва хотиралар, мемуарлар, расмий ҳужжатлар ўрин олган. Улар орасида компилятив асарлар, илмий-оммабоп, шахсий кечинмаларга асосланган, субъектив ёндашувлар, шахсий таасуротлар устувор ўрин тутган ҳолатлар ҳам кўп учрашини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу асарларнинг муаллифлари ҳам турли соҳа вакиллари бўлиб, улар орасида ҳарбий маъмурий тизим вакиллари, ҳарбий шарқшунослар, олимлар (табиатшунос, шарқшунос, элшунос, адабиётшунос, тилшунос), топографлар, хариташунослар кўпчиликни ташкил қилган.

Хонликлар тарихига оид асарлар орасида нафақат тарихийлик нуқтаи назардан, балки амалий мақсадларда яратилган асарлар ёки узоқ илмий изланишлар натижаси бўлган тадқиқотлар ҳам борлигини қайд этиш лозим.

Мазкур ҳолатларни ҳамда кўрилаётган мавзуга оид тадқиқотлар кўламининг жуда кенглигини назарда тутган ҳолда, уларни ўша даврда устувор аҳамият берилган қуйидаги тарихий муаммолар бўйича умумлаштириш лозим топилди.

Ташқи алоқалар тарихи. Рус тадқиқотчиларининг хонликлар ҳақидаги XIX асрга мансуб дастлабки асарларида асосан ташқи алоқалар, дипломатик ва савдо

муносабатларига урғу берилганлигини кўриш мумкин. Бу борадаги махсус жиддий тарихий тадқиқот сифатида П.И. Небольсиннинг Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо алоқаларига оид асари эътиборга лойиқ¹. Мазкур асар муаллифи XIX аср ўрталарида Россия императорлиги география жамияти топшириғи билан империянинг Ўрта Осиё хонликлари билан олиб борган савдо муносабатларини ўрганишга жўнатилган. П.И. Небольсин тегишли архив манбалари асосида олиб борган тадқиқотларга асосланиб, ўз асарида энг аввало савдо йўлларини, хусусан, минтақага элтувчи тупроқ ва сув йўлларини, бу йўлларнинг йўналишларини, манзилларини ўрганган. Бу йўллар орқали олиб борилган ўзаро савдо алоқаларини статистик ва топографик маълумотлар, архив ҳужжатлари таҳлили асосида ёритиб беради. Шу орқали бу даврда хонликлар билан Россиянинг ўзаро савдо алоқалари динамикаси, унга таъсир кўрсатган ички ва ташқи омиллар таҳлили асосида атрофлича ёритиб берилади. Асар ўша даврдаги савдо алоқалари тарихини ўрганишда катта манбавий аҳамият касб этади.

В. Григорьевнинг Хива хонлигига олиб борувчи йўллар таърифига бағишланган тадқиқотида асосий эътибор Ўрта Осиёдан Россияга борадиган савдо йўллари, хусусан, Хива хонлигидан ўтадиган йўллар, Оренбург-Хива йўли, Орол ва Каспий денгизининг савдо-сотикдаги аҳамияти каби масалаларга қаратилади².

Россия империяси Туркистон ўлкасида ўз ҳукмронлигини ўрнатгандан кейин ҳам минтақадаги савдо йўлларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратди. Ушбу

¹ Небольсин П.И. "Очерки торговли России со Средней Азией" (СПб., 1855).

² Григорьев В.В. Описание Хивинского ханства и дороги туда из Сарайчиковской крепости, - "Записки Русского географического общества", 1861. кн. II.

масала нафақат иқтисодий нуқтаи назардан, балки ҳарбий стратегик мақсадларда ҳам батафсил ўрганилиб, асосий савдо йўлларининг тармоқлари, йўналишлари, масофаси батафсил тавсифланган тадқиқотлар юзага келди¹.

Айни пайтда, стратегик мақсадларда қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатлар, чегарадош ҳудудлар, савдо муносабатлари масаласида ҳам кенг тадқиқотлар олиб борилди. Д.Н. Логофетнинг Бухоро амирлигининг Россия, Эрон, Афғонистон билан савдо-сотик муносабатлари, қўшни давлатларга олиб борадиган савдо йўллари ҳақидаги асарлари², И.Л. Яворский бошчилигидаги рус элчилик миссиясининг Афғонистон ва Бухоро амирлиги бўйлаб амалга оширган саёхати кундалиги³, Н.И. Гродековнинг Самарқанддан Афғонистонга⁴, П.П. Матвеевнинг Бухородан (Шарқий Бухоро орқали) Афғонистонга сафари⁵, В. Новицкийнинг Фарғона

¹ Материалы по вопросу о торговых путях в Среднюю Азию. – СПб., 1869. – С.74; Пантусов Н.Н. Торговля и караванные пути в Туркестанском крае. – СПб.: Б.и., 1876. – С.517; Константинович Н. Водный путь в Среднюю Азию указанным Петром Великим. – Оренбург: Б.и., 1877. – С.417; Капитан Статкевич. Описание пути от Самарканда к г. Кара-тагу через перевал Мура // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1894. Вып.VLII. – С.217–233.

² Логофет Д.Н. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909. – С.357; Шу муаллиф. На границах Средней Азии, путевые очерки в 3-х книгах, книга 1. Русско-персидская граница. – СПб., 1909. – С.245; Шу муаллиф. На границах Средней Азии, путевые очерки в 3-х книгах, книга 2. Русско-афганская граница. – СПб., 1909. – С.260.

³ Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878–1879 гг. – СПб., 1882. – С.366.

⁴ Поездка из Самарканда через Афганистан в Герат // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып.V. – С.58–101.

⁵ Матвеев П.П. Поездка по бухарским и афганским владениям. – СПб., 1883; Новицкий В. Из Индии в Фергану / Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып.V. – С.-Петербург, 1883. – С.1–56.

водийсидан Хитой (Қашқар)га борадиган савдо йўли, божхона манзиллари тўғрисидаги¹, Н. Павловнинг Туркистонга қўшни давлатлар билан алоқалар тарихига² оид асарлар шулар жумласидан бўлиб, улар жуда бой тарихий маълумотларга эга.

Шу ўринда ўз сарлавҳасидаёқ мустамлака манфаатлари ошқора қайд этилган, махсус топшириқ асосида яратилган асарлар³, ёхуд темир йўллар қурилиши билан билан боғлиқ мақсадларда яратилган асарларни⁴ ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз.

Ташқи алоқалар йўналишида **Россия–Анғлия рақобати** алоҳида мавзу бўлганлиги яхши маълум. Бу даврда Европа тарихшунослигида Анғлия ва Россия ўртасидаги муносабатларни ёритишга бағишланган жуда кўп тадқиқотлар юзага келди. Бироқ, XIX асрда Анғлия–Россия муносабатларига бағишланган рус тадқиқотлари орасида М.А. Терентьев⁵, Ф. Мартенс⁶, А.Е. Сне-

¹ Новицкий В. Из Индии в Фергану. – СПб., 1903. – С.297.

² Павлов Н. История Туркестана (в связи с историческим очерком сопредельных стран: Персии, Афганистана, Белуджистана, Индии и Восточного Туркестана). – Т., 1911. – С.138–167.

³ Бродовский М. Колониальное значение наших среднеазиатских владений для внутренних губерний. – М.: Б.и., 1891. – С.407; Маркова Е. Россия в Средней Азии. – СПб.: В. Березовский, 1901. – С.369.

⁴ Анненков Н.М. Закаспийская железная дорога – как новый путь для среднеазиатской торговли. – СПб.: Б.и., 1887. – С.398; Вацлик И.Я. Закаспийская железная дорога, ее значение и будущность. – СПб.: Б.и., 1888. – С.375; Константинович Н. Водный путь в Среднюю Азию указанным Петром Великим. – Оренбург: Б.и., 1877. – С.417; Антипин В.Н., Левашев Н.Н. Путеводитель по Туркестанской железной дороге: с историческим очерком сооружения и эксплуатации Закаспийской железной дороги и очерком сооружения Оренбург–Ташкентской железной дороги. – СПб., 1903. – С.536.

⁵ Терентьев М.А. Россия и Анғлия в Средней Азии. – СПб., 1875; Шу муаллиф. Россия и Анғлия в борьбе за рынки. – СПб., 1876.

⁶ Мартенс Ф. Россия и Анғлия в Средней Азии. – СПб., 1880.

сарев¹, М. Грулев², А. Субботин³ асарлари алоҳида ўрин тутлади.

Хусусан, Ф. Мартенснинг ишида Россия–Англия муносабатларида инглиз герцоги Дербби билан Россия Ташқи ишлар вазири Горчаков ўртасидаги музокаралар таҳлилга эътибор қаратилса, А.Е. Снесаревнинг асарида инглиз–рус рақобати Ҳиндистон масаласи билан боғлаб ёритилади⁴. М. Грулев ўз асарида ушбу масалани Россиянинг сиёсий ва мустамлакачилик манфаатлари нуқтаи назаридан асослашга ҳаракат қилади⁵. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу асарларда инглиз–рус рақобати талқинида Россия манфаатларига алоҳида урғу берилганлиги яққол намоён бўлиб туради.

Бу даврда яратилган асарларда хонликларнинг **Россия империяси томонидан забт этилиши тарихига оид** асарлар сон ва ҳажми жиҳатидан катта ўринга эга. Улар ҳарбий тарихчилар, қўмондонлар, амалдорлар ва бошқа муаллифлар томонидан махсус топшириқлар асосида ёки истилонинг 15, 20, 25 йиллик ва бошқа саналари муносабати билан чоп этилган.

Ушбу асарларнинг бош ғояси мустамлакачилик сиёсатини хаспўшлаш, оқлаш, истило натижаларининг бу ерда яшовчи халқлар учун гўёки “жуда фойдали бўлганлиги”ни ҳамда Россия Ўрта Осиёга “цивилизация олиб келганлиги” ҳақидаги қарашларни тарғиб қилиш, империянинг куч-қудратини кўрсатишга қаратилганлигини таъкидлаш лозим.

¹ Снесарев А. Индия как главный фактор в Среднеазиатском вопросе. – СПб., 1906.

² Грулев М. Соперничество России и Англии в Средней Азии. – СПб., 1909.

³ Субботин А. Россия и Англия на среднеазиатских рынках. – СПб.: Б.и., 1885. – С.432.

⁴ Снесарев А. Индия как главный фактор в Среднеазиатском вопросе. – СПб., 1906.

⁵ Грулев М. Соперничество России и Англии в Средней Азии. – СПб., 1909.

Истило мавзусига оид асарлар орасида генерал-лейтенант М.А. Терентьевнинг Россия империясининг Ўрта Осиёдаги истилочилик юришлари тарихига бағишланган уч жилдлик асари алоҳида ўрин тутди. Воқеалар гувоҳи ва иштирокчиси бўлган ушбу муаллиф истило тарихини XVIII аср бошларидан бошлаб босқичма-босқич ёритиб беради¹.

Бу даврда рус шарқшунос тарихчи олимларидан В. Бартольд, В. Веселовский, Е.Т. Смирнов, К.К. Абаза, Н. Дингельштед, А.Н. Макшеев, А.Н. Куропаткин, Е. Желябужский ва бошқалар ҳам Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши масалаларига доир бир қанча асарлар ёзиб қолдирганлар². Мазкур йўналишда ўнлаб асарлар яратилган бўлиб, уларнинг батафсил таҳлили Ғ. Ахмаджонов ва С. Брежнева асарларида ўз аксини топган³.

¹ Терентьев М.А. Завоевания Средней Азии. Т. I–III. – М., 1906.

² Бартольд В.В. Туземец о русском завоевании // ТВ. 1898. №13, 14, 35, 37, 40; Туркестан. Соч. Т. III. – М., 1963; Коканд. Соч. III. 1965; Пяньков В. Туркестанские дневники. – М., 1879. – С.43; Веселовский В. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае / Текст, перевод и приложения. – СПб., 1894; Смирнов Е.Т. Султаны Кенисара и Садык. – Т.: Тип. С.И. Лахтина, 1889; Абаза К.К. Завоевания Туркестана. – М., 1902; Дингельштед Н. Наши колонизации в Средней Азии // Вестник Европы. 1892. Кн. II. – С.231–237; А.Н. Макшеев. Исторический обзор Туркестана и наступительного движения в него русских. – СПб., 1890. – С.235–254; Куропаткин А.Н. Завоевание Туркмении. 1889; Желябужский Е. Очерки завоевание Хивы. 1875; Лобысевич Ф.И. Описание Хивинского похода 1873 года. По материалам особой Комиссии, учрежденной тотчас после похода, под председ. быв нач. Полевого штаба. Под ред. ген.-адъют. В.Н. Троцкого. – СПб., 1898. – С.277; Лобысевич Ф.И. Поступательное движение в Среднюю Азию в торговом и дипломатическо-военном отношениях. Дополнительный материал для истории Хивинского похода 1873 года. (Из официальных источников). – СПб., 1900. – С.205.

³ Ахмеджанов Г.А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. – Т.: Изд-во “Фан” Узбекской ССР, 1989. – С.154;

Рус муаллифлари тадқиқотлари орасида Е.Т. Смирновнинг қозоқ жузлари истилосига бағишланган аса-рида Қўқон хонлигидаги Мулло Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва саркардалиқ фаолиятига оид қимматли маълумотлар қайд этилади¹. Маҳаллий тарихчи Мулло Ҳолибой Мамбетовнинг “Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269–1282 саналарда қилгон футухотлари” аса-ри асосида ёзилган, рус тилига таржима қилиб, айрим воқеалар муаллиф томонидан таҳлил этилган Н.И. Веселовскийнинг асари ҳам Қўқон хонлигининг истилога қарши курашларга раҳбарлик қилган Мулло Алиқули Амирлашкар, Мингбой додҳоқ ва бошқаларнинг фао-лиятига кенг тўхталиб ўтилганлиги билан эътиборга лойиқдир².

Шу ўринда Россия истилоси тарихини ёритишда маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган асарларни, уларда бу масалада билдирилган қарашларни ўрганиш, масалага холис ёндашиш асосида холисона баҳо бериш лозимлиги рус тадқиқотчилари В.В. Бартольд, Н.И. Веселовский, А. Зимин томонидан алоҳида қайд этилганли-гини таъкидлаш лозим³.

Хива хонлиги тарихи. Хива хонлиги Россия импе-рияси томонидан босиб олингач, мазкур ҳудудни сиё-сий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўр-ганишга эътибор кучаяди. Хусусан, Хива хонлиги та-

Ахмеджанов Г.А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. – Т., 1989; С. Брежнева. Историография проблемы присоединения Туркестанского края к России (вторая половина XIX в. – начало XXI в.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – М., 2005.

¹ Смирнов Е.Т. Султаны Кенисара и Садык. – Т.: Тип. С.И. Лахтина, 1889.

² Веселовский Н.И. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае / Текст, перевод и приложения. – СПб., 1894.

³ Ўша жойда. – Б.7–9.

рихига оид А.Л. Кун¹, Н.И. Веселовский², О. Шкапский³, В. Гиршфелд⁴, В. Лобачевский⁵ қаламига мансуб бир қатор муҳим тадқиқотлар юзага келди.

Мазкур тадқиқотлар орасида рус шарқшуносларининг асарлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Хусусан, Н.И. Веселовский хонлик ҳудудида энг қадимдан то истило жараёнларигача бўлган умумлаштирилган қисқача тарихни ёритса, А.Л. Кун асарларидан ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимига оид маълумотлар ўрин олган.

Хива хонлигига қарши К.П. Кауфман бошчилигида 1873 йилда уюштирилган ҳарбий экспедиция давомида хон саройидан буюмларни мусодара қилиш жараёнида рус шарқшунос олими А.Л. Кун томонидан қўлёзма асарлар, хонлар олиб борган ёзишмалар, турли мазмундаги тарихий ҳужжатлар орасида ер-сув муносабатлари, мулкчилик турлари ва солиқ тизимига оид маълумотлар қўлга киритилади.

Шу маълумотлар таҳлили асосида ёзилган мақолаларида⁶ А.Л. Кун Хива хонлигидаги солиқ тизими, ўлпон ва мажбуриятлар, уларнинг хон хазинасига келиб тушадиган умумий йиллик миқдори⁷, солиқларни йиғиш тартиби ва уни йиғишга масъул бўлган шахслар – девонбеги, қўшбеги, меhtar ва уларнинг фаолиятлари, шунингдек,

¹ Кун А.Л. Заметки о податях в Хивинском ханстве // ТВ. 1873. №32.

² Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. – СПб., 1877. – С.364.

³ Шкапский О. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на нижней Аму-Дарьи. – Т., 1900. – С.284.

⁴ Военно-статистическое описание Хивинского оазиса, составленное Генерального штаба капитаном Гиршфельдом, переработанное начальником Аму-Дарьинского отдела генерал-майором Галкиным. – Т., 1902-1903. Ч.1, 1902. – С.248; Ч.2. 1903. – С.214.

⁵ Лобачевский В. Хивинский район. Военно-статистическое описание Туркестанского военного округа. – Т., 1912. – С.117.

⁶ Кун А.Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г. // Известия ИРГО. – СПб., 1874. Т.Х. №1. – С.47-58.

⁷ Кун А.Л. Порядок взимания податей в Хивинском ханстве // ТВ. 1873. №33.

мазкур вазифага масъул бошқа хизматчилар ҳақида тарихий маълумотлар келтиради¹. Шунингдек, А.Л. Кун тадқиқотларида Хива хонлигининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, шаҳар қалъалари, аҳоли таркиби ва сони, шунингдек, тарихий ҳужжатлар ҳамда уларда учрайдиган муҳр турлари², шаҳар инфратузилмаси³ ҳақида муҳим фактлар келтирилади.

О. Шкапский томонидан Хива хонлигидаги ер муносабатлари Шўрахон ҳудуди мисолида тадқиқ этилади ва хонликдаги ер эгалиги турлари, ирригация тармоқлари, ер ва сувдан фойдаланиш тартиби, шарият қонун-қоидаларида ерга эгалик қилиш, уларнинг ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек, Шўрахон, Тўрткўл, Шайх Аббос Вали ва Бий Бозор маъмурий ҳудудлари бўйича статистик маълумотлар тақдим этилади⁴.

Хива хонлигини назоратида сақлаш, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий аҳвол ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мақсадида Туркистон генерал-губернаторлиги 1888 йилда капитан Стеткевич, 1902 йилда капитан В.А. Гиршфельд ва 1910 йилда полковник В. Лобачевский бошчилигида статистик тадқиқотлар ўтказди.

Хива воҳасига ХХ аср бошида капитан В. Гиршфельд томонидан уюштирилган махсус экспедиция натижалари Амударё бўлими бошлиғи генерал-майор М. Галкин томонидан қайта ишланиб, нашр этилади⁵. Асарнинг

¹ Кун А.Л. Порядок взимания податей в Хивинском ханстве // ТВ. 1873. №33.

² Кун А.Л. Описание печатей хивинских ханов // ТВ. 1873. №40.

³ Кун А.Л. Культурный оазис Хивинского ханства // ТВ. 1874. №2.

⁴ Шкапский О. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на нижней Аму-Дарьи. – С.120.

⁵ Военно-статистическое описание Хивинского оазиса, составленное Генерального штаба капитаном Гиршфельдом, переработанное начальником Аму-Дарьинского отдела генерал-майором Галкиным. – Т., 1902–1903. Ч.1, 1902. – С.248; Ч.2, 1903. – С.214.

биринчи қисмида Хива воҳасининг географик ўрни ва топографияси, иқлими, табиати ва чегаралари, воҳанинг гидрографик ҳолати, сув билан таъминланганлик даражаси, Каспий ва Орол денгизлари, Амударё дельтаси ҳақидаги дастлабки кузатув ҳамда текширув натижалари ўрин олган эди.

Хива хонлигининг ҳарбий-статистик тавсифига бағишланган ушбу асарнинг иккинчи қисми Хива хонлиги ва Амударё бўлимининг маъмурий-худудий тузилиши, бошқарув тизими, ҳарбий ҳолати, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бағишланган¹.

В. Лобачевский тадқиқотларида ҳам шу йўналишдаги маълумотлар билан бир қаторда, Хива хонлиги ва Амударё бўлимида мавжуд таълим муассасалари ҳамда уларда таҳсил олувчилар ҳақида ҳам маълумот берилади².

Бухоро хонлиги тарихи жуда кўп тадқиқотларга мавзу бўлди. Уларни мазмуни жиҳатидан бир қанча йўналишларга, хусусан, саёҳатчилар кундаликлари³, тарихий, иқтисодий ва этнографик йўналишлардаги асарларга ажратиш мумкин. Дастлабки йилларда Россия империяси томонидан босиб олинган худудларда ташкил этилган Зарафшон округида тадқиқотлар амалга оширилди⁴.

Кейинчалик, Бухоро амирлиги иқтисодига оид тадқиқотлар олиб борган А.Ф. Губаревич-Радобылскийнинг

¹ Военно-статистическое описание Хивинского оазиса... – С.95.

² Лобачевский В. Хивинский район. Военно-статистическое описание Туркестанского военного округа... – С.68.

³ Крестовский В.В. В гостях у эмира бухарского (путевой дневник). – СПб., 1887. – С.439.

⁴ Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа. Зап. Рус. геогр. о-ва по отделу статистики, Т.4. 1874. – С.163–454; Соболев Л.Н. Замечания о вакфах Зеравшанского округа. В кн. Матер. для статистики Туркест. края. Вып.4. – Т., 1876. – С.329–341.

Бухоро хонлиги иқтисодининг Тунис билан қиёсий таҳлили¹ ёки темир йўллар қурилиши ва уларнинг хонликда пахтачиликни ривожлантиришдаги ўрнига оид асарлари² юзага келди. Уларда Бухоро амирлигидаги қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, савдо, молия ҳолати таҳлил қилинган ҳамда хонликдаги “рус протекторати” тизимининг келгусидаги истиқболлари, темир йўллар қурилиши, пахтачиликни ривожлантириш масалалари ўз аксини топган.

Н.А. Фридрихнинг Бухоро аҳолиси этнографиясига оид асарида³ Бухоро амирлиги аҳолисининг кийиниш маданияти, уй-жойлари, машғулотлари, хунармандчилик ва савдо, шаҳарлар ҳаёти каби масалалар ёритилган.

Бухоро тарихига оид асарлар орасида собиқ рус офицери, Рус императори география жамияти ҳақиқий аъзоси Д.Н. Логофетнинг асарлари алоҳида ўрин тутади⁴. Унинг 1909–1911 йилларда чоп этилган асарларида Бухоро амирлиги чегаралари, ҳудуди, табиий-географик тузилиши, табиати, маъмурий бошқарув тизими, мансаблар, уларнинг функциялари, Амударё флотилияси, Россия билан сулҳ шартномалари, қатор расмий келишувлар,

¹ Губаревич-Радобыльский А.Ф. Экономический очерк Бухары и Туни-са. Опыт сравнительного исследования двух систем протектората. – СПб., 1905. – С.261; Губаревич-Родобильский А. Постройка железных дорог в Бухарском ханстве и влияние этих дорог на хлопководство. – СПб., 1912.

² Губаревич-Родобильский А. Постройка железных дорог в Бухарском ханстве и влияние этих дорог на хлопководство. – СПб., 1912.

³ Фридрих Н.А. Бухара. Этнографический очеркъ. – С. Петербург: Изд-во О.Н. Поповой, 1910. – С.79.

⁴ Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909. – С.239; Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911. Т.1. – С.344; Т.2. – С.357; Логофет Д. Въ горахъ и на равнинахъ Бухары (Очерки Средней Азии). – СПб., 1913. Т.ХIV. – С.619; Логофет Д.Н. В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии (Очерки Бухары). – СПб., 1912. – С.159; Логофет Д.Н. На границах Средней Азии (Путевые очерки в 3-х книгах). Книга III. Бухарско-афганская граница. – СПб., 1909. – С.208.

қарор ва қоидалар, хонликнинг маъмурий тузилиши, суд ва солиқ тизими, ишлаб чиқариш, иқтисодий ресурслари, аҳоли таркиби ва машғулоти, шаҳарлари борасида жуда кенг маълумотлар ўрин олган¹. Мазкур асарлар жуда кенг қамровдаги маълумотларга эга бўлиш билан бирга ўз замондошлари томонидан илмий эмас, тарихий экскурс сифатидаги ёзилганлиги қайд этилади. Муаллиф ўз асарларида Бухоро хонлигини имкон қадар Россия таркибига қўшиб юбориш тарафдори бўлиб, бу борада ўзининг таклиф ва тавсияларини ҳам илгари суради.

Бу даврда академик В.В. Бартольд² (1860–1930) ижодида ҳам Бухоро тарихининг қатор масалалар ўз аксини топди³. Хусусан, В. Бартольднинг ўзбек хонлари саройидаги тантана маросимига⁴, шайбонийлар сулоласи тарихига⁵ оид мақолалари шулар жумласидандир.

С.В. Жуковскийнинг XVI–XIX асрларда Россиянинг сўнги уч юз йилликдаги Ўрта Осиё хонликлари билан савдо-сотик, ўзаро элчилик муносабатлари тарихига бағишланган асари эътиборга лойиқ⁶. Унда мазкур муноса-

¹ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.1. – СПб., 1911. – С.340.

² Акрамов Н. Выдающийся русским востоковед В.В. Бартольд. Научно-биографический очерк. – Душанбе, 1963; Акрамов Н. О некоторых материалах по биографии В.В. Бартольда (востоковеда, работающего в области разработки социально-экономической истории народов Средней Азии) // Известия Академии наук Таджик. ССР. Отд. общества. наук. Вып.1. 1962. №1(28). – С.3–13.

³ Бартольд В.В. Bukhara, Encyclopaedie des islam / I Leiden-Leipzig, 1913; Он же, К истории орошения Туркестана. – СПб., 1914.

⁴ Бартольд В.В. Церемониал при дворе узбецких ханов в XVII веке // Сочинение. Т.II. 2 часть. – М., 1964. – С.388–399.

⁵ Бартольд В. Шейбаниды // Сочинение. 2 том. 2 часть. 1964. – С.545–548.

⁶ Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Петроград: Тип. Лит. Н.И. Евтифеева, 1915. – С.215; Труды общества Русских Ориенталистов. №2; Подати и налоги в восточной Бухаре // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып.79. – СПб., 1906.

батлар доирасида имзоланган бир қатор расмий ҳужжат ва келишувлар, қоида ва қарорлар ҳам ўрин олган.

Бу даврда Бухоро шаҳарлари тарихи¹, шарқий бекликларига² оид қатор мақолалар юзага келди. А.А. Семеновнинг 1898 йилда Вахш водийсига уюштирилган экспедиция материаллари асосида шарқий бекликлардаги бошқарув тизими, солиқ ва савдо масалалари тадқиқ этилди³.

Ўша даврда даврий матбуот саҳифаларида ҳам Бухоро амирлигидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, шарқий бекликлар, 1911 йил ислохотлари, шиа ва суннийлар тўқнашуви, Бухородан Россияга жўнатилган элчилик миссиялари, савдо муносабатлари, ҳарбий қўшин ҳақида жуда катта ҳажмдаги мақолалар эълон қилиб борилган⁴.

Мустамлака даврида хонликлар тарихига оид рус тадқиқотлари орасида **Қўқон хонлигига** бағишланган махсус асарлар нисбатан камроқ бўлиб, энг аввало хонликнинг 1876 йилда тугатилганлиги билан изоҳланади, шу боис мавжуд адабиётларда асосан унинг сўнгги давр тарихига эътибор қаратилади. Жумладан, уларда

¹ Пославский И.Т. Бухара. Описание города и ханства. Сборник геогр., топогр. и статист. материалов по Азии. Вып.47. – СПб., 1891. – С.166; Пославский И.Т. Город Бухара Описание его и исследование вопроса о занятии его русскими. – Т., 1891. – С.112.

² Нечаев А.В. По горной Бухаре. Путевые очерки. – СПб., 1914; Варыгин М. Опыт описания Кулябского бекства // ИИРГО. – Пг., 1916. Т.52. Вып.10.

³ Семенов А.А. Этнографические очерки Зеравшанских гор, Каратегина и Дарваза. – М., 1903; А.С. Поездка в горную Бухару // ТВ. 1904. №112, 123, 128, 134.

⁴ А.П. Административное устройство Гиссарского бекства // ТВ. 1908. №112; Б.Л. Очерки Гиссарского края, 1910. №50; ТВ. 1911. №223, 227, 231, 233; Реформы в Бухаре, 1911. №80; Гуировский Р. По поводу бухарских реформ, 1911. №81; В Бухаре // ТВ. 1910. №21; Беспорядки в Бухаре // ТВ. 1910. №9, 10, 11, 12; По поводу беспорядков в Бухаре // ТВ. 1910. №13; Белинский А. Финал бухарский событий // Туркестанский курьер, 1910. №28; Антонович М. Причины волнений в Бухаре // Туркестанский курьер, 1910. №12; В Бухаре // Туркестанский курьер, 1910. №21; Бухарское войско // ТВ. 1906. №46.

ХІХ асрнинг учинчи чорагида хонликдаги сиёсий аҳвол ва мамлакат истилоси билан боғлиқ жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, шаҳарлар тузилиши, бозорлар ва карвонсаройлар фаолияти, савдо муносабатлари, бож ва пул тизими, айрим хунар турлари, хонлик аҳолисининг таркиби каби масалаларга эътибор қаратилган¹.

Хонликларда вақф мулкчилиги тарихига оид тадқиқотлар. Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олинган, мазкур ҳудудда мустамлакачилик талабларига мос келувчи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда янги тартибларни ўрнатиш зарурияти туғилди. Туркистон ўлкаси генерал-губернатори К.П. Кауфман ерга эгалик қилишнинг янгича тизимини жорий қилишда аввал амалда бўлган, шариат қонун-қоидаларига асосланган ер билан боғлиқ муносабатларни ўрганиш мақсадида ўлкага шарқшунос маълумотига эга бўлган мутахассисларни таклиф этган². Уларнинг излаишлари натижасида ер муносабатлари, хусусан, вақф масалаларига бағишланган илк тадқиқотлар пайдо бўл-

¹ Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1872. – С.489. Федченко А.П. В Кокандском ханстве. – СПб. – М., 1875. – С.160; Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине // Туркестанский сборник. Т.117. – С.417–448; Ўша муаллиф. Очерки Кокандского ханства // Известия РГО. Т.ХІІ. – СПб., 1876. – С.17–119; Хорошкин А.П. Очерки Коканда // Туркестанский сборник. Т.116. – СПб., 1876. – С.170–195; Пантусов Н. Податные сборы в Коканде // ТВ. 1876. №13; Ўша муаллиф. Сборы и пошлины в бывшем Кокандском ханстве // ТВ. 1876. №17; Федченко А. Из Кокана. Сведения о путешествии по Коканскому ханству // Известия ИРГО. Т.VІІІ. 1870. – С.6–20; Ўша муаллиф. Из Кокана // Ежегодникъ. Материалы для статистики Туркестанского края. Под. ред. Н.А. Маева. – СПб., 1873. – С.387–404; Ўша муаллиф. В Кокандском ханстве. – СПб., 1875. – С.160; Ўша муаллиф. Оби джуазъ – писчебумажная фабрика в Кокане // Туркестанский сборник. Т.57. 1878. – С.413–418; Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. Перевод с немецкого В.И. Ковалевского. – СПб., 1882. – С.604; Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – С.215; Саттархан Абдул-Гафаров. Краткий очерк внутреннего состояния Кокандского ханства перед завоеванием его русскими // ТВ. 1892. №26, 29, 36.

² Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане. – Т., 1963. – С.5.

ган¹. Кейинчалик вақф масаласи В. Благовешченский², А. Москальцев³, П. Цветков⁴, В. Вяткин⁵, В. Наливкин⁶, Л. Зимин⁷, В. Бартольд⁸ каби тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган.

Ўрта Осиёда Искандар Тўра номи билан танилган машҳур шарқшунос ва ўлкашунослардан бири А.Л. Кун шарқ тилларидан махсус билимга эга бўлиб, Россия империяси маъмурияти томонидан Ўрта Осиёни чуқурроқ ўрганиш мақсадида ташкил этилган Искандаркўл, Шаҳрисабз, Хива ҳамда Қўқон ҳарбий экспедицияларида илмий коллектор сифатида иштирок этган ва кўплаб нодир қўлёзмалар, хужжатлар тўплаган⁹.

¹ Кун А.Л. Вакуфы // ТВ. 1872. №21; Ростиславов М.Н. Несколько слов о важности вакуфных документов в историческом отношении // ТВ. 1873. №42, 49, 50; Шу муаллиф: Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. – Самарканд, 1875; Емельянов Н. Численность вакуфов Туркестанского края // ТВ. 1887. №2.

² Благовешченский В.П. К вопросу о вакуфах в Сыр-Дарьинской области // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. 1891. – С.31–83.

³ Москальцев А. Исследование вакуфов в Ташкентском уезде // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. Издание Сыр-Дарьинского Областного Статистического Комитета. Под. ред. И.д. секретара И.И. Гейера. – Т.: Типо-Литография торгового дома “Ф. и Г. бр. Каминских”, 1895. – С.31–83.

⁴ Цветков П. Несколько слов о вакуфах // Туркестанский сборник, 1910. №2. Т.541. – С.51–68.

⁵ Вяткин В.Л. Вовладение в Ходжентском вилайете // ТВ. 1903. №76.

⁶ Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства, 1885. Казан; Унинг ўзи. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Т.3. – Новый Маргелан, 1904. Т.3. – С.1–56.

⁷ Зимин Л.А. Вакуфные документы // ТВ. 1910. №285; Унинг ўзи. Enque tessur lesvakoufs du Turkestan // Revue d'umon de musulman. – Paris, 1911. №13/2.

⁸ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана Сочинения. Т.2. – М., 1964. – С.169–434.

⁹ А.Л. Кун томонидан тўпланган хужжатларнинг аксарият қисми Россия Фанлар Академияси Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади. Ушбу хужжатлар 1890 йилда унинг шахсий архиви сифатида мазкур институтнинг

Хусусан, 1873 йилда Хива хонлигига қарши К.П. Кауфман бошчилигида уюштирилган ҳарбий экспедицияда иштирок этган А.Л. Кун Хива хонлари архиви таркибида вақф мулкларига оид маълумотлар акс этган ҳужжатларни қўлга киритган¹. А.Л. Кун вақфнинг шариатдаги истилоҳи, вақфномаларнинг ташқи тузилиши, уни тузиш тартиби, шартлари, вақф объекти ва субъектлари, улар ўртасидаги муносабат, вақф ерларининг ҳуқуқий аҳволи, улардан фойдаланиш тартиби, расмийлаштириш қоидаларини аниқлашга муваффақ бўлган².

А.Л. Кун Туркистонга юборилганидан сўнг генерал-губернатор К.П. Кауфман уни Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор Абрамовга Зарафшон водийсидаги ерларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги мураккаб масалага ойдинлик киритишга ёрдамлашишни топширади³.

А.Л. Кун Самарқанд гузарларида жойлашган масжид, мадраса каби диний-маданий муассасаларнинг вақфномаларини тўплаб, улардаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга маълумотларни рус тилида қайд этиб боради. Жумладан, вақф таъсис этувчининг исми, вақф мулкларининг турлари ва нечанчи йилда вақф қилингани, ушбу мулклардан келадиган фойда тақсимоти, муҳрлар сингари маълумотларни келтиради⁴.

А.Л. Кун томонидан тўпланган вақфга оид ҳужжатларнинг аксарият қисми ҳудудий мансублик жиҳатидан Самарқандга оид бўлиб, уларнинг таркиби хилма-хил эди.

“шарқшунослар архиви” жамғармасига келиб тушган. Бу ҳақда қаранг: Чу-гуевский Л.И. Архив востоковедов. Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока // Материалы по истории отечественного востоковедения. Ч.III. – М., 1990. – С.8; А.Л. Кун томонидан йиғилган ҳужжатларнинг санокли қисми эса, Россия Миллий кутубхонасининг қўл-ёзмалар бўлимида 940 фондда сақланади.

¹ Кун А.Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г... – С.57.

² Кун А.Л. Вакуфы // ТВ. 1872. №21.

³ Morrison A.S. Russian rule in Samarkand... – P.60.

⁴ Институт Восточных Рукописей РАН (ИНВ РАН, 33-ф., 25-ед. хр.)

Ҳужжатлар таркибида статистик маълумотлар, хусусан, вақф ерлари миқдори¹, мутаваллилар рўйхати², диний-маърифий муассасалар, вақф мулклари ижарасидан келадиган даромадлар рўйхати, уларнинг тақсимо-ти ҳамда сарф-харажатлари тўғрисидаги маълумотлар³, ижара муносабатлари акс этган ҳужжатлар, XIX асрнинг иккинчи ярмига тегишли Шердор, Тиллакори, Мирзо Улуғбек, Шайбонийхон мадрасалари, авлиёлар мозорлари, жумладан, Ҳазрат Руҳобод, Шоҳ Розий мозорларига тегишли вақф ерларининг ижаралари⁴, амир ёрлиқлари, фармойишлари ҳамда қозининг ҳукмлари мавжуд эди⁵.

Таъкидлаш жоизки, А.Л. Кун бир томондан статистик маълумотлар тўплаган бўлса, иккинчи томондан вақфнинг моҳиятини, назарий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилган. Хусусан, у Самарқанддаги уламо-лар билан ҳам ушбу масалада суҳбатлашган. Уламо-лар унга шариатдан мисоллар келтириш билан бир қаторда шаръий китобларнинг асл нусхаларини ҳам тақдим этганлар⁶. Шунингдек, улар Россия ҳукумати маъмуриятининг фармонига мувофиқ вақф ерларига ва умуман мулкка оид араб тилидаги шаръий масалаларни маҳаллий тилга таржима қилиб берганлар.

А.Л. Кун вақф ҳақидаги ўзининг мулоҳазаларини “Туркестанские ведомости” газетасида баён этади. Хусусан, мақолада вақфнинг қандай мулк тури эканлиги, вақфномаларнинг расмийлаштирилиши ва структураси, вақф даромадлари тақсимо-ти тартиби, мутавалли вазифалари тўғрисида умумий ҳамда қисқача маълумотлар келтирилади⁷.

¹ ИВР РАН, 33-ф., 165-ед. хр., 1- л.; РНБ, 940-ф., 123-, 130-ед. хр.

² ИВР РАН, 33-ф., 158-ед. хр., 4-л.

³ ИВР РАН, 33-ф., 156-, 158-, 163-ед. хр.; РНБ, 940-ф., 114-, 136-, 137-ед. хр.

⁴ ИВР РАН, 33-ф., 160-ед. хр.

⁵ ИВР РАН, 33-ф., 165-ед. хр. 22-л.

⁶ ИВР РАН, 33-ф., 25-ед. хр., 17-л.

⁷ Кун А.Л. Вакуфы // ТВ. 1872. №21.

Умуман олганда, А.Л. Кун ўзига юклатилган вазифа ҳамда шахсий қизиқишлари доирасида вақф ва унга тегишли ҳужжатларни синчковлик билан ўрганишга ҳаракат қилиб, вақфномаларни турига қараб тизимлаштириш, уларнинг ички тузилишини ўрганишга киришган. Гарчи муаллифнинг вақф ҳақидаги мулоҳазалари жуда умумий ва баъзи ҳолатларда аниқлик киритишни талаб этса-да, Ўрта Осиёда вақф масаласи тарихшунослигининг шаклланишига пойдевор бўлиб хизмат қилган.

М.Н. Ростиславов 1873 йилда “Туркестанские ведомости” газетасида чоп этилган мақоласида вақф ҳужжатларининг аҳамияти ҳақида тўхталиб, улар ерга эгаллик қилиш масаласида тўғри ечимга келишда муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлайди. Шунингдек, у ўз эътиборини вақфномалардаги амир муҳрига қаратади ҳамда унда келган сана билан нумизматик маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш орқали тарихий воқеалар, хусусан, муайян ҳукмдор тахтга ўтирган йили масаласига ойдинлик киритиш мумкинлигини аниқлайди¹.

М.Н. Ростиславов вақф ерлари миқдорини, уларнинг қайси вақф муассасасига тегишли эканлигини аниқлаш, вақф муассасалари ихтиёридаги барча даврларга оид вақфномаларни ўрганиш ва ҳатто, уларни рус тилига таржима қилишни тавсия қилади. Шунингдек, у мақолада Туркия молия вазирининг Султонга йўллаган мактубига тўхталиб ўтиб, Константинополдаги масжидларга қарашли вақф мулкларини давлат ихтиёрига ўтказиш ва кўчмас мулкларидан солиқ олиш борасидаги сиёсатини таҳлил этади².

Н. Емельянов эса ўз мақоласида Туркистон ўлкасида вақф мулклари ҳақида маълумот келтириб, Казалинск

¹ Ростиславов М.Н. Несколько слов о важности вакуфных документов в историческом отношении // ТВ. 1873. №42.

² Ўша жойда.

уезди ва Амударё бўлимларини ҳисобга олмаганда ўлкада 2909 та вақф ҳисобидан таъминланувчи муассасалар борлиги, уларга қарашли 462566,75 таноб ер мавжудлиги ҳақида хабар беради. Шунингдек, вақф муассасаларининг умумий йиллик даромади ҳам маълумот сифатида келтирилади¹.

Л.А. Зимин Фарғона вилоятида 1897–1905 йиллар давомида ер-сув муносабатлари юзасидан олиб борган тадқиқоти натижасида² вақфномалар ва уларга илова қилинган хон ёрликлари ҳақидаги маълумотларни ўрганади. Хон муҳри қўйилмаган ёки хон ёрлиги қўшимча сифатида илова қилинмаган вақфномалар рус маъмурияти томонидан қалбаки ҳужжат деб топилган ва қонуний ҳужжат сифатида тан олинмаган. Фарғона вилояти бошқарувидаги Наманган уездида 1376 та, Ўш уездида 227 та ана шундай хон муҳри бўлмаган вақфномалар аниқланган³.

“Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида чоп этилган қатор мақолалар ҳам вақф мавзусига бағишланган бўлиб, уларда мадрасаларнинг моддий асоси бўлган вақф мулклари ҳақида⁴, мустамлака маъмуриятининг шаҳардаги кўчмас мулклари, хусусан, вақф мулклари юзасидан олиб борган солиқ сиёсати, Тошкент шаҳридаги барча вақфларнинг умумий миқдори⁵, Фарғона вилоятидаги вақфлар ҳақида маълумотлар берилган⁶.

В.Л. Вяткин ўз тадқиқотида Самарқанд вилояти Хўжанд уезди атрофидаги ерларга оид 1200 та вақф ҳуж-

¹ Емельянов Н. Численность вакуффов Туркестанского края // ТВ. 1887. №2.

² Зимин Л.А. Вакуфные документы // ТВ. 1910. №285.

³ Зимин Л.А. Вакуфные документы // ТВ. 1910. №285.

⁴ О медресах и вакуфах // ТВ. 1898. №56.

⁵ Вакуфы в Ташкенте // ТВ. 1884. №32.

⁶ Вакуфный вопрос в Ферганской области // ТВ. 1901. №15.

жати асосида Хўжанд вилоятидаги сув ва унга эгалик қилиш тартибини аниқлашга ҳаракат қилади¹.

Таниқли шарқшунос олим, академик В.В. Бартольд ҳам ўз асарларида вақф масаласига эътибор қаратади. У мактаб ва мадрасаларнинг асосий моддий манбаи уларга вақф қилинган ерлар, дўконлар ва бошқа вақф мулкларидан ташкил топганини қайд этади. Шунингдек, Туркистон генерал-губернатори М.Г. Черняев даврида тошкентликлардан бирининг вақф ерлари зўрлик билан тортиб олиниб, хайр-эҳсон билан шуғулланувчи рус жамиятига бериб юборилганини маълумот сифатида келтиради². Ваҳоланки, мазкур ҳолат ислом ҳуқуқи меъёрларига зид бўлиб, вақфнинг мулк сифатидаги дахлсизлик мақомининг бузилишига олиб келган.

Мустамлака давр тадқиқотларида **Туркистон генерал-губернаторлигига** оид жуда катта ҳажмдаги адабиётлар ва мақолалар юзага келди. Уларда замонавий воқелик ва жараёнлар талқини, маъмурий-худудий ва бошқарув масалалари³, ўлканинг табиати ва табиий ресурслари⁴, суд ва солиқ тизими⁵, рус аҳолисини кўчириш сиёсати⁶, иқтисоди ва хўжалиги (қишлоқ хўжалиги,

¹ Вяткин В.Л. Водовладение в Ходжентском вилайете // ТВ. 1903. №76.

² Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочинения. Т.2. – М., 1964. – С.314.

³ Костенко Л.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – СПб., 1870. – С.358; Рассмотрение законопроекта о дополнении ст. 270. Положения об управлении Туркестанским краем в Государственной Думе и Государственном Совете // Вопросы колонизации, 1911. №9. – С.251–459. Южаков Ю.Д. Итоги двадцатисемилетнего управления нашего Туркестанским краем. – СПб., 1891. – С.84.

⁴ Ўзбекистон худудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX–XX аср бошларида). [Масъул муҳаррир т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева]. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Академнашр, 2019. – Б.385.

⁵ Ростиславов М.Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. В кн.: Труды третьего Международного съезда ориенталистов в С.-Петербурге, 1876. Т.1. – СПб., 1879. – С.327–359.

⁶ Гинс Г.К. Переселение и колонизация // Вопросы колонизации, 1913. №12. – С.72–120; №13. – С.39–99.

хунармандчилик, саноат)¹, ижтимоий-маданий ҳаётга оид масалалар², ўлка шаҳарлари³ каби ўнлаб мавзуларга бағишланган юзлаб асарлар яратилган⁴. Мазкур асарларнинг катта қисми монографиянинг иккинчи бўлимида ўз аксини топган бўлиб, уларнинг аксарияти амалий мақсадларда яратилган эди.

¹ Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб., 1908. – С.512; Губаревич-Радобильский А.Ф. Значение Туркестана в торговле России с сопредельными странами в Азии // Материалы для изучения хлопководства. Вып.2. – СПб., 1912. – С.239; Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района, обслуживаемого Средне-Азиатской железной дорогой (Закаспийская, Самаркандская, Сыр-Дарьинская и Семиреченская области, а также Бухарское и Хивинское ханства). Ч.1–3. – Асхабад, 1913; Заорская В.В. и Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. Разработка данных анкеты, произведенной летом 1914 г. экономической организацией, изысканий по устройству водохранилищ в верховьях реки Сыр-Дарья. – Пг., 1915. – С.559; Бродовский М. Технические производства в Туркестанском крае. Прил. к промышленному альбому Туркестанского края, сост. и изд. по распоряжению Туркестанского генерал-губернатора К.П. фон-Кауфмана 1-го. – СПб., 1875. – С.99; Оглоблин В.Н. Хлопчатобумажная промышленность и торговля в среднеазиатских русских владениях. (Из путевых заметок) // Русское экономическое обозрение, 1900, №11. – С.78–119; Книзе А.И. Хлопководство и правительственные мероприятия по его улучшению и развитию в среднеазиатских владениях России. – СПб., 1911. – С.30; Кокандский биржевой комитет. Отчеты за 1915–1916 гг. – Коканд, 1916. – С.196; Пашино П.И. О фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области. (Извлечено из “Записки о производительных силах Туркестанской области”. П.И. Пашино) // Изв. Рус. геогр. о-ва. Т.3. 1867. – С.120–139; Понятовский С. Опыт изучения хлопководства в Туркестане и Закаспийской области. – СПб., 1913. – С.357.

² Остроумов Н.П. Исторический очерк народного образования в городах и укреплениях бывшей Сыр-Дарьинской линии в Туркестанской области с 1860 г. по 1867 г. – Т., 1881. – С.198.

³ Маев Н.А. Азиатский Ташкент. В кн.: Матер. для статистики Туркест. края. Вып.4. – СПб., 1876. – С.260–313; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Т., 1912. – С.520.

⁴ Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX–XX аср бошлари). [Масъул муҳаррир т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева]. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2018. – Б.261.

III БОБ

ДАВРИЙ НАШРЛАР ВА ТЎПЛАМЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-§. “Туркестанские ведомости” саҳифаларида Туркистон халқлари тарихи масалалари

Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярми (1867)да пайдо бўлган расмий матбуот ва 1906 йиллардан шаклланган миллий матбуот ўлка ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим воқелик бўлди. Хукмрон тузумнинг мафкуравий, сиёсий чекловлари ва тазйиқларига қарамай, газеталар саҳифаларида ўлка тарихига, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига оид жуда кўп маълумотлар ўз аксини топган эди.

Туркистонда расмий матбуот органи сифатида 1870 йилда асос солинган “Туркестанские ведомости”, ҳамда унга илова тарзида маҳаллий тилда чоп этилган “Туркистон вилоятининг газети” қарийб 50 йил мобайнида фаолият юритди.

Матбуот саҳифаларида шу даврда ўлкага унинг ресурслари, табиати, тарихини ҳар жиҳатдан ўрганиш учун жўнатилган экспедициялар, ташкил этилган илмий жамиятлар фаолияти, изланишлар натижалари ҳақида ҳам мунтазам маълумотлар бериб борилад эди. Хусусан, минтақада рус олимларининг ижтимоий фанлар соҳасида олиб борган изланишлари ҳақида ҳам кўплаб хабарлар, катта-кичик мақолалар, ҳисоботлар ва мунозаралар бериб борилган.

“Туркестанские ведомости” газетасида тарих ва археология соҳасига оид жами 800 дан ортиқ мақола ва хабар-

лар эълон қилинган. Улар орасида рус тадқиқотчиларининг Зарафшон воҳаси¹ ва Фарғона водийси² ва умуман Туркистон аҳолисининг этник таркиби³, урф-одатлари, машғулотлари, хунармандчилик, ўлка халқларининг этник таркибига оид маълумотлар этнографик тадқиқотлар учун муҳим тарихий ва манбавий аҳамиятга эга.

Шунингдек, газета саҳифаларида қадимий тангашунослик⁴ Туркистон тарихи⁵ ва қадимий ёдгорликлари,

¹ Гребенкин А.Д. Таджики // ТВ. 1871. №15, 17, 18, 19, 20, 21; Ўша муаллиф. Узбеки // ТВ. 1871. №36, 39, 40, 41, 42; Ўша муаллиф. Ремесленная деятельность таджиков Зеравшанского округа // ТВ. 1871. №31; Ўша муаллиф. Родословная мангытской династии // ТВ. 1871. №14; Ўша муаллиф. Этнографический очерк Зеравшанского округа // ТВ. 1871. №44; Ўша муаллиф. О гончарном промысле в Зеравшанском округе // ТВ. 1874. №8, 9; Хорошхин А. Узбеки Кенегез. Этнографический очерк // ТВ. 1873. №13.

² Наливкин В.П. Очерки земледелия в Наманганском уезде // ТВ. 1880. №11, 13, 15, 18, 19, 20, 21, 24; Вопросы туземного земледелия // ТВ. 1880. №33, 34; Заметки о лесном хозяйстве в Фергане // ТВ. 1883. №16, 17, 18; Пантусов Н.Н. О податях и повинностях, существовавших в бывшем Кокандском ханстве, в последнее время Худоярхана // ТВ. 1876. №16; Ўша муаллиф. Сборы и пошлины в бывшем Кокандском ханстве // ТВ. 1876. №17.

³ Хорошхин А. Народы Средней Азии (Историко-этнографические этюды) // ТВ. 1871. №9, 10; Население Туркестанского края. II. Этнографический состав // ТВ. 1905. №165.

⁴ Пантусов Н.Н. Саманидский диргем 284 г. гиджры // ТВ. 1873. №7; Ўша муаллиф. К сведению нумизматов // ТВ. 1873. №43; Подделка монет (Александра Македонского в Персии Хамаданскими евреями) // ТВ. 1894. №16; Поступление монет в Туркестанские кружок любителей археологии // ТВ. 1906. №1; Старинные медные русские монеты в Балдуанском и Кулябскими бегствах Бухары // ТВ. 1906. №9; Б.Н.А. Нумизматическая загадка // ТВ. 1906. №20; Кинд В. Еще о нумизматической загадке // ТВ. 1906. №35; Ю.О.Я. Хивинская теньга в связи с недавним прошлым теньгового вопроса // ТВ. 1908. №86, 87, 88; Старинные монеты // ТВ. 1911. №240.

⁵ Туркестанский край в XIII веке (По рассказу китайского путешественника) // ТВ. 1894. №43, 44; Автобиография Тамерлана // ТВ. 1895. №24; Хивинская посольства в Индии // ТВ. 1896. №72; Бартольд В.В. Ещё о христианстве в Средней Азии // ТВ. 1896. №36; Лыкошин Н. "Насаб-нама" (родословия), как исторический материал // ТВ. 1896. №63, 67; История Бухары. Соч. Мухаммада Наршахи. Перев. С пер. Н. Лыкошина, под ред. В.В. Бартольда // ТВ. 1897. №49; Бартольд В. Герат при Тимуридов // ТВ. 1898. №73, 74; В.В. К исторической географии Ташкентского района // ТВ.

Туркистонда археологик изланишлар¹, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги, шарқшунослар фаолияти ҳақида ўнлаб мақолалар чоп этилган.

Матбуот материаллари таҳлилининг кўрсатишича, бу даврда Самарқанддаги қадимги ёдгорликларни ўрганишга катта аҳамият берилган. Хусусан, 1875 йилнинг ёзида Самарқанд яқинида олиб борилган археологик қазиш ишлари натижасида кулолчилик, ойна ишлаб чиқариш ривож топгани аниқланган. Бундан ташқари, бу ердан бой тангалар тўплами, жумладан, 700 та тилла, кумуш ва мис тангалар, 60 га яқин қўлёмалар топилганлиги ҳақида хабар берилган².

Туркистон матбуотида ўлкадаги осори-атиқаларни ҳимоя қилиш масаласи кўтарилиб, тарихий ёдгорликларни қонунга хилоф равишда олиб кетилиши танқид қилинади. Бундай ҳолатнинг матбуот саҳифаларида чоп этилиши кенг омманинг диққатини жалб қилган ва

1900. №101; Маллицкий Н. К истории Ташкента под Кокандским владычеством // ТВ. 1900. №103, 104; Смирнов Е. Развалины города Канки // ТВ. 1901. №4; Научные труды по истории Туркестана // ТВ. 1911. №28.

¹ К вопросу об археологических исследованиях в Туркестане // ТВ. 1894. №5, 6, 7; Ростиславов М. Об археологических изысканиях в Зеравшанском округе // ТВ. 1875. №27; Ростиславов М. Еще по поводу археологических изысканиях в Зеравшанском округе // ТВ. 1876. №43; Археологическая рекогносцировка Д.И. Эварницкого // ТВ. 1892. №42; Древнее кладбище в Ташкенте // ТВ. 1886. №24; Бартольд В.В. К вопросу об археологических исследованиях в Туркестане // ТВ. 1894. №5, 6, 7; Андреев М. Местности в долине р. Ангрене, интересные в археологическом отношении // ТВ. 1893. №46; Археологическая находка близ Ташкента // ТВ. 1886. №17; Бартольд В. К вопросу об археологических исследованиях в Туркестане // ТВ. 1894. №5, 6, 7; Возобновление мечети Ходжа-Ахрар в Ташкенте // ТВ. 1888. №33; Еще по поводу археологических изысканий в Зеравшанской округе. М. Ростиславова // ТВ. 1876. №43; Меры по воспрепятствию производства археологических раскопок в крае. Н. Емельянова // ТВ. 1885. №34; Раскопки могильных курганов близ Ташкента // ТВ. 1887. №28.

² Эварницкий Д. Коллекция древностей Акром Аскарлова // ТВ, 1892. №31.

археологлар томонидан 1896 йилдан Самарқанддаги та-рихий обидаларни назорат қилинишга киришилган¹.

“Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида чоп этилган Ақром Асқаров қадимий тангалар ва антиқа буюмлар, археологик ашёлар тўплами² ҳақидаги маълумотлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Уларда қайд этилишича, Ақром Асқаров жами 15 000 га яқин мис, кумуш, тилла тангалар тўплаган бўлиб, улар жуда яхши сақланган, вафотидан кейин эса 280 та қадимги ёдгорликлар Петербургда – императорнинг Археология комиссияси-га жўнатирилган³.

Газета саҳифаларида Туркистоннинг турли ҳудудла-рида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижа-лари билан ҳам таништириб борилган⁴. Масалан, Эски Тўйтепа кўрғонларида, умуман, Сирдарё қирғоқлари-даги кўрғон қолдиқларидан⁵ топилган кулолчилик ва шишасозлик буюмларининг ранги ва нақшлари, шакли, ҳажми ҳақидаги маълумотлар⁶ катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, у ердан пишиқ ғиштнинг топилиши ушбу ҳу-дудда яшаган аҳоли қадимдан ўтроқ ҳаёт кечирганидан далолат бериши ҳақида хулоса қилинган⁷.

Туркистон матбуоти саҳифасида Тошкентда ташкил этилган музей коллекцияларнинг тўпланиши жараё-

¹ Щербина-Крамаренко Н. К вопросу о сохранении древних памятников // Украина. 1897. №127.

² М-в Н. Некролог Ақрым Асқарова // ТВ. 1891. №45.

³ Эварницкий Д. Коллекция древностей Ақрым Асқарова // ТВ. 1892. №31.

⁴ М-в Н. Археологические раскопки // ТВ. 1876. №16; ТВ. 1876. №21; Поездка к развалинам Шаракия // ТВ. 1876. №24; Археологическая находка близ Ташкента // ТВ. 1886. №17; Раскопки могильных курганов близ Ташкента // ТВ. 1887. №28; Л. Еще о раскопках близ Ташкента // ТВ. 1887. №31; Андреев М. Местности в долине р. Ангрене, интересные в археологическом отношении // ТВ. 1893. №46; К вопросу об археологических исследованиях в Туркестане // ТВ. 1894. №5, 6.

⁵ М-в Н. Археологические раскопки // ТВ. 1876. №16.

⁶ Туркестанские ведомости. 1876. №21.

⁷ Поездка к развалинам Шаракия // ТВ. 1876. №24.

ни тўғрисида ҳам қизиқарли мақола ва хабарлар чоп этилган. Хусусан, “Туркестанские ведомости” газетасида Тошкент музейига тортиқ қилинган буюмлар ҳақида маълумотлар бериб борилган¹.

Газетада чоп этилган мақолалардан музейнинг моддий аҳволи оғир бўлганлиги, ҳатто, махсус биноси бўлмаганидан маълум муддат “Туркестанские ведомости” газетаси таҳририяти билан бир бинода жойлашганлиги, музейнинг сақловчиси вазифасини газета муҳаррири бажарганлиги маълум бўлади². Матбуот саҳифаларида музейга ташриф буюрган кишилар, шу жумладан, маҳаллий миллат вакиллари музей экспонатлари йиғишга жалб қилиш ва уларнинг ташрифи ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар берилган³. Хусусан, 1910 йилда “Туркестанские ведомости” газетаси хабарига кўра, музейни маҳаллий миллат кўриши учун жума куни икки соат ажратилган, лекин газета таҳририяти томонидан бу вақтнинг етарли эмаслиги ва музейни кўришни хоҳловчилар кўплиги сабабли яна қўшимча вақт ажратиш таклиф этилган⁴.

Матбуотда библиографик маълумотлар, хусусан, янги асарлар ҳақида хабарлар ва уларга берилган тақризлар ҳам чоп этиб борилган⁵. XIX асрнинг 70-йиллариданоқ

¹ Туркестанские ведомости. 1876. №39, 44, 47; 1885. №2; 1878. №4, 10; 1899. №36.

² Лидский С. Несколько слов о Ташкентском музее // ТВ. 1894. №34.

³ Туркистон вилоятининг газети. 1899. №11; ТВ. 1901. №7; 1904. №165; 1908. №241; 1910. №214; 1911. №227; 1912. №53.

⁴ ТВ. 1910. №214.

⁵ Ошанин В. Библиографическая заметка. Книга Е.А. Безе “Путеводитель по Центральной Азии”. – М., 1888. – С.85 // ТВ. 1889. №8; О.Ш. Библиографическая заметка. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. В.И. Кушелевского. Т.1. Издание Ферганского областного статистического комитета. – Новый Маргелан, 1890 // ТВ. 1891. №23; Библиографическая заметка. П. Лессар. Оксус. Его древнее соединение с Каспийском морем. С французского перевел и при-

газетанинг бир неча сониди Ўрта Осиё ҳақида нашр этилган китоблар ва мақолалар кўрсаткичи эълон қилинган¹. Кейинги йилларда ҳам мазкур газетада мунтазам равишда китобларга тақризлар бериб берилган.

XIX асрнинг сўнгги чорагида ўлкага келган француз илмий экспедициясининг бошлиғи, антрополог Уй-фальвининг қаламига мансуб икки томлик китобига Д.Л. Ивановнинг тақризи чоп этилган². Газетанинг бир неча сониди босилган бу тақризда китоб қаттиқ танқид остига олинган. Тақризчи бу китобда Фарғона водийси тўғрисида юзаки маълумотлар келтирилганлиги, А.П. Федченконинг фикрларини ўз фикрлари каби бериши ҳеч қандай илмий иш услубларига тўғри келмаслигини таъкидлаган³.

“Туркестанские ведомости” газетасида В.П. Наливкиннинг Қўқон хонлигининг қисқача тарихига бағишланган асарига ҳам тақриз берилган⁴.

мечаниями снабдил А.Романович. – Т., 1891 // ТВ. 1891. №38; Эварницкий Д.Н. Библиографический листок. Сарты. Этнографические материалы, выпуск второй. Народные сказки сартов. Издание Н.И. Остроумова // ТВ. 1893. №3; Петровский Н. Путеводитель по Средней Азии от Баку до Ташкента в археологическом и историческом отношении, Д.И. Эварницкого // ТВ. 1893. №67; Юргенсон Пастор Юстус. Новый труд о Туркестане. Походы Александра Великого в Туркестан. Комментарии к историческим сочинениям Флавия Арриана и Квинта Курция Руфа. Составлено на основании многолетних путешествий по русскому Туркестану и сопредельных стран Францем фон Шварцем. – Мюнхен, 1893 // ТВ. 1893. №75; Петров Н. Как пишут книги (рецензия на книгу Н. Дингельштадта “Опыт изучения ирригации Туркестанского края”. – СПб., 1893) // ТВ. 1893. №79; Ислам и его влияние на жизнь его последователей. Иоанн Гаури. Перевод с немецкого П.И. Хомутова. – Т., 1893 // ТВ. 1894. №3.

¹ Дмитриевский Н. В. Библиографический указатель книг и статей о Средней Азии за 1871–1872 гг. // ТВ. 1871. №33, 36, 39, 44; 1872. №7, 16.

² Иванов Д. Библиографическая заметка // ТВ. 1881. №1, 7, 8, 9, 11, 13, 14.

³ Иванов Д. Библиографическая заметка // ТВ. 1881. №7.

⁴ А.С. Краткая история Кокандского ханства, составил В. Наливкин. Казань // ТВ. 1886. №40.

Матбуотда Туркистонда хорижий ва маҳаллий тилларни ўрганиш масалалари ҳам ўз аксини топган. Россия империяси ўлкани бошқаришда маҳаллий аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, қўшни давлатлардаги вазиятни яхши билиш ниятида Шарқ тиллари, жумладан, маҳаллий тилларни ўрганиш масаласига катта эътибор берган.

Маҳаллий тилларни мунтазам равишда ўрганиш учун, биринчи навбатда, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари зарур бўлиб, уларни тайёрлаш ҳамда чоп этиш ҳақида матбуотда хабарлар бериб борилган¹.

Матбуотда Шарқ тилларини ўргатиш курслари ташкил этиш масаласи ҳам кўтарилган ва ўлкада ташкил этилган бепул ўзбек тили курслари ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилган². 1900 йилда капитан И.Д. Ягелло раҳбарлигида Тошкентда зобитлар учун Шарқ тилларини ўрганиш курси ташкил этилади. 1902–1903 йиллар Шарқшунослар жамияти Тошкент бўлими, 1903–1904 йилларда подполковник А.А. Ломакин томонидан Шарқ тилларини ўрганиш курслари ташкил этилган³. 1905 йилдан бошлаб, уларда урду тилидан ташқари, инглиз, форс ва ўзбек тили ўқитила бошланганлиги ҳақида хабар берилган⁴.

1901 йилда ҳарбий топографлар учун ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил этилган. Ярим йиллаб маҳаллий аҳоли орасида яшаган топографлар учун маҳаллий тилларни билиш ниҳоятда зарур бўлганлиги туфайли тил ўрганиш курсларига ҳарбий қўшин маблағидан пул тўланганлиги хабарлардан маълум бўлади⁵.

Матбуот хабарларининг кўрсатишича, XIX аср охири-

¹ Курсы сартовского и киргизского языков // ТВ. 1880. №46.

² Уроки сартовского языка // ТВ. 1897. №81.

³ Курсы восточных языков // ТВ. 1903. №106.

⁴ Ташкентские курсы языка "индустани" // ТВ. 1908. №110.

⁵ Курсы сартовского языка // ТВ. 1906. №96.

да, асосан, Тошкент шаҳрида, XX аср бошларига келиб, Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам бундай курслар ташкил этила бошланган. 1903 йилда Самарқандда ҳам Якубовская хусусий мактабида ўзбек тили дарсларини В.А. Вяткин олиб борган, бу курсларда турли фирмаларнинг ходимлари маҳаллий тилларни катта қизиқиш билан ўрганганлиги қайд этилган¹.

Маҳаллий тилларни ўрганиш бўйича чоп этилган бир нечта ўқув қўлланмалар ва дарсликларга “Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида тақризлар бериб борилган². Бу тақризларда чоп этилган китобларга ижобий баҳо берилади, айниқса, В.П. Наливкиннинг ўзбек тилини ўрганиш бўйича қўлланмасига юқори баҳо берилган³.

“Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида маҳаллий тилларни ўрганиш масаласида Н.С. Лыкошин, И.Д. Ягелло, В. Орлов, А.А. Ломакин, Н.П. Остроумов, В.В. Бартольд каби мутахассисларнинг мақолалари чоп этилган⁴. Ўзбек тилини ўрганиш бўйича Шарқ-

¹ Курсы сартовского языка // ТВ. 1903. №82; Письмо в редакцию В. Вяткина // ТВ. 1903. №88.

² Остроумов. Библиографическая заметка. Краткая грамматика казак-киргизского языка. Часть II. Синтаксис. Составитель И.М. Мелиоранский. – СПб., 1897 // ТВ. 1897. №73; Н.М. Библиографическая заметка. Руководство к практическому изучению сартовского языка. Составитель В.П. Наливкин. 1898. – С.333 // ТВ. 1898. №93; К.П. Письмо в редакцию. Руководство В.П. Наливкина // ТВ. 1898. №98; С.Г. Руководство к практическому изучению персидского языка. Составитель В. Наливкин. – Самарканд, 1900 // ТВ. 1900. №60.

³ Туркестанские ведомости. 1898. №93.

⁴ Лыкошин Н.С. Премии за знание языков // ТВ. 1905. №28; К вопросу о премиях за изучение языков // ТВ. 1905. №45; И.Я. Изучение восточных языков // ТВ. 1905. №107; Сводка всех мнений по вопросу об изучении местных языков служащими в Туркестанском крае // ТВ. 1906. №127; Орлов В. К вопросу изучения языка туземцев Туркестана чинами администрации // ТВ. 1906. №107; Материалы по вопросу о распространении среди чинов туркестанской администрации знания туземных языков // ТВ. 1906. №44, 45; Н.С. Лыкошин. Знание туземных языков // ТВ. 1906.

шунослар жамияти томонидан кечки курслар ташкил этилган¹.

Лекин шунга қарамай, Россия империяси ҳукумати маъмурий бошқаруви амалдорлари ичида маҳаллий тилларни билувчилар кўпаймаган, аксинча камайиб борган².

Матбуот материаллари таҳлилининг кўрсатишича, ўлкада рус тилини ўрганиш бўйича курслар ҳам ташкил этилган. 1886–1888 йилларда 761 киши шундай курсларда ўқиган³. Бундай курслар сони йилдан-йилга ошиб, 1903 йилда Туркистонда 31 та шундай курслар фаолият юритган⁴. Ёшларга рус тилини ўргатишда рус-тузем мактаблари алоҳида ўрин тутган⁵.

Туркистон тараққийпарварлари ҳар бир халқ ўз она тилиси билан бир қаторда унинг маданиятига, тараққиётига ёрдам берадиган ҳар бир тилни билиши керак, деб ҳисоблаганлар⁶ ва ёшларни туркий, форс, араб ва рус тилларини ўрганиши зарурлигини таъкидлаб⁷, ўз она тилини мукамал билишни биринчи вазифа деб ҳисоблаганлар⁸.

№54, 56, 57; Остроумов Н.П. По поводу одного замечания Н.С. Лыкошина // ТВ. 1906. №61; Блинов Вл. К вопросу об изучении лицами служащими по администрации туземного языка // ТВ. 1906. №61; Бартольд В. К вопросу об изучении местных языков // ТВ. 1906. №64; Алибий. Еще об изучении языка туземцов // ТВ. 1906. №64; Ягелло И. К изучению местных языков // ТВ. 1906. №75; К вопросу об учреждении в Туркестане офицерских курсов восточных языков // ТВ. 1906. №132; Ягелло И. Восточный институт в Ташкенте // ТВ. 1906. №144; Бартольд В. К проекту восточного института // ТВ. 1906. №165.

¹ Заседание общества востоковедения // На рубеже. 1910. №274.

² ТВ. 1907. №74.

³ Учебное дело в Туркестанском крае // ТВ. 1888. №2.

⁴ Заседание общества востоковедения // На рубеже. 1910. №274; ТВ. 1911. №135.

⁵ ТВ. 1875. №16; 1886. №40.

⁶ Бехбудий. Қонуни Оврупо // Самарқанд. 1913. №43.

⁷ Бехбудий. Мунозара ҳақида // Туркистон вилоятининг газети. 1911. №73.

⁸ А. Зоҳирий. Она тили // Садои Фарғона. 1914. №3.

Газета саҳифаларида кўтарилган масалалар жуда серқирра ва кенг кўламда бўлиб, минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга оид муҳим маълумотларга эгалигини қайд этиш билан бирга, унинг ўлка маъмуриятининг расмий нашр органи бўлганлиги боис, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан, айниқса, сиёсий ҳамда диний масалаларда мустамлакачилик нуқтаи назаридан ёндашув яққол намоён бўлиб турар эди. Шу боис тарихий жараёнлар талқинида матбуот материалларидан архив ва бошқа манбалар билан қиёсий фойдаланиш тақозо этилади.

2-§. “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида минтақа тарихи масалалари

“Туркистон вилоятининг газети” 1867–1917 йилларда Туркистон генерал-губернаторлигида чоп этилган расмий газета “Туркестанские ведомости”га илова сифатида ўзбек тилида 1870 йилдан чоп этилган илк маҳаллий матбуот бўлиб, маҳаллий аҳолини ўлка маъмурияти буйруқ ва фармойишлари, янгиликлар билан таништириб бориш мақсадида ташкил қилинган¹. Газета бир ойда тўрт мартаба ўзбек ва қирғиз тилларида чоп этилган, 1883 йилдан бошлаб “Туркистон вилоятининг газети” алоҳида газета сифатида ўз фаолиятини давом эттирган.

“Туркистон вилоятининг газети” 1871 йилдан 1883 йилгача Туркистон генерал-губернаторининг таржимони Шоҳимардон Иброҳимов, бир оз муддат Муҳам-

¹ Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. Танланган асарлар. – Т., 1974; Авшарова М.П. Русская периодическая печать в Туркестане (1870–1917) Библиографический указатель литературы. – Т.: Госиздво Узб. ССР, 1960; Абдуазизова Н.А. Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). – Т.: Академия, 2000; Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Т.: YANGI NASHR, 2011.

мадҳасан Чонишев, 1883 йилнинг охиридан то 1917 йил февралгача Н.П. Остроумов муҳаррирлиги остида нашр этилган¹.

Газетанинг асосий мақсади Туркистон ўлкасидаги маҳаллий аҳолини маъмуриятнинг расмий буйруқлари, Россия империяси суд маъмуриятининг маҳаллий аҳолига нисбатан чиқарилган ҳукмлари, шунингдек, ҳукуматнинг умумий фармойишлари билан таништириб бориш бўлган².

“Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида расмий хабарлар, хусусан, Туркистон губернаторининг вилоятларга ташрифи, Россия ва хориждан хабарлар билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг байрамлари, ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданий-маърифий мавзудаги маълумотлар ҳам бериб борилган.

Газета саҳифаларида эълон қилинган мақолалар муаллифлари орасида Зокиржон Фурқат, Сатторхон Абдулғаффоров, Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа, Мирмуҳсин Шермуҳамедов сингари зиёлиларнинг мақолалари тез-тез чоп этилиб турар, бу мақолалар маҳаллий аҳолини дунёвий илмларга, фан ва техника, бошқа халқларнинг маданий ва адабий меросига қизиқишини кучайтирар эди³.

Ўша даврда Туркистонда муфтий, қози, муаллимлик вазифаларини бажарган, шу билан бирга маҳаллий маъмурият органларида, хусусан, маълум муддат “Туркистон вилоятининг газети”да ҳам таржимонлик қилган Сатторхон Абдулғаффоровнинг дунёвий билимларга тарғиб қилувчи бир қатор мақолалари шулар жумласидан эди.

¹ Абдуазизова Н.А. Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). – Т.: Академия, 2000. – Б.35.

² Котюкова Т.В. “Другой” мир глазами “своих” на страницах “Туркестанской туземной газеты” // Восточный архив. 2014. №2. – С.25.

³ Шодмонова С. Туркистон тарихи... – Б.29.

Аммо газета саҳифаларида ҳамма масалаларда ҳам очиқ фикр билдириш имкони бўлмаган. Абдулла Авлонийнинг қайд этишича, “сўнг замонларда бир қанча очиқ фикрлик ёшлар ҳам газетага қалам билан иштирок қила бошладилар. Лекин булар таъсир ижро қила олмагонларидан кейин, бу газетадан кўнгиллари совий бошлади...”¹.

“Туркистон вилоятининг gazetи” саҳифаларида тарих, адлия, журналистика, дин, вақф, таълим тизими сингари ижтимоий йўналишдаги мақолалар мунтазам чоп этиб борилган. Айниқса, газета саҳифаларида берилган минтақа тарихини акс эттирувчи тадқиқотлар катта қизиқиш уйғотади. Чунончи, ўрта аср тарихчиси Мир Муҳаммад Мирхонд қаламига мансуб “Равзат ас-сафо”² асари асосида Самарқандга Араб халифалиги юришлари ҳақидаги мақолада имом Қутайба ҳамда Наср ибн Сайёр исмли қўмондонлар бошчилигидаги лашкар шаҳарни эгаллашда катта қийинчиликларга дуч келганликлари, натижада ҳийла йўли билан мақсадга эришганликлари қизиқарли тарзда баён этилган³.

Газетанинг бошқа бир сониди эса, ат-Табарий⁴ асари асосида Самарқанд шаҳрининг эгалланиши воқеаси бир оз бошқача ёритилади. Яъни имом Қутайба томонидан олиб борилган жанглардан сўнг ўша даврдаги Самарқанд ҳокими Ғуракнинг у билан сулҳ тузгани келганлиги қайд этилади⁵.

¹ Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи // Ёш ленинчи. 1989, 18 июль.

² Муҳаммад Мирхонд. “Равзат ас-сафо фи сийрат ал-анбийе ва-л-мулк ва-л-хулафо” (“Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржimai холи ҳақида жаннат боғи”).

³ Туркистон вилоятининг gazetи. 1896. №15.

⁴ Абу Жаъфар Муҳаммад бин Жарири Табари (839–923) – тарихчи, фақиҳ.

⁵ Туркистон вилоятининг gazetи. 1896. №18.

Газетада чоп этилган Чингизхон бошчилигидаги мўғул истилочилари томонидан Банокент ҳамда Ўтрор шаҳарларини эгалланиши хусусидаги мақолада Хўжанд ҳокими бўлган Темур Маликнинг истилочиларга қарши жасорати баён қилинади¹.

Марказий Осиёда марказлашган йирик давлат барпо этган Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ воқеалар ҳам газета саҳифаларида ўрин эгаллаган². Бу борада тарихий ҳужжатлар, хусусан, Амир Темур даврига оид иноятнома хусусидаги тадқиқот алоҳида аҳамиятга эга.

Газета саҳифаларида шунингдек, хонликлар ва Туркистон тарихига оид маҳаллий манбалар ҳам чоп этиб борилган. Хусусан, Мулла Ниёз Муҳаммад бин Мулла Ашур Муҳаммад Қўқондийнинг Қўқон хонлари тарихига бағишланган асари, Мулла Олим Маҳмуд Ҳожининг ўлка тарихига бағишланган “Тарихи Туркистон” асарида берилган парчалар шулар жумласидандир.

“Фарғона музофотини хонлари хусусидаги воқеъотлар” номли Қўқон хонлари хусусидаги мақолада “олтин бешик” номи билан танилган афсона баён этилади³. Бу афсона орқали Қўқон хонлари, хусусан, Умархон ўз шажарасини бевосита Темурийларга, хусусан, Бобурга боғлашга ҳаракат қилган. “Туркистон вилоятининг газети” даги ушбу мақолага қўшимча сифатида Қўқон хонлари шажарасига оид тарихий маълумотлар, хусусан, Худоёрхоннинг ўғли Саййид Муҳаммад Аминбек Олимхондан то Саййид Насриддинхонгача бўлган хонларнинг ҳукмронлик йиллари ҳақида ҳам маълумотлар чоп этилган.

¹ Туркистон вилоятининг газети. 1887. №8.

² Туркистон вилоятининг газети. 1890. №12, 17, 18, 21, 28, 29, 31, 34, 40, 41.

³ Туркистон вилоятининг газети. 1894. №11.

Газетада шунингдек, Бухоро ва Хива хонликлари тарихига, уларнинг савдо алоқаларига доир мақолаларни ҳам учратиш мумкин. Хусусан, 1897 йилда чоп этилган мақолалардан бирида Бухоронинг Россия билан алоқалари тарихи акс этган. 1620 йилда Россия подшоҳи Михаил Федерович томонидан элчи сифатида жўнатилган Иван Данилович Хохлов Бухоро ҳукмдори Имомқулихон томонидан илиқ кутиб олингани ва жавоб тариқасида хон ҳам ўз элчиларини Астрахань шаҳрига юборганлиги ҳақидаги элчилик алоқаларига оид тарихий маълумотлар берилади¹.

Газета саҳифаларида ўлкадаги моддий маданият дурдоналари коллекциялари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар учрайди. Унинг 1905 йил 17-сонида қайд этилишича “Хўқандлик маълум ва машҳур Юсуфхон мирза Тошкент шаҳрига келиб... газет муҳаррири Мулла Муҳаммад Олим маҳдумга музейхонага топширасиз деб эски ва қадимги хонларнинг замонидан қолган олти адад чақа пул берган эканлар².

“Туркистон вилоятининг газети”даги 1899 йил 15 мартда чоп этилган мақолада қайд этилишича, археология тўғараги аъзоларининг мажлисида Финландия мамлакатидан келган бир уламо Авлиёота уездидан топилган ва устида хат ёзилган тошни кўчириб олмоққа рухсат сўраган. Мажлис иштирокчилари агарда ушбу тош саҳрода кўп туриб қолса, табиий офатлар натижасида устидаги хати йўқ бўлиб кетиши мумкин, деган важ билан тошни кўчириб олиб кетишига ижозат берганлар. Шу тариқа Авлиё отадаги ноёб ёдгорлик хорижга олиб кетилган.

“Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида ма-

¹ Туркистон вилоятининг газети. 1897. №15.

² Туркистон вилоятининг газети. 1905. №17.

ҳаллий аҳолининг кундалик ҳаёти¹, урф-одатлари, тўй маросимлари², байрамлари³, турли фаслда ўтказиладиган ўйинлари⁴ ҳақидаги мақолалар мунтазам чоп этиб борилган.

Россия империяси томонидан минтақа босиб олингандан сўнг русларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан қўллаган “сарт” атамаси, хусусан, Н.П. Остроумов томонидан нашр этилган китобнинг ҳам шундай номланиши⁵ мазкур масалада кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. “Туркистон вилоятининг газети”да нафақат рус, балки маҳаллий муаллифлар томонидан ҳам “сарт” атамаси билан боғлиқ мақолалар чоп этила бошланди. Масалан, “Сарт сўзи тўғрисида”⁶, “Сарт ўғли сарт”⁷, “Сарт сўзи ҳақидаги мунозаралар ҳақида”⁸ сингари мақолалар шулар жумласидан бўлиб, бу масалада маҳаллий аҳоли вакилларининг норозилик кайфиятларини акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида минтақа тарихи, этнографияси, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид хабарлар ва мақолалар ўша даврдаги ижтимоий қарашларни, маҳаллий аҳоли ҳаётини акс эттирувчи қизиқарли маълумотларга эга бўлиб, бошқа манбалар билан қиёсий асосда ўрганишни тақозо этади.

¹ Туркистон вилоятининг газети. 1910. №16, 61; 1912. №9; 1914. №32, 57.

² Туркистон вилоятининг газети. 1897. №19, 20; 1906. №17, 22; 1907. №65; 1910. №93; 1911. №44; 1912. №12; 1913. №53; 1914. №33, 57.

³ Туркистон вилоятининг газети. 1900. №13.

⁴ Туркистон вилоятининг газети. 1895. №30, 32; 1903. №12, 13; 1904. №9, 10, 12; 1910. №71.

⁵ Остроумов Н.П. Сарты...

⁶ Туркистон вилоятининг газети. 1913. №16; 1914. №16, 30.

⁷ Туркистон вилоятининг газети. 1914. №33, 34, 35.

⁸ Туркистон вилоятининг газети. 1913. №6.

3-§. Матбуотда исломшунослик ва ислом тарихи масалалари

Даврий матбуот саҳифаларида Туркистон халқлари маънавиятининг асоси бўлган ислом дини масалалари алоҳида диққат эътибордаги мавзулардан бири эди.

Ўлка маъмурияти ўзи ҳукмронлик қилаётган ўлкадаги маҳаллий халқлар руҳияти, уларнинг турмуш-тарзи бевосита ислом дини билан боғлиқ эканлигини яхши англаб, уларни бошқариш, назорат қилишда ундан унумли фойдаланиш, бу ерга кўчиб келган рус маъмурияти аҳолисини хабардор қилиш мақсадида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Мақолаларда ислом динига оид байрам ва муқаддас кунлар, тариқатлар ва уларнинг маросимлари, диний урф-одатлар ва анъаналар кенг ёритилган¹. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ислом таълимотига хос бўлмай, исломдан олдинги урф-одат, маросимлар ҳам қоришиб кетганлиги боис, ўз вақтида маҳаллий уламолар томонидан танқидга учраган².

Матбуотда, шунингдек, Ўрта Осиёда ва бошқа ҳудудларда аҳоли орасидан етишиб чиққан етук исломшунос олимлар, уламолар, ислом фикршунослари ва уларнинг асарларини ёритиб берувчи мақолалар бериб борилган³.

¹ Мусульманская жизнь // Туркестанский курьер. 1913. №131; Малицкий Н. Начало праздника у сартов (10 февраля) (Картинка из быта туземцев) // ТВ. 1898. №3; Руза // ТВ. 1901. №100; Праздник у туземцев // ТВ. 1902. №1; Начало празднества "Саиля" в Бухаре // ТВ. 1904. №35; Сообщения из Бухары о шиитских празднествах Мухаррама // ТВ. 1904. №58; Снесарев А.Е. Религия и обычаи горцев западного Памира // ТВ. 1904. №89, 90, 91, 92, 93; Коканд. Мусульманский праздник Курбан-Айт // 1905. №20; Заметка о празднике у шиитов-першан 25 февраля // ТВ. 1905. №32.

² В Бухаре // Туркестанский курьер. 1913. №131.

³ Кондратьев. Мусульманские имами – законоведы. Имам Ханбал // ТВ. 1912. №103; Ибн-Аббас – первой толковник Корана (по Шпренгеру) // ТВ. 1900. №99, 100.

Жумладан, Имом ал-Бухорий ҳақидаги мақолада унинг ҳаёти ва ижоди хусусида тўлиқ маълумотлар келтирилган¹.

Тасаввуфнинг машҳур шайхларидан Шайх Абу Юсуф Ҳамадоний², Абду Холиқ Гиждувоний³ ва ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа кабилар ҳақида катта мақолалар бериб борилган. Шайх Абу Юсуф Ҳамадоний ҳақидаги мақолада “Қандияи-хурд”, “Тухфат ал-Солиҳин”, “Матлаб ал-толибин”, “Рашоҳат” каби Шарқ қўл-ёзма манбалардан фойдаланилган.

Шарқшунос, арабшунос, тарихчи олимлар, хусусан, В.В. Бартольд ва бошқалар томонидан ёзилган бундай тадқиқотлар тарихий қўлёзма манбаларга асосланган ва миссионерлик руҳида ёзилган ўта кескин фикрловчи, ислом динига нисбатан танқидий, нохолис ёндашилган тадқиқотлардан фарқ қилган.

Шу билан бир қаторда, рус шарқшунослари томонидан ислом дини тарихи ва унинг жаҳондаги ҳолати бўйича чоп этилган тадқиқотлар ҳам ҳукумат топшириқлари асосида тайёрланган тўпламлардан фарқ қилган.

Бу тадқиқотлар асосан шариат қонунларини таржима қилиш, ислом тариқатлари, мазҳаблар ва турли оқимларнинг келиб чиқиши, Куръони карим тарихи, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга қаратилган бўлиб, масалага нисбатан холис, илмий асосда ёндашуви билан миссионерлик тарафдорлари ёзган асарлардан ажралиб турган⁴.

Масалан, шарқшунос олим В.В. Бартольд Н.П. Остроу-

¹ Имом Муҳаммад ал-Бухари // ТВ. 1899. №83.

² В.В. Шайх Абу Юсуф Ҳамадоний // ТВ. 1899. №79.

³ Завещание Абду Халик Гиждувани // ТВ. 1899. №94.

⁴ Зияева Д.Х. Туркистонда мустамлака шароитида диний сиёсат ва вазият // Ислом Университети Ахборотномаси. 2006. №3. – Б.18–30.

мовнинг исломшуносликка оид асарига¹ баҳо бериб, унинг сиёсий мақсадларда ва миссионерлик руҳида ёзилганлигини, муаллиф ислом дини ҳақида чуқур билимларга эга эмаслиги туфайли асарда жуда кўп масалалар моҳияти бузиб кўрсатилганлигини ва чалкашликларга йўл қўйилганлигини ошкора кўрсатиб ўтган².

В.В. Бартольднинг матбуотда нашр этилган ислом динига оид раiddия мақолалари ҳам диққатга сазовордир³. Немис олими И. Гаурининг ислом дини ва унинг пайғамбарига бағишланган асарини рус тилига П.И. Хомутов томонидан қилинган таржимасига қарата В.В. Бартольд томонидан ёзилган ушбу раiddия мақолада асарнинг ҳар бир бобига алоҳида тўхталиб ўтилган. Муаллиф уларни таҳлил қилиб, хато ва камчиликларни кўрсатиб берган. Масалан, “асарнинг учинчи бобида муаллиф Гаури Ўрта Осиёлик мусулмонларни шофейлар⁴ деб атаган. Аммо бу ерларда бир неча асрлардан бери ҳанафийлик амалда бўлиб келган⁵” лигини, асарнинг ислом дини мазҳабларига бағишланган 4, 5, 6 ва

¹ Остроумов Н.П. Исламоведение. Аравия колыбель ислама. – Т., 1910.

² Бартольд В.В. Рецензия на книгу Н.Остроумова “Исламоведение. Аравия колыбель ислама. В.В. Бартольд. Сочинения. Т.IV. – С.340; Шу муаллиф. Библиографическая заметка. Иоганн Гаури. Ислам в его влиянии на жизнь их последователей. Перевод с немецкого П.И. Хомутова. – Т., 1893 // ТВ. 1894. №3.

³ Бартольд В.В. Мусульманская наука в Мекке // ТВ. 1896. №24, 12, 76, 77, 87, 90, 96, 98; Уша муаллиф. Иоганн Гаури. Ислам в его влиянии на жизнь их последователей. Пер. с немецкого П.И. Хомутова. – Т., 1893 (Рец.). (Разбор произведен. Библиография и характеристика Мухаммеда происхождения и сущность ислама. Мусульманство. Семейный и общественный.) // ТВ. 1894. №3.

⁴ Ислам динидаги тўрт фикҳий мазҳабдан бири шофейийлик мазҳабига эътиқод қилувчилар.

⁵ Бартольд В.В. Библиографическая заметка. Иоганн Гаури. Ислам в его влиянии на жизнь их последователей. Пер. с немецкого П.И. Хомутова. – Т., 1893 (Рец.). (Разбор произведен. Библиография и характеристика Мухаммеда происхождения и сущность ислама. Мусульманство. Семейный и общественный.) // ТВ. 1894. №3.

бошқа бобларида ислом динидаги аёлларга муносабат, оилавий, маиший ҳаёт ва шу каби масалаларда бир оз кескин ва хато фикрлар қайд этилганини таъкидлаб, асар муаллифини ислом тарихи, хусусан, исломдан олдинги араблар тарихини яхши билмасликда ҳамда шу каби воқеа-ҳодисаларни асарда тушириб қолдирганликда айблайди.

В.В. Бартольднинг қайд этишича, “асарнинг 5, 6-бобларида исломда аёлларнинг ҳаёти қулларча бўлгани, бу эса исломнинг илллати, энг хунук кўриниши, деб таъкидланган. Аммо И. Гаури исломдан илгари арабларнинг аёлларга бўлган муносабати, айниқса, қиз фарзанд туғилганда уларни тириклайин кўмиш каби одатлари бор бўлганлигини ўз асарида қайд этмаган. Ўз вақтида ислом мана шу одатларга қарши чиқиб, аёлларнинг мавқеини оширишга чақирган. Мисол учун қизиқарли бир фикрни келтириб ўтсак, XIII асрда Туркистон ўлкасига келган бир хитойлик сайёҳнинг гувоҳлик беришича, ижтимоий ҳаётда, айниқса, ибодатда аёллар эркаклар билан тенг бўлганлар¹”.

Мақола муаллифи ушбу хорижий асар ҳақидаги ўзининг хулосаларини қуйидагича изоҳлаган: “... асарнинг охириги 12, 13-боблари И. Гаурининг ушбу диний асари мусулмонларга қарши миссионерлик руҳида ёзилганини исботлайди. Асарда муаллифнинг ислом динига бўлган танқидий қарашлари яққол кўзга ташланади. “Мусулмонларга аста-секинлик билан, охиста христиан дини тарғиб қилинган”²”.

¹ Бартольд В.В. Библиографическая заметка. Иоганн Гаури. Ислам в его влиянии на жизнь их последователей. Пер. с немецкого П.И. Хомутова. – Т., 1893 (Рец.). (Разбор произведен.. Библиография и характеристика Мухаммеда происхождение и сущность ислама. Мусульманство. Семейный и общественный.) // ТВ. 1894. №3.

² Ўша ерда.

В.В. Бартольднинг юқоридаги танқидий фикрлари унинг ислом тарихини яхши билганлиги, асарни тўғри таҳлил қила олганлиги, масалага олим сифатида бета-раф, объектив ёндашганлигини кўрсатар эди.

Матбуот саҳифаларида чоп этилган яна бир мақолада ислом хайр-эҳсон, эзгуликни тараннум этиши, тарихда биринчилардан бўлиб, бева-бечораларга нисбатан хайр-эҳсон қилишни тарғиб қилганлиги ва бу ҳақда Қуръони каримда жуда кўп эслатилганлиги таъкидланган. Закот, садақа, қурбонликлар қилиш кабилар Қуръони карим оятлари билан батафсил таърифланган.

Маълумки, европалик тадқиқотчилар исломшунослик билан русийзабон тадқиқотчиларларга нисбатан анча олдинроқ – XVI асрдан шуғуллана бошлаганлар. Шунинг учун ҳам кўпчилик русийзабон тадқиқотчилар ислом дини ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун европалик шарқшунос ва исломшунослар асарларига мурожаат қилганлар. Шу боис Туркистон даврий матбуоти саҳифаларида европалик шарқшунос, исломшунос олимлар асарларининг рус тилига қилинган таржималари мунтазам равишда чоп этиб борилган¹.

Жумладан, голландиялик олим Савваса-пашининг мусулмон ҳуқуқига бағишланган асарини А. Выгорницкий томонидан қилинган таржимаси газетанинг бир неча сонларида бериб борилган². Асарда ислом фикҳ мактаби асосчилари Имом Аъзам, Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Ҳанбалийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига оид қимматли маълумотлар келтирилган³.

¹ Гарлицкий А. Религиозный орден Накшбанди (перевод с франц) // ТВ. 1913. №221; Феннер К. О паломничестве мусульман в Мекку // ТВ. 1895. №23, 29.

² Выгорницкий А. Теория мусульманского права // ТВ. 1910. №230, 237, 239, 240, 241, 243, 245, 246.

³ Выгорницкий А. Теория мусульманского права // ТВ. 1910. №239.

Савваса-пашининг бу асарида ислом қонуншунослиги яъни фикҳ масалаларига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, XX аср бошида фаолият юритган араб уламози Ибн Обиддиннинг фикҳ илмига оид “Радд ал-мухтор” асари таҳлил қилинган. Мақолада қайд этилишича, Ибн Обиддиннинг ушбу рисоласида барча қонунлар, хусусан, шаръий масалалар алоҳида Қуръон оятлари, ҳадислар ва фатво китобларига таянган ҳолда, илмий жиҳатдан асослаб берилган. Айниқса, сўнгги вақтларда европалик йирик криминалистлар эътиборини жалб қилган жазолаш усуллари яхши очиб берилган¹.

Мақолада Ўрта Осиёда яшаб ўтган фикҳшунос олимлар, хусусан, Шайхул ислом Бурҳониддин Марғиноний ва унинг “Ҳидоя” асари, самарқандлик аллома Абул Лайс Носир бин Муҳаммад ва унинг “Хазинат ал-фикҳ” асари, машҳур олим Муҳаммад Абу Мансур Мотурудий ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган².

Бундай мақолаларни рус тилидаги хусусий матбуот саҳифаларида ҳам учратиш мумкин эди. Масалан, “Украина” газетасининг 13 та сонидида француз шарқшуноси А. Шательенинг ислом динига бағишланган асарининг рус тилига таржимаси чоп этилади³.

Ушбу мақолаларда XIX асрда Арабистон ва араб давлатлари, Африка, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Жанубий-Шарқий Осиёнинг ислом динига эътиқод қилувчи давлатлари, Афғонистон, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистондаги аҳвол, диний ва сиёсий ғоялар ҳамда улар ўртасидаги кураш ўз аксини топган эди.

Шунингдек, мазкур мақолаларда мусулмонларнинг ислоҳотчилик ғоялари, диний мутаассибликдан қуту-

¹ Выгорницкий А. Теория мусульманского права // ТВ. 1910. №246.

² Ўша газета. №245.

³ Шателье А. Ислам в XIX веке. (Перевод с французского А.А. Калмыковой) // Украина. 1898. №6.

лиш ва европача илм-фанни тарғиб қилиш, маориф, маданиятга оид ислом дунёсидаги ислоҳотлар, XIX асрдаги мавжуд ислом мазҳаблари ҳамда тасаввуф олами ва тариқатлар ҳақида маълумотлар келтирилиб, таҳлил қилинган. Хусусан, Нақшбандия тариқатининг ватани Бухоро эканлиги, бу тариқатнинг Ўрта Осиёда кучли таъсирга эга эканлиги, Россия империяси томонидан босиб олиниши натижасида бу ҳудудларда ислом оламидаги ислоҳотлар нисбатан кечикиб, улар иккинчи даражага тушиб қолганлиги қайд этилган¹.

Муаллиф ислом динининг тарқалиш географияси кенгайиб, унга эътиқод қилувчиларнинг сонини ошиб бориши Европа ҳамжамятини, хусусан, мустамлака кучларини хавотирга солишини алоҳида таъкидлаб, статистик маълумотлар асосида ўша даврда қайси ҳудудда қанча мусулмон истиқомат қилганлигини ҳам кўрсатиб ўтган. Мусулмонлар сонининг ўсишини А. Шателье ислом оламидаги ислоҳотчилик ғоялари дастурининг иккинчи қисми сифатида кўрсатиб, ислом динини кенг тарғиб қилиш (ёйиш) ўзининг ижобий натижаларини бермоқда деб, таъкидлаган. Бу кетишда ислом ер юзининг кўп қисмини эгаллаб, қитъалар ичига кириб боришига ишора қилган. Шунингдек, мақолада ўрганилаётган даврда ислом оламидаги диний ва сиёсий ғоялар, уларга нисбатан Ғарб ва Шарқдаги қарашлар, ёндашувлар ҳамда мусулмонлар статистикасига оид маълумотлар келтирилган.

Рус матбуотида ислом динига қарши қаратилган²,

¹ Шателье А. Ислам в XIX веке. (Перевод с французского А.А. Калмыковой) // Окраина. 1898. №20.

² Панисламическое движение // ТВ. 1872. №34; Турция и мусульмане центральной Азии // ТВ. 1910. №255; Л. Рост исламизма // ТВ. 1910. №264; Лыкошин Н. Последние слова ислама Европе (Пер. с франц.) Статья Абул-Хакка Багдадского Profession de foi новейшего панисламизма // ТВ. 1902. №43, 44, 47; Панисламическое движение. Сущность панисламизма // ТВ. 1911. №62.

уни “радикал, мутаассиб” дин сифатида кўрсатиш ғояси билан суғорилган мақолалар ҳам учраб турар, ислом олами бирлашиб, ягона мусулмонлар давлатини ташкил қилиши мумкинлигидан таҳликага тушиш яққол сезилиб турар, бунга қарши христиан ва бошқа дин вакилларида ислом динига қарши нафрат ҳиссини уйғотиб, унга қарши бирлашиш ва курашишга даъватлар ҳам учраб турар эди.

Ислом динининг моҳияти, унинг ўлкадаги аҳволи ва жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганиш ишларига нафақат амалдорлар, шарқшунос ва исломшунослар, балки Қозондаги диний академиянинг “Мусулмонларга қарши миссионерлик фаолияти” бўлими ўқитувчилари ва битирувчилари ҳам жалб қилинган эди¹. Бу мутахассисларга татар, араб тиллари, ислом дини бўйича дарслар ўтилган. Уларда эса ислом тарихи, ислом таълимоти, Қуръон тарихи атрофлича ўргатилган, ислом таълимоти билан таништириш жараёнида бу таълимотни инкор этиш руҳи сингдирилган. Бундан ташқари талабаларга русларнинг ислом динига қарши ҳаракатлари тарихи ҳам ўргатилган². Академияда унинг ўқитувчилари ва талабалари томонидан “Мусулмонларга қарши миссионерлик тўплами”³ тайёрланиб, нашр этилган. Бундай тайёргарликдан ўтган талабаларнинг бир қанчаси ўқишни тугатгач, Тур-

¹ Зияева Д.Х. Туркистонда мустамлака шароитида диний сиёсат ва вази-ят // Ислом Университети Ахборотномаси. 2006. №3. – Б.18–30.

² Остроумов Н.П. Воспоминания о миссионерском противомусульманском отделении при Казанской Духовной Академии. В книге: Аравия и Кораан (Происхождение и характер ислама) Опыт исторического исследования. – Казань, 1899. – С. IX.

³ Сборник материалов по мусульманству. Составлен по распоряжению Туркетсанкого Генерал-Губернатора, Генерала от инфантерии Духовского под редакции поручика В.И. Ярово-Равского. – С.-Петербург, 1899; Сборник материалов по мусульманству. Составлен по распоряжению Туркетсанкого Генерал-Губернатора, Генерала от инфантерии Духовского под редакцией В.П. Наливкина. – Т., 1900.

кистонда хизмат қилганлар¹. Масалан, ушбу академиянинг битирувчиларидан бири Н.П. Остроумов бўлиб, у Туркистон ўлкаси маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда ислом динининг ўлкадаги аҳволини ўрганиш борасида кенг изланишлар олиб борган.

Туркистонда ислом дини, унинг тарихи, жамият ҳаётидаги ролини ўрганишига айнан шундай кишиларнинг жалб этилиши бежиз эмас эди. Улар айти пайтда, бу масалаларда маъмурият учун ахборот бериш, динга қарши кураш чораларини белгилаш вазифасини ҳам бажаришлари керак эди.

“Туркестанские ведомости” газетасининг кўп йиллик муҳаррири Н.П. Остроумовнинг ислом динига оид тадқиқотлари ҳам мана шу газетада мунтазам равишда чоп этилган. Хусусан, ислом дини ва унинг таълимотини ўрганишда Қуръони каримнинг аҳамияти катта эканлигини яхши билган Н.П. Остроумов “Туркестанские ведомости” газетасида унинг тарихига бағишланган 40 га яқин мақолаларини чоп этган².

Н.П. Остроумов Қуръон ва унинг матни ҳақида дастлаб европалик шарқшунос олимлар, жумладан, Г. Вейль³, Т. Нольдеке⁴, А. Шпренгер⁵, А. Мюллер⁶ ва бошқа муал-

¹ Ўзбекистонда диний сиёсат ва конфессиялар (1865–1990) йиллар. Масъул муҳаррирлар: Зияева Д.Х., Шадманова С.Б. – Т., 2012. – Б.22–23.

² Остроумов Н.П. История текста корана // ТВ. 1900. №46, 47, 49, 51, 53, 55, 57, 60, 62, 66, 70; Остроумов Н.П. Противоречия в Коране: теория и отмены НАСХ // ТВ. 1901. №91, 93, 96; Ўша муаллиф. Души по учению Корана // ТВ. 1904. №94, 95, 96, 97; Ўша муаллиф. Уважение магометан в Коране и употребление его // ТВ. 1883. №8; Ўша муаллиф. Краткая история текста корана // ТВ. 1883. №5, 6.

³ Вейль Густав (1808–1889) – немис шарқшуноси, шарқ тиллари профессори, асли келиб чиқиши яҳудий миллатига мансуб.

⁴ Нольдеке Теодор (1836–1930) – немис шарқшуноси, филолог ва тарихчиси, шарқ тиллари профессори.

⁵ Шпренгер Алоис (1813–1893) – австриялик машҳур шарқшунос.

⁶ Мюллер Август Фридрих (1848–1892) – немис шарқшуноси, шарқ тиллари профессори.

лифлар асарлари орқали танишган¹. Уларнинг асарларидан ўз тадқиқотларида манба сифатида фойдаланган². Масалан, А. Мюллернинг ислом тарихига оид “История ислама” асаридан Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёти ва вафотиغا оид воқеаларни келтириб ўтган³. Қуръони каримнинг илк ёзма шаклидан бошлаб то Қуръоннинг Усмон мусҳафи⁴ тарихигача ёритилган европалик муаллифларнинг асарларини солиштириб, таҳлил қилган. Аммо европалик шарқшунос олимлар Қуръони карим ва ислом тарихига оид ўз асарларида илк манба сифатида қайси Шарқ муаллифларининг асарларидан фойдаланганлари ҳақида ҳеч қандай маълумот келтириб ўтмаганлар.

Қуръони каримга бағишланган кўп сонли мақола-ларда унинг нозил бўлиши, китоб ҳолига келтирилиши, унинг тили, мусулмонлар учун қандай аҳамият касб этиши ва унга доир маҳаллий мусулмонлар орасида учраган урф-одат ва қарашларларга эътибор қаратилган. Ҳатто, мусулмонларнинг қабр тошлари, туморлари ҳақида ҳам маълумотлар қайд этилган. Уларда Қуръони карим сура-ларидан намуналар берилиши танқид остига олинган⁵.

Қуръони каримга оид мусулмонларнинг муносабат-ларини батафсил кўрсатишдан мақсад мусулмонлар-нинг нечоғлик ўз муқаддас китобларига бўлган ҳурмат ва эътиборларини рус жамияти кишиларига намоиш қилиш эди. Хусусан, Н.П. Остроумов Қуръон билан та-

¹ Остроумова Н.П. Что такой Коран? // ТВ. 1883. №1–4.

² Остроумов Н.П. История текста Корана // ТВ. 1900. №46, 47, 49, 51, 53, 55, 57, 60, 62, 66, 70.

³ Ўша ерда.

⁴ Мусҳаф – араб тилида “саҳифаланган”, “муқовали китоб” деган маъ-нони англатади. Қадимий Қуръон нусхалари Мусҳаф деб номланган. Кейинчалик китоб шаклидаги Қуръоннинг бир нусхаси Мусҳаф деб номлана бошланган. Қуръони каримнинг 12 номидан бири ҳам Мусҳафдир.

⁵ Остроумов Н.П. Уважение мухаммедан в Корану и употребление его // ТВ. 1883. №8.

нишиш, уни ўрганиш фақатгина илмий тарафдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам фойдалидир, деб ҳисоблаган. “Афсуски биз руслар ҳам мусулмонлар билан яқин алоқада бўлсак-да, ислом ва унинг муқаддас китоби Қуръондан жуда кам хабардормиз. Жуда озчилик илмга бўлган муҳаббати ёки ҳаётий қизиқишлари туфайлигина хабардорлар. Империянинг умумий ўрта таълим мактаблари ўқув дастурларида на Қуръонга на исломга эътибор берилмайди. Шаҳар билим юртлари, гимназиялари ва ҳатто, олий таълим ўқув юрти битирувчиларининг ҳам озгинаси хабардор¹. ... Қуръонни билмасдан, ўрганмасдан, унга танқидий ёндашмасдан туриб, мусулмонлар устидан нотўғри қарорлар чиқариб қўйиб, уларнинг кўз ўнгида ўз мавқеимизни йўқотамиз. Рус жамияти шуни англаши, билиши керакки, мусулмонлар фақатгина битта қонунни, у ҳам бўлса Қуръонга асосланган қонунчиликни тан оладилар. Ҳадислар, Қуръон тафсирилари ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам Қуръонни ўрганиш зарурдир”².

Н.П. Остроумов юқорида келтирган фикрлари орқали империянинг ислом динига эътиқод қилувчи мустамлака халқларини бошқариш, уларни назорат қилиш, улар устидан чиқариладиган қарорлар олдидан албатта улар амал қиладиган Қуръони каримни билган ҳолда ёндашиш керак, деб таъкидлаб ўтади.

Бу фикрлари орқали муаллиф ҳар бир расмий маъмурият амалдори маҳаллий аҳолининг эътиқоди бўлмиш ислом ва унинг муқаддас китоби ҳақида озми кўпми маълумотга эга бўлиши уларга фақат фойда олиб келишига ишора қилган. Хусусан, мисол тариқасида, инглизларнинг ўз қўл остидаги мусулмонларнинг муқаддас

¹ Остроумов Н.П. “Коран и прогресс” // ТВ. 1903. №67.

² Остроумова Н.П. Что такой Коран? // ТВ. 1883. №1–4.

китоби ва таълимоти билан ҳисоблашмай, олиб борган сиёсатлари ўтмишда қандай ёмон оқибатларга олиб келганлигини Ҳиндистондаги “сипоҳийлар қўзғолони” орқали кўрсатиб ўтиб, бундай хатолар Россия империяси ҳудудида такрорланмаслиги керак, деб таъкидлаган.

Н.П. Остроумов Қуръони каримга бағишлаган мақолаларида унинг тили, яъни араб тилини қайси тиллар туркуми, оиласига кириши ҳақида ҳам маълумотлар бериш асносида унинг ёзилиш услубига нисбатан танқидий фикрлар билдиради¹. Унинг Қуръони карим ҳақида асоссиз ва аёвсиз танқидий фикрлар билдириши, насронийлик (христианлик) муқаддас китобларини эса улуғлаши миссионерлик руҳида ёзганини яққол намоён қилар эди.

Айни пайтда, Н.П. Остроумов Қуръони каримнинг бошқа динларнинг муқаддас китобларидан ажралиб туришини таъкидлаб, бутун ислом олами учун унинг қандай аҳамиятга эга эканини қуйидагича изоҳлайди: “Қуръон мураккаб характерга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида мадҳ, диний оятларни ўз ичига олиб, дуо, ибодат, қонунлар кодекси, ҳам нутқ, сиёсат ва тарих бўлиб, шу билан бирга ҳарбий соҳага оид қарорларни ҳам ўз ичига олган”².

Н.П. Остроумовнинг юқорида келтирилган ислом динига нисбатан танқидий қарашлари маҳаллий маърифатпарвар ва уламоларни бефарқ қолдирмаганлиги кейинчалик миллий матбуотда қайд этилган фикрлардан маълум бўлади: “Бизнинг мактаб ва мадраса устидан қарайдурғонлари миссионер Остроумов ва унинг маслакдошлари эди. Эски ҳукуматнинг икки кичик маъмуридан бошлаб икки каттасигача миссионер эди. Ҳуку-

¹ Остроумов Н.П. Язык Корана // ТВ. 1883. №7.

² Остроумов Н.П. “Коран и прогресс” // ТВ. 1903. №67.

матнинг ягона мақсади ва сиёсати умум ғайр христианияни чўқунтирмоқ эди”¹. Ушбу мақолада мустамлака ҳукумати қораланиб, унинг исломга қарши олиб борган миссионерлик ҳаракати танқид қилинади. Н.П. Остроумов ҳақида эса, империя ҳукуматининг Туркистондаги исломга қарши миссионерлик ҳаракатининг ҳомийси бўлган, деган хулосага олиб келади.

Ўз вақтида Н.П. Остроумовнинг қарашлари татар маърифатпарвари, жадидчилик ҳаракатининг асосчиси И. Гаспиринский томонидан ҳам кескин танқидга учрайди². Қозон ва Тошкентдаги газеталар саҳифаларида уларнинг ислом оламидаги ислоҳотлар борасида ўзаро мунозаралари, аниқроғи бир-бирига қарата ёзган раддия мақолалари чоп этиб борилади³. Хусусан, Н.П. Остроумовнинг Дукчи эшон қўзғолонига бағишлаб ёзган мақоласига⁴ қарата И. Гаспиринский раддия эълон қилади. Ўз раддия мақоласида Н.П. Остроумовнинг мусулмонлар, уламолар тўғрисидаги нотўғри қарашларини танқид қилиб, уни русларни империя мусулмонларига қарши қўйиш ҳаракатида айблайди⁵.

И. Гаспиринскийнинг “Таржимон” газетасида чоп этган раддия мақолаларида Н.П. Остроумовнинг қарашла-

¹ Муаллим Шокир Али Мухторий. Энди фурсат! // Юрт. 1917. №2.

² Абдирашидов З. Исмаил Гаспиринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Т.: AkademaNashr, 2011. – С.298–300.

³ Тасхиҳ // Таржимон. 1898. №27; Мухим масала (Туркистон газетасина жавоб) // Таржимон. 1898. №32; Остроумов Н.П. Учение корана // ТВ. 1883. №9, 10; Вынужденный ответ “Переводчику” (Спор с Переводчиком о качестве ислама, как гуманной и веротерпимой религии) // ТВ. 1898. №98; Послennyй ответ “Переводчику” // ТВ. 1899. №13; Важные речи. (Протест бахчисарайской газеты “Переводчик” против изложению основ ислама в коллективном труде “Краткий обзор современного состояния и деятельности мусульманского духовенства в Самаркандской области”) // ТВ. 1898. №76.

⁴ О священной войне мусульман с неверными (по случаю последних событий) // ТВ. 1898. №77, 78.

⁵ Мухим масала (Туркистан газетасина жавоб) // Таржимон. 1898. №32.

ри, унинг ислом оламидаги ислоҳотлар, маърифатпарварлик ғояларини ўз газетасида кенг ёйилишига қарши тўсқинликлари¹, айниқса, татар маърифатпарварлари билан Туркистон жадиждларининг муносабатлари ва ҳамкорлик қилишларига қаршиликлари танқид остига олинган.

Рус матбуотида чоп этилган аксарият ислом динига оид мақолаларда диний урф-одатлар, маросимлар ва байрамлар ҳақида қизиқарли маълумотлар этнографик нуқтаи назардан катта қизиқиш уйғотади. Аммо ислом динининг моҳиятини “қолоқлик, мутаассиблик ва билимсизлик натижаси ёки фақатгина мистика ва тараққиётга ғов” сифатида баҳолашга уринишлар, ўлкадаги русийзабон аҳолига ислом динини муросасиз дин сифатида кўрсатишга уринишлар ҳукмрон тузумнинг диний сиёсатини яққол акс эттириб турар эди.

¹ Адабиёти сартия // Таржимон. 1900. №48; Бизим матбуот. Юлдуз // Таржимон. 1909. №34.

IV БОБ

“ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ” МАТЕРИАЛЛАРИ

“Туркистон тўплами” (тўлиқ номи “Туркистон ўлкаси ва Ўрта Осиёга тегишли бўлган мақола ва асарлар тўплами”)¹ 1867–1917 йилларда рус ва хорижий тилларда Марказий Осиё, хусусан, Туркистон ҳақида Россия ва чет элларда чоп этилган нашрлар – газета, журнал, мақолалари, турли статистик тадқиқотлар, монография ва бошқа турдаги нашрлар жамланмасидан иборат бўлиб, уни тайёрлаш ишлари 1867–1887 йилларда Туркистон ўлкасидаги мустамлака маъмурият бошлиғи генерал-губернатор К.П. Кауфман топшириғи асосида Санкт Петербургдаги таниқли библиограф Е.К. Межов (1830–1894) томонидан амалга оширилган.

Туркистон ўлкаси ҳаётига оид турли хил маълумотлар билан танишиб бориш, минтақанинг табиий, иқтисодий салоҳияти, бойликлари, хом-ашё манбаларини аниқлаш ва жамлаш мақсадида тузила бошланган ушбу тўплам кейинчалик ноёб библиографик, тарихий, бадиий, илмий-адабий манбалар коллекциясига айланган.

“Туркистон тўплами” саҳифаларида асосан рус, қисман француз, инглиз, немис, италян, испан ва лотин, туркий каби 10 га яқин тиллардаги нашрлар ўрин олган. Газета ва журналлардан олинган мақолалар сони эса ўн мингдан

¹ Туркестанский сборник сочинений и статей, относящихся до Средней Азии вообще и Туркестанскому краю в особенности, составляемый по поручению г. Туркестанского военного генерал-губернатора К.П. фон. Кауфмана В.И. Межовым в 3 т. – СПб.: Тип. В. Безобразова и К., 1868–1888. Т.1. – С.1–150.

ортиқ. Тўпلامда ўрин олган нашрларнинг турлари эса 20 дан ортиқ бўлиб, улар орасида тарихий очерклар (лавҳалар), илмий ва илмий оммабоп мақолалар, статистик материаллар, экспедициялар материаллари, илмий, бадий адабиётлар, хабарлар, иллюстрациялар, хариталар, библиографик тадқиқотлар, турли асарларга тақризлар, баённомалар, сафарномалар, саёҳатномалар, расмий ҳисоботлар, мемуарлар, таржималар, суратлар, расмлар ва бошқа турдаги асарлар ўрин олган.

Жами 594 жилддан иборат, бугунги кунда Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонасида сақланаётган “Туркистон тўплами”нинг катта ва асосий қисми, яъни 1–416 жилдлари В.И. Межов бошчилигида 1867–1887 йилларда Санкт-Петербург шаҳрида К.П. Кауфман топшириғи билан тузилган ва маблағлаштирилган. 1888 йилгача 4713 номдаги нашрларни жамлаган 416 та жилд тайёрланади. К.П. Кауфман вафотидан кейин 1888 йилга келиб “мблағ етишмаслиги” баҳонасида тўпلامни тайёрлаш ишлари тўхтатилади ва бу танаффус 20 йил давом этади.

1907 йилда Тошкентдаги кутубхонада жамланиб қолган матбуот материаллари асосида “Туркистон тўплами”ни тузишни давом эттиришга киришилади. 1907–1910 йилларда Тошкентда И.В. Дмитровский, этнограф А.А. Диваев, Туркистон кутубхонаси мудир И.П. Зыковдан иборат ишчи гуруҳи томонидан жами 127 та жилди (417–543-жилдлари) тузилади. Тўпلامнинг мазкур жилдларида асосан матбуот материаллари ўрин олганлиги боис унинг номи ҳам бир оз ўзгартилади¹. Бу

¹ Туркестанский сборник статей и заметок из русских и иностранных газет. Сборник составляется по поручению Туркестанского Генерал-губернатора Н.И. Гродекова. – Т., 1907. Т.417.

вазифани амалга оширишда Тошкентдаги кутубхонанинг биринчи директори, кутубхонашунос, библиограф ва ўлкашунос Н.В. Дмитровскийнинг хизматлари катта бўлди. “Туркистон тўплами”ни яратиш учун газета мақолалари қирқиб олиниб, оқ қоғозларга елимланган, журнал ва китоблар даврий изчилликда тикиб борилган. Газета ва журнал мақолаларининг сони 10 000 дан ортиқ бўлган.

“Туркистон тўплами”нинг Н.В. Дмитровский бошчилигида тузилган жилдлари В. Межов тузган жилдлардан анча катта фарқ қилган. 127 жилддан 81 таси (64%) газета материаллари асосида (буларнинг ичидан 4 таси ўзбек ва татар тилларида) тузилган.

1911 йилдан тўпламни тузиш масъулияти шарқшунос олим А.А. Семёнов зиммасига юклатилган ва 1911–1916 йилларда “Туркистон тўплами”нинг 544–591-жилдлари тайёрланган. А.А. Семёнов (1873–1958) бошчилигида 48 та жилд тайёрланган бўлиб, 546-жилддан бошлаб ҳар бир жилд алоҳида мавзулар – тарих ва археология (546–548, 570, 588–589, 591-жилдлар); мемуарлар (559-жилд); этнография (555, 566–569, 584, 589-жилдлар); тилшунослик (556–557, 587-жилдлар); география (554, 572–573, 575, 582–583, 585-жилдлар); геология (552–553, 562, 571-жилдлар); ўсимлик дунёси (551, 560, 579-жилдлар); сувдан фойдаланиш (549–550-жилдлар); ердан фойдаланиш ва сув тизими (565, 576–578, 586-жилдлар); қишлоқ хўжалиги (561, 564, 574-жилдлар); шаҳарлар ҳаёти (590-жилд)га бағишланган.

Хусусан, тўпламнинг 566–569-жилдларида А.А. Диваевнинг этнографияга оид 59 та асарлари ўрин олган. 556–557 ва 587-жилдларда Марказий Осиёда тилшунослик масалаларига бағишланган 15 та асар, 576–578 ва 580-жилдларда Туркистонда ердан фойдаланиш

масалалари билан боғлиқ маълумотлар жамланган. Лекин бунга қадар ҳам “Туркистон тўплами”нинг ҳар бир сониди қайд этилган йўналишлар бўйича жуда кўп маълумотлар жамланган бўлса-да, улар йўналишлар бўйича тизимлаштирилмаган эди. А.А. Семенов тузган 48 та жилдда жами 240 та асар ва мақолалар, газета материаллари (30 та) жамланган эди. У ўз фаолиятини 1916 йилгача давом эттирган, ўша йили Тошкентдан кетгач, “Туркистон тўплами” тузиш ишлари яна 20 йилдан ортиқ тўхтаб қолди.

“Туркистон тўплами”ни якунлаш ва сўнгги 3 жилди (592-жилддан 594-жилдгача) таниқли шарқшунос, библиограф, кутубхонашунос Е.К. Бетгернинг хизматлари катта бўлди. Бу жилдларда М. Терентьевнинг Ўрта Осиёнинг Россия томонидан истило этилиши тарихига бағишланган 3 жилдли асарлари¹ ўрин олган.

“Туркистон тўплами” дан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида кўрсаткичлар ҳам тузилган. Дастлаб В.И. Межов тузилган қисмлар учун унинг ўзи томонидан махсус кўрсаткич тайёрланган². У икки қисмдан –

¹ Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. В 3-х томах. – СПб., 1903–1906.

² Туркестанский сборник сочинений и статей относящихся до Средней Азии вообще и туркестанского края в особенности, составляемый по поручению г. Туркестанского генерал-губернатора К.П. фон Кауфмана, В.И. Межовым. Томы 1–150. Систематический и азбучные указатели сочинений и статей на русском и иностранном языках. – Санкт-Петербург, 1878; Туркестанский сборник сочинений и статей относящихся до Средней Азии вообще и туркестанского края в особенности, составляемый по поручению г. Туркестанского генерал-губернатора М.Г. Черныяева, В.И. Межовым. Томы 151–300. Систематический и азбучные указатели сочинений и статей на русском и иностранном языках. – Санкт-Петербург, 1884; Туркестанский сборник сочинений и статей относящихся до Средней Азии вообще и туркестанского края в особенности, составляемый по поручению г. Туркестанского генерал-губернатора И.О. Розенбаха, В.И. Межовым. Томы 300[301]–416. Систематический и азбучные указатели сочинений и статей на русском и иностранном языках. – Санкт-Петербург, 1888.

алифболи ва тизимлаштирилган кўрсаткичлардан иборат бўлган. Алифболи кўрсаткич ўз навбатида куйидаги уч қисмдан – исмлар (муаллифлар, таржимонлар ва библиографияда учрайдиган исмлар) кўрсаткичи, жой номлари кўрсаткичи; хорижий библиографияда қайд этилган муаллифлар, буюмлар, предметлар кўрсаткичидан иборат.

“Туркистон тўплами”нинг тизимли кўрсаткичида тўпламдаги материаллар ҳудудий ёндашув асосида гуруҳланган. Биринчи гуруҳда Марказий Осиё ҳақидаги сиёсий, тарихий, географик мазмунга эга асарлар, минтақа бўйлаб саёҳат ва илмий экспедициялар, иккинчи гуруҳда Марказий Осиёнинг Россия империяси тасарруфига ўтган ҳудудлар ҳақидаги маълумотлар, учинчи гуруҳда эса минтақадаги Россия империясига тобе бўлмаган Бухоро ва Хива хонликлари, Туркманистон, Шарқий Туркистон, Мўғулистон, Қошғар, Афғонистон, Ҳирот ва бошқалар ҳақидаги, тўртинчи гуруҳда Ҳиндистоннинг Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳирот ва бошқа мамлакатлар билан муносабатларига оид адабиётлар рўйхати ўрин олган. Шунингдек, тизимли кўрсаткичда тоғ-кон саноти бўлими ҳам бўлган ва унда геология билан бир қаторда бошқа табиий фанлар, тиббиёт библиография, тилшунослик ва нотиклик бўйича нашрлар ўрин олган.

“Туркистон тўплами”нинг Тошкентда тайёрланган 175 та жилдлари (417–591-жилдлар) учун Е.К. Бетгер ва О.В. Маслова томонидан алоҳида кўрсаткичлар тайёрланган. О.В. Маслова фақат Туркистонга, аниқроғи собиқ совет иттифоқи таркибига кирган республикалар тарихига тегишли нашрларни рўйхатга олади¹.

¹ Маслова О.В. Систематический указатель к тт. 417–591 // Туркестанского сборника. Ч.1. (1–2411); Ч.2. (2412–3630). – Т., 1940.

Е.К. Бетгер эса “Туркистон тўплами” даги қўшни мамлакатларга тегишли маълумотлар кўрсаткичини тайёрлайди. Ушбу кўрсаткич ўзига хос библиографик қўлланма бўлиб, унда мамлакатлар бўйича тўплам материаллари даврий изчилликда келтирилган, ҳар бир китоб, мақолага аниқлик киритувчи шарҳлар берилган. Кўрсаткич сўнггида эса, ҳар бир муаллиф, исмлар, этнографик ва географик номлар рўйхати келтирилган.

Кўрсаткичларда ҳар бир асар қачон қаерда ва ким томонидан ёзилган, қаерда чоп этилганлиги, асарга қисқача шарҳ берилганлиги уларнинг шунчаки оддий рўйхат эмас, балки анча жиддий библиографик тадқиқот эканлигидан далолат беради.

Тўпламдаги тадқиқотлар географияси жуда кенг бўлиб, нафақат Туркистон, балки бутун Марказий Осиё, яъни Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари, Туркистон генерал-губернаторлиги (1867–1917), улар билан қўшни бўлган Эрон, Афғонистон, Шарқий Туркистон (Хитой), ҳамда Ҳиндистон, Мўғулистон, Россия империяси, Усмонийлар давлати, Европа давлатлари, араб мамлакатлари ҳамда улар билан алоқадор масалаларни ҳам қамраб олади.

Даврий жиҳатдан эса тўпламда жамланган материаллар ўрта аср тарихи ва маданий меросидан бошлаб XX аср бошларигача бўлган даврни қамраб олади. Уларнинг катта қисми эса XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларига мансуб эканлигини қайд этиш лозим.

XIX аср сўнггида рус матбуотида чоп этилган маълумотларга кўра, ўша даврда хорижда минтақа тарихига оид 5000 дан ортиқ катта ва кичик асарлар, мақолалар чоп этилган эди. Уларни мунтазам равишда жамлаб боришда “Туркистон тўплами”нинг роли катта бўлган.

Унда Европа илмий жамиятларининг нуфузли журналларида инглиз, немис ва француз тилларидаги илмий мақолалар катта ҳажми ташкил этади. Улар хорижий илмий экспедициялар, сафарлар, саёҳатлар кундалиги, натижалари, ҳисоботларидан иборат бўлиб, бугунги кунда уларнинг 300 дан ортиғи аниқланган¹. Шунингдек, хорижий нашрлардан асарлар, катта-катта парчалар, илмий экспедициялар фаолияти, мақсадлари, иштирокчилари, фаолият объектлари, географияси, асосий натижалари ҳақидаги хабарлар ҳам ўрин олган.

Тўпламнинг дастлабки жилдларида ўша давр матбуотида кенг муҳокама этилган масалалар, хусусан, давлат бошқарувида бўлган маҳаллий сулоалар, хонликларнинг ўзаро ва ташқи алоқалари, Ўрта Осиёга Россия томонидан уюштирилган дипломатик миссиялар, ҳарбий юришлар, унинг мустамлакага айлантирилиши, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш кучлари, ўлкани бошқариш масалалари муҳокамаси, маҳаллий аҳоли билан муносабат, табиий ресурслар, маҳаллий халқларнинг ижтимоий, диний ва миллий ҳамда этник таркиби, тарихи ва этнографиясига бағишланган мақолалар ўрин олган.

Хусусан, “Туркистон тўплами”нинг дастлабки жилдларида минтақадаги бозорлар, савдо муносабатларига оид мақолалар ўрин олган, 6–7-жилдларида эса, Қўқон, Бухоро ва Хиванинг забт этилиш жараёнлари ўз аксини топган.

“Туркистон тўплами” саҳифаларида иқтисодий йўналишдаги нашрлар орасида энг аввало, савдо-сотиқ ҳолати ва унинг истиқболлари, Россия ва қўшни мам-

¹ Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX–XX аср бошлари). (Кўрсаткичли библиография). Масъул муҳаррир Д. Зияева. – Т., 2017. – Б.274.

лакатлар билан савдо муносбаталари, йўллари, статистикаси, шунингдек, минтақадаги фойдали қазилмалар ресурси, уларнинг конлари, фойдаланиш анъаналари ва имкониятлари, ҳамда хунармандчилик ишлаб чиқариш унинг турлари, саноат корхоналари ва темир йўллар қурилиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Тўпلامда рус тилидаги материаллар ичида рус олимларининг минтақада олиб борган илмий экспедициялари билан боғлиқ маълумотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Туркистонда 15 га яқин илмий жамиятлар ташкил этиб, уни ҳар тарафлама тадқиқ этган рус олимларининг турли соҳаларда, хусусан, география, иқлимшунослик, топография, картография, метеорология, ирригация, геология, ўсимликшунослик, гидрография, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, биология, археология, тарих, этнография, археология, астрономик кузатишлар, антропология, тилшунослик, иқтисод, зоология, ботаника каби 20 дан ортиқ йўналишларда олиб борган изланишлари ҳақида қисқа ахборотлардан тортиб, илмий мақолалар, маъруза, ҳисобот ва йирик асарларгача ўрин олган.

Шунингдек, тўпلامда минтақа аҳолисининг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, дини, урф-одатлари, ер ва сувдан фойдаланиш тартиблари, анъанавий суд ҳамда таълим тизими, шаҳар ҳаёти ҳақида ҳам жуда қизиқарли маълумотлар қайд этилган.

“Туркистон тўплами”да жамланган мақолаларда рус олимларининг минтақа табиати, иқлими, табиий ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш мақсадида Россия илмий жамиятлари томонидан уюштирилган илмий экспедициялари ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилган¹.

¹ Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқот ва экспедициялар (XIX–XX аср бошлари). (Масъул муҳаррир т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева). – Т.: Akademnashr, 2019. – Б.417.

Шунингдек, тўпламда ижтимоий фанлар йўналишларидаги тадқиқотларга ҳам кенг ўрин берилган. Хусусан, тарих¹, археология², этнография³ каби йўналишларда ёзилган жуда кўп материаллар киритилган.

¹ Вамбери Г. История Бохары или Транссаксонии с древнейших времен до настоящего // Туркестанский сборник. Т.70. – С.1–226; Т.71. 1873. – С.1–274; Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане и Тамерлане. – СПб., 1875 // Туркестанский сборник. Т.89. 1873. – С.256; Петровский Н.Ф. Очерки Кокандского ханства // Туркестанский сборник. Т.76. 1873. – С.722–757; Клавихо Рюи Гонзалес, Жизнь и деяния Великого Тамерлана. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403–1406 гг. Подлинный текст с переводом и примечаниями, составленными под редакцией И.И. Срезневского // Туркестанский сборник. Т.273. 1881. – С.1–455. Иванов Д.Л. По поводу некоторых туркестанских древностей. – Известия ИРГО, 1885. // Туркестанский сборник. Т.385. 1886; Вяткин В.Л. Самарканд и его окрестности в прошлом, по описанию Султана Бабур Мирзы. (Перевод из книги Бабур-намы) // Туркестанский сборник. Т.532. 1896. – С.80–87; Н.П. Тамерлан и чудесное спасение Руси от его нашествия // Туркестанский сборник. Т.441. 1906. – С.97–103; Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии // Туркестанский сборник. Т.475. 1907. – С.1–56; Павлов Н. Очерки по истории Туркестана // Туркестанский сборник. Т.495. 1907. – С.135–138; Насирбеков Мухтар-Бек. Древность Ташкента // Туркестанский сборник. Т.492. 1908. – С.44–45.

² Лыкошин Н. Очерк археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского кружка любителей археологии // Туркестанский сборник. Т.522. – С.1–17; Т.523. 1909. – С.1–13; Вяткин В.А. Отчет о раскопках обсерватории Мирза Улугбека в 1908 и 1909 годах // Туркестанский сборник. Т.589. 1913. – С.99–109; Абдул-Касымов Мулла Алим. История Туркестана // Туркестанский сборник. Т.588. 1915. – С.1–111; Маллицкий Н.Г. Ташкент (Исторический очерк) // Туркестанский сборник. Т.588. 1915. – С.128–141.

³ Вамбери А. Этнографический очерк Средней Азии. – Всемирный путешественник // Туркестанский сборник. Т.4. 1869. – С.307; Галкин М.Н. Этнографические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. – Записки ИРГО. 1867 // Туркестанский сборник. Т.4. 1869. – С.1–250; Галкин М.Н. Этнографические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. // Туркестанский сборник. Т.23. 1870. – С.96–104; Гребенкин А.Д. Узбеки // Туркестанский сборник. Т.57. 1873. – С.51–109; Гребенкин А.Д. Таджики // Туркестанский сборник. Т.57. 1873. – С.187–236; Гребенкин А.Д. Мелкие народности Зеравшанского округа // Туркестанский сборник. Т.57. 1873. – С.296–305; Хорошхин А.П. Народы Средней Азии // Туркестанский сборник. Т.116. 1876. – С.142–155; Хорошхин А.П. Обряды, обычай и поверья Сартов // Туркестанский сборник. Т.116. 1876. – С.118–126;

Тўплам саҳифаларида тарихий шахслар, хусусан, машҳур ҳукмдорлар, олимлар, саркардалар ҳақидаги мақола ва асарлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар орасида Амир Темури¹ Заҳириддин Мирзо Бобур ва унинг “Бобурнома” асари² ҳақидаги мақолалар алоҳида қизиқиш уйғотади.

Марказий Осиё илмий меросида “Туркистон тўплами” XIX–XX аср бошларига оид ниҳоятда ноёб манбалардан бири бўлиб қолмоқда. Унда минтақанинг ички ва ташқи алоқалари, қўшни мамлакатлари тарихи, иқтисоди, ўша даврдаги геосиёсий вазият, Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятига оид қимматли

Хорошхин А.П. Увеселение Сартов // Туркестанский сборник. Т.116. 1876. – С.127–142; Хорошхин А.П. Узбеки. Кенегез // Туркестанский сборник. Т.116. 1876. – С.516–519; Остроумов Н.Н. Этнографические материалы. Вып. III. Пословицы и загадки сартов // Туркестанский сборник. Т.463. 1895. – С.21–22; Диваев А.А. Этнографические (очерки) материалы. Легенды, былины, демонологические рассказы, приметы, пословицы и сказки туземного населения Сыр-Дарьинской области. Вып. V // Туркестанский сборник. Т.567. 1896. – С.1–50.

¹ Клавихо Рюи Гонзалес. Жизнь и деяния Великого Тамерлана. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403–1406 гг. Подлинный текст с переводом и примечаниями, составленными под редакцией И.И. Срезневского // Туркестанский сборник. Т.273. 1881. – С.1–455; Н.П. Тамерлан и чудесное спасение Руси от его нашествия // Туркестанский сборник. Т.441. 1906. – С.97–103; Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане и Тамерлане. – СПб., 1875 // Туркестанский сборник. Т.89. 1873. – С.256; Клавихо Рюи Гонзалес. Жизнь и деяния Великого Тамерлана. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403–1406 гг. Подлинный текст с переводом и примечаниями, составленными под редакцией И.И. Срезневского // Туркестанский сборник. Т.273. 1881. – С.1–455.

² Павлов Н. Очерки по истории русского Туркестана. VI. Султан Бабер великий потомок Туран-ирано-индийских чингисидов и темуридов // Туркестанский сборник. Т.497. 1908. – С.60–67; Вяткин В.Л. Самарканд и его окрестности в прошлом, по описанию Султана Бабура Мирзы. (Перевод из книги Бабура-намы) // Туркестанский сборник. Т.532. 1896. – С.80–87.

тарихий маълумотлар ўрин олганлиги боис Ўзбекистон, қўшни давлатлар ҳамда бошқа мамлакатлар, хусусан, Осиё ва Шарқ давлатлар тарихини ўрганишда муҳим ва ноёб тарихий манба сифатида маҳаллий хорижий мутахассислар томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

III БЎЛИМ

**ХОРИЖИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР**

I БОБ

ҒАРБ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ

1-§. Француз тилидаги асарлар

XIX–XX аср бошларида Марказий Осиё минтақаси европалик сайёҳ ва тадқиқотчилар томонидан фаол ўрғанила бошланди. Айниқса темир йўлларнинг қурилиши Европадан келадиган тадқиқотчилар учун янада кўпроқ имконият яратди. Натижада, Марказий Осиёга келувчилар ва у ҳақида ёзилган мақола, тадқиқотлар сони кўпайиб борди.

Ўша давр нашрларида қайд этилганидек, “Туркистон яқиндагина қўлга киритилган бўлса-да, лекин у ҳақида жуда кўп асарлар ёзилмоқда. Европа ҳеч қачон бирон-бир ўлка билан шунчалик қизиқмагандир. 15–20 йиллик муддат ичида бир неча юз муаллифлар бу ўлка ҳақида ёзишди. Ушбу ўлка ҳақида ёзилган асарлар ва газета мақолалари сони 5000 дан ортиқ. Улар билан нафақат руслар, балки ривожланган мамлакатлардаги инглизлар, французлар, немислар, голландлар, шведлар ва дунёнинг бошқа халқлари ҳам қизиқишади”¹.

Дарҳақиқат, темир йўллар қурилгандан кейинги 10 йилликда, аниқроғи 1890–1898 йилларда Туркистонга жами 260 нафар хорижий сайёҳ ва тадқиқотчилар ташриф буюриб, улар таркибида 75 нафар инглиз, 70 нафар немис, 57 нафар француз, 24 нафар австрия-венгриялик, 15 нафар америкалик, 7 нафар даниялик, 4 на-

¹ Соколов В. Reclus о Туркестане // ТВ. 1884 г., 8 февраль. №6.

фар бельгиялик, 4 нафар италиялик, 3 нафар швейцариялик, 1 нафар испаниялик бор эди¹.

Аммо Франциянинг Марказий Осиёга қизиқишлари анча илгарироқ бошланган эди. 1840–1917 йилларда Марказий Осиё минтақасига биргина Франциядан турли мақсадларда жами 161 нафар сайёҳ ва тадқиқотчилар ташриф буюрганлар². Минтақани турли йўналишларда ўрганган ушбу экспедициялар илмий, ҳарбий, муҳандислик, тижорат ва туризм мақсадларида ташкил этилган эди³.

Ушбу ташриф ва тадқиқотларнинг баъзилари бевосита минтақа ҳудудини ўрганишга қаратилган бўлса, баъзилари Помир, Тибет ёки Каспийорти вилояти ҳудудларини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, йўл-йўлакай қадимий Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларига ҳам эътибор қаратилган.

Бунга қадар, яъни XVII–XVIII асрларда Францияда Марказий Осиёга оид илмий қарашларнинг шаклланиши минтақада яшаб ўтган мутафаккирларнинг илмий мероси намуналарининг табдил ва таржима қилиниши билан бошланган эди. Ушбу жараёнларда илмий марказлар алоҳида ўрин тутган. Францияда ўтган асрларда ёқ шарқшунослик мактабларига асос солинган бўлиб, бу мактабларда шарқ тилларини мукаммал ўзлаштирган тадқиқотчилар, шарқшунос мутахассислар, дипломат ва сиёсий арбоблар етишиб чиққан.

Франциядаги “Коллеж де Франс”, “Шарқ жонли тиллари мактаби”, “Осиё жамияти” каби муассасаларда тилшунослик, исломшунослик ва манбашунослик йўналишларида олиб борилган мумтоз классик шарқшу-

¹ Gorshenina S. La Route de Samarcande. L'Asie Cenrale dans l'objectif des voyageurs d'autrefois. – Genève: Editions Olizane, 2000. – P.14.

² Ўша жойда. – Б.61.

³ Ўша жойда. – Б.163.

нослик тадқиқотларида Марказий Осиё умумий Шарқ контексти доирасида ўрганилган. XIX–XX аср бошларига келиб эса Марказий Осиё алоҳида минтақа сифатида ўрганила бошланди. “Париж география жамияти”, “Париж этнология жамияти”, “Париж антропология жамияти” каби илмий марказлар фаолиятида амалий тадқиқотлар йўлга қўйилган ва бу асосан илмий экспедициялар орқали амалга оширилган.

Бу даврда Марказий Осиёни ўрганишда даврий матбуот алоҳида ўрин тутган. Унинг саҳифаларида Туркистон, Бухоро ва Хива тарихи, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, сиёсий аҳволи, Россия экспансияси масалалари, илмий экспедиция натижаларига оид мақола ва хабарлар мунтазам равишда бериб борилган. Францияда илк илмий даврий нашр – “Journal des Savants” XVII асрда пайдо бўлган¹. Ушбу журналда минтақа тарихи ва маданиятига оид муҳим маълумотлар XIX асрнинг 30–40-йилларида чоп этилган².

Илмий экспедициялар натижалари акс этган материаллар турлари хилма-хил – махсус асарлар, илмий мақолалар, ҳисоботлар кўринишида бўлиб, жадваллар, иллюстрациялар, Туркистон ўлкасининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига оид кўплаб далилий янги маълумотларга бой, муҳим тарихий манбаларни жамлаган эди. Улар орасида экспедицияларга ҳамроҳлик қилган шахсларнинг сафарномалари ва эдаликлари этнографик маълумотларга бойлиги билан ажралиб турар эди.

¹ Центральная Азия глазами одного французского эрудита XVII-го века. – Т.: IFEAC, 2003. – С.23.

² Mirchondi historia Seldschukidarum Edidit... Jo. Aug. Vullers. Gissae 1837. 1 er article de M.Qatremère, mars, 170–185; 2 e article Juillet, 385–403; Le livre de rois, par Abou'lkasim Firdousi, publié, traduit et commenté par Jules Mohl. – T.II. Imprimerie royale, 1842. 1 er article de M.Qatremère. Octobre, 577–598.

География ва ўлкашуносликка оид тадқиқотлар натижалари асосан, “Annales des voyages”, “Bulletin de la Société de Géographie”, “L’Exploration”, “Revue de Géographie”, “Revue géographique internationale” каби журналларда чоп этилган.

Этнографик тадқиқотлар, этногенез масалалари учун таъсис этилган “Bulletin de la Société d’anthropologie”, “Mémoires de la Société d’ethnographie” номли журналларда Марказий Осиё халқларининг келиб чиқиш тарихи, айрим этник гуруҳлар тавсифи, турмуш тарзи, кийиниши, маданияти, урф-одат ва анъаналари акс этган мақолалар чоп этилган¹.

Осиё жамиятининг махсус нашри – “Journal Asiatique” юқори илмий салоҳиятга ва шарқ тилларини мукаммал ўзлаштирган мутахассислардан иборат махсус кенгаш аъзолари ҳамда таҳрир ҳайъатига эга бўлган. Мазкур илмий нашр янги ёки ўрганилмаган ёзма манбаларни тадқиқ этиш ва илмий истеъмолга олиб кириш, тарих фанлари учун янги тадқиқот сюжетлари ривожини таъминлаб бериш билан шуғулланган².

Мазкур журнал саҳифаларидан йирик ҳажмдаги тарихий, географик, бадий кўринишдаги бирламчи манбалар таржимаси, шу жумладан, Осиё ҳудудига тегишли форс, араб, турк ва бошқа тилларда битилган қўлёзмалар таржималари ва тадқиқига оид материаллар ўрин

¹ Ujfalvy E. Le Berceau des Aryas d’après des ouvrages récents, critique et examen // Bulletins de la Société d’anthropologie. 1884. Séance du 15 mai; Ujfalvy E. L’influence du milieu sur les peuples de l’Asie Centrale // Bulletins de la Société d’Anthropologie de Paris. 1887. T.10, 4e Série. – P.436–457; Ujfalvy E. Quelques observations sur les Tadjiks des montagnes appelés aussi Galtchas // Bulletins de la Société d’anthropologie. Séance de janvier 1887; Vaillant L. Note sur un berceau sarte // Bulletins et mémoires de la Société d’anthropologie de Paris. 1910. T.1. – P.21–23.

² Finot L. Historique de la Société. Cent ans d’orientalisme en France // Le livre du centenaire (1822–1922) Société Asiatique. – Paris: Geuthner, 1922. – P.316.

олган. Унинг махсус сонлари йирик мавзуларга бағишланган. Масалан, Осиё журнали саҳифаларида нашр этилган шарқшунос Люсьен Буванинг Амир Темур салтанати тарихига оид йирик мақолалари шулар жумласидан эди¹.

Марказий Осиё тарихини бевосита ўз саҳифаларида ёритиб борган даврий нашрлардан яна бири “Revue des Deux Mondes” номли журнал бўлиб, у 1829 йилда таъсис этилган². Унда Франция ҳудудларидан ташқарида бўлган сайёҳ ва тадқиқотчилар фаолияти ҳам ёритиб борилган³.

Вақт ўтиши билан французларнинг муайян бир соҳага қаратилган ва уни чуқур ўрганишга бўлган қизиқишлари “Le Tour du Monde” ҳафталик журналининг нашр этилишига олиб келди. Мазкур журнал 1857–1914 йиллар давомида француз тилида чоп этилиб, унинг ҳар бир сони алоҳида масалаларга бағишланган⁴. Ушбу ҳафталик журнал ўз даврида машҳур бўлиб, географик саёҳатлар ва янги кашфиётлар унинг асосий рукнига айланган. Унда XIX аср охири ва XX аср бошларидаги деярли барча муҳим экспедициялар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган ва матнлар иллюстрациялар билан

¹ Lucien B. Histoire du Monde. L'Empire mongol (2 me phase). – Paris, 1927.

² Revue des deux Mondes. Қаранг: https://fr.wikipedia.org/wiki/Revue_des_deux_Mondes.

³ Cotard M. Le chemin de fer Central-asiatique // [Revue des Deux Mondes. 1876, 15 Juillet, 2e livre]. Туркестанский сборник. Т.183; Blerzy H. Les conquêtes de la Russie, l'expédition de Khiva // Revue des Deux Mondes. 1877. Septembre; Cuheval – Clarigny. L'Asie Centrale et le réveil de la question d' Orient // [Revue des Deux Mondes. 1877. 15 Mai. T.XXI. – P.392–435]. Туркестанский сборник. Т.295.

⁴ Khanat de Boukhara. [Le Tour du Monde. 1876. №798, 803]. Туркестанский сборник. Т.401; Khanat de Kokand. [Le Tour du Monde. 1876. № 799]. Туркестанский сборник. Т.401; Turkestan Russe. [Le Tour du Monde. 1878. №904, 978, 997, 1879, 1880]. Туркестанский сборник. Т.401; Asie Russe. [Le Tour du Monde. 1880. №1038, 1233, 1277, 1324, 1884, 1885, 1886]. Туркестанский сборник. Т.401.

безатилган. 1895–1914 йиллар давомида ушбу журнал “Le Tour du Monde, journal des voyages et des voyageurs” номи остида нашр этилган.

1857 йилда чоп этилган ушбу журналнинг биринчи сонидаяқ “Саёҳатчи Шлагиннинг Туркистондаги вафоти”, “Артур Гобинонинг Эронга саёҳати”¹ номли Марказий Осиёдаги тарихий воқеаларга доир мақолалар эълон қилинган. Бундан ташқари, ушбу журналда Туркистон, Бухоро ва Қўқон хонлигидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва муҳим географик масалалар ўз аксини топган².

Илмий экспедициялар ва саёҳатларнинг тафсилотлари “Le Tour du Monde” саҳифаларида география ва этнография йўналишлари доирасида ёритиб борилган. Саёҳатчиларни ҳамма жиҳат, жумладан, жамиятнинг маъмурий тузилиши, ҳуқуқ, ислом дини, маданият, аҳолининг турмуш тарзи ва бошқа масалалар қизиқтирган. Ушбу материаллар тарихий, сиёсий ва иқтисодий характер ҳам касб этган ва француз сайёҳлари европаликлар учун ўзгача маданият намуналарини очиб беришга муваффақ бўлганлар.

XIX аср ўргаларида Париж даврий матбуотида асосан Россиянинг Туркистондаги сиёсати диққат-эътиборда-

¹ Mort du voyageur Ad. Schlagintweit dans le Turkestan; Voyage en Perse, fragments par le Comte A. de Gobineau (1855–1858) // Le Tour du Monde. 1857. №1.

² Les explorations dans les contrées de l'Asie Centrale. [Le Tour du Monde, 31-me vol.]. Туркестанский сборник. Т.199; Asie Centrale. [Resumé de Vénukoff. Bulletin de la Société de géographie de Paris]. [Le Tour du Monde. №1071 et 1234] Туркестанский сборник. Т.401; Asie Centrale. [“Le Tour du Monde”. №729, 846, 880, 1293] Туркестанский сборник. Т.401; Asie Russe. [“Le Tour du Monde”. 1880. №1038; 1884. №1233; 1885. №1277; 1886. №1324] Туркестанский сборник. Т.401; Turkestan Russe. [“Le Tour du Monde”. 1878, №904; 1879. №978; 1880. №997] Туркестанский сборник. Т.401; Khanat de Kokand. [“Le Tour du Monde”. 1876. №799] Туркестанский сборник. Т.401; Khanat de Boukhara. [“Le Tour du Monde”. 1876. №798 et 803] Туркестанский сборник. Т.401.

ги мавзулардан бирига айланган. 1848–1859 йилларда “Republique”, “Patrie”, “Moniteur”, “Globe Revue de l’Orient” каби газеталарда Россиянинг Марказий Осиёга кириб бориши, минтақанинг қисқача географик шарҳи (Каспий ва Орол денгизи, Балхаш кўли, Или воҳаси ҳақида) ҳамда этнография соҳасига оид маълумот берувчи мақолалар кенг ўрин эгаллаган¹.

Шу тариқа минтақани ўрганиш учун олиб борилган тадқиқотлар асосида кўплаб манбавий материаллар йиғилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида европаликларнинг Шарқни ўрганишга бўлган қизиқишлари, мустамлакачилик сиёсати таҳлили “Revue du Monde Musulman” журнали саҳифаларида ҳам ўз аксини топган. Парижда нашр этилган (1906–1926 йиллар) мазкур журналда Туркистон мусулмонларининг иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти ҳақидаги шарҳлар, аср бошидаги сиёсий ва мафкуравий ўзгаришлар, Россиянинг минтақадаги сиёсати, таълим тизими, исломнинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги мақолалар ҳам ўрин олган эди. Масалан, минтақада 1917 йилдан бошланган бундай қизгин воқеаларнинг гувоҳи бўлган француз тадқиқотчиси Ж. Кастанъенинг шахсий таассуротлари журнал саҳифаларида “Большевизм ва ислом” деб номланган туркум мақолалар кўринишида эълон қилинган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида энг долзарб муаммо бўлган инглиз–рус рақобати ва Туркистоннинг забт этилиши масалалари “Revue Britannique”, “Bulletin de la réunion des officiers”, “Le correspondant”, “Revue générale”, “Revue militaire de l’étranger”, “Revue de cavalerie”, “Revue d’artillerie” каби журналларда ёритиб

¹ (La) Russie dans la Presse Parisienne. 1848–1859. – Cahiers du Monde Russe et Soviétique. Vol.IX. No.3–4. 1968. – P.386–436.

борилган¹. Уларнинг саҳифаларида чоп этилган мақола-ларда минтақадаги англиз–рус рақобати ва Туркистон-нинг руслар томонидан босиб олиниши қизғин муҳока-маларга сабаб бўлиб², бу масалаларда кенг жамоатчи-лик, сиёсий арбоблар ва илмий марказларнинг муноса-батлари намоён бўлган.

Марказий Осиё минтақасида англиз–рус рақоба-тининг кучайиб бориши масалаларига оид Э. Жонво, Ф. Гренар, Ф. Мартенс, Э. Реклю, Л. Болье, О. Диаманти, Де-Вогюэ каби муаллифлар томонидан ёзилган мақола-ларда ҳарбий экспансия ва мустамлакачилик тизими-нинг турли жиҳатлари таҳлил қилинган.

Шундай мақолалар муаллифларидан бири Э. Реклю минтақадаги геосиёсий вазиятга баҳо бериб, унинг яқин келажакда Европанинг икки қудратли давлатлари ўрта-сида сиёсий тўқнашувлар юз берадиган уруш майдонига айланишини, Осиёга таъсири тобора кучайиб бораётган бу икки қудратли рақобатчи давлат – Англия ва Россия-дан ташқари, Хитой ҳам эртами-кечми шу ҳудуд масала-сида кучли рақибга айланишини³ башорат қилади.

Парижнинг энг нуфузли журналларидан бири “Revue des deux Mondes”⁴ саҳифаларида француз тадқиқотчиси

¹ 20 Décembre. M. Henry Brionne. Les Anglais et les Russes en Asie // Туркестанский сборник. Т.267. [Annales des voyages, 1868. 11]; Aperçu historique des découvertes géographiques faites dans la Russie d'Asie, depuis les temps les plus reculés jusqu' à nos jours. M.Venukoff [Revue de Géographie. 1879. 1-er livr. Juillet. 1880 Mars; – P.57–64, 199–205 et 197–202] // Туркестанский сборник. Т.293.

² Neumann C. Les russes et les anglais dans l'Asie Centrale. – Paris, 1885; Jonveaux E. Les russes dans l'Asie Centrale // Revue des deux mondes. 1867, 15 fevrier (INALCO); Grenard G. La Chine, l'Angleterre et la Russie en Asie Centrale. Annales de l'école des sciences politique. – Paris, 1897 (INALCO).

³ “Новая всеобщая география”. Элизэ Реклю. 6-й том. Азиатская Россия и среднеазиатские ханства / Кавказ. 1885. №57 // Туркестанский сборник. Т.389.

⁴ Jonveaux E. Les russes dans l'Asie Centrale // Revue des deux mondes. 1867, 15 fevrier (INALCO).

Эмиль Жонво (Émile Jonveaux, 1819–1871) томонидан эълон қилинган “Руслар ва инглизлар Марказий Осиёда. Сирдарё ва Амударё ҳудудларининг истило қилиниши” номли мақолада ҳам минтақадаги инглиз–рус рақобати очиб берилган. Умуман олганда, бу даврда Европа даврий матбуоти, яъни француз, инглиз ва немис тилларидаги нашрларда русларнинг Марказий Осиёдаги сиёсати мунтазам ёритиб борилган.

Бу даврда минтақага уюштирилган экспедициялар давомида амалга оширилган амалий тадқиқотлар жараёнида унинг тарихи ва маданиятига оид бой маълумотлар тўпланган. Хусусан, Шарль Эжен Ужфальви де Мезо-Ковезд (Charles-Jean-Melchior, marquis de Vogüé, 1829–1916) раҳбарлигидаги илмий экспедиция Россия, Сибир ва Туркистон ҳудудларида археология, антропология, этнография ва филология каби соҳалар бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Мазкур илмий экспедициянинг энг йирик илмий натижалари 1878–1880 йиллар давомида Парижда Ш. Ужфальвининг “Expedition scientifique Française en Russie, en Sibirie et dans le Turkestan” – “Россия, Сибир ва Туркистондаги француз илмий экспедицияси” номли олти жилддан иборат асарида чоп этилган. Ушбу китобнинг ҳар бир жилди ўзига хос йўналиш ва хусусиятга эга бўлиб, экспедициянинг турли босқичларига бағишланган эди.

Биринчи жилд – Кўҳистон, Фарғона ва Ғулжа (Кулжа) ҳудудлари тавсифига бағишланган¹. Кейинги жилдда эса Сирдарё ҳавзалари, Тошкент, Самарқанд, Еттисув ва шарқий Сибир ҳудудлари таърифланади². Ушбу ҳудуд-

¹ Ujfalvy Ch.E. Expédition scientifique française en Russie, en Sibirie et dans le Turkestan. Le Kohistan, le Ferghanah et Kouldja avec un appendice sur la Kachgharie. Vol.1. – Paris: Ernest Leroux, 1878. – I, V. 186 p.

² Ujfalvy Ch.E. Expédition scientifique française en Russie, en Sibirie et dans le Turkestan. Le Syr-daria, le Zerachâne, le pays des Sept-rivières et la Sibirie – Occidentale avec 4 appendice. Vol.2. – Paris: Ernest Leroux, 1879. – I, XVI. 208 p.

ларда асосан этнологик, географик ва археологик йўналишлардаги тадқиқотлар олиб борилган. 4–6-жилдлар иловалар, фотосуратлар, гравюраларга бағишланган.

Илмий экспедиция тафсилотлари ҳисоботларда Санкт-Петербург ва Париждаги География, Антропология, Этнография жамиятларида ҳам расман муҳокама этилган. Экспедиция якунлангач, илмий асарлар нашр қилинган, йиғилган материаллар асосида турли коллекциялар яратилган ва улар жаҳон миқёсида ўтказилган кўргазмаларда тақдим этилган. Саёҳат давомида Самарқандда бўлган Ужфальви Афросиёб, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Регистон майдони, Тиллакори, Шердор ва Улуғбек мадрасалари ҳақида маълумот қолдирган.

Э. Ужвальфи тадқиқотларида антропологик кузатувлар натижасида жадваллар яратилиб, уларда маҳаллий халқнинг юз ва тана тузилиши, териси ва сочининг ранги, кўзи, қулоғи ва бурун тузилиши таҳлил қилинган ҳамда Марказий Осиёдаги этник типлар атласи яратилган¹.

Ужфальви экспедициясига ҳамроҳлик қилган Мария де Ужфальви Бурдон (Marie de Ujfalvy-Bourdon, 1845–1905) хоним, яъни Ужфальвининг рафиқаси ўз саёҳати таассуротларини эсдаликлар сифатида ёзиб қолдирган. Мария де Ужфальви хонимнинг хотиралари адабий-бадий тарзда “Париждан Самарқанд, Фарғона, Кулжа ва Ғарбий Сибирга: парижлик хонимнинг сафар таассуротлари”² номли асарида ёритилган. Ушбу асарда 300 дан

¹ Ujfalvy Ch.F. Expédition scientifique française en Russie, en Sibérie et dans le Turkestan. Les Bachkirs, les Vèpses et les antiquités finno-ougriennes et altaïques; précédés des résultats anthropologiques d'un voyage en Asie Centrale. Vol.3. – Paris: Ernest Leroux, 1880. – IX, 170 p.

² Ujfalvy – Burdon M.de. De Paris à Samarcande, le Ferghanah, le Kouldja et la Sibérie occidentale, impressions de voyage d'une parisienne. – Paris: Hachette, 1880 // Туркестанский сборник. – Санкт-Петербург: В.С. Балашева, 1880. Т.238. – С.341–388.

ортиқ иллюстрациялар ўрин олган бўлиб, у французларни Марказий Осиё билан яқиндан таништирди.

Бонвало Пьер Габриэл (Gabriel Pierre Bonvalot, 1853–1933) француз тадқиқотчилари орасида минтақани чуқур ўрганган ва бой маълумотлар қолдирган тадқиқотчи эди. У Марказий Осиёга 1880, 1882, 1885–1887, 1889-йилларда, жами тўрт марта саёҳат қилган. Г. Бонвало ҳамроҳи табиатшунос Г. Капю билан биргаликда 1880–1882 йиллар давомида Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Туркистонни ўрганади ҳамда 1884 йилда Парижда “Марказий Осиёда. Москвадан Бақтриягача”¹ номли асарини чоп этади. Асарда Тошкент, Қарши, Шеробод, Сурхондарё, Термиз, Бойсун ва Қашқадарё воҳасига алоҳида тўхталлади. Тошкент шаҳри тавсифланганда унинг аҳолиси яшаш тарзи, кийиниши, уйларнинг қурилиши, таълим соҳаси, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни алоҳида эътиборга олинган. Шеробод худудлари ўрганилганда, маъмурий бошқарув, бек ва унинг оиласи, бозорлар таърифланган эди.

Унинг “Марказий Осиёда. Кўҳистондан то Каспий денгизигача”² номли асарида Самарқанднинг ўзига хос хусусиятлари, Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Бибиҳоним каби тарихий меъморий-обидалар, Амир Темурнинг тахти равони учун пойдевор бўлган кўктош ҳақида кенг маълумотлар берилган.

Бундан ташқари асарда Кўҳистон (ҳозирги Панжикент), Чотқол, Бухоро, Фарғона, Амударё ҳавзалари ва Хива хонлиги худудлари ҳам киритилиб, улардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт этнографик маълумотлар асосида ёзиб қолдирилган. Масалан, Хива ҳақида тўхталганда,

¹ Bonvalot G. En Asie centrale. De Moscou en Bactriane. – Paris: E. Plon, Nourrit et C^o. 1884. – 309 p., carte.

² Bonvalot G. En Asie Centrale. Du Kohistan a la mer Caspienne (voyage de 1880–1882). – Paris: E. Plon, Nourrit et C^o, 1885. – P.308.

Петро-Александровск қалъасига алоҳида таъриф берилиб, унинг ким учун мўлжалланганлиги, ҳарбийлар, зобитлар ва келган меҳмонлар учун аҳамияти алоҳида баён қилинган.

Г. Бонвало экспедицияси унинг ўзи ҳам таъкидлаганидек, Осиёнинг ўтмишини ўрганиш билан бирга унинг географиясига ҳам эътибор қаратган¹. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига уюштирилган сафарларидан катта таассурот ва янгиликлар олиб, Францияга маданий коллекция намуналари билан қайтган.

Анри Мозер (Henri Moser, 1844–1923) Марказий Осиё минтақаси бўйлаб амалга оширган саёҳати асосида “Марказий Осиё бўйлаб. Қирғиз даштлари, Туркистон, Бухоро, Хива, Туркман ўлкалари ва Эрондаги саёҳат таассуротлари”² номли мемуар характерига эга бўлган асар яратган. Унда Тошкент, Самарқанд ва Бухоро ҳудудларида кечган ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, давлат бошқаруви, маданий жараёнлар ва этнографик маълумотлар кенг ёритилган, саёҳатнинг йўл хариталари ҳам илова қилинган. Муаллиф Россиядан олиб келтирилган маҳсулотлар бозорларни тўлдириб юборганлигини алоҳида таъкидлайди³. Шунингдек, амир Музаффархон ва Россия ўртасидаги муносабатлар ҳам кенг ёритилган⁴. Бухоро амирлигининг урф-одатлари ва сарой ҳаёти, аҳолининг яшаш тарзи ҳақидаги маълумотлар ҳам

¹ Bonvalot G. En Asie Centrale: Du Caucase aux Indes. – Paris: Plon, 1989. – P.8.

² Moser H. A travers l'Asie Central. La steppe kirghize, le Turkestan russe, Boukhara, Khiva, le pays des Turcomans et la Perse. Impression de voyage. – Paris: Societe d'edition scientifique, 1885. – P.463.

³ Moser H. A travers l'Asie Centrale. La steppe kirghize, le Turkestan russe, Boukhara, Khiva, le pays des Turcomans et la Perse. Impression de voyage. – Paris: E. Plon, Nourrit et C ie, Imprimeurs-Éditeurs, 1885. – P.56.

⁴ Швейцарец о Туркестане // Новости. 1885. №312. Туркестанский сборник. Т.101.

келтирилган. Унинг сафарлари натижасида йиғилган қимматли коллекция кейинчалик Берн тарихий музейига топширилган¹.

Марказий Осиё минтақасига 1894–1895 йилларда махсус илмий экспедиция билан ташриф буюрган Жан Шаффанжон (Jean Chaffanjon, 1854–1913) мутахассислиги бўйича табиатшунос бўлиб, у Лион илмий-тарихий музейининг ходими ҳисобланган². Ушбу илмий экспедиция Франция маориф вазирлиги томонидан ташкил этилиб, “Марказий Осиё ва Сибирдаги француз илмий экспедицияси” (Mission scientifique en Asie Centrale et Sibirie) деб номланган. Экспедиция раҳбари Жан Шаффанжон билан бирга миссияда Генрих Манжини ва Людвиг Ге каби табиатшунос олимлар ҳам иштирок этган. Саёҳат давомида йирик коллекция йиғилган³. Туркистон даврий матбуоти бундай экспедициялар фаолиятини ҳатто энг майда тафсилотлари билан ёритиб борган⁴.

Шаффанжон томонидан Самарқанд Афросиёб ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар муваффақиятли бўлмаган, чунки экспедиция аъзолари учун шаҳарнинг тарихий аҳамиятини ўрганиш эмас, аксинча, минтақада қадимги цивилизация мавжудлигини исботловчи ноёб санъат намуналарини излаб топиш мақсади муҳим эди. Шу мақсадда асосий эътибор имкон борича кўпроқ топилма қазиб олишга қаратилган. Шаффанжон қазишма ишларидан қоникмагач, рус ҳукуматидан сапёрларни жалб этишни сўраб мурожаат этган. Пороҳ ёрдамида портлатилган ҳудудларда отилиб чиққан мод-

¹ Dictionnaire historique e biographique de la Suisse. v.5. p.21. Neuchatel, Adminstration de la dictionnaire historique et biographique de la Suisse. 1930.

² Gorshenina S. La Route de Samarcande. L'Asie Cenrale dans l'objectif des voyageurs d'autrefois. – Genève: Editions Olizane, 2000. – P.295.

³ Отправление ученой экспедиции господина Шаффанжона в путешествие // Туркестанские ведомости. 1895, 23 март (4 апрель). №22 (№1354).

⁴ Туркестанские ведомости. 1895, 9(21) марта. №18.

дий ашёвий манбалар йиғиб олинган. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг натижасида Афросиёбга катта зарар етказилган¹.

Бутун саёҳат давомида Шаффанжон янги топографик асбоблар – орограф ва циклографлар ёрдамида йўлни топографик планда, ер чизигини 40 верстгача бўлган кенгликда тасвирга туширган².

Ж. Шаффанжоннинг Туркистондаги тадқиқотлари давомида йиғилган коллекцияни Парижга олиб кетиш масаласи катта шов-шувларга сабаб бўлган. Бундай моддий топилмаларнинг хорижга чиқиб кетишининг олдини олиш таклиф этилган³. Ж. Шаффанжон Парижга қайтгач, “Journal des Debats” саҳифаларида илмий экспедиция ҳақида қизиқарли маълумотлар эълон қилган⁴. Унда Пойканд, Марв, Байрамали ва Афросиёб худудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар, Амир Темурунинг Самарқанд ва Жиззахда қурдирган тарихий ёдгорликлари ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган⁵.

“Париж география жамияти” аъзоси, сайёҳ ва фотограф Гюго Крафт (Hugues Krafft, 1853–1935) томонидан 1898–1899 йилларда Каспий ортига саёҳат режалаштирилиб, Туркистон орқали амалга оширилган. Саёҳат

¹ Горшенина С. Первые опыты российских и французских археологов в Русском Туркестане (70-е – 90-е гг. XIX века): методика исследований и судьба коллекций // svetlana.gorshenina.free.fr/2RU32_Arkheol_Tuck_CultCenn

² Отправление ученой экспедиции господина Шаффанжона в путешествие // Туркестанские ведомости. 1895, 23 март (4 апрель). №22 (№1354).

³ Об отправлении коллекции путешественника Жана Шаффанжона во Францию // Туркестанские ведомости. 1895, 16 (28 апрель). №27 (№1359).

⁴ Господин Шаффанжон о своем путешествии (Journal des Debats 24 decembre, 1896) // Туркестанские ведомости. 1897, 19 (31 январь). №5 (№1530).

⁵ Отправление ученой экспедиции господина Шаффанжона в путешествие // Туркестанские ведомости. 1895, 23 март (4 апрель). №22 (№1354).

унинг шахсий маблағлари эвазига олиб борилиб, давлат ташкилотлари томонидан таъминланмаган. Унинг сайёҳлик сафари натижаларида йиғилган материаллар асосида яратилган мемуар асарида¹ шаҳарсозлик масалаларига эътибор қаратилган бўлиб, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Марғилон, Андижон, Хўжанд, Қўқондаги шаҳар инфратузилмаси – бозорлар, дўконлар, чойхона, хиёбонлар, хунармандчилик, саноат, маданий муассасалар таърифланган. Шунингдек, Самарқанднинг йирик тарихий обидалари Гўри Амир, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Регистон ҳақида маълумотлар келтирилган. Самарқанднинг македониялик Александрдан мўғуллар истилосигача бўлган давр тарихи баён қилинган.

Г. Крафтнинг мазкур асарида маҳаллий аҳоли, яҳудий ва русларнинг кийимлари², анъанавий хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш жараёнлари ҳақида этнографик маълумотлар ўрин олган.

Жозеф-Антуан Кастанье (Joseph-Antoine Castagné, 1875–1958) бошқа саёҳатчилардан фарқли равишда, қарийб 10 йил давомида (1912–1921) минтақанинг деярли барча жойларида бўлган. Ж. Кастаньенинг хотиралари Нормандия география жамияти бюллетенида “Марказий Осиёда. Саёҳат хотиралари” номли мавзуда чоп этилган³. Асарда Тошкент аҳолиси, унинг яшаш тарзи, миллий урф-одат ва қадриятлари, шунингдек, шаҳар қиёфаси, хиёбонлари ва йўллари, шаҳарсозлик анъаналари, ишлатилган хом ашё, архитектура услуби каби масалалар ўз аксини топган.

Саёҳатчининг таассуротлари асосида таълим тизими,

¹ Krafft H. A travers le Turkestan Russe. – Paris: Hachette et C^o, 79, B^D Saint-Germain, 1902.

² Ўша жойда. – Б.125–161.

³ Castagne J. Notes des voyage en Asie Centrale. – Rouen: Imprimerie E. Cagniard. 1908. – P.17.

хусусан, Хўжа Аҳрор мадрасасидаги таълим жараёни, талабаларнинг ёши, миллий таркиби, таълим бериш методологияси ва яшаш шароити кенг ёритилган. Саёҳат якунида Тошкентнинг янги қисмида бўлган Ж. Кастанье музей ва кутубхонада бўлиб, уларга қуйидагича таъриф беради: “Тошкент музейи бой этнографик ва археологик коллекцияларга эга. Бутун Туркистон тарихи бекорга вақт сарфлаб изланадиган Европа музейларида эмас, шу ердаги бир неча бўлимларда акс эттирилган”¹. У музей залларини бирма-бир шарҳлаб, унда йиғилган экспозицияларга ҳам тўхталиб ўтган.

Париждаги “Осиё жамияти”нинг аъзоси Жьют Тоннелиер (Jules Thonnelier) томонидан 1869 йилда “Кўқон хонлиги тавсифи. Марказий Осиё географик луғати”² деб номланган асарда, Туркистон шаҳарлари тарихига оид ажойиб маълумотлар ёзиб қолдирилган. Ушбу манба гарчи катта ҳажмга эга бўлмаса-да, тарихий ва географик жиҳатдан бой маълумотларни қамраб олган.

Мазкур асарнинг аҳамияти шундаки, муаллиф шаҳарларни алифбо тартибида, транскрипция билан, манчжур ва хитой иероглифларида ҳам берган. Бундан ташқари ҳар бир жой номлари ўша мамлакатнинг маҳаллий тилида ҳам келтирилган. Шунингдек, ҳар бир жой номи Хитой ҳамда Шарқнинг мусулмонлар сўзлашадиган тиллардаги манбалардан кўчирилиб, таржимаси билан келтирилган. Унинг илмий қиймати ҳам шундаки, хитой тилидаги ва манчжур манбалари шаҳарлар тарихини ўрганиш йўналиши бўйича илк бора илмий муомалага киритилган. Аксарият ҳолларда ушбу манбалар фақат Темурийлар ва мўғул манбалари учун фойдаланилган

¹ Castange J. Notes des voyage en asie Centrale. – Rouen: Imprimerie E. Cagniard. 1908. – P.7.

² Thonnelier J. Geographie de l'Asie Centrale. – Paris: Maisonneuve&Cie, 1869. – P.53.

эди. Асарнинг “Манчжур-хитойча географик луғат” деб номланган асосий қисми шаҳарсозлик бўйича қимматли манба ҳисобланади. Ушбу нашр француз шарқшунослигида манбалар яратиш методологиясининг биринчи даврига тўғри келади. Муаллиф Марказий Осиё минтақасига шахсан ташриф буюриб, кўриб ёзган эмас. Аксинча, Осиё жамияти қошида шарқ муаллифларининг қўлёзмлари ва асарлари мажмуасидан иборат бой кутубхона мавжуд бўлиб, асар ундан фойдаланган ҳолда яратилган.

“Манчжур-хитойча географик луғат”ни ёзишда нафақат хитой ва манчжур манбаларидан, балки араб, форс ва турк географларининг асарларидан ҳам фойдаланилган¹.

Асарда тартиб билан Андижон, Ўш, Наманган, Норин дарёси, Хўжанд, Қўқон, Фарғона (шаҳарлари – Ахсикент, Ўзган), Тошкент, Тароз, (Talaz), Марғилон каби Қўқон хонлигининг барча шаҳарлари ҳам таърифланган.

Туркистонда темир йўл қурилиши Фердинанд де Лессепс, Йоахим Барранд, Леон Кошар, Фернанд Анжениер, Маркиз Дэ-Вогюэ, Октава Диаманти тадқиқотларида ўз аксни топган.

Йирик муҳандис, француз дипломати Фердинанд де Лессепс (Ferdinand Marie de Lesseps, 1805–1894) томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага кўра Россия ҳудудларидан Оренбург орқали Ҳиндистон чегаралари ва Пешоваргача давом этадиган темир йўл қуриш тавсия этилган. Лессепс режаларига кўра 3.740 км. темир

¹ Edrisi. Géographie d'Edrisi. Vol.1-2. Traduite par Jaubert Pierre, Amédée Emilien. – Paris, 1836–1840; Aboulféda. Géographie. Traduite de l'arabe par M.M. Reinaud et Stanislav Guyard et accompagnée de notes et d'éclaircissements. – Paris: Imprimerie Nationale, 1848–1883, 2 Tomes en 3 Vol.; Ibn Khordadbeh. Le livre des routes et des provinces. Traduit de l'arabe par Ch. Barbier de Meynard. – Paris, 1865; Мақоуди. Les prairies d'or. Texte et traduction par Ch. Barbier de Meynard et Pavet de Courteille. – Paris, 1861–1877. T.1–9.

йўл қурилишини назорат қилиш учун махсус комиссия тузилади¹. Қурилиши режалаштирилган темир йўл Оренбургдан Самарқандгача ва унинг Самарқанддан Пешоваргача бўлган қисми 1200 км.ни ташкил этган. Оренбургдан бошлаб Тошкентгача бўлган масофа рус ҳарбийлари томонидан ўрганилган². Ф. Лессепс Туркистон ҳудудларидан ўтиши керак бўлган жойларни таърифлашда Самарқандга алоҳида тўхталади³.

Темир йўл қурилиши муҳандиси касбига эга бўлган Йоахим Барранд (Joachim Barrande, 1799–1883) томонидан чоп этилган “Courte exposition de mon projet pour le Turkestan russe”⁴ (Туркистон ҳақидаги лойиҳанинг қисқача намойиши) номли асар “Туркистонда темир йўлнинг қурилиши”, “Каналлар ва суғориш тизимининг ҳолати”, “Бой минералларни қазиб олиш йўллари” деб номланган уч қисмдан иборат бўлиб, унда минтақада темир йўл қурилиши ўта аниқликдаги ҳисоб-китоблар ва чизмалар асосида берилган.

Леон Кошар (Leon Cochard) томонидан ёзилган “Париж–Бухоро–Самарқандга саёҳат кундалиги”⁵ номли асар сайёҳнинг шахсий кечинмалари асосида яратилиб, бевосита Марказий Осиё тарихига бағишланган. Экспедициянинг асосий мақсади темир йўл қурилишини ўрганишдан иборат эди. Саёҳатчи Бухоро амирлиги ҳуду-

¹ Новое великое предприятие Фердинанда Лессепса // Новости. 1873. №134. Туркестанский сборник. Т.72. – Санкт-Петербург: А. Бенке, 1873–1875. – С.247.

² Речь г. де Лессепса о среднеазиатской железной дороге, в заседании 4-го июля парижского географического Общества // Московские ведомости. 1873. №207. Туркестанский сборник. Т.72. – Санкт-Петербург: А. Бенке, 1873–1875. – С.260.

³ Ўша жойда. – Б.261.

⁴ Courte exposition de mon projet pour le Turkestan russe. – Туркестанский сборник. Т.197.

⁵ Cochard L. Paris–Boukara–Samarcande. Notes de voyage. – Paris: Librairie Hachette et Cie 79, boulevard Saint-Germain, 1891. – P.147.

дида бўлиб, темир йўлнинг қурилиши ҳақида батафсил маълумот беради¹. Шунингдек, асарда Амударё кўпригидаги қурилиш, иш олиб бориш воситалари ҳамда кўприк қуриш учун фойдаланилган қурилиш материаллари билан бирга, Бухоро шаҳри, дарвозалари, бозорларда сотиладиган асосий маҳсулотлар, мадрасалар таълими, уларнинг молиявий таъминоти ҳамда таълим олиш тизими каби масалалар ҳам акс этган.

Юқорида қайд этилган асарлар Франциядаги машҳур нашриётларда чоп этилиб, Европа тарихшунослигида муносиб ўрин топган. Шунингдек, Марказий Осиёдан олиб кетилган моддий топилмалар Лувр, Берн, Гиме ва Трокадеро музейларида бугунгача сақланиб келинмоқда.

2-§. Немис тилидаги тадқиқотлар

Марказий Осиё ва Ғарбий Европа халқлари ўртасида Буюк Ипак йўли фаолияти доирасида бошланган маданий, савдо алоқалари Амир Темур даврига келиб элчилик алоқаларининг қўйилиши билан янги мазмун касб этиб, фаоллашди. Бироқ XVI асрдан бошлаб бу муносабатлар сусайиб, кейинги асрларда деярли тўхтаб қолган эди. Бир неча асрлик танаффусдан сўнг XIX аср ўрталаридан бу муносабатлар яна фаоллаша бошлади. Аммо бу даврдаги муносабатлар бошқача мазмунга эга бўлиб, у ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Россия империясининг мустамлакачилик манфаатлари доирасида кечди. Бу ҳолат Германия билан муносабатларда, айниқса, яққол намоён бўлди.

Германияда шарқшунослик тадқиқотлари ҳам тилшунослик, ҳам туркология йўналишларида шаклланган

¹ Cochard L. Paris-Boukara-Samarcande. Notes de voyage. – Paris: Librairie Hachette et Cie 79, boulevard Saint-Germain, 1891. – P.90.

бўлиб, бу анъаналар кейинчалик Россияга ҳам кўчди ва бунда немис шарқшунос олимларининг таъсири катта бўлди.

1845 йилда Германиянинг Дармштадт шаҳрида ташкил этилган немис шарқшуносларининг биринчи илмий жамияти Осие (Океания ва Африка) мамлакатларининг тили, маданияти ва тарихи билан шуғулланар эди. Кейинчалик энг муҳим немис шарқшунослик нашрларидан бирига айланган “Немис шарқшунослик жамияти журнали” чиқа бошлади. Ушбу журнал саҳифаларида туркология, исломшунослик, шарқ манбашунослигига оид асосий илмий мақолалар учрайди. Бунга қадар чоп этилган “Ausland” (1827 йилдан), “Globus” (1844 йилдан) номли журналларда кўпроқ оммабоп характерга эга бўлган географик ва тарихий-этнографик маълумотлар чоп этилар эди. 1830–1870 йилларда ушбу нашрларда Марказий Осиега оид қатор мақолалар чоп этилиши немис шарқшуносларининг минтақа халқлари тарихи ва ҳаётига қизиқишидан далолат беради.

Россия империяси Туркистонда унинг захираларини ўрганиш ва улардан унумли фойдаланишда малакали ва билимли кадрларга муҳтож эди. Гарчи Россиядан ўлкага жуда кўп олимлар ва илмий жамиятлар ходимлари жалб этилса-да, амалий ҳаракатларни амалга оширишда тажрибали кадрларга эҳтиёж катта эди. Шу боис бу даврда Россия империясининг таклиф ва буюртмалари асосида Германиядан Туркистон ўлкасига жуда кўп немис мутахассислари ташриф буюриб, тадқиқотлар олиб бордилар, амалий фаолиятга жалб этилдилар.

Улар орасида табиатшунослар, ҳарбий топографлар, зобитлар, инженер-муҳандислар ҳамда шарқшунос ва этнографлар бор эди. Уларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, Берлин, Вюрцбург, Гёттинген, Йена, Магдебург,

Дрезден ва бошқа олийгоҳларда таҳсил олган, дарс берган ёки тадбиркорлик билан шуғулланган мутахассислар бўлиб, кейинчалик ўз таассуротлари ва тадқиқотлари асосида асарлар, мемуарлар нашр қилдилар.

Ўлкада кенг тадқиқотлар олиб борган немис мутахассисларидан бири Макс Албрехт¹ (Max Albrecht, 1851–1925) бўлиб, 1893 йилнинг кузида у турмуш ўртоғи билан Туркистонга келади. Унинг ушбу сафар жараёнида аниқлаган маълумотлари ва таассуротлари асосида ёзилган асари ўлка тарихи ва ҳаётига оид бой маълумотларга эгаллиги билан ажралиб туради².

Макс Альбрехт ўз изланишлари асосида қачонлардир Зарафшон дарёси Чоржўй шаҳри яқинида Амударёга қуйилган, кейинчалик Амударёдан 12 км шимолда қолиб кетган, деган хулосага келади. Амударёнинг номига тўхталиб, хитойчада “Нон дарё”, яъни мамлакатни боқувчи дарё маъносини англатишини, юнонлар Окс ёки Бактра, араблар Жайхун, форслар Рудхоне, Амударё бошланган Помир тоғларида уни Панж деб аталганини қайд этади³. Дарёларни таърифлаб, Амударё бир томондан Бухоро, бошқа томондан Афғонистон, Туркистон ва Хива чегараларини ташкил этиб, Орол денгизига уч қисмга бўлиниб қуйилади, Амударё соҳилларида ёввойи чўчқа, шоқол ва ҳатто йўлбарслар ҳам мавжуд, деган фикрларни келтиради. Зарафшон воҳасини эса ер юзидаги энг серҳосил ва энг кўкаламзор ҳудуд эканлигини алоҳида эътироф этади⁴.

¹ Германиялик саноатчи, нефть соҳасида ишлаган олим, нефть, газ, кўмир қазиб чиқаришга доир талайгина илмий асарлар муаллифи, ўзи асос солган Германия нефть ассоциациясининг биринчи раиси. 20 йилдан ортиқ рус ҳукумати хизматида бўлган.

² Albrecht M. Russisch Zentralasien. Reisebilder aus Transkaspien, Buchara und Turkestan. – Hamburg, 1896.

³ Уша жойда. – Б.73.

⁴ Уша жойда. – Б.74.

Макс Альбрехт ўз асарида қатор шаҳарларга таъриф беради. Жумладан, руслар ташкил қилган Янги Бухоро (Когон) ва Бухоро шаҳарларини батафсил таърифлайди.

У ҳар икки шаҳарнинг инфратузилмасини батафсил таърифлаб, карвонсаройларга алоҳида тўхталиб ўтади. Чунончи, Бухорода 40 карвонсаройдан 25 таси тошдан (пишиқ ғишт назарда тutilган), 15 таси ёғочдан қурилганлиги, тош карвонсаройлардан 9 таси амирга тегишли бўлиб, тадбиркорларга ижарага бериб қўйилганлигини, қолганлари жисмоний шахсларга, хайрия ёки таълим муассасаларига тегишли эканлигини, шаҳар ва унинг атрофида жами 150 та карвонсаройлар борлигини қайд этади¹.

Макс Альбрехт Бухоро девори атрофидаги ҳаёт Истанбул шаҳри атрофидаги ҳаётга нисбатан анча жонлироқ кечганлигини баён этади². У шаҳар девори, дарвозалари, уларнинг қурилиш тарихи, қабристонларига ҳам алоҳида эътибор қаратади, шаҳар аҳолисининг турфа ранг кийим бошларига, кийим матолари ва безакларига, уларнинг этник мансублигини кўрсатган ҳолда батафсил таъриф беради³. Айниқса маҳаллий тўқувчилар томонидан тайёрланган ипак ва ярим ипак матосидан тикилган беқасам тўнлари, аҳолининг ёши, ижтимоий мансублигига қараб ажралиб турадиган бош кийим – саллалар, телпакларини батафсил ёритади⁴.

Ўз кузатишлари асосида Макс Альбрехт Бухоро амири ва юрт беклари ўзбеклардан эканлигини таъкидлайди.⁵

Макс Альбрехт Бухоро аёлларининг кийиниш маданияти ва тақинчоқларини алоҳида эътибор билан таъ-

¹ Albrecht M... – Б.77–78.

² Ўша жойда. – Б.81.

³ Ўша жойда. – Б.86.

⁴ Ўша жойда. – Б.87.

⁵ Ўша жойда. – Б.91.

рифлаб, уларнинг косметика борасидаги билимларидан жуда ҳайратланади¹.

Муаллиф асарда Бухоро аҳолисининг сони (80–100 минг атрофида), шаҳар майдонида жойлашган мачит, мадраса ва ҳовузлар (80 та)², 22 та бозорлар³, дўконлар, усти берк бино – чорсулар, уларнинг қурилиш тарихи ҳақида аниқ маълумотлар келтиради.

Макс Альбрехтдан роппа-роса 17 йил кейин Туркистонга қилган сафари натижасида ўз илмий асарини нашр этган яна бошқа бир немис тадқиқотчиси Ханс-Германн граф фон Швайнитц (Hans-Hermann graf von Schweinitz, 1865–1918) эди.

Граф фон Швайнитц Марказий Осиёда рафиқаси билан икки маротаба бўлган ва 1909 йилдаги иккинчи саёҳати натижасида “Шарқ саёҳатлари: Туркистон ва шимолий-шарқий Эронга саёҳат”⁴ номли асарини чоп этган.

Швайнитц ҳам асарида Бухоро шаҳрининг тузилишига алоҳида тўхталиб, унда шаҳар кўчалари, савдо дўконлари ва уларда сотилган маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари батафсил таърифланади. Унинг қайд этишича бозорларда қурол-аслаҳа ҳам сотилган⁵.

Швайнитц қайд этган маълумотларни Макс Альбрехт янада тўлдирган. У Бухорода телпакфурушлар бозори ёнидаги китобфурушлардан безакли, иллюстрацияли китоблардан тортиб ноёб жуда қимматбаҳо қўлёзмаларгача борлигини қайд этади ва Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” ҳамда Ҳофиз Шерозийнинг “Девони Ҳофиз” қўлёзмасини харид қилганини ёзади.

¹ Albrecht M... – Б.120.

² Ўша жойда. – Б.91.

³ Ўша жойда. – Б.93.

⁴ Schweinitz H. Orientalische Wanderungen in Turkestan und im nordöstlichen Persien. – Berlin, 1910.

⁵ Schweinitz H... – S.117.

Немис сайёҳларининг таърифида Бухоро бозорлари жуда батафсил, бир тартибда тасвирланади. Уларнинг қайд этишича, 1582 йил Абдуллахон томонидан қурилган тимда Самарқанд, Қўқон, Хитой, Россия, Ҳиндистондан келтирилган ипак, бахмал, ярим ипак, жун, пахтадан тўқилган мато ва рўмоллар сотилган. Ҳинд моллари бу ерда Қобул моллари деб аталган ва улар Ҳиндистондан Қобул орқали Бухорога етказилган. Афғонистон орқали Манчестердан пахтадан тўқилган саллалик мато келтирилган. Ушбу матолар рус фабрикаларининг Бухорода сотилган маҳсулотларига рақобат қилган. Маҳаллий бахмал ва ипак матолар сариқ, қизил ва мовий рангларда ишлаб чиқарилган. Ярим ипак, ярим пахта, ярим шойидан алача деб аталган мато тўқилиб ундан аёллар ва эркаклар чопони тикилган¹.

Немис муаллифларининг тадқиқотларида ўша даврдаги бозор инфратузилмаси, этнография, бозордаги нарх-наво ва амалдаги пул қиймати, саррофлар ҳақида кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Саррофлик билан яхудийлар ёки шакарпурилик ҳиндлар шуғулланган².

Макс Альбрехт Бухорони бир томондан Нижний Новгород ва Пешовар, иккинчи томондан Эроннинг шарқий вилоятлари ва Шарқий Туркистон оралиғидаги савдосотиқнинг туташган жойи, халқаро тижорат маркази, ер юзининг энг ҳосилдор худуди, аҳолиси гавжум пойтахт сифатида таърифлаб, бу ерга оқиб келадиган молларнинг бойлиги ва хилма-хиллигини қайд этади³.

Муаллиф Бухоронинг ташқи алоқаларини анча кенг таърифлаган. Унинг қайд этишича, бу даврда Қарши, Калиф, Мозори-Шариф, Бомиён, Қобул ва Пешовар худудларидан Афғонистон орқали Ҳиндистон билан савдо

¹ Albrecht M... – Б.95.

² Ўша жойда. – Б.97.

³ Ўша жойда. – Б.98.

қилинган. Ҳиндистондан бутун Марказий Осиёга тарқалувчи кўк чой келтирилган. Ҳиндистондан келтирилган индиго (нил бўёғи, тўқ кўк ранг), турли бўёқлар ва дори-дармонлар Бухородан Россияга юборилган. Инглизларнинг рўмол, саллалик матолар, қайишлар, пўлатдан ясалган моллари ҳам келтирилган.

Бухоро Ҳиндистонга хом ипак, қўй териси, рус молларидан эса самовар, чемодан, темир буюмлар, қўйма қозонлар, сигарет, гугурт, чинни идишлар юборган. 1886 йилда Хитойдан Бухорога ҳар бири 16 пуд юк кўтарган 5000 туядан иборат, яъни 80000 пудни ташкил этган ва умумий қиймати 6 720 000 рубллик чой ортилган савдо карвони келган. Сифат жиҳатидан русларникидан анча юқори бўлган бу моллар ўлкадаги русларнинг чой савдосига катта путур етказди. Ҳиндларнинг кўк чойи кўплаб чойхоналарда сотилган. Бозордаги тамадди-хоналарда паштетлар, қўй гўштидан кабоб, палов, барча турдаги ширинликлар, нонлар, қовун ва ҳ.к.лар ҳайратланари даражада арзон нархларда сотилган¹.

Макс Альбрехт ширинликлар харидор кўз ўнгида тайёрланиб берилишини эътироф этиб шундай дейди: “Ширинликлар сони бир легион”. Швайнитц ҳам бухорликлар учун ширинлик бозори ниҳоятда катта аҳамиятга эгаллиги ва аҳоли жуда кўп миқдорда ширинлик истеъмол қилишини таъкидлайди².

Сайёҳларнинг қайд этишича, ўша даврда ҳам Девоубеги масжиди олдида гўзал табиат манзарасига эга бўлган Лаби ҳовуз атрофидаги бозор ва кўча гавжум эди. Масжид олдида атрофи баланд, шохлари кенг тарқалган дарахтлар билан ўралган ҳовуз бўлган. Лаби ҳовузнинг иккала туташган соҳилларида мева бозори жойлашган.

¹ Albrecht M... – Б.99.

² Schweinitz H... – С.118.

Қарама-қарши соҳиллар бўйида чойхона ва сартарошхоналар бирин-кетин қурилган.

Муаллиф Лаби ҳовуз олдидаги майдонда эртақчи-машшоқлар, кўзбойлоғичлар, мўъжиза кўрсатувчилар ва бошқа сайёҳ гуруҳлар қўним топиб, атрофида томошатабларнинг йиғилганлигини, Лаби ҳовуз бўйидаги Девонбеги масжиди кунига ибодат қилувчилар билан тўлганлигини таърифлар экан, айниқса, жума кунлари ибодат қилувчилар масжиддан ташқаридаги майдонларда ҳам ибодат қилинганлиги, бу унда жуда гўзал таассурот қолдирганлигини таъкидлаган ва бухоролик мусулмонларнинг оммавий ибодатини “унутилмас гўзал манзара” деб таърифлаган¹.

Бухорода ислом динининг ўрни масаласида Макс Альбрехт шундай фикр билдиради: “Исмоил Сомоний ва унинг авлодлари (873–1004) Бухорони исломнинг таянчига айлантирдилар, у бу ердаги олий мактабларда таълим берган замонасининг буюк алломалари туфайли Марказий ва Ғарбий Осиё ислом оламининг ҳавасини келтирадиган даражадаги машхур илм-фан марказига айланди. Ушбу зотларнинг қабрлари ҳозир ҳам Бухорода эъзозланади. Бухоро ва унинг атрофидаги қабристонларда Сомонийлар давридаги авлиё олимларнинг бир неча юзлаб қабрлари жойлашган. Исмоил Сомоний ислом оламининг узоқ ўлкаларидан ҳам олимларни келтириб ғамхўрлик кўрсатган, улар учун олий мадрасалар ва кутубхоналар қурдирган. Исмоил Сомоний даврида қурилган мадрасалар сони бутун Марказий Осиё шаҳарлариникидан ҳам кўп бўлган. Шундай иншоотлар орасида Бухоро арки ҳам бўлган. Арк исломгача бўлган замонларда қурилган бўлса-да айнан Исмоил Сомоний томонидан анча катталаштирилган ва зеб берилган.

¹ Albrecht M... – S.103.

Исмоил Сомоний шаҳар ичидан оқиб ўтган канал (Зарафшондан чиқарилган канал) бўйида ёзги қароргоҳ – Сарой Молённи куради. Шаҳри руд деб аталган асосий канал бўйларида бошидан охиригача тош ётқизиб чиққан...” деган фикрларни ҳавас билан қайд этади¹.

М. Альбрехт Амир Темур ворислари ичида айниқса Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврига, унинг юрт ободончилиги, илм-фан равнақига қўшган ҳиссасига жуда юқори баҳо беради ҳамда бу борада Улуғбек ва бошқа темурий ҳукмдорлар давридаги маданий ҳаётни шундай баҳолайди:

“Буюк астроном, тинчлик ва илм-фан ҳомийси бўлган Улуғбек олий мактабларни кўпайтириб уларни ислом дунёсининг олимлари билан таъминлади. Унинг ҳукмронлигини темурийларнинг олтин даври деб аташ мумкин... Нафақат Темур ва Улуғбек даврида, балки Шоҳрух мирзо, Абу Саид, Хусайн Бойқаро даврларида ҳам Бухорода кўп бинолар қад ростлаган. Бир қатор олиму уламолар, фақиҳлар, шоиру тарихчилар, астроном ва математиклар темурийларнинг гуллаб-яшнаган даврида ўз асарларини яратганлар. Уларнинг кўпчилиги нафақат ислом дунёсида, балки Европа илм-фан оламида ҳам машҳур бўлган. Бухорода муҳим рассомчилик мактаблари мавжуд бўлган. Ўша даврда машҳур рассомлардан Беҳзод ва Шоҳ Музаффар, хаттотлардан Султонали, меъморлардан Муҳаммад Сабза ва Қавомиддин бор эди...”².

Немис сайёҳи анъанавий санъатга ҳам эътибор қаратади ва мусиқа, кўшиқ ва рақс санъати ривожлангани, мусиқачи ва бастакорлар жуда қадрлангани, Саидбадр исмли мусиқачи томонидан саҳналаштирилган “Ҳиротий” рақси Бухорода жуда машҳурлиги, чанг, дутор, тор ва бошқа мусиқий асбобларни чалишда моҳир бўлган

¹ Albrecht M... – Б.106–107.

² Ўша жойда. – Б.106–107.

бастакорлар жуда кўп бўлганлигини қайд этади. Муаллиф санъат гуллаб-яшнаган Темурийлар даврининг ёдгорликлари турли урушлар орқали вайрон этилганлигини афсус билан таъкидлайди. Немис тадқиқотчиси Шайбоний ва аштархоний ҳукмдорлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади¹.

Ислом динининг маҳаллий аҳоли ҳаётидаги ўрнига тўхталиб, Макс Альбрехт қуйидаги маълумотларни келтиради: “Арк яқинида жойлашган улкан Масжиди калонга амир ҳар куни соат 12 дан 14 гача келиб пешин ибодатини амалга оширган. Ҳафта охирида ушбу масжид ёпиқ бўлиб унинг калити аркда қўшбеги қўлида бўлган. Унинг ёнида баландлиги 60 метр пастки қисмининг айланаси 23 метр бўлган Минораи калон қад ростлаган. Жума кунлари 4 муаззин тўрт томонга қараб азон айтишган... Бухородаги кўп масжидлар мадрасалар билан боғланган. Бухоронинг ҳар битта кўчасида масжид бўлган. Бухоро руҳонийлари мустақил ташкилот бўлиб уларни охунд бошқарган. Охунднинг амир саройида таъсири катта бўлган”².

Альбрехтнинг маълумотига қараганда, Бухорода 103 та мадрасадан 60 таси асосий мадраса ҳисобланган. Мадрасаларда 10000 та талабага 1000 та мударрис сабоқ берган. Бу ерга Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Қошғар, Туркистон, Хива, Россия татарлари ва бошқа мусулмон мамлакатлардан келиб ўқишган. Мадрасада таълим олувчилар асосан 20 ва ундан катта ёшдагилардан ташкил топган... Таълим тизимини муаллиф 3 га – “Фикҳшунослик” факультети (мусулмон ҳуқуқи), “Тилшунослик” (араб тили талаффузи, грамматикаси, нотиклик санъати, шеърӣ вазнлар), “Фалсафа” факультети (ҳаёт донишмандлиги)га бўлинишини, мантиқ, фалсафа, айниқса мавҳум

¹ Albrecht M... – Б.111.

² Ўша жойда. – Б.115.

тушунчаларга оид фанлар, табиатшунослик, астрономия, тиббиёт, математика, метафизика ва баҳс-мунозара юри-тиш санъати ўқитилишини кўрсатиб ўтган¹.

Мадраса даромадларидан келиб чиқиб мударрислар 150 тиллодан 700 тиллогача маош олишган.

Александр Петцхольд (George Paul Alexander Petzhold, 1810–1889) Дрезден шахрида таваллуд топган машхур агроном-кимёгар бўлиб, тиббиёт ва жарроҳлик докто-ри, Дерпт (Тарту) университети қишлоқ хўжалиги ва технологиялар кафедраси профессори эди. Петцхольд Франция, Жазоир, Россия, Бельгия, Буюк Британия, Бол-тиқбўйи, Финляндияда илмий сафарларда бўлган сер-қирра тадқиқотчи бўлган. К.П. Кауфманнинг таклифи билан Петцхольд 1871 йил Туркистонга илмий экспеди-ция уюштирган ва шу асосда иккита илмий асари юзага келган.

Петцхольд ўзининг “Туркистон” номли асарида ўлка табиатининг флора ва фаунаси, халқнинг турмуш тар-зи, машғулотлари ва мамлакат келажаги каби масала-лар ўз ифодасини топган. Тадқиқотчи ўз асарида бу ерда яшовчи халқларнинг турмуш тарзини қиёсий таҳлил этиш натижасида Туркистон халқларининг ўзига хос-ликларини кўрсатиб берган². Туркистон таърифига оид асарида муаллиф минтақанинг аввал географик таъри-фини беради ва аҳолининг таркиби, урф-одатлари, аҳо-ли таркибининг жуда хилма-хиллигини баён этиб, кўч-манчи ҳаёт тарзини олиб борадиган, диний жиҳатдан будпараст бўлган қалмиқлар ҳақида тўхталиб ўтади. Бундан ташқари асарда дунган, таранчи, хитойликлар ҳақида ҳам маълумот берилади³.

Фритц Махачек (Fritz Machatschek, 1876–1957) немис

¹ Albrecht M... – Б.115.

² Petzhold A. Turkestan. – Leipzig, 1874. – S.32–33.

³ Ўша жойда. – Б.32–33.

геологи ва географи бўлиб, 1911–1914 йиллар мобайнида Туркистонга икки марта илмий сафар уюштиради. Ушбу илмий саёҳатлар Вена Фанлар академияси ва Вена география жамияти томонидан молиялаштирилган. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан шу пайтда Туркистонда илмий изланишлар олиб бораётган Махачек руслар томонидан асирга олинади. Рус Олий ҳарбий кўмондонлик қарори билан у асирликдан озод қилинади. Лекин рус ҳарбийлари унинг кундаликлари ва барча тўплаган материалларини (муаллифнинг турли чизма, харита ва суратларини) тортиб олиб қайтариб беришмайди, чунки Махачек жосусликда гумон қилинган. Муаллиф бу ҳақида афсусланиб шундай ёзади: “Тошкент кутубхоналарида Европада йўқ материалларни топган эдим. Лекин 1914 йил ноябрида ватанимга қайтаётганимда ўша материаллардан ҳам айрилдим...”

Махачекнинг Туркистондаги тадқиқотлари натижасида чоп этилган асарида¹ Туркистоннинг табиати, орографияси, гидрономикаси, геологияси, климатологияси, иқтисоди, этнографияси, топонимикасига оид шахсий кузатувлар натижасида олинган маълумотлар жамланган. Махачек Туркистоннинг македониялик Александр даври, Турк хоқонлиги ва араблар босқини, мўғуллар ва шайбонийлар, Туркистонда руслар ҳукмронлиги давридаги тарихи ҳақида батафсил маълумотлар тўплайди. Ўлканинг этник тузилишига оид қисмида ўзбек, тожик, қирғиз, қорақирғиз, туркман ва бошқа халқлар ҳақида сўз боради. У кўчманчи ва ярим кўчманчилар, камсонли халқлар, хусусан, татарлар, эронийлар, араблар, ҳиндлар, Бухоро яхудийлари ҳақида маълумотлар келтиради². Аҳоли сони ҳақида тўхталиб, “Туркистонда евро-

¹ Machatschek F. Landeskunde von Russisch Turkestan. – Stuttgart, 1921.

² Ўша жойда. – Б.122.

паликлар жами 0,5 млн кишини ташкил этса, маҳаллий аҳоли миқдори 8 млн.дан ортишини қайд этади¹.

Махачек ўлканинг хўжалиги, иқтисодий муносабатларини ёритар экан, деҳқончилик, чорвачилик, тоғ-кончилик саноати, коммуникация ва савдо-сотиққа алоҳида эътибор қаратади². 1914 йилда Алфред Хеттнерснинг География журналида чоп этилган “Марказий Осиёнинг физикавий-географик ривожланиши” номли мақоласи ва бошқа илмий мақолаларида Туркистон геологиясига оид муҳим маълумотлар ўз аксини топган.

Тарихчи ва сиёсатчи Отто Хётч (Otto Hoetzsch, 1876–1946) Мюнхенда таълим олган, тарихчи олим бўлиб, Позен академияси ва Берлин Университети профессори бўлган. У Туркистон ҳақида илмий изланишлар олиб бориб, “*Russen in Asien*” (“Руслар Осиёда”) номли асар яратади ва унда Россиянинг Туркистонга ҳарбий юришлари ва истилоси ҳақида жуда батафсил маълумотлар келтиради³, минтақадаги геосиёсий вазиятни таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини илгари суради.

Фридрих Сарре (Sarre, Friedrich, 1865–1945) Берлинда таваллуд топган санъатшунос, шарқшунос ва археолог олим, Берлин музейи директори бўлиб ишлаган, ислом тарихига оид тарихий буюмларнинг йирик коллекционерни бўлган⁴. Ф. Сарре Германияда ислом археологияси ва санъат тарихининг асосчиси ҳисобланади. Кичик Осиё, Эрон ва Туркистонга сафари давомида жуда чиройли тарихий суратлар туширишга муваффақ бўлди. Ф. Сарре 1897–1898 йилларда Эронга, 1899–1900 йилларда Туркистонга сафар қилган. Ушбу сафар даво-

¹ Machatschek F. *Landeskunde von Russisch Turkestan*. – Stuttgart. – Б.123.

² Ўша жойда.

³ Hoetzsch O. *Russland in Asien. Geschichte einer Expansion*. – Stuttgart, 1966.

⁴ Deutsche Biographie. <https://www.deutsche-biographie.de>

мида олинган суратлар бугунги кунда ҳам жуда юқори илмий аҳамиятга эга. Ф. Сарренинг суратлари XIX аср охири – XX аср бошларидаги Туркистон ҳаётини, унинг манзараларини жонли акс эттирган¹. 1904 йилдан эътиборан В. Боденинг таклифига биноан Ф. Сарре Берлин музейининг исломшунослик бўлимида фаолият юритган. Бўлимнинг 600 дан ортиқ экспонати Ф. Сарренинг шахсий тўпламидан олинган, ушбу буюмларни у музейга ҳадя қилади. Ўз саёҳатлари давомида Ф. Сарре мусулмон санъатига доир буюмларни, айниқса гилам ва қўл-ёзмаларни сотиб олади. Натижада унинг қўлида ислом санъатига доир жуда салмоқли экспонатлар жам бўлади. Ф. Сарре ўзининг бой коллекцияларини Берлин, Париж, Мюнхен, Франкфурт шаҳарларида намойиш этади. 1928 йил Саррега Дрезден Техника олийгоҳининг фахрий докторлик унвони берилди. Ф. Сарренинг илмий мероси ҳам ўзининг серқирралиги билан ажралиб туради.²

П. Лерх (Petr Lerch, 1827–1884) шарқшунос ва археолог сифатида нафақат Германияда, балки Россия ва Туркистонда ҳам танилган, Санкт-Петербург университетида дарс берган. У Россия империясининг Хива хонлигига қарши ҳарбий экспедицияси давомида Хоразм билан танишиб, ушбу сафар натижасида 1873 йил Санкт-Петербургда унинг тарихий-географик ҳо-

¹ Sarre F. Transkaukasien – Persien – Mesopotamien – Transkaspien. Land und Leute. – Berlin, 1899.

² Die Berliner Goldschmiede-Zunft von ihrem Entstehen bis zum Jahre 1800. Ein Beitrag zur Kunst- und Gewerbe-Geschichte Berlins. – Berlin, 1895. Reise in Kleinasien. Sommer 1895. Forschungen zur seldjukischen Kunst und Geographie des Landes. – Berlin, 1896. Denkmäler persischer Baukunst. Geschichtliche Untersuchung und Aufnahme muhammedanischer Backsteinbauten in Vorderasien und Persien. 2 Bände. Wasmuth, Berlin 1901–1910. mit Ernst Herzfeld: Archäologische Reise im Euphrat- und Tigris-Gebiet (= Forschungen zur islamischen Kunst. Bd. 1, 1–4). 4 Bände.-Berlin, 1911–1920. Konia. Seldschukische Baudenkmäler (= Denkmäler persischer Baukunst. Bd. 1). Unter Mitwirkung von Georg Kreckler und Max Deri. – Berlin, 1921.

лати ҳақида махсус асар яратган. Унда Хоразмнинг қадимий тарихи, унинг номланиши, Амударё ўзанлари, воҳа каналлари ҳақида, ундан ташқари Истахрий ва Ибн Ҳавқал маълумотлари асосида Хоразм ва унинг суғориш тизимига эътибор қаратади, Хоразм табиати, аҳолиси, шаҳар ва қишлоқларини тасвирлайди. Тадқиқотчи ўрта аср манбаларидан кенг фойдаланиб, улардаги Хоразмга оид маълумотларни қиёсий таҳлил этган. Бунда у Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий, Идрисий, Дамашқи, Ёқут, Аҳмад ибн Фадлан каби муаллифлар қаламига мансуб шарқ манбаларидан ҳамда ўрта аср ғарб манбалари, хусусан, византиялик тарихчи Менандр асаридан унумли фойдаланган. 569 йилда Византия императори Юстин II нинг элчиси Земарх турк ҳоқони Дизабул ҳузуридан қайтаётиб, Оролнинг ғарбий соҳили бўйлаб юрганида тарихнавис Менандр унинг доимий ҳамроҳи бўлгани боис, ушбу саёҳат ҳақида батафсил маълумотлар қолдирган.

Тарихий адабиётларда қайд этилган маълумотлар асосида у XIV–XVI асрнинг биринчи ярмида Амударё Каспий денгизига қуйилган, деган хулосага келган. П. Лерх Марказий Осиё мутафаккирларининг фаолияти ва илмий меросига катта қизиқиш билан қараб, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ҳаёти ва илмий меросига юқори баҳо беради¹. Амударёнинг “икки соҳилида гуркираб ривожланган илмий фаолият тўсатдан ўчиб қолмаслиги, маърифат жуда қадимдан илмли бўлган ушбу халқлардан ёйилганлиги, Араб халифалигидан ажралиб мустақил бўлган давлатларда шеър санъати ва илм-фан дарғалари яшаганлиги², Ибн Сино 16 ёшида қадимий юнон файласуфлари Евклид ва Птолемей

¹ Lerch P. – Б.36.

² Ўша жойда. – Б.36.

асарларини ўрганиб, фалсафа, физика ва метафизика билан шуғуллангани, 100 дан ортиқ асарлар ёзгани, машҳур “Тиб қонунлари” асари 1491 йил Римда ибрей тилида, 1593 йилда араб тилида нашр қилингани, лотин тилидаги таржималарининг сони 30 дан ортиқлиги, Беруний билан илмий мунозаралар олиб борганлигини қайд этади¹.

Ҳарбий тадқиқотчи Георг Крамернинг (Georg Kraemer)² 1874 йилда немис тилида ёзилган “Россиянинг Осиёдаги чегараси”³ деб номланган асарида у эксперт сифатида рус армиясининг Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларини таҳлил қилган. Кейинчалик Крамер “Россия Осиёда” деб номланган 7 жилдлик асарлари билан географ олим сифатида шуҳрат қозонади⁴. Ушбу асарларда Марказий Осиёнинг турли халқлари, минтақанинг ўттизга яқин шаҳарлари, иқлими, хўжалиги ва савдо-сотиғи ҳақида кенг маълумот берилган эди.

Вилли Рикмер Рикмерс (Willi Rickmer Rickmers, 1873–1965) немис альпинисти ва тадқиқотчиси сифатида 1903, 1913, 1928 йилларда Кавказ, Помир, Марказий Осиё тоғларига саёҳат қилган. У ўз олдига Марказий Осиёни ўрганишни мақсад этиб қўйган эди. Кўплаб экспедицияларда унга альпинист, тоғ чанғиси устаси, шарқшунослик соҳасида яхши маълумотга эга бўлган рафиқаси Мабель ҳамроҳлик қилган. Уларнинг иккаласи ҳам маҳаллий аҳолининг турмуши ва шарт-шароитларига катта қизиқиш билан қарашган. Биргаликда ўтказилган 11 экспедициядан 5 таси Туркистонда

¹ Lerch P. – Б.36–37.

² Пруссия армиясига хизматда бўлган ва Пруссия Ҳарбий Академиясида ўқиган, рус тилини мукамал ўзлаштирган, Россия бўйича етук эксперт ва рус ҳарбий соҳаси билимдони қатор мақолалар ёзган ҳарбий тадқиқотчи.

³ Kraemer G. Russlandsasiatische Grenzlande. Berlin. 1874.

⁴ Kraemer G. Russen in Mittelasien. (Reprint der Ausgabe Leipzig. 1897). Muenster; Hamburg, 1994.

амалга оширишган¹. Уларнинг илк сафарлари Бухоро амирлигига йўналтирилган эди. 1894, 1896, 1898 ва 1906 йилларда амалга оширилган тўртта экспедиция давомида асосан шарқий Бухоронинг европаликларга ҳали номаълум тоғли ҳудудлари ўрганилган. Дастлаб экспедицияларни ўз шахсий ҳисобидан амалга оширишган, аммо 1913 йилга келиб Немис-Австрия альпинистлар клуби уларнинг экспедициясини “илк расмий экспедиция” сифатида молиялаштирган. В. Рикмерс ўз илмий экспедициялари натижасида тўпланган маълумотлар асосида инглиз тилида “The Duab of Turkestan” (“Туркистондаги икки дарё оралиғи”) номли асарини чоп этган. Унинг асарларида Туркистон ландшафтлари, географияси, топографияси, геологияси билан бир қаторда ўлка тарихи ва этнографиясига қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Ўз маблағига Марказий Осиёга учта илмий экспедиция ташкил этган немис тадқиқотчиси Ричард Каруцдир (Richard Karutz, 1867–1945). У 1903, 1905 ва 1909 йилларда Туркистонда бўлиб, осори атиқалар тўплайди ва 1913 йил Любек шаҳрида этнографик музей очади. Р. Каруц туркман ва қирғизларга бағишланган катта ҳажмли асар ёзган². У “Любек шаҳри география жамияти” хабарларида Туркистон шаҳарлари – Красноводск, Марв, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Қўқон ҳақида ўзининг таассуротларини баён қилган.

Хулоса қилиб айтганда XIX–XX бошларида Марказий Осиёга немис тадқиқотчилари амалга оширган илмий сафарлар, географик экспедициялар, дипломатик ва элчилик миссиялари жараёнида Туркистон тарихи, этно-

¹ Rickmers, W. The Duab of Turkestan. – Cambridge, England: Cambridge University Press, 1913. – P.564. 207 maps.

² Рихард Каруц. Среди киргизов и туркменов на Мангышлаке / перевод Е. Петри. – СПб., 1911.

графияси, этнологияси ва бошқа ижтимоий соҳаларга оид муҳим тарихий маълумотлар ва коллекциялар тўп-ланган бўлиб, улар Ўзбекистон тарихини янги маълумотлар билан тўлдиради.

3-§. Инглиз тилидаги асарлар

XIX аср ўрталаридан Марказий Осиёда авж олган инглиз-рус рақобати муносабати билан юзага келган геосиёсий вазиятда минтақага ғарб мамлакатлари, хусусан, Буюк Британиянинг қизиқиши кучайиб кетди. Ўрта Осиё хонликлари хорижий экспедициялар ва сайёҳларнинг тадқиқот объектига айланди. Бу даврда минтақага Буюк Британия, Франция, Германия, Дания, Швеция, АҚШ каби мамлакатлардан мунтазам равишда илмий экспедициялар, олимлар, хуфялар, давлат хизматчилари ва ҳарбий мулозимлар, илмий жамиятлар аъзолари ташриф буюра бошладилар, уларнинг кузатишлари ва олиб борган тадқиқотлари, таассуротлари асосида ёзилган сафарномалар, илмий адабиётлар, мақолалар, тузилган хариталар, мемуар асарлар чоп этилди.

Бу борада инглиз тилидаги даврий матбуот фаол иш олиб борган. Ўша даврнинг нуфузли “The Times” ва “The Daily Telegraph” газеталари, “Edinburgh Review”, “Economist”, “Journal of the Royal Geographical Society”, “Proceedings of the Royal Geographical Society”, “Geographical Magazine”, “The Geographical Journal” каби журналларида Марказий Осиё тарихи, табиати, иқтисоди ва бошқа масалаларига бағишланган юзлаб илмий мақола ва тадқиқотлар нашр қилиб борилди.

Илмий сафар ва миссиялар ташкилотчилари ва молиялаштирувчилари қаторида нафақат Буюк Британия ҳукумати, балки ўша даврда ниҳоятда нуфузли бўлган Ост-Индия компанияси ва қатор илмий жамиятлар ҳам

бор эди. Шундай жамиятлардан бири Қироллик Осиё жамияти бўлиб¹, унга 1823 йилда асос солинган ҳамда 1824 йилда Қироллик хартияси берилган². Бугунги кунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб келаётган мазкур жамият 1820 йилларда йилига 4 марта чоп этиладиган “The Journal of the Royal Asiatic Society” номли журнал таъсис этиб, унинг саҳифаларида мунтазам равишда тарих, археология, тил, дин ва санъатга оид мақолалар чоп этиб борилган.³ Унинг саҳифаларида Бухоро, Сомонийлар, Хоразмийлар ҳақида мақола, 1885 йилги охириг сонидан Амир Темур даври ва Бухорога оид кўплаб мақолалар чоп этилган.

1816–1845 йилларда эса Ост-Индия компанияси томонидан молиялаштирилган “The Asiatic Journal and Monthly Register for British India and its Dependencies” номли журнал фаолият олиб борди. Мазкур журнал 1830–1843 йилларда “The Asiatic Journal and Monthly Register for British and Foreign India, China, and Australasia”, 1843–1845 йилларда “The Asiatic Journal and Monthly Miscellany” номлари билан чоп этилган. Унинг саҳифаларида асосан Ост-Индия компанияси томонидан молиялаштирилган миссия ва экспедициялар материаллари чоп этилган.

Масалан, 1819–1825 йилларда Ост-Индия компанияси томонидан Марказий Осиёга юборилган ва сафар харажатлари молиялаштирилган В.Муркрофтнинг мақолалари шу журналда чоп этиб борилган ва у вафотидан сўнг ҳам унинг кундаликлари асосида мақолалар нашр этилган⁴.

¹ Four British Societies For Oriental Culture // Bulletin of the American Institute for Iranian Art and Archaeology, Vol.5, No.3 (JUNE, 1938). – P.270–271.

² <https://royalasiaticsociety.org/about-us/>; The Royal Asiatic Society // Middle East Studies Association Bulletin, Vol.25, No.2 (December 1991). – P.187–188.

³ <https://royalasiaticsociety.org/journal/>

⁴ Mr. Moorcroft // The Asiatic Journal and Monthly Register for British India and its Dependencies. Vol.21. 1826. – P.710–714.

Инглиз тилида амалга оширилган тадқиқотларнинг салмоқли қисми Британия Қироллик География жамияти мутахассислари томонидан амалга оширилган. Мазкур жамият дастлаб Лондон География жамияти номи билан олимларнинг норасмий учрашув ва муҳокама-лари маркази сифатида 1830 йилда фаолият бошлаган. Лондон География жамияти географияга оид билимларни ривожлантирувчи муассаса сифатида ташкил қилинган бўлиб, дастлаб қирол Виллям IV кўмагида фаолият юритган. 1859 йилда қиролича Виктория жамиятга “қироллик” мақомини бергач, у Британия Қироллик География жамиятига айлантирилди ҳамда унинг фаолиятида дунё бўйлаб Англия манфаатларини янада кучайтиришга хизмат қилувчи тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Африка, Жанубий-шарқий Осиё, Шимолий ва Жанубий кутблар ҳамда Марказий Осиё Британия Қироллик География жамияти тадқиқотлари объектининг асосини ташкил этар эди.

Жамият фаолиятида Африка ва Жанубий-шарқий Осиёда Англиянинг мустамлака сиёсатини олиб боришда кўмак бериш билан бирга, Марказий Осиёда ҳам Англия манфаатларини қарор топтириш ва Россия империяси таъсирини камайтириш, Марказий Осиё бозорларини эгаллаш мақсадлари устивор аҳамият касб этар эди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари жамиятнинг “The Journal of the Royal Geographical Society” журнали ҳамда унинг Британия География институти билан ҳамкорликдаги “The Geographical Journal” илмий нашрларида мунтазам чоп этиб борилган. Жамият Марказий Осиёга жўнатиладиган Британия экспедицияларини мунтазам малакали мутахассислар билан таъминлаб турган. Улардан Ҳ. Лансделл, Ф. Янгҳазбэнд, Ҳ. Ров-

лингсон, Делмар Морган, Ж.В. Хейворд каби тадқиқотчилар шулар жумласидан эдилар.

Жамиятнинг 1833 йилдан нашр этила бошланган журналида Марказий Осиёга оид қатор мақолалар чоп этилган. Муаллифларнинг аксарияти минтақага келиб, тўплаган маълумотлари асосида мақолалар чоп этганлар, шу билан бирга баъзилари эса, масалан, Делмар Морган рус тадқиқотчиларининг минтақадаги изланишлари ҳақида мақолалар чоп этган.¹

1901 йилда минтақага ташриф буюрган тадқиқотчиларни бирлаштириб, улар билан учрашувлар ташкил қилиш, маърузалар эшитиш мақсадида махсус Ўрта Осиё Қироллик Жамияти² ташкил этилади. Жамият нафақат инглизлар, балки Европадаги бошқа тадқиқотчиларни ҳам ўз аъзолигига қабул қилиб, ўзининг фаолиятига уларни ҳам жалб этади. Хусусан, ўша даврда дунёдаги энг машҳур немис альпинисти В. Рикмер ҳам Ўрта Осиё Қироллик Жамияти аъзоси бўлиб, унинг тадқиқотлари инглиз тилида шу журналда чоп этилган.³ Унинг мақолаларида ўша даврда Тошкент ҳамда бошқа ҳудудларда савдо-саноатни ривожлантириш масалалари, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари таърифи, маҳаллий аҳолининг этник таркиби, кийиниши, ижтимоий тарихи каби масалалар ўз аксини топган⁴.

Бу даврда АҚШда ҳам "American Association for the Advancement of Science" журналида Ўрта Осиё тарихига

¹ Morgan D. Progress of Russian Explorations in Turkistan // Proceedings of the Royal Geographical Society of London, Vol.14, No.3 (1869–1870). – P.229–235.

² Дастлаб "Марказий Осиё Жамияти" деб юритилган, кейин "Ўрта Осиё Қироллик Жамияти", бугунги кунда "Осиё масалалари бўйича қироллик жамияти" деб юритилади.

³ Rickmers R.W. Impressions of the Duab (Russian Turkestan) // Proceedings of the Central Asian Society. 1907. – P.9.

⁴ Rickmers R.W. Impressions of the Duab (Russian Turkestan) // Proceedings of the Central Asian Society. 1907. – P.10.

оид қатор мақолалар, жумладан, ўша даврда қурилган темир йўлнинг стратегик аҳамияти, Рафаэл Пумпелли томонидан олиб борилган археологик изланишлар, Марказий Осиё халқлари, Ҳиндистон ва Марказий Осиёни темир йўл орқали боғлаш лойиҳалари, Марв, Бухоро ва Самарқанд темир йўлларига оид мақолалар чоп этилди.

XIX–XX аср бошларида хорижда инглиз тилида чоп этилган нашрларнинг мазмуни ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, уларни қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

1. Ҳарбий-стратегик мақсадларда амалга оширилган тадқиқотлар. Бу йўналишда В. Муркрофт, Жорж Требек, Александр Бёрнс, Жеймс Аббот, Чарльз Стоддарт, Артур Конолли, Ричард Шекспир, А. Вамбери, Ф. Бёрнаби, Ж.В. Ҳейворд, Чарльз Марвин каби тадқиқотчилар асарларини қайд этиш мумкин;¹

2. Ўлкада илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Британия Қироллик География жамияти, АҚШ География жамияти ва бошқа илмий муассасалар томонидан жўнатилган тадқиқотчилар (Ҳ. Ланселл, Ф. Янгҳазбенд, Делмар Морган, Ж.В. Ҳейворд ва бошқ.) асарлари;

3. Британия ва АҚШдан ташриф буюрган ваколатли мансабдор шахслар (Ж.Н. Керзон, Ю. Скайлер ва бошқ.) сафар таассуротлари;

4. Умумий ва ҳарбий журналистика ҳамда публицистика йўналишида ёзилган асарлар. (Мак Гаҳан, Виллиам Эллой Кетис ва бошқалар).

Ғоявий асослари ва стратегик мақсадларидан қатъи назар, инглиз тилидаги асарларда минтақа табиати,

¹ Бу шахслар адабиётларда ва ҳужжатларда экспедиция аъзолари деб қайд этилсада, Чарльз Марвин ўзининг ("Reconnoitring in Central Asia", 1884) асарида уларнинг аксарияти махсус хизмат ходимлари бўлганини қайд этган.

тарихи, меъморий иншоотлари, аҳолининг урф-одат ва анъаналар, этник таркиби, шаҳар маданияти, ижтимоий ҳаёт, савдо, бошқарув тизими, иқтисод, қишлоқ хўжалигига оид турли тарихий маълумотлар қайд этилганлиги боис, улар орқали ғарб мамлакатларида минтақа тарихи ва ҳаёти ҳақидаги тасаввурлар шаклланганлигини қайд этиш лозим.

Европаликлар томонидан Ўрта Осиёга уюштирилган экспедиция ва сафарларнинг самарадорлигини оширишда ва улар томонидан чоп этилган ишларда ишончли ҳамда бирламчи маълумотларнинг акс этишида бевосита жалб этилган маҳаллий аҳоли вакилларининг ёки уларни яхши биладиган ҳамда маданий жиҳатдан яқин шахсларнинг иштироки муҳим бўлган.

Минтақага XIX асрда инглизлар томонидан дастлабки сафар 1825 йилда Британиянинг Ост-Индия компаниясининг ҳарбий зобитлари Виллиам Муркрофт ва Жорж Требеклар бошчилигида амалга оширилган. В. Муркрофт 1819 йилда Чарлз Меткалфедан ўзига губернаторлик томонидан Бухорога саёҳатга чиқишига рухсат берилган мактубни олади. Муркрофт миссиясининг қай даражада расмий бўлганлиги ҳалигача номаълум. Унинг саёҳати асосан Ост-Индия компанияси томонидан молиялаштирилган, шунингдек, унга Ҳарбий бошқарма томонидан ҳам маош тўланган, унинг сафарига рухсат бериш эса, тўлиқ Сиёсий бошқарма ваколатида эди.¹ Шунингдек, Осиё жамияти ҳам мазкур сафарни қўллаб-қувватлаган. В. Муркрофт экспедицияси аъзолари ўз кузатувларини кундаликларига мунтазам қайд этиб борганлар. Уларга Мир Иззатуллоҳ², унинг акаси ва ўғли,

¹ Alder G. Beyond Bukhara: The Life of William Moorcroft... Delhi. Low Price Publications. 2011. – P.210.

² 1812–1813-йилларда Мир Иззатуллоҳ В. Муркрофт топшириғи билан Ҳиндистондан йўлга чиқиб, тегишли маршрутларни ўрганиб, Ҳиндис-

Ғулом Ҳайдархон, Ҳафиз Муҳаммад Фазл¹ ҳамроҳлик қилганлар. Манбаларда қайд этилишича, Муркрофт Бухорога 70 киши ҳамроҳлигида, 80 сандиқ товарлар билан келган. Дастлаб кўшбегига учрашиб, ёрликни кўрсатган. Аслида мамлакат бозорида инглиз товарларини кенг ёйиш ва аҳоли хайрихоҳлигига эришиш мақсадида Муркрофт Амир билан суҳбатда мақсади от сотиб олиш, уларни Ҳиндистонга олиб бориб, кўпайтириш, кейин Англияга ҳам олиб бориш эканлигини маълум қилган. У амир билан учрашувда от сотиб олишга рухсат олишга эришган. Ўз хотираларида у Бухоро амирлигида саройда хорижликларни қабул қилиш, ҳукмдорнинг фазилатларига тўхтаб ўтган.

Муркрофт саёҳатидан 7 йил ўтиб, Ҳиндистон олий ҳукумати буйруғига асосан Бухорога яна бир инглиз сайёҳи, лейтенант Александр Бёрнс келади. Шотландия туғилиб, 16 ёшдан Британиянинг Ост-Индия компаниясида ҳарбий лавозимда хизмат қилган, дипломат, сайёҳ ва тадқиқотчи сифатида танилган бу шахс форс ва ҳинд тилларини яхши билган. А. Бёрнс Марказий Осиёга Ҳиндистондан борадиган йўлларни ўрганиш, Британиянинг бу ердаги бозорларни эгаллаш имкониятини аниқлаш мақсадларида 1831 йилда ҳукуматдан элчилик миссиясига рухсат олади ва Ҳиндикуш орқали Афғонистон, Эрон ва Бухорога сафарга чиқади. 1832 йилда Бухорога ташриф буюрган А. Бернс Бухоро кўшбегиси билан учрашишга муваффақ бўлади ва бу ерда бир ой давомида изланишлар ҳамда кузатувлар олиб боради. Унинг ўз

тондан Кашмир, Шарқий Туркистон, Қошғар, Қўқон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига келади ва Афғонистон орқали Ҳиндистонга қайтиб боради. Бунинг асосида форс тилида "Ahwali safari Bukhoro" китобини ёзади. Бу китоб дастлаб инглиз тилига, кейинчалик бошқа европа тилларига таржима қилинган.

¹ У бунга қадар бир неча марта Муркрофтнинг мактубларини Ҳиндикуш ва Балхга етказган.

ҳамроҳлари билан ташрифи чоғида аниқлаган маълумотлари, кундаликларини англиз ношири Жон Мюррей сотиб олади ва 1834 йилда 3 жилдли асар тайёрлаб, чоп этади¹. Асар жуда катта шуҳрат қозонади, биринчи кўниёқ 900 нусхаси сотиб олинади. Бу ҳол Европада Ўрта Осиёга, хусусан, Бухорога ва у билан алоқаларга бўлган қизиқиш нақадар кучли бўлганлигини намоиш этар эди.

Бу асарнинг биринчи жилдида А. Бёрнснинг Бухородаги бош вазир билан учрашуви, Бухоро регистони ва саройлари, минтақа тавсифи, шаҳарлари, тарихи, топографияси, аҳолисининг миллий таркиби, уларнинг ташқи кўриниши, кийим кечаклари, бозорлар фаолияти, инсонларнинг кийиниши, Бухоро ҳаммомлари, уларнинг шароитлари ва даромадлари, Бухоро тарихи каби масалалар ёритилган. Асарнинг иккинчи жилдида Бухоро амирлигининг бошқарув тизими, унинг даромадлари, ўзбекларнинг ҳарбий кучи ва руҳияти, мамлакатнинг ташқи сиёсати ва иқтисодий муносабатлари каби масалалар билан бирга қисқача Хива хонлиги, унинг қудрати ва ҳарбий салоҳияти, Хива-Рус муносабатлари ёритилган².

Асар А. Бёрнсга катта шуҳрат ва мартаба олиб келди. Унинг сафар натижалари асосида алоҳида тайёрланган ҳарбий ҳисоботи эса Британиянинг Марказий Осиёдаги кейинги сиёсатини белгилашда муҳим роль ўйнаган эди.

1840 йилда яна бир англиз зобити Ричмонд Шекспир Хивага келади. У Ғазнанинг англизлар томонидан

¹ Burnes A. Travels into Bokhara; being Account of a Journey from India to Cabool, Tartary and Persia... Vol.1. – London: John Murray, Albemarle Street, 1834.

² Туркистонда маҳаллий тадбиркорлик тарихи хорижий сайёҳлар талқинида // Мозийдан садо. 2008. №1. – Б.32–34.

ишғол қилинишида кичик зобит бўлиб қатнашган ва кейинчалик муҳим дипломатик миссияларга иштирок этган. У Мулло Муҳаммад Ҳасан, унинг ўғли Муҳаммад Довуд, Худойбердихон, Фозилхон ва аскарлар ҳамроҳлигида 1840 йилда Ҳиротдан йўлга чиқиб, 12 июнда Хивага етиб келади. Р. Шекспир сафари мобайнида адабиётларда “бепоён чўллар ва чорвачилик билан шуғулланувчи кам сонли аҳоли” ҳақида ўқиган тасаввурларига мутлақо зид манзарани, яъни узоқ километрларга чўзилиб, мамлакат бўйлаб ёйилган экинзор майдонлари, боғларни, ҳар бир ўз мол-ҳолига эга хонадонларни, ҳар ерда учраб турган от-араваларни, асосан ёғоч қурилмалар асосида қурилган, ер ости сувлари баланд бўлгани учун деворлар остига ёғоч ва тошлар ётқизилган, хоналари баланд уйларни кўрганлигини таърифлайди¹.

1840 йилнинг бошида Хива хонлигига келган ва у ерда бир муддат қолиб давлат расмийлари билан учрашган ва 3 марта хон қабулида бўлган Жеймс Аббот сафари ҳам қизиқарли таассуротлар ва маълумотларга эга эди. Унинг сафар таассуротлари асосида ёзилган асаарида Хива хонлиги бошқарув тизими, унинг шаҳарлари, қабул таомиллари, хонликда амалдорларнинг кийимлари каби масалалар, Хива ҳукмдорининг кўриниши, фазилатлари, хона интеръерлари таърифланган².

Бухорога икки марта – 1832 ва 1843 йилларда ташриф буюрган Британия миссионери Ж. Вольф ўзининг биринчи сафарида, яъни 1831–1834 йилларда Тур-

¹ Shakespeare R. A Personal Narrative of a Journey From Herat to Ourenbourg~on the Caspian, in 1840. Blackwood's Edinburg Magazine / 1842. T:51. №320. – P.712.

² Abbott J. Narrative of a Journey from Herat to Khiva, Moscow and St. Petersburg, During the Late Russian Invasion Of Khiva; with some account of the of the court of Khiva and the Kingdom of Khaurism. In two volumes. VOL.I.

кия-Эрон-Бухоро-Афғонистон-Кашмир-Ҳиндистон-Қизил денгиз йўналишида амалга оширган сафари мобайнида Бухоро қўшбегиси ва амир Насруллоҳон қабулида бўлган ҳамда ўз таассуротлари асосида махсус асар яратган. Унинг асарида Бухоро амирлиги бошқарув тизими, хорижлик элчи ва меҳмонларни кутиб олиш маросимлари, аҳолининг ижтимоий масалалари, уларнинг турмуш тарзи, мамлакатдаги таълим муассасалари ва уларда ўқитиш тизими, яҳудийлар аҳволи, қамоқхоналар ҳолати каби масалаларга оид маълумотлар ўрин олган¹.

Инглиз тарихшунослигида минтақа тарихига оид асарлар орасида машҳур бўлган тадқиқотлардан яна бири 1863 йилда Марказий Осиёда сафарда бўлган венгриялик Ҳ.А. Вамбери асари эди. Вамбери ўндан ортиқ ғарб ва шарқ тилларини билган, жуда кўп мамлакатларда яшаган, Истанбулда юқори доира вакиллари билан яқинлашиб, мусулмон давлат фуқароси эканлигини тасдиқловчи муҳим ҳужжатни қўлга киритган, ислом динидан яхши хабардор шахс сифатида жуда катта ҳаётий тажриба ва билимлар соҳиби эди. Унинг Марказий Осиёни ўрганишга иштиёқи жуда баланд бўлиб, турк амалдорлари ёрдамида ўзининг мусулмон ва турк фуқароси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни қўлга киритгач, ҳаж зиёратидан қайтаётган ҳожилар карвонига қўшилиб, дарвиш қиёфасида Эрон орқали Хоразмга ва ундан Бухорога кириб келади. Бу ерда у Бухоро қўшбегиси билан учрашишга ва унинг ишончини қозониб, мамлакатда эркин юришга рухсат олишга эришади. Бу ерда изланиш ва кузатишлар олиб бориб, ўз таассуротлари асосида

¹ Wolff J. Travels and adventures of the Rev. Joseph Wolff, D.D., LL. D: Vicar of Ile Brewers, near Taunton; and late missionary to the Jews and Muhammadans in Persia, Bokhara, Cashmeer, etc. [3] London, Saunders, Otley and Co., 1861. – P.559.

дунёга машҳур бўлган, бир неча тилларда қайта-қайта нашр қилинган машҳур асарини яратади¹.

Вамбери Британия Қироллик жамияти таклифи билан Англияга ташриф буюриб, бу сафари ҳақида маърузалар ўқийди, жамият аъзолигига қабул қилинади. Ўз билимлари ва асарлари, сафарлари билан бутун Европада шуҳрат қозонган А. Вамбери ўз юртида анча кеч, орадан 10 йил ўтгачгина Венгрия Академиясига қабул қилинади.

А. Вамберининг асарида ўзбек хонликлари, хусусан, Бухоро ва Хива хонликларига алоҳида эътибор қаратилади. Улар аҳолисининг этник таркиби, маҳаллий туркий халқлар, хусусан, ўзбек ва турманларнинг уруғлари, давлат бошқаруви шакли, мансаблар, сув тизими, географияси, уларнинг йирик шаҳарлари, топографияси, тарихига оид жуда кенг маълумотлар берилади.

Минтақага XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб америкаликлар ташрифи бошланади. Дастлабки ташриф 1873 йилда Хива хонлигига Россия империяси тажовузи жараёнида унда ҳарбий журналист сифатида иштирок этган ("New York Herald" ва Лондондаги "Daily News" газеталарида мухбирлик қилган, 1871 йилдан "New York Herald" газетасининг Санкт-Петербургдаги мухбири) Януарий Мак Гаҳан фаолияти билан боғлиқ эди.

Мак Гаҳаннинг асари икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми Қизилқум ва унга туташ ҳудудларга оид маълумотларни акс эттирса, иккинчи қисми бевосита Хивага бағишланган². Асарда Ҳазорасп тавси-

¹ Vámbéry A. Travels in Central Asia Being the Account of a Journey from Teheran across the Turkoman Desert on the Eastern Shore of the Caspian to Khiva, Bokhara, and Samarcand Performed in the year 1863. – London. John Murray, Albemarle Street. 1864.

² MacGahan, J.A. Campaigning on the Oxus, and the fall of Khiva. – London: Sampson Low, 1874.

фи ва унинг босиб олиниши, хонлик истилосидан аввал Хивага уюштирилган рус экспедициялари тарихи, хон саройи ва унинг таомиллари, Хива боғлари, ҳамда К.П. фон Кауфман бошчилигидаги ҳарбий кучларнинг Хивага юриши ва хоннинг Кауфман билан музокаралари каби масалалар ўрин олган. Бу асарни кўпгина хорижлик мутахассислар Хива хонлигининг босиб олинишига оид энг ишончли манбалардан бири сифатида эътироф этганлар.

АҚШнинг Россия империясидаги элчихонаси ходими Ю. Скайлер минтақага икки марта сафар уюштиради ва ҳар икки сафари асосида икки жилдли асар чоп этади¹. Унинг асарларида Ўрта Осиёга оид маълумотлар нисбатан кенг ва батафсил тасвирланган. Чунончи, асарнинг биринчи қисмида Тошкент шаҳри, унинг қурилиши, шаҳарнинг баъзи нуфузли шахслари, аҳолиси ва унинг машғулотлари, миллий ўйинлар ва спорт, ижтимоий, диний ва маданий ҳолат, таълим тизими, бозорлар ва савдо, Самарқанднинг тарихий обидалари ва уларнинг тарихи, суғориш тизими ва иншоотлари, алмашлаб экиш каби масалалар ўз аксини топган.

Иккинчи жилдида эса Қўқон хонлигига оид маълумотлар, Фарғона водийси шаҳарлари тавсифи, Бухоро амирлиги ва унинг марказлари, Россия империясининг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсати, унинг Туркистон чегараларида олиб борган ташқи сиёсати, Хивага ҳужум ва унинг оқибатлари ёритилган.

Баярд Тейлорнинг 1874 йилда чоп этилган асарида асосан Шарқий Туркистон тарихи ва тавсифи ёритилган бўлса-да, унинг охириги боби русларнинг Хивага уюштирган экспедициялари ва Хиванинг босиб олини-

¹ Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara, and Kuldja. Vol.I. – New York: Scribner, Armstrong.

шига бағишланади. Бунда муаллиф 1717 ҳамда 1839 йиллардаги экспедицияларнинг муваффақиятсизлигини ёзиб, Хивани 3 томондан ҳужум қилиб босиб олиш режасининг 1872 йилда ишлаб чиқилганлигини қайд этади¹.

Марказий Осиёга бағишланган яна бир асар Жеймс Хуттон томонидан 1875 йилда нашр эттирилган² бўлиб, унинг тузилиши юқоридаги асарлардан фарқ қилади. Бу асарда нафақат ўша даврнинг тарихи, балки минтақанинг энг қадимги даврдан XIX асрнинг иккинчи сўнгги чорагигача бўлган тарихи баён этилган.

Жумладан, 18 бобдан ташкил топган бу асарнинг биринчи боби Орол ва унинг араб географлари Хоразм денгизи деб юритганлиги, рус олимларининг қарашлари, Орол ва Каспий сув ҳавзалари, уларга оид қадимий тасаввурлар, уларнинг ягона сув ҳавзасини ҳосил қилганлигига оид назариялар қарама-қаршилиги, Амударё ва Сирдарёнинг ўз оқимларини ўзгартириши тарихига оид маълумотлар ўз аксини топган бўлса, иккинчи бобда қадимги шаҳарлар – Бақтрия, Сўғдиёна, Марғиёна, этник бирлик, Аҳамонийлар, македониялик Александр ва Юнон-Бақтрия давлати, Сосонийлар даври, учинчи бобдан бошлаб минтақанинг X асрдан кейинги тарихи даври изчилликдаги тарихий маълумотлар ва воқеалар баёни ўрин олган. Чунончи, бунда мўғуллар, Амир Темур ва Темурийлар даври, Бобур давлати, туркий халқлар тарихи ўз аксини топиш билан бирга, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳақида сўз боради.

Британия Қироллиги Осиё жамияти аъзоси Диметриус Чарлз Булгер ўзининг икки жилддан таркиб топ-

¹ Taylor B. Central Asia. Travels in Cashmere, Little Tibet, and Central Asia // New York: Scribner, Armstrong, and Company. 1874.

² Hutton J. Central Asia: from the Aryan to the Cossack. – LONDON: Tinsley Brothers, Catherine Street, Strand. 1875.

ган асарида¹ минтақада инглиз-рус манфаатларининг тўқнашувини ёритган. Асарнинг биринчи жилди асосан Россия империяси фаолиятига оид маълумотларни ўзида мужассам этиб, унда руслар томонидан амалга оширилган сўнгги экспедицияларнинг таҳлили, Амударёнинг бу геосиёсий мураккабликда тутган аҳамияти, Туркистонда фаолият олиб бораётган рус ҳукумати ва Россиянинг Ўрта Осиёдаги ҳарбий салоҳияти, Россия империяси чегараларидан, чунончи шарқий Туркистон ва Туркистон генерал-губернаторлигидан Ҳиндистонга олиб борувчи асосий йўллар, Россиянинг Бухоро, Хива, Қўқон билан алоқалари ва улар билан тузилган шартномаларда устиворликни касб этган рус манфаатлари, чегара ҳудудлари масалалари ўрин олган бўлиб, унинг иккинчи жилди асосан инглизлар манфаатидан келиб чиқиб таҳлил қилинган.

Британиялик тадқиқотчилар Туркистон генерал-губернаторлигига оид статистик маълумотларни жамлаб, уларни таҳлил қилиб, шунинг асосида ҳисоботлар тайёрлаганлар. Масалан, разведка бўлими ходими Ф. Кларк томонидан 1879 йилда Лондонда шундай асарлардан бири чоп этилади. Бу асар Туркистон генерал-губернаторлигининг вилоятлар ва уездлар кесимида берилган маълумотлар, хусусан, аҳоли сони, уларнинг этник таркиби, турмуш тарзи, ҳудудлар орографияси, гидрографияси каби маълумотлардан таркиб топган эди.

Британия қироллиги География жамияти аъзоси Ҳенри Лансделл 1882 йилда Марказий Осиёга сафар уюштиради ва натижада икки жилдли йирик асарни тайёрлашга муваффақ бўлади². Унинг асари бошқа баъзи

¹ Boulger D. Ch. Central Asian Portraits; the Celebrities of the Khanates and the Neighbouring States // London. W. H. Allen and Co., 13 Waterloo Place. 1880. 1-жилд: 347-бет; 2-жилд: 426-бет.

² Lansdell H. Russian Central Asia Including Kuldja, Bokhara, Khiva And Merv // Sampson Low, Marston, Searle, And Rivington, 1885. 1-жилд: 688-бет; 2-жилд: 732-бет.

асарлар билан таққослаганда сиёсий қарашлардан холи бўлиб, Марказий Осиёнинг тарихини ўрганишга хизмат қилади. Асарни тайёрлашда инглиз тилидаги манбалар билан бирга, рус, француз, немис тилларидаги адабиётларнинг жалб қилинганлиги унинг илмий аҳамиятини оширади. Асарнинг айниқса, шаҳарлар тарихи ва маҳаллий аҳоли этнографияси, хусусан, унда минтақа бўйлаб истиқомат қиладиган маҳаллий халқларнинг кундалик машғулотлари, кўнгилочар дастурлари, томошалар, кийиниш анъаналари кенг таърифланади¹. Шунингдек, муаллиф шаҳарлар тузилиши, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси, тиббий ва таълим муассасалари (маҳаллий мактаблар ва мадрасалар, рус мактаблари), баъзи жой номларининг этимологиясини келтириб ўтган. Асарнинг иккинчи жилдида эса, асосан Бухоро ва Хива ҳудудлари, йирик шаҳарлари ва уларнинг тузилиши таърифланган.

Британиялик яна бир вакил, кейинчалик юқори лавозимларда фаолият олиб борган Жорж Натаниэл Керзон (1859–1950) Англия сиёсий арбобларидан бири бўлиб, ўз ҳаёти давомида Англиянинг Ҳиндистондаги Вице-қироли, генерал-губернатори (1899–1905), ташқи ишлар давлат котиби (1919–1924), Лордлар палатаси раиси (1924–1925) каби юқори лавозимларда ишлаган. 1888–1889 йилларда Россия ва Ўрта Осиёга, кейинчалик Эронга, Ҳиндихитой ва Кореяга, Афғонистон ва Помирга сафар қилган. Амударёни тадқиқ этиш бўйича фаолияти учун, Қироллик география жамиятининг “Royal Geographical Society” олтин медали билан тақдирланган. Минтақада тўплаган материаллари асосида “Manchester Courier” ва бошқа инглиз газеталарида мақолалар чоп

¹ Ўзбекистон тарихи хрестоматияси (1860–1917). (Масъул муҳаррир ва лойиҳа раҳбари т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева). – Т., 2014. – Б.344–395.

эттириб боради, кейинчалик уларни бойитиб, ўз асарини нашр қилдиради. Унинг асарида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий масалалар кенг ёритилган. Унда ўша даврдаги Россия–Англия муносабатлари, “Катта ўйин” ва иккала давлатнинг Ўрта Осиёдан кўзлаган манфаатларига муносабат ўз аксини топган. Шунингдек, муаллиф мазкур асарда Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ҳамда Хива хонликлари ижтимоий-иқтисодий аҳволи, хусусан, қишлоқ хўжалиги, савдо, ишлаб чиқариш соҳаларидаги аҳволга оид статистик маълумотларни ўша давр адабиётлари ва матбуот материаллари билан қиёслаб, таҳлил қилишга ҳаракат қилган¹.

Чунончи, Ж.Н. Керзон инглизлар ва русларнинг истило қилган ҳудудларда маҳаллий аҳолига таълим бериш ва ёшларни қувватлаш сиёсатини қиёслаб, инглизлар бу масалани бирламчи ва махсус вазифа ҳисоблаганликларини таъкидлайди.² Унинг фикрича, руслар эгаллаган ҳудудлардаги мусулмонларнинг таълим усули ва муассасалари фаолиятига таъсир ўтказилмаган, мактаб ва мадрасалар ўзларининг эскирган усулларида фаолиятини олиб борган, ҳукумат уларни интеллектуал ривожланишнинг юқорироқ босқичига олиб чиқишга ҳаракат ҳам қилмаган.

Самарқанддаги Регистон майдонига тўхталиб, Ж.Н. Керзон бу ердаги 3 та йирик мадраса ансамбли дунёдаги энг ажойиб халқ майдонини ҳосил қилиб туришини, Самарқанд Регистони нураган ҳолатда бўлса ҳам, дунёдаги энг ажойиб халқ майдони ҳисобланишини, на шарқда ва на ғарбда унинг салобати билан беллаша оладиган ҳеч нарсани кўрмаганлигини, фақатгина

¹ Ўзбекистон тарихи хрестоматияси (1860–1917). (Масъул муҳаррир ва лойиҳа раҳбари т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева). – Т., 2014. – Б.359–365.

² Curzon G.N. Russia in Central Asia in 1889, and the Anglo-Russian Question // London, Longmans, Green, and Company. 1889. – Б.477.

Венециядаги Пиза минораси Регистон билан беллашувга кириши мумкинлигини, Европадаги ҳеч бир манзарани у билан таққослаб бўлмаслигини таъкидлайди¹.

Минтақага бу даврда Европадан, жумладан, Англиядан бир неча аёл тадқиқотчилар ҳам келган. Шулардан бири Аннет М.Б. Микен бўлиб, у Буюк Британия ва Шимолий Ирландия антропология институти ходими эди. Унинг ўз тадқиқотлари асосида чоп этилган асарининг² ўзига хос жиҳати шундаки, унда ижтимоий масалалар, хусусан, аёлларга оид масалалар кенгроқ ёритилган. Масалан, аёлларнинг уй ва кўча кийимлари, уларнинг рақсга тушиши, совчилик, овқат ва мева шарбатини тайёрлаш жараёнлари, аёллар ҳаммомлари каби масалалар билан бир қаторда, турли ҳудудлар тавсифи келтирилган. Шунингдек, таълим тизимини тасвирлаган муаллиф баъзи жиҳатлардан ҳайратланганлигини яширмаган. Жумладан, таълим ҳақида ёзиб, у талабалар таҳсил олишда ўзининг мадрасасидаги ўқитувчидан қониқмаса, ўзи танлаган мадрасада маърузаларга бориши мумкинлигини келтириб, бу мударрислар маошларига ҳам таъсир қилганлигини, шунинг учун уларнинг баъзилари жуда юқори маош олганликларини ва баъзиларининг аксинча, жуда оз маош олганликларини қайд этган. Муаллиф унга русларнинг маҳаллий аёллар таълим олмайди, деган ахбороти нотўғри эканлигини таъкидлаб, сўраб-суриштириш асосида аслида уларнинг ҳар бирининг мактабда таълим олганлигини, уларнинг баъзилари турмуш қургандан кейин ҳам ўқишни давом эттиришини аниқлайди ва бундан ҳайратга тушади.

АҚШдан 1910 йилда Бухоро ва Хива хонликларига

¹ Curzon G.N. Russia in Central Asia in 1889, and the Anglo-Russian Question // London, Longmans, Green, and Company. 1889. – Б.220.

² Annette M. In Russian Turkestan: A Garden of Asia and Its People // G. Allen, 1903. – Б.316.

ташриф буюрган яна бир журналист Вильям Кёртис¹ Чикагодаги “Record Herald” газетаси топшириғи билан ташриф буюради. У ўз таассуротлари асосида ёзилган асариди пойтахт Хивани тараққий топган шаҳар, қишлоқ хўжалиғи гуркираган 800 000 аҳолиси бор мамлакатнинг пойтахти деб таърифлайди.

Бу ерда донли экинларни экиш милоддан 8000 йил аввал экила бошланганлиғини, шунингдек, сигир, қўй каби ҳайвонларни хонакилаштириш ҳамда от ва туяларни боқиш милоддан 8–7 минг йил олдин кенг тарқала бошланганлиғини, бу ҳудудда зироатчиликнинг чорвачилиқдан бир неча аср олдин вужудга келганлиғини таъкидлайди. Асарда асосий урғу қишлоқ хўжалиғига қаратилиб, бу ерда жуда қадимдан ёввойи пахта ўсганлиғи, аммо, кўп асрлар давомида унга ишлов берилмаганлиғи, Хивада бир нечта америка пахтасини йигирувчи ва пресловчи фабрикалар ҳамда иккита пахтанинг чигитидан мой олувчи завод фаолият юритаётганлиғи, фабрикаларнинг жиҳозлари Каспий ва Қора денгиздан Марвга ва ундан туяларда ортиб Хивага олиб келинганлиғи қайд этилади.²

Муаллиф Хивада катта микдорда қорамол, от, туя, қўй, эчки ҳамда улардан олинган маҳсулотлар савдоси амалга оширилиши, жун савдоси пахтадан кейин иккинчи ўринда туриши ҳақида маълумотлар беради.

1903–1904 йилларда Вашингтондаги Карниге институти Туркистонга Ўрта Осиё чўллари ва воҳалари физиографиясини ҳамда тупроқ қатламлари тағида қолиб кетган инсон ва ҳайвон қолдиқларини ўрганиш мақсадида махсус экспедиция жўнатади. Унга қадимги цивилизация

¹ Curtis W.E. Turkestan: The Heart of Asia. New York, Hodder & Stoughton. George H. Doran Company. 1911. – Б.344.

² Curtis W.E. Turkestan “The Heart of Asia” // Hodder and Stoughton, New York. 1911. – Б.80.

одамлари, уларнинг келиб чиқиши, ривожланиш муҳити ва уларнинг бошқа ирқлар ривожланишига таъсирини ўрганиш вазифаси юклатилади. Бу экспедиция Гарвард университети доктори Рафаэл Пумпелли, археолог, доктор Ҳюберт Шмидт, ёрдамчи ва таржимон Элсворс Ҳантингтон, тадқиқотчилар Лангдон Вонер, Ҳелдегард Брукс хоним, Р. Велс Пумпеллилардан ташкил топган эди.

Экспедиция раҳбари Америка ва Европада таҳсил олган геолог ва табиатшунос олим, Гарвард университети профессори, Америка Геология жамиятининг Президенти (1905) Р. Пумпелли Марказий Осиёда олиб борган географик ва археологик тадқиқотлари давомида Туркистон чўллари ва воҳаларида изланишлар олиб бориб, кенг қўламли тадқиқот ҳисоботларини тайёрлади. Унинг натижалари асосида Карниге институти томонидан йирик икки жилдли асар нашр қилинди.¹

Археологик экспедицияларни тўхтатгач, Бухоро, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳат қилиб, қайтгач, ўз таассуротлари асосида уларни иштиёқ билан таърифлайди.

Экспедициянинг якуний хулосасида профессор Р. Пумпелли тадқиқотни бошлашга асосий сабаблар – ғарб тадқиқотчиларининг бир гуруҳи Ўрта Осиё Узоқ Шарқ ва ғарб буюк цивилизацияларининг асосидир, деб ҳисоблаши, иккинчи гуруҳи эса бу худудда қадимда Ўрта ер денгизининг қисқаришига олиб келган кескин иқлимий ўзгаришлар бўлган, Қора денгиз, Орол ва Каспий денгизлари унинг асосий қолдиқларидир, деб ҳисобловчи тадқиқотчилар қарашлари бўлганлигини таъкидлайди².

¹ Explorations in Turkestan: With an Account of the Basin of Eastern Persia and Sistan. Expedition of 1903 Under the Direction of Rapfael Pumpelly. 1905. US / Washington D.C. Vol.1.

² Curtis W.E. Turkestan "The Heart of Asia" // Hodder and Stoughton, New York. 1911. – P.89.

Р. Пумпеллининг фикрича, Ўрта Осиё археология-сини ўрганиш буюк цивилизациялар генеалогиясида муҳим воқеъликни кўрсатар эди¹.

Экспедиция ҳисоботларида қайд этилишича, тадқиқотчилар дастлаб мамлакат ҳудудида кўплаб инсонлар яшаган шаҳарларни аниқлаб, улар кўчманчилар яшаган чўллар билан ўралганлигига ишонч ҳосил қилганлар².

Экспедиция ҳисоботларида қадимги Марв шаҳри харобаларининг майдони (тах. 90 км.кв), турли даврларда бир неча шаҳарлардан ташкил топганлиги, Пойканд шаҳри эса сув тақчиллиги натижасида тарк этилгани ва кейинчалик, чўл қумлари билан кўмилган шаҳарларни акс эттирилади. Масалан, тадқиқотда қайд этилишича Пойканд эрамизнинг илк асрларида Хитой, ғарб ва жануб ўртасида йирик бойлик ва савдо маркази бўлган. Марв харобаларидан ташқари, Самарқанддаги харобалар энг кенг тарқалганлари ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида унинг бойлик ва савдо марказига айланишига унинг жойлашуви муҳим аҳамият касб этган. Шаҳар Зарафшон дарёсининг энг унумдор воҳасида жойлашиши билан бирга, Хитой ва Шарқий Туркистонни Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон билан боғловчи жуда қулай карвон йўллари устида жойлашган.³

Экспедиция материалларида Самарқанд тарихи македониялик Александр давридан бошланиши, у қурдирган Мароқанд бинолари энг қадимги қатлам эканлиги, у кулолчилик ва ғиштлар бўлаклари билан қопланганлиги, шаҳарнинг деворлари, Амир Темур томонидан қур-

¹ Curtis W.E. Turkestan "The Heart of Asia" // Hodder and Stoughton, New York. 1911. – P.89–90.

² Curtis W.E. Turkestan "The Heart of Asia" // Hodder and Stoughton, New York. 1911. – P.90.

³ Curtis W.E. Turkestan "The Heart of Asia" // Hodder and Stoughton, New York. 1911. – P.90–91.

дирилган ниҳоятда кўркам қилиб безалган масжидлар нафақат уларнинг катталиги, балки безакларидаги гўзаллиги билан дунё мўжизаларидан саналишини, Чингизхон шаҳарни вайрон қилиб унинг аҳолисини қиличдан ўтказгандан кейин Амир Темур ва унинг авлодлари икки аср давомида Туркистонда қилган бунёдкорлик ишларининг нишонаси эканлигини таъкидлайди¹.

Шунингдек, ғорларда сақланиб қолган ашёлар, қоятошлардаги ёзувлар, қабртошлар, тош мақбаралар, тиллар, урф-одатлар, динлар, дизайнлар ҳамда антропологик материаллар сақланиб қолганлиги алоҳида таъкидланади.

В. Кертис Ўрта Осиё темир йўлининг Когон шаҳридаги бекатига тўхтаганида кўрган чароғон манзарани таърифлаб, “инсоният қўли билан барпо қилинган бошқа жойда бундан ортигини ҳеч қачон кўрмаганман. Бу машҳур Бухоро шаҳри бекати бўлиб, бу шаҳар 600 йилларча илгари илм-фан, бойлик ва куч-қудрат шаҳри саналган, аммо бугунги кунда шаҳар ўзида ва унинг атрофида ишлаб чиқарилган гўзал гиламлари билан машҳурдир. Ушбу манзаранинг ортида арабеска билан безатилган бино бўлиб, бу архитектура мактабининг ёрқин намуналаридан биридир. Унда очиқ ва тўқ кул рангдаги муқобил қатламлар, бурчаклардаги белведер (баландликдаги шийпон), карнизлар ва ҳаттоки тошлардаги белгилар ҳам кўриниб турибди”² деб қайд этади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур даврда инглиз тилида яратилган тадқиқотлар кўлами ва қизиқишлар доираси жиҳатидан бошқа тиллардаги асарларга нисбатан кўпроқ стратегик мақсадларда яратилганлиги билан

¹ Curtis W.E. Turkestan “The Heart of Asia” // Hodder and Stoughton, New York. 1911. – P.91-92.

² William Eleroy Curtis. Turkestan “The Heart of Asia” // Hodder and Stoughton, New York. 1911. – P.99.

ажралиб туради. Бундан америкалик тадқиқотчилар асарлари мустасно бўлиб, улар асосан журналистика ва илмий қизиқишлар асосида яратилганлигини кузатиш мумкин. Британиянинг “Катта ўйин”, яъни “инглиз–рус рақобати” доирасида бошланган тадқиқотлари минтақада Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгач ҳам сиёсий мавзулардан чекинмади, ҳар икки мамлакатнинг ўз мустамлакаларида олиб бораётган сиёсатини солиштириш, ёки Россиянинг истилочилик юришларини таҳлил қилиш ҳолатларини намоён бўлди. Лекин шу билан бирга минтақанинг ўша даврдаги тарихига оид кўплаб тарихий маълумотларга эга бўлган анча чуқур ёндашув асосида ёзилган тадқиқотлар ҳам амалга оширилди, айрим хорижий сайёҳларнинг асарлари Европадаги илмий жамиятлар томонидан таржима қилиниб, чоп ҳам этилди. Мазкур асарларда минтақа тарихига оид жуда кўп маълумотлар ўрин олганлиги боис, улар бугунги кунда ҳам қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

II БОБ

ТУРКИЙ ВА ШАРҚ ТИЛЛАРИДАГИ АСАРЛАР

1-§. Турк-татар тилидаги тадқиқотлар ва саёҳатномалар

Жаҳон тарихи ва ислом оламида ўзига хос ўрин тутган туркий халқлар (татарлар, қозоқлар, бошқирдлар, ўзбеклар, қирғизлар, туркманлар)нинг тили, дини ва этник мансублиги бир бўлганлиги, келиб чиқиши ва тарихи ҳам узвий боғлиқ эканлиги жуда қадимдан уларнинг маънавияти, маданияти, қадриятлари ва урф-одатлари, қолаверса, интеллектуал меросининг ҳам муштараклигини таъминлашда муҳим омил бўлиб келди.

Бухоро ва Самарқанд мадарасалари, бой кутубхоналари туркий халқлар, жумладан, татар-бошқирдлар учун илм-фан, маданият ва маърифат ўчоқлари, шарқ қўлёзмалари дурдоналарининг маркази, машҳур уламо ва фузалолар юрти сифатида жуда қадрли бўлиб, уларнинг билимга чанқоқ вакиллари шу ерда таълим олиб, камолга етишгач, ўз юртларида мударрис, муфтий ва бошқа масъулиятли вазифаларда хизмат қилар эдилар. Бутун Волга ва Урал бўйи минтақасидаги мадрасаларнинг асосчилари Бухоро мадрасаларининг битирувчилари эдилар¹.

Ўрганилаётган даврда, аниқроғи XIX асрнинг биринчи ярмида турк татар дунёсининг етакчи улаمولари Абу Носир Курсавий (1776–1812), Шаҳобиддин Маржо-

¹ Хабутдинов А.Ю. Медресе мусулман округа Оренбургского магометанского духовного собрания как общенациональный университет // Pax Islamica. XX09. №1(2). – С.73.

ний (1818–1889) Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таълим олиб, нодир қўлёмаларни ўрганиб, ислом оламида машхур олим бўлиб етишдилар.

Хусусан, Абу Носир Курсавий Бухоро мадрасаларида таълим олиб, бу ердаги манбаларни ўрганиш асосида ислом дини ва таълимотига оид қатор тадқиқотлар яратди, мадрасаларда ўқитиладиган фанларга шарҳлар ёзди, амалдаги қўлланмаларнинг камчиликларини англаб етди, уларни ислоҳ қилишга даъват этди. Улардан энг таниқлиси “Ал-иршад ли ал-ибад” (“Одамларни ҳақ йўлига бошлаш”) номли диний фалсафий асарида сўфизм моҳиятини таҳлил қилиб, инсон ташқи дунёни англашга тўла ҳақли эканлигини асослаб берди.

Абу Носир Курсавий ўша даврга келиб мусулмон жамиятида эскириб қолган догматик қарашларни, хусусан, кўр-кўрона тақлид, диний мутаассибликни танқид остига олди, ижтиҳод тамойилига урғу бериб, ҳадислар фақиҳлар фатвосидан устун туришини алоҳида таъкидлади ва Қуръонни яхши билмасликдан бидъат келиб чиқишини уқдирди, ҳар бир мусулмонни ижтиҳодга даъват қилди¹.

А. Курсавий мадрасаларда ўқитиш услуги эскирганлигига эътибор қаратиб, уларда қўлланилаётган ёдлаш усулидан воз кечишни таклиф қилади². У келажакда тараққиёт учун илм-маърифат ва маданиятни тарғиб этиш зарурлигини, кўпроқ китоблар нашр қилиш, мадрасалар куриш, ноширчиликни ривожлантиришга даъват қилди.

¹ <https://tatarica.org/ru/razdely/religiya/islam/personalii/kursavi-abunasar> Онлайн – энциклопедия Tatarica

² Курсавий Абу-н-Наср. Ал-Иршод ли-л-ибод. (араб. яз). Казань: Лит. тип. И.Н. Харитонова, 1903; Абу-н-Наср Абд ан-Насир ал-Курсави. Наставление людей на путь истины (ал-Иршад ли-л-ибад). (Перевод с арабского, введение и примечания Гулнары Идиятуллиной). – Казань: Татарское книжное издательство, 2005. – С.304.

А. Курсавийнинг ўша даврдаги мусулмон жамиятида кузатилган айрим нотўғри қарашларни ислоҳ қилиш, асрлар давомида қўлланиб келинган дарсликлар танқиди ҳақидаги қарашлари Бухоро уламолари билан мунозарада қаттиқ қаршиликка учрагач¹, тез орада мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди.

Бухорога 1838 йилда ташриф буюрган Шаҳобиддин Маржоний (1818–1889) Мири Араб, Кўкалдош, Самарқанддаги Шердор мадрасаларида таълим олди. Мадрасаларда ўқитилаётган фанлар билан қоникмай, Бухоро ва Самарқанд кутубхоналарида Ғаззолий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Фирдавсий асарларини ўқиб, улардан кўчирмалар қилди. Абулқосим Фирдавсий, Умар Ҳайём, Саъдий, Алишер Навоий ижодидан баҳраманд бўлади. Бу ерда араб ва форс тилларини ўзлаштирди, география, Шарқ фалсафаси, тарихи ва маданиятини, астрономия, математика, тиббиёт асосларини ўрганди. Ўз устида муттасил ишлаб, етук уламолар ва олимлардан таълим олган Шаҳобиддин Маржоний буюк маърифатпарвар олим, шоир, диний уламо ва тарихчи бўлиб етишди.

Ш. Маржоний устози Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Кирмонийнинг тавсияси билан “Вафийат ал-аслаф ва таҳият ал-ахлаф”² номли 5 жилдлик тарихий-библиографик асар яратди. Асарда Шарқ мусулмон оламида яшаб ўтган 6057 та олим, файласуф, уламо, жамоат арбоблари,

¹ Кемпер М. Между Бухарой и Средней Волгой: столкновение Абд ан-Насра ал-Курсави с улемами-традиционалистами // Мир Ислама. 1999. 1/2. <https://tatarica.org/ru/razdely/religiya/islam/personalii/kursavi-abu-nasr> Онлайн – энциклопедия Tatarica

² Марджани Ш. Вафийат ал-аслаф ва тахият ал-ахлаф / Подробное о предшественниках и приветствие потомкам / Публикация А.Н. Юзева. – Казань: Иман, 1999. – С.126; Очерки Марджани о восточных народах / Вступительная статья “Жизнедеятельность Ш. Марджани”, комментарии, перевод с арабского старотатарского языка и примечания А.Н. Юзева. – Казань, 2003. – С.175.

шоирларнинг ижодий мероси ва асарлари, уламолар, айрим машхур ҳукмдорларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар жамланган бўлиб, ўз даври учун жуда катта энциклопедия эди¹.

Мазкур асарга Ш. Маржоний томонидан 1883 йилда Қозонда яна бир алоҳида жилд – “Муқаддима” ёзилиб, олтинчи жилд сифатида нашр қилинди. Унда Шарқда илм-фаннинг шаклланиши, турли фанлар таснифи, диний таълим марказлари, мусулмон маданиятининг йирик вакиллари, қадимги дунёдан то янги давргача илмий тафаккур ва билимлар эволюцияси, Шарқ ва Ғарб илмий тараққиётининг ўзаро таъсирини таҳлил қилди. Ш. Маржонийнинг ушбу асарларида Ўрта Осиё мутафаккирлари – Ибн Сино, Форобий, Беруний, Насриддин Тусий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби ўнлаб алломалар, Баҳоуддин Нақшбандий каби тасаввуф ва сўфийлик тариқати намоёндалари, уларнинг фаолияти, ижод намуналари ҳақида маълумотлар берилган эди.

Ш. Маржоний ўз асарларида ўша даврда Бухоро ва Самарқандда фаолият юритган устозлари Солиҳ Хўжандий, Хусайн Кирмоний, Абд ал-Мўмин Ўзбек ал-Афшанчи, Низом ал-Дин ал-Илҳомий (математик), Абу Сайд ал-Самарқандий (тарихчи) каби олимлар илмидан баҳраманд бўлганлигини, улардан араб ва форс тиллари, калом илми, фикҳ, математика, тиббиёт асосларини ўрганганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Айни пайтда Ш. Маржоний Бухорода мадрасалардаги ўқитиш тизимидан қониқмай, ўзидан аввал бу масалада танқидий фикрлар билдириб, ислохотлар қилиш таклифини илгари сурган, аммо уламолар ва Бухоро ҳукмдори

¹ Юзеев А.Н. Ш. Марджани о преемственности духовной культуры мусульманского Востока (по “Вафийат ал-аслаф ва тахият ал-ахлаф”) // Проблемы преемственности в татарской общественной мысли. – Казань, 1985. – С.46–60; Ш. Марджани о поэтах средневековья. – Казан, 1991. – С.23–34.

томонидан қувғинга учраган Абу Носир Курсавийнинг ҳақ эканлигига иқрор бўлди. Унинг Бухородаги фаолияти билан боғлиқ манбаларни ўрганиб, мадрасалар таълим тизимидаги танқидий қарашлари асосли эканлигини англаб етди ва бу ҳақда “Танбиҳ абна ал-аср ала танзих анба Абу ал-Наср” номли махсус рисола тайёрлади.

Ш. Маржоний мадрасаларда табиий фанларни ўқитишни кенгайтириш, ҳошиячилик ва шарҳларни қисқартириш, ёдлаш усулидан воз кечиш, асл манбаларни чуқурроқ мушоҳада қилиш, тегишли ислоҳотлар қилиш таклифларини илгари суради. Ўзининг “Алъам абна ал-дахр би аҳвал аҳл ма вара ал-наҳр” (“Давр ўғлонларига Мовароуннаҳр аҳолиси ҳақида хабар (маълумот)”) номли асарида Қуръони карим, Ҳадиси Шариф, уларнинг таржималари ва ислом тарихи каби дарсларни чуқурроқ ўрганиш, улардан ҳар бир киши эркин ва ижодий фойдалана олишига эришиш, айрим уламоларнинг фикри билангина чекланиб қолмай, асл манбаларни ўрганиш ва англаб етиш лозимлигини таъкидлади. У мадрасаларда дунёвий фанлар, хусусан, табиий ва аниқ фанларни ўқитишни таклиф қилди. Бухоро мадрасаларида шарҳ ва ҳошиячиликка берилиб кетилганлигини танқид остига олди.

Бухорода Ш. Маржоний фикрларини қўллаб-қувватловчи илғор фикрли уламолар, хусусан, унинг устозлари ҳам мадрасаларда ортиқча фанларни, шарҳлар ва ҳошиячиликни қисқартириш тарафдорлари эдилар.

Шаҳобиддин Маржоний Аҳмад Дониш (1827–1897) билан ҳамкорликда Бухорода маърифатпарварлик ғояларини тарқатишда жонбозлик кўрсатди. У домла Фозил, Мўминхўжа Вобкандий, мулла Худойберди Бойсунийлар билан биргаликда ислоҳотчилик ғоялари акс этган дастурни ишлаб чиқди ва мадрасаларда диний

дарслар билан бир қаторда ўрта аср ислом маданияти давридагидек дунёвий дарсларни ўтишни шарт қилиб қўйдилар¹. Аммо амир ҳукумати ва мутаассиб уламолар бу таклифларга тиш-тирноғи билан қарши эдилар.

Шу боис Ш. Маржоний ҳам Абу Носир каби қувғинга учрашдан қўрқиб, маъмуриятга ўз таклифларини ошкора етказа олмади. Кейинчалик Қозонда бошлаган мударрислик фаолиятида ўз ғояларини амалга оширди. Аммо бу ерда ҳам мутассиб уламолар қаршилигига дуч келди.

Ш. Маржоний Ўрта Осиёда 11 йил давомида тарих, математика, ислом, фалсафа йўналишларида жуда кўп асарлар тўплаб, нусхалар олди, тангалар тўплади, қадимги ёдгорликларни ўрганди. Ўз юртига жуда катта бойлик – дурдона асарлар ва улардан кўчирмалар билан қайтди. Булар асосида у кейинчалик туркий ва мусулмон халқлари, хусусан, татарлар ҳақида кўплаб асарлар яратди². Қозон университетига маърузалар ўқиди. У ўз асарларида туркий халқларни ва мусулмон дунёсини яхлит ўрганиш билан бир қаторда татар халқининг тарихини, хусусан, этник келиб чиқиш тарихини биринчилардан бўлиб ёзиб бошлайди. Ш. Маржонийнинг татарлар тарихига бағишланган “Мустафад ал-ахбор” номли асарида Чингизхон босқини, унинг улуслари, Амир Темури каби тарихий шахслар фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб, маълумотлар беради³.

А. Курсавийнинг ғоялари, унинг издоши Ш. Маржонийнинг фаолияти ва қарашлари таъсирида турк татар дунёсида маърифатпарварлик ҳаракатлари Ўрта Осиёга

¹ Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Диссертация автореферати. – Т., 2019. – Б.13.

² Юсупов М.Х. Шигабутдин Марджани как историк. – Казань, 1981. – С.232.

³ Марджани Ш. Мустафад ал-ахбар фи ахвали Казан ва Болгар: в 2-х т. – Казан, 1897. Т.1. – Б.264; 1900. Т.2. – Б.368.

нисбатан анча эрта бошланди. Зеро, Бухоро хукмдорлари ва мутаассиб уламолари бундай ғоялар ривожига умуман йўл бермадилар. Ш. Маржонийнинг ғояларини ва бошлаган ишларини унинг шогирдлари, хусусан, Фахритдин Ризоуддин ва Исмоил Гаспирали (Гаспринский) давом эттирдилар.

Хусусан, татар маърифатпарварлик ҳаракатининг етук намоёндаларидан бири, диний уламо ва олим, тарихчи, кейинчалик Россия муслмонларининг марказий бошқармасининг раиси, муфтий лавозимларида ишлаган Фахритдин Ризоуддин (1859–1936)¹ Ш. Маржонийнинг ишларини давом эттириб, XX аср бошида “Асар” деб номланган кўп жилдли асар яратди². Асарда бутун муслмон оламидаги олимлар, уламолар, зиёлилар, шоирлар, умумий ҳисобда 10000 дан ортиқ кишилар ҳақидаги маълумотлар жамланган эди³. Улар орасида Ўрта Осиёдан етишиб чиққан уламолар, олимлар, шоирлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган эди.

Турк-татар дунёсида маърифатпарварлик ҳаракатларининг пойдеворини яратган Ш. Маржонийнинг шогирди Исмоил Гаспринский эди. И. Гаспринский XIX асрнинг сўнгги чорагидаёқ янги усул мактаблари ва даврий матбуот – “Таржимон” газетасига асос солди. Мазкур газета қисқа фурсатда маърифатпарварлик ғояларининг минбарига айланди. Ўрта турк тилида чоп этилган мазкур газета Россия империяси таркибидаги барча туркий халқлар, жумладан, Ўрта Осиё халқларини ҳам ўз ўқувчилари сафига тортди.

Исмоил Гаспринскийнинг шахсан ўзи жонбозлик кўр-

¹ Баишев Ф.Н. Общественно-политические и нравственно-этические взгляды Ризы Фахретдинова. – Уфа, 1996.

² Фахретдинов Ризаитдин. Асар. – Казан: Иман, 2003. – С.137.

³ <https://realnoevremya.ru/articles/96898-riza-fahretdin-v-istorii-tatarskogo-prosvetitelstva>

сатиб, расмий ва норасмий доираларда “Таржимон” газетасини тарқатиш, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда янги усул мактабларини ташкил этиш борасида фаол музокаралар олиб борди. Бухоро амири билан 2 марта учрашиб, янги усул мактабларини ташкил қилиш масаласини кўтарди. Бу даврда Туркистонда қанот ёза бошлаган жадидчилик ҳаракати намоёндалари, хусусан, М. Беҳбудий, М. Абдурашидхонов ва бошқа ўнлаб зиёлилар И. Гаспринский қўллаган янги усул асосида таълим берувчи ўнлаб мактаблар ташкил қилиб, улар учун дарсликлар тайёрладилар.

И. Гаспринский Россия империяси ҳукмронлиги остидаги туркий халқлар, умуман мусулмонларнинг келажаги, тараққиёти учун бутун куч-қувватини сарфлади. Ўзининг илк асарлари ва мақолаларидаёқ, хусусан, “Рус мусулмонлиги” деб номланган рисоласида мустамлакачилик занжирлари асоратида қолган мусулмон туркларининг аҳволи, уларни “руслаштириш” сиёсати ва бунинг оқибатларини ошкора танқид қилди, унинг фикрича, бундан қутулишнинг ягона йўли “мусулмонларни тенглик, озодлик, фан ва маориф заминида маънавий такомиллаштириш” эди¹.

И. Гаспринский туркий халқлар бирлиги ва ўзлигини сақлаб қолиш учун туркий халқларнинг тил бирлиги (“лисонда бирлик”) масаласини ҳам кўтариб чиқди. Мустамлака тузумида яшаётган барча туркий халқлар учун умумий адабий турк тилини ривожлантириш ғоясини илгари сурди. Тил масаласи туркий халқлар учун ҳаёт-мамот масаласи эканлигини уқтириб, И. Гаспринский “миллатнинг икки асоси бор: тил бирлиги, дин бирлиги. Миллатнинг ўзлигини йўқотиш учун шуларнинг

¹ Гаспринский И. Русское мусульманство: Мысли, заметки и наблюдения мусульманина. – Симферополь, 1881. – С.45.

биттаси бузилиши кифоя” эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг бош ғояси Россия тасарруфидаги туркий муслмонларнинг “тилда, фикрда ва ишда бирлиги”га эришиш эди. Бу ғоя кейинчалик “Таржимон” газетасининг шиорига айланди¹.

И. Гаспринский 1900 йилда ўзининг “Туркистон уламоси” деб номланган асарини яратди². Бокуда босилган ушбу асарда кўхна Туркистоннинг юздан ортиқ уламолари ҳақида маълумот беради. Ўн бобдан иборат ушбу асарда уламолар ва машойихлар (“Туркистонда етишган уламои машойих, муҳаққиқиндан баъзилари”), хусусан, Баҳовуддин Нақшбанд (1318–1389), Абу Лайс Самарқандий (1075–1144), Воиз Кошифий (1440–1504), Куръони каримни тафсир қилганлар (“Муфассири киром”) хусусан, Замахшарий, Ҳусайн Воиз, Имом Бухорий, Исо ат-Термизий ва уларнинг ёзган асарлари ҳақида маълумот беради.

Асарнинг “Улуми адабия” қисмида Ал-Аҳмад Жавҳарий, хивалик Саккокий, Ҳаким Термизий ҳақида, “Соҳиби девон машоҳири шуаро” қисмида Санойи (ваф. 1054), Амир Хисрав Дехлавий, Асириддин Ахсикатий (ваф. 1212), Анварий (1105–1187), Сайфиддин Исфаранги, Паҳлавон Маҳмуд (Пурёйвали), Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро ва уларнинг ижодий меросига тўхталади. Асарда турк шоира аёлларига ҳам алоҳида ўрин ажратиб, Ойишайи Самарқандий, Мехри Нуржаҳонбегим, Лола хотун, Асимий, Иффатий ва Дўхтари Қошғарий каби шоираларни ҳам қайд этади.

Шунингдек, И.Гаспринский тиббиёт фани намоёндаларидан Ибн Сино ҳақида, астрономия, табиий ва аниқ

¹ Вах дати лисан дил бирлиги. №61, 7.06.1906. Бу ҳақда қаранг: Абдирашидов З. Аннотированная библиография туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883–1917). – Б.160.

² Туркистан уламәси. Бағчасарай: Таржуман нашрийәти, 1900.

фанлар (“Нужум, ҳайъат ва риёзия”) тараққиётида катта роль ўйнаган Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Али Кушчи, Ғиёсиддин Жамшид, Муҳаммад Чағминий, Шамсиддин Самарқандий, Муҳаммад Хўжандий, каби етук олимларнинг ҳаёт ва ижодлари ҳақида маълумотлар келтиради.

Асарнинг “Тарих ва жуғрофия уламози” номли бобида эса Хондамир, Табарий, Ҳофиз Абрў, Абдураззоқ Самарқандий, Жамолиддин Абдулло Нишопурий, Мир Абдулкарим Бухорий (ваф. 1830) каби олимлар ҳақида тўхталади.

Исмоил Гаспринскийнинг “Таржимон” газетаси Туркистон, Бухоро ва Хивада ҳамда Фарғона водийсида маърифатпарвар зиёлилардан ўз мухбирларига эга эди. Улар мунтазам равишда ўлкада содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий воқеалар ҳақида хабарлар юбориб турар, ўзлари ҳам газетани ўлкада тарқатишда жуда фаол эдилар.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тилшунос олим А. Зайнобиддинов томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида “Таржимон” саҳифаларида Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро ва Хива хонликлари ҳамда Туркистон ҳақида эълон қилиб борилган хабарлар ва мақолалар библиографияси тайёрланди¹. Ундан маълум бўлишича, “Таржимон” газетаси саҳифаларида Бухоро, Хива хонлигидаги ҳамда Туркистондаги янгиликлар, ҳукмдорлар фаолияти билан боғлиқ хабарлар мунтазам бериб борилган².

¹ Абдирашидов З. Аннотированная библиография туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883–1917). – Токуо, 2011.

² Исма’ил (Гаспринский): Бухара // Таржуман. 1885. №16; Мамалики Бухара // Таржуман. 1891. №23–25; Фарғана истиласининг 25 инчи санаси // Таржуман. 1901. №8; Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳадурхон // Таржуман. 1910. №35; Хива ва Бухара // Таржуман. 1912. №27 ва бошқалар.

“Таржимон” газетаси ўша даврда Россия мусулмонлари, жумладан, Туркистон мусулмонлари учун жуда катта сиёсий ва маърифий озуқа манбаи бўлиб хизмат қилди. Ўлка зиёлилари ушбу газетани жуда катта иштиёқ билан ўқир эдилар. Шу билан бирга Бухоро амири ҳамда маҳаллий бойлар газета ҳисобига ҳомийлик қилиб, маблағ ҳам ўтказиб турганлар.

И. Гаспиринский Туркистонга ва Бухоро амирлигига 1893 йилда ташриф буюриб, Самарқанд ва Бухорода янги усул мактаби ташкил этишга даъват қилган. 1908 йилда эса Боғчасаройда жадидлар билан учрашувидан сўнг иккинчи марта ташриф буюрган ва Самарқандда жадид тараққийпарварлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурый билан, Бухорода эса Садриддин Айний ва бошқа зиёлилар билан учрашиб, янги усул мактабини ташкил этиш масалаларини муҳокама қилганлар. Тошкентда И. Гаспиринский қози Муҳиддинхўжа билан танишиб, унинг ёрдамида жуда кўп учрашувларда маҳаллий уламолар ва зиёлилар билан суҳбат куриб, улар ҳақида рус матбуотида берилган “мутаассиблик” йўқлигини кўриб, ҳайрон қолган ва ўз сафар таассуротларини матбуотда эълон қилган¹.

И. Гаспринский Бухорога сафари таассуротларини ҳам матбуотда эълон қилиб борган². Туркистонда И. Гаспринскийнинг маърифатпарварлик ғоялари, ўлка зиёлиларининг Туркия, Европа ва Шарқ давлатларига сафарлари, мусулмон оламидаги ислоҳотчилик ҳаракатлари таъсирида жадидчилик ҳаракати юзага келди,

¹ Muhyiddinhōja Qāzi Muhammad // Tarjūmān. 1887. №36. Бу ҳақда қаранг: З. Абдирашидов. Мусулманское духовенство и русская администрация Туркестана: сотрудничество ради “цивилизации”? (на примере материалов газеты “Терджиман”) // Ислам в мультикультурном мире: власть и религия в России: приоритеты, особенности, тенденции. – С.443–444.

² Исма’ил (Гаспринский). Бухарада на курдим // Таржуман. 1908. №57, 58, 60, 63, 64, 68, 78 (1.08; 5.08; 12.08; 22.08; 26.08; 22.09; 5.12.).

шаҳарларда янги усул мактабларининг сони ҳукумат қаршилигига қарамай, йил сайин кўпайиб борди. 1905 йилда Россияда эълон қилинган Манифестдан сўнг И. Гаспринский Туркистон маърифатпарварларига мурожаат қилиб, уларни фаолликка чақирди. 1906 йилдан бошлаб Туркистон маърифатпарварлари томонидан миллий матбуотга асос солинди. Бу Туркистон халқлари ҳаётида жуда катта янгилик бўлди.

Шу даврда И.Гаспринский умумтурк тарихини яратиш ташаббусини кўтариб чиқди¹. И. Гаспринский газета саҳифаларида “Тарихи жадидаи Туркистон” (Туркистоннинг янги тарихи) рукни остида туркум мақолалар бериб боради². Ушбу мақолаларда у асосий эътиборни хонликларнинг истило арафасидаги ва ундан кейинги даврдаги тарихига қаратади³. Шунингдек, матбуотда Чингизхон истилоси, унга қарши курашган Темур Маллик жасорати⁴ мисолида туркий халқларнинг ўз мустақиллиги учун курашлар тарихига оид маълумотлар ҳам бериб борилади.

Туркий халқлар тарихини тадқиқ этишга қўл урган муаллифлардан яна бири татар миллатига мансуб уламо Қурбонғали Холидий (1846–1913) эди. У тақдир тақозоси билан ўзи туғилган ерларни тарк этиб, қисқа фурсат Тошкентда, кейинчалик эса Чугучак (Қозоғистон, Семипалатинск)да яшаб, масжид имоми, қози лавозимларида ишлаган. 1886–1887 йилларда унинг Шарқий

¹ Исма‘ил (Гаспринский). Тарихи туркий // Таржуман. 1906. №145 (25.12.)

² Исма‘ил (Гаспринский). Тарихи жадидаи Туркистан // Таржуман. 1906. №1, 17, 18, 20, 32, 33, 39, 57, 59, 60, 69, 84, 87, 89.

³ Исма‘ил (Гаспринский): Бухара Хива на демақдир (дебачаи масаала) // Таржуман. 1912. №59 (22.12); Туркистанда умраний ташаббу(с)лар // Таржуман. 1914. №52 (6.03).

⁴ Исма‘ил (Гаспринский). Темурмалик Баҳадир (Тарихи туркийдан бир баҳс) // Таржуман. 1906. №146.

Туркистон шаҳарлари бўйлаб қилган саёҳати давомида тўпланган маълумотлари асосида Қурбонгали Холидий ўзининг “Тарихи жаридайи жадиди” (1889) деб номланган илк тарихий-географик асарини яратади.

1897–1898 йилларда амалга оширган ҳаж сафари давомида Қурбонгали Холидий Шарқ ва Европа мамлакатларини кезиб, кўплаб шаҳарларда бўлди. Истанбулда йирик маърифатпарвар тарихчи Аҳмад Мидҳат билан танишуви унинг тарихга муносабатининг шаклланишида катта роль ўйнайди.

Қурбонгали Холидий жуда билимли, ўша даврда чоп этилган кўплаб газета журналларга обуна бўлиш орқали замонавий воқеа ҳодисаларидан яхши хабардор, маърифатли инсон эди. Форс, араб, туркий тилларни пухта ўзлаштирган, жуда кўп саёҳат қилиб юрган бу олим туркий халқлар ҳаётига оид барча эшитган ва кўриб, кузатганларини ёзиб бориш натижасида қозоқлар, мўғуллар, қирғизлар, уйғурлар ва ўзбеклар тарихи, турмуши, урф-одатлари, маданияти ҳақида катта материал тўплаган. Нафақат ўзи, балки бошқаларни ҳам шу ишга жалб қилиб, улар орқали туркий халқлар ҳаёти ва тарихига оид маълумотлар, ҳикоя ва афсоналар, тарихий воқеаларни ёзиб борган.

Қурбонгали Холидий 20 йил мобайнида тўплаган материаллари асосида 1909 йилда ўзининг “Тарихи таърихи шарқ”¹ (“Шығыстың бес тарихы”), яъни “Бешта шарқ халқлари тарихи” номли асари дунёга келган ва ўз замондошлари томонидан ижобий баҳоланган. Гарчи ушбу асарда афсонавий ҳикоялар, ривоятлар ҳам кўп учраса-да, унда шахсий суриштирувлар, кузатувлар, та-

¹ Курбангали Халиди. Тауарих хамса (бес тарих). – Казань, 1910; Тауарих-и хамса-йи шарқи (Шығыстың бес елінің тарихы) / Қ. Халид; ауд.: Б. Төтенаев, А. Жолдасов. – Астана, 2014. – Б.286.

рихий манбалардан кўчирмалар, таржималар жуда кўплиги боис, ўзига хос тарихий-этнографик асар сифатида катта қизиқиш уйғотади¹.

Асар маълум маънода саёҳатнома жанрига ўхшаса-да, амалда тарихий маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Ўн икки бобдан иборат мазкур асарда ўзбеклар, ва айниқса, кўчманчи қозоқлар тарихига оид кўплаб масалаларга эътибор қаратилган.

Асарда Фарғона хукмдорлари – минг сулоласининг хукмронлик даври, Чингизхон истилоси, қозоқ хонлари тарихи, Жунғор хонлари, Россия империяси истилоси, Қашқар воқеалари, хусусан, Муҳаммад Ёқуббек ҳамда Қўқон оқсоқоллари фаолиятига оид маълумотлар эътиборга лойиқдир.

Шунингдек, асарда муаллифнинг Ўрта Осиё, Қашқар, Европа шаҳарлари бўйлаб олиб борган саёҳатлари давомида тўплаган топонимик маълумотлар, ўзи борган ҳудудлар тарихи, географияси, истехкомлар, йўллар таърифи, шунингдек, турли халқлар, хусусан, ўзбеклар уруғлари, уйғурлар, қозоқларнинг турмуш маданияти, кийиниши, урф-одатлари таърифланади.

Мазкур асарда туркий халқлар ҳақида ўша даврда муаллифнинг ўзи аниқлаган жуда бой этнографик маълумотлар, тарихий манбалар ва фактлар, археология ва меъморчилик ёдгорликлари, халқ оғзаки ижоди намуналари жамланган бўлиб, ўз замондошлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган².

Умуман олганда турк татар оламида саёҳатномалар ёзиш анъанаси Қурбонгали Холидийдан анча аввал, XVIII аср охири – XIX аср бошларидаёқ пайдо бўлган эди.

¹ Кармышева Ж.Х. Казахстанский историк-краевед и этнограф Курбангали Халиди // Советская этнография. 1971. №1. – С.100-110.

² “Шўро”. 1913, 15 март. №6. – Б.163. <https://adebiportal.kz/ru/news/view/47>.

1809–1810 йилларда минтақага Россия элчилик хизмати доирасида нашр қилинган саёҳатнома шулар жумласидан бўлиб, унинг сафар тафсилотлари асосида тайёрланган. Унда Оренбургдан Бухорогача олиб боровчи карвон йўллари, Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият, Бухоро амирлигининг қўшни ва бошқа Шарқ давлатлари билан савдо алоқалари, хонлик аҳолисининг этник қатламларининг ҳаёти ва турмуш тарзи, Россия билан дипломатик алоқалар, Бухоро хони Амир Ҳайдар саройидаги урф-одатлар ва маросимлар ҳақида маълумотлар ўрин олган эди¹.

Саёҳатномалар муаллифлари минтақага турли мақсадларда ташриф буюрганлар. Масалан, татар маърифатпарвари З. Бигиев Бухоро мадрасаларида таълим олиш ва Бухоро амиридан Туркистонда газета чиқариш учун рухсат олишга эришиш мақсадида 1893 йилда ташриф буюрган. З. Бигиевнинг икки ярим ой давом этган сафари давомида аниқлаган маълумотлари асосида 1893 йилда “Мовароуннаҳрга саёҳат” номли асари чоп этилган².

Асарда муаллиф Мовароуннаҳр Россия тасарруфидаги мусулмонлар учун ҳамиша маърифат ўчоғи бўлиб келганлиги, Россия мусулмонлари маданияти кўп жиҳатдан шу ердаги билим ва маърифатга боғлиқ эканлиги, Бухоро эса ислом оламида алоҳида ўрин эгаллаши, унинг маданияти Россия мусулмонлари учун муҳим аҳамиятга эгалиги, Бухоронинг машҳур шахслари ҳақида алоҳида

¹ Путевые записки. Рапорт поручика Габденнасыр Субханкулова во время поездки в Бухару” (1809–1810 гг.). Бу ҳақда: Галиуллин Р.Г. Творчество Тауфика Айди: система образов и жанровая типология / Р. Галиуллин. – Казань. – С.168.

² Бигиев З. “Мавараэннәһердә сәяхәт”. 1908. Бу ҳақда қаранг: Галиуллин Т.Н., Гали Б.Т. “Саяхатнаме” – литературное путешествие в историю // Ученые записки Казанского Государственного университета. Т.150, кн.6. Гуманитарные науки. 2008. – С.139–140.

тўхталган. Айни пайтда у минтақадаги сиёсий вазият, урушлар, хусусан, Чингизхон босқини ва унинг ҳалокатли оқибатлари, Бухоро ва Самарқанднинг вайронага айлантирилиши ҳақида ҳам маълумотлар берган.

Асар муаллифи маърифатпарвар шахс бўлганлиги боис, ёшлар тарбияси ва таълим масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Бухородаги 100 дан ортиқ мадрасаларда таълим олаётган 10000 талабанинг аҳволи ва турмуш шароити, ўқиш тизимида ижтимоий фанлар устуворлигини кўрсатиб, математика, тарих, география, астрономия ва фалсафага эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкидлаган.

Татар маърифатпарварларидан бири Аҳмадниёз Бектемиров ўзининг 1907 йилда Ўрта Осиёга амалга оширилган саёҳатлари асосида “Туркистон вилояти”, “Туркистон тарихи”, “Туркистон аҳволи”, “Туркистон фарёди”, “Саёҳат хотираларим” деб номланган жами 40 га яқин туркум мақолаларини “Шўро”¹, “Баён ал-ҳақ”², “Вақт”³ номли газета ва журнал саҳифаларида чоп этиб боради. Уларда муаллиф Ўрта Осиёдаги қадимий меъморчилик ёдгорликлари, шунингдек, туркистонликлар ҳаёти ва турмушини, маданиятини татарлар билан қиёслаган ҳолда ёритишга ҳаракат қилади⁴. У Туркистонда 1908 йилда “Осиё” (“Азия”) газетасини ҳам ташкил қилади, лекин газета қисқа фурсатда ёпилади.

¹ Теркестан вилаяте / Биктимиров Э. // Шура. 1908. №6, 8, 12, 13, 23, 24; 1909. №2, 6, 10.

² Сэяхэт хатирэлэрем / Биктимиров Э. // Бэяне-л-хак. 1909. №527, 529; 1910. №641, 662, 665; Теркестан вилаяте / Э. Биктимиров // Бэяне-л-хак. 1909. №479.

³ Теркестан / Биктимиров Э. // Вақыт. 1907. №201, 213; Теркестан тарихы / Биктимиров Э. // Вақыт. 1907. №228; Теркестан вилаяте / Э. Биктимиров // Вақыт. 1908. №345, 385.

⁴ Бикташев Р.И. Литературное и публицистическое наследие Ахметзяна Биктимирова: начало XX века. Автореферат диссертации по филологии. – Казань, 2007.

Хулоса қилиб айтганда, XIX–XX аср бошларида татар тадқиқотчилари ва маърифатпарварлари томонидан Ўрта Осиё ҳақида яратилган тадқиқотларда минтақа олимлари, уламолари ва мутафаккирларининг интеллектуал маданий мероси, давлат арбоблари ва саркардаларга юқори баҳо берилиб, улар бутун туркий халқлар ўтмишидаги, тарихий ютуқлар сифатида баҳоланади ва туркий халқлар тарихида тутган ўрни фахр-ифтихор билан таърифланади. Аждодларимизнинг бой интеллектуал мероси намоёдаларининг фаолияти, ижоди, кашфиётлари ҳақидаги муҳим маълумотлар жамланиб, йирик энциклопедиялардан муносиб жой олди. Бухоро ва Самарқанд мадрасалари, олим ва мутафаккирлари, ёзма манбалари туркий халқлар маънавияти ва маданиятининг ўчоғи ва ўзаги сифатида юксак баҳоланади.

Айни пайтда истило арафасида хонликлардаги аҳвол, яъни ўзаро келишмовчиликлар ва урушлар, ички низолар, мамлакатда таълим, илм-фаннинг замон талабларига жавоб бермаслиги, истилога қаршилик ҳам ваҳшиёна бостирилганлиги, Россия мустамлакачилигининг асоратлари, руслаштириш сиёсати, таълим тизими, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммолар куюнчаклик билан танқид остига олинади. Туркистонни ва умуман, мусулмон ва туркий халқларни зулм ва қолоқликдан олиб чиқиш учун “тил, фикр ва иш бирлиги” шиори остида тараққиёт учун курашга чорловчи мақолалар чоп этилади.

Татар муаллифларининг саёҳатнома ва сафарномаларида эса Туркистон халқлари тарихи, маданияти, шаҳарлари, тарихий обидалари, маданий меросига оид ёзма ва оғзаки манбалар, шахсий кузатувлар асосида муҳим тарихий маълумотлар берилади. Бу манбалар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз ва улар ўз тадқиқини кутмоқда.

2-§. Турк-бошқирд тилидаги тадқиқотлар

Ўзбекистон ҳудудида илмий изланишлар олиб борган хорижлик тадқиқотчилар орасида қардош туркий халқлар вакили, бошқирд олими Аҳмад Заки Валидий Тўғон алоҳида ўрин тутади. 1890 йил 10 декабрда таваллуд топган Аҳмад Заки Валидий Уфа ва Қозондаги “Усмония”, “Шаҳобиддин Маржоний”, “Қосимия” мадрасаларида таҳсил олади¹. Унинг илк мақолалари жадид маърифатпарварлиги ғояларига ҳамоҳанг тарзда ўша даврнинг ислоҳот ғоялари билан суғорилган “Таржимон”, “Шўро”, “Мактаб”, “Вақт”, “Суюмбека”, “Юлдуз”, “Турмуш” каби журнал ва газеталарда мунтазам эълон қилиб борилган.

Заки Валидий араб, форс, рус тилларини яхши билган, Шарқ тарихи ва адабиётига қизиққан, рус шарқшунос олимларининг асарлари билан яхши таниш бўлган².

1912 йилда ўзининг “Турк ва татар тарихи” номли асари билан ўша давр зиёлилари назарига тушган³. 1913 йилда Уфада Маҳмудхўжа Бехбудий ва Ашурали Зоҳирий билан танишади, 1913 йилда эса икки марта Туркистонда бўлиб, улар ёрдамида Тошкент, Фарғона водийси шаҳарларида хусусий кутубхоналардаги қўлёзма асарлар билан танишишга муваффақ бўлади⁴. 1914 йилда

¹ Абдурахмонов М., Зоҳидий А. А. З. Валидий Тўғоннинг Туркистонга илмий сафари (1913–1914 йиллар). – Т.: Фан, 1997. – Б.75.

² Юлдашбаев А. Ватандаш. Заки Валиди как политик, ученый и патриот // 2009. №9.

³ Validiy Zaki. Turk va tatar tarixi. – Qozon, 1912.

⁴ Валидий З. “Восточные рукописи в Ферганской области” // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. – Пг. Т.22. – С.303–320; Некоторые данные по истории Ферганы XVIII-го столетия // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. – Т., Год 20. Вып.2. – С.68–118; Богатство духовной культуры Туркестана // Юрт. Коканд. №1., Туркестан // Знамя борьбы. – Берлин. №9, 10. – С.14–18; Туркестанский вопрос / Там же. №1. – С.2–8.

Заки Валидий Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Шахрисабз шаҳарларида сафарда бўлиб, маҳаллий қўл-ёзма манбаларни тўплаш ва тадқиқ этишга киришади.¹

Заки Валидий Ашурали Зоҳирийдан Махтумқулининг шеърлари жамланган “Девон”нинг энг мукаммал нусхасини олишга муваффақ бўлган². Шунингдек, у Юнусжон Додхоҳ Муҳаммедовнинг шахсий кутубхонасида 23 та нодир қўлёзма билан танишади ҳамда Жунайдуллоҳ Ҳозикнинг “Китоб фи ал-тиб”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ал-вақоеъи”, Мирзо Санг Муҳаммад Бадахшийнинг “Тарихи Бадахшон”, Мирзо Олим Мулла Раҳим ўғли Тошкандийнинг “Ансоб ал-Салотийин ва Тарих ал-ҳавоқиййин”, Мулло Али Қори Қундузийнинг “Таворихи Манзума”, Ҳожи Муҳаммад Ҳакимжон Тўра бинни Саййид Маъсум Хон Тўранинг “Мунтаҳаб ал-Таворих”, “Тазкираи Буғрохони Туркий”, Абул Бақонинг “Жомиъ ал-Мақомот”, Мулло Муҳаммад Содик Искандарийнинг “Мажмуъати муҳаққиқийн”, “Тарихи Банокотий”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ал-нафоис”, “Хамсат ал-Мунтаҳаййирин”, “Девони Амир Навоий”, “Девони Мавлоно Лутфий”, “Девонаи Машраб” асарларини тавсифлаб беришга муваффақ бўлган.

Заки Валидий Қўқонда қози Маҳмуд Махдумдан “Мунтаҳаб ал-таворих”нинг 2 жилдлик қадимий ва тўлиқ нусхаси, “Ажойиб ал-табоқот” асари ҳақида маълумот олади. Шунингдек, Юнусжон Додхоҳ қўлидаги “Девонаи Машраб” ўша даврда Тошкентда босилган нусхасидан икки баравар катта эканлигини ва ҳар бир қўлёзманинг мазмуни, муаллифи, унинг тузилган жойи, қўлёзманинг

¹ О собраниях рукописей в Бухарском ханстве: (Отчет о командировке) // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. – Пг. Т.23. – С.245–262.

² Валиди А.З. “Диван” Махтумкули... // Шуро. – Оренбург. 1913. №12. – С.357–360. №13. – С. 393–395, 524.

нашрлари, бошқа каталогларда мавжуд ёки йўқлиги, соҳиблари ҳақида кенг маълумот беради.

Шунингдек, у Ёқуб Ҳожи Яхъё хонадонида “Девонаи Масъуд” ва “Мунтахаб ал-таворих”, Исҳоқхон Тўра Ибратнинг кутубхонасида эса Абу Саодат Абдуллоҳ бинни Алининг “Мирот ал-жанон фи ал-маърифат ал-инсон” номли асарининг тўлиқ ва нодир нусхаси билан танишади.

Заки Валидий Ҳофизи Абрў қаламига мансуб “Зубдат ал-таворих” номли асар қўлёзмасини билан ҳам танишиб, тавсифлашга муваффақ бўлади. Шунингдек, у “Кўрхона” масжидининг имом хатиби Мулло Рожий қўлида сақланаётган Маҳмуд Валининг “Баҳр ал-асрор фи Маноқиб ал-аҳёр”, Муҳаммад Ҳошим бин Қосимнинг “Самот ал-Қудс мин ҳадоиқ ал-унс” (Али Сафийнинг “Рашаҳот” асарининг давоми) асарларининг тузилиши ва мазмунини ҳам тўлиқ тавсифлаб беради.

Заки Валидий Туркистон, хусусан, Фарғона бўйлаб сафарларини давом эттириб, ўша даврдаги зиёлилар кутубхоналари билан танишишда давом этади. Сафар давомида Охунжон Ҳожи қўлидаги Мажидийнинг “Зийнат ал-мажолис”, Ориф Ҳожи қўлидаги марғилонлик Мирзо Азиз Муҳаммад Ризонинг “Тарихи Азизий” каби қўлёзмалари билан танишиб, уларнинг мазмунини баён қилиб беради.

Анджонда Отабек қозининг кутубхонасида Муҳаммад ибн Яхёнинг “Сувар ал-ақолим”, Қазвинийнинг “Ажойиб ал-махлуқот”, номаълум бир муаллифнинг “Мирот ал-футух”, ҳамда Отабек қозининг қаламига мансуб “Муфассал тарихи Фарғона” каби асарлар қўлёзмасини таърифлаб беради.

Ўш шаҳрида Заки Валидий Мирзо Фозил Бек қўлида “Тарихи Шоҳруҳий”, “Темурнома”, “Зафарномаи Ҳоти-

фий”, Мирзо Санг Муҳаммад Бадахшийнинг “Тарихи Бадахшон” қўлёмалари борлиги ҳақида хабар беради.

Шунингдек, Заки Валидий Мулло Қудратулло Тоирбоевнинг қўлёмза хазинасида сақланган 7 та қўлёмза ни тавсифлаган. Улар орасида Муъин ал-Жувайнийнинг “Нигористон”, Муҳаммад Олим ал-Содиқий ал-Улувийнинг “Ламоҳот” асари, Зиё Нахшабийнинг “Чихл номус”, Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосимнинг “Ажойиб ал-тақобот”, Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Амулийнинг “Нафойис ал-фунун фи аъроид ал-уъюн”, шоир Мушрифнинг “Рисолаи аскаррия” каби қўлёмзалар тавсифини беради. Мулло Қудратуллода эса фол очиш ва астраномияга оид қўлёмзаларининг анчагина бой тўплами мавжуд бўлганлигини қайд этган.

Заки Валидий томонидан топилган яна бир нодир қўлёмза Мирзо Фозил Бек қариндошларидан бирининг қўлида сақланиб қолган Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн” қўлёмзаси бўлиб, уни ҳам тавсифлашга муваффақ бўлган.

Наманганда у машхур Юсуф Хон Тўра қўлида Ҳамидуллоҳ Муставфий Қазвинийнинг “Тарихи Гузида”сининг икки нусхасини кўради, “Тарихи Роқимий”, “Равзат ал-Сафо”, Мулло Мир Муҳаммад Аваз ўғлининг “Маноқиби Мавлоно Исҳоқ”, “Маноқиби Мавлоно” қўлёмзалари билан танишади.

Шунингдек, у Наманганда Муҳаммад Хожа Эшон Лолаяриш шахсий кутубхонасида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” қўлёмзаси билан танишади, бу қўлёмза кейинчалик фанда “Қутадғу билиг”нинг “Наманган нусхаси” номи билан машхур бўлган. Бу асарни Заки Валидий тавсифлаб¹, фанга олиб киради. Бу қўлёмза ҳозирда

¹ Prof. Zeki Velidi Togan. “Divân-I Lugât üt-Türk”ün telif senesi hakkında (O date создания “Дивану лугат ит-тюрк”) // *Atsız Mecmuası*. – Istanbul, 1932. №16. – С.77-78.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэмалар фондида сақланмоқда.

Туркистондаги илмий сафари давомида Заки Валидий Шаҳрисабзда ҳам бўлади. Қарши шаҳрида у бозорда бир атторнинг қўлидан Қуръоннинг туркча таржимасини сотиб олади ва уни X асрга мансуб ноёб нусха эканлигини аниқлайди. Кейинчалик бу эски Қуръон таржималари ҳақида инглиз тилида ўз мақоласини эълон қилади¹ ҳамда 1951 йилда Шарқшуносларнинг Халқаро конгрессида маъруза қилади².

Заки Валидий Туркистонда 1913 йилдаги илмий сафари давомида Тошкентда бўлиб, бир қанча кутубхоналардаги қўлэмалар билан танишади. Отаси Аҳмадшоҳ ва қўшнилари Бекбўлат ҳазратлари топшириғи билан Шайх Хованд Тоҳур ва Хўжа Аҳрор Валий зиёратгоҳларига боради, Шайх Хованд Тоҳурнинг муфассал маноқиб, форс ва турк тилларидаги шеърлар жамланган қўлёмани саҳҳофлардан сотиб олади. Шу орада Бухоро ва Самарқандга ҳам бориб, у ерда ҳам зиёлилар, қўлёма соҳиблари, тарих ва археология, этнография мухлислари билан учрашади³.

Заки Валидийнинг асарлари билан танишган зиёлилар унинг ижодига юқори баҳо берадилар. Хусусан, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон Заки Валидийнинг асарларини ўқигач, унга хат йўллаб, Андижонга таклиф қилади. Валидий Назир Тўрақулов билан Чўлпоннинг

¹ Togan Z. V. Turkish Qur'an Translation (Қуръоннинг туркча таржимаси) // Islam Tedkikleri Enstitüsü Dergisi. 1964. – S.19; Togan A. Zeki Velidi Kur'an ve Türkler. – Istanbul, 1971. – S.19–20.

² Валидий А.З. “Хотиралар: Туркистонда мустақиллик ва озодлик курашлари тарихи” (Муҳаммадjon Абдурахмонов таржимаси). – Т.: Истиклол нури, 2014. – Б.119.

³ Абдурахмонов М., А. Зоҳидий, А.З. Валидий. Тўғоннинг Туркистонга илмий сафари (1913–1914 йиллар). – Т.: Фан, 1997. – Б.26.

отасининг уйида бўлади¹. Бу танишув кейинчалик Чўлпон ва Валидийнинг маърифатпарварлик ғояларини ёйишлари ҳамда сиёсий жараёнларда елкама-елка туриб, ҳукуматга қарши курашда бирлашиш йўлларидаги илк учрашувлари бўлган эди.

Кейинчалик Заки Валидий Лондондан ўрта аср тарихчилари, хусусан, Мирхонд, Хондамир қўлёзма асарларининг нусхаларини, шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хотиралари нусхаларини ҳам олишга муваффақ бўлади². Заки Валидий ўз даврининг фаол сиёсатчиси ва Бошқирдистон ҳукуматининг раиси, бошқирд, ўзбек, форс, араб, рус, немис, лотин, турк, инглиз, туркман, қозоқ халқларининг маънавий-руҳий ҳолатини, ҳаётини тушуна олган ва тушунтира билган сиёсатчи ҳам эди.

Туркий халқлар, хусусан, Бошқирдистон тараққиёти ва мустақиллиги учун олиб борган фаол ҳаракатлари большевиклар ҳукумати томонидан кескин қаршиликларга учраб, тазйиқлар кучая боргач, Заки Валидий ўн бир йил давом этган сиёсий фаолиятдан сўнг, 1925 йилда мамлакатни тарк этади ва Истанбулга кетади. Бу ерда у ўз фаолиятини бутунлай илм-фан ва таълимга бағишлади. 1930 йилда Вена университетига ўқишга кириб, 1935 йилда “Real Gymnasium”ни тугатади ҳамда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Ислом илмлари бўйича фалсафа фанлари доктори даражасини олиб, Бонн университетининг ислом илмлари фахрий профессори даражасига эришди.

Шу тариқа Аҳмад Заки Валидий кейинчалик ўз ҳаёти ва фаолиятини хорижда – Туркияда давом эттирди, турк, немис, француз, инглиз, араб, венгер, рус ва бош-

¹ Абдурахманов М. Научная деятельность А.З. Валидова в Туркестане. – Т.: Фан, 2004. – С.37.

² Иванов С.Н. Николай Федорович Катанов (очерк жизни и деятельности). Изд-е 2-е. – М.: Наука, 1973. – С.34–37.

қирд тилларида тўрт юздан ортиқ илмий ишлар чоп этди. Хорижда унинг “Бугунги турк эли ва унинг яқин тарихи”¹ (Истанбул, 1942–1947) ва “Хотиралар”² (Истанбул, 1969) каби машхур асарлари чоп этилди ва бутун турк дунёсига танилди.

Заки Валидий ўзининг кўп йиллик илмий сафарлари давомида Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз, Хива, Туркменистон, Эрон, Афғонистонда яшовчи халқлар тўғрисида қизиқарли маълумотлар ва манбаларни аниқлаб, айнан шу йилларда ёзилган асарларида илмий муомалага киритишга муваффақ бўлди³.

Унинг асарлари туркий халқлар дини (ислом дини), фалсафаси, тарихи, урф-одатлари, қадриятлари ҳақида жуда бой манбаларни ўз ичиға олганлиги билан ажралиб туради. Хусусан, “Бугунги Турк эли ва унинг яқин тарихи” номли асарининг биринчи боби туркий халқлар тарихига бағишланган бўлиб, Каспий денгизидан Олтой, Олатоғ, Тяншан тоғларигача чўзилган ерларни қамраб олган. Заки Валидий Марказий Осиё тарихининг ўша даврда энг кам ўрганилган XV–XX аср биринчи ярмигача бўлган давр тарихига алоҳида эътибор қаратди. Шу даврда яратилган барча асарлар, қўлёзмалар билан танишиб, таҳлил қилишга муваффақ бўлди.

Заки Валидийнинг илмий меросида диний фалса-

¹ *Bügünki Türkili (Türkistan) ve yakin tarihi*. Istanbul. Cilt 1: Batı ve Kuzey Türkistan. XII, 696 s., 2 harita, 1 var. ilave. – (Türkili (Türkistan) Bilik. №2).

² Prof. Zeki Velidi Togan. *Natiralar...* – Ankara, 1999. §60. – S.106.

³ *Türkistan ve Edil havzasinin medeni münasebetleri tarihinden* (Туркистон ва Волга хавзалари маданиятлари тарихидан) // *Yeni Türkistan*. 1927. Sayı 2–3. – S.26–30; *Horezm’de yazilmis eski Türkçe eserler* (Хоразмда ёзилган қадимги туркий асарлар) // *Türkiyat Mecmuasi*. – Istanbul, 1928. Cilt 2. – S.316–346; *Über die Sprache und Kultur der alten Chwarezmier* (Хоразмликларнинг қадимги тили ва маданияти) // *Der VIII. Deutsi Orientalistentag zu Bonn*. – Bonn, 1936. – S.27–30; “*Tahran Kütüphanelerinde Hindistan’dan Gelen Eserlerde Çağatay Dil ve Temürlü Sanat Abideleri*”, *Belleten*, XXIV / 95 (1960). – S.441–446.

фа, шарқшунослик, тарих, маданият, география, этнография, иқтисодиёт, топонимика, антропологияга оид маълумотлар, қарашлар уйғунлашиб кетган эди. Унинг асарларининг йўналиши, мавзуси ранг-баранг, манбалари эса жуда бой ҳамда кўп тилларда битилганлиги муаллифнинг билимлари жуда кенг, қизиқишлари серқирра бўлганлигидан далолат беради.¹

Усманийлар давлатида яшаб, ижод қилган Заки Валидийнинг йирик асарлари шу мамлакатда усмоний туркчада чоп этилди ва бутун туркий оламда машхур бўлди. Совет даврида хорижий тадқиқотларга қаттиқ цензура қўйилганлиги боис уларнинг Ўзбекистонга етиб келишига йўл берилмади. Фақатгина мустақиллик йилларида бу асарлар ўзбек тилида нашрдан чиқди ва жамоатчилик томонидан жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди.

3-§. Уйғур тилидаги асарлар

Шарқий Туркистондаги тарихий тадқиқотларда Ўрта Осиё хонликлари тарихи билан боғлиқ масалалар катта ўрин тутати. Зеро, Туркистон минтақасининг

¹ Исследование по генеалогии эмира Тимура // Маджлиси-и Армаган-Ильми. Проф. Мухаммед Шафи Презентейши Вольюм. – Лахор, 1966. – С.106–113; Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества 1916. – Пг. Т.22. – С.303–320; Некоторые данные по истории Ферганы XVIII-го столетия // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка и любителей археологии. Вып.2. – Т., 1916. – С.68–118; О собраниях рукописей в Бухарском ханстве: (Отчет о командировке) // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. 1916. – Пг. Т.23. – С.246–262; Валидов А.З. Бизнинг руҳоний бойлигимиз (Наше духовное богатство) // Юрт. – Коканд, 1917. №1; Türkistan iktisadiyatında “yerli” ve “Rus” noktai nazarları ve “Aris – Simi hatı” // Yeni Türkistan. 1927. Sayı 4. – S.16–21; Türkistan meselesi // Yeni Türkistan. 1927. Sayı 1. – S.2–8; Togan Z.V. Türkish Qur’an Translation (Куръоннинг туркча таржимаси) // Islam Tedkikleri Enstitusu Dergisi. 1964. – S.19; Togan A. Zeki Velidi Kur’an ve Türkler. – Istanbul, 1971.

шарқий ва ғарбий қисмлари ўртасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар доимо бир-бирига таъсир қилиб келган. Ҳар икки ҳудудда яшаган маҳаллий аҳолининг тили, дини, урф-одатлари ва маданияти жуда яқин ва ўхшаш, илдизлари чуқур боғланганлиги боис тарихий, адабий асарларининг мазмуни, услуби, ёзуви, ҳуснихати ва китобат санъатида ҳам яқин уйғунлик, мавзулар ўхшашлиги ва муштарак боғлиқлиги яққол кўзга ташланади. Шу боис, XVII–XX аср бошларида Шарқий Туркистонда яратилган тарихий, адабий асарларда икки минтақа тарихи билан бевосита боғлиқ маълумотлар кўп учрайди ва улар ватанимиз тарихини ўрганишда катта қизиқиш уйғотади.

XVIII асрнинг 50–60-йилларида Чинг империяси¹ қўшинлари томонидан Шарқий Туркистон босиб олинган, манжурлар ўлкани маҳаллий ҳокимбеклар орқа-

¹ Хитой (Чинг империяси) – Ушбу атама 1644–1911 йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган манжурлар империясига нисбатан ишлатилган. Рус тилидаги тарихий адабиётларда эса “Цин” (Дмитриев С.В., Кузьмин С.Л. Империя Цин как Китай: анатомия исторического мифа // Восток (Oriens). 2014. №1. – С.5–17.), инглиз тилидаги тарихий адабиётларда эса “Qing” деб ишлатилган (Dunnell, Ruth W.; Elliott, Mark C. & Foret, Philippe et al., eds. New Qing Imperial History: The Making of Inner Asian Empire at Qing Chengde, Routledge, 2004.

Ўзбекистонда бу империя тарихига оид тарихий адабиётлар камлиги боис, ушбу атама турлича қўлланилган. Жумладан, ўқув дарсликларда “Цин империяси” (Муҳамедов Х, Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи (Янги давр давлати ва ҳуқуқи). Дарслик. – Т.: ТДЮУ, 2016. – Б.400), “маньчжурлар” (Эргашев Ш. Жаҳон тарихи (Янги давр. 1-қисм. XVI–XVIII асрлар). Лотин ёзувида ёзилган адабиётларда эса “Sin” деб ёзилмоқда (Lafasov M., Jo'rayev U., Xoliqov E., Qodirova D. Jahon tarixi. 9-sinf. – Т.: O'qituvchi, 2014. – В.95).

Кўпгина тарихчилар ушбу сулолани Цин ёки манжурлар империяси атамаси ўрнига Хитой ёки Хитой ҳукумати атамасини ишлатиб чекланиб қолганлар. Шу боис, хитой тилидаги 清 (Qing) иероглифининг ўзбек тилида “Чинг” деб талаффуз қилинганлиги боис, “Чинг империяси” атамасини ёки 1644–1911 йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган сулола номи билан “манжурлар империяси” ҳамда “Хитой” сўзларини қўллаш маъқул кўрилди.

ли назорат қилган. Ушбу ҳокимбекларнинг ваколоти чекланган бўлса-да, улар маҳаллий, яъни уйғур шоирлари, тарихчиларига имкон қадар ҳомийлик қилганлар. Жумладан, Қашқар ҳокимбеги Зухриддин Тожибек (1830–1848) 1827–1828 йиллар давомида Самарқанд, Бухоро, Тошкентга келиб, бир қатор мадраса мударрислари билан суҳбат қурган. Унинг даврида бир қатор тарихий асарлар уйғур тилига таржима қилинган. Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарини форс-тожик тилидан уйғур тилига таржима қилган Муҳаммад Шариф бу асарга илова сифатида Шарқий Туркистонда XIX асрнинг 30-йилларига қадар бўлган тарихий воқеларни ҳам кўшган. Муҳаммад Шарифнинг ушбу асарда кўрсатишича, 1826–1828 йиллардаги Жаҳонгирхўжа кўзғолонида бевосита қўқонликлар ҳам иштирок этган¹.

Бу вақтда ҳам уйғурлар орасида хамсанавислик анъанаси давом этиб келган. Уйғурлар хамсанавислиги бир томондан Алишер Навоий “Хамса”сини кўчириб тарқатишга, иккинчиси томондан “Хамса”даги дostonларга назиралар ёзишга йўналтирилган эди. Зухриддинхўжа даврида Алишер Навоий “Хамса”си 500 нусхада кўчирилган². Ҳозирда ҳам Шарқий Туркистонда “Хамса”нинг турли-туман нусхалари сақланмоқда. Фақатгина Қашқар вилояти музейида “Хамса”нинг 21 та нусхаси мавжуд. Бундан ташқари, “Алишер Навоий “Хамса”сининг қўлёзмалари катологи”даги маълумотларга кўра, ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 170 та “Хамса”нинг 12 тасини кўчир-

¹ “Тарихи Рашидий”нинг иловаси / Муаллиф Муҳаммад Шариф – ЎЗР ФА ШИ, Қўлёзма рақами: №10191. 4096-варақ. Кейинчалик ўзбекистонлик тадқиқотчи О. Жалилов ва япон тадқиқотчиси Я. Кваҳара ушбу асарни япон ва уйғур тилида нашр этганлар (2008 йил, Токио).

² Мухлисов Иусупбег. Эсирлар ва эсэрлар... – Б.66.

ган хаттотлар шарқий туркистонлик бўлган¹. Уйғур хаттоти Умар Боқий 1792 йили “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларини тушунарли, оддий насрий услубда қайта ёзиб чиққан ва булар “Қиссайи Фарҳод-Ширин”, “Китоби Лайли-Мажнун” номи билан Тошкентда 1909, 1910, 1912, 1915 йилларда тошбосмада кетма-кет босилган. Биринчи дostonга 13 та, кейингисига 11 та миниатюра ишланган². Мулло Сиддиқ 1813 йили “Хамса”даги 4 дostonга “Лисон ал-тайр”ни қўшиб, “Булбули гулшани Навоий” номи билан насрийлаштирилган.

Алишер Навоий асарлари Ёркенд хонлигида мактаб ва мадрасаларда ўқитила бошлаган, ғазаллари навоийхонлик кечаларига файз бағишлаган. Шу боис, XVIII асрда Қашқарда Навоий асарлари луғати тузилган. Улуғ мутафаккирнинг содиқ мухлиси бўлган Назорий 1806 йили “Навоий” номли дарслик тузиб тарқатган³. Шоир Сабурий 1840 йилда “Навоийнинг адолатпарварлиги хусусида” номли асар ёзиб, унда Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonининг ижтимоий-ғоявий хусусиятлари ҳақида мушоҳада юритган.

Бу борада XX аср бошларида Марказий Осиёга кўп саёҳат қилган ва Тяньшаннинг жануби-шимолини айланиб чиққан швециялик олим Севин Хедин шундай ёзган: “Навоий бу ердаги китобхонлар учун жуда суюкли муаллиф экан. Бунга мисол тариқасида ўша ерларда яшаётган уйғурлар орасида сақланаётган Навоийнинг ранг-баранг асарларини олсак бўлади. Ҳатто, Шарқий Туркистоннинг энг узоқ ҳудуди бўлган Лобнорда Навоий шеърлари ашула қилиб айтилиб, назмгўйлик қили-

¹ Алишер Навоий. “Хамса”сининг қўлёзмалари каталоги... 2-варақ.

² Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар // Булоқ. – Урумчи, 1992. №3. – Б.248.

³ Усмон Ғ. Уйғур классик адабиёти тарихи. – Урумчи, 2001. – Б.248.

нар экан. Навоий дostonлари оддий халқ орасида қисса-хонлик кўринишида кенг тарқалган экан”¹.

1854 йилда Хўтон хоқимбеги Муҳаммад Алишер бинни Абдулмўъмин ҳомийлигида “Таворихи мусиқийн” (“Мусиқачилар тарихи”) асари ёзилган. Асар муаллифи Мулла Исмадулла ибн Неъматулла бўлиб, Мўжизий тахаллуси билан ижод қилган. Асарда Пифагор, Форобий, Паҳлавон Маҳмуд, Муҳаммад Куштангир, Алишер Навоий, Нўъмон Самарқандий, шайх Сабъий Самарқандий, Қодирхон Ёрқандий, Омонисса хоним каби мусиқачилар ҳаёти ва уларнинг мусиқа илмига қўшган ҳиссалари баён қилинган.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингач, Бухоро ва Қўқон хонликларида юз берган ўзгаришларни Шарқий Туркистон аҳолиси бир хил қабул қилмаган. Сиёсий бошбошдоқликлар ва ўзаро урушлар маданий ҳаётнинг кўпгина намоёндаларини ғарибликка ва мусофирликка дучор қилган. Айниқса, Тошкент босиб олингач, Қўқон хонлигининг собиқ амалдорлари, ҳунар аҳли, олим ва фузалолар Шарқий Туркистонга кўчиб борган. Улар Қўқон лашкарбошиси Муҳаммад Ёқуббек (1820–1877) барпо этган Шарқий Туркистондаги давлатда маданий ҳаёт марказларининг шаклланиши ва ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Муҳаммад Ёқуббек бошчилигида ва унинг қўллаб-қувватланиши билан бошқа шаҳарлар хоқимларининг ташаббуслари натижасида Ёрқенд, Хўтон, Турфон ва Қашқарда ўзига хос адабий муҳит шаклланиб, таржима ва ижод иши ривожланган. Бундай ворислик ва ижод аҳлига ҳомийлик Қўқон давлатида шаклланган адабий ва маданий муҳитни эслатар, гўё бу ўлкада хонликдаги маданият қайта уйғонган ва тиклангандек тасаввур уйғотар эди.

¹ Уйғур адабиётининг қисқача тарихи. – Алматы, 1983. – Б.62–63.

Шарқий Туркистонда шу даврда ислом дини ва тарихи ҳамда тарих, адабиётга оид кўпгина асарлар ёзилган. Шунингдек, кўпгина асарларни таржима қилиш ишлари жонланиб кетган. Ўзига хос таржимонлик мактаблари шаклланган. Улардан бири Хўтонда анча тараққий топган эди. Бу ерда Хўтон хокими Азизшоҳ топшириғи билан “Саловоти Масъудий” ва Муҳаммад Ғаззолийнинг “Кимиёи саодат” асарлари форс тилидан туркий (ўзбек) тилига таржима қилинган. Ушбу икки асар Муҳаммад Исо деган киши томонидан таржима қилинган. Шу таржима кейинчалик тошбосма ва қўлёзма нусхаларда туркий тилли аҳоли орасида кенг тарқалган¹.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё аҳолисининг манжурлар империяси сиёсати-га қарши кўтарилган кўзғолонлари ҳақида қатор асарлар юзага келди. Булар қаторига Мулла Шокирнинг “Зафарнома”², ғулжалик Мулло Билол Нозимий (1832–1900)нинг “Ғазот дар мулки Чин”³, Мулло Мусо Сайраимийнинг “Тарихи Ҳамидий”⁴ ва “Тарихи аминия”⁵, Илём Охунднинг “Ёқуббек Бадавлатнинг сўнгги хотиралари”, Саид Муҳаммад Қошийнинг “Шарҳи шикаста”⁶ каби асарларни киритиш мумкин. Уларда XIX аср ўрталарида

¹ Музаффарзода Г. Фарғона водийси маданиятининг таъсири. (Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг “Кимиёи саодат” асари таржимаси мисолида) // Буюк Ипак Йўли ва Фарғона. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Андижон, 2004. – Б.156–157.

² Мулла Шокир. Зафарнома // “Оқсув адабиёти” журнали. 1981–1982 йиллардаги сонларида.

³ Мулла Билол Нозимий. “Ғазот дар мулки Чин” // “Шинжонг тазкираси” журнали. 1995. №1–3.

⁴ Мулло Мусо Сайраимий. Тарихи Ҳамидий / Нашрга тайёрловчи Анвар Бойтўра. – Урумчи: Миллатлар нашриёти, 1986. – Б.775.

⁵ Мулло Муса бен мулла Айса Сайраимий. Тарих-и Эминие (История, посвященная Эмину). – Казань, 1905. – С.256.

⁶ Аҳмад Мўмин Торими. Уйғур тарихшунослик тарихидан баён. Урумчи: Шинжонг халқ нашриёти, 2013. – Б.251–253.

Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистонда юз берган сиёсий-ижтимоий воқеалар, Қўқон саркардаси Муҳаммад Ёқуббекнинг Еттишаҳар давлати ҳақида маълумотлар берилган.

Масалан, уйғур тарихчиси Мулло Шокир (1805–1870) нинг “Зафарнома” асари 1864 йилда юз берган Кучор қўзғолони ҳақида бўлиб, 1866–1870 йиллар оралиғида Учтурфонда ёзилган. Асар шеърий тарзда ёзилган бўлиб, 230 бет, 3820 мисрадан иборат. Асар ЎзР ФА ШИда №12172 рақам остида сақланади. “Зафарнома”да дастлаб шарқ шоирлари одати бўйича “ҳамд” ва “наът”лар ёзилган, Аллоҳга ва унинг пайғамбарларига мурожаат қилинган. Шундан сўнг асар Кучор аҳолисини Чинг империясига қарши қўзғолон кўтариши ва ҳоким Аҳмад вонгни ўлдирилиши, Рашидиддиннинг подшоҳ қилиб кўтарилиши баён қилинган. Рашидиддин асли бухоролик Абулҳафиз Кабир Бухорийнинг авлоди бўлиб, Бухорода таҳсил олган. Асарда шунингдек, 1865 йилда Қўқон хонлиги саркардаси Муҳаммад Ёқуббекнинг Кучорга бостириб кириши ва мамлакатни бирлаштириш бора-сида қилган ишлари баён қилинган.

“Газот дар мулки Чин” асарининг муаллифи Мулло Билол Нозимий 1828 йилда Ғулжа шаҳрида туғилган. У Ғулжадаги Байтуллоҳ мадрасасини тугатгач, Ғулжадаги масжидлардан бирида имом бўлиб, фаолият олиб борган. 1864 йилда Чинг империясига қарши кўтарилган қўзғолонда иштирок этган. Асарни 1875 йилда ёзиб тугатган. Асар ЎзР ФА ШИ №9007 рақам остида сақланади. У 6000 мисрадан иборат бўлиб асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Шарқий Туркистонда юз берган воқеа-ҳодисалар ёритилган. Жумладан, 1864 йилдаги Ғулжа қўзғолони ёритилган. Асарда қўзғолонда иштирок этган фарғоналик савдогарлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Уйғур тарихчиси Мусо Сайрабий (1836–1917)нинг “Тарихи аминия” (“Тинчлик ва омонлик тарихи”) ва “Тарихи ҳомидий” асарлари пскентлик Муҳаммад Ёқуббек (1820–1877)нинг Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистондаги ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги муҳим манбалар ҳисобланади. Асар муаллифи Шарқий Туркистондаги Сайрам қишлоғида туғилган бўлиб, Кучардаги мулла Усмон охунд мадрасасида ўқиган. У 1864 йилдаги қўзғолонларда иштирок этган. 1867–1877 йиллар давомида Муҳаммад Ёқуббекнинг Оқсувдаги закотхонасида мирза бўлиб етти йил ишлаган. У бир неча марта Муҳаммад Ёқуббек билан ҳамсуҳбат бўлган. Кейинчалик у бутун Шарқий Туркистонни айланиб чиқиб ўз асари учун маълумотлар тўплаган ва 1903 йилда “Тарихий аминия” асарини ёзиб тугатган. Бу асар Н. Пантусов томонидан 1905 йилда Қозонда тошбосмада нашр қилинган. Кейинчалик ушбу асар яна қўшимча маълумотлар билан тўлдирилиб, 1908 йилда “Тарихи Ҳамидий” номи остида муаллиф томонидан қайта ёзилган. Асар 1986 йилда Пекинда уйғур тилида нашр қилинган. Мусо Сайрабий умрининг охириги йилларини Оқсувда ўтказган.

“Тарихи аминия” асари дебеча, бир муқаддима, икки дoston ва бир хотимадан иборат бўлиб, аксарият мусулмон тарихнавислиги анъаналарига кўра, Одам ато, Нуҳ алайҳиссалом, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га наът билан бошланиб, Чингизхон, ва Чифатой даврида Мўғлистон (ҳозирги Шарқий Туркистон), Ёркенд хонлиги (1514–1759), Чинг империяси (1644–1911)нинг Шарқий Туркистондаги ҳукмронлиги ҳам Муҳаммад Ёқуббекнинг Еттишаҳар давлати (1864–1877) тарихини баён қилган. Асар муаллифи бевосита ўзи кўрган-кечирганларини ёзиб қолдириш билан бирга, кейинчалик бу маълумотларга тегишли ҳужжатлар тўплаган ҳамда ҳар

бир воқеа-ҳодисани қайта-қайта таҳлил қилган. “Тарихи аминия” асарининг 29–34-бетларида Ёркенд хонлиги (1514–1759) ворисларидан бири Жаҳонгирхўжанинг Шарқий Туркистонда Чинг империясига қарши қўзғолон кўтариши ва унинг илтимоси билан Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822–1842)нинг Қашқарга юриши, Қўқон хонлиги ва Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатлари ёритилган.

Асарда қайд этилишича, 1865 йилда Россия империяси қўшинлари томонидан Тошкент шаҳри босиб олинган, тошкентлик ва қўқонлик саркардалар Ҳамдам ботурбоши, Туробхўжа ясовул, Абдуллоҳ пансод, Ғозибек пансод, Муҳаммадқули шиғовул, Хўжа калон ҳудойчи, Исроилхонтўра, Умарқул баҳодир, Боқибек додхоҳ ва жами етти мингдан ортиқ киши Қашқарга ўтиб келган¹. Муҳаммад Ёқуббек Қўқон хонлиги устахоналаридан моҳир ва комил усталарни ўз давлатига олдириб келиб, дастлаб Қўқон хонлари Маллахон (1858–1862) ҳамда Сайид Султон (1863–1865) номидан тилла танга чиқарган². Шунингдек, у Қўқон ва Бухородаги машҳур уста меъмор ва наққошларни ҳам олдириб келиб, Еттишаҳарнинг турли шаҳарларида бинолар қурилишида ишлатган³.

Қўқон адабий муҳитида шаклланган Акмал Тошкандий⁴, 1866 йили шоир Тоиб билан бирга, қўқонлик Писандий⁵ ҳам Қашқар ва Ёркендда бўлган⁶. Шарқий

¹ Мулло Мусо Сайрабий. Тарихи Ҳамидий / Нашрга тайёрловчи Анвар Бойтўра. – Урумчи: Миллатлар нашриёти, 1986. – Б.346.

² Мулло Муса бен мулло Айса Сайраби. Тарих-и Эминие (История, посвященная Эмину). – Казань, 1905. – С.186. Бу ҳақда яна қаранг: Тўхтиев И. Тангалар тилга кирганда. – Т., 1989.

³ Жалилов О. Мусо Сайромий. – Т., 1965. – Б.17, 21.

⁴ Абдуллаев И. Акмал Тошкандий // Имом ал Бухорий сабоқлари. – Т., 2002. №3. – Б.213–217.

⁵ Қайюмий П. Тазкираи Қаюмий... – Б.538.

⁶ Ўша асар. – Б.478.

Туркистонда бу даврда Фурқат, ҳамда тарихчилардан Имом Али Қундузий¹, Мирза Шамс Бухорий², Муҳаммад Тойиб Муҳаммад Амин ўғли³, Муҳаммад Умар қори Умидий Марғилоний⁴, Ғиёсиддин Марғилонийлар ижод билан шуғулланганлар. Улар Шарқий Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этганлар.

Акмал Тошкандий асарида қайд этилишича, Муҳаммад Ёқуббекнинг куёви 1830 йилларда Тошкентда туғилган Акмал Сайидахмадхон ўғли Тошкандий XIX асрда яшаб ижод этган зуллисонан шоир бўлган⁵. 1865–1877 йиллари Ёқуббекнинг шахсий котиби ва Қашқар қозиси бўлиб ишлаган бу шахс шаҳар ободончилиги ва осойишталиги учун катта хизмат қилган. Муҳаммад Ёқуббек вафотидан сўнг, у Тошкентга қайтиб келиб, мактаб очган. Уйғур тарихчиси Мусо Сайромий у ҳақда шундай ёзган: “Ва яна Акмалхон тўрам эдилар, фозил, уламо, боинсоф киши эди. Исmlарига мувофиқ дарвоқе комил ва акмал эдилар”, – дея таъриф берилган⁶.

Ғиёсиддин Марғилоний XIX аср иккинчи ярмининг бошларида Марғилондан Қашқарга кўчиб борган ва Қашқар адиблари билан жуда яқин муносабатда бўлган. Қашқардаги тараққийпарвар адабиёт вакиллари Низомиддин, Носим Қашқарий кабилар билан дўстлашган ва ҳамсуҳбат бўлиб, ижодий ҳамкорликда бўлган. Бу ҳамкорликнинг самараси унинг “Бадавлатнома” асари

¹ Имомали Қундузий. Таворихи манзума. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №597.

² О некоторых событиях в Бухаре, Коканде и Кашгаре...

³ Муҳаммад Тойиб Муҳаммад ўғли. – ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №6696, 596.

⁴ Муҳаммад Умар қори Умидий Марғилоний. Мактубчаи хон. – Т., Фан. 2007.

⁵ Абдуллаев И. Акмал Тошкандий... – Б.214.

⁶ Муса Сайромий. Тарихи аминия... – С.885.

бўлиб, уни ҳам уйғур, ҳам ўзбек шоирлари биргаликда ёзганлар¹.

Муҳаммад Ёқуббекнинг сирли ўлими ҳақидаги турли миш-мишлар ёки турли баҳсларга ойдинлик киритадиган асарлардан бири Илёс Охунднинг “Ёқуббек Бадавлатнинг сўнгги хотиралари” асари ҳисобланади. Бу асар ЎЗР ФА ШИ 417-рақам остида сақланади. Муаллифнинг ўзи бевосита Муҳаммад Ёқуббекнинг ёнида юрган ходимларидан бири бўлганлиги учун ҳам асар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда уйғур манбаларида Туркистон тарихига оид қизиқарли маълумотлар жуда кўп ва улар ўз тадқиқини кутмоқда.

4-§. Эрон сафарномалари ва мемуарлари

Марказий Осиё халқлари, хусусан, Эрон ва Турон тарихи жуда қадимдан муштарак бўлиб, бу энг аввало, уларнинг ягона Марказий Осиё минтақасида жойлашганлиги, жуда қадимдан зардуштийликка, кейинчалик эса ислом динига эътиқод қилганлиги, тили (форсий), мумтоз адабиёти ва маданияти ҳам муштарак ривожланганлиги, иқтисодий алоқалари ҳамиша фаол бўлганлиги, сиёсий тарихи эса айрим тарихий даврларда умумий давлатчилик (Аҳамонийлар, Амир Темур салтанати ва бошқалар) доирасида кечганлиги, айрим даврларда ўзаро урушлар ёки иттифоқчилар бўлганлиги яхши маълум.

Эрон ва Турон халқлари маданий алоқаларининг тарихий илдизлари энг қадимги зардуштийлик дини тарқалган даврлардан бошлаб, ислом маданияти даврида янада яқинлашди. Айниқса, мумтоз адабиётда Жалолоддин Румий, Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Ше-

¹ Қодиров Р. Ўзбек – уйғур адабий алоқалари тарихига доир... – Б.88-89.

розий, Саъдий Шерозий, Рудакий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Умар Ҳайём ижоди, тарихий тадқиқотларда Заҳриддин Бобур, Мирхонд, Хондамир асарлари ҳар икки ҳудуд халқлари учун бирдек қадрли маданий дурдоналарга айланди.

Ўрта асрлар тарихий-адабий манбаларида Эрон ва Турон тарихи ҳамда маданиятининг ўзаро алоқадорлиги ҳамиша яққол намоён бўлиб келган. Сўнгги ўрта асрларда минтақада ҳаж зиёрати, элчилик сафарлари муносабати билан ҳар икки ҳудудда яратилган сафарномалар нафақат йўл таассуротлари ва мулоқот жараёнларини, балки ташриф буюрилган мамлакатнинг шаҳарлари, аҳолисининг турмуш маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид муҳим тарихий маълумотларни ҳам акс эттирганлиги боис, тарихий манба сифатида тадқиқотчилар эътиборини тортиб келмоқда.

XIX аср ўрталарига келиб Марказий Осиё минтақасида Англия ва Россия империяси манфаатларининг тўқнашуви ва “Катта ўйин” режалари бу ердаги геосиёсий вазиятни мураккаблаштириб, қўшни давлатлар, хусусан, Хива хонлигининг Эрон билан ўзаро алоқаларига ҳам таъсир кўрсата бошлади. Эрон ҳудудида ўз таъсирини ўрнатиб олган Англия бу ердаги элчилари ва Эрон ҳукмдорлари орқали ўз режаларини амалга оширишга, хонликларда ўзининг иқтисодий ва сиёсий таъсирини кучайтиришга интилса, унинг асосий рақобатчиси Россия империяси бунга имкон қадар йўл қўймаслик йўллари излади.

Бухоро ва Хива хонликларининг Эрон билан муносабатларида чегара ҳудудларидаги нотинчлик ёки ўзаро келишмовчиликлар натижасидаги ҳарбий тўқнашувлар туфайли оддий халқ азият чекар эди. Урушлар натижасида асирликка тушганларнинг аксарияти қулликка маҳрум бўлиб, бозорларда сотилар, нуфузли шахслар

эса, тутқунликда сақланар эди. Айниқса, Хива хонлиги тасарруфидаги чегарадош ҳудудлар – бепоён даштларда тарқалиб яшаган кўчманчи туркман қабилаларининг Эрон чегараларига тез-тез хужумлари, ҳарбийлар ва тинч аҳолининг асирликка олиниши ҳамда кул сифатида Бухоро ва Хива бозорларига келтириб сотишлари туфайли мамлакатда эронлик қулларнинг кўпайиб кетиши ўзаро муносабатларда жиддий муаммо туғдириб, XIX аср ўргаларидаги дипломатик музокаралардаги долзарб масалага айланган эди.

Бу ҳақда маҳаллий манбаларда, хусусан, Мунис, Огаҳий асарларида ҳам, Эрон элчилари томонидан яратилган сафарномаларда ҳам қайд этилган маълумотлар муҳим тарихий фактларни тасдиқлаш билан бирга бир-бирини тўлдиришга хизмат қилади.

Эрон сафарномаларини ўрганишда эроншунос олимлардан Б. Маннопов¹, Эрон ва Хива хонлиги муносабатлари тарихини ўрганган тарихчи мутахассис Н. Аллаева², сафарномаларни ўзбек тилига таржима қилиб, чоп эттирган Умидбек Муҳаммад, Бекжон Исмоиловнинг хизматларини алоҳида қайд этиш лозим.

Бевосита сафарномаларга тўхталиб, шуни қайд этиш лозимки, улар энг аввало асар муаллифларининг воқеалар гувоҳи ва иштирокчиси сифатида ўзлари кўрган, билган, суриштириб, аниқлаган маълумотларга асосланганлиги билан қимматлидир.

Сафарномалардан бири Хоразмга 1842 йилда Эрон ҳукмдори Муҳаммадшоҳ қожор томонидан юборилган элчи Муҳаммад Алихон Ғафурнинг қаламига мансуб бў-

¹ Маннопов Б.С. Из истории русско-иранских отношений конца XIX начала XX века. – Т.: Наука, 1964. Шу муаллиф: Лолабошининг Хоразм сафари // Шарқшунослик. 1997. №8. – Б.69–73.

² Аллаева Н. “Взаимосвязи Хивинского ханства с Ираном в XVI–XVIII вв.”. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Т., 2007.

либ, “Рўзномаи сафари Хоразм” (“Хоразм сафари кундалиги”) деб номланади¹. Сафарномада Эрон элчисининг 1842 йилда Хива хонлигига дипломатик миссия билан ташрифи чоғида Хива хони Оллоҳқулихон (1825–1842) билан олиб борган дипломатик музокаралари ўз аксини топган бўлиб, унинг сафардан қайтгандан сўнг, Эрон ташқи ишлар вазирлигига ёзилган ҳисоботи асосида чоп этилган 2009 йилда шарқшунос Бекжон Исмоилов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда чоп этилган².

Маълум бўлишича, Хоразмга Англия ва Россиянинг Техрондаги доимий элчихонаси вакиллари билан бирга жўнатилган Муҳаммад Алихон Ғафурга Эрон ва Хива хонликлари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш, эронлик асирларни тутқунликдан қутқариш ҳамда қул савдосига чек қўйиш масаласини муҳокама қилиш топширилган эди.

Ҳап шундаки, Муҳаммад Алихон Ғафурнинг Хивага ташрифидан бир оз муддат аввал – 1841 йили ёзида Машҳад атрофида талончи туркманлар гуруҳи зиёратчилар карвонига ҳужум қилиб, кўплаб кишиларни асир олганлар ва Хивага олиб келиб сотиб юборганлар. Улар орасида яқин атрофда ов қилиб юрган Вали Муҳаммадхон исмли Хуросон волийси Осаф уд-давланинг акаси фарзанди ҳам асирликка олиниб, Хива хонига топширилган. Хуросон волийси Эрон ҳукмдорига мурожаат қилиб, ўз жиянини озод қилишда ёрдам сўраши муносабати билан Хивага жўнатилган элчи Муҳаммад Алихон Ғофурга

¹ Муҳаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундалиги (Муҳаммадшоҳ Қожор ва Оллоҳқулихон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан. 1842 йил) / Форсчадан ўзбек тилига таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Т., 2009.

² Муҳаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундалиги (Муҳаммадшоҳ Қожор ва Оллоҳқулихон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан. 1842 йил) / Форсчадан ўзбек тилига таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Т., 2009.

Вали Муҳаммадхонни ва бошқа эронлик тутқунларни озод қилишни сўраш вазифаси юклатилган эди.

Мазкур элчилик миссиясига Эрондаги рус ва инглиз элчихоналарининг вакиллари ҳам қўшиб жўнатилаган бўлиб, бу ҳолат Хива хони Оллоҳқулихоннинг ранжишига сабаб бўлади ва бу ҳақда ўз фикрини элчига ошкора билдиради. Гарчи Оллоҳқулихон элчи ва унинг ҳамроҳларини 4–5 марта қабул қилиб, иззат-икром кўрсатса-да, Муҳаммад Алихон тўра билан музокаралар давомида эронлик асирларнинг озод қилинишини “рус ва инглиз вакиллари ташрифи натижаси сифатида” баҳоланмаслиги учун бу ишни кейинги сафарга қолдиради.

Манбаларда қайд этилишича, орадан кўп ўтмай, 1842 йилда Хива хони Оллоҳқулихон вафот этиб, тахтга келган янги ҳукмдор Муҳаммад Амин тўра Муҳаммад Валихонни озод қилиб, у Эрон билан дўстона муносабатларнинг далили сифатида Хива элчиларига қўшиб, Техронга жўнатилади.

Муҳаммад Алихон Ғафурнинг сафар кундалигида Хива хонлиги тарихига оид қизиқарли маълумотлар ўрин олган бўлиб, уларда энг аввало музокаралар жараёнларидаги расмий тартиблар ва маросимлар батафсил таърифланади.

Ушбу сафарномада элчи Муҳаммад Алихон Ғофур Эрондан то Хоразмгача йўлдаги манзиллар, улар орасидаги масофаларни қайд этиб боради. Хива хонлигидаги ўзи кўрган шаҳарларга таъриф беради. Хусусан, Марв шаҳри ҳақида тўхталиб, хон ҳазратлари шаҳарни тиклаб, мудофаа мақсадларида хандақлар қазитганлиги, хандақлар сувга тўлдирилиб, шаҳар аҳолиси учун кўприк тўшалганлигини қайд этади. Хива хонлигида ўғрилик содир бўлмаганлиги боис ҳовлилар, уйлар кулфланмаслиги, ҳатто, озод қилинган айрим эронлик асирларнинг Хивадан кетгиси келмаганлиги, улар хон

қўшинида сарбоз бўлиб хизмат қилиш истагида эканлиги ҳақидаги маълумотлар эътиборга лойиқдир. Амударёни таърифлаб, унда йил бўйи лойқа сув оқиб туришини, қишда эса жуда қаттиқ музлаганлигидан унинг устидан отлиқлар бемалол ўтишини қайд этади. Муаллиф йўлдаги серсув кудуқлар ҳақида ҳам маълумот беради.

Сафарномалардан яна бири Эрон Миллий Мажлис кутубхонасининг қўлёзмалар хазинасида сақланаётган, Ҳусайн Замонийнинг сўз бошиси билан 1994 йилда Техронда чоп этилган **“Сафарномаи Бухорий”** номли асардир¹. Асарни нашрга тайёрлаган, унга сўзбоши ёзган Ҳусайн Замонийнинг қайд этишича, сафарномада муаллифининг номи кўрсатилмаган бўлса-да, унинг мазмунидан элчилик миссияси билан Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳ томонидан Бухорога юборилган шахс қаламига мансублигини, бу тахминан 1844 йилга тўғри келишини таъкидлайди. Зеро, элчига шу даврда Бухорода тутқунликда бўлган инглиз фуқароси Жозеф Вольфни ҳамда эронлик асирларни озод қилиш топширилган эди². Бу даврда Эронда ўз элчилигига эга бўлган Англия мамлакат ҳукмдоридан ўз фуқаросини озод қилишда воситачилик қилишни сўраб, унга ўз вакилини ҳам қўшиб жўнатган эди.

Мазкур сафарномада Эрондан Бухоро амирлигига олиб борадиган йўллар, манзиллар, туркман қабилаларининг жойлашиши тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга мамлакатнинг ички ҳаёти, Хива хонлигида давлат тузуми, девонхона фаолияти, молиявий ва ҳарбий ишларга оид маълумотлар ҳам ўрин олган.

¹ Сафарномаи Бухоро (асари Муҳаммадшоҳи қожор) (1259/1260 ҳ.). Ба эҳтимоми Ҳусайн Замоний. – Техрон, 1373 ҳ.

² Ўзбек дипломатияси тарихи. Тарихий очерклар ва лавҳалар. – Т., 2003. – Б.147–155.

Муаллиф ўз шахсий кузатишлари асосида Бухоро амирлигида элчиларни расмий қабул қилиш маросимлари, турли мансаб ва лавозимлар, уларнинг расмий қабул маросимларидаги жойлашув тартиблари, шоҳ ёрлиғини топшириш, совғалар тақдим қилиш расм-русумлари, элчиларга муносабат, эътибор ва кўрсатилган илтифотларни таърифлайди. Шунингдек, давлат бошқарув фаолияти билан боғлиқ масалалар, хусусан, сарой девонхонасининг фаолияти, солиқларни турлари ва уларни ундириш тартибларига ҳам тўхталиб, 160 минг хўжаликдан йиғиладиган закот солиғи 350 минг сўмни ташкил этишини, Амударё ва Зарафшон дарёсида олтин маъданлари мавжудлигини қайд этади.

Мамлакатнинг ҳарбий кучлари ҳам элчининг эътиборидан четда қолмаган. Асарда уларнинг тузилиши, таъминоти ва мамлакат шаҳарлари, бекликлар бўйича тақсимотига тўхталиб, Бухорода 20 минг, Шахрисабз, Маймана, Денов бекликларида эса 1000 дан 2000 минггача қўшин сақланганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.

Сафарномада Бухоро шаҳридаги йирик тужжорларнинг Россия, Эрон ва Қобул билан йиллик савдо айланмаси, савдогарлардан олинадиган бож ва закот солиқлари, улардан ҳарбий қўшин учун олинадиган алоҳида тўловлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Эрон элчиси Бухоро амирлигининг ташқи алоқаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, унинг ўз қўшнилари – Қўқон ва Хива хонликлари билан муносабатлари, Хурсон ҳокимлари билан алоқалари, инглизларга нисбатан ишончсизлик кайфияти ҳамда Эрон–Бухоро муносабатлари, туркман қабилалари билан келишмовчиликлари ҳақида ҳам маълумотлар келтиради.

Бухоро амири Эрон ҳукмдорининг элчи орқали юбор-

ган илтимосини қондириб, ўз тасарруфида сақланаётган, жосусликда айбланган инглиз фуқаросини ва саройдаги 2000 эронлик асирларни озод қилиб, элчига қўшиб беради. Шунингдек, қолган эронлик қуллар бебош туркманлар томонидан ўзаро тўқнашувларда асир олиниб, ўз эгаларига пул эвазига сотилганлиги боис, уларни озод қилишга ҳаққи йўқлигини тушунтиради.

Эрон сафарномаларидан яна бири “Сафоратномаи Хоразм”¹ 1851 йилда Эрон ва Хива хонлиги ўртасида дипломатик музокаралар олиб бориш учун Хоразмга элчи сифатида ташриф буюрган Мирзо Ризоқулихон Ҳидоят (1800–1871) қаламига мансубдир. Асар И. Бекжонов томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилган², бунга қадар рус шарқшунослари томонидан илмий муомалага киритилган³.

Ризоқулихон Ҳидоят ўз шеърлари билан назарга тушиб, шоҳ саройида “Амир ал-шуаро” (шоирлар бошлиғи) деган унвонга сазовор бўлган, шахзодалар тарбиячиси, маслаҳатчи, туман (ноҳия) хокими лавозимида фаолият юритган давлат арбоби, 20 дан ортиқ тарихий асарлар яратган тарихнавис олим, сарой кутубхонасини бошқарган маърифатпарвар, зиёли шахс эди.

Ризоқулихон Ҳидоят ўрта аср тарихчиси Мирхонд (1433–1498)нинг форс тилида энг мукаммал тарихий асарлардан бири сифатида тан олинган “Равзат ал-сафо

¹ Мирзо Ризоқули. Сафарнома-йи Хоразм. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма рақами: №9129. 41-в.

² Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм. (Носириддиншоҳ ва Муҳаммад Аминхон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан) 1851 йил. / Форс тилидан И. Бекжонов таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б.53–231.

³ Отчет о посольстве в Хорезм Риза-Кули-хана / Перевод и примеч. А.А. Ромаскевича // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI–XIX вв. Иранские, бухарские, хивинские источники (МИТГ) / Под ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М.–Л., 1938. Т.2. – С.280–309.

фи сийрат ал-анбийё ва ал-мулук ва ал-хулафо” (“Пайгамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи”) асарини давом эттиради. Дунёнинг яратилишидан то 1523 йилга қадар Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган муҳим тарихий жараёнлар, ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилган, еттита жилддан иборат бу нодир асарнинг турли қисмлари француз, лотин, швед, немис, ўзбек ва бошқа бир қатор тилларга таржима қилинган бўлиб, европаликлар учун Шарқ тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Ризоқулихон Ҳидоят икки йирик тарихчи олим – Мирхонд ва Хондамир томонидан амалга оширилган бу муҳим асарни давоми сифатида яна уч жилдли асар яратиб, уни 10 жилдга етказади. Эрон, Хуросон, Моваруннаҳр тарихини қамраб олган мазкур уч жилдли асар “Равзат ал-сафои Носирий” деб номланган.

Ана шундай кенг тарихий билимларга эга бўлган Ризоқулихон 1851 йилда Эрон шоҳининг топшириғи билан Хива хони Муҳаммад Аминхон (1845–1855) ҳузурига элчи бўлиб келиб, Эрон–Хоразм муносабатларига ойдинлик киритиш юзасидан музокаралар олиб боради¹.

“Сафоратномаи Хоразм” асарида Ризоқулихон Хоразм халқининг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, урфодат ва анъаналари, Хива хонлигида XIX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий вазият ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Ризоқулихон Хоразмга ташриф буюрганда ўзининг “Равзат ал-сафои Носирий” асарини ҳам олиб келади. Бу пайтда Мирхонднинг “Равзат ал-сафо” асарини Мунис томонидан бошлаб қўйилган форс тилидан ўзбек тилига таржимасини давом эттираётган Огаҳий кейинчалик

¹ Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тарихий очерклар ва лавҳалар. – Т., 2003. – Б.162–178.

“Равзат ал-сафои Носирий” асарини ҳам ўзбек тилига таржима қилади. Ризоқулихон Ҳидоятнинг ҳар икки асари ҳам Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг сўнги ўрта асрлар тарихига оид муҳим манбалардан ҳисобланади.

Хива хонлигига бағишланган, эронлик муаллифлар қаламига мансуб бўлган асарлардан яна бири – бу 1854–1864 йилларда Хивада асирликда бўлган Эрон генерали Исмоилхон Мирпанжийнинг 1864 йилда ёзилган “Асирликдаги хотиралар” номли мемуар асаридир¹.

Эрон ва Хива хонликлари ўртасидаги чегарадош ҳудудлардаги ўзаро тўқнашувларда асирга олинган Эрон генерали Исмоил Мирпанжий 1854–1864 йилларда, яъни ўн йил давомида меҳтар назоратида асирликда сақланган. Исмоил Мирпанжийга асирликда алоҳида эътибор қаратилиб, ўз ўғли ва бир нечта яқинлари билан алоҳида уй, кўриқчилар, озиқ-овқат ажратилган. Унинг ўзи қайд этишича, узлуксиз мурожаатларига қарамай, Эрон ҳукумати уни озод қилиш учун Хива хонига бирор марта мурожаат ҳам қилмаган.

Унинг асирликда ўтирган йиллари давомида Хива хонлигида тахтга тўртта ҳукмдор (Муҳаммад Аминхон, Абдуллахон, Қутлимуродхон ва Саидмуҳаммадхон) келиб, ҳукмронлик қилганлар. Унга асирликдан озод қилиш ҳақида фармон берилганда, ўз бошини олиб, мустақил кетишдан чўчиган Исмоил Мирпанжийга илтифот кўрсатилиб, хивалик аёлга уйлантириб қўйилади. Саидмуҳаммадхон хонлик тахтига ўтирганига олти йил тўлганда, 1864 йилда Исмоил Мирпанжий асирликдан қочишга муваффақ бўлган.

Асирликда И. Мирпанжий ўзи кўрган, суриштириб аниқлаган маълумотларни изчил ёзиб боради. Ҳар

¹ Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар. Форс тилидан Набибулло Ҳасан таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: Комил Нуржон, Умид Бекмуҳаммад. – Урганч, 1997.

бир хоннинг ҳукмдорлик даврида олиб борилган сиёсат, мамлакатдаги аҳволга алоҳида тўхталиб ўтади. Шу асосда Хоразм ва унинг атрофларида кўрган ва эшитган воқеаларини қамраб олган ҳисобот тайёрлайди. Ҳарбий қўмондоннинг қожорлар сулоласи ҳумдорига тайёрланган бу ҳисоботи кейинчалик “Асирликдаги хотиралар” номи билан чоп этилади. Асар мустақиллик йилларида Набибулло Ҳасан томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Комил Нуржон, Умид Бекмуҳаммад томонидан нашрга тайёрланган ва чоп этилган¹.

И. Мирпанжий дастлаб асирликда кечган ҳаётини, Марв, Хивада бошидан кечирган саргузаштларини баён қилади. Асар мазмунидан маълум бўлишича, Исмоил Мирпанжий 10 йиллик кузатишлари давомида анча чуқур маълумотларга эга бўлади. Хусусан, хон саройидаги бош лавозимлар – меҳтар, қўшбеги ва девонбеги лавозимлари, уларнинг асосий функциялари, суд тизими, вилоятлардаги лавозимлар, раис, мулла лавозимлари, уларнинг вазифалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтади.

Исмоил Мирпанжий ҳукмдор шахс фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб, унга исталган шахс арз билан кира олиши, жуда оддий кийиниши, шариатга оид суд ишларига аралашмаслиги, аммо ҳеч кимни мурожаатини жавобсиз қолдирмаслигини қайд этади.

И. Мирпанжий хонликдаги ҳарбий кучлар ҳолати, тuzилиши, сони ва қуролланиш даражасига ҳам эътибор қаратади. Шунингдек, солиқ тузуми, хирож, закот, бож ва тўловларидан келадиган даромадлар, салғут тўлови, қазув мажбуриятлари каби масалаларда анча аниқ маълумотлар қайд этади.

Хонликнинг ташқи алоқалари, хусусан, инглиз–рус рақобати масалаларига тўхталиб, Россия империяси-

¹ Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар. Форс тилидан Набибулло Ҳасан таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: Комил Нуржон, Умид Бекмуҳаммад. – Урганч, 1997.

нинг хонлик шимолида қалъалар барпо этиб, ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олганлигини таъкидлайди.

Муаллиф хонликдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, урф-одатлар, кўшни мамлакатлар – Эрон, Туркия, Афғонистон, Россия, Бухоро билан савдо, маданий алоқалари каби масалаларга тўхталиб ўтади. Ушбу маълумотлар Огаҳий, Баёний каби маҳаллий тарихчилар асарларида қайд этилган тарихий маълумотларни тасдиқлаш билан бирга, уларни айрим масалаларда янада тўлдиради.

Исмоил Мирпанжий мамлакатнинг ички ва ташқи аҳволи, Хива хонлигининг ер майдони, тузилиши, географик жойлашуви, табиати, аҳолиси, шаҳар ва қалъалари, экинзорлари ҳақида аниқ маълумотлар тўплайди. Хусусан, Хива хонлигидаги беклик марказлари ва уларнинг аҳолиси ҳақида маълумот бериб, Ҳазораспда 20 минг, Хонқада 15 минг, Янги Урганчда 30 минг, Хивада 40 минг, Гурланда 15 минг киши яшашини, Питнакда 1000 хонадон борлигини қайд этади.

Шу билан бирга, муаллиф асарда ўзаро элчилик алоқалари ҳамда ташриф буюрган элчилар ҳақида ҳам маълумотлар келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Эрон сафарномалари ва мемуар асарлари Хива хонлигининг ташқи сиёсати, Эрон билан муносабатлари, элчилик алоқалари, икки мамлакатни боғловчи карвон йўллари, хонликдаги шаҳарлар, бошқарув тартиблари ва элчиларни расмий қабул маросимларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

5-§. Хитой манбалари

XIX–XX асрнинг 20-йилларига қадар ёзилган хитой манбаларида Ўрта Осиё тарихига оид кўпгина маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотлар асосан Ўрта Осиё хонликлари, жумладан, Қўқон хонлиги (1709–1876) билан

Хитой (Чинг империяси) ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Бу давр манбаларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиб олиш мумкин: Чинг империяси саройи тарихчилари томонидан ёзилган тўпламлар ҳамда маҳаллий тарихчилар асарлари.

Биринчи гуруҳ манбалари Хитойнинг ҳукмрон сулоласи манжурлар саройи тарихчилари томонидан тўпламлар ҳолатига келтирилган бўлиб, уларнинг таркибида Жунғория ва Шарқий Туркистонни босиб олиши билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, қўшин саркардаларининг ҳисоботлари, қўшни мамлакатлардан келган элчиларнинг ҳужжатлари нусхалари, расмлар, хариталар берилган. Ушбу ҳужжатларнинг аксарияти хитой манжур тилида ёзилган бўлиб, улар орасида қўшни мамлакатлардан келган мактубларнинг туркий, форс-тожик тилидаги таржима нусхалари ҳам мавжуддир. Ушбу ҳужжатлар тўпламининг асосий қисми Хитой Халқ Республикаси ижтимоий фанлар архивида ҳам сақланади. Шунингдек, Хитойнинг бошқа шаҳарларидаги музейларда ҳам учрайди.

Шундай тўпламлардан бири “Да Чинг личао шилу (大清历朝实录 Чинг сулоласининг тарихий солномаси)” деб номланади. Ушбу тўплам 1220 жилд (цэ)дан иборат бўлиб, унда манжурлар империясининг 1583–1912 йилларга оид ҳужжатлари жамланган. Ҳар бир жилд бир боб бўлиб, тахминан 100–110 бетдан иборат. Ушбу манбанинг факсимиле нашри 1937 йилда Токиода чоп қилинган¹. Манбанинг 596-бобида манжур зобити Дакэтананинг Кўқонга бориши, 632, 674, 676, 677, 724-бобларида Эрдона даврида Кўқон хонлиги ва Хитой (Чинг империяси) муносабатлари, 1202, 1203, 1206-бобларида Самарқандда

¹ Дай Цин личао шилу. В переводах Г.П. Супрененко // Материалы по истории кыргызов и Кыргызстана. Т.2. / Ответственный редактор К. Джусаев. – Бишкек: Наука, 2003. – С.136–195.

яшаётган Саримсоқхўжа ва унинг уйғурлар билан алоқаси ҳақида маълумотлар берилган. Айниқса, 1826–1832 йилдаги Қўқон хонлиги ва Чинг империяси ўртасидаги ўзаро муносабатлар, имзоланган шартномалар, иқтисодий жараёнлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Иккинчи гуруҳ манбалар бевосита Шарқий Туркистондаги жанглarda қатнашган ҳарбийлар, сайёҳларнинг эсдаликларидан иборат. Шундай асарлардан бири Ци Юнши қаламига мансуб бўлиб, “Шиюй яо люё (西域要略 Ғарбий чегарага оид қисқа ва муҳим маълумотлар)” деб номланади. 1808 йилда ёзилган ушбу асарнинг “қирғизлар ҳақида” деб номланган тўртинчи бобида Қўқон хонлиги ва Хитой (Чинг империяси) ўртасидаги алоқаларда қирғизларнинг тутган ўрнига оид кўпгина маълумотлар берилган. 1765 йилда юз берган Учтурфон қўзғолони раҳбари Раҳматуллонинг Қўқонга юборган Баҳовуддин исмли элчи юборганлиги ҳақидаги қимматли маълумотлар берилган¹.

Сюй Сун қаламига мансуб “Шиюй шуй дао цзи (西域水道记 “Ғарбий ўлка йўллари ҳақидаги маълумотлар тўплами”)² номли асар 1823 йилда ёзилган бўлиб, унда Шарқий Туркистондаги географик жой номлари, карвон йўллари ҳақидаги маълумотлар қайд этилган.

Вэй Юан қаламига мансуб “Шэнь у-цзи (圣武记 Императорлик жанглари тарихи)” номли 1842 йилда ёзилган асарнинг 4 ва 5-боблари Жаҳонгирхўжа қўзғолонига бағишланган бўлиб, муаллиф бевосита шу воқеалар иштирокчиси бўлганлиги боис муҳим тарихий маълумотларни қайд этган³.

¹ Ци Юнши. Сиюй яо люё. – Шанхай, 1937. – Б.59–60.

² Сюй Сун. Сиюй шуй дао цзи (Ғарбий ўлка йўллари ҳақидаги маълумотлар тўплами) // Серия Сяофан ху цзайю-ди цун-чао (Сяо Фан-ху идорасининг географик тўплами). 1823. Т.4. 13-китоб.

³ Вэй Юан. Шэнь у-цзи (“Императорлик жанглари тарихи”). – Шанхай, 1842. – Б.38.

Хитойда сақланаётган Марказий Осиё тарихига оид ёзма манбаларнинг манжур тилида битилганлари етарлича ўрганилмаган. Улар асосан Хитой Халқ Республикасининг Ижтимоий фанлар архивида сақланади. Ушбу архивда 180 мингдан ортиқ манжур тилидаги хужжатлар тўплами сақланмоқда¹. 1999 йилда уларнинг 120000 тасининг рўйхати, яъни каталоги нашр қилинди². 2012 йилда Синьцзян ҳудуди билан боғлиқ хужжатларнинг факсимиле нашри чоп этилди³. Манжур тилидаги хужжатлар орасида бевосита ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган Бухоро хонлиги (1510–1920), Қўқон хонлиги (1709–1876) тарихига оид хужжатлар ҳам сақланади. Уларни икки гуруҳга ажратиб олиш мумкин:

Биринчиси, Қўқон ва Бухородан келган мактубларнинг манжур тилига ўгирилган хужжат нусхалари бўлиб, уларнинг баъзилари туркий тилда, араб ёзувида сақланган, баъзилари эса фақат манжур тилидаги нусхаларидан иборат. Уларнинг сони тахминан 50 тадан ортиқ. Қўқон хонлигидан юборилган мактубларни Қашқарда яшаган манжур амалдори Чан Ли туркий тилдан манжур тилига таржима қилган ва Синьцзяндаги манжур амалдорлари – амбонларга ёки императорга юборилган. Ушбу мактублардаги маълумотлардан даст-

¹ *Daqing gaozong chun huangdi shilu* (The veritable record of the Gaozong Chun Emperor of the great Qing dynasty), 1,500 *juan*. Compiled by Qinggui et al., 1807. Repr., 30 vols. – Taipei: Huawen shuju, 1964; Junjichu Manwen lufu zouzhe (Reference copy of palace memorials in Manchu stored in the Grand Council). Document Category (microfilms) at the First Historical Archives of China, Beijing.

² Zhongguo diyi lishi dang'anguan 中国第一历史档案馆 et al., eds., *Qingdai bianjiang Manwen dang'an mulu* 清代边疆满文档案目录 (Guilin: Guangxi shifan daxue chubanshe, 1999).

³ Zhongguo bianjiang shidi yanjiu zhongxin 中国边疆史地研究中心 and Zhongguo diyi lishi dang'anguan 中国第一历史档案馆, eds., *Qingdai Xinjiang Manwen dang'an huibian* 清代新疆满文档案汇编 (Guilin: Guangxi shifan daxue chubanshe, 2012).

лаб XX асрнинг 60-йилларида япон олими Торо Согучи¹ ўз тадқиқотларида фойдаланган. Кейинчалик америкалик тадқиқотчи Никола де Космо², британиялик олима Лора Ньёби³, япон олими Онума Такохиро⁴лар ҳам ўз тадқиқотларида келтириб ўтади. Қўқон ҳукмдори Олимхон (1798–1810)нинг Қашқарга юборган ва туркий тилдан манжур тилига таржима қилинган мактубларини ҳозирча фақатгина Никола де Космо илмий муомалага киритган.

Манжур тилидаги ҳужжатларнинг иккинчи гуруҳи, Чинг империясининг Қўқон хонлиги ва Хитой ўртасидаги сиёсий-дипломатик, савдо алоқаларига оид ҳужжатлардан иборат. XVIII асрнинг ўрталарида манжурлар ҳукумати томонидан Қўқон савдогарларининг Хитой ва Шарқий Туркистон бозорларида савдо қилишига рухсат берилгач, уларнинг бу бозорларга кириб келиши фаоллашган. Манжур тилидаги ҳужжатларда ёзилишича, “Қўқон савдогарлари Синьцзяннинг ички бозорларини аста-секин қўлга олиб, бу ерларда мол-мулк ва маблағга эга бўлганлар ҳамда уйғурларнинг уйлари ижарага олиб, бу ерда улар ўзларининг уюшмаларини тузганлар. 1760 йилдан 1832 йилгача Шарқий Туркистонда Қўқон

¹ Toro Soguchi. 18–19 seiki higashi torikisuton shaka shi kenkyu (Researches on the social history of Eastern Turkistan in the 18th–19th centuries). – Tokyo: Yoshikawa Ko'bunkan, 1963.

² Di Cosmo Nicola. “A Set of Manchu Documents Concerning a Khokand Mission to Kashgar (1807) / Central Asiatic Journal, 41, 2. 1997. – P.159–99.

³ Newby Laura J. The Empire and the Khanate: A Political History of Qing Relations with Khoqand c. 1760–1860. – Leiden, Boston: Brill Academic Pub, 2005.

⁴ Onuma Takahiro. Political Relations between the Qing Dynasty and Kazakh Nomads in the Mid-18th Century: Promotion of the even-ablate Relationship in Central Asia: In A collection of Documents from the Kazakh Sultans to the Qing Dynasty (TIAS Central Eurasian Research Series Special Issue I) edited by Noda Jin and Onuma Takahiro. – Tokyo: The University of Tokyo, 2010. – P.86–125.

Onuma Takahiro. “The 1795 Khaqond Mission and its Nego Tiatian with the Qind: Political and Diplomatic Space of Qing Kashgaria.” Transactions (forthcoming). Istanbul: the Swedish Research institute in Istanbul.

хукмдори ёрлиғига эга бўлган “худойдо” деб аталган оқсоқоллик тизими мавжуд бўлган. “Худойдо” атамаси манжур тилида “савдо оқсоқоли” маъносини билдирган. Худойдонинг расмий ваколоти кўпроқ Шарқий Туркистонда истиқомат қилаётган Қўқон фуқароларидан шариат асосида бож-хирож йиғиб олиш, ўлка бозорларида хонликда зарб этилган тангаларни назорат қилишдан иборат бўлган.

Хитойдаги амалдорларнинг ҳисоботларида Ўрта Осиё хонликлари, айниқса, Қўқон хонлиги ва манжурлар ҳукумати ўртасидаги сиёсий, савдо алоқаларига оид кўпгина маълумотлар берилган. Жумладан, Или ўлкаси губернатори Сун Юн ҳисоботлари ҳам мавзуни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Асли мўғул бўлган Сун Юн 1802–1809, 1814–1816 йилларида Илида хизмат сафари билан бўлган бўлиб, унинг “Сичуй цзунтун шилюэ” (Ғарбий худудлар тарихидан умумий маълумотлар) ва 12 томдан иборат “Циньдин Синьцзян шилюэ” (Шарқий Туркистоннинг қисқача тарихи) каби асарлари мавжуд.

Ушбу асарларда Шарқий Туркистон мавзуси устувор бўлса-да, улар орасида Қўқон хонлиги географияси ва тарихига оид маълумотлар ҳам учрайди. XVIII–XIX асрларга оид маълумотларни ўзида жамлаган хитой хужжатларидан В.С. Кузнецов Қўқон хонлиги ва Хитой империяси ўртасидаги сиёсий-дипломатик алоқаларни ёритишда кенг фойдаланган¹.

Хитой тилидаги манбалардан яна бири бу Хитой амалдори На Яньчэннинг Хитой императорига топширган хужжатлари ҳисобланади². У XIX асрнинг бошларида яшаган бўлиб, Жаҳонгирхўжа кўзғолонидан сўнг импе-

¹ Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии. – Новосибирск, 1973.

² На Яньчэн. На вэн- и Гун Цзоун // Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV–XIX вв. – Алматы: Ғылым, 1994. – С.142–211.

ратор буйруғи билан Синцзян ўлкасига келиб, қўзғолон сабабларини ўрганган. У 47 йил ичида Қўқон ҳукмдорларининг Хитой императорларига ёзган 24 та мактубини ўрганиб, таҳлил этган ва императорга бир неча маслаҳатлар берган. Хитой (Чинг империяси) императорига ёзган ҳисоботида у Жаҳонгирхўжа қўзғолонининг бошланишида Хитойдаги қўқонлик савдогарларни айблаб¹, уларни таъқиб қилиш, Хитойдаги савдосини чеклашни тавсия этган. Император унинг маслаҳатига амал қилиб, Қўқон фуқароларини таъқибга олишга буйруқ берган. Аммо унинг бу тадбири натижасиз тугаган.

Мазкур ҳисоботлардан рус хитойшунослари В.С. Кузнецов, В.М. Гуреевич, япон олими Торо Согучи, К. Хафизова ҳамда хитой тарихчилари Фим Кинг, Пань Чжипин, Ли Шэн ва бошқалар ўз асарларини ёзишда кенг фойдаланганлар.

Хитой ва манжур тилидаги манбалар орасида Қўқон ҳукмдорларининг Хитой императорига ва ноиблари номига ёзилган мактублар ҳам сақланган. Ушбу мактубларни уч гуруҳга – бевосита Қўқон ҳукмдорлари томонидан Хитой (Чинг империяси) императорларига юборилган мактублар, Қўқон ҳукмдорларининг Синцзяндаги манжур императорлари тайинлаган масъул шахс бўлган амбон ва ҳарбий генералларига юборилган хатлар ва ниҳоят, Қўқон ҳукмдорлари томонидан Синцзяндаги Қашқар, Ёркенд, Хўтан каби шаҳарлардаги маҳаллий шаҳар ҳокимларига юборилган мактубларга ажратиш мумкин. Қўқон ҳукмдорлари томонидан юборилган мактубларнинг асосий қисми туркий тилда, баъзилари форсий тилда битилган. Одатда, Қўқон ҳукмдорларининг Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Усманийлар

¹ Пан Чжипан. Қўқон хонлигининг шарқий хуудлардаги сиёсати. – Пекин, 2006. – Б.026–027 (хитой тилида): Пань Чжипин. 1759–1820 нянь Цин юй Хаохань ды гуаньси // Синьцзян шэхой кэсюэй. 1985. №2. – С.191.

давлати, Россия империясига юборилган мактублари форсий тилда битилар эди. Хитойга юборилган мактубларнинг аксарияти туркий тилда бўлиб, бу мактублар хитой ва манжур тилларига таржима қилинган. Жумладан, Қашқарда яшаган манжур амалдорларидан Жин Чэнг (1828), Жединг исмли таржимонлар ушбу мактубларни манжур тилига таржима қилиб, кейин императорга юборган. Ушбу мактубларнинг аксарияти, ҳозирда Хитой Халқ Республикасидаги Ижтимоий фанлар архивида ва Пекиндаги бир неча музейларда сақланади. Шу билан бирга, бу мактубларнинг бир қисми Тожирнинг “Ғаройиби сипоҳ” асарида ва бошқа Қўқон хонлиги тарихига оид қўлёзма асарларда ҳам келтирилган.

Хулоса қилиб айтганда хитой манбаларида ўзбек давлатчилиги ва дипломатияси, минтақа тарихи ва савдо алоқаларига оид муҳим маълумотлар қайд этилган бўлиб, уларнинг аксарияти ўзбекистонлик тарихчилар томонидан илмий муомалага тўлиқ жалб этилмаган ва ўз тадқиқини кутмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИГА ОИД
МАНБА ВА ТАДҚИҚОТЛАР**

(XIX–XX АСР БОШЛАРИ)

Муҳаррир:
М. Нуриддинова

Мусахҳиҳа:
М. Мўминова

Тех. муҳаррир:
И. Саидов

“Nurafshon business” нашриёти
Лицензия АІ № 316. 26 январ 2018 йил.
100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 38-уй.

Теришга 2020 йил 8 октябрда берилди.
Босишга 2022 йил 06 январ (2020 йил 22 декабр)да рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. Офсет қоғози.
“Cambria” гарнитураси. Нашр босма табоғи 26,5.
Адади: 150 нусха. 12-сонли буюртма.

“Nurafshon business” МЧЖ матбаа бўлимида нашр этилди.
100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 38-уй.